

ИСЛОМ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

А-Х

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

Зухриддин Хусниддинов
таҳрири остида

Тақризчи: академик *Неъматулла Иброҳимов*

И $\frac{5000000000}{358-2004}$ 04

ISBN5-89890-078-0

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2004

“Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қондаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжихат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда”.

Ислом Каримов

Сўз боши

Сўнги йилларда дин, хусусан, ислом дини ва унинг инсоният тарихий таракқиётидаги ўрни масаласига қизиқишнинг кескин даражада ортгани унинг ана шундай кенг қамровли мазмун-моҳияти билан бевосита боғлиқдир. Бу қизиқиш айни пайтда жаҳон динлари ичида энг ёши бўлишига қарамай исломнинг унга эътиқод қилувчи халқлар, ушбу дин тарқалган мамлакатлар ҳаётининг турли соҳаларига кўрсатаётган серқирра таъсири билан ҳам белгиланади.

Ўлкамиз азалдан инсоният маданияти, шу жумладан, ислом маданияти ривожига муҳим ўринни эгаллаб келган. Тарихга назар ташласак, ислом динининг моҳиятини англаш, талқин қилиш ва унга ёндашувлар турли даврларда турлича бўлган. Хусусан, истибод йилларида бу мерос деярли ўрганилмади ёки бир ёқлама ўрганилди, коммунистик мафкура ва атеизм нуқтаи назаридан ноҳолис талқин этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг умуман дин, хусусан ислом динини асл манбалар асосида илмий ўрганиш, кенг ёритиб бериш учун имконият яратилди. Мазкур “Ислом” энциклопедияси (қомуси) ҳам ана шу имконият ҳосиласи, исломшунос олимларимизнинг йиллар давомида қалбларида армон бўлиб келган орзуларининг воқеликка айланиши натижасидир.

Ушбу китобга хос бўлган муайян хусусиятлар устида тўхтаб ўтсак.

Биринчидан, замонавий исломшуносликда қўлланилаётган тушунчалар, уларнинг мазмуни ва қамров доираси тўғрисида турлича ёндашувларга асосланган маълумотлар, хулосалар шаклланган ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Шуни инобатга олиб, исломга доир тушунчаларнинг мазмунини талқин этишда кенг тарқалган ва кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилган таърифу тавсифлар берилган.

Иккинчидан, ислом дини миллатимиз маданияти ва маънавиятининг ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, қомусда бир томондан, исломнинг маданиятимиз ривожига таъсири, иккинчи томондан, миллий кадриятларимизнинг ислом таълимоти ривожига таъсирининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Учинчидан, ислом дини ҳам бошқа динлар ва умуман барча ижтимоий ҳодисалар каби ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб бораверади. Бу, хусусан, давр билан ҳамнафас тарзда янги сўз ва атамаларнинг пайдо бўлиши ва муомалага киритилишида ҳам кўринади. Масаланинг ана шу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш зарур.

Тўртинчидан, китобда соф исломий атамалар билан бир қаторда кишиларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ тушунча ва атамаларнинг мазмунини ёритишга ҳам ўрин ажратилганини қайд этиш лозим.

Бешинчидан, жаҳондаги кўп мамлакатларда, айниқса бизнинг ўлкада ислом дини пешволари, азиз-авлиёлар номлари билан боғлиқ кўплаб осори-атиқалар бор. Улар ҳақида ўзбек тилидаги мавжуд маълумотлар ҳам турли талқинда ёритиб келинганини назарда тутиб, китобда машҳур мусулмон обидалари тўғрисида мақолалар ва улар билан боғлиқ безаклар беришни жоиз кўрдик.

Умуман олганда, ушбу қомус билан танишган китобхон ислом, унинг юзага келиши, ривожланишининг асосий босқичлари, ислом дини билан боғлиқ муҳим сана ва воқеалар, ислом фалсафаси ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва уламо, жумладан, ватандошларимиз бўлган буюк муҳаддис, фақиҳ, мутасаввиф, муфассир, алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида яхлит ҳамда тизимли тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлади. Энг асосийси, буларнинг барчаси ҳар томонлама илмий асосланган, айти пайтда содда ва кенг китобхонлар оммаси учун ҳам тушунарли тилда ёзилган.

Энциклопедия яратиш мураккаб ва машаққатли жараён. У кўплаб мутахассисларнинг бир мақсад йўлида ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб меҳнат қилишини талаб қилади. Ҳар томонлама етук китобни яратиш ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди. Бу мазкур соҳадаги дастлабки қадамлардан бўлган “Ислом” энциклопедияси нашрига ҳам тегишлидир. Шундай экан, мутахассисларнинг катта жамоаси томонидан яратилган ушбу энциклопедия ҳам муайян камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Китобхонларимиз буни тўғри тушунадилар ва бағрикенглик билан қабул қиладилар, деб ўйлаймиз.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш – бугунги сиёсатимизнинг узвий қисми, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолати эканлигини ҳамиша таъкидлаб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат бўлган, кишиларни меҳр-оқибатли, ор-номусли бўлишга чорлайдиган ана шу бойликнинг моҳиятини англаш ва тўғри тушуниб етишга муайян даражада хизмат қиладиган мазкур қомус ҳам диншунос, исломшунос, тарихчи мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига манзур ва мақбул бўлади деб, умид билдираимиз.

Зухриддин Хусниддинов.

А

АББОСИЙЛАР – араб халифалари сулоласи (750–1258), *Муҳаммад* (сав) нинг амакилари Аббос авлодлари. *Абу Муслим* кўзғолони натижасида ҳокимият тепасига келган. Дастлабки пойтахти – Куфа ш. “Саффоҳ” (“Хунрез”) лақаби б-н машҳур бўлган Абул Аббос Абдуллоҳ сулоланинг биринчи халифаси эди. Иккинчи халифа Саффоҳнинг укаси Абу Жаъфар Мансур (754–775) Бағдод ш.га асос солиб, пойтахтни шу ерга кўчирди. А. ҳукмронлигининг дастлабки даврида мулкчилик муносабатлари ўсиб, савдо-сотик ривожланди. Бағдод Шарқнинг йирик савдо марказига айланди, илм-фан равнақ топиб, фалсафа, математика, табиийёт ва б. фанларга оид кўплаб асарлар яратилди. Андалусия (Испания) дан ташқари бутун мусулмон мамлакатлари – Магриб, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр А. кўли остига ўтди. Булар халифаликнинг иқтисодий негизини, сиёсий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлади. Айниқса Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли Маъмун замони А. сулоласининг гуллаган даври эди. 9-а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб А. халифалиги заифлаша бошлади, Африкада аглабийлар, Мисрда тулунийлар, Хуросон ва Мовароуннаҳрда сомонийлар А. халифалигидан ажраб чиқдилар. 10-а.нинг бошига келиб фақат Бағдод ва унинг

атрофларидагина сиёсий ҳокимият А. кўлида қолди. Ҳарбий кучлар турк саркардалари кўлига ўтиб кетди. Улар хоҳлаган вақтларида халифаларни алмаштира олар эдилар. 10-а. ўрталарига келиб А. сиёсий ҳокимиятни тамоман қўлдан бой бериб, мусулмонларнинг диний халифаси (пайғамбар ўринбосари)гина бўлиб қолдилар. Эрондаги бувайҳийлар (945 й.) Бағдодни ўз кўлига олди, лекин улар А.нинг мавқеи б-н ҳисоблашар эди. Бағдод салжукий-суннийлар томонидан босиб олингандан кейин А. сиёсий ҳукмронлиги қисман тикланди ва диннинг мавқеи мустаҳкамланди. 1258 й. мўғуллар Бағдодни вайрон қилиб, А.ни тамоман тор-мор келтирди. Мўғул хони Ҳулоку буйруғи б-н Аббосий халифаларнинг сўнггиси – Мустаъсим қатл этилди. А. сулоласининг қолган вакиллари эса Мисрга қочди. Мамлук султонлари даврида (турклар 1517 й. Мисрни олгунга қадар) А. Қоҳирада муқаддас кишилар сифатида яшаб келдилар. 1261 й. мамлук султони Бейбарс А.дан бири ал-Мустансирни халифа деб эълон қилди. 1517 й. А.нинг авлоди Мутаваккил III Истанбулга келтирилиб, у диний раҳнамолик ҳуқуқини турк султонларига топширган. А. дан 37 киши халифа бўлган. Улар қуйидагилар:

	ҳижрий	милодий
1. Саффоҳ	132	750
2. Мансур	136	754
3. Маҳдий	158	775
4. Ходий	169	785
5. Ҳорун ар-Рашид	170	786
6. Амин	193	809
7. Маъмун	198	813
8. Муътасим	218	833
9. Восиқ	227	842
10. Мутаваккил	232	847
11. Мунтасир	247	861
12. Муътаъин	248	862
13. Муътаъиз	252	866
14. Муҳтадий	255	869
15. Муътамид	256	870
16. Муътазид	279	892
17. Муқтафий	289	902
18. Муқтадир	295	908
19. Кохир	320	932
20. Розий	322	934
21. Муттақий	329	940
22. Мустанқий	333	944
23. Мутеъ	334	946
24. Тоиъ	363	974
25. Кодир	381	991
26. Коим	422	1031
27. Муқтадий	467	1075
28. Мустанқир	487	1094
29. Мустанқид	512	1118
30. Рашид	529	1135
31. Муқтафий	530	1136
32. Мустанқид	555	1160
33. Мустанқиз	566	1170
34. Носир	575	1180
35. Зоҳир	622	1225
36. Мустанқир	623	1226
37. Муътаъсим	640-656	1242-1258

АБД (араб. – қул, банда) – кенг маънода “қул” гушунчаси; шунингдек, мажозий маънода аксарият мусулмонлар исмининг таркибий қисми (мас., Абдурахмон, Абдурахим ва б.). Аллоҳнинг қули, бандаси маъносини билдиради. Қуръонда Аллоҳ б-н инсон ўртасидаги муносабат хожа б-н қул ўртасидаги муносабатга ўхшатишган. Бунга биноан Аллоҳ инсонларга қанчалик ғамхўр бўлса, хожалар ҳам қулларига шундай ғамхўр бўлмоқликлари лозим. Ўз ихтиёри б-н қулни озод қилиш солиҳ амаллардан саналиб, у етим ёки

камбағални очарчилик пайтида едириб-ичирганида олган савобидек савобга эришади. Хожа ичган қасамини бузса ёхуд атайлаб эмас, беҳосдан бирор-бир мусулмонни ўлдирса, ўзига хос хун тўлаш шакли сифатида қул озод қилади. Озод қилинганлик ёзма равишда қайд этилади. Муҳаммад (сав)нинг йигирматача (исмлари маълум) қуллари бўлиб, у зот уларни турли вақтларда озод этганлар; пайгамбар (сав)нинг икки аёллари қул-чўрилардан бўлишган, озод аёлларидан фарқли суратда уларга маҳр берилмаган. Мусулмон ҳуқуқи барча мусулмонларни эркин, озод деб билиб, уларни мусулмон давлатларида қул қилиниши, жумладан қарзи эвазига қулга айлантирилиши мумкин эмас деб ҳисоблайди. Шунга биноан топиб олинган гўдак, ханафийлик таълимотига кўра, мусулмонлар яшайдиган юртдан топилган бўлса, мусулмон ва эркин ҳисобланади. Кимда-ким далилларсиз уни қул деб даъво қилса, у қабул қилинмайди. Бироқ қулнинг ислом динига кириши, унинг ўз-ўзидан эркин, озод бўлганини билдирмайди. Қонун меросхўрларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда, васиятномада қулларни, 1/3 қисмидан ортигини озод этилишига руҳсат этмаган. Чўри б-н турмуш қуриш – унга эғалик қилишнинг шаклларида бири. Агар туғилган фарзанд хожадан бўлса (хожа уни ўзиники деб тан олса) чўри умм валад (“гўдак онаси”)га айланади ва айрим имтиёзларга эга бўлади. Агар хожанинг озод хотини бўлмаса у чўрига уйланиши мумкин бўлган, чўри эса, озод аёлга нисбатан ярим ҳуқуққа эга бўла олган. Унинг фарзандлари эркин ҳисобланган, яъни болалар отага меросхўр бўлганлар. Шунинг учун чўридан тарқалганлик шахснинг шаънига доғ туширмаган. Кўпчилик халифалар (мас., Ҳорун ар-Рашид) чўриларнинг фарзандлари бўлишган. Қуллар хожаларининг розилиги б-н оила қуриш ҳуқуқига эга бўлганлар, бу ҳатто Қуръонда ҳам тавсия этилган. Ажралиш учун хожанинг розилигини олиш шарт эмас, ҳатто хожа ўз қулларининг никоҳини бекор қилишга ҳаққи бўлмаган. Диний жиҳатдан мусулмон-қул эркин мусулмонлар б-н тенг деб билинган, бироқ жума намозида бўлиш ҳамда закот тўлаш ва садақа бериш унинг учун мажбурий ҳисобланмаган. Борди-ю, намоз пайтида эркин мусулмон бўлмаса, қул имомликка ҳам ўтиши мумкин бўлган, лекин мустақилликни талаб

этувчи биронта ҳам диний мансабларни (қози, мухтасиб, маош олувчи имом) унга топшириш мумкин бўлмаган. Ислом давлатларида қулчилик 20-а. ўрталаригача сақланиб келган. Жазоирда – 1848 й., Ўрта Осиёда 1865–73 й.ларда расман, амалда эса 20-а. 1-чорагида. Афғонистон, Эрон, Ироқда – 1923–29 й.ларда, Саудия Арабистонида – 20-а.нинг 70-й.ларида бекор қилинган.

АБДИ БЕРУН, Х о ж а А б д и б е р у н, Сайид Абди ибн Яъқуб ибн Саъид ибн Усмон ибн Аффон (9-а.) – Муҳаммад (сав)нинг (қизлари Руқия томондан) авлоди. Абди номи араб қабиласидан. А.б.нинг бобоси (Саъид ибн Усмон) Мовароуннахрни фатҳ этишда қатнашган. А.б. Самарқанд қозиси бўлган. Қабри шаҳар ташқарисида бўлганлиги учун шундай аталган.

АБДИ ДАРУН, Х о ж а А б д и д а р у н, Абд ал-Муъизиддин ибн Муҳаммад Яъқуб ибн Муҳаммад Абди ибн Усмон ибн Аффон (9-а.) – Муҳаммад (сав)нинг (қизлари Руқия томондан) авлоди. *Абди берун*нинг ўгли. Лақаби Хожаи Ганжравон. Қабри Самарқанд ш. ичида бўлгани учун шундай аталган. А.д. Самарқанд қозиси бўлган, ниҳоятда адолатли, тўғрилиги б-н шуҳрат қозонган. Унинг қабри муқаддас зиёратгоҳлардан саналади.

АБДИ ДАРУН МАҚБАРАСИ, Х о ж а А б д и д а р у н м а қ б а р а с и – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (12-а. – 15-а.нинг 1-ярми). Самарқанд қалъа деворининг шарқий томонида (дарун – ичкари) жойлашган қад. зиёратгоҳ. Марказида энг йирик бино – хонақоҳ (15-а.) бор. Унинг пештоқи, гумбази ва деворининг безаклари Улуғбек даври меъмورлиги махсули. Хонақоҳнинг ичида *Абди дарун*нинг қабри бор. Хожа Абди дарунни Хожаи Кунж деб ҳам атаганлар.

АБДОЛ (араб. – авлиё(лар)) – *тасаввуф*да валийликнинг муайян бир даражасига эришган гуруҳ. Кенг маънода авлиёлар, шайхларни ҳам англатади.

АБДУ (Абдо) Муҳаммад (1849–1905) – мисрлик илоҳиётчи, жамоат арбоби. Қоҳирадаги ал-Азҳар дорилфунунида тахсил олган (1869–77). Миллий-озодлик курашида иштирок этганлиги учун ҳибсга олиниб, сўнгра Мисрдан чиқариб юборилган (1883–88); 1884 й.да Парижда Жамолиддин ал-Афғоний б-н биргаликда “Ал-Урват ал-вусқо”

(“Мустаҳкам бирлик”) яширин жамиятини тузган, бу жамият мусулмон зиёлилари орасида катта таъсирга эга бўлган, шу номда газета нашр этган. 1889 й. Мисрга қайтиб келиб, қозилик, ал-Азҳар дорилфунунида мударрислик қилган. 1898 й. “Ал-Манар” журналига асос солган. 1899 й.дан умрининг охиригача Миср муфтийси бўлган. А. *ижтиҳод* ҳуқуқини илгари суриб, ислом ақидаларини ҳар бир даврнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиш зарур деб ҳисоблаган. баъзи урф-одат ва тақиқларни енгиллаштиришни ёқлаб чиққан. А. “Тафсир ал-Қуръон ал-ҳаким” (“Қуръон тафсири”), “Рисолат ат-тавҳид” (“Яккаҳудолик тўғрисида рисола”), шунингдек шарият, таълим тизимини ислоҳ қилишга оид 30 га яқин китоб муаллифи.

АБДУЛАВВАЛ НИШОПУРИЙ (? – 15-а.) – мутасаввиф. Нишопурда туғилган. “Масмуот” (“Эшитилганлар”) китоби б-н машҳур. Бу асар *нақибандийлик* тариқатининг намоёнчаси *Хожа Аҳрор*нинг суфийлик қарашларига бағишланган. Унинг ёшлигидан то умрининг охиригача босиб ўтган суфиёна ҳаёт йўли ўша даврдаги сиёсий, ижтимоий аҳвол б-н боғлаб кўрсатилган. Китобда Мирзо Улуғбек даври (15-а. 1-ярми) воқеалари ҳам ўз ифодасини топган. Бу асарнинг нодир 2 нусхаси сақланган. А.Н. Самарқандда Хожа Аҳрор қабристонига дафн этилган.

АБДУЛЖАББОР ибн Аҳмад ал-Ҳамазоний (? – 1025 – *муътазилийлар*нинг йирик мутакаллим, *шофийийлик* мазҳаби фақиҳи. Бувайҳийлар даврида муътазилиянинг қайта тикланиши А. фаолияти б-н боғлиқ. *Калом*да у даставвал ашъарийлар таълимотига суянган, сўнгра муътазилийлар қарашларини қабул қилган. Бағдодда яшаган, тахм. 971 й. бувайҳийлар вазири муътазилия каломи ҳомийси ас-Соҳиб ибн Аббод (938–995) томонидан фикҳдан сабоқ бериш учун Райга таклиф этилган. Райда А. қози ул қуззот этиб тайинланган. А. – калом, фикҳ ва табиий фанларга оид кўплаб асарлар муаллифи. А.нинг ҳоз. давргача сақланган (1950 й.лар бошида топилган) асарлари, шунингдек уни бевосита шогирдлари Абу Рашид ан-Найсабурий (тахм. 1024 й. в. э.) ва Ибн Маттувайх (1076 й. в. э.) иштирокида ёзган асарлари муътазилия таълимотига оид асосий манба ҳисобланади.

АБДУЛЛОҲ ибн АББОС (ёхуд ал-Аббос) Абул Аббос (619–686) – Муҳаммад (сав)нинг амакиваччалари. А.и.А. ниҳоятда илмли бўлганлиги туфайли “хабр ал-умма”(“жамоа донишманди”) лақабига сазовор бўлган. Муҳаммад (сав) ва саҳобаларнинг фаолиятлари, айтган сўзлари ҳақидаги ҳикояларини (ҳадислар) тўплаш фикри дастлаб А.и.А.га келган. А.и.А. Куръонни тафсир қилувчи, фикҳга оид масалаларни шарҳловчи (хуқуқга доир масалалар бўйича унинг ўзи хулоса чиқарган), жоҳилият даври тарихи, Муҳаммад (сав)нинг ғазотларига оид ҳикояларни етказувчи сифатида машҳур.

АБДУЛЛОҲ ибн АБУ БАКР (? – 632) – Абу Бакр Сиддиқнинг ўғли, пайғамбаримиз (сав) нинг қайин инилари. Ислоннинг дастлабки йилларида мусулмонликни қабул қилган. Хижрат чоғи пайғамбаримиз (сав) биродарлари Абу Бакр б-н уч кун Савр ғорида қолиб кетганларида Абдуллоҳ уларга ҳам егулик келтириб, ҳам мушрикларнинг ишларидан хабардор қилиб туриш б-н муҳим вазифани адо этган. Кейин у ҳам Маккадан кетиб, “муҳожир” деган номга сазовор бўлган. Макка фатҳида қатнашган. Хунайн ва Тоиф жангларида иштирок этган. Тоифдаги муҳосарада ўк тегиб, яраланган.

АБДУЛЛОҲ ибн МАСЪУД, тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Рофия ибн Хабиб ал-Хузалий; кунyasi – Абу Абдурахмон (590–653) – саҳоба, буюк факих ва мужтаҳидлардан бири, Муҳаммад (сав) хизматларида турган зотлардан. Шу сабабли Куръони каримни ҳаммадан яхши ўрганган, жуда кўп ҳадис эшитган ва ёд билган. Расулulloҳ оғизларидан эшитиб ҳифз этган, тафсир илмининг энг моҳири. А. и. М. Куръони каримни Маккада қурайшлар орасида энг аввал ёйган. Мақоми Иброҳимда Раҳмон сурасини очик-ошкор ўқиган. Бадр ва Уҳуд ва б. барча жанглarda қатнашган. Расулulloҳ (сав) вафотларидан сўнг Куфа хазинасининг бошлиғи бўлган. Усмон (ра) даврида Мадинага келиб шу ерда 63 ёшида вафот этган.

АБДУЛЛОҲ ибн МУБОРАК, тўлиқ исми Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Ханзалий ал-Марвазий (736–797) – иккинчи даражали тобеинлардан; суфий, муҳаддис. Ҳадис, фикҳда замонасининг етакчи олими. Хоразм туркийларидан Муборак ибн

Возихнинг ўғли. Хуросоннинг илмий-маданий маркази Марвда туғилган. Бутун умрини ҳаж, жиҳод, илм ва ибодат йўлига бахш этган. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Саёҳатларида Абу Ҳанифа б-н кўришган ва унинг энг мумтоз шогирдлари сафидан ўрин олган. Суфийлик, фикҳ, ҳадисшунослик, тарих, филология ва тафсирга оид асарлар ёзган. 20 минг ҳадисни ўз ичига олган 20 асарини Абу Ҳанифанинг абвоби фикҳига кўра тартиб этган. Жиҳод ҳақида илк асар таълиф этган ва илк дафъа Арбаъин (қирқ ҳадис) ёзган. А.и.М.дан баҳраманд бўлганлардан бири *Аҳмад ибн Ханбалдир*. Имом Бухорийнинг отаси – Исмоил А.и.М.нинг шогирдларидан бўлган. Тарсус (Сурия)дан қайтаётганда вафот этган ва Фурот дарёсининг қирғоғидаги Хиш ш.да дафн этилган. Унинг “Китоб аз-зуҳд варрақоик” номли 16 жуздан иборат китоби бизгача етиб келган.

АБДУЛЛОҲ ибн УМАР, тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Хаттоб ал-Адавий, кунyasi – Абу Абдурахмон (тахм. 612–693) – асҳоби киромнинг энг юксак олим ва мужтаҳидларидан бири. Хижоз фикҳи ва ҳуқуқининг тамал тошини қўйган зот. Олтмиш йил фатво бериш б-н шугулланган. Абу Ҳурайра (ра)дан сўнг Расули Акрам (сав)дан энг кўп – 2630 ҳадис ривоят этган. Отаси Умар (ра) б-н Мадинага хижрат қилган, Усмон (ра) вафот этгач халифалик таклиф қилинган, аммо бу рутбадан бош тортган.

АБДУЛЛОҲ НАДИМ, тўлиқ исми – Абдуллоҳ ибн Мисбоҳ Иброҳим ал-Идрисий ан-Надим (1845–1896) – мисрлик жамоат арбоби, маърифатпарвар, мутафаккир. Араблар озошлик ҳаракатининг намояндаларидан бири. Қоҳирадаги ал-Азҳар ун-тида ўқиган. 80-й.ларда А.Н. тараққийпарвар ва ватанпарвар зиёлилар б-н биргаликда инглизлар асоратига қарши курашда фаол қатнашган, журналлар нашр этган. Ислоннинг ахлоқий таълимотига асосланган ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини тарғиб қилган. Бир қанча ватанпарварлар қатори А.Н. ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинган, лекин у қочиб, 9 й. муҳожирликда таъқиб остида яшаган. А.Н. 20 дан ортиқ асар ёзган. Улар орасида “Сулофат ан-надим фи мунтахабат ас-сайид ан-Надим ибн Мисбоҳ” (“Ан-Надим ибн Мисбоҳ танланган асарларида дўст учун ширин май”),

“Хони ан-Надим” (“Надимнинг нолалари”) кабилар айниқса машхур. Умрининг охириги йилларини Истанбулда ўтказган ва шу ерда вафот этган.

АБДУРАҲМОН ибн АВФ (тахм. 579–654) – саҳоба; маккалик илк (*Хадичадан* кейин) саккиз мусулмоннинг бешинчиси. *Ашаран Мубашишаралардан*. А.и.А. ҳам Ҳабашистонга, ҳам Мадинага кўчган муҳожирлардан. Бадр, Ухуд ва б. жангларда Муҳаммад (сав)нинг ёнларида бўлган. *Узуд жангида* йигирма жойидан яраланган. Дастлаб фақир эди, сўнгра тижорат б-н шуғулланиб бойиб кетган. Хайр-эҳсонни кўп қиладиган, бу одатни яхши кўрадиган зот бўлган. Бир кунда ўттиз қулни озод қилган. Мол-дунёсининг бир қисмини ҳаётлигида мусулмонларга тарқатган, бир қисмини гозийларга васият қилиб қолдирган. *Умар* (ра)дан сўнг халифа бўлишни истамаган, ҳакамлик қилган. Усмон (ра)ни халифа этиб сайлаган ва ҳаммадан олдин унга байъат қилган.

АБДУРАҲМОН ибн САМУР ал-АНСОРИЙ (? – 670) – саҳобалардан. Тобук газоти, Ирок, Сижистон, Хуросон ва б. мамлакатларни фатҳ этишда қатнашган. Сейистон ноиби (653–666). Басрада вафот этган. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, унинг қабри Марви Шохижохон (Марв)да жойлашган.

АБДУССАЛОМ ал-МУБОРАКПУРИЙ, тўлиқ номи Абулхуда Муҳаммад Абдуссалом ибн аш-Шайххон Муҳаммад (1872–1924) – ҳадисшунос, тарихчи. Хиндистондаги Муборакпур кишлоғида, зиёли, тақводор оиласида дунёга келган. Куръони карим, ҳадиси шариф, тафсир, фикҳ, тарих, ҳикмат ва табобат илмлари бўйича замонасининг энг йирик алломаларидан таълим олган. 22 йил давомида бошланғич ва олий мадрасаларда, сўнг умрининг охиригача “Дор ул-ҳадис ар-раҳмонийя” ун-тида мударрис. Узоқ йиллар олиб борган тадқиқотларига таяниб, ислом илми ва тарихга доир бир қанча асарлар яратган. Улардан “Сийрат ал-Имом ал-Бухорий” ислом оламида машхур бўлиб, ҳадис илми ва муҳаддислар хусусидаги асарларнинг энг батафсили ва мукаммали ҳисобланади. Бу асар 1955–86-й.ларда Банорасда икки марта нашр этилган.

АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ – к. *Фиждувоний*.

АБОДИЛА (араб. абдуллоҳлар) – *фикҳ* илмида тўрт саҳобаи киром (Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Азз ибн Зубайр, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс)га нисбатан қўлланиладиган истилоҳ. Бирор фикҳий масала А.нинг сўзи сифатида зикр этилса, бу масалада мазкур шахсларнинг муттафик (бир хил фикрда) эканлари тушунилади. “Абдуллоҳ” исми саҳобаи киромнинг адади, ибн ас-Салоҳнинг сўзига кўра, икки юз йигирмага, ибн ул Фатхуннинг забт ва таҳқиқига кўра эса, уч юзга етади, аммо “абодила” истилоҳи фақат мазкур тўрт шахсга нисбатангина қўлланилади. Илми фикҳни тўла эгаллаган бўлишига қарамай, Абдуллоҳ ибн Масъуд А. қаторига кирмайди. Чунки бу истилоҳ унинг вафотидан сўнг пайдо бўлган.

АБРАҲА (ҳабашча Иброҳим) – Яман ҳокими. Ривоятга кўра, А. Яманда ҳукмронлик қилиб турган вақтда Саъно ш.да Қуллайс номли баҳайбат христиан черковини барпо этиб, халқни Маккага бориб ҳаж қилмасдан, уни зиёрат қилишга даъват этган. Лекин Яман аҳли Макка зиёратини тарк қилмаган. Шунда А. Каъбани вайрон қилиш учун филлар б-н ҳужум бошлаган (А. шунинг учун Соҳиб ул-фил лақабини олган). Аллоҳ таолонинг қудрати б-н унинг қўшини устига тўп-тўп қушлар учиб келиб, тош парчаларини ёғдириб филларни ҳам, лашкарларни ҳам ҳалок этган. Бу воқеа Муҳаммад (сав) таваллудларидан бир оз олдин бўлиб ўтган. Куръоннинг 105-сураси “Фил” номи б-н аталиши ва Муҳаммад (сав) “Фил” йилида туғилган дейилишининг сабаби ҳам шу.

АБРОР (араб. – яхшилар, пок кишилар) – тасаввуфга кўра, даражалари ўрта ҳол кишилар. Уларнинг даражаси авлиёлардан куйи, оддий халқдан юқори ҳисобланган. Улар Аллоҳнинг буйруқларини ўртача бажарадилар, ман қилган ишларидан сақланиб юридилар.

АБУ (араб. – ота сўзининг изофа ҳолатидаги шакли) – араблар ва б. мусулмон халқларда кўпчилик куняларнинг таркибий қисми. Мас., Абу Нувос, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва б.

АБУ БАКР ВАРРОҚ, Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал-Варроқ (? – 907) – фақих. Балхдаги Аёз маҳалласида таваллуд

топган. Исломдан ташқари яҳудийлик ва христиан динларидан ҳам мукамал билимга эга бўлган. Илоҳиётга доир ўнга яқин асар, жумладан “Китоб ал-ихлос”, “Китоб ал-хуруф”, “Китоб ал-ажаб”, “Китоби Хадиқат ал-ботин” ва б. муаллифи. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича 907 й. Сиёҳжирд қишлоғида вафот этган, Термиздаги Машоҳид деган жойда дафн этилган.

АБУ БАКР СИДДИК (ра). тўлик исми Абу Бакр Сиддик Абдуллох ибн Абу Қаххофа ибн Омир (571/572 – 634.23.8) – исломда “хулафои рошидин” (“тўғри йўлдан боровчи халифалар”), Мовароуннаҳрда “чаҳорёрлар”, “чорёрлар” деб аталган дастлабки тўрт халифадан биринчиси (632–634). *Муҳаммад* (сав)нинг энг яқин сафдошлари, қайноталари (*Оишанинг* отаси). Йирик савдогар. Макканинг курайш қабиласидан. Муҳаммад (сав) даъватлари б-н исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган. Исломга киришдан олдин исми Абдулкаъба эди. Абдуллох исмини Муҳаммад (сав) кўйганлар. Сиддик деб аталишига сабаб шуки, *исро ва меърож* ходисасини энг биринчи бўлиб тасдиқлаган. Муҳаммад пайғамбар унга Сиддик, яъни имони кучли деб лақаб берганлар. Маккадан Мадинага ҳижрат қилишда Муҳаммад (сав)га ҳамроҳ, горда ҳамнишин бўлган. Бадр, Уҳуд, Хандак, Худайбия ва б. жойлардаги жангларда иштирок этган. А.Б.С. (ра) умр бўйи тўплаган 40 минг дирҳамларини ислом йўлига сарф қилган, чунончи, *Билал* Хабашийни сотиб олиб, қулликдан озод этган. Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин биринчи халифа бўлиб сайланган (632). Араб қабилаарининг Мадина ҳокимиятига қарши кўтарган кўзғолонларини бостирган (қ. *Ридда*). А.Б.С. (ра) халифалиги даврида араблар Ироқ ва Сурияни фатҳ этган. 634 й.дан Византия императори (Рум султони) Ираклий (Хирақил) юборган юз мингдан ортик кўшин ҳам ислом лашкарларидан енгилган. Куръони каримни тартибга солиб, жилд ҳолига келтиришга киришган. Сарвари оламдан 142 ҳадис ривоят қилган. Ислом давлатини бошқаришда қатор тартиблар жорий этган, мамлакатни бошқариш учун Маслаҳат кенгаши, ҳар бир вилоятга волий (ҳоким) тайинлаш, *Байтулмол* ташкил этиш қабилаар шулар жумласидандир. А.Б.С. (ра) Муҳаммад (сав) васиятларига содиқ қолиб

жуда камтарона ҳаёт кечирган. Мадинада вафот этган ва Муҳаммад (сав) ёнларига дафн қилинган.

АБУ БАКР ШОШИЙ, М у х а м м а д и б н А х м а д Ш о ш и й (1038–1114) – фикҳшунос. Шошда туғилиб ўсган, Бағдодда таълим олган. Мадрасани тугатгач, Низомия мадрасасида мударрислик қилган. Асарлари ичида энг машхури “Хилят ал-уламо” (“Олимлар чиройи”) бўлиб, олим бу асарини аббосийлар халифаларидан Мустазхир (вафоти 1118 й.)га бағишлаган. Шу китоби туфайли А.Б.Ш. “Мустазхирий”, яъни Мустазхир тарафдори деган ном таратган. Асарига шарҳ сифатида Шоший “ал-Муътамад” (“Ишончли”) китобини ёзган. Олимнинг фикҳшуносликка оид яна бир йирик асари “аш-Шофий” (“Шифо берувчи”) бўлиб, у араб олими Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний (791–878)нинг “ал-Мухтасар” (“Қисқача”) асарига шарҳдир. Бу шарҳ 20 жилддан иборат бўлиб, олим уни 5 йил давомида ёзиб тугатган. А.Б.Ш. нинг “аш-Шофия шохобчасининг устуни”, “Талокқа оид масала” каби асарлари ҳам бўлган. Шоший араб адабиёти, шеърятти, тилшунослиги, Куръон, ҳадисни нухта эгаллаган. Фикҳшуносликдаги билими, тутган мавқеи жиҳатидан уни барча арабийнавис энциклопедик китобларда номи зикр қилинганда “Ислом мамлакатларининг фахри” деб атайдилар. А.Б.Ш. Бағдодда вафот этган, қабри шаҳарнинг Боб ал-Шероз макбарасида, устози ва машхур олим Абу Исҳоқ Шерозий қабри ёнида.

АБУ ДОВУД Сижистоний, тўлик исми Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр ал-Аздий ас-Сижистоний (817–888/889) – муҳаддис, имом. Ёшлигидан ҳадис илмини ўрганган. Ўсмирлик чоғларидаёқ ҳадис тўплаш ниятида саёҳатга чиқиб, Хуросон, Ироқ, Сурия, Миср, Хижоз каби юртларда бўлган. Бир қанча улуғ муҳаддислар (Бухорий, Аҳмад ибн Ханбал, Қутайба ибн Саид, Термизий) б-н учрашган. Абул Фараж ибн Жавзийнинг гувоҳлик беришича, у ҳадисларни нақл қилиш ва уларнинг сабабларини кўрсатиш бўйича муҳаддис уламоларнинг энг улуғларидан бири саналади. А.Д. ўзининг айтишича, 500 минг ҳадис ёзиб олган. Шулардан 4800 тасини маълум бир шартлар асосида ажратиб,

ҳадислар тўплами тузган. Бу тўплам “Сунан” (“Суннатлар”) номи ила машҳур бўлиб, саҳиҳлиги жиҳатидан имом Бухорий ва Муслимларнинг асарларидан кейинги ўринда туради, яъни “Кутубус ситта” (“Олтита ишончли”) ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланади ва шунинг учун ҳам кейинчалик уни имом А.Д. деб ёдга олинадиган бўлди. А.Д. умрининг сўнгги йилларини Бағдодда ўтказган ва Басрада вафот этган. Унинг “Носих ул-Қуръон ва мансух” (“Қуръоннинг насх қилувчи ва қилинган оятлари”) ва “Далоил ал-нубувват” (“Пайғамбарлик далиллари”) асари ҳам бор. Ибн Надим унинг “Китоб ихтилоф ал-масоҳиф” (“Илк муҳафлар (Қуръон қўлёзмалари)нинг бири-биридан фарқи ҳақида китоб”) номли асарини эслатиб ўтади. А.Д.нинг асарлари “аҳли сунна вал-жамоа”нинг муҳим ҳужжатларидан ҳисобланганлиги учун азалдан Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган.

АБУ ЖАҲЛ, асл исми Амр ибн Хишом (? – 624) – Макка зодагонларидан бири. Муҳаммад (сав) тарғиботига қарши тургани, унга душманлик қилгани учун лаънатланган. Исломи анъанасида унга А.Ж. (жаҳолат эгаси) лақаби берилган. А.Ж. *Бадр жангида* ҳалок бўлган. **АБУ ЗАЙД**, тўлиқ исми Убайдулло ибн Умар ибн Исо ад-Дабусий (? – 1039) – бухоролик, ханафийликка асосланган фикҳ олими. Фикҳда кенг тарқалган “Илм ул-хилоф” (“Ихтилофлар ҳақидаги илм”) унинг номи б-н боғлиқ. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида А.З.нинг 1094 й.да кўчирилган “Таквим ул-адилла фил-усул” (“Қонуншунослик асослари бўйича далиллар баёни”) ва 1278 й.да кўчирилган ахлоққа доир “ал-Амад ул-аксо” (“Охирги чегара”) асарлари нусхаси сақланади.

АБУ ЗАРР ал-Ғифорий, тўлиқ исми Жундуб ибн Жунода ибн Суфён ибн Убайд ал-Ғифорий (? – 652/53) – саҳобаларнинг улуғларидан. Ғифор қабиласидан. Исломига жуда эрта кирган зотлардан. Халифаликда *Али* авлодлари ҳукмрон бўлиши керак деган ғояни илгари сурган. А.З.нинг бу ғоялари шиаликдаги *имомат* таълимотига асос бўлган. А.З. ўзининг тақвоси ва содда ҳаёт тарзи б-н машҳур бўлган. Пайғамбар (сав) вафотидан сўнг Шом саҳросида яшаган. *Усмон* (ра) халифалиги даврида Дамашқда яшаган. Унинг

хузурига кўплаб камбағал ва бечоралар келиб турган. А.З. уларга Пайғамбар (сав)нинг шариатга итоат қилмайдиган, зикна бойларни мазаммат қиладирган ҳадисларини ривоят қилиб берган. А.З. камбағалларнинг бойлар мулкида ҳақлари борлигини тарғиб қилган. *Муовия*нинг шикоят асосида *Усмон* (ра) уни Мадинага чақиртириб олган. Лекин камбағалларни бойларга қарши кўзгатгани учун ар-Рабда қишлоғига жўнатилган ва шу ерда вафот этган. 281 та ҳадис ривоят қилган. **АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ** – қ. *Термизий* Абу Исо.

АБУ ЛАЙС САМАРҚАНДИЙ, тўлиқ исми Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (? – 1003) – фақиҳ, муфассир. “Ал-Фақиҳ” ва “Имомул-худо” номлари б-н танилган. Самарқанд шайхулисломи. Ҳикматли сўзлари б-н ислом оламида шухрат қозонган. “Хизонат ул-фикҳ” (“Фикҳ хазинаси”), “Бўстон ул-орифин” (“Орифлар бўстони”), “Танбиҳул-ғофилин” (“Ғофилларга танбех”) ва б. асарлар ёзган. Қуръон тафсирига бағишланган машҳур “Баҳрул-улум” (“Илмлар денгизи”) асарининг иккита қўлёзма нусхаси сақланиб қолган. Уларнинг бири Миср Араб Республикаси кутубхонасида, иккинчиси Буюк Британиянинг Эдинбург ш. кутубхонасидадир. Ҳозирда мазкур тафсир нашр этилган.

АБУ ЛАҲАБ (араб. – “ўтда куювчи”, “алангаланувчи”; асл исми Абд ал-Уззо ибн Абдулмутталиб (6-а. ўрталари – 624) – *Муҳаммад* (сав)нинг амакиси ва ёвуз душмани. А.Л.нинг Атаба ва Утайба исмли икки ўғли пайғамбар (ас)нинг қизларига уйланган. Абу Толиб ўлимидан сўнг (619 й.) у бану Хошим қабиласининг бошлиги бўлган. Дастлаб Абу Толиб каби Муҳаммад (сав)га ҳомийлик қилган. Аммо Муҳаммад (сав) Макка аҳли сиғинган уч маъбудни тан олишдан бутунлай воз кечганларидан сўнг, қайноғаси *Абу Суфён* таъсирида Муҳаммад (сав)ни ҳимоя қилишдан бош тортган. Пайғамбар (ас)ни масхаралаб, хотини б-н биргаликда у зотга қарши ҳар хил макрлар ишлатган. Муҳаммад (сав)нинг душманлари ичида Қуръонда исми келтирилган ягона шахсдир. Қуръоннинг 111-сурасида А.Л. лаънатланади.

АБУ МАДЙОН (Бумедйен) Абу Мадйон Шуъайб ибн ал-Хусайн ал-Ансорий

(тахм.1126–1197) – шимолий африкалик машхур суфий. Севилья ш. атрофида, андалусиялик араблар оиласида туғилган. Отанаси вафотидан сўнг акалари қўлида чўпон бўлган, тўқувчилик ҳунарини ўрганган А.М. ўсмирлик чоғида Шимолий Африкага ўтиб, балиқчилик б-н шуғулланган, жангчи ҳам бўлган. А.М. суфийлик хирқасини Фес ш.да, Мағрибнинг энг йирик шайхлари ад-Даққок (12-а. ўрталарида вафот этган), Али ибн Хирзихим (1195 й.в.э.), Абу Йаъазза ал-Хазмирий (1177 й.в.э)лар қўлида сабоқ олаётган чоғида олган. Фикхий масалаларда А.М. моликийлар мазҳаби томонида бўлган. Ҳаж сафаридан қайтиб келгач, А.М. Бежая (Бужи)да яшаган, бу ерда у ўзининг ваъзалари ва тақводорлиги б-н шуҳрат қозонган. Унинг атрофида кўплаб шогирд ва издошлари тўпланган. А.М.нинг шуҳрати ва таъсири ошиб бораётганидан, А.М. номидан маҳдийлик ҳаракати байроқ сифатида фойдаланиши, бу эса ҳали мустаҳкам бўлмаган Алмоҳадлар (Ал-Мувахҳидун) ҳокимиятига хавф туғдириши мумкинлигидан хавотирга тушган Марокаш ҳукмдори Абу Юсуф ал-Мансур уни Марокашга келтиришга амр қилган. Йўлда кексайиб қолган суфий оғир хасталаниб Тлемсен ш. атрофидаги Уббод деган жойда вафот этган. Ривоятларга кўра, А.М. ўз даврининг Фавсул Аъзами бўлган. Уббоддаги қабри атрофида замонлар ўтиши б-н меъморий мажмуа вужудга келган, у ҳозирда муқаддас зиёратгоҳ саналади. Тлемсен ш. аҳолиси А.М.ни ўзларининг пирлари деб биладилар.

АБУ МАНСУР ал-МОТУРИДИЙ – қ. *Мотуридий* Абу Мансур.

АБУ МУСЛИМ (лақаби; бошқа лақаблари Або Муслим, Абу Муслим Хуросоний, Абу Муслим Марвазий; асл исми Абдурахмон) (тахм. 727–755) – Хуросон ва Мовароуннаҳрда *умавийлар* сулоласига қарши ҳаракат раҳбари. Исфаҳон вилоятидан чиққан қул. Баъзи манбаларга кўра, *аббосийларнинг* Куфадаги тарғиботчиларидан Исо ас-Саррожнинг қули бўлган, бошқа бир манбаларга қараганда, Исфаҳон вилоятида яшовчи бир араб, йирик ер эгасининг қули бўлиб, 738 й. хўжайини Куфа қамоқхонасига ташланган пайтда А.М. унинг хизматида бўла туриб ас-Саррож б-н танишган ва унинг топшириқларини бажара

бошлаган. Кейинчалик аббосийларнинг Хуросондаги тарғиботчилари раҳбари Абу Саламага сотилган (ёхуд берилган). 744 й. бошида у б-н бирга Хуросонга келган. Кейинчалик А.М. алавийлардан Иброҳим ибн Муҳаммадга маъқул келгани туфайли унга тухфа қилинган. Иброҳим уни озод қилиб, Абдурахмон деб исм қўйган ва уни ўзига яқин тутган.

747 й. мартда Иброҳим А.М.ни умавийларга қарши тайёрланаётган ҳаракатга раҳбарлик қилиш учун Хуросонга ўзининг шахсий вакили сифатида жўнатган. Май ойида у Марв воҳасига етиб келиб, бир ой ичида бир неча минг тарафдорларини тўплаган. А.М. қулларга озодлик берилишини ваъда қилган. Хуросон ноибни Наср ибн Сайёр қўшинлари устидан ғалаба қилиб, 748 й. бошида Марвни эгаллаган. А.М. шу ердан туриб Хуросон ва Мовароуннаҳрни эгалланишига раҳбарлик қилган. А.М. Марвда кўпгина қурилиш ишларини олиб борган, илк бор хутбани ўтириб эмас, балки минбарда туриб ўқиган. А.М.нинг ҳукмронлик даври нотинч бўлган: 750 й. умавийлар ўрнига келган аббосийлар сулоласидан норози бўлган Бухоро араблари кўзғолон кўтаришган ва Мовароуннаҳрнинг кўпгина ҳокимлари халифаликдан ажраб чиқишган. А.М. Самарқандгача бориб, унинг истеҳкомларини янгилаган ва Мовароуннаҳрга эгаллик қилиш учун кураш бошлаган. 751 й. июлда унинг саркардаси Зиёд ибн Солих Тароз ёнида Хитой қўшинини тор-мор келтирган ва бу б-н аббосийларнинг Сирдарё ортидаги ҳудудларига эгаллик қилишларини таъминлаган. 752 й. бошида А.М. Марвга қайтиб келган, бироқ оз фурсатдан сўнг Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинланган Зиёд исён кўтарган ва А.М.га яна Амударёни кечиб ўтишига тўғри келган. А.М. кудратининг ошиб бораётгани аббосийларни хавотирга солган ва улар уни йўқотиш пайига тушишган. 754 й. май-июнда А.М. ҳажга бориш учун Хуросонни тарк этган. Шу пайтда ас-Саффоҳ вафот этиб, халифалик тахтига ал-Мансур ўтиради. Мансур ҳокимиятини амакиси, Византияга юриш қилган қўшин қўмондони Абдуллоҳ тан олмаган. А.М. исёнчини тор-мор келтирган (754 й.нояб.) ва катта ўлжани қўлга туширган. Мансур ўлжани талаб қилади, бундан ғазабланган А.М. Хуросонга қайтган. Бирок

халифа уни йўлдан қолдириб Мадойин ш.га музокарага чақиртириб келтиришга эришган. А.М. шу ерда 755 й. 12 фев. (ёхуд 27 янв.)да халифа қабулида бўлган чоғида ўлдирилган.

Саккиз йиллик фаол диний-сиёсий фаолияти даврида А.М. “ашаддий” шиалар таълимотига ёки имоматликка яқинлашмаган бўлса ҳам унинг ўлими замонавий маздакийлар, шиаларнинг бир қанча қўзғолонларини келтириб чиқарган. “Ашаддий” шиаларнинг айрим фирқалари уни имом деб эълон қилган, абумуслимия фирқаси пайдо бўлган. Буларнинг сўнгги акс-садоси Муқанна қўзғолони ҳисобланади. А.М. ҳақида Марвда удум бўлган ривоят, афсоналар кейинчалик форс тилида (унинг туркийча варианты ҳам бор) ёзилган халқ романи – “Қиссан Абу Муслим” (ўзбекча “Абу Муслим жангномаси”)га асос бўлган.

АБУ МУСО ал-АШЪАРИЙ, тўлиқ исми Абдуллох ибн Қайс ал-Ашъарий (тахм.601 – тахм. 665, Қуддус) – асхоби киромнинг фақиҳларидан, зоҳид ва фозил бир зот. Хижратдан аввал қабиланинг аҳолиси ва ўз биродарлари б-н Маккага келиб муслмон бўлишган. Илму фазли, зуҳду тақвоси б-н ҳазрати Пайғамбар (сав)нинг таважжуҳларини қозонган. Расули Ақрам томонидан Зобит ва Адан томонларга валий қилиб тайинланган. *Умар* (ра) А.М.ал-А.ни Басрага волий қилиб тайинлаган. Аскарий кўмондон сифатида Эҳваз (Эфес) ва Исфаҳон тарафларни фатҳ этган. *Усмон* (ра) замонида Куфада волий бўлган. Сиффинда ҳам ҳокимлик қилган. Куръони каримни гўзал бир садо б-н тиловат этар, тингловчиларни ҳаяжон ва тугёнга солар эди. Ушбу жиҳатдан ҳам Расули Ақрамнинг мадҳу саносига сазовор бўлган. 360 ҳадис накл этган.

АБУ НАЗР САМАРҚАНДИЙ, тўлиқ исми Абу Назр Муҳаммад ибн Масъуд ал-Аъёший ас-Суламий (10-а.) – фикҳ олими. Хуросонда бош имом бўлган. Араб тилида 200 дан ортиқ асар ёзган. Булардан “Китоб сийрат Умар” (“Умарнинг таржимаи ҳоли китоби”), “Китоб ал-муваззах” (“Изоҳланган нарсалар ҳақида китоб”), “Китоб сийрат Муовия” (“Муовиянинг таржимаи ҳоли китоби”) каби асарлари диққатга сазовор. Айниқса, унинг “Тафсир ас-Суламий” китоби машҳур бўлиб, унда Куръони карим тафсир қилинган.

Китобнинг Иброҳим ибн Аҳмад ал-Қуммий томонидан қайта ишланган нусхаси бизгача етиб келган.

АБУ НУАЙМ, тўлиқ исми Аҳмад ибн Абдуллох ал-Исфаҳоний (944–1038, Исфаҳон) – таниқли ҳадис имомларидан бири. Фикҳ ва тасаввуфда ҳам замонасининг етакчи олими бўлган. Табароний каби буюк муҳаддислардан ҳадис олган, унинг ўзидан ҳам Хатиб Бағдодий каби юксак шахслар ҳадислар ривоят этган. Энг машҳур асарлари: йигирма жилдли “Ҳилтул-авлиё”, “Далоилун-набавийя”, “Китобул-мустаҳраж ала-Бухорий”, “Ал мустаҳраж ало саҳихи Муслим”, “Китобут-табоқат”, “Маърифатус-саҳоба” ва б.

АБУ САИД ал-ХУДРИЙ, тўлиқ исми Абу Саид Саъд ибн Молик ал-Хазражий ал-Ансорий (тахм. 609–693) – саҳоба. Унинг отаси Молик ибн Синон ҳам саҳобалардан бўлиб, *Уҳуд жангида* шаҳид бўлган. А. С. а.-Х. Расулulloх (сав) б-н бирга *Хандақ жанги* ва б. ғазотларда қатнашган. Имом Бухорий, имом Муслим ва имом Термизийнинг ҳадис китобларида унинг ривоятида 1170 та ҳадис келтирилган.

АБУ САЙИД МАЙХОНИЙ (Михоний, Михни), Фазлуллох ибн Абулхайр Аҳмад (967–1049) – тасаввуфдаги шаркий (Хуросон) мактабининг асосчиларидан бири. Хуросон вилоятидаги кичик шаҳарча – Майхонада тугилиб, ўша ерда вафот этган. Отаси суфийлар б-н алоқадор бўлиб, ўғлини ҳам шу даврага бошлаб келган. Суфийлар йиғинларидан бирида А.С.М.ни шоир Қосим Бишр ибн Йасин (990 й. в.э.)га таништирганлар, у А.С.М.нинг суфийликдаги биринчи устози бўлган. Кейинчалик А.С.М. ўзининг ваъз-насихатларида доимо унинг шеърларидан фойдаланган. Ўсмирлик чоғларида А.С.М. Марвга бориб, беш йил мобайнида Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Хисрий (983–1000 й.лар оралиғида в.э.), сўнгра шунча йил Абу Бакр Абдуллох ал-Қаффол (1026 й. в.э.)дан шофиъийлик фикҳи бўйича илм олган; Сарахсда шофиъийлик фақиҳи Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад (999 й. в.э.) раҳбарлигида тафсир, ҳадислар ва каломни ўрганган. Ўша ерда (тахм. 997 й.) девонаи Лукмон Сарахсий А.С.М.ни Абул Муҳаммад ас-Сарахсийнинг хонақоҳига бошлаб келган, у А.С.М.ни илоҳиёт

фанларини ташлашга кўндирган, унга ўзи пир бўлиб, Майхонага қайтишни ва фақат “Аллоҳ” деб зикр бажо этишни топширган. А.С.М. Майхонада 15 й. умр кечириб, шунинг деярли етти йилини тўлиқ узлатда (ёлғизликда) ўтказиб, одамлар нигоҳидан четда, ярим оч ҳолда яшаган. Бу даврда у чиллаи маъқус (бошини пастга қилиб осилган ҳолда 40 кунлик рўза даврида зикрни бажо этиш)ни машқ қилган, уни 40 ёшга тўлгунча (ёхуд ҳатто ундан ҳам ошиқ – 1016 й.гача) бажо этган. Ўзининг биринчи суфийлик хирқасини А.С.М. машҳур суфий Абу Абдурахмон ас-Сулабий (1021 й. в.э.)дан Нишопур ш.да олган, иккинчисини – Амулда суфий Абул Аббос Аҳмад б. ал-Қассобдан олган. Ҳаётининг иккинчи ярмини А.С.М. таниқли муршид сифатида ўтказган. У Майхонадаги ўз уйида, шунингдек шаҳар четдаги ёлғиз ҳужрасида, баъзан Нишопурга борганда Аданикубан маҳалласида ўзининг кўплаб муридларига ваъз. панд-насихатлар қилган. А.С.М. томонидан зикри самога мусиқа, рақслар ва шахвоний мазмундаги кўшиқларни киритилиши унга нисбатан кескин танқид қилувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлди, у шариат йўлидан чекинишда ва ҳагто илоҳиётчилар томонидан кофирликда айбланди. А.С.М. хонақоҳларда яшовчи муридлари учун ахлоқ-одобнинг 10 та моддасини ишлаб чиққан биринчи суфий шайхдир. Бунга кўшимча тарзда у муршид учун зарур бўлган 10 та сифатни ва муридлар учун зарур бўлган 10 та хусусиятни кўрсатиб берган. А.С.М. тасаввуфнинг маҳаллий мактабига асос солди. Унинг кўплаб авлодлари кейинчалик бу қарашларни ўзлари яшаган вилоят ҳудудидан четга тарқата олмадилар. Бу маҳаллий мактаб 1154 й.гача мавжуд бўлиб, шу йили кўзғолон кўтарган уруғлари бутун Хуросонни талон-торож қилганлар ва Майхонани эгаллаган пайтда эса, А.С.М. авлодларидан бўлган 115 кишини қатл қилганлар. А.С.М. қарашлари зиддиятли бўлиб, “худонинг ишқи б-н маст” суфийлар ғоясига яқин. “Бечораларга хизмат қилиш” А.С.М. қарашларига хос хусусият эди. У маломатия таълимотига мувофиқ, қаландарлик б-н хайру эҳсон тўплаб, шогирд ва муридларининг, ён-атрофидаги аҳолининг манфаат ва эҳтиёжларини кондиришни

ўйлаган. У яратган мактаб амалиёти Мовароуннаҳрга ҳам тарқалган.

АБУ СУФЁН, тўлиқ исми Абу Суфён Саҳр ибн Ҳарб ибн Умаййа ибн Абдушшамс (567–652) – йирик савдогар, қурайшийлар зодагони. Маккада Муҳаммад (сав)га ва уларнинг диний тарғиботига қарши курашиб, ул зотни таъқиб қилган. Мушрикларнинг мусулмонларга қарши олиб борган Уҳуд ва Хандак жангларидаги бошлиқларидан бири. Муҳаммад (сав) Маккани фатҳ қилиши арафасида исломни қабул қилган. Кейинчалик Мадинанинг мавқеи кучая бошлагач, ўз хонадони вакилларининг ислом давлатида таъсирли ўрин эгаллашини таъминлаш мақсадида Муҳаммад (сав) б-н ярашган. 630 й.да Маккани мусулмонларга жангсиз топширган. Исломи ҳимояси учун Ҳунайн ва Тоиф жангларида қатнашиб, бир кўзидан жудо бўлган. Сўнгра Расулуллоҳ (сав) уни Нажрон вилоятига ҳоким этиб тайинлаганлар. Набиуллоҳнинг вафотларидан кейин Шом фатҳида қатнашган. Ярмук жангида жасорат кўрсатиб, иккинчи кўзидан ҳам ажралган. Халифа Усмон (ра) даврида А.С.нинг ўғли Муовия Сурия ҳокими этиб тайинланган. Кейинчалик, Али (қв) вафотидан кейин (661). халифалик ҳокимиятини қўлга олган Муовия *умавийлар* сулоласига асос солган.

АБУ ТУРОБ Нахшабий (? – 875) – Нахшаб (ҳоз. Қарши)лик авлиё. А.Т. Хуросон машойихлари орасида машҳур бўлган. Қирк марта ҳажни адо этган. Маъруза ва суҳбатларида кишиларни нафси тийиб юришга, сабр-қаноатли бўлишга, шариат, тариқат ва маърифат йўлидан боришга чақирган. Замондошлари уни “маъно шохининг мардони”, “Тақво осмонининг оийи”, “Ҳақиқат илмининг орифи”, “қутби замон” деб таърифлашган. А.Т. ҳақида эл орасида ўнлаб нақллар ёйилган. Шулардан йигирмага яқини Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Авлиёлар султони, туронлик авлиёлар” китобида (Тошкент, 1995) келтирилган. А. Навоий унинг 261 хижрий (мил. 875) йилда оламдан ўтганлигини қайд этади. Басра даштида вафот этганлиги ривоят қилинади. Қабри Қарши ш.да.

АБУ УБАЙДА ибн Жарроҳ (? – 639) – саҳоба, маккалик илк мусулмонлардан кейин исломга биринчи бўлиб кирган киши. *Ашарай*

*Мубашиш*лардан. Исми Омир, курайш кабиласининг бани Фихр уруғидан бўлган. А.У. Ҳабашистонга, кейин Мадинага ҳижрат қилган. Муҳаммад (сав) б-н ҳамма газотларда қатнашган. Ислом тарихида шижоатли ва ўта жасур мужоҳид, буюк саркарда, одил бир инсон сифатида танилган. Отаси *Бадр жангида* маккалик мушрикларга қўшилиб, мусулмон қўшинларига қарши курашган, ўғли А.У.ни ўлдиришга қасд қилган, доимо уни таъқиб этган. *Абу Бакр Сиддиқ* халифалиги даврида Шом (Сурия) фатҳи учун юборилган. А.У. одил, шафқатли ва ҳалим зот бўлган. Бу ҳол душманни енгишга қўл келган, Шомнинг урушсиз олинишига сабаб бўлган. 639 й. Шомда оғир, ёмон касаллик (тоуни амвос) тарқалган. Касаллик дастлаб Фаластиндаги Амвос қишлоғидан чиққан бўлиб, бу касалликдан бир ой ичида йигирма минг мусулмон вафот этган. А.У. ҳам шу касаллик қурбони бўлган. А.У. Урдун (Иордания) ноҳиясида вафот этган, қабри Шариат дарёсининг ғарб томони, Амё қишлоғидадир. *Умар* (ра) ўзидан кейин халифаликка А.У.ни муносиб номзод деб билган.

АБУ ШАЙБА, тўлиқ исми Абубакр Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба (? – 849) – муҳаддис, олим. Суфён ибн Уйайна, Абдуллох ибн Муборак, Яҳё ибн Саид каби зотлардан ҳадис олган, унинг ўзидан ҳам Бухорий, Муслим, Абу Довуд каби буюк муҳаддислар ҳадис нақл этганлар. Халифа Мутаваккилнинг амри б-н халққа ҳадисдан дарс бермоғи учун Бағдоддаги Русофа яқинида бир минбар ҳозирлатган. Уни тинглагани 3000 киши тўпланган. Ҳадисга доир “Муснад” ва уч жилдли “Алмусаннаф” асарлари машҳурдир. **АБУ ШУЖО РЎЗРОВАРДИЙ**, Заҳируддин Муҳаммад ибн Ҳусайн (1045, Аҳвон – 1095, Мадина) – тарихчи, давлат арбоби. Фикҳ, ҳадис, тил ва тарих соҳасида, хусусан сомонийлар тарихига оид бир қанча асарлар ёзган. 1076 й.да халифа Муқтадий (1075–94) томонидан вазирликка тайинланган. Унинг даврида баъзи солиқлар енгиллаштирилган. У ўз ерларини вақфга ажратиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Суннийлар ва шиалар ўртасидаги низоларни бартараф қилган.

АБУ ЮСУФ, тўлиқ исми Ёқуб ибн Иброҳим ал-Куфий ал-Ансорий (731–798 ёки 804) – фақих, исломдаги дастлабки қози ул-қуззот.

Куфада, камбағал оилада таваллуд топган. 13 ёшида Куфа қозиси машҳур фақих Ибн Аби Лайлодан фикҳдан сабоқ олган, орадан 9 й. ўтгач, *Абу Ҳанифага* шогирдликка ўтиб, 15 й.га яқин унинг шогирди ва энг яқин ёрдамчиси бўлган. Бошқа шогирдлар, айниқса Зуфар ал-Хузайл б-н биргаликда А.Ю. фикҳ назариясини ишлаб чиқишда қатнашган. Абу Ҳанифа вафотидан сўнг Ироқдаги уламолар даврасида устози ўрнини эгаллаб, унинг ишини давом эттирган. Халифа ал-Маҳдий (775–785) А.Ю.ни Бағдод қозиси этиб тайинлаган, халифа Хорун ар-Рашид (786–809) эса, унга қози ул-қуззот мансабини бериб, бутун халифаликдаги барча қозиларни тайинлаш ва қозилар қарори юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ҳуқуқини берган. Бундай юксак мартаба А.Ю.га Абу Ҳанифанинг назарий қарашларини амалиётда кенг қўллаш имконини берган, бу эса, ханафийлик мазҳабининг тарқалиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилган. А.Ю. “Китоб ал-хирож” (“Солиқ ҳақида китоб”) асарининг муаллифи бўлиб, у Хорун ар-Рашиднинг солиқ, ер ва сувдан фойдаланиш, давлат бошқарувида оид саволларига берилган батафсил жавобларидан иборат. А.Ю.нинг шогирдларидан Муҳаммад аш-Шайбоний унинг маслаҳат ва маълумотларидан кенг фойдаланиб, Абу Ҳанифа маънавий меросини тўплаган ва бир тизимга солган. Бошқа бир шогирди эса *Аҳмад ибн Ҳанбал* бўлган. А.Ю.нинг қарашлари Муҳаммад аш-Шофийга катта таъсир кўрсатган.

АБУ ҚАТОДА, тўлиқ исми Абу Қатода ал-Ҳарис ибн Рабъий ал-Ансорий ас-Суламий (тахм. 604–674) – ансори киромдан ва Пайгамбар (сав)нинг суворийларидан бири. Расули Акрамдан 170 ҳадис ривоят этган. Булардан 21 тасида Бухорий ва Муслим ҳамфикрдирлар. Фақат Бухорийда 2, Муслимда 8 ҳадиси бор. Қолгани бошқа китоблардадир. Мадинаи мунаввара ёки Куфада вафот этган.

АБУ ҲАНИФА Нуъмон ибн Собит ал-Куфий; Имоми Аъзам (699 – 767) – илоҳиётчи, фикҳшунос, муҳаддис, улуғ имом, *ханафийлик* мазҳаби асосчиси. Куфада туғилган. “Имоми Аъзам” (буюк имом) – улуғлиги эътироф этилиб берилган унвон. Ўзига тўқ, зодагон оиладан бўлиб, олим ва фозил инсонлар

орасида вояга етган. Отасидан қолган катта бойликни илм йўлида сарф этган. Ёшлигидаёқ Куръонни ёд олган. *Калом* илми ва мантиқни ўрганган. 22 ёшида ироклик улуг аллома, илоҳиётчи Ҳаммод ибн Абу Сулаймонга шогирд тушиб, унинг таълимини олган. Кейин Куфа ва Басранинг энг обрўли фақиҳи бўлиб етишган ва ўзи шогирдлар тарбиялаган. Камтар, меҳрибон ва ўта саховатли, ниҳоятда такводор инсон сифатида ҳурмат қозонган. Унинг қирқ йил мобайнида хуфтон таҳорати б-н бомдод намозини ўқигани, 55 марта ҳаж қилгани ҳақида ривоят бор. 747–48 й.ларда А.Х. Ирок ҳокими ибн Хубайра таъқибидан қочиб Маккага кетган. *Аббосийлар* ҳокимият тепасига келгач, Ирокқа қайтиб уламолик фаолиятини давом эттирган. Халифа ал-Мансур (754–775) унга янги пойтахт Бағдодда қозилик ёки бошқа истаган юксак лавозимни таклиф қилган. Бироқ А.Х. бу таклифни қатъиян рад этган. Шунда Мансур уни қамаб, турли қийноқларга солган. А.Х. кўп ўтмай Бағдодда вафот этди. Мансур А.Х.га заҳар ичирган ва у шу сабабдан шаҳид бўлган, деган ривоят ҳам бор.

А.Х. фикхий илмни биринчи бўлиб тасниф қилиб, уни бобларга ажратиб, тартибга солган ва китоб шаклига келтирган. А.Х.нинг илми калом, фикх, ҳадис, сарфга оид бир неча китоблари бўлиб, улар жумласига “Китоб ас-салот” (“Намоз аҳкомлари китоби”), “Китоб ал-Маносик” (“Ҳаж китоби”), “Китоб аш-шурут” (“Шартномалар ҳақида китоб”), “Китоб ал-фароиз” (“Мерос илми ҳақида китоб”), “Китоб ал-олим вал-мугааллим” (“Устоз ва шогирд ҳақида китоб”), “Китоб ал-фикх ал-акбар” (“Катта фикх китоби”), “Китоби ал-васия” (“Васиятнома китоби”) ва б. қиради.

А.Х. фақиҳларнинг устози, имом *Шофиъий* таъбири б-н айтганда, “барча одамлар фикҳда унинг боқимандалари” эди. Ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмайдиган даражадаги аниқ ҳужжат ва далиллар асосида ҳукм чиқарадиган олим бўлган. А.Х.нинг булардан ташқари ҳадис соҳасида ҳам асарлари мавжуддир. Ўрта аср фақиҳи Абул Муайяд Муҳаммад ибн Маҳмуд Хоразмий А.Х. муснадларини жам қилиб, китоб шаклига келтирган, 1907 й.да Мисрда чоп этилган бу китоблар замонлар оша мусулмонлар таянадиган илмий манба ва асос бўлиб келмоқда.

А.Х.дан таълим олган шогирдлар замонасининг етук пешволари бўлиб етишган. Улардан бири *Абу Юсуф* бўлиб, Хорун ар-Рашид даврида қозилик вазифасида ишлаган. Иккинчи шогирди имом Муҳаммад ибн Ҳасан ўз навбатида имом *Шофиъийга* таълим берган. Ҳадисларни саралашда ниҳоятда моҳир бўлган, ҳар бир масалани далил б-н исботлай оладиган Зуфар ибн Ҳузайл ҳам А.Х.нинг кўзга кўринган издошларидандир. Яна бир шогирди Ҳасан ибн Зиёд А.Х.нинг “Ал-Мужаррад”, “Қозининг одоби”, “Нафақалар”, “Фароиз” (Мерос илми), “Хислатлар” каби китобларини ёзиб тугатган. А.Х.нинг ўгли Ҳаммод ва набираси Исмоил ҳам шаръий илмлар борасида етук аллома бўлганлар, турли шаҳарларда қозилик мансабида ишлаган. Хуросонда биринчи бўлиб ҳадисни ёзиб олган *Абдуллоҳ ибн Муборак* ҳам А.Х.дан таълим олган. Мовароуннаҳрдаги мамлакатларда ва дунёнинг бошқа кўпгина жойларида мусулмонлар А.Х. мазҳаби қоидалари асосида ибодат қилади.

АБУ ҲАФС КАБИР Бухорий (767 – Бухоро – 832) – ислом оламининг буюк фикҳшунос олими. Имом Бухорийнинг замондоши. Бухородан Бағдодга бориб, имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (804 й. в.э.)га шогирд тушган. А.Х.К. ислом қонуншунослиги асосларини яратган йирик олим бўлган. Наршахийнинг ёзишича, унинг шарофати б-н Бухоро “Қуббат ул-ислом” – “Ислом динининг гумбази” унвонини олган. Абу Ҳафснинг ўзига “Кабир Бухорий” – “Бухорийларнинг каттаси” ва “Ҳожатбарор имом” деган унвонлар берилган, ўгли Абу Абдуллоҳ (Абу Ҳафс Сағир Бухорий; 877 й. в.э.) ҳам отаси сингари фикҳ илмида пешқадам бўлган. А.Х.К. фикҳнинг турли масалалари ёритилган “Ал-Аҳвоъ вал-нхтилоф” (“Ҳавойи гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар-радду алал-Лафзийя” (“Юзаки қаровчиларга раддия”) ва б. асарлар ёзган. А.Х.К. Бухородаги Дарвозаи нав қаршисидаги тепаликда дафн этилган. Бухороликлар у жойни муқаддас санаб, “Ҳақрах” (“Ҳақ йўл”) ва Хожа Имом Абу Ҳафс деб атаганлар. Мустабид совет тузуми даврида унинг қабри ва атрофидаги меъморий ёдгорликлар бузиб ташланган.

АБУ ҲУЗАЙЛ АЛЛОФ, Муҳаммад ибн ал-Ҳузайл (749/753–841/849) – *муътазиллийлар*

(хузайлийлар) Басра мактабининг йирик вакили, гоъвий раҳнамоси. Аллофлар савдо қиладиган жойдан бўлганлиги учун ал-Аллоф лақабини олган. 818 й.да Бағдодга кўчиб келган. Самарра (Ирок)да вафот этган.

А.Х.А. кўп қисми баҳс-мунозара тусидаги 60 та асарнинг муаллифи бўлган, аммо уларнинг биронтаси бизгача етиб келмаган. Унинг “Раддиялар” асари бошқа динлар (яхудийлик, христианлик, зардуштийлик)га ҳам, ислом динидаги турли оқим ва мактабларга ҳам қарши қаратилган. Қуръон ва сунна таълимотини ақл-идрокка мос талқин этишга уриниб, маълумотларни қабул қилишда фақат ақлга суяниш керак, Қуръон яратилган, банди ўз феъл-атворини ўзи яратади, деган ғояни илгари сурган. А.Х.А.нинг “худонинг каломини” ирода эркинлиги, едамнинг ўз хатти-харакатлари учун маънавий жавобгарлиги, ҳаётини неъматлар ҳақидаги ва б. фикрлари нафақат сунний илоҳиётчилар, балки бошқа муътазиллий оқимларнинг вакиллари томонидан ҳам танқидга учраган. А.Х.А. халифа Маъмуннинг устози бўлган ва айни шу халифа даврида (813–833) муътазиллийлар таълимоти ҳукмрон диний эътиқод ҳисобланган. Халифа амри б-н барча қозилар, илоҳиётчи олимлар, мансабдор шахслар ақидавий масалаларда имтиҳон қилинган. Муътазиллийлик, яъни А.Х.А. ақидаларини тан олмаган кишилар хизматидан бўшатилиб, жазоланган, ҳатто ўлимга маҳкум этилганлар.

АБУ ХУРАЙРА (602 – 679, Мадина) – машхур саҳоба, ровий, фақиҳлардан. Асли исми Абдурахмон ибн Саҳр ал-Давсий Абдушамс, Расулудлоҳ томонидан Абдуррахмон деб аталган. Мушукларни жуда севган. Бир кун унинг этагида бир мушук боласини кўрган Расули Акрам, “Абу Хурайра” – мушукнинг отаси дея лутф этган ва у ҳам бундан ифтихор этиб, ушбу лақаб б-н шуҳрат топган. Тижорат ва бойлиги ёхуд маълум бир машғулоти бўлмагани учун асҳоби Суффа сирасига киритилган. У Дорил-ирфондан дарс олган ва хузур Расулотдан бир лаҳза ҳам айрилмаган. Ажойиб фақиҳ бўлиб, ифто (фатво берувчи) мавқеига кўтарилган. *Умар* (ра) томонидан Баҳрайн волийлигига тайинланган. *Усмон* (ра) замонида Макка қозиси ва *Муовия* даврида Мадина волийси бўлган. Фавқулудда қувван-хофизага эга бўлган А.Х. уч йил муттасил

Набий (ас)нинг мажлисидан ажралмаган ва бу муддат мобайнида куч-қувватини Расули Акрам(сав)нинг сўзлари ва ишларини эгаллаш ҳамда қайд этишга бахш этган. 5374 ҳадис ривоят этган. Булардан 335 тасида Имом Бухорий ва Имом Муслим ҳамфикрдишлар, 93 таси фақат Бухорийда, 189 таси ёлғиз Муслимда, қолган 4757 таси бошқа ҳадис китобларида келтирилган.

АБУД-ДАРДО, асл исми Уваймир, куняси б-н машхур (? – 652) – асҳоби киромнинг фақиҳларидан, олим ва ҳакимларидан бири. Шом фатҳидан сўнг у ерга ҳоким қилиб тайинланган. 179 ҳадис ривоят этган.

АБУЛАББОС МУСТАҒФИРИЙ, И м о м М у с т а ғ ф и р и й (тўлиқ исми: Насафий Самарқандий Жаъфар ибн Абу Али Муҳаммад ибн Абу Бакр) (961–1041, Насаф) – тарихчи, адиб, муҳаддис ва фақиҳ, Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб” асарида ёзилишича, Аб.М бир қанча вақт Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқандда яшаган. 987 й.дан Насаф жоме масжидида маърузалар ўқиган. Умрининг охирида Насафнинг бош имом-хатиби лавозимида бўлган. У “Китоб тарихи Самарқанд”, “Китоб тарихи Насаф ва Кеш” (2 жилдлик), “Китоб уш-шиър ваш-шуаро” (“Шеър ва шоирлар ҳақида китоб”), “Китоб ул-вафо” (“Вафо китоби”), “Китоб далоил ан-нубувва” (“Пайғамбарлик далиллари”), “Китоб ул-даъво” (“Тарғиботлар китоби”), “Китоб хутаб ан-набий” (“Пайғамбар хутбалари китоби”), “Китоб тибб ин-набий” (“Пайғамбар тибби китоби”) каби ўндан зиёд асарлар ёзган. Унинг “Китоб тибб ин-набий” асари Техронда нашр этилган.

АБУЛБАҚО ИБН БАҲОУДДИН (16-а. 1-ярми – 17-а. 1-чораги) – тарихчи. Хожа Аҳмад ибн Жалолуддин Косоний (*Маҳдуми аъзам*)нинг набираси бўлиб, Абдулазизхон (1540–49) саройида кичик давлат лавозими (хукмгир)да турган. У бобосига атаб “Жомеъ ул-мақомоти Маҳдуми аъзам” (“Маҳдуми аъзам мақомотининг мажмуи”) китобини ёзган (1617). Бу асарда Маҳдуми аъзамнинг ҳаётига оид маълумотлардан ташқари, Мовароуннаҳрнинг 16-а. 1-ярмидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи ҳамда шайбонийлар б-н Эрон ўртасидаги муносабатларга оид қимматли маълумотлар бор.

АБУЛ АСВАД ДУАЛИЙ (? – 689) – ислом олимларидан, улуғ тобеъинлардан. Айниқса,

тўғрисўз ва хозиржавоблиги б-н шуҳрат қозонган. Хазрати Али б-н бирга *Сиффин жангида* иштирок этган. *Муовия* ибн Абу Суфён замонида ҳам хурмати баланд бўлган. Басрада қозилик қилган. А.А.Д.нинг икки ишини авлодлар эҳтиром б-н эсга оладилар. У зот наҳв илмига асос солган ҳамда Куръони каримнинг ҳарфларига нуқталар қўйиб чиққан (аввалги Куръон нуқталарсиз ва ҳаракатларсиз эди).

АБУЛФАТҲ АЛОУДДИН МУҲАММАД ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандий (? – 1157) – фикшшунос олим. Унинг Абу Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийнинг “ал-Жомий ал-Кабир” (“Катта тўшлам”) китобига ёзган “Шарҳ ул-Жомий ал-Кабир” (“Жомий ал-Кабирнинг шарҳи”) номли бир неча жилдли асарининг 1-си бизгача етиб келган. У “Китоб ул-имон” (“Имон ҳақида китоб”), “Китоб ун-никоҳ” (“Никоҳ ҳақида китоб”), “Китоб уш-шаҳодат” (“Шаҳодат китоби”), “Китоб ул-қазо” (“Ҳукм китоби”) каби бобларга бўлинади. Мазкур асарнинг котиб Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар Самарқандий томонидан 1361 йда кўчирилган нодир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 5558) сақланади.

АБУЛҚОСИМ ҲАКИМ САМАРҚАНДИЙ, тўлиқ номи Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Зайд (856–946) – *ҳанафийлик* мазҳабининг кўзга кўринган назариётчиси, ҳаким. Самарқандда туғилган. Ёшлигида илм олиш учун Балхга борган, у ерда Абу Бакр Варроқ Термизийдан тариқат таълимини олган. У калом, фикҳ ва тафсир илмларини чуқур ўрганиб, ўша даврнинг машҳур шайхларидан ҳадис ва ривоятлар эшитган. Манбаларга кўра, кейинчалик у Самарқандга келади, қози лавозимида ишлайди ва шу ерда вафот этади. Уламолар сомонийлар амири Исмоил Сомонийга мурожаат қилиб, Мовароуннаҳрда авж олган турли мазҳаб ва фирқаларни келиштириш учун ақидалар мажмуи бўлган бир китоб яратишни тавсия этадилар. Амир китоб ёзишни А.Ҳ.С.га топширган. Шу тариқа “ас-Савод ул аъзам” (“Кўпчилик томон”) китоби вужудга келган. А.Ҳ.С. ўзига хос калом мактабини яратган. У ўз асарида имонни яратилмаган, яъни азалий деб ҳисоблаб, бу фикрга қўшилмаганларни бидъат аҳли деб

атаган. А.Ҳ.С. ҳанафий мазҳабининг асосий ақидаларини ҳимоя қилиб, мазҳабни туғилиб келаётган ақлий далиллар воситасида қайта кўриб чиқишга қарши турган, ақидавий ихтилофга барҳам бериш йўли б-н Мовароуннаҳр мусулмонлари ўртасидаги фикрий яқдилликни сақлаб қолмоқчи бўлган. У аҳли сунна ва жамоа таълимотининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган.

АВЕСТО, О в а с т о (парфиёнча: apastak – матн; кўпинча “Зенд-Авесто”, яъни “тафсир қилинган матн” деб аталади) – зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. А.Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қад. даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини, форсий ва туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг ёзувларини ўрганишда муҳим ва ягона манба.

А. ўрта форс (пахлавий) ёзувига яқин бўлган махсус Авеста ёзувида битилган. Мил. ав. 6-ада, Ахоманийлар сулоласи замонида оромий алифбосида илк бор китоб қилиб кўчирилган. А.нинг тафсири “Зенд А.” номи б-н юритилади. Зардуштийлик руҳонийлари қўлида А.нинг асл нусхаси муқаддас битик сифатида сақланган. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра. А. Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Ада келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Мас., худо яратган ўлкалар санаб ўтилар экан, бойлиги ва кўркамлиги жиҳатидан қад. Хоразм, Гава (Суғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх) биринчи бўлиб тилга олинади, Орол денгизи (Ворукаша ёхуд Вурукаша) ва Амударё (Даити) тавсифланади. Адаги халқнинг дастлабки ватани Сирдарё, Амударё этаклари ва Зарафшон водийси бўлган. А. узок вақт мобайнида шаклланган. Унда келтирилган маълумотларнинг энг қад. қисмлари мил. ав. 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда А. таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қондалар ва ҳ.к. қўшилиб борган. А.ни Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган. Дастлабки ёзма нусхаси эса, 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. У Персеполда сақланган. Ахоманийлар

сулоласининг пойтахти Шероз яқинидаги Тахти Жамшидда сақланган. Александр (Македониялик Искандар) Эронни забт этганда, бу нусха куйдириб юборилган. Аршакийлардан Вологес I даври (51–78)да қайта китоб қилинган, лекин у сақланмаган. Сосонийлар шоҳи Хусрав I (531–579) даврида яхлит китоб ҳолига келтирилган. 9-а.да ёзилган “Денкарт” асари А.нинг 21 наск (қисм)дан иборат эканлиги ҳақида маълумот беради. А. ҳажми катта китоб бўлгани сабабли, диндорлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун унинг ихчамлаштирилган шакли – “Кичик А.” (Хурдак А.) яратилган. Араблар Эронни фатҳ этгач (7-а.), зардуштий руҳонийларининг бир қисми Хиндистонга кўчиб ўтган. Уларнинг авлодлари (парслар) Бомбай ш.да ўз жамоаларида ҳозиргача А.нинг асл нусхасини сақлаб келади. Француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон зардуштийлар жамоасида яшаб, А. тилини ва ёзувини ўрганиб, уни таржима қилиб нашр этган (1771). А.нинг бу нусхаси 27 жилддан иборат бўлиб, асарнинг еттидан бир қисмидир. У Ясна, Висперед, Вендидад, Гатлар ва Яштлар номи б-н юритиладиган китобларни ўз ичига олади.

А.да баён этилган гояларга кўра, олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик б-н зулматнинг, яхшилик б-н ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Яхшилик ва эзулик худоси Ахурамазда ер, ўсимлик ва б. ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Ахурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар ер остида жойлашган, ер сатҳи эса, кураш майдонидир. Ҳаётдаги турфа ўзгаришлар қайси кучнинг ғалаба қилишига боғлиқ. Инсон ҳам тана ва руҳнинг, ахлоқ эса, яхши ва ёмон хулқининг ўзаро курашидан иборат. Чексиз, абадий фазо ва вақт ҳам икки қарама-қарши қисмдан: яхшилик ва Ахурамазда ҳукмрон бўлган абадий ёруғлик б-н ёмонлик ва Анхрамайну ҳукмрон бўлган абадий зулматдан ташкил топади.

А. таълимотига кўра, биринчи инсон Говамард (хўкиз-одам; форсча Каюмарс) бўлиб, ундан барча кишилар тарқалган. Биринчи шоҳ Йима

даври олтин давр ҳисобланган, чунки унда ўлим бўлмаган, Ахурамазда доимий баҳор яратган. Кишилар бекаму кўст, бахтиёр яшаган. 900 й. ўтгач, шоҳ Йима ғурурга берилиб, ман этилган сигир гўштини ейди ва ёвузлик рамзи Анхрамайну ҳукмидаги кучлар бош кўтаради. Оламни музлик қоплайди. Йима Ахурамазда амри б-н одамлар ва ҳайвонларни совукдан сақлаб қолш учун кўргон (вар) қуриб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфтини жойлаштирган. Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, Ҳайр б-н Шарр (яхшилик ва ёмонлик) ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахурамазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати барқарор бўлади, ўлганлар тирилади.

А.нинг ахлоқий-фалсафий моҳияти “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амаг” каби муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топади. Зардуштийларнинг намоз ибодат олдидан айтиладиган нияти, сўзлари шу уч ибора б-н бошланади.

А. мил. ав. 6-а.да яшаган ва ўзини пайгамбар деб эълон қилган Спитама Зардушт фаолияти туфайли диний асар сифатида тизимга солинган. Зардуштийлик жамоалари ҳозир ҳам Хиндистоннинг Бомбай ва Гужарот вилоятларида ҳамда Эроннинг баъзи шаҳарларида мавжуд. Калифорния (АҚШ) штатида зардуштийларнинг илмий маркази мавжуд.

Эронлик тадқиқотчи Пур Довуд 1920–1940-й.ларда А.нинг қад. нусхаларини форс тилига таржима қилди.

Зардуштийлик дини ибтидоий жамоа тузумидан ижтимоий табақатанишга ўтиш даврида вужудга келган, маълум ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни диний шаклда ифодалаган ва кўп ҳудулик (политеизм)дан якка ҳудуликка (монотеизмга) ўтишни акс эттирган. А. “Энг мўътабар, қад. кўлёмамиз... Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир” (И.А.Каримов. “Адолатли жамият сари”, Т., 1998, 39–40-бет).

АВЛИЁ (араб. валий сўзининг кўплиги, худога яқин одам) – *тасаввуф*да Аллоҳнинг зоти ва сифатларини яхши билган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳ ишлардан

ўзини сакловчи, дунё лаззати ва шахвоний ишлардан юз ўгирувчи киши. Ислом анъанасида А.лар қайсидир бир иши, хизмати ёки хислати туфайли Аллоҳга яқин бўлиб қолган, дуолари мустажоб, солиҳ, қобил, камтар кишилардир. А.лар пайғамбарлар даражасидан кейин туради. А.ларнинг мазорларини зиёрат қилиб ибрат олиш ислом динининг ҳанафийлик мазҳабида савобли ишлардан ҳисобланади.

АВРАТ (араб.) – 1) ҳимояланмаган, заиф жой; 2) жинсий аъзо – шариатга кўра, ибодат (диний амаллар) пайтида намозхон танасининг кийим б-н ёпиб туриши лозим бўлган қисми. Намозда эр кишининг киндикдан то тиззагача бўлган гавда қисми, аёлларнинг эса, юз ва қафтларидан бошқа ҳамма жойлари ҳатто сочлари ҳам А. ҳисобланади.

АДАБ (араб.) – *тасаввуф*да тариқатдан сабоқ берувчи пир ёки шайх ва сабоқ олувчи мурид ёки солиқнинг риюя қилиши зарур бўлган қонун-қоидалар. Шайхлар ва солиқлар А.и хусусида кўплаб асарлар ёзилган.

АДЛ (“адолат”, “тўғрилиқ”) – 1) адолат ва тўғрилиқ нуқтаи назаридан шахсни ахлоқий баҳолаш тушунчаси. Қуръони каримда А.– яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам бирдай адолатли ҳукм чиқарувчи Аллоҳнинг сифатларидан бири. Бироқ Аллоҳнинг А.и – инсон онги, тафаккури англаб етмайдиган даражадаги олий адолат. Шу туфайли инсон Аллоҳдан адолат қилишни эмас, раҳм-шафқат қилишни сўраб илтижо қилиши лозим. Инсонга нисбатан А. – бу бировга нисбатан ёмонлик (жабр) қилиш нияти борлигини пайқаб олиш ва уни бартараф этиш имконияти, шунингдек умумий маънодаги адолат тушунчаси. Ҳазолий А.ни эҳсон (“чин кўнгиллик”, “виждон”) тушунчаси б-н биргаликда қўлайдики, булар “адолат ва виждон” маъносини англаган. Давлат хизматидаги бирор мансабга даъвогар ёки бирон-бир муҳим жамоатчилик мажбуриятларини, чунончи: васийлик, вакиллик, гувоҳлик ва б.ни бажарувчи ҳар қандай шахсда А. бўлиши лозим. Бировга жабр қилмаган, ғайриахлоқий (фиск, фужур) ҳаром йўлларга юрмаган ҳар қандай мусулмон одил, яъни А.и бор киши деб қаралади. Бу сифатларни йўқотганлар (фосиқлар) агарда солиҳ амаллар бажо келтириб тавба қилсалар ва шундан сўнг ҳақиқий мусулмонга хос ҳаёт кечирсалар А.ни

тиклашлари, унга эришишлари мумкин. 2) шиалиқдаги 5 ақидадан бири.

АЖАЛ (араб. – белгиланган вақт, муҳлат) – ислом динида инсон умрининг *Аллоҳ* томонидан белгиланган муддати тугаши. Ислом ақидаларига кўра, А. Аллоҳ томонидан қатъий белгиланган бўлади. Қуръони каримда шундай оят бор: “Қачонки уларнинг ажали етса, бир лаҳза олдин ҳам, бир лаҳза кейин ҳам кўйилмайди” (“Аъроф” сураси, 34-оят).

АЖАМ (араб. – араб эмас) – араблардан бошқа Шарқ халқларининг умумий номи. Шунингдек, араблар яшайдиган Шарқ мамлакатлари, хусусан, Турон, Эрон ҳам “Мулки ажам” деб юритилган. Бу ерлардан етишиб чиққан олимлар “ажамий” деб аталган. Кейинчалик А. номи фақат эронликларга нисбатан қўлланилган, Эронни эса, А. ёхуд Ажамистон деб атаганлар.

АЖДОДЛАРГА СИҒИНИШ – ибтидоий дин шакли. А.с.нинг турли шакллари мавжуд бўлган. А.с. дафн маросимлари (ўлган кишиларнинг жони ва руҳи ҳақидаги тасавурлар), шахсий ҳомий руҳларга, оила-уруғ оқсоқол ҳомийларига сиғиниш қабилар асосида таркиб топган. А.с.да аждодларнинг руҳлари уруғнинг аъзоси бўлиб қолиши, лекин улар одамлардан кучли бўлгани сабабли уруғнинг фаровонлиги шу руҳларга боғлиқ, деган тасавур катта аҳамият касб этган. Бу тасавурлар обрў-эътиборли уруғ оқсоқоли тимсолини қабил асоси даражасига кўтариш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Жамиятда кишиларнинг ижтимоий белгиларига кўра, табақалашувига мос равишда аждодлар руҳларининг ҳам табақалашуви содир бўлади, натижада қабил бошлиқлари, уруғ оқсоқолларига сиғиниш биринчи ўринни олади. Бунинг асосида қад. динларда қаҳрамонларга сиғиниш, кейин эса, *авлиёларга* сиғиниш вужудга келган. Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам бу одат мавжуд. Арвоҳларни эслаш, уларга сиғиниб, мадад сўраш, жонлик сўйиш, ис чиқариш каби шаклларда намоён бўлади. Исломда А.с. қораланади.

АЖР (араб. – тўланадиган ҳақ, мукофот) – исломдаги тушунча. Қуръонга кўра, одамлар бу дунёдаги яхши ишлари учун охирада А.ини топади, яъни насиб этган мўмин-мусулмонларга савобли ишлари эвазига турли мақом ва мартабалар, нозу неъматлар берилади.

АЗАЙИМХОНЛИК, дуохонлик – дуо ўқиш, дам солиш йўли б-н табиблик қилиш. А. б-н шуғулланган шахслар азайимхон, дуохон, бахши ва ҳ.к. деб аталади. Номи чиққан, тажрибали, мартабали дуохон азайимхон деб аталган. Азайимхон иссиқ-совуқ қилиш, жодугарлик б-н ҳам шуғулланган. Ибтидоий жамиятнинг уруғчилик босқичида айрим кишилар одамларни оддий усул (доривор гиёҳ, қон олиш ва б.) б-н даволашган. Лекин уларнинг баъзилари беморни даволаш жараёнида, гўё касал “сабабчиси” бўлган “ёмон руҳлар”ни ҳар хил хатти-ҳаракатлар (авраш, дуо ўқиш, сеҳрлаш, афсунгарлик) б-н “хайдаб чиқара олишларига” одамларни ишонтиришган. Жаҳоннинг кўпгина халқларида кенг тарқалган.

АЗОБ (араб. – қийноқ) – шариятда гуноҳ учун белгиланган жазо. Гуноҳ учун қози томонидан белгиланадиган жазо ҳам, нариги дунёда бериладиган жазо ҳам А. деб аталган (яна қ. *Азоб ал-қабр*).

АЗОБ ал-КАБР (синоними азоб ал-барзоҳ; “қабр жазоси”) – синов, қабрдаги жазо, инсон ўлган заҳоти бўладиган кичик суд. Шунга кўра, қабр жаннат ёки дўзахга киришдан олдинги ўтлоқ (яйлов)дир ва унда дастлабки суд содир этилиб, банданинг қилган амалларига яраша дастлабки ҳукм белгиланади. Икки фаришта – Мункар ва Накир банданинг исломга бўлган муносабати ҳақида савол-жавоб қиладилар. Мўминларни то қиёмат кунига қадар қабрда тинч-осойишта, ором олиб ётиши учун қолдирадилар. Гуноҳкорларни оғир юк (босим) б-н қийнайдилар, динсизларни фаришталар бундан ташқари яна Аллоҳ таолонинг хоҳишига қараб, баъзан қиёматгача бетиним суратда урадилар.

АЗОН (араб. азана – билдириш, эълон қилиш; синоними нидо чиқариш) – *намозга* чақириш. А. намоз учун буюрилган суннат ҳисобланади. Одатда ҳар бир масжидда *муаззин* бўлади. Унинг айтган А.и намоз вақти кирганини билдиради. А. баланд овоз б-н ўзига хос оҳанг ила айтилади. А. 622–623 й.ларда Муҳаммад (сав) томонидан белгиланган. Биринчи муаззин Билол бўлган. Суннийликда А. айтиш қоидаси: икки қўлнинг бош бармоқларини қулоқнинг юмшоқ жойига теккизиб, кўрсаткич бармоқларни қулоқ ичига тикиб,

шундай дейилади: “Аллоҳу акбар” (“Аллоҳ – энг улуғдир”) – 4 марта; “Ашҳаду ал-ла илоҳа иллаллоҳ (“Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ”) – 2 марта; “Ашҳаду анна Муҳаммадур-расулуллоҳ” (“Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг пайгамбаридир”) – 2 марта; “Хайя алас-солаҳ” (“Намозга келинглари”) – 2 марта; “Хайя ала фалаҳ” (“Нажотга келинглари”) – 2 марта; “Аллоҳу акбар – Аллоҳу акбар, Ла илаҳа иллаллоҳ”. А. ҳамма намоз учун бир хилда айтилади, лекин фақат бомдод намози А.ида “Хайя ала фалаҳ” дегандан сўнг “Ас-салоту хойрум мин-ан-навм” (“Намоз уйқудан афзалдир”) деб 2 марта кўшиб айтилади. Исломда янги тугилган чақалоқнинг ўнг қулоғига А. айтиш одати ҳам бор. Бунда аввал ўнг қулоғига А., чап қулоғига такбир айтилади. Бу одат гўдакнинг бокира шуурига Аллоҳ таоло номини муҳрлаш мазмунида талқин этилган. Такбирда А. лафзларига “хайя ала фалаҳ”дан сўнг икки марта “қад комати салоҳ” (намоз ўқишга тайёр) лафзини зиёда қилинади.

АЗРАҚИЙЛАР – *хорижийлардан* ажралиб чиққан ўта мурасасиз фирқа тарафдорлари. Асосчиси – Нафи ибн ал-Азрак (685 й. в.э.). 7-а. нинг 2-ярмида араб халифалигининг шарқий худудида хорижийлар ҳаракати кучаяди. А.нинг умавийлар халифалигига ҳамда шиапарга қарши қаратилган энг йирик исёни Ироқ ва Эронда бошланди ва 15 й. давом этди (684–699). Қулларни озод этгани, эзилганларни химоя қилгани учун қишлоқ аҳолиси, айниқса форслар А.ни қўллаб-қувватлади. Шу б-н бирга А.нинг исломдаги бошқа оқимларга нисбатан мутаассибларча мурасасиз ва қаттиққўллиги, ўз қарашларига қўшилмаган барча кишилар, шу жумладан аёл ва болаларни ҳам ўлдиришни талаб қилиши, зинога белгиланган жазони бекор этиши А. ҳаракатининг ижтимоий негизини сусайтирди. А. тарафдорлари 8-а.даёқ бутунлай йўқолиб кетган.

АЗРОИЛ – ислом динида тўрт бош фариштадан бири (*Жаброил*, *Микоил* ва *Исрофил* б-н бирга), жон олувчи фаришта. Ривоятларга кўра, А. дастлаб оддий фаришта бўлган, Аллоҳ Одаматони яратиш учун фаришталарни ердан тупроқ олиб келишга юборади. Ер қаршилиқ кўрсатади ва

фаришталар ундан бир сиқим ҳам юлиб ололмайдилар. Бу ишни фақат А. бажарганлиги сабабли у ўлимдан устун турувчи фаришта деб ҳисобланган. А. тақводорларнинг жонини осон, гуноҳкорларнинг жонини эса қийнаб олади деган фикрлар мавжуд.

АЙНУЛҚУЗЗОТ, асл исми Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Миёнжий Ҳамадоний (1099–1132) – шайх, мугасаввиф. Ҳамадон ш.да туғилган. Унинг илоҳий ҳикмат ва табиатшунослик илмларига оид “Яздон шенохт” (“Худони таниш”), тасаввуфнинг ўн асосини талқин қилувчи “Тамҳидот” (“Текислаш”), худонинг сифатлари ва зотиға бағишланган “Зубдат-ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”) китоблари бор. У

ақлни билим ҳосил қилишнинг муҳим воситаси деб билди. Мутафаккир фикрича, ақл фақат моддий дунёдаги воқеаларнигина тушуниб етиши мумкин, Ҳақнинг моҳиятини англашда эса, ожиздир. А. инсоннинг моҳиятини ишқ ташкил этади, ишқ воситасидагина инсон камолотга эришади, ишқ дунёни ҳаракатлантириб туради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, олий даражадаги илоҳий ишқ қуйи даражадаги инсоннинг дунёвий неъматларга бўлган рағбатини инкор этмайди, балки уни тўлдиради. “Кимки худони севса, унинг расули, ўзининг пиру муршиди ва ўз ҳаётини ҳам севиши лозим”, – деб ёзади.

А. бир неча йил қози ул қуззот – бош қози бўлиб ишлаган ва адолат йўлини тутган, диний ихтилофларга қарши турган. Унинг ижтимоий-ахлоқий фикрлари Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон мутафаккирларига таъсир ўтказган.

АЙЮБ (ас) – Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. А. исми Қуръонда тўрт ўринда зикр этилган: Нисо сураси 163-оят, Анъом сураси 84-оят, Анбиё сураси 83-оят. Сод сураси 41-оят. А. Мусо (ас)дан илғари яшаб ўтганлиги ривоят қилинган, баъзи ривоятларда эса, Иброҳим пайғамбардан юз йил илғари яшаган дейилади. А. ўта тақводор, камбағалларга меҳрибон, етим ва беваларга саховатли, меҳмондўст инсон ҳамда ўзи ниҳоятда бадавлат ва серфарзанд бўлгани ривоят қилинган. Шундай имкониятлар соҳиби бўлган А. бирон марта ҳам Аллоҳга осий бўладиган иш содир этмай, ибодатни тарк қилмаган, ҳар доим шукрона айтиб юрган. А. катта бойлик эгаси бўла туриб,

Аллоҳга бирон бир гуноҳ иш қилмаганидан шайтони лаин изтиробда эди. Чунки бошқа бойлар ҳар қадамда Аллоҳга осийлик қилишарди. Ва шайтони лаин ҳасад қилиб Аллоҳга хитоб қилади ва: “Бу А. сенинг берган молу давлатинг, фарзандларинг ва саломат қилиб қўйганинг учунгина сенга ибодат қилиб юрибди. Мен кафиллик берурманки, агарда сен унинг молу дунёсини ва соғлигини кетказиб, имтиҳон қилсанг, албатта у куфрга кетиб, сени унутади” – дейди. Шу боисдан Аллоҳ А. молу-дунёсини, фарзандларини ҳалокатга учратиб, ўзини ҳам оғир хасталикка мубтало қилиб синайди. Лекин А. бошига ҳар қанча мусибат етганда ҳам Аллоҳнинг зикрини тилидан қўймай, ибодатини асло тарк қилмайди. А. етган оғир хасталик оқибатида у жойидан қўзғала олмайдиган ҳолга етганида ҳам унинг вафодор аёли унга қараб, уни парвариш қилиб туради. Ниҳоят шунча оғир синовларни бошидан ўтказган А.га Аллоҳ яна соғлиқ инъом қилади ва унга фарзандлару кўпгина молу дунё ато этади. Шу ўринда уламолар бир мулоҳазани қайд этадилар: А.га етган хасталик борасида турли ривоятлар келган, жумладан А.нинг танасини яра босиб, қуртлар еб, одамлар А.ни даштга чиқариб юборган эмиш. Тавҳид уламолари қайд этадиларки, пайғамбарлар бундай жирканч хасталикка мубтало қилинмайдилар. Зеро, бундай ҳолатга тушишлик пайғамбарлик мақомига тўғри келмайди. А. қиссасида ва унинг бошига тушган мусибатлару хасталикда ҳамда А.нинг Аллоҳга дуо қилиши оқибатида унинг шифо топиб яна молу дунё соҳиби бўлишида мўъминларга ибрат ва намуна бор. Зеро, пайғамбаримиз ҳам: “Синовнинг энг қаттиғи пайғамбарларга, сўнгра солиҳларга, сўнгра шуларга ўхшашларга бўлур...” мазмунида ҳадис айтганлар. Шундан маълум бўладики, бу дунёда мусибат етиш б-н бўладиган синов бадбахтлик белгиси эмас. Зеро, бу фоний дунё қилинган ишга яраша мукофот олиш ўрни эмас, балким имтиҳон ва охират учун захира тўплаш ўрнидир.

АКРОМИЙЛАР – исломдаги диний-сиёсий гуруҳ (оқим). 1997–1999 й.ларда Фарғона водийсида пайдо бўлган. Гуруҳ асосчиси – Ақром Йўлдошев (1960 й.да Андижонда туғилган). Гуруҳ аъзолари, асосан,

хунармандлардан иборат бўлган. Улар расмий ишхоналардан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти б-н шуғулланганлар. Улар мавжуд тузумни тан олмайдилар, давлат, қонун, ота-онага эмас, фақат оқим сардорларига бўйсунуш лозим деб ҳисоблайдилар. А. асосчиси ваҳҳобийлик таълимотига таяниб, 1992 й.да 12 дарсдан иборат “Имонга йўл” деб номланган дастур ишлаб чиққан. Дастурда охирги мақсад – ислом давлатини барпо этишдан иборат экани таъкидланган. А. сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 босқичини режалаштирганлар: 1. “Сирли” ёки “махфий”. 2. Моддий. 3. Маънавий. 4. “Узвий майдон”. 5. “Тўнтариш”. Дастурда диний таассубга мойиллиги бор шахс танлаб олинди, унинг моддий ҳаёти яхшиланиши, экстремизм, террорчилик руҳидаги адабиётлар б-н таништирилиши, бошлиқнинг топшириқларини сўзсиз бажариши ва ниҳоят мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ўз ҳокимиятларини ўрнатиши баён этилган. А. ҳозирги кунда мусулмонларга намоз, рўза, закот, ҳаж фарз эмас, чунки биз куфр давлатида яшамокдамиз, деб ҳисоблайдилар. То ислом давлати қурилмагунча, мазкур ибодатларни бажариш шарт эмас деб қарайдилар. Ўзбекистон мусулмонлари бу оқимни исломга ёт оқим деб баҳолади. Оқим халқнинг кескин қаршичилигига учради ва фаолияти барҳам топди.

АЛАВИЙЛАР – қ. *Нусайрийлар*.

АЛ-АЗҲАР, Азхар (ал-Жомеъ, ал-Азхарнинг қисқа номи) – Қоҳирадаги жоме масжид, университет, ўрта ва ўрта махсус билим юрларини ўз ичига олган йирик расмий диний муассаса. Масжид Ал-Муъиз ал-Фотимий буйруғига биноан Жавҳар ас-Сиқоллий томонидан 970–972 й.лари Қоҳира ш. б-н баробар қурилган. Унинг таркибидаги мадраса (1996) 11-адан бошлаб Қуръон, ҳадис, фикҳ, тил ҳамда балоғат фанлари ўқитиладиган университетга айлантирилган. 14–15-а.ларда унга яна бир неча янги қурилган мадрасалар қўшилган. 18-а.да А. энг мўътабар умуммусулмон фан ва таълим маскани сифатида шуҳрат қозонди. 1961 й.да “ал-Азхарни ривожлантириш ҳақида” қонун қабул қилинган, вазирлик мақоми берилган. А. диний муассасасига раҳбар – Шайхул Азхарни Миср Президенти тайинлайди. Ушбу қонунга кўра, А. университетида қатор дунёвий факультетлар,

жумладан, идора ишлари ва савдо, политехника, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, педагогика ва хотин-қизлар факультетлари очилди. А. хузурида 50 йирик уламодан ташкил топган (шулардан 30 нафари мисрлик ва 20 нафари хорижлик) Ислом тадқиқотлари Академияси фаолият кўрсатади. А. кутубхонасида 20 мингдан зиёд кўлёмалар жамғармаси мавжуд. “Мажалят ал-Азхар” журналинини нашр этади. Университет факультетларига шу муассаса таркибига қирувчи бошланғич, ўрта ва ўрта махсус билим юрларини муваффақиятли тугатган талабалар қабул қилинади. Ўрта таълим юрти (маохид ибодия)да ўқиш муддати – 3 йил, махсус таълим (маохид санавия)да эса – 4 йил.

АЛАЙҲИССАЛОМ (араб. – унга салом бўлсин) – исломда пайғамбарлар номи тилга олинганда айтиладиган ибора. Бу ибора барча пайғамбарлар, жумладан, *Мухаммад* (сав) номи тилга олинганда ҳам айтилади. Аммо, мазкур иборанинг иккинчи тури – “Саллаллоҳу алайҳи васаллам” (“Аллоҳ таоло ул зотга ўзининг салавот ва саломини нозил этсин”) ҳам мавжуд бўлиб, у фақат Мухаммад (сав) пайғамбарга нисбатан айтилади.

АЛАМ (араб. – аломат, белги, байроқ) – 1) азиз-авлиёлар мазорида, қадамжоларида ўсган дарахтларга осиладиган ҳар хил (кўпинча оқ) латталар. Ўлдирилган қишлоқ қабрида таёққа осилган латта ҳам А. дейилади. А. жой номи таркибида кўп учрайди (Аламлисой, Хўжааламбардор ва б.); 2) Эронда ҳар йили ўтказиладиган байрам. Шиалар эътиқодига кўра, авлиё Имом Ризо беш ўғли б-н ҳаж қилиш учун Маккага кетаётганда йўлда қароқчилар уларни ўлдирди. Ҳар йили халқ шу кунни хотирлаш мақсадида А. – расм туширилган байроқ кўтариб кўчага чиқади. Мис ёки биринж (бронза)дан қуйилган беш панжали (беш авлиёни ифодаловчи) А. шу маросим асосида пайдо бўлган.

АЛ-АСМО ал-ҲУСНО (араб. – гўзал исмлар) – Аллоҳнинг исмлари. Мазмунан унинг сифатлари, фазилатларини ифодалайди. Қуръонда Аллоҳни шу исмлар б-н ёдга олиш буюрилади: “Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, уни ўша исмлар б-н чорланглар (ёд этинглар)” (“Аъроф” сураси, 180-оят); “Аллоҳ, деб чорлангиз, ёки Раҳмон – Меҳрибон, деб чорлангиз. Қандай чорласангизлар-да

(жоиздир). Зеро, У зотнинг гўзал исмлари бордир” (“Ал-исро” сураси, 110-оят). Бу исмлар – 99 та. Улар мусулмон илоҳиётида муҳим ўрин тутади. Аллоҳ исмлари кўп дуоларда қўшиб айтилади. Одатда тасбиҳ доналари сони Аллоҳ исмлари сони б-н тенгдир.

Ҳамма исмлар Қуръоннинг турли жойларида учрайдиган Аллоҳ сифатларидан келиб чиқади ва улар б-н боғланган феълларидан ҳосил бўлган. Бу исмлар ва уларнинг мазмуни қуйидагича:

1. Аллоҳ – Тангри, Маъбуди бар ҳақ.
2. ар-Раҳмон – ўта меҳрибон.
3. ар-Раҳим – жуда раҳмли.
4. ал-Малик – подшоҳ.
5. ал-Қуддус – нуқсонлардан холи.
6. ас-Салом – офат ва балолардан саломат.
7. ал-Муъмин – амонли ва омон берувчи.
8. ал-Муҳаймин – эгаллаб, қоплаб олувчи.
9. ал-Азиз – иззат ва қудрат соҳиби.
10. ал-Жаббор – бандалари ишини ислоҳ этувчи.
11. ал-Мутақаббир – катталик ярашувчи зот.
12. ал-Холиқ – яратувчи, вужудга келтирувчи.
13. ал-Борий – яратувчи.
14. ал-Мусаввир – махлуқот ва мавжудотларга сурат ва шакл берувчи.
15. ал-Фаффор – бандаларнинг айбу нуқсонлари ва гуноҳу маъсиятларини фош қилмай ёпиб турувчи, кечирувчи.
16. ал-Қаҳҳор – барчани бўйсундирувчи, голиб.
17. ал-Ваҳҳоб – ўз неъматларини текин ато этувчи.
18. ар-Раззоқ – барча тирик мавжудот ризқини етказиб берувчи.
19. ал-Фаттоҳ – кушойиш берувчи, раҳмат хазиналарини очувчи.
20. ал-Алим – билувчи, доно, илм соҳиби.
21. ал-Қобиз – кимларнингдир ризқини қиувчи, руҳларни қабз этувчи (олувчи).
22. ал-Босит – кимларгадир кенг ризқ берувчи, руҳ бахш этувчи.
23. ал-Ҳофиз – кофирлар мартабасини туширувчи.
24. ар-Рофиъ – мўминлар мартабасини кўтарувчи.
25. ал-Муизз – кимларнидир азиз, қадрли этувчи.
26. ал-Музилл – кимларнидир хору залил қилувчи.
27. ас-Самиъ – махфий ва ошкора гап ва

шарпаларни, ҳатто дилдан ўтганини ҳам эшитувчи.

28. ал-Басир – ҳамма махфий ва ошкора нарсаларни кўрувчи.
29. ал-Ҳакам – қатъий ҳукм этувчи.
30. ал-Адл – ўта адолатли.
31. ал-Латиф – бандаларига сездирмай ўз лутфу эҳсонини етказиб берувчи.
32. ал-Ҳабир – ҳамма махфий ва ошкора ишлардан хабардор.
33. ал-Ҳалим – жазолашга шошмайдиган, юмшоқлик б-н яхшилик қилиб турувчи.
34. ал-Азим – улуғ, буюк, катта.
35. ал-Фафур – гуноҳларни яшириб, жазо бермай турувчи.
36. аш-Шакур – оз ишга кўп мукофот берувчи.
37. ал-Алий – улуғ мартабали, буюк.
38. ал-Қабир – катта, ҳар жихатдан юқори.
39. ал-Ҳафиз – сақлагувчи (ўз паноҳида).
40. ал-Муқит – моддий ва маънавий озик берувчи.
41. ал-Ҳасиб – ҳар бир ишга ўзи кифоя қилувчи.
42. ал-Жалил – барча сифатлари мукамал, улуғ зот.
43. ал-Карим – карамли, саҳоватли, кечиримли.
44. ар-Рақиб – ҳамма нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчи.
45. ал-Мужиб – дуоларни қабул этувчи.
46. ал-Восий – мулки, раҳмати ва қудрати кенг зот.
47. ал-Ҳаким – ҳикмат соҳиби. Дақиқ ва нозик илмларни билувчи.
48. ал-Вадуд – дўст, хайрихоҳ, маҳбуб.
49. ал-Мажид – неъмат ва эҳсон бепоен.
50. ал-Боис – пайғамбарлар юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи.
51. аш-Шаҳид – ҳамма нарсани билиб, кўриб турувчи, гувоҳ.
52. ал-Ҳақ – ҳақиқатан мавжуд зот.
53. ал-Вақил – ҳамма ишларни ўз зиммасига, қафолатига олувчи.
54. ал-Қавий – ҳақиқий қувват ва қудрат эгаси.
55. ал-Матин – қувватли, матонатли.
56. ал-Валий – дўстларига дўст, мадақкор.
57. ал-Ҳамид – ҳамду саного, мақтовга лойиқ зот.
58. ал-Муҳсий – барча махлуқот ва мавжудотларнинг ҳисоб-китобини яхши билувчи.

59. ал-Мубдиъ – йўқдан бор қилувчи, яратувчи.
60. ал-Муид – ҳаётдан ўлимга, ўлимдан яна ҳаётга қайтарувчи.
61. ал-Мухийй – тирилтирувчи.
62. ал-Мумит – ўлдирувчи.
63. ал-Хай – тирик.
64. ал-Қайюм – ўз-ўзидан турувчи, бошқаларни турғизувчи.
65. ал-Вожид – хоҳлаган нарсасини топувчи.
66. ал-Можид – карамли ва шарафли зот.
67. ал-Воҳид – ягона, бир (худо-бир).
68. ас-Самад – ҳожатбарор.
69. ал-Қодир – қудратли.
70. ал-Муктадир – қудратли, қодир.
71. ал-Муқаддим – ўзига яқин қилувчи.
72. ал-Муаххир – ўзидан узоқ этувчи.
73. ал-Аввал – ҳамма нарсадан аввал, бошланиши чегарасиз.
74. ал-Охир – ҳамма нарсадан боқий, охири чексиз.
75. аз-Зохир – борлиги ҳамма томонлама баён бўлмиш зот.
76. ал-Ботин – ўзи мавжуд, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот.
77. ал-Волий – барча ишларни тасарруф этувчи ҳоким.
78. ал-Мутаол – улуғ, олий мартабали.
79. ал-Барр – яхшилик ва эҳсон соҳиби.
80. ат-Таввоб – тавбаларни қабул этувчи.
81. ал-Мунтақим – гуноҳкор бандаларидан ўч олувчи, жазоловчи.
82. ал-Афув – гуноҳларни афв этувчи.
83. ар-Рауф – ўта меҳрибон, раҳмати кенг.
84. Моликул-мулк – мулк, салтанат, ҳукм соҳиби.
85. Зул-жалоли вал-икром – шараф ва карам эгаси.
86. ал-Муксит – адолатли, одил.
87. ал-Жомиъ – тўпловчи, қиёмат куни ҳалойикни маҳшаргоҳга жам этувчи.
88. ал-Ғаний – бой, эҳтиёжсиз.
89. ал-Муғний – бой этувчи, кифоя қилувчи.
90. ал-Мониъ – дўстларини ҳимоя этувчи, нолайиқларга ўз неъматларини ман этувчи.
91. аз-Зорр – хоҳлаган бандаларига офат, зарар ва мусибат етказувчи.
92. ан-Нофиъ – хоҳлаган бандаларига манфаат ва фойда етказувчи.
93. ан-Нур – ўз-ўзидан борлиги аён ва борликни ҳам аён этувчи.
94. ал-Ҳодий – йўл кўрсатувчи, ҳидоятта солувчи.

95. ал-Бадиъ – яратувчи (ихтиро ила)
 96. ал-Боқий – доимий, абадий мавжуд.
 97. ал-Ворис – борликни мерос қилиб олувчи.
 98. ар-Рашид – барча иш ва тадбирлари тўғри чикувчи.
 99. ас-Сабур – гуноҳкор-исёнкорларга жазо беришга шошилмайдиган зот.
- АЛВАСТИ** – Шарқ мифологияси ва диний-хурофий тасаввурларга кўра ёвуз рух. А. кўпинча сочлари ёйилган, кўкраклари узун осилган ва бадбашара аёл қиёфасида тасаввур этилган. Манбаларда А. дастлаб яхшилик қилувчи, ҳосилдорлик, уй-рўзгор, ёввойи ҳайвонлар ва овчилик ҳомийси, саҳий маъбуда сифатида тасвирланган. Ривожланган мифологик тасаввурларнинг кенг ёйилиши б-н эса, ёвуз рухлардан бирига айлантирилган. Баъзан А. жин, ажина сўзларининг синоними сифатида ҳам ишлатилади.
- АЛИ** ибн Абу Толиб (қв) (тахм. 600–661.21.1, Кўфа) – “хулафо рошидин” ёхуд “чорёрлар” деб аталувчи дастлабки тўрт халифанинг тўртинчиси, Муҳаммад (сав)нинг амакиваччалари ва куёвлари (*Фотиманинг эри*). Отаси – Абу Толиб ибн Абдулмутталиб, онаси – Фотима бинти Асад ибн Ҳошим. 9 ёшидан Муҳаммад (сав)нинг тарбиясида бўлган. Лақаби – Ҳайдар. Ислолда вужудга келган *ишалик* ҳаракати бевосита А. (қв) исми б-н боғлиқдир. 7-а. ўрталарида халифа *Усмон* (ра) сиёсатидан норозилик оммавий тус олди. Муҳаммад (сав)нинг барча юришларида иштирок этган, кўрқмас ва содиқ жангчи, ўта тақводор инсон, мохир нотик А. (қв) халифаликка муносиб номзод сифатида кўпчиликка маъқул эди. 656 й. июнида Усмон (ра) ўлдирилди ва А. (қв) халифа деб эълон қилинди. Аммо саҳобалардан Талха ва аз-Зубайр ҳамда А. (қв)га нисбатан адоватда бўлган пайғамбар (сав)нинг беваси *Оиша* (ра) тарафдорлари унга қарши бош кўтардилар. Катл этилган Усмон (ра)нинг қариндоши Сурия ҳокими *Муовия* ҳам А. (қв)га қарши уруш эълон қилди. 657 й. Фурот дарёси ўнг қирғоғидаги Сиффин деган жойда юз берган жангда А. (қв) кўли баланд келган бўлса-да, у рақиблари б-н келишишга кўнди. Бундан норози бўлган А. (қв) аскарларидан 12 минг киши жанг майдонини тарк этдилар ва *хорижийлар* деб аталган диний-сиёсий оқимни ташкил қилдилар. Хорижийлар рақибларига

нисбатан якка террор усулини қўллаш бошладилар. 661 й. 19 янв.да А. (қв) Абдурахмон ибн Мулжам ас-Соримий деган шахс томонидан Куфа масжидидан чиқиш пайтида жароҳатланади ва икки кундан сўнг вафот этди. Жасади ана шу масжид яқинига дафн этилган, кейинчалик Нажаф қасабасига кўчирилган. Расулulloҳдан 586 та ҳадис ривоят этган. Ислолда А. (қв) шахсига муносабат турличадир. Хорижийлар унга ўта салбий муносабат билдирган бўлсалар, шиалар аксинча уни илоҳийлаштириб юборганлар. Аҳли сунна А. (қв) шахсига мўътадил ва тўғри баҳо беради. А. (қв) тарафдорлари кейинчалик исломдаги шиалик (араб. – “шиа” – гуруҳ, бу ўринда “Али тарафдорлари” мазмунида) оқимини ташкил этганлар. А. (қв) шиаларнинг 1-имомини ва шиа имомлари шажарасини бошлаб берувчи ҳисобланади. Шиа йўналишининг баъзи ашаддий фирқалари А. (қв) шахсини илоҳийлаштириб, уни Муҳаммад пайғамбардан ҳам юқори қўядилар. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бир неча қадамжо ва мазорлар А. (қв) номи б-н боғланиб, муқаддаслаштирилган. Ҳақиқатда эса А. (қв) Ўрта Осиё ва Эронда ҳеч қачон бўлмаган.

АЛИ АВЛОДЛАРИ – Али ибн Абу Толиб авлодлари. Манбаларга кўра, Али (қв)нинг турли хотинларидан (8 ёхуд 9) кўплаб фарзандлари – 14 (ёки 18) ўғил ва 19 (ёхуд 17) қизи бўлган. Уларнинг ичида тарихда энг машҳурлари Муҳаммад (сав) қизлари *Фотимадан* туғилган Ҳасан ва Хусайн ҳамда бану ханифа қабиласидан бўлган хотинидан туғилган Муҳаммад ибн ал-Ханафийа ҳисобланади. Айнан мана шу уч фарзанддан тарқалган тармоқ олий ҳокимиятга даъвогар бўлишган. Шиаликдаги *имомийлар* оқими тан оладиган 12 имомдан 9 таси Хусайн тармоғига мансубдир. Ислонинг деярли бутун тарихи мобайнида А.а. ёхуд уларнинг тарафдорлари олий ҳокимиятга эришиш йўлида қуролли ва гоёвий кураш олиб борганлар. Улар имоматга фақат А.а. ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблайдилар. Кураш жараёнида халифаликнинг турли чеккаларда А.а. бош бўлган имоматлар барпо этилган. Уларнинг ичида энг машҳурлари Марокашдаги Идрисийлар (789–926), Шимолий Африка, Миср ва Суриядаги Фотимийлар (909–1171),

Ямандаги Рассийлар (9-а. бошидан 1281 й.гача), Табаристон (863-64 – 928) ва Яман (1592–1962)даги Зайдийлар сулоласи ҳисобланади. Ҳоз. вақтда кўплаб А.а. барча мусулмон мамлакатларида яшайдилар. Улар имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлиб, яшил салла ўрайдилар ва сайидлар ёхуд шарифлар деб аталдилар. Тор маънода А.а. алавий деганда “ашаддий” шиалар жамоаси – нусайрийлар тушунилади. Халқ фикрига кўра, Фотимадан тарқалган А.а. Ўзбекистонда “сайидлар” ёхуд “тўралар” деб аталади. Али (қв)нинг бошқа хотинларидан тарқалган авлодлари “хўжалар”га киради.

АЛИ ар-РИЗО, Али ибн Мусо (765/770–818) – шиаларнинг саккизинчи имоми. Мадинада яшаган. 816 й.да халифа ал-Маъмун мўътадил шиалар б-н иттифоқлашиш ва улар ёрдамида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида А. ар-Р.ни тахт вориси деб эълон қилган. Лекин бу иттифоқ узокқа чўзилмаган. Суннийлар бунга қарши ҳаракат бошлаган. Халифа шиалар б-н муносабатини узгандан кейин А. ар-Р. Хуросонда Тус ш. яқинидаги Нукан қишлоғида заҳарлаб ўлдирилган ва Санобад қишлоғига дафн қилинган, кейинчалик унинг қабрига мақбара барпо этилган ва шиалар учун зиёратгоҳ, асосий муқаддас жойлардан бирига айланган. Қабр жойлашган қишлоққа А. ар-Р. шарафига Машҳад Али Ризо номи қўйилиб (А. ар-Р. шахид бўлган жой), у йирик шаҳар (хоз. Машҳад)га айланган.

АЛИЛОҲИЙЛАР – қ. *Аҳли ҳақ*.

АЛИХОНТЎРА Шокирхўжа ўғли (тахаллуси Соғуний; 1885.21.3. Тўқмоқ – 1976. Тошкент) – дин ва давлат арбоби, уламо, таржимон. Тахаллуси туғилган шахрининг қад. номи – Боласоғун б-н боғлиқ. Арабистон (Мадина)да ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Чор маъмуриятининг ерли аҳолини мардикорликка олиш сиёсатига қарши чиққанлиги учун подшо махфий полицияси таъқибида бўлган. 1916 й. сиёсий муҳожир бўлиб Қашқар (Хитой)га кетган. Омма орасида хуррият учун кураш ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли 1937 й. Хитой маъмурлари томонидан ҳибсга олиниб, умрбод камок жазосига ҳукм этилган. 1941 й. озод қилинган. 1944 й. Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, А. Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланган. Миллий қўшин ташаббускори

бўлган ва унга қўмондон этиб тайинланган. 1946 й.дан умрининг охиригача илмий, ижтимоий фаолиятини давом эттирган. Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Дарвиш Али Чангийнинг “Муסיка рисоласи”, шунингдек, “Темур тузуклари” каби асарларни таржима қилган. А.нинг “Девони Соғуний” шеъррий тўплами, “Тарихи Муҳаммадий”, “Шифо ул-илал” (“Хасталиклар давоси”) ва б. асарлари бор. “Тарихи Муҳаммадий” (ёки “Муҳаммад тарихи” асарини А. 1959 й. ёзиб тугаллаган, лекин у муаллиф вафотидан кейин чоп этилган (1991 ва 1997). Асар 2 китобдан иборат, унда Муҳаммад (сав)нинг ислом дини вужудга келиши ва ривожланишидаги хизматлари муфассал ёритилган, дин йўлида қилинган газотлар, ислом дипломатияси, ғоялари, амалиёти ва ютуқлари таҳлил этилган. Муҳаммад (сав)нинг шахсий ва оилавий ҳаёти, пайғамбарлигини тасдиқловчи мўъжизалар баён қилинган. А. тарихий меъморлик обидалари ва қад. қўлёзмаларни сақлаб қолишда жонқуярлик қилган. Тошкентдаги Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

АЛЛОҲ (араб. “ал-илоҳ” – илоҳий куч, туркий халқларда, хусусан, ўзбекларда – Тангри, форс-тож. Худо, Язид). О л л о ҳ – ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи. Одатда А.га Таоло (улуғ, олий), Таборака ва таоло, Жалла жалалаҳу, карим, бузург, Парвардигори олам каби сифатлар қўшиб айтилади. Ислом динига биноан А. – яккаю-ягона худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У *Муҳаммад* пайғамбар (сав)ни инсониятга ўзининг сўнгги элчиси сифатида юборган. Исломнинг энг асосий талаби ҳисобланган калимаи шаҳодат “Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ” (“Адан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад – А.нинг найгамбари”), деб уқтиради. Исломга кўра, *Қуръон* Муҳаммад (сав)га фаришта Жаброил (ас) орқали юборилган А.нинг сўзидир. Қуръони каримда А.нинг ягоналиги ва буюклиги жуда кўп бор таъкидланади. 112-Ихлос сурасида: “...У – Аллоҳ Бирдир (яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У якка-ю ёлғиздир). А. (барча хожатлар б-н) кўзлангувчидир (яъни барча хожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга мухтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни А.нинг ўғил-

қизи ҳам, отаси-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир”, дейилган. Шунингдек, Қуръонда доимо А.нинг мукамаллиги, қодирлиги ва улуғлиги ҳақида гапирилади. А. “алийим”, яъни билувчидир, у бўлиб ўтган ишларни, энди бўладиган ишларни, хоҳ катта, хоҳ кичик, барчасини билади; А. “мурид”, яъни хоҳлагувчидир – дунёдаги ишларнинг ҳар бири А. таолонинг иродаси ва хоҳиши ила бўлади, у хоҳлаган иш бўлмай қолмас ва хоҳламаган иш асло бўлмас; А. “қадир”, яъни ҳар ишга қудрати етувчидир; А. “басир”, яъни кўрувчи – ер ва осмондаги, қоронғу ва ёруғдаги, катта ва кичик нарсаларнинг барчасини кўради; А. “самий”, яъни эшитувчи – баланд бўлсин, секин бўлсин ҳар қандай овозларни эшитади; А. “мутакаллим”, яъни сўзлагувчи – Қуръони каримдаги барча оятлар, шунингдек, Таврот, Инжил, Забур китоблари А. таолонинг сўзидир; А. “мукаввин”, яъни бўлдирувчи – дунёдаги барча нарсалар унинг бўлдиrhoғи ила бўлгандир; А. “раббун”, яъни тарбия қилувчи – барча жонли ва жонсиз нарсаларни тарбия қилади; А. таоло “одил”, яъни тўғрилиқ қилувчи – ҳар бир ҳукми ва ҳар бир ишни тўғрилиқ ила қилади, ҳеч кимга жабр ва зулм қилмайди. У меҳрибон ва кечиримли. Одамлар бутунлай унга итоат этишлари (исломга киришлари), худодан қўрқиб виждонли бўлишлари, барча нарсада А.га ва унинг иродасига ишонишлари лозим. А. ўзи хоҳлаган пайтда ердаги барча нарсани барбод этади, ўликларни тирилтиради ва уларни ўз ҳузурига ҳукм қилиш учун йиғади: у ерда ҳар кишининг қилган амалига кўра ё жаҳаннам (*дўзах*) азобида дучор қилади ёки *жаннат* б-н мукофотлайди. А. ҳақидаги таълимот мусулмон дини ва илоҳиёт фанининг асоси бўлиб қолди. А. табиатининг турли қирралари ҳадис, тафсир ва илоҳиётга оид маҳсус асарларда тилга олинди, тушунтирилади. Шунга кўра, У инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Ислом таълимотига кўра, А. таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. А. бирор нарсага ўхшатишмайди ва бирор нарса ҳам А.га ўхшатишмайди. А.нинг исм ва сифатлари Қуръони каримда тилга олинган 99 исмларида якқол кўринади (қ. *Ал-асмо ал-ҳусно*).

АЛЛОҲУ АКБАР – қ. *Такбир*.

АЛЯСАЪ (ас) – Куръонда номи зикр қилинган пайгамбарлардан бири. А. Бану Исроил пайгамбарларидан бири бўлиб, Куръонда А. ҳақида алоҳида оятлар нозил бўлмаган, балким имон келтириш лозим бўлган бир гуруҳ пайгамбарлар жумласида зикр қилинган (Сод сураси, 48-оят, Анъом сураси, 86-оят). Ривоятларга кўра А. *Илёс* пайгамбарнинг амакиваччаси бўлиб, Илёс (ас) вафотидан сўнг Аллоҳ А.ни пайгамбар этишни ихтиёр қилади ва А. Илёс (ас) нинг даъватини давом эттириб одамларни Аллоҳга имон келтиришга ва Илёс (ас) шариатини татбиқ этишга чақирган. А. замонасида турли ҳодисалар содир бўлгани ривоят қилинган.

АМАЛ (араб – иш, фаолият, ҳаракат) – дин ақидаларига ишонишдан ташқари диндор ўз фаолияти ва ҳаракати б-н бажарадиган барча ишларни ифода этувчи тушунча. А. умумий мазмунда диний маросим, урф-одатлар б-н боғлиқ вазифаларни ўз ичига олади. Куръонда “А.” сўзи жуда кўп сураларда келади, бунда мусулмонлар томонидан бажариладиган яхши, савоб ва гуноҳ ишлар ҳам, шайтон томонидан одамларга қилинадиган васваса ва зарарли ишлар ҳам тушунилади.

АМИН (араб. – ишончли, ҳалол) – *Муҳаммад* (сав)га пайгамбарлик ваҳийи келмасидан бурунги даврда у зотнинг ниҳоятда ҳалол, ростгўй бўлганликлари туфайли халқ томонидан берилган лақаб (*Муҳаммад амин*, яъни *Муҳаммад ҳалол*, *ишончли*).

АМИР ал-МЎМИНИН (араб. – мўминлар амири) – араб халифалиги давридаги *халифаларнинг* унвони. Ислом таълимотида *Муҳаммад* (сав) охириги пайгамбар, халифалар эса, пайгамбарнинг ўринбосарлари ҳисобланади. Диний, дунёвий ва ҳарбий ҳокимият уларнинг қўлларида жамланган. Бу вазифаларни бажарувчилар “халифа”, “имом”, “амир” истилоҳлари ўрнига, ҳар учала мазмунни ифодаловчи ягона А.ал-м. истилоҳи б-н аталган. Мазкур унвон илк дафъа иккинчи халифа *Умар* (ра)га берилган, кейинги барча халифалар (*Усмон* (ра), *Али* (қв) ва б.) ҳам шу унвон б-н аталган.

АМИР ул ҲАЖ, А м и р а л-Х а ж – ҳаж бошлиғи, ҳожилар карвони раҳбари. Ҳаж зиёратига келувчиларга раҳбарлик қилиш одатини *Муҳаммад* (сав) белгилаб берганлар. Пайгамбар (сав) 631 й. *Абу Бакр Сиддиққа*

Мадинадан Маккага борувчи карвонга ҳаж амири сифатида бошчилик қилишни, унга гайридинлар қўшилиб қолмаслиги устидан назорат қилишни топширганлар. 632 й. *Муҳаммад* (сав) нинг ўзлари “видолашув ҳажи” (“ҳаж ул видо”)га бошчилик қилиб, ҳаж маросимларига доир бир қанча муҳим кўрсатмаларни берганлар. Ҳажга раҳбарлик қилиш ёхуд А. ул Х.ни тайинлаш ҳуқуқи халифаларда бўлган. 13-а.да А. ул Х.ни тайинлаш ҳуқуқи мамлук султонларига ўтган, айни шу вақтдан эътиборан Маккага йўл олган ҳожиларнинг асосий тўпланадиган ерлари (мас., *Дамашқ*)да ташкил этилган карвонбошилар ҳам А. ул Х. деб атала бошлаган. Маккага борувчи ҳожиларнинг асосий карвонини тайёрлаш ва жўнатишга Усманийлар даврида ҳам катта эътибор берилган. А. ул Х. томонидан қуролли гуруҳ ажратилиб, унга *Хижозда* Туркиянинг мавқеини кучайтириш бўйича муҳим вазифалар юклатилган. 20-а.нинг 20-й.ларида Саудия Арабистони қироли *Ибн Саъуд* давлат ҳудудида А. ул Х.нинг ҳар қандай сиёсий фаолият юргизишини тақиқлаб қўйган. А. ул Х. вазифалари карвондаги тартибни сақлаш ва дипломатик топшириқларни бажо келтириш б-н чекланиб қолган. 1954 й. ҳажга борувчиларнинг асосий қисми тўпланадиган Мисрда А. ул Х. унвони бекор қилиниб, ўрнига “ҳожилар гуруҳи раҳбари” (раъис баъсат ал-ҳаж) тайин этилган.

АММОР ибн ЁСИР, тўлиқ исми *Абул Яқзон Аммор ибн Ёсир ибн Омир ал-Киноний* (565–657) – саҳоба, исломга биринчи бўлиб кирганлардан бири. Ўтқир фикрли ва жасоратли киши бўлган. Мадинага хижрат қилган. *Бадр*, *Ухуд*, *Хандақ* жангларида қатнашган. У исломда биринчи бўлиб масжид қурган кишидир, у ўз масжидини *Қабо* деб атаган. *Али* (қв) халифалиги даврида *Куфа* амири бўлган. *Али* (қв) б-н бирга *Жамол* ва *Сиффин* жангларида қатнашган ва *Сиффин* жангида шаҳид бўлган.

АМР ибн ал-ОСС, тўлиқ исми *Амр ибн ал-Осс ибн Воил ал-Саҳмий ал-Курайший*; куняси *Абу Абдулло* (571–664) – Мисрни фатҳ этган ислом саркардаси, арабларнинг қабила бошлиқларидан. Жоҳилият даврида исломга қарши бўлган. *Худайбия* сулҳида исломга кирган. *Расулulloҳ* (сав) уни ғазотга юбориб,

ёнига *Абу Бакр Сиддиқ* (ра) ва *Умар* (ра)ни кўшганлар. Кейин А.а.-О.ни Уммонга волий қилиб юборганлар. Умар (ра)нинг халифалик даврида Шом фатҳ қилинган, А.а.-О. Фаластин, сўнг Мисрга катта лашкарга кўмондон бўлиб борган. 39 та ҳадис ривоят қилган.

АМР ибн УБАЙД (699–761) – *муътазилийлар* оқими асосчиларидан бири. Балхда туғилган. Отаси б-н Басрага кўчиб бориб, Ҳасан ал-Басрийдан таълим олган. Баъзи ўрта аср илоҳиётчилари исломдан муътазилийлар оқимининг ажралиб чиқишига Восил ибн Ато эмас, балки А.и.У. сабабчи деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, муътазилийларнинг ақлга таянувчи алоҳида оқим бўлиши Восил ибн Атонинг хизматидир. Аммо А.и.У. ҳам истиснодди шахс сифатида муътазилийлар таълимотини шакллантиришга сезиларли ҳисса кўшган.

АМРИ МАЪРУФ (араб. тўлиқ шакли “амри маъруф, наҳий мункар” – “яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш”) – ислом динидаги маросим. Мусулмонлар бир-бирларини ҳақ йўлга, яхшилик ва гўзал ахлоққа чақариши Аллоҳ тарафидан фарз қилинган. Чунки, дўстона, беғараз насихат, хусусан, амалда ўзи ўрناق бўлган ҳолда, бошқаларни тарбиялаш жуда катта таъсирга эга. Киши ўз оиласини, фарзандларини диний эътиқод, ҳалоллик ва пок ахлоқда тарбиялаш ҳам А.м. сифатида фарзи айн ҳисобланади. Аллоҳ мусулмонлар бир-бирларини тўғри йўлга даъват этиб, инсонийликка номуносиб, ножўя ишлардан қайтаришларини (наҳий мункар) зарурий фарзлардан қилган. Ҳадисларнинг бирида “Агар сизлар бир-бирингизни яхшиликка буюриб, ёмонликлардан қайтариб туришлик вазифасини тарқ этадиган бўлсангиз, Аллоҳ таоло сизларга шундай бало ва офатларни юборадики, бу ҳамма учун фожиа бўлади”, деб ривоят қилинади. Аллоҳ таоло ҳам ўз китобида: “Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган бир тоифа кишилар бўлсин. Айнан улар нажот топувчилардир” (3.104) дейди.

АНАС ибн МОЛИК, тўлиқ исми Анас ибн Молик ибн ан-Назр ан-Нажжорий ал-Хазражий ал-Ансорий, куняси Абу Сумома (610, Мадина – 712, Басра) – ансорлардан ва асҳоби киромнинг фақиҳларидан бири.

Хижратнинг ибтидосидан эътиборан ўн йил Расули Ақрам(сав)нинг хизматида бўлиши б-н шуҳрат топган. 2630 ҳадис ривоят этган. Абу Бакр, Умар, Усмон, Убайй бин Каъб ва б. кўпгина асҳоблардан ривоят этган, унинг ўзидан ҳам *Ҳасан Басрий*, *Зухрий*, *Қатода*, *Яхё ибн Саид* каби зотлар ҳадис нақл этганлар. Басрада энг кейин вафот этган саҳобадир.

АНБАР – эркаклар тобутининг 4 бурчагига тик қоқилган таёқларга ўрнатилган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишқом тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз.

АНБАР БИБИ МАҚБАРАСИ – Занги ота мажмуаси таркибидаги мақбара. Тошкент яқинидаги Занги ота қишлоғида барпо этилган (15-а. бошларида). Занги ота мақбараси қатори бу ёдгорлик ҳам Амир Темур замонаси меъморлик анъанасининг ёрқин намунасидир. Ривоятларга қараганда, мақбара Занги отанинг хотини Анбар бибининг қабри устига қурилган. Мақбара ичидаги иккинчи қабр Анбар бибининг аввалги қайнонаси Улуғпошшоники. А.б.м. кейинги асрлардаги таъмирланиш оқибатида ҳозир ўзининг асли ҳолатини деярли йўқотган. Анбар биби халқ орасида афсонавий шахсга айланган. У кишининг руҳига бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола тугилиши ва ҳосилдорлик б-н боғлиқ бўлган.

АНБАР ОНА, **А м б а р о н а** – халқ оғзаки ижоди ва ислом анъаналарида аёллар машғулотининг ҳомийси, пири. Ривоятларга кўра, у даставвал шайх Ҳаким отанинг завжаси бўлган, у вафот этгач, *Занги ота*га турмушга чиққан. А.о. ҳақида ҳосилдорлик маъбудалари, жумладан Авестодаги Анахита маъбудасига ўхшатиб баён этилган афсоналар ҳам бор. Шунингдек, А.о.ни кўп йиллар сарсон-саргардонликда йўқолган ўғлини қидирганлиги, лекин уни топа олмаганлиги ҳақидаги ривоятлар сақланиб қолган. А.о.га бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола тугилиши ва ҳосилдорлик б-н боғлиқ бўлган. Сумалак учун тайёрланган бугдойнинг тез ёки секин униб чиқиши ҳам А.о. номи б-н боғланган. А.о.га бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда отин бибилар, доялар, сеҳргарлар, парихонлар

иштирок этиб, улар А.о. ҳақида тўқилган ривоятлар ёрдамида турли ирим-сиримларга ишонган содда кишиларни алдаб, бойлик орттирганлар.

АНБИЁ (араб. набий, пайғамбар сўзининг кўплиги) – қ. *Пайғамбар*.

АНЖИРФАҒНАВИЙ Маҳмуд [12-а. охири, Вобкент туманидаги Анжир Фагнав (ҳоз. Анжирбоғ) қишлоғи – 1286] – хожагон-нақшбандия силсиласининг йирик намояндаси, бухоролик етти ирнинг учинчиси.

Хожа Ориф Мохитобон – *Ревгарий*дан таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф”да 12-ҳалқанинг пири ҳисобланади. Хуфиёна (яширин) зикр б-н жаҳрия (баланд товушли) зикрга баробар амал қилган. Хожа Али *Ромитаний* (Хожаи Азизон)га устозлик қилган. Туғилган қишлоғида дафн этилган. Қабри устидаги мақбара мустақиллик даврида таъмирланган.

АНСОРИЙ Боязид ибн Абдуллоҳ (1525–1572) – Афғонистондаги *равшанийлар* диний оқими асосчиси, сохта пайғамбар. Ўзбеклар орасида Бобо Равшан номи б-н маълум бўлган. Ёшлигида савдо-сотик ишлари б-н шуғулланиб кўп шаҳарларга борган. *Тасаввуф* ҳамда *исмоилийлар* таъсирида бўлган. Фикҳ илми асосларини ўрганган. Уламолар б-н диний баҳсларда иштирок этган.

1542 й. “менга илоҳий ваҳий тушди” деб, ўзини пайғамбар деб эълон қилган ва “янги ғоялари”ни тарғиб қилишга киришган. Тенглик ва адолатли жамият қуриш фикрини илгари сурган. Афғон мулкдорларига ва мўғул истилочиларига қарши олиб борилган ҳаракатга раҳбарлик қилган. А.нинг тарафдорлари унга Пири Равшан лақабини беришган. А. пушту, форс ва араб тилларида бир неча асарлар (“Мадад қилувчи пирнинг аҳволи”, “Мўминларнинг мақсадлари”) ёзган. А. пушту тили учун ўз алифбосини таклиф этган.

АНСОРИЙ ал-ҲАРАВИЙ, Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад (1006–1089) – машҳур суфий-ҳанбалий. Хиротда туғилган. Отаси суфийлардан бўлиб, ўғлини ҳам тасаввуф йўлига бошлаган. Тўққиз ёшида Абдуллоҳ хиротлик етакчи шофиийлар раҳбарлигида ҳадис ва тафсирдан сабоқ олган. Улар жумласига Мансур ал-Аздий (1018 й.в.э.), Абул

Фадл ал-Жорудий (1023 й.в.э.) ва Яҳё б. Аммор (1031 й.в.э.)ларни киритиш мумкин. Гарчи унинг устозлари шофиийлар бўлса-да, Абдуллоҳ Куръон ва суннага ўта меҳр қўйганидан ханбалий мазҳабининг ашаддий тарафдорига айланган. А. ал-Х. сабоқ олиш мақсадида 1026 й. Нишопурга, сўнгра Тус ва Бистомга борган. 1031 й. у бир фурсат Бағдодда тўхтаган чоғида машҳур ханбалий муҳаддисларнинг машғулотларига қатнаган. Орадан бир оз вақт ўтгач, у машҳур суфий – Абул Ҳасан ал-Ҳараконий (1033/34 й. в.э.) б-н учрашган. Боязид *Бистомий*нинг издоши бўлган бу зот б-н мулоқотда бўлиш унинг ҳаёти ва тафаккурида ўчмас из қолдирган. Сўнгра у Хиротга қайтиб таълим бериш б-н шуғулланган ва муътазиллий ва ашъарийларга қарши фаол мунозаралар олиб борган. Шайхулислом унвонига сазовор бўлган А. ал-Х. умрининг охирида кўз нуридан ажраб Хиротда вафот этган. Юсуф ал-Ҳамадоний (1140 й. в.э.) А. ал-Х.нинг энг буюк издошларидан саналиб, *яссавийлик* ва хожагон тариқатлари мана шу зотга бориб тақалган.

АНСОРЛАР (араб. – ёрдамчилар, сафдошлар) – Муҳаммад (сав) саҳобалари бир табақасининг номи. 622 й. Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмонлар (муҳожирлар)га ва Муҳаммад (сав)га ёрдам берган ҳамда ислом динини қабул қилган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларининг аъзолари. А. муҳожирлар б-н бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган. А. б-н муҳожирлар ўзаро муносабатларини битимлар орқали белгилаган. А. Бадр жангидан эътиборан Муҳаммад (сав)нинг Макка мушрикларига қарши юришларида фаол иштирок этишган. Ҳарбий ўлжа тақсимланганда муҳожирлардан кейинги навбатда турганлар. Кейинги сиёсий воқеаларда ҳам А.нинг ўрни катта бўлган. Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг улар ўз ичларидан халифа сайлашга уриниб кўрганлар. Лекин халифалик кўпчилик овози б-н *Абу Бакр Сиддиқ*қа насиб бўлган. А. ҳадис ровийлари сифатида ҳам машҳур.

АНҚО – қадимий шарқ халқлари мифологиясига кўра, Аллоҳ томонидан ҳар томонлама мукамал қилиб яратилган афсонавий қушнинг номи. Баъзи ривоятларда кўрсатилишича, А. тамомила йўқолиб кетган эмас, лекин жуда кам учрайди. Ислом

анъанасида А. афсонавий куш – Семург б-н айнанлаштирилади, ривоят, эртақларда Хумо кушга ҳам ўхшатилади. Қад. Шарқ халқлари афсона, эртақ ва достонларида бош қахрамонга ҳомий. У инсонлар кўзига кўринмайди, қаноти, пати олтин, қумуш ва б-дан деб таърифланади. Халқимиз орасида А. бахт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса, ўша бахтли бўлади деган фикр мавжуд. Тақчил, камёб нарсалар ҳақидаги “анқонинг уруғи” деган ибора шундан олинган.

АРАСОТ – қ. *Аъроф*.

АРАФА (араб. – билмоқ, танимоқ, маърифат ҳосил қилмоқ) – 1) ҳижрий-қамарий йил ҳисоби бўйича 12-ой (Зил-ҳижжа) 9-кунининг номи. Ислом манбаларида айтилишича, бу куннинг А. деб аталишига сабаб *Иброҳим* (ас)га *Жаброил* ҳаж ибодатининг арконларини шу куни ўргатиб кетган. Ҳожилар шу куни *Арафот* тепалигига чиқиб, то Куёш ботгунга қадар дуо, ибодат ва илтижо б-н машғул бўладилар; 2) Ҳайитдан олдинги кун ҳам А. деб номланади.

АРАФОТ – Макка ш-дан 20 км нарида жойлашган, узунлиги 11–12 км ва кенглиги 6,5 км бўлган водий. Шимол томондан тоғ тепалиги б-н ўралган, бу тепалик ҳам А. дейилади. Қурбон ойи (Зилҳижжа ойи)нинг 9-куни, яъни *арафа* куни ҳожилар шу тепаликка чиқиб, то куёш ботгунга қадар ибодат б-н машғул бўладилар. Ислом манбаларидаги ривоятга кўра, *Иброҳим* (ас)га *Жаброил* шу тепаликни кўрсатиб: “Шу жой – Арафотдир, билиб олинг, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади, шу ерда гуноҳларингизни эътироф этасиз”, деганлар. Бошқа бир ривоятда Одамато б-н Момоҳаво жаннатдан чиқариб юборилганидан кейин бир-бирлари б-н шу ерда учрашган, дейилади. А. тепалигида бир баланд жой борки, у ерни “жабалир раҳма” яъни “раҳмат тоғи” дейилади. Муҳаммад (сав) вафотларидан 81 кун олдин, ҳижратнинг 10-йили Мадинадан ҳажга келиб, арафа куни шу тепаликка чиққанлар ва оқ туяларини чўктириб, унинг устида туриб машхур “Видолашув ваъз”ларини айтганлар. Шу сабабли бу жой узоқдан кўриниб туришлиги учун устун шаклида кўтарилиб, оққа бўяб кўйилган.

АРВОҲ (араб. – руҳлар) – қ. *Рух*.

АРКОН ад-ДИН – қ. *Рукн*.

АРСЛОНБОБ (тахм. 11-а.) – туркистонлик машхур суфий. А.нинг ҳаёти, суфийлик фаолияти ҳақидаги маълумотлар насабнома (шажара)ларда ва кўлёма манбаларда қисқа берилган. Аҳмад *Яссавий*нинг биринчи маънавий устози бўлган. Ёш Аҳмад унинг раҳбарлигида суфийлик тариқатининг мураккаб амалий ва назарий билимларини олган. Ривоят қилинишича, А. Қирғизистон худудидаги шу ном б-н аталувчи қишлоққа дафн қилинган. Мақбараси ҳозиргача сақланиб қолган ва зиёратгоҳ ҳисобланади.

АРШ, А р ш и а ʼ л о (араб. тахт) – буюк тахт. Ақоид илми уламолари фикри, оят ҳамда ҳадисларга кўра, А. оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. У худди олам устидаги қуббага ўхшаш. У махлуқотларнинг шифтидир. Аллоҳ таолонинг А.га эҳтиёжи йўқ, балки уни Ўзи билган хикмат учун яратгандир. А. файласуфлар айтганидек фалак эмасдир. Улар А.ни тўққизинчи фалак ёки атлас фалаки дейишган. Араблар А.ни ҳеч қачон бу маънода ишлатмайдилар. Аллоҳ таоло А.га баробар бўлиб, унинг устида тургани унга муҳтожлигидан эмас. Аллоҳ бундан олий ва улугдир. У ўз қудрати ила ўзидан пастдаги А.ни, уни кўтариб турувчиларни ва ундаги нарсаларни кўтариб турувчидир. Шунингдек, Аллоҳ А.ни ва ундаги нарсаларни ихота қилувчидир. А. Аллоҳнинг қудрати остида чегараланган ва Унга муҳтождир. Қуръони Карим оятларида А. тўғрисида 23 жойда баён этилган.

АСМО бинт АБУ БАКР (тахм. 592–692, Макка) – саҳоба, *Абу Бакр Сиддиқ*нинг қизи. Муҳаммад (сав) завжаси *Оишани*нинг ота бир, она бошқа опаси. *Ашаран мубашшира*дан бири – аз-Зубайр ибн Аввомнинг завжаси. Ўғли – Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр Ҳажжож ибн Юсуф томонидан ўлдирилгач (692), ниҳоятда қайғуриб, кўзи ожиз бўлиб қолган ва Маккада юз ёшида вафот этган. У 56 та ҳадис ривоят этган.

АСР – беш вақт ўқиладиган *намознинг* бири. 4 ракаат фарз бўлиб, кун ботишидан 2 соат илгаридан то кун ботгунга қадар муддатда бажарилади.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ (араб. сизга тинчлик, саломатлик тилайман) – мусулмонлар ўзаро учрашганда ишлатиладиган саломлашув ибораси. Салом қабул қилувчи

“Ва алайкум ассалом” (“Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман”), деб жавоб қайтаради. А.а. таниган ва танимаган мусулмонларга берилади. Кичик ёшдагилар ёши улуғларга, улов минган одам пиёдага, пиёда кетаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчиликка салом беради. А.а. кўпчилик ҳузурига кириб ўтиришда ҳам айтилади. А.а. дейиш суннат, жавоб қайтариш эса вожиб ҳисобланади. А.а. намоз ўқиётган кишининг намози тугаганининг аломати ҳамдир.

АСҲОБ – қ. Саҳоба.

АСҲОБ ал-КАҲФ, А с ҳ о б и к а ҳ ф (араб. “ғор эгалари”, “ғор одамлари”) – ўз замонлари подшоҳи Дақёнус (император Деций) зулмидан қочиб, Роббиларига бўлган имонларини сақлаш мақсадида ғорга кириб яширинган ва Аллоҳ таолонинг иродаси, илоҳий мўъжиза б-н кўп йиллар ухлатиб қўйилган ёш йигитлар ва уларнинг ити. Аллоҳнинг инояти б-н улар 309 йдан сўнг уйғонишади. Оятда бу мўъжизани Аллоҳ таоло кейинги умматлар қиёматга ва ўлгандан кейин тирилиш ҳақ эканига ишонч ҳосил қилсинлар деб содир этган, дейилади. Узоқ уйқудан уйгонган йигитлар учун гўё куннинг бир қисми ўтгандек туюлган. Улар ораларидан бир кишини вакил қилиб уни таом келтириш учун шаҳарга пул б-н жўнатганлар ва бирон-бир киши уни таниб қолишидан эҳтиёт бўлишини тайинлашган. Вакил бозорга бориб пулни берганда, одамлар у кад. замон пули эканлигини билиб қолганлар. Вакил б-н муомалада ҳам унинг ўз замонлари одами эмаслигини сезиб қолишган. Хуллас, Аллоҳнинг иродаси б-н йигитларнинг сири фош қилиниб, улар ўша давр одамларига танитилган. Вақт ўтиши б-н шаҳар аҳолиси ҳам имонга келган эди. Улар қаҳф эгалари ҳақидаги қиссани яхши билишарди. Шунинг учун бозорга келган вакилни дарҳол таниб олишади. Шаҳар аҳолиси ғор устига масжид бунёд этишган, сўнгра улар қаҳф аҳли неча киши эканлиги (3,5,7 киши) ва улар қанча муддат горда бўлганликлари ҳақида тортишганлар. Уларнинг адади ва қанча муддат горда бўлганликлари ёлғиз Аллоҳга аёндыр. Куръони каримнинг “Қаҳф сураси”да А.к. ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Исломуламининг турли ерларида – Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Яман, Мағриб, Испанияда

гўё “А.к. яширинган ғор” деб ҳисобланувчи ғорни кўрсатадилар. Баъзи ривоятларга кўра, А.к.нинг номлари: Амлихо, Макшалино, Машлино, Марнуш, Дабарнуш, Шознуш. Қашфиттанус ҳамда итнинг номи – Китмир бўлган.

АСҲОБ ал-ҲАДИС, аҳл ал-ҳадис (араб. – ривоят тарафдорлари) – анъанавий ислом тарафдорлари, илк исломдаги оқимлардан бири. 8-а.да шаклланган. *Асҳоб ар-раъй*га қарши ўларок, дастлаб Мадина мактабига мансуб фақиҳлар ва муҳаддисларни шу ном б-н аташган. А. ал-Х. диний-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда ҳар хил янгича услубларга қарши чиқишган. Бу ишда улар мавҳум, тажрибадан ўтмаган услубларни қўлланишга йўл қўймаслик лозим деб ҳисоблаб, амалий фаолиятда фақат Аллоҳ китоби (Куръон) ва пайғамбар суннасига асосланишга даъват этишган. Кейинчалик тобора ривожланиб борган жамият зайли ва талаблари таъсирида *ижмоъ* ва *қиёс*ни мусулмон ҳуқуқининг манбалари деб тан олишган, бироқ Куръонни талқин этишда янгича услубларни кенг қўлланишга йўл беришмаган ва уни чеклаб қўйишган.

АСҲОБ ар-РАЪЙ (араб. – фикр тарафдорлари) – раъй, фикр ва ақл б-н ҳукм чиқарувчи уламоларга берилган ном. Исломуламинларидан тафсир, фикр каби соҳаларда ижод қилувчи олимлар икки турга бўлинади. Биринчи тури – Куръонни тафсир қилишда ва бирор шаръий ҳукм чиқаришда фақат Куръон оятлари, ҳадислар, саҳоба ва тобеинлардан нақл қилинган ривоятларга суянадиган олимлардир. Иккинчи тури – тафсир ва фикр соҳасида фақат нақлий далилларга суянмиш б-н қаноатланмаёй ижтиҳод, яъни ақл, фикр ва раъйни ҳам ишга солиб шаръий ҳукмлар, фатволар ижод этадиган олимлардир. Шу иккинчи турига А. ар-Р. деб ном берилган. Улар мутафаккир олимлар деб ҳам юритилади.

АСҲОБ ар-РОСС, Асҳобур Росс (“ар-Росс одамлари”, “қудук одамлари”) – Куръонда икки марта тилга олинган ва Аллоҳ ҳидоятга даъват этган кад. қавм. Аммо, уларга панд-насихатлар қор қилмайди, шу сабабли ҳалок этиладилар (25-сура, 38–39-оят). “Росс” ибораси ичи маҳкамланмаган, нураб турган қудукни англатади. Ривоятларда айтилишича, ўша

жиноятчи қавм қудуқ атрофида ўтирганида, у кулаб тушиб ҳаммаларини ҳалок этади. Ривоятларга кўра, ар-Росс одамлари илгари ҳалокатга учраган Самуд қабилаларининг авлоди бўлиб, Ямомадаги қудуқ ёнида яшаган ва улкан куш – анко ҳужумидан озор чеккан. Пайғамбар Ҳанзала ибн Сафвон Аллоҳдан бу одамларни қутқаришни сўрайди, шундан сўнг қонхўр кушлар гойиб бўлади. Аммо қавм барибир Ҳанзаланинг якка худога сиғиниш ҳақидаги даъватларига қулоқ солмайди, бунинг устига унинг ўзини қудуққа ташлаб юборади. Шу боис Аллоҳ уларни яксон қилади.

АТТОР Алоуддин, Хожа Алоуддин Атор, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (? – 1399) – машхур мутасаввиф, шайх. *Баҳоуддин Нақшбанд*нинг халифаси ва куёви. А. мадрасани тугатмасданок Нақшбанд сулуқига кирган, бир умр пири ёнида бўлган. Бухорода вафот этган. Нақшбанднинг бошқа бир халифаси – Хожа Муҳаммад Порсо А. илтимоси б-н “Рисолаи қудсия” (“Хожа Баҳоуддиннинг қудсий қалималари”) китобини битган ва унда А. тилидан ўз пири ҳақидаги ўнлаб ривоят ва хотираларини келтирган. Уларда Нақшбанднинг таржимаи ҳоли, ҳаёт тарзи, одатларига оид қимматли маълумотлар, ҳикматли сўзлар баён этилган. Улар кейинчалик Нақшбанд ҳаёти ва тариқати ҳақидаги кўпгина рисолалар, жумладан, улар ичида энг эътиборлиси – Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг “Мақомоти Хожа Нақшбанд” (“Баҳоуддин Нақшбанд”, Т., 1993) асари учун муҳим манба бўлган.

АТТОР Фаридиддин, Муҳаммад ибн Абубакр ибн Иброҳим (1148/51–1220) – форс-тожик мутафаккири, мутасаввиф шоир. Нишопур яқинидаги Хадкана (Кадкон) қишлоғида туғилган. Отасининг изидан бориб, доришунослик ва табиблик қилган. Ҳажга борган, Миср, Ироқ, Шом сафарида бўлган, атоқли суфийлар б-н учрашиб, дин ва тасаввуф арбобларининг ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганган. Замонасининг тариқат пешволаридан бири бўлиб, “Фаридиддин” (“динда ягона”) ва шайх унвонларини олган. Мўғулларнинг Эронга биринчи босқини пайтида душман қўлида ҳалок бўлган. Нишопурда дафн этилган. “Илоҳийнома”, “Мусибатнома”, “Мазҳар ул-ажойиб”, “Асрорнома”, “Хайдарнома”, “Жавҳар уз-зот”, “Хайлож”, “Мухторнома”,

“Хусравнома”, “Шарх ул-қалб”, “Булбулнома”, “Меърожнома” каби асарларида илоҳий маърифат гоёларини тарғиб этган. Ҳақ ва ҳақиқат сирларини кашф қилишга уринган. Асосий асарларидан бири “Мантиқ ул-тайр” (“Кушлар мантиғи”) достони (1175) суфийликнинг энг йирик адабий ёдгорлиги ҳисобланади. “Тазкират ул-авлиё” асари ислом оламида машхур. Унда ўнлаб азиз-авлиёларнинг ҳикматли сўзлари, ибратли ҳаёти, қароматлари баён этилган. А. шеърларида дарвишлик ахлоқи тўғрисидаги гоёларни мужассамлантирган. А. асарларида шиалик гоёлари ва қоидалари мутлақо учрамайди, суннийликка мўътадил муносабатда бўлинади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда “Мантиқ ул-тайр” ва “Илоҳийнома”дан айрим парчалар (“Илоҳийнома”, Тошкент, 1994) ҳамда “Тазкират ул-авлиё” (“Авлиёлар китоби”, Тошкент, 1997) асари ўзбек тилида нашр этилди.

АУЗАЪИЙ, Абу Амр Абдурахмон ибн Амр (707–774) – илоҳиётшунос, факих, аузаъийлик мазҳаби асосчиси. Баалбак ш.да туғилган, Маккада–Ато ибн Аби Рабалдан, Мадинада – Муҳаммад аз-Зухрийдан, Басрада – Восил ас-Саламонийдан сабоқ олган. Сурияга қайтиб, Дамашқда яшаган, давлат хизматида бўлган, сўнгра Куръон илмларидан дарс берган. 750 й. Сурияни забт этган аббосийлар қўшини қўмондонни Абдуллоҳ ибн Али б-н жанжаллашиб қолган А. унинг таъқиб этишидан қочиб Басрага, устози Восил ас-Саламоний ҳузурига кетишга мажбур бўлган. Янги сулола б-н ярашгач, А. Сурияга қайтиб, Байрутда жойлашган ва умрининг охиригача шу ерни тарқ этмаган. Унинг қабри ҳозиргача зиёратгоҳ ҳисобланади. А. Суриянинг имоми деб тан олинган, бу ерда унинг издошларидан алоҳида мазҳаб шаклланган. Унинг тарафдорлари фикрича, ҳуқук (фикх) манбаи фақат Куръон ва сунна бўлиб, улардаги кўрсатмалар ҳеч қандай талқинсиз, ўзгаришсиз айнан қабул қилиниши лозим бўлган. Бу мазҳаб 9-а.гача Сурия ва Андалусияда тарқалганди. Сурияда уни шофийийлик мазҳаби, Андалусияда эса – моликийлик мазҳаби сиқиб чиқарган. Лекин А.нинг қарашлари тизими исзис йўқолмаган, зеро унинг шогирдлари орасида Суфён ас-Саврий (777–778 й. в.э.) ва Молик ибн Анас (795 й.в.э.) – икки мазҳаб асосчилари бўлган.

Молик ибн Анас орқали А.нинг қарашлари аш-Шофиъийга таъсир ўтказган, у эса ўз навбатида Аҳмад ибн Ханбал қарашларининг шаклланишига таъсир қилган.

АФҒОНИЙ, Муҳаммад ибн Сафдор Жамолиддин (1839–1897) – диний-сиёсий арбоб. Кобулда диний, Ҳиндистонда дунёвий билим олган. Хаётининг кўп қисми муҳожирликда кечган. Ислом динини ислоҳ қилиш ва мусулмон оламини ислом байроғи остида бирлашишга қилган даъватлари б-н танилган. 1871–79 йларда Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Истибодни танқид қилиб, конституциявий тузум ўрнатиш учун курашган. Ислом динининг маънавий-ахлоқий ақидаларига асосланган ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини тарғиб қилган. Исён кўтаришга ундагани учун хибсга олиниб, Мисрдан чиқариб юборилган. Полиция назоратида Калькутта ва Ҳайдаробод (Ҳиндистон)да яшаган. 1883 йдан Европа (Лондон, Париж)да истикомат қилган. Абду Муҳаммад б-н бирга газета нашр этган. Кўп ўтмай мустамлакачи давлатларга нисбатан келишувчилик мавқеини эгаллагани учун у б-н алоқасини узган. Эрон, Россия, Ироқда бўлган. Инқилобий миллатпарвар доиралар б-н ҳамкорлик қилган. 1892 йда Туркияга қайтган ва шу ер (Истанбул)да вафот этган. 1944 йда ҳоки Кобулга олиб келинган. Дафн этилган жойига даҳма қурилган.

АХБОР (араб. – хабарнинг кўплиги, хабарлар) – шиаларнинг муқаддас ривоятлари. Муҳаммад (сав) ва Али(қв)нинг сўзлари, фаолияти тўғрисидаги ривоятлар тўплами. А. Куръондан кейинги муқаддас манбалардан ҳисобланади. Сунна Муҳаммад (сав) ва саҳобаларнинг, А. эса фақат пайгамбар ва унинг оила аъзолари, Али (қв) ва б. имомларнинг фаолияти ҳақидаги ривоятларни ўз ичига олади. Ҳадис олимларининг истилоҳида А. сўзи ҳадис сўзининг синоними шаклда қўлланилади.

АХБОРИЙЛАР – 1) *имомийларнинг* диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. 10-ада шаклланган. Унинг тарафдорлари *Ахбор* ривоятларини фикҳнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. А. имомийларнинг яна бир ҳуқуқий оқими бўлган *усулийга* қараганда камроқ тарқалган. 2) *Хабар* – ахбор жанрида ижод қилган ўрта аср араб тарихчилари.

АШАРАИ МУБАШШАРА – жаннати экани башорат қилинган ўн саҳобий. Улар

қуйидагилар: *Абу Бакр Сиддиқ, Умар* ибн Хаттоб, *Усмон* ибн Аффон, *Али* ибн Абу Толиб, *Абдураҳмон ибн Авф, Саъд* ибн Абу Ваққос, *Зубайр* ибн Аввом, *Талҳа* ибн Убайдуллоҳ, *Абу Убайда* ибн Жарроҳ, *Саид* ибн Зайд. Уларнинг барчаси Курайш қабиласидан чиққан.

АШУРО (араб. – ўн кунлик) – 1) Муҳаммад (сав) Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг дастлабки пайтда, муҳаррам ойининг 10-кунда тутилган рўза. Кейинроқ рамазон ойида рўза тутиш белгилангач, А. рўзасини тутиш ихтиёрий деб эълон этилган; 2) шиаларда халифа Алининг ўгли Хусайннинг Карбало ёнидаги жангда ҳалок бўлганлиги хотирасига бағишлаб муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган мотам маросимлари. Эрон ва Ироқда А. кунини масжид ва мадраса ҳовлилари, такяхона ва хусайнияхоналарда имом Хусайн ва сафдошлари чеккан азоб-укубатлар ҳақидаги қиссалар жамоат орасида ўқилади. Кўчаларда шиалар юриш қилиб, мотам туғлари ва шиорларини кўтариб: “*Шоҳ Хусайн, воҳ Хусайн*” сўзларини такрорлаб, нола чекишади, мушт ва занжир б-н кўкракларига уришади. А. кунда ислом мамлакатларидан минглаб шиалар Карбало ш.га йиғилишиб, имом Хусайн ва сафдошлари қабрини зиёрат этишади. Суннийларда А. кунини одатдаги табаррук саналардек ўтади, айрим жойларда “ашур оши” улашилади.

АШЪАРИЙ, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил (873–935) – машҳур илоҳиётчи, *каломнинг ашъарийлар* мактаби асосчиси. Басрада туғилган. 40 ёшигача муътазилий илоҳиётчи бўлган. Мунозаралардан бирида устози б-н келиша олмай, ўз қарашларини кескин ўзгартириб, шофиъийларга қўшилган, муътазилийлик ақидалари ислом асосларига тўғри келмайди, деб хулоса чиқарган. Умрининг охириги йилларини Бағдодда ўтказиб, шу ерда вафот этган.

А. муътазилийларга қарши диний-фалсафий тизимни асослаш учун Куръон ва ҳадисларга қўшимча қилиб фалсафа ва мантиқ услубидан кенгроқ фойдаланган. А. шоғирдлари унинг таълимотини ривожлантирганлар. А. 100 га яқин асар ёзган, улардан энг машҳури “Мақолат ал-исломийин” (“Мусулмонлар таълимоти”)дир.

АШЪАРИЙЛАР – каломнинг асосий йўналишларидан бири – Ашъарий мактаби тарафдорлари. Бокилоний (1013 й. в.э.), ибн Фурқ (1015 й. в.э.), Абу Исҳоқ Исфароъиний (1027 й. в.э.), Абдул Қохир Бағдодий (1037 й. в.э.), Жувайний (1085 й. в.э.), Шаҳристоний (1153 й. в.э.) ва Фаҳриддин Розий (1209 й. в.э.) таниқли вакиллари дир. А.нинг дунёқарашда ақл диний анъана – нақлдан устун кўйилади. А. *мотуридийлик* тарафдорларидан ўнлаб ақидавий масалаларда фарқ қиладилар. Мас., А. Аллоҳ ўз бандаларига тоқатларидан ташқари оғир ишларни ҳам буюриши мумкин десалар, *мотуридийлар* мумкин эмас дейдилар. А. Аллоҳни ақл б-н таниш вожиблигига ҳам қарши турадилар. Далил келтира олмайдиган мукаллид мусулмоннинг имонини А. қабул эмас дейдилар. Имон озайиб-кўпайиб туриши, амал имоннинг таркибий қисми деб қараш ва б. А.нинг қарашларини энг аввал Эронда (10-ада) кенг тарқалган шофиъийлик мазҳаби тарафдорлари қабул қилганлар. Ашъарийнинг ўзи таянган ханбалийлик тарафдорлари бу мактаб душманлари бўлиб қолган. Таниқли илоҳиётчиларнинг кўпчилиги (мас., Андалусияда Ибн Ҳазм) А. ғоясига қарши чиққан. Биринчи салжукий султон Тўғрулбек (1038–1063 й.ларда ҳукмронлик қилган) даврида А. таълимоти бидъат деб эълон қилиниб, унинг тарафдорлари таъқиб этилган. Бироқ бу таълимот Бокилоний, *Ғазолий* ва б.нинг асарлари туфайли мусулмон оламида катта таъсирга эга бўлиб, каломнинг энг кенг тарқалган оқимига айланган.

АЪЛАМ (араб. – билагон, энг олим) – диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор. Одатда, *муфтилар* тузган фатво А. муҳр босгач, кучга кирган ва *қозилар* ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган. Бухоро хонлиги даврида ҳар бир қози ёнида А. мансаби бўлган.

АЪРОФ (араб. тўсиқлар) – ислом манбаларида, хусусан, Қуръонда таърифланган жаннат б-н дўзах ўртасидаги баландлик жой – девортўсиқ. Ўзбек тилида А. ўрнида одатда Арасот истилоҳи ишлатилади. Ислом ақидасига кўра, қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада қоладиган одамлар А.да турадилар. Улар жаннатда роҳат қилаётганларни ҳам, дўзахда азоб

тортаётганларни ҳам кўриб турадилар, уларни таниб, улар б-н суҳбатлашадилар. Баъзи ривоятларда А. устидан боғлар униб, анҳорлар оқиб туради, дейилади. Демак, унинг қалинлиги ҳам ҳийлагина бўлган. А.даги одамлар кимлар эканлиги ҳақида уламолар ўртасида икки хил фикр мавжуд. Биринчиси: улар яхшилик ва ёмонликлари тенг келиб, на жаннатга, на дўзахга ҳукм бўлмай қолган кишилар. Иккинчиси, ўз қавмига пайғамбарларнинг ҳақ даъватларини етказиб, уларни яхшиликка бошлаган даъватчилар, уламолар ва шуҳадолар дир. Маълум муддатдан сўнг Аллоҳ таоло А. аҳлига жаннатга киришликни амр этади ва улар бихиштдан ўз мақомларига яраша жой оладилар. Қуръоннинг 7-сураси А. деб номланган.

АҚД (синонимлари ижоб, қабул, кубул, сиға) – битим, шартнома. Исломдаги А. меъёрлари жоҳилият ва Рим-Византия ҳуқуқий тасаввурларига бориб тақалади. Қуръони қаримда А. – қасам б-н мустаҳкамланган битим. Фикҳда А. – ўзаро мажбуриятлар ҳақидаги икки ёки кўп томонлама шартнома бўлиб, шартноманинг мавзуи фақат мавжуд буюм ва муносабатлар бўлиши, унга келишувчи томонларнинг ҳуқуқи қўлланилиши лозим. Исломда битимга доир муносабатларнинг ягона назарияси ишлаб чиқилмаган, шу туфайли битим турлари ва шакллари ҳамда уларнинг қафолатлари турли гуруҳга мансуб фикхшунослар ва айрим фақиҳлар таъбири бўйича бир-бирига мос келмайди. Бироқ уларнинг аксарияти А.ни тўрт катта гуруҳга жамлайди: ҳокимият, васийлик, химоялаш, раҳнамолик А.и ва б.; бирор нарсани сотиш, ҳадя этиш, мерос қолдириш, ён босиш ва б. йўл б-н мулкка бўлган ҳуқуқни тўлик топширганлик ҳақидаги А.; ижара, топшириш, вақолат бериш, сақлаш, гаровга бериш ва б. йўл б-н у ёки бу нарсага вақтинчалик эгалик қилиш ҳуқуқини топшириш ҳақидаги А.; ҳамкорлик, иш юзасидан топшириқ бериш, иш юзасидан шериклик ва б. ҳақидаги А.

Ҳар қандай ақли расо инсон ижтимоий мавқеидан ва қайси динга мансублигидан қатъи назар А. тузиш ҳуқуқига эга. Лекин, кўпчилик фақиҳларнинг фнкрича ўзаро қасам ичиб қафолат бериладиган ҳолатларда мусулмонлар б-н ғайридинлар ўртасида А. мумкин эмас. Бошқа бир фақиҳлар буни

мумкин деб ҳисоблайдилар, лекин бунда А. тузиш тартиби алоҳида бўлиши лозим. Балогат ёшига етмаганлар ва ақли норасолар чекланган, маълум ҳоллардагина А. ҳуқуқига эга (мас., хайрия мақсадида ҳадя қилиш). А. тузиш вақтида томонлар унинг шартлари ва бу шартлар бузилган ҳолда бериладиган кафолатлар ҳақида тўлиқ хабардор қилинишлари лозим. А.ни расмийлаштириш тартиби маҳаллий урф-одатлар ва тайин шароитларга боғлиқ. Агарда қайси бир шахс худди А. тузилгандек ҳаракат қилса ва унга эътироз бўлмаса (васийлик бериш, ижара ва б.) А. ўтган давр ҳисобида ҳам тузилиши мумкин. Бир томонлама мажбурият (эҳсон қилиш, назорат ва б.) айримларнинг фикрича Аллоҳ б-н тузилган битим яъни қасам сифатида қаралади, бошқаларнинг фикрига кўра эса – бутун жамоа б-н тузилган битим деб қаралади, унда бошқа томоннинг вакили сифатида қози ёки ҳар қандай гувоҳ (шоҳид) бўлиши мумкин. Агарда битим мавзуи муҳим ёхуд ғайри оддий ёки томонлардан бири ишончсиз (фосик) бўлса А. тузилаётган вақтда учинчи бир шахснинг ҳозир бўлиши шарт ҳисобланади. Агарда барча зарурий шартларга риоя этилган бўлса, яъни томонларнинг ақли жойида, битим мавзуи аниқ, мажбуриятлар келишилган бўлса, А. ҳақиқий (сахих) ҳисобланади. Борди-ю, улардан биронтаси бузилса, мас., янглишса ёки хабардор бўлмаса А. ҳақиқий эмас (фосид) деб топилди, лекин у камчиликлар бартараф этилгандан сўнг ҳақиқий бўлиши мумкин. Агарда қайсидир шартлардан бири умуман бўлмаган бўлса, мас., фирибгарлик, мажбур қилиш ва б. зўравонлик ҳолатларида А. тўлиқ равишда яроқсиз (ботил) деб топилди. Борди-ю, томонлар етказилган зарарни қоплаш ҳақида бир битимга кела олишмаса, ҳар бир томон ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. А. шартларини қўпол суратда бузиш ҳолларида айбдорлар етказилган зарарни қоплашларидан ташқари жиноий жавобгарликка тортилади. Маиший турмушдаги келишув, битим ва шартномаларнинг аксарияти А. сифатида расмийлаштирилади.

АҚИДА (араб. “ақд” – бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўпликда – ақоид) – балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг

заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар. Инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан А.сига боғлиқ. Агар А.си пок бўлса, йўли тўғри бўлади, қилган барча амаллари қабул бўлади ва бандалик б-н содир этган баъзи гуноҳлари афв этилади. Агар А.си соф бўлмаса, бузук бўлса, йўли нотўғри бўлади, қилган амаллари беҳуда кетади ва охиратда жаҳаннам ахлидан бўлади. А. масаласи ўта муҳим бўлганидан ҳам, Одаматодан бошлаб, охириги пайғамбар Муҳаммад (сав)гача бу масалани Аллоҳ таолонинг ўзи кўрсатиб берган. Одаматодан тортиб ҳозиргача А. масаласи бир хил бўлиб келган. Ислом А.ларининг асоси Куръонда берилган, ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик йўналиши илоҳиётда эътироф этиладиган А.лар ёки имон талаблари 7 та: Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва қиёмат куни барчанинг қайта тирилишига ишониш (қ. *Суннийлик*). Шиалик йўналиши илоҳиётда 5 А. тан олинади: тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), нубувват (пайғамбар)га ишониш, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлигига ишониш), имомат (имомлар ҳокимиятини таниш), маод (охиратга ишониш) (қ. *Шиалик*).

АҚИҚА (араб. – “чақалоқ сочинни олиш, қурбонлик сўйиш”) – мусулмон оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва “қорин сочи” (боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш б-н боғлиқ одат. Жоҳилият давридаги турли маъбуд ва маъбудаларга атаб қилинадиган қурбонликлар ўрнига мусулмон оиласида фарзанд туғилганлигининг шукронаси сифатида бир қўй сўйиб (имкониятга қараб) А. маросимини ўтказишлик жорий этилган. Сўйиладиган қўй соғлом, нуқсонсиз бўлиши лозим. Ислом анъанасида А.ни чақалоқ туғилган куннинг 7 ёки 14 ёхуд 21-кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу кунларда А. ўтказилмай қолинса, сўнг қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланаверади. Исломда А. суннат амаллардан. Имом Бухорийнинг “Адаб дурдоналари” номли китобларида пайғамбаримиз (ас) набиралари Имом Ҳасан

ила Имом Хусайнга биттадан қўй сўйиб А. қилиб берганлари ривоят қилинган. А. куни чақалокқа ном қўйиш, унинг танглайини ширинлик ила кўтариш, қорин сочини олиб сочи тарозининг бир палласига, иккинчисига сочга баробар кумуш солиб, уни ҳада қилиш ҳамда чақалок ўғил бўлса хатна қилиш ҳам шу куни ўтказилган.

АҚЛ (араб. – онг) – инсондаги англаш ва тафаккур қилиш хусусияти. Исломда А. Аллоҳнинг энг улуғ неъматларидан саналади ва диний мажбуриятларнинг диндор зиммасига юкланиши учун А.нинг расо бўлиши шарт қилинади. А. икки хил бўлади, бири – туғма А., иккинчиси касбий, яъни билим ва тажриба асосида ривожланиб борувчи А.

АҚСО МАСЖИДИ (араб. – узоқдаги масжид) – Қуддус (Иерусалим) ш.даги яҳудийлик анъанасида муқаддас ҳисобланган қад. ибодатхона (Сулаймон ибодатхонаси). Қуръонда шу ном б-н тилга олинган. Исломдан илгари араблар, ундан кейин мусулмонлар жамоасининг аъзолари А.м. томонга қараб ибодат қилганлар. 624 й.да Маккадаги Каъба қибла деб эълон қилингандан кейин у томонга қараб ибодат қилиш тўхтатилган. Кейинчалик 7-а. охири – 8-а. бошида халифа Абдумалик томонидан бу ер Харам аш-Шариф деб аталган ва ислом ибодатхоналари мажмуи барпо этилган. Ҳадисларда келтирилишича А.м. исломдаги учта муқаддас масжид (Макка ва Мадинадаги масжидлар қаторида)дан бири. **АҲД** – қасам б-н берилган ваъда, топширик, сўз бериш, шартнома, аҳду паймон. Қуръонда А. Аллоҳнинг ўз бандаларига берган ваъдаси ва бандаларининг Аллоҳ олдидаги илтижо ва аҳду паймонларини билдирувчи барқарор тушунча. А. бир-бирини ҳимоя этиш, ҳомийлик кўрсатиш, қўшничилик, иттифок тузиш ва шу каби ҳар қандай шартномавий мажбуриятларни мустаҳкамлаган. А. айрим одамлар ёки гуруҳлар ўртасида бевосита ёки воситачилар орқали тузилиши мумкин. А. топширик сифатида ҳокимиятни ворисга топшириш амалининг асосий қисмини ифодалаб, у ўз навбатида, ҳокимиятни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, ўзининг бундай вазифани бажаришга розилигини эълон қилиб, аҳду паймоннинг алоҳида расмий сўзларини айтиб, ваъда беради ва шу лаҳзадан бошлаб вали ал-аҳд (валиаҳд) унвони ва лавозими эгаси бўлади.

*Тасаввуф*даги А. – алоҳида қасам бўлиб, тариқатга қираётганлар томонидан бажариладиган маросимнинг бир қисмидир. **АҲКОМ** (араб. ҳукмнинг кўплиги) – исломдаги тушунча. Шаръий А. саккизга – фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубох, харом, макруҳ, мустакраҳ. Булардан ташқари яна одоб, мандуб, фазилат, нафл, тававвуъ кабилар бор, уларнинг ҳаммаси бир гап. қилса савоб бўлади, қилмаса маломати йўқ. Аммо қилмоқ яхшидир.

АҲЛ УЗ-ЗИММА – қ. *Зиммий*.

АҲЛ УЛ-КИТОБ, Аҳли китоб (араб. – китоб аҳли, мазмунан ўз диний китобига эга бўлган халқлар) – ислом ақидасига кўра, мусулмонлардан олдин илоҳий китобга эга бўлган умматлар. Улар ўзларига юборилган муқаддас китоблар (Таврот, Забур, Инжил) матнини бузганлар; Муҳаммад (сав) ва унинг охириги пайғамбарлик вазифаси тўғрисида эслатилган гапларни чиқариб ташлаганлар. А. ул-К.га христианлик ва яҳудийликка эътиқод қилувчилар киритилган. Мусулмонлар умуман А. ул-К.га сабр-тоқатли муносабатда бўлиб келганлар. Бу ҳол мусулмонлар б-н бошқа диндагилар ўртасида келишув ва тинч муносабатлар ўрнатилишига имкон берган. Ҳоз. кунда Забурга эътиқод ва амал қилувчилар йўқ бўлганидан А. ул-К.лар дейилганда насоро ва яҳудийлар тушунилади.

АҲЛИ БАЙТ (синонимлари: Ол ал-байт, Ол ан-наби) – “Хонадон аҳли”, “Пайғамбар оиласи”. Қуръонда зикр этилган. У мусулмон муаллифлари томонидан ҳар хил шарҳланади. Суннийлар бу тушунчани кенг маънода қўллаб, унга Муҳаммад (сав)га яқин бўлган одамларни ҳам киритадилар. Шиалар А.б.ни Фотима, Али, Ҳасан, Хусайн ва уларнинг авлодлари б-нгина чегаралайдилар. “Пайғамбар оиласи”га сизинишни самовий аҳамиятга эга деб билиб, унинг оила аъзоларини “илоҳий нур” соҳиблари ва махсус билимлар эгаси, деб ҳисоблайдилар.

АҲЛИ СУННА вал **ЖАМОА** – мусулмонларнинг асосий ва жумхур оммаси эътиқод ва амал қилиб келаётган ақидавий ва мафкуравий мазҳабларнинг жамлама номи. Исломнинг дастлабки даврларида бошқа мазҳаб ва оқимлар каби А.С.вал Ж. ҳам бўлмаган. Биринчи ҳижрий асрнинг биринчи

ярми охирларида турли сиёсий сабабларга кўра, мусулмонлар сафида ажралиш пайдо бўлди. Аввал хорижийлар тоифаси, кейинроқ шиа ва б. мусулмонлар оммасидан ажраб чиқдилар. Уларга ўзига хос номлар берилди бошлади. Ҳар томон ўзининг ҳақлигини исбот қилиш учун ўз фикрини, йўналишини ҳимоя қилиб чиққан, шу тариқа ҳар гуруҳнинг ўзига хос ақидаси шакллана бошлаган. Бошқа фирқалар ажралиб чиққач, қолган мусулмонларнинг асосий оммаси А.С.вал Ж. деб атала бошланган. Бу номда Пайғамбар (сав)нинг суннатига амал қилиш ва мусулмонларнинг асосий кўпчилик жамоаси маънолари акс этган. Шунинг учун ҳам А.С.вал Ж. уламолари бошқа тоифаларнинг ҳаммаси б-н тортишганлар ва уларнинг хато фикрларини танқид қилганлар. Аввалги ақидавий тортишишлар фақат *Қуръон* ва *ҳадис* асосида бўлган. Бу маънода ҳазрати Али, Абдуллоҳ ибн Аббос каби саҳобалар хорижийларнинг бошлиқлари б-н олиб борган баҳс ва тортишувлари А.С.вал Ж.нинг дастлабки далил келтириш уринишлари бўлган. Кейинги авлод мусулмонлари ичидан *Ҳасан Басрий* ва унинг ҳамфикрларини келтириш ўринлидир. А.С.вал Ж.га мансубликни билдирувчи асосий белгилар қуйидагилардир: дастлабки тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али) ҳокимияти қонуний эканлигини тан олиш, олти ҳадис тўплами (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий, Абу Довуд, ан-Насоий, Ибн Можа тўпламлари)ни саҳиҳ (ишончли) деб билиш, тўрт диний-ҳуқуқий мазҳаб – ханафийлик, молиййлик, шофиййлик, ҳапбалийликдан бирига мансуб бўлишдан иборат. Ислом давлатлари ҳудудларининг кенгайиб бориши турли дин, тоифа, мазҳаб ва мафкура тарафдорларининг мусулмон бўлиши оқибатида ақидавий масалалар яна ҳам мураккаблашиб кетди. Бунинг устига турли томонлардан мусулмонлар ақидасини бузишга уриниш ва танқид қилиш ҳам авж олди. Ана шундай мураккаб ҳолат А.С.вал Ж. ақидаси ва фикрларини илмий асосда жамлаш ва тартибга солишни тақозо этди. Бу ишни мусулмон оламининг машриқ томонида Абу Мансур ал-*Мотуридий* ас-Самарқандий ва иккинчи томонида Абул Ҳасан ал-*Ашъарий* удаладилар. А.С.вал Ж.нинг ақидавий

масалалари ўша икки олим шахсига нисбат берилиб (*ашъарийлар*, *мотуридийлик*) деб номланадиган бўлди. А.С.вал Ж. фақатгина ақида бобида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ўзига хос мазҳабларни бирлаштирган. А.С.вал Ж.нинг ўзига хос тафсир мактаби ҳам бор. Уларнинг машҳур тафсирлари жумласига Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилоту аҳли сунна”, Абул Баракот Насафийнинг “Мадорикут Танзийл”, Исмоил Ҳаққийнинг “Рухул Баян” тафсирлари ва б. киради. А.С.вал Ж.нинг ўзига хос ҳадис шарҳи мактаби ҳам юзага келган. Бу мактабнинг йирик намоёндалари ичида Асқалоний, Бадриддин Айний, Али Қори кабилар бор. Шунга ўхшаш исломий илмларнинг барча соҳаларида А.С.вал Ж.нинг ўз мактаблари бор. 20-а. охирида исломнинг дунёдаги сиёсий ўрни кучайиши шароитида суннийлик ва шиалик ўртасидаги муносабатлар ҳам кескинлашди, бу ҳол мамлакатлар ўртасида (Эрон-Ироқ), шунингдек, турли мамлакатларнинг ички ҳаётида (Саудия Арабистони, Ливан) ҳам кўзга ташланди, бироқ улар кўп ҳолатларда учинчи даражали аҳамият касб этган (Эрон-Ироқ) ёхуд осонгина ҳал этилган. Суннийликнинг кўпгина ўзига хос хусусиятлари ҳоз. вақтда исломнинг ҳақиқий демократик дин эканлигини исбот қилишда далил сифатида кўрсатилмоқда. Суннийлар барча ислом оламидаги давлатлар аҳолисининг кўпчилигини (Эрон ва Ироқдан ташқари) ташкил этади.

АҲЛИ ҲАҚ (форс., араб. – “ҳақиқат кишилари”), алиилоҳийлар – шиаларнинг яширин жамоаси. Эронлик шиалар А.х. тарафдорларини “алиилоҳийлар” деб атайдилар. Бу жамоа тахм. 14-ада вужудга келган. Фарбий Эрон ва Шарқий Туркияга, кейинчалик Афғонистон, Ироқ, Сурия, Озарбайжоннинг жанубига ёйилган. А.х. Али азалдан илоҳий ва у Одаматодан то Муҳаммад (сав)га қадар бўлган пайғамбарларда, шиа имомлари ва келажакда маҳдийда мужассамланади, деб ҳисоблайдилар. А.х. жаннат ва дўзахни инкор этиб, жоннинг янгиша шаклга киришига ишонишади. Улар дарвишларга ўхшаб жазавага тушишади, шунингдек, уларда насронийликдаги каби муқаддас учлик ақидаси ҳам мавжуд. А.х. нинг

ақидасида масихийликдаги учлик тушунчаси асосий ўрин тутди. Ҳоз. вақтда А.х. Туркияда шиаларнинг тахм. 90% ини, Афғонистонда 15% дан ортиғини, Эронда 8% га яқинини ташкил қилади.

АҲМАД ибн ҲАНБАЛ, Абу Абдуллоҳ; И б н Х а н б а л (780–855) – илоҳиёт олими, суннийликдаги *ҳанбалӣлик* мазҳабининг асосчиси ва имоми. А.и.Х. ўсмирлигиданок ҳадис ва фикҳни ўргана бошлаган, замонасининг йирик уламолари, жумладан Абу Юсуф ва аш-Шофиъийлар б-н мулоқотда бўлган. 816–833 йларда Бағдодда мударрислик қилган ва фикҳ илми б-н шуғулланган. А.и.Х. анъанавий суннийликни ҳимоя қилган, *муътазилийларга* қарши курашган. Аббосий халифалар Маъмун (813–833), Муътасим (833–842) ва Восиқ (842–847)лар даврида муътазилийлар оқими таълимоти расмий эътиқод сифатида эътироф этилган, А.и.Х. мансуб бўлган анъанавий ислом тарафдорлари таъқиб остига олинган эди. Аслида анъанавий ислом уламолари ва муътазилийлар ўртасидаги баҳс бир асрдан (халифа Ҳишом (724–743) давридан) бери давом этиб келар, улар ислом уммасининг парчаланишида бир-бирини айбларди. Маъмун ана шу баҳсга барҳам бериш, муътазилийларнинг бир неча ақидалари, ва айниқса, Қуръоннинг яратилганлиги (яъни Аллоҳ томонидан яратилгани), ҳақидаги фикрни қарор топтириш мақсадида 833 й. махсус ҳайъат тузган ва барча уламоларни имтиҳон (меҳна) қилдирган. Бу ақидаларни қабул қилмаган дин арбоби Қуръонни Аллоҳ б-н бир даражага кўювчи мушрик, яъни кўпхудолик тарафдори деб эълон қилинар ва шунга яраша жазога тортиларди. Ўз фикрларидан қайтмаган бир неча уламо қатори А.и.Х. 2 йил зиндонда ётган. Озодликка чиққач, умрининг охиригача диний-сиёсий фаолиятини давом эттирган. Пировардида меҳна кутилган натижа бермади ва анъанавий ислом тарафига ўтган халифа Мутаваккил (847–861) 848 й. меҳнани бекор қилган. Кексайиб қолган А.и.Х. Бағдодда энди ўзининг номи б-н атала бошлаган диний-сиёсий ҳаракатнинг гоъвий раҳнамосига айланган. Бағдод ва Басрадаги фаол муътазилийларнинг рўйхати тузилиб, улар қиргин қилинганлар. 9-а.нинг 20–40-й.лари мусулмон уммасида юз берган парокандалик

ҳолатини таҳлил қилиб, А.и.Х. исломнинг “олтин даври” – Муҳаммад(сав) ва илк халифалар даврига қайтиш керак, деган ҳулосага келди. Айниқса, “бидъат” масаласида у кескин мавқеда бўлди. Унинг фикрича, Қуръон, ҳадис ва мусулмон уламоларининг илк уч авлоди фикри (ижмо)га асосланмаган дин ва ҳаётга оид ҳар қандай “янгилик” қораланмоғи даркор. Шунингдек, у диний арбоблар ҳокимга таъсир ўтказишлари лозим, деб уқтирди. А.и.Х. таълимотини унинг шоғирди ал-Барбаҳарий (847–941) ўз асарларида давом эттирган. Ҳанбалӣлик мазҳаби назарияси Ибн ал-Жавзий (1116–1200) ва Ибн Таймия (1263–1328) асарларида ўз ифодасини топди. А.и.Х.нинг “6 ақида” (ислом дини аҳкомларининг қисқача баёни), ҳадислар тўпламлари, шу жумладан 30 минг ҳадисни ўз ичига олган “Муснад” (“Иснодли ҳадислар тўплами”) ва имон-эътиқод, фикҳ ва ибодат масалалари бўйича рисоалари ҳозиргача сақланиб қолган.

АҲМАД КОСОНИЙ – к. *Маҳдуми Аъзам*. **АҲМАДИЯ** – 19-а. охирида Ҳиндистонда вужудга келган диний ҳаракат. Мирза Фулом Аҳмад Кодиёний (1835–1908) асос солган. У 19-а.нинг 70-й.ларида Панжоб мусулмонлари ўртасида йирик уламо ва авлиё сифатида ном чиқарган. Ислом тарихи ва илоҳиёт бўйича бир неча асар ёзган. 1891 й.да “Анжумани Аҳмадия” диний ташкилотини тузган. Издошлари уни “пайғамбар”, деб эълон этган. Вафотидан кейин унинг ўрнига Ҳаким Нуриддин қолган. Башар Аҳмад ибн Фулом ҳам таникли А. арбобларидан ҳисобланади. “Сийрат ул Маҳдий” (“Маҳдийнинг ҳаёт йўли”), “Калимат ул-фасл” (“Ажратувчи сўз”) ва б. китоблари бор.

А. ақидалари исломга зид. А. ақидаси бўйича: 1) Фулом Аҳмад ваъда қилинган Исо Масих эмиш; 2) Аллоҳ рўза тутар, намоз ўқир, ухлар, уйғонар, ёзар, имзо чекар, баъзан адашар эмиш; 3) Муҳаммад (сав) охириги пайғамбар эмас, чунки Аллоҳ ўз эҳтиёжига кўра ер юзига пайғамбарлар юбориб турар, улардан энг афзали эса Фулом Аҳмад эмиш; 4) Жаброил (ас) Фулом Аҳмадга ваҳий олиб тушар эмиш; 5) Кодиён қишлоғи Маккаи-мукаррама ва Мадинаи-мунаварадан афзал эмиш; 6) Арак ичиш, афъюн ва б. маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилиш мумкин.

Хоз. кунда ахмадийлар Хиндистон ва Покистондан ташқари, бир неча араб мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Африка ҳамда Фарб мамлакатларида тарқалган. Лондонда уларнинг катта маркази бор. Ахмадийлар МДХ худудига кейинги йилларда кириб келди. Кўпроқ ишбилармон, тожир ва хайрия жамияти вакиллари сифатида Татаристон ва б. жойларда расмий рўйхатдан ўтган. Робита ал-алам ал-ислом (Ислом олами иттифоқи) А.ни “исломга ёт оқим” деб эълон қилган.

АХРОР (араб. – “хур” сўзининг кўплиги) – исломда “хур”, “озод” маъноларини англатувчи

тушунча. *Тасаввуф*да уч хил асирликдан халос топган кишига “хур” унвони берилади. Биринчиси – хайвоний ва шахвоний ҳистуйғуларни енгиб, уларнинг асирлигидан қутулиш. Бу мартаба номи – “хуррияти омма”. Бу хусусият ҳаммада ҳам бўлиши мумкин. Иккинчиси – ортиқча орзу-хаваслардан воз кечиш. Бу – “хуррияти хосса” аталиб, у тасаввуф ахлининг кўпчилигида топилиши мумкин. Учинчиси – барча дунёвий тақлид, анъана ва машғулликлардан дилни пок тутиш. Бу – “хуррият хоссатил-хосса” аталиб, у тасаввуф ахлининг айримларигагина насиб этади.

Б

БАДАВИЙ, Абу Фитён (ёхуд Абу Аббос) Аҳмад Сиди аш-Шариф (1199–1276) – *бадавия* (ёки аҳмадия) тариқати асосчиси, Миср халқи ҳозиргача эъзозлайдиган машҳур суфий. Фес ш.да ўз шажарасини *Алига* боғлаган ва 7-а. охирида Мағрибга кўчиб келган онлада тугилган. 1210 й. Маккага келган. Бу ерда Б. шофиъийлик ҳуқуқи ва Қуръон тиловати б-н машғул бўлган. 1230 й. отаси вафотидан кейин Б. одамлардан узоқлашиб, ёлғиз зоҳидона турмуш кечирган, у фақат имо-ишора воситасида одамлар б-н мулоқотда бўлган. 1236 й. Б. ўзининг туши таъбирига амал қилиб Ироққа борган, у ерда Абдулқодир Гелоний (Жилоний) ва Аҳмад ар-Рифоъий мақбараларини зиёрат қилгандан сўнг Батобик ш.да *рифоъийлар* тариқатига қабул қилинган. 1237 й. Б. Мисрнинг Тант ш.га кўчиб келиб, шу ердаги рифоъийларга раҳбарлик қилган. Бу ерда у ўзининг дарвишона турмуш тарзи (сув ичмасдан ва таом емасдан 40 кун рўза тутиши, уйининг тоmidан куёшга тикилиб қараши – “сояга юриш”, баъзан тўла сукунатда, баъзан бақириб-чақириб юриш ва б. б-н халқ орасида шуҳрат қозонган. Тантда вафот этган. Халқ орасида унинг “мўъжизакор” кучи ҳақида кўплаб ривоятлар тарқалган. Б.нинг вафотидан сўнг, унинг халифаси ва вориси

Солиҳ Абдул Ол (1333 й.в.э.) унинг қабри устига масжид қурдирган, у авлиёни зиёрат қилиш марказига айланган. Б.га сиғиниш Мисрнинг қад. қибтий-христиан урф-одатларини ўзида уйғунлаштириб юборган. Кўпчилик мисрлик мусулмонлар Б.нинг Тантдаги мақбарасини зиёрат қилиб, кейин ҳаж зиёратига боришади. Шундан унинг “Боб ун-набий” (“Пайғамбар дарвозаси”) лақаби келиб чиққан. Оддий халқ орасида у ас-Сайид (“жаноб”), тариқат аъзолари учун у – қутб деб аталади. Мағриб бадавийлари каби бош кийим кийгани учун “Бадавий” лақабини олган деб ҳисобланади. Б. Мисрда хонанда аёллар ва раққосалар уюшмасининг раҳнамоси ҳисобланган, шунингдек у йўқолган нарсаларни, жумладан йўқолиб қолган болаларни топишда кўмак берувчи шахс сифатида машҳур бўлган. Б.га сиғинишни, айниқса Тантга зиёрат қилишни уламою фуқаҳолар доимо қора-лаб келишган. 1498 й. уларнинг қатъий талаби б-н мамлук султони аз-Зоҳир Жақмоқ Б. қабрини зиёрат қилишни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарган. Б.га эътиқод қилиш халқ орасида жуда чуқур илдиз отиб кетганлиги боис фармоннинг таъсири бўлмаган. Усмонли турк салтанати даврида *мавлавийлар*, *бектошийлар*, *нақшбандийлик* каби қудратли суфийлик тариқатлари

тарафдорларининг талаби б-н Б.ни дабдабали суратда зиёрат этиш анча камайган.

БАДАВИЯ (ёхуд ахмадия) – суфийлик тариқати. Аҳмад ал-Бадавий Мисрда асос солган. Б. амалиётда *қодирийлар* ва *рифъийларга* яқин. Б.нинг ташкилий асослари аниқ белгиланмаган. Маҳаллий зовия ва жамоа раҳбарлари номигагина тариқат раҳбарига итоат этиб, камдан-кам ҳолларда ундан фатво олганлар. Тариқат қароргоҳи асосий зиёратгоҳ – Тант ш.да жойлашган. 1333 й. тариқат асосчисининг вориси Солиҳ Абдул Ол вафотидан сўнг Б.га раҳбарлик қилиш меросий бўлган. 14–15-а.ларда айрим мамлук султонлари Б. б-н алоқа боғлашган. Узоқ вақт мобайнида (20-а.нинг 50-й.ларигача) Б. Миср халқи орасида ўзининг таъсирини сақлаб келган. Б.дан камида 15 та тармоқ ажралиб чиққан, уларнинг айримлари (мас., дасуқия-бурхония) мустақил тариқатга айланган. Б.га Миср халқининг қад. ислом ва христианликдан аввалги диний эътиқодлари, урф-одатлари чатишиб кетган. Шу сабабдан бўлса керак Абдул Ваҳҳоб аш-Шаъроний (1493–1565) Б.ни шариат йўлидан оғанликда айблаган. Б. тарафдорлари ўзига хос – кизил рангда кийим кийишган, уларнинг хирқаси ва 12 шокилали узун қалпоқлари, шунингдек байроқлари ҳам кизил бўлган. Улар одатда чоршанба кунлари Тант ш.даги марказий зиёратгоҳда, махсус хоналарда (тахдирхона) ва Қоҳирадаги ал-Хусайн масжидида жамоа бўлиб зикр тушишган. Унда махсус кўшиқчи хониши ва ногора садоси остида давра бўлиб зикр тушганлар. Давра бўйлаб айланаётган зикр иштирокчилари вақти-вақти б-н чуқур таъзим бажо келтириб, шу ҳолатда қўлларини олдинга чўзганлар. Ўзаро учрашганларида тариқат аъзолари қўл сиқишиб кўришганлар. Тариқат йилда уч байрамни нишонлаган. Байрам саналари қад. қибтий куёш таквимига қараб белгиланган. Биринчи байрам санаси “илоҳий чўқинтириш” кунига тўғри келади, қолган икки сана Нил дарёси сувининг қўтарилиши муддати б-н боғлиқ (ҳосилдорликка багишланган маросим). Байрамлар вақтидаги тартиб устидан Б. аъзоларидан тузилган махсус кўриқчилар – Нух авлодлари назорат юргизишган. Уларнинг белида ёғоч қилич, қўлларида – арқон камчин, бўйинларида турли

рангдаги мунчоқ шодаси бўлиб, у кўкракка тушиб турган; бош кийимларининг тепасида рангли тизимчалардан қилинган тутума (ўрам) бўлган.

БАДАЪ (“пайдо бўлиш”, “вужудга келиш”) – шиаликка оид тушунча. Унга кўра Аллоҳнинг фикри, қарори турли шарт-шароитларга қараб ўзгариб туради. Бу ғояни *кайсонийларнинг* пешвоси ал-Мухтор ибн Аби Убайд номи б-н боғлайдилар. У ўзида башорат қилиш қобилияти борлигини даъво қилиб, агарда унинг башорати тўғри чиқмаса, бунга Аллоҳнинг фикри ўзгариб қолганини рўқач қилган. Шиалар Б.ни суннийликдаги *насх* таълимотига қарши кўядилар. Ўзларини келажак ҳақида башорат этиш қобилиятига эга деб ҳисоблайдиган шиа имомлари агарда башоратлари нотўғри чиққудек бўлса, ўзларидан жавобгарлик масъулиятини соқит қилиш учун хоҳлаган пайтда ўз фикр ва қарорларини “Аллоҳнинг фикри ўзгариб қолди” деб ўзгартиришларига Б. имкон берган.

БАДР ЖАНГИ – Муҳаммад (сав) раҳбарлигида мусулмонларнинг Бадр қудуғи яқинида (Мадинадан 150 км жан.-гарбда) Макка қўшинлари б-н қилган биринчи йирик жанги (624 й. 15 ёки 17 март). Маккадан Фаластин ва Сурия ерларига олиб борадиган йирик қарвон йўли Мадина яқинидан ўтар эди. Бу йўл Макка ҳокимлари ва савдогарлари учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган. Мусулмонлар бу йўлдаги Макка қарвонларини босиб олишга, Макка зодагонлари эса қарвонларни ҳимоя қилишга уринган. Бадр қудуғи ёнида мадиналиклар маккаликларнинг савдо қарвонига ҳужум қилган. Манбаларда кўрсатилишича, жангда мусулмонлар томонидан 80 муҳожир, 230 ансор, маккаликлар томонидан *Абу Жаҳл* раҳбарлигида 850 киши қатнашган. Маккаликлар енгилган, катта талафот кўрган. Маккаликларнинг 50 дан ортиғи ҳалок бўлди, яна шунчаси асир олинди. Улар ўз йўлбошчиси Абу Жаҳлдан ҳам жудо бўлишди. Мусулмонлардан фақат 14 киши ҳалок бўлди. Кучлар нисбати кам бўлишига қарамай мусулмонлар қозонган ғалаба Муҳаммад (сав) нинг сиёсий ва диний обрўйини ошириб юборди, Мадина ва бутун Арабистон я.о.да фаол ҳаракат бошлаб юборишга асос солди. Жангда катта ўлжа, жумладан 30 та от, 150

туя, кўп қурол, анжомлар қўлга киритилди. Муҳаммад (сав) бу ўлжаларни жанг иштирокчиларига тақсимлаб, унинг бешдан бир қисмини ўзлари олганлар. Ислом анъанасида ўлжа тақсимлашда унинг бешдан бир қисми халифалар хазинасига тушиши, пиёда аскарга бир хисса, отлик аскарга икки хисса берилиши ана шундан бошланган. Кейинчалик бу шариатда қонунлаштирилган. **БАЗДОВИЙ**, Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздовий (1009 – 1089) – *ҳанафийлик*даги йирик муҳаддис ва фақиҳ. Насаф вилоятидаги Базда (Пазда) қалъасида туғилган; кўплаб шогирдлар етиштирган. Тарихчи Самъоний Б.нинг ўғли ал-Ҳасан ибн Али ал-Баздовий қўлида таълим олган. Б. фикҳга доир 6 асар муаллифи.

БАЙТ ул-МАҚДИС, Б а й т у л М у қ а д д а с (араб. – Муқаддас уй) – Қуддус (Иерусалим) ш.да қадимдан мавжуд бўлган, мусулмонлар, христианлар ва яҳудийларда муқаддас ҳисобланган ибодатхоналар. Шу муносабат б-н Қуддус ш.нинг ўзи ҳам Б.ул-М. деб ном олган. Б.ул-М.нинг ўрта асрларга оид шарқий қисмида – Харом аш-Шариф (Мория тоғи этакларида) қўриқхонага айлантирилган ҳудуд бўлиб, Аксо масжиди, Қуббат ас-саҳро масжиди ва б. иншоотлар унинг таркибига кирган. Қуръони Каримнинг Муҳаммад (сав)нинг меърож кечасида борган ерлари ҳақидаги оятдаги жой – Б. ул-М. деб ҳисобланади. Муҳаммад (сав) Мадинада бўлган дастлабки бир ярим-икки йиллик даврларида мусулмонлар Б.ул-М.га қараб намоз ўқиганлар (қ. *Қибла*). Қуддус ш. *Умар* (ра) б-н патриарх ўртасида тузилган битимга асосан 638 й. бошида мусулмонлар қўлига ўтган. Умар (ра) Қуддусда бўлган чоғида Аксо масжидини қурдирган (705–715 й.ларда у янгидан қурилган). Қуббат ус-саҳро масжиди бунёд этилгач, шаҳарнинг диний марказ сифатидаги мавқеи кучайган. Арабча ал-Қудс номи шу пайт (8-а. боши)дан эътиборан қўлланила бошлаган (бу пайтгача шаҳар Илиё деб аталган). 11–13-а.ларда Б.ул-М. диний урушлар, хусусан, салбчилар б-н мусулмонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг асосийларидан саналган. 1517 й. шаҳарни Усмонли турк салтанати эгаллаган. 16-а.да Харом аш-Шариф тубдан қайта таъмирланган. Арк ва б. иншоотлар қурилган. 16–19-а. ўрталарида

шаҳар (80 га яқин шаҳар ҳудуди ва 13 га дан иборат Харом аш-Шариф) девор б-н ўраб олинган. 1553 й.даги аҳоли рўйхатида кўра шаҳарда 1950 мусулмон, 413 насоро ва 324 яҳудийлар оиласи, жами тахм. 15 минг аҳоли яшаган. 19-а. сўнгги чорағидаги аҳоли рўйхатида ҳам тахм. шу манзара акс этган. 19-а.да христиан қадамжоларини ҳимоя қилиш баҳонасида Европа давлатлари Усмонлилар салтанатининг ички ишларига аралаша бошлаган. 19-а.нинг иккинчи ярмида Қуддуснинг ғарбий қисмида европалик бир қанча миссионерлик марказлари пайдо бўлган; шу аср охирида эса, бу ерда яҳудий-иммигрантлар (муҳожирлар)нинг колонияси (манзилгоҳи) вужудга келган.

1920–47 й.ларда Қуддус Миллатлар Лигаси мандатига кўра, Буюк Британия томонидан бошқарилган Фаластиннинг маъмурий маркази бўлган. 1947 й. Исроил давлати барпо этилиши туфайли Қуддус ш. БМТ бошқарувидаги алоҳида зона сифатида ажратилган, бироқ Исроил-Араб уруши (1948–49) натижасида шаҳарнинг ғарбий қисмини Исроил босиб олган, шарқий қисми эса, Иорданияга ўтган. 1967 й. Қуддуснинг шарқий қисми Фаластиннинг араблар яшайдиган қисми б-н биргаликда Исроил томонидан эгалланган.

БАЙТУЛЛОҲ (араб. – Аллоҳ уйи) – Макка ш.даги Каъба биноси. Унинг бошқа номлари ҳам бор. Мас., Масжиди ҳаром, Байтулатик, Қибла, Хонаи Каъба. “Аллоҳнинг уйи” деганда Аллоҳнинг манзили ёки маскани эмас, балки Аллоҳга ибодат қилинадиган жой, қиблагоҳ маъносида тушунмоқ керак. Шу маънода ер юзидаги масжидларнинг ҳар бирини ҳам “Аллоҳнинг уйи” деб аташ мумкин. Б.ни “Маккатуллоҳ” деб аташ нотўғридир.

БАЙТУЛМОЛ (араб. – “мол-мулк уйи”) – 1) ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк; 2) қимматбаҳо нарсалар сақланадиган бино. Б.ни дастлаб халифа *Умар* ибн ал-Хаттоб (ра) таъсис қилган. Ундаги бойликлар асосан *хирож*, *жизя*, *закот*, *ҳумс* каби солиқлардан тўпланган.

БАЙЪАТ (араб. олди-сотди) – шариатда кишиларнинг Расулulloҳ (сав)га итоат ҳақида берган ваъдалари. Бу ваъдада ваъда аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб

олиш маъноси борлигидан “байъат” дейилган. Расулulloх (сав)дан кейин халифалар, давлат бошлиқларига Б. қилиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлигидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам Б. қилиш тарқаган. Аллох таоло Фатх сурасида: “Албатта, Сенга байъат қилаётганлар, ҳақиқатда Аллохга байъат қилмоқдалар. Аллохнинг қўли уларнинг қўллари устидадир”, деган. Бу оят Худайбия сулхи вақтида нозил бўлган. Расули Акрам (сав) 1400 нафар саҳобийлар б-н умра қилгани Макка томон юрганлар. Маккага яқинлашганларида, мушриклар йўлни тўсишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар келган. Худайбия деган жойда тўхталган. Икки тараф бир-бирига вакил юбора бошлаган. Расулulloх (сав) ҳазрати Усмон ибн Аффон (ра)ни юборганлар. У киши дараксиз узоқ қолиб кетганлар. Шунда “Мушриклар Усмонни ўлдирибди” деган гап тарқалган. Вазият оғирлашиб, қуроли тўкнашув бўлиши муқаррарга ўхшаб қолган. Ана шундай нозик ва хатарли бир пайтда мусулмонлар Исломи йўлида фидокорлик аҳдини бериб, Расулulloх (сав)га Б. қилишлари лозим бўлган. Пайғамбар (сав) дарахт тагида туриб, Б. олганлар. Аллох таоло ушбу Б.да иштирок этганлардан рози эканини эълон қилиб, оятлар нозил қилган. Б. вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан аҳли тасаввуфда муриднинг шайхга қилган Б.ини “қўл бериш” дейилади. Шайхга муриднинг Б. қилиши хижрий бешинчи аср (мил.11-а)ларда бошланган, бунда мурид ўз устозига таквода бардавом бўлишга аҳду паймон ила Б.қилади.

БАЛОЗУРИЙ Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд (тахм. 820–892) – араб тарихчиси. “Футух ул-булдон” (“Мамлакатларни фатх этиш”) ва “Ансоб ул-ашроф” (“Иқтидорли кишиларнинг насаблари”) каби тарихий асарлари б-н машҳур. Биринчи асарининг қисқартирилган нусхаси бизгача етиб келган. Унда хижрат давридан бошлаб то Сурия, Арманистон, Миср, Мағриб, Испания, Ироқ ва Эроннинг фатх этилишигача бўлган тарихий воқеалар баён этилган. Асарда маҳаллий халқлар ва турли машҳур қурилишларга доир жуда кўп муҳим маълумотлар ҳам бор. Шунингдек, унда араб тилининг фатх қилинган мамлакатларда девон

ишларида қабул этилиши, турли жарима ва солиқлар, танга ва чақа пуллар, араб ёзувининг тарихи хусусида маълумотлар мавжуд. Бу китоб Голландияда шарқшунос де Гуге томонидан 1866 й.да нашр этилган.

БАЛУЗИЙ, Абул Аббос ал-Ҳасан ибн Суфён аш-Шайбоний ал-Балузий ан-Насавий (? – 915/916) – *шофийийлик*даги йирик муҳаддис, факих, муфтийлардан. Нисо вилоятидаги Балуз (Фаруз) қишлоғида туғилган. Самъонийнинг ёзишича, у Ироқ, Шом, Миср ва Хуросон шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган, унинг хузурига турли мамлакатлардан олимлар келиб сабоқ олганлар. 12-а.да унинг Балуз қишлоғидаги қабри зиёратгоҳ бўлган. Самъоний Б.ни фикх, ҳадис ва илми адаб бўйича 20 устози ва 10 та шогирдини қайд этиб ўтган. Фикхга доир 3 асари бор.

БАЛЪАМИЙ Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад (? – 974 – Бухоро) – тарихчи олим, давлат арбоби. Сомонийлардан Абдулмалик ибн Нух (954–961) ва Мансур ибн Нух (961–976) замонида бош вазир бўлган. У 963 й. Табарий (839–923)нинг “Тарих ул-анбиё вар-расул вал мулк вал-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи”) номли йирик асарини форс тилида қайтадан ёзган. Бу Шарқда 9-а.гача бўлган сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган. Ўрта Осиёда янги форс тилида битилган биринчи асар бўлиб, Табарийнинг араб тилида ёзилган ва Лейденда (1879–89) нашр этилган юқоридаги асарига қараганда аниқ маълумотларга бой ва айрим ҳолларда муфассалроқдир. Афтидан, Б. Табарий асарининг аввалги тўлароқ нусхаларидан фойдаланган. Б.нинг бу асари чет тилларига таржима қилинган. Мазкур китоб 1958 ва 1974 й.да тузатишлар б-н Техронда 2 марта нашр этилди. Унинг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланмоқда.

БАРАКА – ислом илоҳиётида бирор ишга Аллохдан ривож тилаш, оқ фотиҳа бериш мазмунига эга бўлган тушунча; хайрли истак ва кўрқут. Қуръонда Б. уч ҳарф, яъни БРК илдизидан чикқан бир қанча сўз ва тушунчалардан иборат. Б. сўзи кўплик шаклида баракот деб юритилади. Қуръонда келтирилишича, Б.нинг нозил этувчиси Аллох бўлиб, у Б.ни пайғамбарларга (Исо – 19:31/32, Мусо – 27:8, Иброҳим, Исҳоқ – 37:113)

ва уларнинг яқинларига (11:48/50, 76/73) ато этгани зикр этилади. Б. истаги мусулмонлар ўртасидаги анъанавий салом-алиқнинг таркибий қисмига айланган. Оддий халқ тилида Б. меҳнат ва фаолиятда, ҳосил ва даромадда унум, мўл-кўллик маъносини билдиради.

БАРКОНИЙ, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Барконий (948 – 1034) – *шофийлик*даги машҳур муҳаддис, муфассир, фақиҳ, адиб ва шоир. Хоразмдаги Кот (Кас) ш. атрофидаги Баркон қишлоғида туғилган. Б. фикҳни дастлаб Хоразмда ўрганиб, сўнгра Хуросон ва Ироқ ш.лари бўйлаб саёҳат қилган. Бағдодда яшаган ва жоме масжиди қошидаги қабристонга дафн этилган. Б.нинг 5 устози ва 5 шогирди бўлиб, фикҳга доир 3 та асар ёзган.

БАРОЪ ибн ОЗИБ, тўлиқ исми Абу Амр ал-Бароъ ибн Озиб ибн ал-Хорис ал-Ансорий ал-Авсий (7-а.) – саҳоба. *Бадр жангига* бормоқчи бўлганида Расулulloҳ (сав) уни ёшлиги туфайли жангдан қайтарганлар. Муҳаммад (сав) б-н бирга 14 та ғазотда, у зот вафотларидан сўнг Рай ш.ни фатҳ этишда (644) қатнашган. Кейинчалик *Али* б-н бирга Жамол, Сиффин ва Наҳравон жангларида жасорат кўрсатган, кўп ҳадислар ривоят қилган. Мусъаб ибн аз-Зубайр замонида (689–691) вафот этган.

БАРСИСА, Б а р с и с – Куръонда (59: 16–17) зикр этилган инсон номи. Куръони каримда “Мана у (шайтон) инсонга деди: “Кофир бўл!” Инсон кофир бўлганида, у деди: “Мен сендан юз ўгирдим. Мен бутун дунёнинг раббиси Аллоҳдан қўрқаман!” Уларнинг ҳар иккиси ҳам охир-оқибатда то абад дўзах ўтига ташландилар. Кофирларнинг холи шу бўлур!”. Бу оятлар Иблис-шайтоннинг тимсолини акс эттиришда жуда муҳимдир. Шайтон гарчи инсонни тўғри йўлдан оғдира олса ҳам, уни Аллоҳнинг газабидан ҳимоя эта олмайди. У Аллоҳга рақиб эмас, лекин унинг заиф душмани. Қиёматда шайтон ўзи йўлдан урган кишилари қаторида тенг жазоланади. Куръони каримдан кейинги ривоятларда айтилишича, Б. исмли зоҳид ака-укалари томонидан ташлаб кетилган бемор қизнинг ҳол-аҳволидан бохабар бўлиб туришга розилик берган. Шайтоннинг сўзига кирган Б. зино иш қилиб, сўнгра жиноятини яшириш мақсадида қизни

ўлдирган; қизнинг ака-укалари келганида Б. қизни хасталиқдан вафот этганини айтган. Бирок Шайтон ака-укаларга сингиллари ўлимининг асл сабабини етказган, улар зоҳидни ўлдириш қасдида тутиб олишган. Шунда Шайтон Аллоҳдан юз ўгириш эвазига уни халос этишини таклиф этган. Б. юз ўгирган, лекин шу заҳоти Шайтон ҳам ундан юз ўгирган. Бу ҳикоядан панд-насихатларга оид адабиётларда кенг фойдаланилади. Фуқаҳолар ундан Шайтоннинг усуллари, кирдикорларини кўрсатишда яққол мисол сифатида фойдаланадилар: инсоннинг гойибона хоҳиш-истакларидан фойдаланиб, Шайтон уни гўё солиҳ амалларни (юқоридаги ҳолатда – бемор қизнинг ҳол-аҳволидан бохабар бўлиш) қилишга, аслида эса, уни ҳалокатга етакловчи амалларни бажо этишга ундайди.

БАҚО ВА ФАНО (араб. бақо – боқийлик, барқарорлик; фано – фонийлик, йўқолиш, ўткинчилик) – исломдаги тушунча. Ислом динида бақо – Аллоҳ сифатларидан бири. Тасаввуфда бақо Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечиш, барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш деб ҳам тушунилади. Фано – ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли б-н Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишликдир. Тасаввуфда солиқ фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга гарқ бўлиб, бу фоний дунёдаги жамики нарсаларни нутиб юборади. Бу мақом “фано филлоҳ” деб аталади (яна қ. *Фано*).

БАҒДОДИЙ, Абул Баракот Ҳибатуллоҳ ибн Малка ал-Баладий (1077–1164) – файласуф, табиатшунос, табиб. Бағдод халифалари ва салжуқийлар султонлари саройида табиблик қилган. Б.нинг асосий асари “ал-Муътабар фил ҳикма” бизгача етиб келган. Бу асар шарқ перипатетизми руҳида ёзилган бўлиб уч қисмни – мантиқ, физика ва метафизикани ўз ичига олади. Иккинчи бўлимда (Ибн Сино физикасига нисбатан) муаммони торайтириб, асосий эътибор табиий-илмий масалаларни тадқиқ этишнинг асосий воситалари сифатида тажриба ва кузатишга қаратилади. Метафизикада, асосан, шарқ перипатетиклари изидан бориб Б. уларнинг айрим қоидаларини танқид қилади. Унга кўра ягоналикдан фақат ягоналик келиб чиқади, абадий ўткинчи

ходисаларни (ҳаводис) ўзига сиғдира олмайди, худонинг моҳиятидан ташқари унинг бошқа атрибутлари бўлиши мумкин эмас ҳамда ўнта фазовий ақллар мавжуд деб танқид қилди. Кейинчалик бу танқид калом б-н фалсафани яқинлаштиришга замин ҳозирлаган ар-Розий томонидан давом эттирилди.

БАҒДОДИЙ, Абу Мансур Абдуқоҳир ибн Тоҳир (? – 1037) – шофиъийлик фақиҳларидан, ашъарий илоҳиётчи. Нишопурда ашъарий Абу Исҳоқ ал-Исфароиний (1027 й. в.э.) раҳбарлигида ўқиган. Б.нинг Хуросонда шогирдлари кўп бўлиб, улар орасида машҳур илоҳиётчи-суфий Кушайрий ҳам бор эди. Б. муҳофазаси кенг олим бўлиб, фикҳ, усули ал-фикҳ, калом, грамматика, ҳандаса – жами 17 фандан дарс берган. У учта асар – “ал Фарқ байнал фирак”, “Усул ад-дин”, “ал Милал ван ниҳал” ёзган. Булардан охиригиси ўзининг маъноси жиҳатидан Шаҳристониининг худди шу мазмундаги асаридан анча устун туради. Б. бошқа сунний ҳуқуқшунослар йўлидан бориб хорижийлар, шиалар ва муътазиллийлар б-н мунозарада имомат ғоясини ривожлантирди. У ўзининг замондоши ва маслакдоши Боқилонийдан фарқли ўларок, имомат зарурий нарса ва бир вақтда икки имомнинг (мулки денгиз б-н ажралган бўлса) мавжуд бўлиши мумкин деб ҳисоблаган.

БАҲИРО, Б у х а й р о – Муҳаммад (сав) сийратлари ҳақидаги ҳикояларда учрайдиган шахс исми; Муҳаммад (сав)нинг болалик пайтларида у зотдаги пайғамбарлик аломатларини пайқаган Бусролик (Сурия, Басра ш.) христиан роҳиб. Ҳикоя этилишича, Макка карвонлари Дамашққа бораётганда ва ундан қайтаётганда кўпинча Б. уйи олдида дам олиш учун тўхтаган. Бир куни Абу Толиб ўзи б-н сафарга жияни Муҳаммад (сав)ни ҳам олган. Б. булутлар, қуёш ва дарахт шохлари ҳаракатига асосланиб, келганлар орасида бўлғуси пайғамбар борлигини аниқлаган ва унинг белгиларини Муҳаммад (сав)да кўрган. У Абу Толибга болани эҳтиёт қилишни ва уни Дамашққа олиб бормасликни маслаҳат бериб, Дамашқда уни яҳудийлар ўлдириши мумкинлигини айтади. Шу сабабдан Абу Толиб савдо ишларини шу ернинг ўзида бажариб, Дамашққа боришдан воз кечади. Муҳаммад (сав)ни таниш учун Б.

христианларнинг бузилмаган муқаддас китобларидаги у зот ҳақида битилган еридан фойдаланган.

БАҲОИЙЛИК, б а х о и й й а – диний-сиёсий оқим. 19-а. ўрталарида Эрондаги *бобийлик* ҳаракатининг давоми сифатида Ироқда вужудга келган. Асосчиси *Баҳоулло*. У инсоният учун ягона дин, иқтисодиёт ва давлат зарур, деган ғояларни илгари суради (шу б-н бобийликдан фарқ қилади). Баҳоулло фикрича, мавжуд динларни йўқотишнинг ҳожати йўқ, уларни қандайдир бир нуқсонсиз таълимот асосида бирлаштириш лозим. Аслида ҳамма динлар яхши, фақат уларни ортикча ақида ва урф-одатлардан тозалаш керак. Муҳими – Худони севиш керак, чунки муҳаббат – таракқиётнинг шarti ва коинот қонунидир. 1979 й.да Эронда ислом инқилобидан сўнг бу таълимотнинг ўнлаб раҳнамолари қатл этилди. Баҳоийлар Осиёнинг баъзи мамлакатларида ҳам бор. Баҳоийларнинг кўпчилиги Европа ва Америкада, асосий марказлари Германия, АКШ, Панамада, марказий қароргоҳи Хайфа (Исроил) шаҳрида.

Ўзбекистонда баҳоийларнинг рўйхатдан ўтган 3 та жамоаси бор (1998). Улар Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарларидадир. Ўз анъанавий байрамларини ўтказиши, Хайфа ш.га зиёратга бориб турадилар.

БАҲОУДДИН МАЖМУАСИ – шайх *Баҳоуддин Нақибанд* мазори ёнидаги ҳазира – ансамбль (Бухоро вилояти, 16-а.). Мозор Абдулазизхон буйруғи б-н тартибга солиниб, ҳазира барпо этилган ва 1544–45 й.ларда мажмуанинг энг катта биноси – хонақоҳ қурилган. Б.м. дахмалар (Дахмаи шохон ва Баҳоуддин дахмаси), мақбара, 2 масжид, сақоҳона, ҳовуз, қудук, минора, мадраса ва Абдулазизхон хонақоҳидан иборат. Мажмуа кичик гумбазли чортоқ дарвозахонадан бошланади. Дарвозадан ўтгач, ўнгда кичкина масжид, чап томонда зиёратчилар учун турли бинолар бўлганлиги маълум. Йўл давомида чапда хонлар мазори – Дахмаи шохон жойлашган. Дахмаи шохон тўғри тўртбурчак тархли, бал. 2,5 м, усти кулранг мармар б-н қопланган. Унда мармар ўймакорлиги, хаттотлик санъатининг ажойиб намуналари мавжуд. Мармарларга токчалар, устунчалар, шарафалар, сарв сурати ва б. безаклар

ўйилган; нақшлар баъзида ёзувлар б-н аралаш учрайди. Дахмай шохондан ўтган йўлак нафис безатилган пештоққа олиб келади (пештоқнинг икки табақали эшигига “бағдоди” ва “гули нав” услида нақшлар ўйилган). Пештоқнинг эшигидан ўтилгач, ўнгда гумбазли макбара бор (унга ким дафн қилинганлиги номаълум). Чапда – кираверишда 6 устунли (соддагина), олди айвонли Музаффархон масжиди жойлашган. Масжид ёнига 2 устунли Ҳаким кўшбеги масжиди тушган (масжид меҳробида ажойиб мужассамотли намоён бор). Унинг жан.да нақшдор, шим.да нақшсиз айвонлар бор. Баҳоуддин дахмаси мармар қопланган каттагина мурабба супа бўлиб, атрофи чиройли мармар панжара б-н ўралган. Ундан сал нари, шим.да – томонлари 9,5 м келадиган айлана зинали мармар ҳовуз, унинг шим. томонида кичикрок, кўркам чортоқ сақоҳона бор. Баҳоуддин дахмаси б-н ҳовуз ораллигида қудук, унинг ёнидаги чиройли шийпондан қадимда зиёратчиларга турли шаклли идишларда “муқаддас” сув улашилган. Ҳаким кўшбеги масжидининг шим.да кўримсизгина бир минора, ундан нарида ҳовлидаги ҳовуздан 3 баравар катта бошқа ҳовуз бор. Ҳовлининг ташқариси (шим.-ғарби)да тўртбурчак супа устида хонақоҳ (эни 37 м, бўйи 40 м ли) қад кўтарган. Марказида атрофи пештоқ равоқли айвонлар б-н ўралган масжид, унинг тўрида чорзамин услубда ишланган қирма нақшли меҳроб мавжуд. Иморатнинг ҳар икки томонида симметрик қурилган икки қаватли катта-кичик хужралар бўлган. Б.м.га ундан 0,5 км шим.-шарқда жойлашган “Қасри Орифон” масжиди ҳам киради; унинг ёнида пастаккина минораси бор. Масжид 3 тарафдан айвон б-н ўралган; шипи нақш туширилган ҳовузаклик. Б.м. 16-а. меъморлигининг янгича ансамбль тузишда эришилган ютуқлардан намуна бўлиб, кўш биноли симметрик ансамбллардан фарқ қилади. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги (1993) муносабати б-н мажмуа қайта таъмирланиб, кўшимча бинолар бунёд этилди (2003).

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари б-н машҳур) (1318–1389)

– машҳур авлиё, *нақшбандийлик* тариқатининг асосчиси. Бухоро вилояти ҳоз. Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этди. Бу қишлоқ кейинчалик Б.Н. шарафига Қасри орифон деб аталган. Б.Н.нинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Унинг Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги қайд этилган. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Б.Н. ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У суфийлар б-н яқин алоқада эди. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотди. Б.Н. Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, мавлоно Ориф, Халил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олди. Б.Н.нинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда суфийлик б-н ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Ҳарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати – деҳқончилик ва кейинроқ кимхобга нақш (гул) солиш б-н кун кўрган. Ўз таълимотини яратишда Юсуф *Ҳамадоний* ва Абдулҳолик *Ғиждувоний* ғояларига асосланган. Таълимотининг асосида “Дил-ба ёр-у, даст-ба қор” (“Кўнгил Худода бўлсин-у, қўл иш б-н банд бўлаверсин”) деган шиор ётади.

Б.Н. тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, қуңдалиқ турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил б-н амалга ошиши керак. Қўл эса, иш – меҳнат б-н банд бўлаверсин. Б.Н.нинг таркидунёчилик қилмай, демакки, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силқимай туриб ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади.

Б.Н.нинг Бухородаги қабри зиёратгоҳ ҳисобланади. Б.Н. ва унинг таълимоти ҳамда нақшбандий шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргина Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти кўлёзмалар хазинасининг ўзида нақшбандийликка доир 195 китоб мавжуд.

Б.Н. таваллудининг 675 йиллиги (1993) Ўзбекистонда кенг нишонланди. Унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, халқаро илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Б.Н. номи б-н боғлиқ ёдгорликлар қайта тикланди.

БАҲОУЛЛО (араб. – Аллоҳ нури, жилоси; асл исми Мирзо Хусайн Али Нури) (1817 – 1892) – баҳойлик асосчиси. Бобийлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан. Мозандаронда туғилган. Бобийларнинг Эрон шоҳига уюштирган суиқасди муваффақиятсизликка учрагандан кейин Б. Ироққа қочган (1852), бу ерда ўзини *Боб* ишини давом эттирувчи ва худодан ваҳий олган *маҳдий* деб эълон қилган. 1858 йилда Бағдодда чиққан “Китоби иймон” (“Ишонч китоби”) асарида Боб таълимотига бўлган муносабатини акс эттирган. 1873 йилда Фаластинда “Китоб ал-акдас” (“Энг муқаддас китоб”) асарини ёзади, унда баҳойлик таълимотининг асосий ғояларини баён этади. Кейинчалик Б. ўз таълимотини давом эттиришни катта ўғли Аббос афандига (тахаллуси Абдулбаҳо, 1920 й.в.э.) васият қилади. Унинг авлодлари ҳамон ўз ғояларини тарғиб этмоқда.

БЕДИЛ (тахаллуси; асл исми Мирзо Абдулқодир) (1644–1721) — шоир, мутафаккир. Ота-бобоси кеш(шаҳрисабз)лик, туркий барлос уруғидан. Ёшлигидан турли фанларга қизиққан. Шайх Камол, шоҳ Фозил ва Мирза Абдулқосим каби олимлардан таълим олган. Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилган. 1685 й.дан умрининг охиригача Деҳлида яшаган. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тасаввуф ақидалари таъсирида шаклланган. Б. дунёқараши тасаввуфнинг *ваҳдати вуҷуд* таълимотига асосланади, яъни оламни Аллоҳнинг кўзгуси, инсон қалбини шу кўзгунинг маркази, деб билади. Инсон қалби қанчалик сайқал топса, у шунчалик Аллоҳ нурини акс эттиради.

Б. 120 минг мисрадан ортиқ шеърини, кўпгина насрий асар ёзган. Йирик асари “Чор унсур” (“Тўрт унсур”, 1703) насрда ёзилган бўлиб, унинг дастлабки бобларида Б. ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Сўнгги икки бобда эса, тўрт унсур – ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлиши, мутлак рух, руҳ ва нарсалар, дин ҳамда руҳонийларнинг ўрни ҳақида фикр юритади. Китобда парилар, жинлар, уйку, туш кўриш ва б. ҳақида ҳикоя ва афсоналар ҳам мавжуд. Б. “Ирфон” (“Билим”, 1711–12; “Комде ва Мудан”, “Нуқот” асарлари ҳам шунинг таркибида) дostonида фалсафа, тарих, тиббиёт, адабиёт ва илоҳиётнинг хилма-

хил масалаларига тўхталган. Борлик, йўқлик, фано, бақо сингари фалсафий масалалар ҳақида фикр билдирган. У ҳинд фалсафасидаги *таносух* назарияси ҳамда ислом фалсафасидаги *таваккул* таълимотини танқид қилади.

Б.нинг ижтимоий қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик мавзулари асосий ўринни эгаллайди. Б. асарлари 19-а.да Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Улар фалсафий фикрга бойлигидан Б. Туркистонда “Абулмаъоний” (“Маънолар отаси”) деган ном олган.

БЕКТОШИЙЛАР, б е к т о ш и я – Туркияда тарқалган тасаввуф тариқати. Кичик Осиёда 13-а. охири – 14-а. бошида маҳаллий турк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси орасида пайдо бўлган. Тариқатнинг номи Ҳожи Бектош Румийдан бошланади.

Б. тариқатининг ҳақиқий асосчиси ваъзхон ва қаландар Ҳожи Бектош Вали Нишопури Хуросоний (1208 – 1270) ҳисобланади. Унинг силсиласи эса, туркистонлик шайх Аҳмад Яссавийга, ундан эса, шиа имоми Мусо ал-Козимга тақалади. Б. аъзолари шиалардек ҳазрати Али ва 12 имомга, айниқса, 6-имом Жаъфар ас-Содикқа эътиқод қиладилар. Ҳожи Бектош Кичик Осиёда тез шуҳрат қозонган. Бу тариқат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида қўллаб-қувватланган. Вақти келиб Б. кенг тармоқ ёйган ташкилотга айланган, ўзининг белгиси ва махсус кийимига эга бўлган. Б. тариқатининг катъий уюшган жамоага айланишида “Улуғ пир” Балим Султоннинг (1516 й. в.э.) таъсири катта. Илмий адабиётда уни “Иккинчи пир” (“Пири соний”) деб аташади. Балим Султон ўзини Ҳожи Бектош Румийнинг авлоди, деб эълон қилган ва тариқат тузилишига алоқадор бир қатор ислохотларни амалга оширган. Б. айна Балим Султон замонида кенг тарқалиб, яничарлар (Туркиядаги имтиёзли пиёда аскарлар) орасида ёйилган, улар орқали давлат ишларига ўз таъсирини кучайтирган. 1826 й.да Султон Маҳмуд II яничарлар корпусини тугатгач, Б. фаолияти тақиқланди. Унинг йирик раҳнамолари қатл этилди. Б. тарафдорлари эса, Болқонга ва Албанияга тарқалиб кетди. Лекин ҳозир ҳам Б. тарафдорларини Туркия ва Ироқда учратиш мумкин. Б. турк халқи диний дунёқарашининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг маданияти,

муסיқаси ва айниқса адабиётининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган.

БЕРУНИЙ Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973–1048) – ўрта асрнинг буюк комусий олими, мутафаккири. Хоразмнинг қад. пойтахти Кат (Кат) ш.да туғилди. Ёшлигиданок илм-фанга қизиқди. Б. ўз она тилидан ташқари араб, сўғд, форс, сурёний, юнон ва қад. яҳудий тилларини, кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганди. Тарих, математика, астрономия, тиббиёт, геология, география ва б. фанларни чуқур ўрганди ва бу илмларга оид 150 дан ортиқ асар ёзди. Б. Аллоҳни биринчи яратувчи сифатида эътироф этди, лекин олам кейин табиий равишда ривожланади, деб ҳисоблади. Б. худога, унинг пайгамбарига бағишлаб мадҳлар айтган. У коинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги ҳақида фикр юритган. Унинг машҳур “Масъуд қонуни” китоби астрономия ва математика бўйича унғача ёзилган барча китобларнинг энг мукаммалидир. Қизиғи шундаки, ушбу китобда баён этилган таълимотларнинг кўпчилигини Б. Куръон оятлари б-н солиштирган. Шунинг учун ҳам унинг “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни” асарлари ўтмишдаги барча динлар ва ислом учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Кейинчалик “Масъуд қонуни”да баён этилган кашфиётлардан Улуғбек расадхонасида унумли фойдаланилган. Улуғбек кутубхонасида бу асарнинг бир неча нусхаси мавжуд бўлган. Б. мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашига боғлиқ, инсон билимли ва маърифатли бўлгандагина бахтли бўла олади, деб билди. Зеро, ислом дини ҳам илм олишга даъват этади. Б. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон” асарларида ўша даврдаги ва ундан олдинги даврдаги кўп динлар (мас., ҳинд эътиқодлари, зардуштийлик ва б.)га хос урф-одатлар, маросимлар, тақвимлар ҳақида бой маълумотлар қолдирган. Унинг дунёқарашига хос хусусиятлардан бири – диний эътиқодларга ҳолисона қараши, ғайри динларга бегараз муносабатда бўлишидир. У маърифат душманларига, ёмон урф-одатларга, адолатсизликка қарши эди. Б. асарлари рус, лотин, француз, итальян, немис, форс, инглиз, турк тилларига таржима қилинган. Унинг ижоди мусулмон Шарқи маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

БЕХБУДИЙ Маҳмудхўжа (1875–1919) – маърифатпарвар, муфтий, Туркистонда жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири. Самарқанд ш.да имом-хатиб оиласида туғилган. Қорилар мактабини тугатган. Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олгач, қишлоқ жойлардаги қозилар ва муфтийларга мирзалик қилган. 1899–1900 й.ларда ҳаж сафарида бўлган. 1906 й. Нижний Новгородда ўтказилган Бутун Россия мусулмонларининг 3-қурултойида Туркистон делегациясини бошқарган ва маъруза қилган. Б. ўша пайтда Туркистонда ғоялари тарқала бошлаган социал-демократик партия дастурига кескин қарши чиққан. “Биз мусулмонлар учун бу партияга кириш катта зиён келтиради. Социал-демократларнинг дастури шариатга хилофдир” (“Тараккий” газетаси, 1906 й. 29-сон). Б. адабий-илмий, ноширлик фаолияти б-н шуғулланган. Унинг янги усулдаги мактаблар учун ёзган “Амалиёти ислом” (1908), “Мухтасари тарихи ислом” (“Исломнинг қисқача тарихи”) (1909) дарсликларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Б. ўз даврининг йирик ислом уламиси бўлиб, фикрча оид китоблар устида тинимсиз ишлагани боис унга муфтий унвони берилган. Б. умрининг охиригача Жомбойда муфтийлик қилган. Ҳамиша бидъатга қарши курашиб, динни тўғри тушуниш ва тарғиб қилишга даъват этган. Унинг умуман тарих, хусусан, ислом тарихи ҳақидаги асарлари диққатга сазовордир.

Б. 1917 й. октябрь тўнтаришини зўравонлик деб билиб, моддийчилик ва худосизликни шиор қилиб олган шўролар тузумини қоралаган. Шу боис шўро айбқочилари чақуви б-н Шаҳрисабзда ҳибсга олинди, 1919 й. қатл қилинган.

Б.нинг “Танланган асарлар” китоби мустақиллик йилларида 2 марта (Т., 1997; 1999) нашр этилган.

БИБИ МАРЯМ – қ. *Марям*.

БИБИ МУШКУЛКУШОД (форс. – мушкулни осон қиладиган аёл) – диний тасаввурларга кўра кишини қийинчиликлардан халос этадиган авлиё аёл образи. Б.М. ҳақидаги ривоятлардан бирида ўтин йиғиб юрган чол ўроғини йўқотиб қўяди ва уни қидириб Б.М. яшайдиган ғорга кириб қолади. Б.М. чолга агар у ҳар ҳафтанинг

чоршанбасида унга атаб зиёфат ўтказса, ўроғи топилишини ва ҳозиргисидан кўпроқ ўтин йиғиши мумкинлигини айтади. Чол бу талабни бажаради ва иши юришиб кетади. Чол эҳтиётсизлик қилиб бир сафар чоршанбани ўтказиб юборади ва яна оғир аҳволга тушиб қолади. Хатосини тузатгач, яна иши яхшиланиб кетади. Ривоятнинг мусулмонлаштирилган кўринишида Б.М. суфийлик тариқатларидан бирига асос солган Баҳовуддин Нақшбандийнинг холаси сифатида талқин қилинади. Асосан, диндор аёллар орасида кишининг мушкулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган ирим-сиримлар Б.М. ривоятига бориб тақалади.

БИБИ СЕШАНБА, С е ш а н б а о н а – диний-хурофий тасаввурларга кўра аёллар сиғинадиган авлиё. афсонавий шахс (она); чарх йигирувчи аёлларнинг хомийси, оила бахтининг ҳимоячиси. Қад. диний эътиқодларнинг исломга мослашиб сақланиб қолган кўринишларидан бири. Диндор аёллар Б.С.га сиғиниб, сешанба кунлари унинг шарафига зиёфат берадилар. Соддадил аёллар Б.С.дан муруват, мадад тилайдилар. “мушкуллари осон қилиш”ни илтижо қиладилар. Б.С.га сиғиниш, унга атаб маросимлар ўтказиш ҳоз. вақтда жуда кам учрайди ва ширк амаллардан саналади.

БИБЛИЯ (юн. *Biblia* – китоблар) – яҳудийлик ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисоалар мажмуаси. Б. икки асосий қисм – Қадимги аҳд ва Янги аҳдга бўлинади. “Аҳд” сўзи Худонинг инсонлар б-н махсус алоқасини ифодалайди. Қад. аҳд яҳудийликда ҳам, христианликда ҳам муқаддас саналадиган ва энг қад. даврларда яратилган диний адабиётлардан, Янги аҳд эса, фақат христианлар муқаддас деб биладиган, улар дини шаклланишига алоқадор диний асарлардан иборат. Мазкур динларнинг ақидаларига биноан, Б. – Худонинг каломи, барча инсонларга йўллаган, дунё ва одамзоднинг пайдо бўлиши ва “охират” сирини очиб берувчи муқаддас китобидир. Унинг асосий мавзуси – ягона ҳақ Худонинг фазилатлари ва инсоният б-н муносабати ҳақидадир. Б. мил. ав. 8-а. ва мил. 2-алар ораллигида оромий ҳамда юнон тилларида ёзилган. Б. матнлари тадқиқ этилганда шу

нарса тасдиқландики, улар қарийб минг йил давомида хилма-хил жойларда яратилган.

Б. энг қад. адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насиҳатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий дostonлар, хикоят, ривоят ва мактублардан иборат. Б.да, бир ёқдан, одамзоднинг гуноҳкор бўлиб, Худо томонидан рад этилиши, абадий ҳалокатга маҳкум қилиниши тўғрисида гап кетса, иккинчи ёқдан, Худо инсонни қутқариш учун қандай режалар тузгани ҳақида хикоя қилинади. Айниқса, одамларга нажот йўлини очган Исо Масих (ас) тўғрисида тўлақонли хабар берилади.

Жами қад. яҳуд тилида 66, лотин тилида 70 китоб (бўлим)ни ўз ичига олган Б. 13-ада кардинал Стефан Ленгтон томонидан ҳоз. кўринишга келтирилган, китобларни шеърларга бўлиш ва рақамлаштиришни парижлик матбаачи Робер Стефан (16-а.) амалга оширган.

Б. – дунёдаги 1-босма китоб (1452–55) бўлиб, жаҳон бўйича кенг тарқалган, асрлар мобайнида кўпгина халқларнинг ахлоқи, маънавияти, маданияти, адабиёти, мусиқа ва рангтасвир санъатига баракали таъсир кўрсатган. Б.нинг айрим қисмлари 1891. 1913 й.ларда Лейпциг ш.да араб имлосида, 1981. 1983, 1986, 1996 й.ларда Б.ни таржима қилиш ин-ти (Стокгольм) томонидан кирилл ёзувида ўзбек тилида чоп этилган.

БИДЪАТ (араб. – янгилик киритмок, янгитдан яратмок) – номаъқул янгилик; дин ақидаларига хилоф янгилик. Қуръон ва Суннатга хилоф равишда пайдо бўлган ҳар бир нарса Б.дир. Дастлаб халифа Усмондан норози одамлар, асосан, *шиалар* ва *хорижийлар* уни Муҳаммад (сав) сўзлари ва амалларига зид янгиликлар киритганликда, Б.да айблаганлар. Кейинрок ислом дунёсида диний-ғоявий ихтилофлар ва баҳслар авж олган пайтда Б. тушунчаси “нотўғри ёки хато тасаввур”, “янглиш фикр” деган маъноларни касб этди. Б.га нимани киритишнинг аниқ чегараси бўлмаган. Фақиҳлар Б.ни бир неча турга бўладилар: 1) Харом Б. – қадарийлар, жабарийлар, муржибийлар ва хорижийлар мазҳабларининг қилган Б.лари; 2) Мандуб Б. – мадрасалар ташкил этиш, таровиҳ намозини жамоат б-н ўқиш; 3) Макруҳ Б. – масжидларни безашга

ўхшаш ишлар; 4) Мубох Б. – намоздан кейин кўл олишиб кўришиш, таом ва либосда кенгликка йўл кўйиш; 5) Вожиб Б. – керакли илмларни ўрганишга ўхшаш ишлар. Баъзи уламоларнинг фикрича Б. асосан, уч турли бўлади: 1. Кофирликка олиб борадиган Б. Мас., ўликлардан, ғойиб кимсалардан ёрдам сўраш. 2. Харом бўлган Б. Мас., дуода ўликларни восита қилиш. 3. Макруҳ бўлган Б. Мас., жума намозидан кейин эҳтиёт юзасидан пешин намозини ўқиш. Муайян амал бир фикҳий мазҳаб вакиллари томонидан “ножойиз янгилик”, яъни ислом аҳкомларига хилоф иш деб баҳоланса, бошқа мазҳаб тарафдорлари уни Қуръон ва суннатга мувофиқ келадиган “ҳақ йўл” деб билганлар. Бу хишга баҳслар ҳамон учраб туради. Айтайлик, Имом Аъзам мазҳабига кўра, ота-боболар мазорларини зиёрат қилиш, оламдан ўтган аждодлар руҳи покларига дуои фотиҳа савоб иш саналади ва шунга риоя қилиб келинади. Аммо *ҳанбалийлик* мазҳабининг *ваҳобийлик* оқими вакиллари буларни Б. деб ҳисоблайдилар. Шундан фойдаланиб одамларни йўлдан урмоқчи, жамиятда беқарорлик вужудга келтирмоқчи бўладилар. Б. бемаъни гап, сафсата маъноларини ҳам англаган. Адабиётда Б. – хурофот, уйдирма маъноларида кенг ишлатилади.

БИЛОЛ, тўлик исми Абу Абдулло Билол ибн Рабоҳ ал-Ҳабаший (? – 641) – ислом тарихидаги биринчи *муаззин*. Баланд, ширали, таъсирли овозга эга бўлган. Асли ҳабашистонлик. Маккада исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган қуллардан. Хожаси Умайя ибн Ҳалаф исломдан воз кечишни талаб этиб, Б.га тоқат қилиб бўлмас азобларни берган. *Абу Бакр Сиддиқ* (ра) Б.ни Умайядан сотиб олиб, озодликка чиқарган. Пайғамбар (сав) б-н Мадинага ҳижрат қилган. 622 й. Мадинада оммавий азон айтиш жорий этилганда у биринчи бўлиб баланд овози б-н мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммад (сав)га муаззинлик қилган. Пайғамбар (сав) вафотидан сўнг Шомда яшаган ва ҳазрат *Ҳусайн* илтимосига кўра Мадинага келганида бир бор бомдод намози азонини айтган, деган ривоят бор. Қабри Дамашқ ш.да.

БИЛҚИС – мусулмончилик ривоятларида ва Қуръонда тилга олинган Сабо юртининг подшоҳи (маликаси). Инжилда Савро подшоҳи

сифатида тилга олинади. Қуръонда *Сулаймон* пайғамбарнинг улугворлигини таърифловчи хикоялардан бирида келтирилишича, ҳудхуд куши подшога Сабо мамлакатига боргани ва у ерда “ҳамма нарса ато этилган” хотин хукмронлик қилаётгани, аммо бутун халқ б-н шайтонга алданиб, Аллоҳга эмас, Куёшга синаётганини айтади. Сулаймон шу қуш орқали маликага мактуб йўллаб, унга бўйсуннишни буюради. Б. ўз яқинлари б-н маслаҳатлашиб, Сулаймонга катта ҳадылар юборади. Аммо Сулаймон маликанинг элчилари олдида бу ҳадылардан жирканишини айтиб, Сабо юртига кўшин тортишини эълон қилади. Сўнгра, матнда айтилишича, малика Сулаймон хузурига ўзи келади. Сулаймон хизматида бўлган сеҳргар ва жинлар кўз очиб-юмгунча, маликанинг тахтини унинг олдига олиб келишади. Маликани саройга киритишганида, сарой сатҳини “сув тўлқинлари сифатида кўради ва оёқларини тўнигигача очади”. Саройнинг қадам босиладиган қисми шаффоф биллурлардан иборатлигини кўради. Аллоҳ ҳамма ишда ёрлакаган Сулаймоннинг бундай улугворлиги далилларига шохид бўлган малика, ўзининг гумроҳлигини тан олади ва Аллоҳга имон келтиради (Қуръон, “Намл” сураси, 22–45-оятлар).

БИСМИЛЛОҲ, Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим (араб. – “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи б-н”) – исломда кўп тилга олинган, ҳар бир ниёт, ибодат ва амалий ҳаракат олдида айтиладиган оят. Б. Қуръонда 114 сурадан 113 тасининг бошланишида ишлатилган (фақат 9-сурада йўқ). Бу оят худо бандаларига раҳмли (раҳим), меҳрибон (раҳмон), мусулмоннинг ҳар бир ҳаракати Аллоҳ номи б-н бошланиши лозимлигини билдиради. Пайғамбар (сав) ўз ҳадисларидан бирида: “Эътиборли ҳар бир иш “Бисмиллоҳ” б-н бошланмас экан, унинг охири кесикдир” деганлар. Яъни унинг баракаси бўлмайди, охирига етмайди, деганидир. Қуръон тиловатида Б. олдида “Аъзу биллоҳи минашшайтонир ражим” (“Шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилайман”) ҳам кўшиб айтилади. Буни ҳар қандай иш ва хатти-ҳаракат олдида шайтонни ҳайдаш ва унинг васвасасидан холи бўлиш мазмунида ҳам талқин этадилар. Б. мактублар, расмий

хужжатлар, диний асарлар бошида ҳам ёзилади. Диний манбаларда “басмала” номи б-н ҳам юритилади.

БИСТОМИЙ, Боязид Тайфур ибн Исо Бистомий (? – 875) – форс тасаввуф оқимининг асосчиларидан бири. Тайфурия суфийлик тарикатининг пири. Унинг бобоси исломни қабул қилган зардуштийлардан бўлган, бутун умрини, асосан, Бистомда ўтказган. Вафотидан кейин уни “Султон ал-орифин” лақаби б-н атай бошладилар.

Б. таълимотига кўра, инсон зикр ҳолатида ўзлигини унутади (ғалаба) ва худо ишқидан маст бўлиб (сукр) бутун вужудини ҳис-туйғу қамраб олади, пировардида у худога сингиб кетади. Бундай ҳолатни у фано (мавжудликни йўқотиш) деб атади ва мусулмон тарки дунёчилигининг муҳим аҳамиятли ҳолати бўлган “сен мендирсан, мен эса сендирман” иборасининг таърифини берди. Бунинг маъноси шуки, гўё шахс ўзлигини тарк этиб, илоҳийликка сингиб кетади ва унинг сифатларини қабул қилади. Бундай ҳулоса анъанавий ислом тарафдорларининг ашаддий қаршилигига учради ва Б.ни “хулул” (худолик даъвосини қилиш)да айбладилар. Б. тасаввуфнинг айрим тушунчаларини ишлаб чиққан бўлса ҳам, ўзининг бир бутун илоҳий тизимдаги таълимотини яратмади. У назарияда илоҳий (лохут) ва инсоний (носут) руҳни бири-бирига бириктиришга ҳаракат қилди, яъни маънавий ва моддий ибтидонни бири-бирига қўшишга интилди. Б. ўзидан асар қолдирмаган. Унинг ибратли гаплари, насиҳатларини мулозимлари ёзиб олишган. Айрим тасаввуф кишилари Б. обрўидан фойдаланиб ўзларининг шариятга унчалик тўғри келмайдиган фикрларини ҳам Б. фикри деб кўрсатишга уринган.

БОБ (тахаллуси; асл исми Сайид Али Муҳаммад Шерозий) (1819 – 1850) – *бобийлик* асосчиси, бобийлар кўзғолони раҳбари. Сайид Али Муҳаммад 1844 й.да ўзини Б. (араб тилидаги “эшик”, “дарвоза” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ҳақиқат ва адолат йўлига олиб борувчи эшик” деган маънода талқин қилинган) деб атади. *Маҳдий*нинг хоҳиш-иродаси, йўл-йўриқлари халққа “мен орқали боради”, деб эълон қилди. У халоскор – Маҳдийнинг келиши яқинлашганлиги ғоясини тарғиб қилди. Б. “Баён” китобида ўзини

Муҳаммад (сав) ўрнига келган пайғамбар, ўз китобини эса, Қуръон ва шариат асосининг ўрнини олиши керак, деб эълон қилган. Б. 1847 й.да қамокқа олинди, у ерда “Баён” (арабча – тушунтириш, ёритиб бериш, таърифлаш) асарини ёзди. “Баён”да бобийлар ҳаракатининг асослари ёритилган. Б. бобийлар кўзғолони вақтида Эрон шоҳи фармони б-н қатл этилган.

БОБИЙЛИК – 19-а.нинг 40–50-й.ларида Эронда *шиалик* ичида вужудга келган диний ҳаракат. Асосчиси – Мирзо Али Муҳаммад Шерозий Боб лақаби б-н танилган (1849 й.в.э.) бўлиб, вафотидан кейин Баҳоулло лақабли Мирзо Хусайн Али ҳаракатга раҳбарлик қилган. Шундан кейинроқ бу ҳаракат *баҳоийлик* деб номланди. Бобийлар (баҳоийлар) ақидасини қуйидагилар ташкил қилади: улар эътиқод қилишларича, Боб бутун борлиқни яратган. Таносух (руҳнинг бир жисмдан бошқасига кўчиб юриши) Б. ақидасининг асосини ташкил қилади. 19-ракамни муқаддас билиб ойлари ва ойлардаги кунларни 19 тадан деб бўлган. Шунингдек, Б. ақидасида Будда, Конфуций, Брахма ва Зардуштни пайғамбар деб эътиқод қилиш буюрилади. Исо Масихни хочга миҳланган деб ишонадилар. Жаннат, дўзах, фаришталар, жинларни ва пайғамбарлар мўъжизасини инкор қиладилар. Аёллар сатри авратда ҳижоб б-н юришини ҳаром дейдилар. Бойлар, шоҳ зулмига қарши қаратилган йирик халқ кўзғолонлари Б. байроғи остида кўтарилган. Бобийлар шахсни ҳимоя қилиш, камбағаллардан олинадиган солиқларни бекор қилиш, йирик ер эгаларининг хусусий мулкини тугатиш, барча мол-мулкни тенг тақсимлашни талаб қилдилар. Мавжуд дин ва давлат тизимини ағдариб ташлашни тарғиб этди. Бобийлар таъқиб этилди, уларнинг кўзғолонлари шафқатсиз бостирилди. Қутулиб қолганлари яширинди ёки мамлакатни тарк этишди. Б. тарафдорлари Эронда, оз микдорда Ироқ, Сурия ва Исроилда мавжуд.

БОБО ДЕҲҚОН – 1) Марказий Осиё халқларининг мифологиясида деҳқончилик ҳомийси. Исломдан олдин вужудга келган тимсол. Мифларда Б.Д. одамлар учун турли нарсалар – олов, ўсимликлар, меҳнат қуролларини топиб берадиган ёки дастлаб уларни яратган, уларга ов қилиш, хунар ва

санъатни ўргатадиган, улар орасида ижтимоий тартиб, никоҳ қоидалари, сеҳргарлик, урф-одат ва байрамларни жорий этадиган афсонавий шахс, бақувват кекса деҳқон сифатида талқин этилган. Афсоналарда айтилишича, Б.Д. биринчи бўлиб омов ва суғориш ариқларини ихтиро қилган. Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши натижасида Б.Д. образи унинг манфаатларига мослаштирилган, баъзан Б.Д.ни Одамато ва Хизр образлари б-н айнанлаштирилган. Ер ҳайдаш, экин экиш, ҳосилни йиғиб олиш ва шунга ўхшаш деҳқончилик ишлари Б.Д. номи б-н бошланган. Ҳосилни йиғиб олиш муносабати б-н Б.Д.га атаб махсус хирмон тўйи ўтказилган, ҳар хил таомлар тайёрланган, уларда муллалар, қорилар Б.Д. шарафига дуолар ўқиган. Ўзбек ва тожикларда ер ҳайдашни ва экишни биринчи бошлаб берган деҳқон Б.Д.нинг тимсоли деб қаралган; 2) деҳқончилик ишида катта тажрибага эга бўлган одам, обрўли деҳқон.

БОЙКАНДИЙ, Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ал-Бойкандий (923–1014) – муҳаддис. Пойкенд (Бойкенд) ш.да туғилган. Ирок, Сурия ва Миср шаҳарлари бўйлаб кўп саёҳатлар қилган ва кўплаб ҳадислар тўплаган. Ватанига қайтиб келгач, ҳар ҳафтада биттадан ҳадис тўплами ёзиб, жума кунлари уни Бухорога олиб борган ва шаҳар жоме масжидида уни жума намозига келган халқ ўртасида ўқиб берган. Б. жами 400 дан ортик катта ва кичик асарлар ёзган.

БОМДОД (форс.), с а л о т а л - ф а ж р , с а л о т а с - с у б ҳ – беш маҳал ўқиладиган намознинг бири. 2 ракаат суннат, 2 ракаат фарз ўқилади. Б. намози тонг ёришгани(субх)дан бошлаб то кун чиққунга қадар адо этилади (яна қ. *Намоз*).

БОТИНИЙЛАР (араб. ботин – ичкари, яширин, сирли) – 1) исломдаги мафкуравий оқимлардан бирининг тарафдорлари. 8-а.да вужудга келган. Бу оқим тарафдорлари Куръон оятлари ва ҳадисларни зоҳирий ва луғавий талқин этишга қарши чиққан. Уларнинг иддаоларича, оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини эмас, балки яширин мазмунларини олиш зарур. Бу ақида б-н улар ислом шариатига қарши чиққан бўлдилар. Зеро, шариат ҳукми бўйича оят, ҳадис ва б. барча манбаларнинг иборалари, у қайси тилда

бўлмасин, зоҳирий, луғавий ва истилоҳий маъноларига асосланган ҳолда талқин этилади. Баъзи фасоҳат, киноя, танбех, истиора, ишора каби сўз ўйинлари, “муташибих” оятлар ва тасаввуфий талқинлар бундан мустаснодир. Исломнинг “*Аҳли сунна вал жамоа*” ақидасига биноан, Б. шариатга хилоф эътиқодда бўлгани учун динсизлар қаторида саналган. 2) Тасаввуфда зоҳирдан кўра ботин ислоҳига кўпроқ эътиборни қаратувчи кишилар (яна қ. *Зоҳирийлар*).

БОҚИЛЛОНИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ат-Таййиб ал-Боқиллоний (? – 1013) – каломнинг йирик вакили, Басрада туғилган. Асосан, Бағдодда яшаб, шу ерда вафот этган. Фикҳ масалаларида *моликийлик* мазҳабига суянган. Б. 52 асар ёзган бўлиб, бизгача 6 таси етиб келган. Илоҳий сифатлар ва илоҳий моҳият ҳақидаги муътазиллийлар оқимига мансуб Абу Хошим ал-Жуббойи ишлаб чиққан ғояга қўшилди. Бир неча муътазиллийларнинг бу масалага доир ғояларини ривожлантириб, Худонинг сифатлари ҳақида фикр юритди.

Ирода эркинлиги муаммосини ҳам Б. юқоридаги фикрга мувофиқ равишда ҳал қилди: Худо фақат “борлик” ва “асос”ни яратгани, инсон эса, борликни шакллантириб, амалиётни муайян йўсинга солишини уқирди. У имомат масаласида шиалар ва рофизийлар б-н баҳсга киришиб, имом ёки халифа лавозими меросий эмас, балки улар сайланиши зарур, деб ҳисоблади. Аммо бу лавозимга сайланадиган киши Алининг авлодларидан бўлиши шарт бўлмаса ҳам, қурайшийлардан бўлиши лозим. Агар имом ўзига тонширилган вазифани уйдалай олмаса вазифасидан тушириш зарур.

БУВАЙҲИЙЛАР – Ғарбий Эрон ва Ироқда ҳукмронлик қилган сулола (932–1055). Асосчилари – ака-ука Аҳмад, Ҳасан ва Али. Уларнинг отаси Бувайҳ (сулола номи шунинг исмидан олинган) Эрон подшохи Баҳром Гур наслидан бўлиб, Дайлам (Гилон вилоятининг тоғлик қисми)дан жангари қавмлар сардори эди. Шу боисдан мазкур сулола вакиллари “дайламийлар” деб ҳам аталган. Бувайҳ 930 й. сомонийлардан ажраб чиқиб, зиёрийларга қўшилган. Зиёрийлар ҳукмдори Мардовиж (928–935) Бувайҳнинг ўғилларидан Алини Караж ш.га волий, Аҳмад ва Ҳасанни эса,

йирик ҳарбий қисмларга бошлиқ қилиб тайинлаган. Сўнг, Б. 932–945 й.ларда Арражон, Нубинжон, Исфаҳон, Ҳамадон, Рай, Кирмон, Аҳвоз, Шероз ш.ларини босиб олганлар. Шунда Бағдод халифаси Ал-Мустакфий Биллох (Абдуллох) (944–946) ака-ука Б.ни ўзлари истило қилган вилоятларга ноиб этиб тайинлашга мажбур бўлиб, Алига “Имодуддавла” (“Давлат таянчи”), Ҳасанга “Рукнуддавла” (“Давлат устун”) ва Аҳмадга “Муъиззуддавла” (“Давлат қудрати”) деган фахрий унвон берган. Кейин, Б. 945 й. Бағдодни ҳам босиб олиб, *аббосийлар* халифалигининг сиёсий мавжудлигига чек қўйганларда, амалда давлатни ўзлари бошқара бошлаганлар. 10-а.нинг 2-ярмида Б. қад. Эрон ҳукмдорларининг “шаҳаншоҳ” деган унвонини қабул қилганлар. Б.нинг энг машҳур вакили – Адудуддавла (949–983) мамлакатдаги барча улусларни бирлаштиришга муваффақ бўлган. Унинг даврида сугориш тармоқлари кенгайтирилган, Шероз, Бағдод ва б. ш.ларда катта қурилиш ишлари олиб борилган, иктоъ ерлари кўпайтирилган, илм-фан ва санъат бирмунча тараққий этган. Адудуддавла вафотидан сўнг мамлакатда бошлаган тахт учун кураш оқибатида Б. заифлашиб қолиб, мамлакат ерларининг шарқий қисми Маҳмуд Ҳазнавий томонидан ишғол этилган (1029 й.). Салжуқийларнинг 1055 й. қилган босқини эса, Б. сулоласи ҳукмронлигини бутунлай тугатган.

БУДДИЗМ (Будда номидан олинган), Б у д д а в и й л и к – жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири (христианлик ва ислом дини б-н бирга). Мил. ав. 6–5-а.ларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Марказий Осиё, Жан.-шарқий Осиё мамлакатларида ва Узоқ Шарқда тарқалган. Ҳоз. кунда Б. Шри-Ланка, Мьянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий динидир. Б. муайян тарихий даврларда Хитой, Ҳиндистон, Корея ва Индонезияда, деярли бутун Осиё халқлари, яъни жаҳоннинг салкам 2/3 қисми аҳолиси маънавий кадриятларига жуда катта таъсир кўрсатган. Ривоятларга кўра, Б. га Сиддхартха Гаутама (Будда) асос солган. Б. да 2 асосий йўналиш мавжуд: хинаяна ва махаяна. Кейингиси жуда кўп секта ва оқимларга бўлинади. Бошқа динлардан фарқли равишда Б.да ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ ҳатто худо ҳам

ўзгарувчан, деб уқтирилади. Фақат он ёки лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин беради. Б. таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Зеро у, гарчанд бефойда бўлса-да, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан қутулиш учун кўнгили хуш кўрган барча нарсалардан ўзини тийиши даркор. Мунтазам равишда ёлғондан, ўғрилиқдан, бошқага зарар етказишдан, зинодан ўзини тийиш ҳамда медитация (онгни олий ҳақиқатга етишишга қаратиш) “бодхи”, яъни “хотиржамлик”ка ва охир-оқибатда нирванага (азоб-уқубатнинг тугашига) олиб келади. Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас, бир неча ҳаётни тақозо этиши мумкин. Б. заминида 3 нарса – Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод ётади. Будда (Сиддхартха Гаутама) олий ҳақиқатга етишишнинг ёрқин тимсоли. Дхарма – Гаутама қолдирган таълимот. Бу таълимотнинг энг қисқа баёни “тўрт олий ҳақиқат”дан иборат: 1) азоб-уқубат мавжуд; 2) азоб-уқубатнинг сабаби (истак) мавжуд; 3) азоб-уқубатнинг тугаши (нирвана) мавжуд; 4) азоб-уқубатнинг тугашига олиб келувчи саккиз босқичли йўл мавжуд. Сангха – Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси. Тор маънода бу – ўтган асрларда “олий ҳақиқат”га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангха жамоасига қабул этилган шахс қуйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади: 1) ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; 2) ёлғон сўзламаслик; 3) ўғрилиқ қилмаслик; 4) жинсий алоқага кирмаслик; 5) маст қилувчи ичимлик ичмаслик; 6) куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқат тановул қилмаслик; 7) уч кийимдан ортик ҳеч нарса б-н танани безамаслик; 8) оммавий кўнгили-хушлиқларда иштирок этмаслик ва томошабин сифатида қатнашмаслик; 9) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; 10) пул ишлатмаслик. Роҳиблар жамоаси асосан тхеравада Б.га хосдир. Махаянада “ҳақиқат йўли” ҳар ким учун очик: роҳибларга ҳам, дунёвий кишилар (яъни оддий қавм)га ҳам; Буддага эътиқод қилинса, бас. Кенгроқ қараганда, Сангха – муқаддаслик ва қудрат хазинаси. Қисқаси, Б. – Буддага эргашиб, Дхарма талабларини

бажариш ва Сангха жамоасининг аъзоси бўлиб қолишдир.

Б. тарихи 2500 йдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Унга дастлаб брахманизм ва жайнизмнинг таъсири кучли бўлган. Император Ашока (мил. ав. 3-а.) даврида Б. кучли мустақил дин сифатида шаклланди. 9-а. муваффақиятли фаолият кўрсатган Б. Ҳиндистонда инқирозга юз туга бошлади ва пировардида бу ерда унинг ўрнини ҳиндуизм тўлиқ эгаллади. Аммо Б. Шри-Ланка, Жан.-шарқий Осиё ва Марказий Осиё орқали Хитой, Корея, Япония ва Тибетга ёйилиб улгурган эди. Шри-Ланка ва Жан.-шарқий Осиёнинг материк қисмида тхеравада Б. (қад. анъаналарга содиқлик), Хитой, Корея, Япония ва Тибетда эса, махаяна (янгича ёндашувлар) тарқалди. 15-а.да Осиё қитъасида пайдо бўлган европалар Б. б-н танишдилар. Уларнинг баъзилари Б.га киргач, Англия, Германия, АҚШда ўз жамоаларини ташкил этдилар. Хитойлик ва япониялик мухожирлар бу эътиқодни Гавайя ороллари ва АҚШнинг ғарбий соҳилларига олиб келдилар. Ҳоз. пайтда АҚШга кўплаб япон ва тибет роҳиблари ҳамда олимларининг кириб келиши натижасида мамлакат бўйлаб йирик Б. жамоалари ташкил топди. Б. нинг бир неча халқаро ташкилотлари ҳам мавжуд.

Б.да кундалик, даврий, махсус ва байрам маросимлари адо этилади. Монастир, бутхона ва хонадонларда эрталабки ва кечки ибодатлар уюштирилади. Одатда 12—13 ёшли ўспирин 20 ёшгача, яъни балоғатга етгунга қадар монастирда роҳибликни ўтайди, лекин тахм. уларнинг учдан бир қисми умрбод шу мақомда қолади. Оддий қавм ёки дунёвий кишиларнинг энг асосий кундалик вазифаси – роҳибларни овқат б-н таъминлашдир. Бу б-н улар хайрли хизмат қилган бўладилар.

20-а.да жаҳон бўйлаб дунёвий кишиларни ушбу динга жалб этиш одат тусига кирди. Ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам Б. дунёвий шаклда қайта тикланмоқда. Японияда дунёвий кишилар “синсюко” (янги динлар) деб аталган оқимларни (Россияда катта шов-шувга сабаб бўлган “Аум синрикё” шулардан) ташкил этмоқдалар. Америкадаги “янги буддизм” жамоалари, асосан, дунёвий кишилардан таркиб топган.

Ўзбекистонда битта Б. жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатади.

БУРАЙДА ибн ал-ҲУСАЙБ, тўлиқ исми Абу Саҳл Бурайда ибн ал-Ҳусайб ибн Абдулло ал-Асламий (? – 684) – саҳоба. Муҳаммад (сав) Мадинага ҳижрат қилиб кетаётиб, тўхтаган вақтларида у ва унинг қишлоғи аҳолиси (тахм. 80 хонадон) исломга кирган. *Уҳуд жангидан* сўнг Бурайда Мадинага келиб, кўплаб газотларда қатнашган. Мадина, Басра ш.лари сўнгра Хуросонда яшаган. Марв ш. яқинидаги қишлоқлардан бирида вафот этган. **БУРДА** (араб. ёпинғич, хирка) — *Муҳаммад* (сав)нинг хирқалари. Ривоятга кўра, Аллоҳ расулини шарафлаб шоир Каъб ибн Зуҳайр (661 й. в. э.) “Бонат Суод” қасидасини битган ва уни Пайғамбар (сав) ҳузурига келиб ўқиб берган. Бундан хушланган Муҳаммад (сав) хиркаи шарифларини шоирга ҳадя этганлар. Шоирнинг ўғлидан халифа *Муовия* сотиб олган Б. кейин аббосийларга ўтган ва ислом динининг энг кадрли ёдгорликларидан бири бўлиб қолган. Бошқа бир шоир – Муҳаммад ибн Саид ал-Бусирий (1212–1294) ҳам ўз асарини “Қасидаи бурда” деб номлаган. Бу қасида муаллифига Муҳаммад (сав) ўз хирқаларини унинг тушида ҳадя этган. Бу қасидани дуохонлар ёдлаб хасталарга дам солиши одат тусига кирган. Қасидахонга ихлос қўйиш мусулмонлар ўртасида анъанага айланган. Ҳар иккала қасида мусулмонлар орасида ҳамон машҳурдир.

БУРОҚ (араб. “ярқирок”, “барк” сўзидан) – ислом ривоятларида жуда тез чопадиган ва учадиган отсимон махлуқнинг номи. Куръони Каримда зикр қилинишича (17:1), Муҳаммад (сав) уни миниб Макка ш.дан “тунги сайр”да дастлаб Қуддусга, сўнгра меърожга чиққанлар. Ривоят қилишларича, Б. Муҳаммад (сав)ни *Каъба* олдига келиб кутиб турган, аввалига у саркашлик қилган, ҳазрат Жаброил мажбур этгандан сўнг бўйсунган. Б. бошқа пайғамбарлар, чунончи Иброҳим (ас) ва Довуд(ас) га ҳам хизмат қилган, дейдилар. Б. гоҳ от, гоҳо ҳачир шаклида ифодаланган, оқ рангли, бўйни чўзиқ, қулоқлари узун, оёқларида қаноти бўлган, деб таърифланган. **БУРҲОНИДДИН БУҲОРИЙ**, тўлиқ номи Маҳмуд ибн Садрус Саид Тожуддин Аҳмад ибн Садрулқабир Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар ибн Моза (16-а.) – бухоролик факих. Илми ўз даврининг “судурул уламо”си (уламолар пешқадами) ҳисобланган ота-

боболаридан олган. Б.Б. “Мухитул Бурхоний” (“Хужжатли мухит”), “Захира”(“Тўпланма”), “Тажрид” (“Ажратиш”), “Татимматул фатаво” (“Фатволарни тўлдириш”), “Тариқатул Бурхония”(“Хужжатлаш йўли”) каби китоблар, кўпгина асарларга шарҳлар ёзган. У ўз асарларида фикҳнинг муаммоли масалаларини ҳал қилиб бериш б-н ислом ҳуқуқи турли тармоқлари ривожига ҳисса қўшган. Чунончи, 62 та мустақил китобни ўзида жамлаган “Мухитул Бурхоний”да ибодат ва муомалот масалалари алоҳида-алоҳида ёритилган, вақф, закот ва ҳ.к. бўйича мукамал кўрсатмалар бор. Бу китоб Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ (тўлик исми – Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абду-л-Жалил ал-Фаргоний ал-Риштоний ал-Марғиноний) (1123. 23. 9, Марғилон – 1197. 29. 10, Самарқанд) – фикҳ олими, ислом ҳуқуқшуноси, имом. Даставвал отаси Абу Бакр ибн Абдулжалил, имом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад Асбижобий қўлида таҳсил кўрди. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида исломий таълим олиб, ханафий мазҳабининг буюк фақиҳи сифатида ном қозонди. Шариат илмини муфтий Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Хусомиддин Умар ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Маоз, ас-Сарахсий Абу Умар Усмон ибн Али Пойкандий, Тожиддин Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Банандинжий, Аҳмад ибн Абу Рашид ал-Бухорий каби машҳур фақиҳлардан, ҳадис илмини Абу Исо ат-Термизий Зиё-уд-дин Абу Муҳаммад Сайъид ибн Асъад, ал Ҳасан ибн ал-Марғиноний сингари алломалардан ўрганди. Б. М. фикҳ бўйича асосий асари (“Фикҳ ўрганишни бошловчилар учун қўлланма”)ни ханафийлик назариётчиси, шариат асосчиларидан Абул Ҳасан ал-Кудурий (1029 й. в. э.) ва Муҳаммад аш-Шайбоний (884 й. в. э.) асарларига таяниб ёзган. Б. М.нинг “Бидоёт-ал-мубтадий” (“Қонунни ўрганишга кириш”) китоби назарий, асар эди. Ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабли Б. М.нинг ўзи 8 жилдли шарҳ – “Кифоят ул-Мунтаҳий” (“Якунловчилар учун тугал таълимот”)ни ёзишга қарор қилган.

Кейинчалик бу китоби асосида “Китоб ал-Хидоя” (“Хидоя”)ни яратди (1178 й.). Мазкур китоб нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун ислом Шарқида бир неча тилларга таржима этилиб, маълум ва машҳур бўлиб кетди. Ундан асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича қўлланма сифатида фойдаланилган (қ. “Хидоя”).

Б. М. яна бир қанча асарлар ёзган: “Нашр ал-мазҳаб” (“Мазҳабнинг тарқалиши”), “Китоб-ат-тажнис вал-Мазид” (“Фуқаролик ҳуқуқини тақдим этиш”), “Китоб ул-фароиз” (“Мерос ҳақида китоб”), “Мазид фи-фуруъ-ул-ҳанафий” (“Ҳанафий мазҳабига қўшимчалар”) ва б. У ўз асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик турли шакллари (давлат ва хусусий мулкчилик), молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асосларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жиноий ишни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди.

Б. М.нинг илмий мероси ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги фани Б. М.нинг фикҳ таълимоти асосида ўрганилади. 1997 й. дек.да Ўзбекистонда Б. М. вафотининг 800 й.лиги нишонланди.

Б. М. Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн этилган.

БУРҲОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ, Сайид Хусайн Бурхониддин Муҳакқик (?–1240 ёки 1275/76) – тадқиқотчи олим (Муҳакқик лақаби шундан), шайх. Баҳо Валад (1231 й.в.э.) деган донишмандга шогирд тушган ва даврининг энг юксак – Сайиди сирдон (ҳамма сирлардан воқиф) унвонига сазовор бўлган. Умрининг сўнгги йилларида Туркиянинг Кўнийе ш.га келиб, Жалолиддин Румий макбараси хонақоҳида шайхлик қилган ва шу шаҳарда (бошқа манбаларга кўра Қайсарияда) вафот этган. Б.Т.нинг “Маориф” асари бизгача етиб келган. Унда фалсафа, қонуншунослик, тафсир, ҳадис илми б-н боғлиқ масалалар, ислом мазҳаблари ёритилган. Бу асар 1920 й. Техронда босилиб чиққан.

БУРҲОНИДДИН ҚИЛИЧ (11-а.) – ўрта осийлик шайх, сайид. Ўзганда тугилган. Қорахонийлардан Буғрохон Абу Али ал-Ҳасан ибн Сулаймон (1059–75) га замондош бўлган.

Фарғона водийси, Қашқар, Самарқанд ва Бадахшонда қатта обрў-эътибор қозонган. Унга “Қилич” деб берилган тахаллус ҳақидаги ривоятда айтилишича, Бурҳониддин болалик чоғларида ўз тенгдошлари б-н ўйнаб юриб, ёғочдан ўйинчоқ қилич ясаган ва кунлардан бир куни мана шу ёғоч қилич б-н қўшнисининг ўғлини қоқ икки нимта қилиб чопиб ташлаган. Унинг устидан шикоят қилишгач, Бурҳониддин подшоҳ хузурига чақиртирилган. Бу ерда у подшоҳнинг фармониغا кўра ўзининг ёғоч қиличи б-н буқани иккига бўлиб ташлаган. Бундай кучкуват мўъжиза деб эътироф этилиб, подшоҳ боладан ўлдирилган қўшни боласи учун хун олмай қўйиб юборган.

БУТ (форс.), с а н а м (араб.), бутпарастлик – худони тасвирлайдиган ва унинг тимсоли деб сиғиниладиган моддий буюм (кўпинча худоларнинг тош, ёғоч, сопол ва б. нарсалардан ясалган ҳайкалчалари, расмлари, тасвирлари ва б.). Ислом дини шаклланишидан олдин Арабистон я.о.даги қабилаларда бутпарастлик расм бўлган, яъни ҳар бир қабила ўз худосига, уни ифодаловчи Б.га топинган. Бундай Б.лар Маккадаги диний ибодатхона – Каъбада 300 дан ортиқ эди. Ислом дини шаклланиб, яқка худога сиғиниш пайдо бўлгандан сўнг Б.лар Каъбадан чиқариб ташланди. Христианлик, буддизм каби динларда ҳам Б. (мас., христианликда икона, крест(хоч)га, буддизмда кичкина ҳайкалчаларга сиғиниш) сақланиб қолган. Кўпхудоликка эътиқод қиладиган қабилаларда, хусусан, Африкадаги айрим қабилаларда Б.га сиғиниш ҳали ҳам бор.

БУХОРИЙ, И м о м а л-Б у х о р и й (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810.21.7, Бухоро — 870.31.9, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг султони деб ҳам юритилади.

Отаси Исмоил ўз даврининг етук муҳаддисларидан, имом Молик ибн Анасининг шогирд ва асҳобларидан бири бўлиб, тижорат ишлари б-н шуғулланган. Онаси такводор, диёнатли, оқила аёл эди. Отаси вафот этгач, унинг тарбияси волидаси зиммасига тушган. У 5–6 ёшдан исломий илмларни, Муҳаммад (сав)нинг ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга

киришади. Таникли муҳаддислар–ал-Доҳиллий, Муҳаммад ибн Салом ал-Бейкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал Бейкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ва б. дан сабоқ олган. Азалдан муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Б. 16 ёшга етгунча, ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олиб, халифаликнинг турли вилоятлари томон йўл олади. 825 й. Б. онаси ва акаси Аҳмад б-н Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 й. Мадинага боради. Мадинадаги машҳур уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза ва б. б-н мулоқотда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича сабоқ олади. Бу вақтда Расулуллоҳнинг саҳобалари, саҳобаларнинг издошлари турли мамлакатга тарқаб кетган эдилар. Шундай шароитда Муҳаммад(ас)нинг ҳадисларини тўплаш турли шаҳар ва мамлакатларга боришни тақозо қилар эди. Бир неча тарихчиларнинг таъкидлашича, Б. Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган рихлати 6 й. давом этган. Сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади. Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. Ул зотнинг бу саъйу кушишлари бу вақтда Бухорода ҳукмдорлик қилган Халид ибн Аҳмад аз-Зухлийга хуш келмайди. Шу сабабли Б. Бухорони тарк этиб, Пойкентга, кейин эса, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади. Б. бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Тижорат қилганда топган ойлик даромадидан беш юз дирҳамдан фақиру мискин ва талабаларга сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган.

Б. умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш б-н шуғулланган, уларни саҳих (тўғри, ишончли) ва гайри саҳих (хағо, заиф)га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг

маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, тугилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари б-н қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш б-н боғлиқ ҳолда олиб борган. Б. жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисни ёддан билган. Б. ўзининг ноёб қобилияти, иктидори, қувваи-хофизасининг ўта кучлилиги б-н илм ахлларини лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Б. га шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди.


Б. 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Б.нинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) деб номланган 4 жилд (жузъ)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991–96 й.ларда 4 жилдда нашр этилди (яна қ. “Саҳиҳи Бухорий”).


Б. яратган “Ал-Адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”) асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. 1322 ҳадис ва хабар жамланган бу асар Туркия ва Мисрда бир неча марта чоп этилган. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 й. Тошкентда нашр қилинган. Ровийларнинг қунияларига бағишланган “Китоб ал-қуния” (“Қуниялар ҳақида китоб”) 1940 й. Ҳиндистонда чоп этилган. Б.нинг “Ат-Тарих ал-кабийр” (“Катта тарих”) китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинган. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Шунингдек, “Ат-тарих ас-сағийр” (“Кичик тарих”) ҳам ҳадис тарихига оид қимматли асар ҳисобланади. У Ҳиндистон ва Қоҳирада чоп этилган. Б. яратган “Китоб ал-

фавоид” (“Фойдали ашёлар ҳақида китоб”), “Ал-Жомеъ ал-кабийр” (“Катта тўплам”), “Халқ афъол ал-ибод” (“Аллоҳ бандалари ишларининг табиати”), “Ал-Муснад ал-кабийр” (“Катта муснад”), “Ат-тафсир ал-кабийр” (“Катта тафсир”), “Китоб ал-хиба” (“Ҳайр-эҳсон ҳақида китоб”) ва б. асарларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Б.нинг бошқа асарлари орасида “Тафсир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсири”) китобини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Б. асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилфунунларида пайғамбар (ас) суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Давлат ва жамоат арбоблари, олиму уламолар ва дин пешволари Б. асарларига таяниб иш тутадилар. Истиклол шарофати б-н азалий ва адабий қадриятларимиз қатори Б.нинг ўлмас мероси эл-юрти бағрига қайтди, халқимиз онгу тафаккурини равшан эта бошлади.

ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг “Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 (хижрий ҳисобда) йиллигини нишонлаш ҳақида”ги қарори (1997 й. 29 апр.) асосида Самарқандда юбилей тўй-тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челақ туманидаги Ҳартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди (қ. *Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи*). “Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни” мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистонда Б. хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган. Тошкент ислом ин-ти (олий маъҳад)га Б. номи берилган. Б.нинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, 2 қисмли фильм (1995), “Ҳадис илмининг султони” 4 қисмли кино қисса (1998) яратилган.





ВАЗИР (араб., форс.) – давлат маъмурий бошқаруви раҳбари. Қуръонда (20:29/30; 25:35/37) бу сўзнинг дастлабки маъноси – “ёрдамчи” шаклида учрайди; мана шу маънода у Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин халифа тайин этиш пайтида муҳожирлар б-н ансорлар ўртасидаги мунозарада учрайди. Муҳожирлар ансорларга “Биздан – амир, Сиздан – вазир” дейишган. Аббосийларнинг биринчи В.и Абу Салама бу унвонни “сулола ёрдамчиси” фахрий унвонининг таркибий қисми сифатида олиб юрган. Фақат Мансур даври(754–775)дагина В. маъмурий бошқарув аппарат раҳбари кўринишида пайдо бўлган. Ўрта аср араб (кейинчалик форс) тарихий ва адабий асарларида В. сосонийларнинг вузург фрамандори деб аталади. Эҳтимол уларни ўхшатишларига “В.” ва “вузург” сўзларини оҳангдошлиги ҳамда аббосийлар давридаги В. б-н вузург фрамандорнинг вазифалари бир хил бўлганлиги таъсир этган бўлса керак. В.ни давлат маъмурий бошқаруви раҳбари сифатида юзага келиши, сўзсиз аббосийлар даврида Эрон маданий анъаналарини қайта туғилиши б-н боғлиқ бўлган. В.нинг асосий фаолият соҳаси – маъмурий, молия, армия ва адлия ишлари одатда унинг зиммасига юклатилмаган, амалдаги ҳокимият мавқеи муайян шарт-шароитга ва В.нинг шахсига боғлиқ бўлган.

10-адан барча йирик ҳукмдорлар, айниқса халифаликнинг шарқий қисмидаги ҳукмдорларнинг В.и бўлган Ғарбда айнан шу вазифаларни ижро этувчи киши кўпинча бошқа ном б-н юритилган. Усмонли турк салтанатида бир неча В. бўлган, улардан фақат улуг В.гина султон ҳузурига кириб ахборот бера олган. Аҳмад III даври (1703–30)да фақат бир киши В. унвонига эга эди, кейинчалик бу унвон йирик вилоятларнинг пошоларига берилган, ҳақиқий вазирлик ишини эса, фақат улуг В. олиб борган, у айна вақтда султон муҳрдори ҳам бўлган. Европа таъсири кириб келиши б-н В. атамаси европаларнинг министрига айнан бўлиб қолган. Ўзбекистонда мустақиллик шарофати б-н В. истилоҳи қайта амалиётга киритилди (мас., Бош В., Вазирлар Маҳкамаси ва б.).

ВАКИЛ ОТА – мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин тарафидан тайинланадиган вакил. В. о. қуёвга ва никоҳ қилувчи (ўқувчи) домлага қизнинг отаси ўрнида кафиллик берган. Никоҳда қуёв томоннинг келин маҳрига берадиган мол-мулки, қуёв ва келиннинг ўзаро мажбуриятлари В. о. ҳузурда эълон қилинган. Мабодо эр-хотин ажраладиган бўлсалар, маҳрни ажрим қилишда В. о. қози ҳузурда ягона гувоҳ бўла олган. В. о. тайинлаш ҳозир ҳам расм бўлиб келмоқда.

ВАЛИЙ – қ. *Авлиё*.

ВАЛИУЛЛОҲ АҲМАД – қ. *Шоҳ Валиуллоҳ*.

ВАСАН (жан. араб. всн – “чегара устуни”, “бут”) – жоҳилият давридаги Арабистонда бутпарастлар топинадиган санамларни англатувчи асосий иборалардан бири. В.дан ташқари нусуб (кўплиги ансоб) ва санам (кўплиги асном) атамалари ҳам қўлланилган. Ансоб – бутларга атаб қурбонлик қилинганларнинг қони тўкиладиган тошлар, қабртошлар ва саждагоҳнинг муқаддас ҳудуди (хима)нинг ихоталовчи (чегараловчи) тошлардир. Бундай тош маъбуд сифатида эъзоланиши мумкин бўлган, бироқ у камданкам ҳолатларда доимий топиниш объекти ҳисобланган. Ҳар бир манзилда кўчманчилар ўзларига маъбуд сифатида янги тошни танлаб олганлар. Мил. 4-а. ўрталарида, асосан, Набатей ва Сурия – Фаластин таъсири остида нусуб – “тарашланмаган тош” – Арабистондаги ўтрок аҳоли муҳитида санам ёхуд В. – маъбуднинг ҳайкал кўринишидаги тасвирига айланган. Ибн ал-Қалбийнинг таъкидлашича, санам сўзи ёғоч ва металлдан ясалган бутни англатган. В. эса, тош ҳайкалларни англатадиган истилоҳ бўлган. Бироқ жоҳилият шеъриятида, Қуръони каримда (6:74 ва 29:17/16) ва ҳадисларда васан ва санам терминлари бир маънони англатган.

ВАСИЙ (кўплиги аусийа) – васиятнома ижрочиси. Ислом ақидасига кўра, биринчи бўлиб Абдуллоҳ ибн Сабо ҳар бир пайғамбарнинг ўзининг В.си, васиятнома бўйича ўринбосари бўлган, деб уқтирган. Ҳорун (ас) Мусо (ас)нинг В.си, ҳаворий (апостол) Петр – Исо (ас)нинг В.си, Али ибн Абу Толиб (қв) – Муҳаммад (сав)нинг В.си бўлган. Шиаларнинг даввосига кўра, Расулulloҳ (сав) Али (қв)ни ўзларига ворис экалиги ҳақида бевосита кўрсатма берганлар. В. ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиш ва тарғиб этишда *кайсонийлар*, имомийлар – исноъашарийлар жамоалари фаоллик кўрсатган.

ВАСИЙА (кўплиги васайа; туркийча – васият) – 1) ўлим тўшагида ётган кишининг сўнгги иродасини ифода этувчи топширик. В. ҳақида Қуръонда кўрсатма берилган. Мол-мулкнинг барча турлари, муносабатлар, иш юзасидан топшириқлар, қариндош-уруғларга кўрсатмалар хуллас, “сўнгги хоҳиш-истак”ни англатувчи барча бошқа нарсалар В. бўлиши мумкин. В.га кўра, ҳаракатдаги ва кўчмас мол-мулкнинг кўпи

б-н 1/3 қисми айтилган кишига берилиши мумкин. 2/3 қисми ворислар ўртасида мерос тарикасида тақсимланади, В. қилувчи агарда у бошқа меросхўрларнинг ҳуқуқларини поймол этмайдиган бўлса, кимга нима қолдираётганини кўрсатиши мумкин.

В. бўйича кимга мулк тегмайдиган бўлса, у меросхўрликка даъво қилолмайди. В. оғзаки ёки ёзма шаклда тузилиши мумкин, унда 2 гувоҳ (шоҳид)нинг иштирок этиши мақбул ҳисобланади. В. ўлимдан анча аввал қилиниши мумкин ва В. қилувчи уни хоҳлаган пайтда ўзгартириши ёхуд бекор қилиши мумкин. Борди-ю, В. нотўғри тузилган бўлса ёхуд меросхўрлар унга рози бўлмасалар, қозига мурожаат қилинган. Қози В.ни тузатиш, бекор қилиш ҳақида ҳукм чиқарган. Ҳозирда В. турли мамлакатларда маҳаллий одатларга кўра ўзига хос кўринишга эга.

ВАСЛ (араб. – “етишиш”, “висол”) – тасаввуфда “фано” мақомидан кейинги мартаба. “Фано” мақомига етган солиқ Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуғлиги тўғрисидаги фикру зикрга фарқ бўлиб, фоний дунёдаги борлик нарсаларни унутиб юборган бўлса, “васл” мақомига эришган солиқ Аллоҳдан ўзга барча борликдан ажралиб, Аллоҳга “етишган” бўлади.

ВАЪЗ, х и т о б а т – исломда, асосан, яхшлик ва эзгуликка чақирувчи даъват. В. ибрат мазмунида ҳам ишлатилади. В. айтувчилар, бу борада мутахассис бўлган шахслар “воиз” деб юритилади. Исломдаги илк воизлардан бири *Ҳасан Басрий* (728 й.в.э.) бўлган. У гарчи араб бўлмаса-да, араб нутқининг машҳур устозига айланган. Одамларнинг юзига қараб фикрини, кайфиятини сезиб олар ва буни В. вақтида назардан қочирмасди. Исломда тажовузкорликка даъват этиб, ёмонликни ташвиқот қилиш В. ҳисобланмайди.

ВАҚФ (араб.) – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона ва б. В. мулки бўлиши мумкин. Ўз мулкни В.га топширган шахслар мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс В. мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда

фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун В. мулкини бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин. Ўз мулкини В. мулки сифатида топширган шахснинг фарзандлари ёки бошқа авлодлари мазкур В. мулкидан келадиган даромадлардан нафақа олиб туриши мумкин. В. мулкини шариат қонуни бўйича давлат бошлиғи ёки қози назорат қилади. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам амалда.

ВАХДАТИ ВУЖУД (араб. – бирлик ва борлиқнинг бир бутунлиги) – абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. В.в. намояндалари (Ибн Арабий ва б.) худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблашган. В.в. айниқса 17–19-а.ларда Ҳиндистон ва Туркистонда тасаввуфнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

ВАХДАТИ МАВЖУД (араб. – мавжудот бирлиги) – Аллоҳ б-н бирга ягона моддий олам бор, деб ҳисоблайдиган таълимот. Бу таълимот тарафдорлари табиатни абадий деб билади. Аллоҳ оламнинг ўзида, унга сингиб кетган деб қарайди. В.м. вакиллари одам бу дунёдан воз кечмай, тарки дунё қилмай яшашга интилиши керак деган фикрни олға суради. Ҳиндистонда В.м. қадимдан мавжуд бўлиб, оламни моддийлик асосида тушунишга устувор даражада аҳамият берган. Шунинг учун кўпчилик мусулмон руҳонийлари бу таълимотга шубҳа ва эҳтиёткорлик б-н қарашган эди. Киндий, Форобий, Ибн Рушд, Бедил бу таълимотнинг намояндалари ҳисобланади.

В.м. намояндалари фикрича, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ, дунё ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. В.м. тарафдорлари мусулмон Шарқда табиатшунослик билимларининг ривожланиши учун фалсафий асослар яратиб берди.

ВАХДОНИЯТ (араб. – яккалик, ягоналик) – Аллоҳнинг якка-ягоналигини таниш ва эътироф этиш. Исломнинг асосий ғояси ҳисобланади. Яҳудийлик ва христианлик яккахудолик ғоясини ҳимоя қилса ҳам, бу динларда В. узил-кесил шаклланмаган. Қуръони каримда айтилганидек, яҳудий динида Узайр пайғамбар, христиан динида Ҳазрат Исо худонинг ўғли деб эътиқод қилинади (9:30). “Ихлос” сурасида

В. яккол ва равшан баён қилинган. “Анбиё” сурасида эса, “Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида ҳар иккиси бузилиб кетар эди”, дейилган (21:22). Бу оят зардуштийликнинг иккихудолик ақидасига қарши қаратилган эди. Кўпхудолик эътиқод шаклида тугаб кетганига қарамай, кишилар онгида турли кўринишда найдо бўлиб туради. Ҳоз. замонда ислом оламида кўпхудолик ақидаси эскилик сарқити сифатида у ёки бу шаклда учраб қолади. Кўпхудолик халқларни бир-бирига қарама-қарши бўлишига олиб келган, яккахудолик эса, уларни бирлаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилган, тор қабилачилик тузумига барҳам бериб, миллатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

ВАҲИЙ – диний эътиқодга кўра, Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига фаришталар орқали юборган буйруқ ёки кўрсатмалари. В. аниқ ва равшан қилиб айтилган. Лекин баъзи В.лар тушда кўрилган ишорат шаклида ҳам бўлган. Мас., ҳазрат Иброҳим (ас) нинг тушида “ўғлинг Исмоил (ас) ни қурбонлик қил” деб буюрилгани ҳам В. деб ҳисобланади. В. Муҳаммад (сав)га фаришта ҳазрат Жаброил орқали нозил бўлгани Қуръони каримда келтирилган (53:5–10). В. фаришталар орқали ёки бевосита Аллоҳ таоло б-н роз айтиш (гаплашиш) орқали ҳам келиши мумкин. Пайғамбар Муҳаммад (сав)га эса, В. қуйидагича ҳолларда тушган: Оиша (ра) айтадиларки: 1. “Пайғамбар (сав) В.нинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Кўрган ҳар бир тушлари уйғоқлик вақтларида ҳам худди тонг ёруғидек келар эди. 2. Фаришта ўзи кўринмай туриб, Пайғамбар қалбларига керакли хабарни етказар эди. 3. Кўнғироқ чалингандек овоз чиқариб келар эди. 4. Жаброил фаришта Пайғамбарга одам шаклида бўлиб кўринар эдилар”. Шу тўғрисида “Саҳиҳи Бухорий” китобида қуйидаги ҳадиси шариф келтирилган: “Ҳорис ибн Хишом Пайғамбардан: “Ё Расулulloҳ, сизга В. қандай келади?”, деб сўрабди. Шунда ул жаноб қуйидаги жавобни берибдилар: “Аҳёнда худди кўнғироқдек жаранглаб келади, шуниси менга кийин. У кетгандан кейин ҳамма нарсани мен ўзимда сингдириб олган бўламан. Гоҳида, эса фаришта менга одам шаклида келиб сўзлаб кетади ва унинг айтганларини англаб оламан”. 5.

Фаришта ўзининг асл шаклида кўринади ва В.ни етказди. 6. Аллоҳ таоло Пайғамбар (ас)га меърож кечасида намозни фарз қилиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита В. қилган. В. фақат пайғамбарларгагина нозил бўлган. Жаброил фаришта пайғамбарларга В. келтиришга масъул бўлган. В. тушган пайтда, агар кунлар совуқ бўлса ҳам Пайғамбар (ас) терлаб кетардилар, нафас олишлари тезлашарди. Саҳобалардан Зайд ибн Собит шундай ҳикоя қилади: “Менинг соним Расулуллоҳ (сав)нинг сонларига тегиб турган пайтда В. тушиб қолди, унинг шиддатидан соним ёрилиб кетай деди”. Агар Пайғамбар (ас) туяда кетаётганларида В. тушиб қолса, оғирликдан туя ҳам юра олмай қолар экан. В.ни Аллоҳ илҳом шаклида ҳам нозил қилган. Буни айрим авлиёларнинг ҳаётида учратиш мумкин. Бироқ авлиёлар илҳомни ўзларига шахсий кўрсатма, пайғамбарлар эса, В.ни халққа етказиши лозим бўлган кўрсатма деб қабул қилган. Жоҳилият даврида (исломдан аввал) бутпараст араблар Каъба ичига Хубал номли бутни ўрнатиб, ундан В. (кўрсатма) олганликларини даъво қилиб келган ва шу тарика гўё ўзларининг кундалик муаммоларини ҳал қилган. Ислом даврида Хубал синдириб ташланди. В.нинг фақат пайғамбарларга нозил бўлиши мусулмонлик эътиқодини мустаҳкамлади. Бу борада ҳар хил бидъат ва хурофотларни келтириб чиқариш ва динга зарарли бўлган турли қўшимчаларни киритиш ман қилинди. Диний тушунча бўйича В. илоҳий бир куч сифатида инсонларга тўғри йўл кўрсатиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

ВАХҲОБИЙЛИК – ислом динининг ханбалий мазҳабидаги оқим. Арабистон я. о.нинг марказий қисмида 18-а. ўрталарида пайдо бўлган. Асосчиси – Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб. У 1703 й. Уйайна деган жойда, қози оиласида туғилган. Дастлабки таълимни ўз отасидан олгач, ўспиринлик йиллари Арабистон ва қўшни ўлкалар бўйлаб кўп сафар қилган. Ибн Абдулваҳҳоб ақоидда Ибн Таймийя, Ибн ал-Қаййим ва Ибн Касирга эргашди. Муҳаммад Ибн Абдулваҳҳоб диний тарғиботни тахм. 1730 й.да бошлаган, ўз отасининг вафотидан (1740) сўнг уни фаоллаштирган, чунки ота-ўғил ўртасида даъватнинг услуби хусусида ихтилоф бўлган. Турк тилидаги тадқиқотларда Ибн Абдулваҳҳоб узоқ йиллар

инглиз жосуси б-н ҳамкорлик қилгани ҳақида далиллар мавжуд. В. тарафдорлари фикрича, фақат Аллоҳ маъбуд ва исломнинг манбаи фақат *Қуръон* ва *Сунна*дир. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш, азиз-авлиёлардан дуоларда шафоат ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусиқа, қўшиқ ва умуман маънавий тараққиётнинг бошқа кўп кўринишлари “бидъат” (кейин кириб келган янгилик) деб саналади. Ваҳҳобийлар “динни тозалашга, Муҳаммад давридаги асл ҳолига келтириш”га ҳаракат қилади.

В.да ғайридинларга, “илк ислом аҳкомларидан чекинган” мусулмонларга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё “кофир”дирлар. Дастлабки ваҳҳобийлар имон масаласида ўта мутаассибчилик, сиёсий рақиблар б-н курашда эса, ошқора экстремизм б-н ажралиб турганлар. В. таълимоти ўша пайтдаёқ норозилик туғдирган. Ибн Абдулваҳҳобни ҳатто Уйайнадан қувиб чиқаришган. Аммо бу таълимот Арабистон я. о.нинг марказий қисмида ўша даврдаги мавжуд муҳит учун қўл келиб қолди. Зеро, бу ерда бир неча майда сулолалар томонидан бошқарилган амирликлар доимо ўзаро низолашиб келардилар. Шундай сулолалардан бири – саудийлар – тахм. 4-адан бери ад-Диръияни ўзларига марказ қилиб олиб, атрофдаги амирликларни бирлаштиришга ҳаракат қилардилар. Амир Муҳаммад ибн Сауд (1725–1765) бу ишда В. таълимотидан фойдаланди. Муҳаммад ибн Сауд ва унинг ўғли Абдулазиз ваҳҳобийлар байроғи остида ярим оролнинг катта қисмини куч б-н эгаллаб, биринчи саудийлар давлатини барпо қилдилар. Аммо бу давлат 19-а. бошида мисрликлар истилоси натижасида қулади. В. Имом Саннусий воситасида Жазоирда, Муҳаммад Абдулх ёрдамида Мисрда, Шарқий Африканинг Занзибар мамлақатида тарқала бошлади, Сайид Аҳмад эса, Панжоб ва Шим. Ҳиндистонда ваҳҳобийлар давлатини барпо қилишга уринган. Айни вақтда В. Арабистон я. одан ташқарида – Ҳиндистон, Индонезия, Шарқий ва Шимолий Африкада ёйила бошлади. 20-а. бошида Абдулазиз ибн Абдурахмон саудийлар давлатини тиклаш учун бошланган ҳаракатга раҳбарлик қилди ва ҳоз. Саудия Арабистонига асос солди.

В. хатарли, реакцион диний-сиёсий оқимдир. Ваҳхобийлар одатда террор ёки давлат тўнтариши йўли б-н ҳокимият тепасига келишга интиладилар. 19-а.нинг 70-й.ларида Хиндистон ваҳхобийлари Калькутта бош судьяси Норманни ўлдириш б-н “шуҳрат” қозондилар. 1979 й. ноябрь ойида саудиялик ваҳхобийчи Жухайман ал-Утайбий гуруҳи мусулмонларнинг энг муқаддас – Маккаи мукаррама ш.даги “Масжид ал-Харам”ни босиб олди. Масжидни эгаллагач, бу ерга келиши қутилган подшоҳ Холидни бандиликка олиш, ораларида бўлган “Маҳдий раҳбарлигида умумхалқ кўзғолонини кўтариш, дастлаб Саудия Арабистони, сўнг бошқа мамлакатларда ҳам “ҳақиқий” ислом ғалабасига эришиш режалаштирилган эди. Саудия ҳукумати француз жандармериясининг мутахассислари ёрдамида икки ҳафтадан ортиқ муддатда бу ҳаракатни бостирди. Расмий маълумотларга кўра, ваҳхобийлардан 117 киши ўлдирилди ва 143 киши ҳибсга олинди, айни вақтда ҳукумат кучларидан 127 киши ҳалок бўлди ва 451 киши яраланди.

В. муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Биринчи бўлиб улар 1989 й. Наманган ш.даги “Отавалихон” масжидини ўзларига қароргоҳ қилиб олдилар, сўнг 1989–1990 й.ларда Кўқон ва Андижон шаҳарларида “Жоме” масжидларини зўравонлик йўли б-н эгалладилар. 1995 й. бу иккала масжид фаолияти адлия бошқармалари томонидан тўхтатилгач, ваҳхобийлар республика бўйлаб ёйилиб кетдилар. Ўзбекистондаги ваҳхобийлар узун соқол қўйиш, намозда икки оёқни кенг кериб қиём туриш, қўлларни кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда “омин” дейиш б-н ҳанафийлик мазҳабидагилардан ажралиб турадилар. 1997 й. дек.да Наманган ш.да содир этилган қотилликлар уларнинг амалий “иш услублари” сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг изчил сиёсати В. кўринишидаги диний экстремизм ва ақидапарастлик ёйилишининг олдини олди.

ВИДО ХУТБАСИ – Муҳаммад (сав)нинг видолашув хутбалари: 632 й. 8 мартда Маккада, *Арафот*да Қусво деган туяларига минган ҳолда Арабистоннинг турли ерларидан келган 124 минг мусулмонга қарата ўқилган. Бу тарихий хутба “В. х.” номини олган бўлиб, у нафақат йигилган мусулмонларга, балки бутун инсониятга қаратилганди.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан В.э.га демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. Юридик нуқтаи назардан В.э. инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда у ЎЗР Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда (1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 1998 йил 1 майда янги таҳрири тасдиқланган) назарда тутилган. Конституцияга кўра, “ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга” (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Айни вақтда янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга кўра, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглиги таъминланади (4-модда). Ушбу Қонунда таъкидланишича, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқатарига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонун муайян ёшга етган фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун диний ташкилот тузиш, олий ва ўрта диний ўқув юртлирида таълим олиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб берган. Айни вақтда диндан давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, миллатлараро адоват уйғотишда, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳам давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди (5-модда).

ВИЛОЯТИ ФАҚИХ – *шиалик*да “яширинган имом” – маҳдийнинг келиши ва адолат ўрнатиши ҳақидаги ғояга боғланган тушунча. 1779 й.даги Эрон ислом инқилоби натижасида бу ғояни амалга ошириш, амалда имом зиммасига юклаш мумкинлиги ҳақидаги ақидалар вужудга келди. Эрон ислом жумҳуриятига 1989 й.гача раҳбарлик қилган

оятулло ал-узмо Рухаллоҳ ал-Мусавий ал-Хумайний ана шундай В.ф. раҳбари вазифасини бажарди, яъни у давлатнинг бирор лавозимида бўлмаса ҳам, амалда бутун Эрон ижтимоий ҳаётига раҳбарлик қилди.

ВИРД (араб. – вазифа) – тарк қилмай доим бажариб туриладиган вазифа, дуо: тасаввуфда шайх ва муридларнинг кундалик ўқиб юришлари учун зарур бўлган Қуръони карим тиловати, зикр, тасбех ўғириш, дуо, салаотлар. Улар кечки ва тунги ибодатлар орасида адо этилиб, тариқатнинг асоси ҳисобланади.

ВОБКЕНТ МИНОРАСИ – меъморий ёдгорлик. Бухоро садри Бурхониддин Абдулазиз II томонидан 1197–98 й.ларда курдирилган. Миноранинг тепа қисмида девоний хатида “Минора 595 хижрий йилда қуриб битказилди”, деб ёзилган. “Кимки масжид курса, ўзига жаннатдан макон қурган бўлади”, деган ҳадис ҳам битилган. Ўша даврда минорага ёндош бир масжид ва бир Мадрасаи садрия мавжуд бўлиб, у Мовароуннаҳрдаги энг йирик билим маскани бўлган. Миноранинг бал. 38,7 м.

ВОЖИБ (араб. – мажбурият, бурч) – исломда бажарилиши зарур бўлган амал тури. Зарурийлик нуқтаи назаридан В. фарздан кейин, *суннат* талабларидан олдин туради. Исломда В.ни инкор этиш оғир гуноҳ ҳисобланса-да, кофирликка нисбат берилмайди. “Подшоҳнинг амри вожиб” деган тушунча Қуръонда бор. *Суннийлик*да В.га шариат тушунчалари бўйича фарз б-н суннат орасидан жой бериш *ҳанафийлик* мазҳабидагина эътироф этилган. Бошқа уч мазҳабда В. алоҳида тушунча сифатида қабул қилинмаган. Уларда фарздан кейин бевосита суннатга ўрин берилган. В.ни эса, улар фарзга кўшиб юборишган. Бинобарин улар ҳанафийлик мазҳабидаги В.ларни фарз ҳисоблайди. Мас., беш вақт намоз, рўза, закот, ҳажни ҳанафийлар фарз деса, улар фарз ҳам, В. ҳам деб атайверади.

ВОИЗЛИК (араб. ваъз – тарғиб, нутқ) – ваъзхонлик, нотиклик. В. арабларда, умуман мусулмон Шарқда қадимдан мавжуд бўлиб, **д а б и р л и к, х а т и б л и к, м у з а к к и р л и к** ва б. кўринишларга эга бўлган. Давлат аҳамиятига молик ёзишмалар, мактублар ва б. ҳужжатларни ўқиб бериш б-н шугулланувчилар дабирлик, ҳайитлар,

байрамлар, турли йиғинлар, жума намозлари ва б. оммавий тадбирларда маънавият, ахлоқ-одобга оид мавзуларда панд-насиҳат айтувчилар, Қуръони карим оятлари, Ҳадисларни шарҳловчилар В. хатиблик, тарихга оид нарса, воқеа, ҳадисларни баён этиш, тушунтириш б-н шугулланганлар, музаққирлик (зикр қилмок) қилганлар. Шарқда В.ни ўргатувчи махсус соҳа калом илми, балоға илми бўлган. Ар-Розий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Муин Воиз, Хусайн Воиз Кошифий ва б. бу соҳанинг етук билимдони ҳисобланган.

ВОСИЛ ибн АТО, Абу Хузайфа ал-Ғаззол (699–748) – *муътазиллийлар* оқими асосчиларидан бири. Мадинада туғилган, сўнг Басрага кўчиб ўтган, бу ерда *Ҳасан ал-Басрий* тўғарагининг фаол иштирокчисига айланган. Гуноҳи кабира қилган киши ҳолати ҳақида *Ҳасан ал-Басрий* б-н ихтилофда бўлгани туфайли В.и.А. бир гуруҳ маслакдошлари б-н тўғаракни тарк этган ва бу б-н муътазилияга асос солган. Ўз таълимотини тарқатиш учун халифаликнинг барча вилоятлари – Мағриб, Хуросон, Яман, Жазира, Арманистонга тарғиботчиларини жўнатган. Унинг тарғиботчилари айни вақтда умавийларга қарши ташвиқот ишлари ҳам олиб боришган ва бу б-н умавийлар сулоласининг ағдарилишига имкои яратганлар.


В.и.А. Аллоҳни инсон кўринишида тасаввур этилишига қарши бўлган. У Қуръондаги тегишли ибораларни мажозий маънода талқин этган. Хусусан, “ўз қўлинг б-н ярат” деган ибора унинг фикрича, “ўз ҳукминг б-н” деганидир, бу худди қўл қафтларини очик ҳолдалиги сахийликнинг рамзий белгиси, ёпиклиги эса – ҳасисликни ифода этгани каби. В.и.А. кўплаб асарлар ёзган, унинг “ас-Сабил ила маърифат ал-ҳаққ” Ҳақ(Аллоҳ)ни таниш йўли асари мусулмон фикҳи тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. В.и.А. биринчи бўлиб ҳақиқат (ал-ҳаққ)ни билишнинг 4 усули (вужух)ни аниқлаб берган: Китоб (китоб натик), яқдил қабул қилинган саҳиҳ ҳадис (хабар мужтамо алайҳи), ақлий далил (ҳужжат ақл) ва жамоанинг яқдил фикри (ижмоъ мин ал-умма). Бу тамойиллар мусулмон ҳуқуқини ишлаб чиқувчилар (хусусан, аш-*Шофийий*) томонидан фикҳнинг 4 манбаи (усул)ни белгилашда жуда қўл келган.

ВУЖУД (араб. – “борлик”, “бўлишлик”,

“мавжудлик”) – *тасаввуф*да Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги ақида. Аллоҳнинг бор бўлиши ўз-ўзидан зарурлиги “вожиб ул-вужуд” деб аталади. Аллоҳдан бошқа мавжудотлар эса, “мумкин ул-вужуд” деб номланади. Яъни, бу мавжудотлар Аллоҳ томонидан яратилиши ҳам, яратилмаслиги ҳам мумкин бўлган нарсалардир.

ВУЗУЪ (араб. – ювиниш, таҳорат) – ислом анъанасида махсус покланиш ибодати. Намоздан олдин юз, кўл ва оёқни ювиш, бошга масҳ тортиш, *таҳорат*нинг енгил шакли, яъни кичик таҳорат. Бутун танани бошдан-оёқ ювиш эса, катта таҳорат (ғусл) ҳисобланади. Зеро, исломда таҳоратсиз намоз ўқиш, Куръонни ушлаш мумкин эмас.





ГИЛОНИЙ (Жилоний) Мухиддин Абдулқодир ибн Аби Солиҳ Жангийдўст (1077–1166) – форс илоҳиётчиси, мутасаввиф. Гилон вилояти (Эрон) да туғилган. 18 ёшида Бағдодга келиб сабоқ олади. Унинг *ҳанбалийлик* мазҳабига оид ваъзлари шуҳрат қозонади. Кейинчалик Г. Куръон тафсирчиси ва муфтий сифатида фаолият кўрсатади. У ҳадис ва фикҳ илмларидан дарс беради. Г. ҳанбалийлик мазҳабида қатъий турган, Мухаммад (сав) суннатларига сўзсиз риоя этган. Ваъзларида мусулмонлар учун зарур бўлган ўнта ахлоқий қонидани баён этган. Г. ўзининг тариқат услубини вужудга келтирмаган, бирор тариқатга бошчилик қилмаган бўлса ҳам уни *қодирийлик* суфийлик тариқатининг асосчиси деб ҳисоблайдилар. Аммо, ҳақиқатда эса, бу тариқат унинг авлодлари ёки муридлари томонидан фақат 13-а.нинг ўрталарида, баъзи мутахассисларнинг фикрича, ҳатто 15-а.да вужудга келган. Халқ оммаси уни мўъжиза кўрсатишга қодир бўлган азиз-авлиё ва бечораларнинг ҳомийси деб, улуғлар эди. Унга “Ғавсул Аъзам” (“улуг ҳимоячи”) ва “пири дастгир” (“мададкор пир”) лақабларини беришган эди. Г. мақбараси Бағдодда бўлиб, исломдаги муқаддас жойлардан бири ҳисобланади.

Г.нинг “Ал-ғунйа ли толиб тариқ ил-ҳаққ” (“Ҳақ йўлини истовчилар учун қўлланма”) асарини сақлашиб қолган. Бу асарда мусулмонларнинг ижтимоий, ахлоқий бурч ва вазифалари ҳанбалийлик мазҳаби нуқтаи назаридан баён қилинган.

ГУЛ – аёл жинсидан бўлган жиннинг бир тури; ниҳоятда баджаҳл ва инсонларга душманлиги б-н ажралиб турган. Гўё чўлу биёбонларда яшаб, турли киёфаларга кириб йўловчиларни ўз тузоғига илинтиради, сўнгра уларга ҳужум қилиб ўлдиради. Эркак жинсдаги Г. – кутруб; баъзан Г. сиълат б-н айнан деб қаралади. Ўрта асрларда ислом мамлакатларидаги халқ ривоятларида Г. Иблис ва шайтонлар б-н алоқадор бўлган кофир жинлар қаторига киритилган; улар одамхўр ва ўлаксахўр ҳисобланганлар. Деярли бутун ислом аҳли халқ адабиёти ва фольклорини Г. б-н боғлиқ саргузаштлар баён этилган кўплаб ҳикоялар учрайди.

ГУНОҲ (форс – жиноят, айб; асли шу маънодаги араб. “жуноҳ” сўзидан олинган) – шариат қонунларига ва диний ақидаларга хилоф иш ёки ҳаракат. Ислом динида энг катта Г. – ширк, яъни Аллоҳни бутунлай инкор этиш ёки унга тенг келадиган бошқа илоҳий кучлар бор, деб эътиқод қилиш ҳисобланади ва бундай Г.ни Аллоҳ

кечирмайди. Аммо ундан бошқа катта ва кичик Гларни хоҳлаганича кечириши ёки маълум меъёрда жазолаши мумкин. Катта Гларнинг адади тўғрисида ислом манбаларида турлича фикрлар айтилган. Ота-она қарғишини олиш, сеҳр-жоду б-н шуғулланиш, котиллик, ёлғон гувоҳлик бериш, ўғрилик, чақимчилик, қиморбозлик, риёкорлик, фирибгарлик, ҳаром қилинган нарсаларни истеъмол қилиш, дилозорлик ва ҳ.к. катта Г. ҳисобланади. Баъзи ислом олимлари катта Глар сонини 300 тагача санаб ўтганлар. Кичик Глар бехисобдир.

ГУРГОНИЙ Абулқосим Али (10-а. охири – ваф. тахм. 1058) – тасаввуфнинг Хуросон мактаби шайхларидан. Туғилган ва вафот этган йили, қабрининг қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар етиб келмаган. Али ибн Усмон Хужвирий (ваф. тахм. 1072) “Кашф ул-маҳжуб” асарида Г. б-н бир неча марта (аксарият Тус шаҳрида) учрашиб, баъзи

масалаларни ундан сўраганлиги ҳақида ёзади. Г.нинг Тусда хонако ва масжиди бўлиб, у ўз даврининг қутби дея эътироф этилган. “Силсилат уз-заҳаб”даги 9-пири муршид. Тасаввуф таълимини Абу Усмон Мағрибий ва Абулҳасан Ҳараконий (ваф. 1034)дан олган. Тасаввуфдаги нисбаси, бир томондан, Абу Усмон Мағрибий, Абу Али ал-Котиб, Абу Али ар-Рудборий орқали Жунайд Бағдодий (ваф. 910)га, иккинчи томондан, Абулҳасан Ҳараконий орқали Боязид Бистомий (ваф. 848 ёки 875)га бориб боғланади. Манбаларда Г. икки йўналиш “сахв” ва “сукр”ни ўзида бирлаштирган муршид сифатида зикр этилади. Г. Абу Али Формадий (1011–1085)нинг тасаввуфдаги устозидир. Шайх Абусаид Абулхайр (967–1049) б-н яқин алоқада бўлган. Ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар “Табакот ус-суфия”, “Рисолаи Кушайрий”, “Нафаҳот ул-унс”, “Насойим ул-муҳаббат” сингари асарлардан жой олган.



Д

ДАББАТ ул-АРЗ (араб. – Ер ҳайвони) – охир замон келганининг бир аломати сифатида чиқиб келадиган Ер ҳайвони. Бу хусусда Қуръони каримда хабар берилган: “Қачон (кофирларнинг) устига сўз-азоб тушганида (яъни, қиёмат яқинлашиб қолганида) Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар” (Намл, 82-оят).

Д. ул-а.нинг. яъни ер ҳайвонининг чиқиши ҳақида кўпгина ҳадислар ворид бўлган. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам саҳиҳ деб бўлмайди. Айниқса, бу жониворларнинг сифатлари келтирилган хабарлар саҳиҳликдан йирокдир. Аслида, мўмин одамга унинг васфини билишдан маъно йўқ. Ер ҳайвонининг чиқиши қиёмат аломатларидан экани, кофирлар азобга мустаҳиқ бўлиши, энди уларнинг тавбаси қабул этилмаслиги, қилмишларига яраша ҳукм қилиниши, ўша жониворнинг уларга гапириши, унинг мўминга ҳам, кофирга ҳам таниш бўлишини ифодаловчи Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар ҳужжати б-н кифояланиш шарт. Ҳайвоннинг гапириши ғайритабиий туюладиган кишиларга жавоб шулки, уни яратган Зот гапиртиришга ҳам қодирдир. Д.ул-а. чиққан куни Аллоҳ таолонинг оятлари ва охират кунини инкор қилувчи одам қолмайди.

Лекин, юқорида айтиб ўтилганидек, ўша кунда келтирилган имон, тавба, истиғфор ва амаллар қабул қилинмайди.

ДАБУСИЙ, Абу Зайд Абдуллоҳ ибн Умар ад-Дабусий (? – 1038) – *ҳанафийлик*даги йирик фақиҳлардан; фикҳдаги зиддиятларни ўрганишга асос солган. Самарқанд вилоятидаги Дабусия ш.да туғилган. Фикҳга доир 7 асар ёзган. Самъонийнинг ёзишига кўра, Д. Бухорода яшаган, Бағдодда таълим олган. Бухоро ва Самарқанднинг йирик олимлари б-н мунозара олиб борган. Қабри Бухорода, имом Абу Бакр ибн Тархон мазори ёнида.

ДАЖЖОЛ (араб. – алдамчи, фирибгар) – ислом динига кўра, *қиёмат* олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон махлук. У, шунингдек, ал-Масиҳ ал-Каззоб ва ал-Масиҳ ал-Дажжол деб аталади. Қиёматга яқин у ёвузлик тимсоли сифатида эзгулик тарафдорлари б-н жанг қилиб, охир-оқибатда мағлуб бўлиши ҳақида ривоятлар бор. Исломига кўра, Д. Иблис б-н алоқадор бўлиб, қиёматга яқин инсонларни тўғри йўлдан оғдириш учун ўзини ҳақиқий Исо (ас) ёхуд ал-Махдий деб атайди. Бунгача у Ҳинд океанидаги ороллардан бирида қояга занжирбанд қилинган ҳолда яшайди: орол яқинидан ўтаётган кемадагилар у ердан мусиқа товушини эшитадилар. Д. бир

кўзли, териси кизил, пешонасида *коф* ҳарфи ёхуд кофир ёзуви бор. Қиёматдан олдин Д. Шарқ томондан улкан, баҳайбат эшакда пайдо бўлади, унинг ортидан барча динсизлар ва мунофиқлар эргашади. У Макка ва Мадинадан бошқа бутун дунёда ўз ҳокимиятини ўрнатади. Унинг подшолиги 40 кун (ёхуд йил) давом этади, сўнгра Аллоҳ томонидан юборилган Исо (ас) ва ал-Маҳдий уни мағлуб этиб, ўлдиришади.

“ДАЛОИЛ ул-ХАЙРОТ” – *далоилхона*да ўқилган асосий китоб. 15-а.да мусулмон ақоидшуноси Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (?–1466) араб тилида ёзган. Муҳаммад (сав)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат. 7 қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунда ўқишга мўлжалланган. Китобда мусулмонларга тавсия этилган кундалик салавот айтиш услублари кўрсатиб берилгани учун диндорлар ундан мунтазам фойдаланган. Хорижий Шарқ мамлакатларида “Д. ул-х.” ҳозир ҳам кенг тарқалган. Унинг шарҳлари ва туркий тилга қилинган таржималари ҳам мавжуд.

ДАЛОИЛХОНА (араб. далоил – далиллар) – Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидаги эски диний мактаб. Д.га саводи чиққан болаларгина қабул қилинган. Унда дастлаб (тахм. 1–2 ой) болаларга Куръоннинг айрим сура ва оятлари, сўнгра асосий китоб – “*Далоил ул-хайрот*” ёдлатилган. Д.да ўқиш муддати аниқ белгиланмаган. Қобилиятли, хотираси кучли талабалар китобни 2–3 ой давомида ёд олганлар.

ДАРВИШ, қ а л а н д а р (форс. - туркча – қашшоқ, камбағал; араб. факир) – ўзини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга бағишлаган ва ўзини ўзи камолотга етиштириш йўлига кирган инсон. “Суфий” сўзига синоним. Д.лик таълимотининг асосини зикр тушиш орқали худо б-н “яқинлашиш” ва, ҳатто, у б-н “қўшилиб кетиш” мумкин, деган ғоя ташкил қилади. Эрон, Ўрта Осиё, Туркияда Д. сўзи тор маънода – шахсий мулки бўлмаган камбағал, дайди зоҳидни (16-аср бошигача – “қаландар” атамасининг синоними) англатган. Д.нинг бошланғич маъносини билдирган “камбағал” сўзи суфийликнинг ихтиёрий камбағаллик, оз нарсага қаноат қилиш ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан. Д. лар муайян маслак (сулук)ка бирлашган ва унинг ғояларини

тарғиб қилган. Д.ликнинг машҳур сулуклари: *нақибандийлик, яссавийлик, кубровийлик* ва б. Таълимоти, амалиёти, одати ва кийимларидан қатъи назар, Д.лар икки гуруҳ – дайди, доимо дарбадарлик қилиб юривчиларга ва шайх, пирлар раҳбарлигида муқим яшовчиларга бўлинган. Д.ларнинг биринчи гуруҳи эрта баҳорда дунё бўйлаб сафарга отланганлар. Шунинг учун уларни “дарбадар”, эшикма-эшик юривчи деб ҳам атайди. Иккинчи гуруҳи хунармандлар, савдогарлар, турли даражадаги амалдорлар ва б.дан иборат бўлиб, уйда яшаб, ўз ишлари б-н шуғулланган. Улар ҳар кунги ибодатни бажарган, ҳафта ёки ойнинг аниқ белгиланган кунини умумий зикр тушишга қатнашганлар. Инқилобдан олдин Ўрта Осиёда ҳам Д.лик кенг ёйилган, Д.ларнинг фаолияти б-н боғлиқ қаландархоналар ва хонақоҳлар мавжуд бўлган. Д.лик сулукларининг таъсири Покистон, Хиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд.

ДАРВИШОНА – Ўрта Осиё халқлари орасида қадимда тарқалган урф-одат. Ҳар йили баҳор фаслида қишлоқларда ва шаҳар маҳалларида 2–3 киши уйма-уй юриб, пул ёки озиқ-овқат тўплаган, сўнгра бирор кишининг ҳовлисида ёки масжидда овқат (ҳалим) пишириб бутун маҳалла баҳам кўрган. Бу маросим юртда бирор офат бўлганда (қасаллик тарқалганда, қаҳатчилик, очарчилик бошланганда) ундан халос бўлиш ёки дехқончилик ишларига худодан ривож тилаш мақсадида ўтказилган. Мазкур маросим дарвишлар одатларига ўхшаб, уйма-уй юриб озиқ-овқат йиғиш б-н боғлиқ бўлгани учун Д. (дарвишларга ўхшаб) деб аталган. Одатда Д.ни ҳар бир қишлоқ ёки маҳалла алоҳида-алоҳида ўтказган, унда катта-кичик ҳамма эркак қатнашган, мусофирлар меҳмон қилинган. Баъзан Д.да йиғилган маблағ, ғалла ва б. маҳаллада яшовчи қашшоқ оила ёки бева-бечораларга берилган.

ДАҲА (форс. – ўн кунлик) – эшонларнинг хонақоҳларида бўлиб ўтадиган ўн кунлик тоат-ибодат. Д.нинг энг каттаси Рамазон ойида ўтган. Мурид ва халифалар (эркак ва аёллар) эшон ҳузурига келиб, Д. талаб этган вазифаларни бажаришган, ўз муршидларининг панд-насиҳатларини тинглаб, ундан яна “вирд” (кўрсатмалар) олиб тарқалишган. Тасаввуф таълимотида Д.га ўтириш худо олдида тавба

қилиш, гуноҳларни ювиш, худонинг раҳматига эришиш ҳисобланган. Д. 3 даврга: рамазоннинг биринчи ўн кунлиги – “даҳайи раҳмат”, иккинчи ўн кунлиги – “даҳайи мағфират”, учинчи ўн кунлиги – “даҳайи итқун минаннор”га бўлинган. Д. рамазондан бошқа баъзи ойларда ҳам ўтган, аммо унга хоҳлаган кишилар, кўпроқ аёллар борган. Такводорлар учун хонақоҳ ичида бўздан пашшахонага ўхшаган бўлмалар қурилган. Д.га ўтирганлар унинг ичига кириб, рўза тутиб, Куръони карим, салавот ва дуолар ўқиган. Д.нинг ўхшаши эътиқоф деб аталади.

ДАХРИЙЛИК (араб. даҳр – вақт, тақдир, фалак) – ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. “Ўлим”, “тақдир”, “ажалнинг етиши” маъноларини англатган. Бу ақидага кўра, инсоннинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган, у эркин ирода ёки ихтиёр эгаси эмас, пешонасига “ёзилган” нарса албатта содир бўлади ва ундан қутулишнинг иложи йўқ. Жоҳилия арабларида нариги дунё борлигига, бу дунёда заҳмат чекканга у дунёда ажр, гуноҳ ишлар қилганларга азоб берилишига ишонч йўқ эди. Борлиқнинг эгаси, олий ҳокими сифатида муайян бир худо эмас, қандайдир “даҳр”, тақдири фалак, инсон иродаси б-н ҳисоблашмайдиган ва ундан юқори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур қилинади. Уларнинг эътиқодича, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун б-н яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Куръонда қуйидаги сўзлар б-н ифодаланган: “Улар дейдилар: фақат битта – бу дунёдаги ҳаётимиз бор – яшаймиз ва ўламиз; бизни даҳр (вақт, тақдир) ҳалок қилади” (“Жосия” сураси, 24-оят). Кейинчалик, ислом адабиётида “даҳрий” сўзи “мўъмин” сўзининг зидди сифатида ишлатила бошланди. 19-а.да Д. атамаси “материалист” (моддиюн) тушунчасининг истилоҳи синоними сифатида қўлланилган. Ўрта асрларда бир қанча олим, мутафаккир ва шоирлар (мас., Мансур ал-Халлож) Д.да айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Ҳозир ҳам мусулмон дунёсида Д. қораланади. Д. ва атеизм бир маънони англатмаса-да, шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишлатиш расм бўлиб қолган эди.

ДЕВ (форс. – див) – қад. Эрон мифологиясидаги баҳайбат ёвуз кучлар. Лекин, улар баъзан сеҳргар, коҳин, авлиёларга

бўйсунган бўлса, яхши фойдали ишларни ҳам бажаради деб тасаввур этилган. Д. ҳақидаги тасаввур зардуштийликдан исломга ҳам ўтган, улар ёвуз руҳлар деб талқин этилади. Ўтмишда Ўрта Осиё халқлари орасида турли қиёфадаги Д.лар (етти бошли, бир кўзли, бадани жун б-н қопланган ва ҳ.к.) тўғрисидаги тасаввурлар мавжуд бўлган. Уларга атаб ҳар хил урф-одатлар (махсус овқатлар тайёрлаш, чирок ёкиш, жонлик сўйиш ва б.) ўтказилган. Ҳоз. вақтда ҳам айрим диндорлар онгида Д. тўғрисидаги тасаввурлар сақланиб қолган.

ДИН (араб. – мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва б.). Араб тилида “Д.” сўзи жуда кенг маънода ишлатилади. *Қуръон*да ҳам “Д.” турли маъноларда 100 дан ортиқ маротаба ишлатилган. Ана ўша маъноларнинг ҳаммаси ҳам урфдаги “Д.”да ҳам ўз аксини топган. Д.да Аллоҳнинг мулки, ҳукми, қиёматдаги ҳисоб-китоби, осийларни жазолаши, тадбир қилиш бор. Шунингдек, Д.да банданинг бўйсунуши, итоат қилиши, ибодати, парҳезкорлиги, Аллоҳ кўрсатган йўлни тутиши, маълум ишларни одат ва эътиқод қилиши каби маънолар бор. Бундан Д. Аллоҳ б-н банда орасида бўлиши керак алоқаларнинг тўплами эканлиги келиб чиқади. Мусулмон уламолар мазкур маъноларни эътиборга олган ҳолда Д.ни “Соғлом ақл эгаларини уларнинг ўз ихтиёрларига биноан бу дунёда салоҳиятга, у дунёда нажотга элтувчи илоҳий кўрсатмалар” деб таърифлаганлар. Д. *ақида*, *шариат* ва *тариқат* бобидаги илоҳий кўрсатмаларнинг тўпламидир. Ақида мусулмон киши имон келтириб ишонмоғи лозим бўлган нарсаларни ўз ичига олади. Мисол учун Аллоҳга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, фаришталарга, қиёмат кунига, яхши ёмон қадар Аллоҳдан эканлигига ишониш ва б. Шариат Д.нинг амалий қисмидир. У *ибодат*, *муомалот* ва *ҳудуд*га бўлинади. Ибодатга намоз, рўза, закот, ҳаж каби нарсалар қиради. Муомалотга инсонлар орасида бўладиган савдо-сотик, касб-ҳунар, деҳқончилик каби ҳаётий алоқалар ва ишлар қиради. Ҳудудда эса, юқоридаги масалаларда хатога йўл қўйиб жиноят қилганларга белгиланган жазо чоралари ҳақида сўз кетади. Тариқат эса, руҳий ва ахлоқий тарбияни ўз ичига олгандир. Ана ўшаларнинг ҳаммасининг мажмуаси Д. деб аталади.

Имом ал-Бухорий ҳадисларида келтирилган Д.га берилган таъриф кенг тарқалган. Унга кўра Д. – *имон, ислом, эҳсон* йиғиндисидан иборат. Д. тушунчасини шарҳлашда бу учликни саклаб қолган ҳолда ҳанафийлар имоннинг аҳамиятига урғу берадилар, ашъарийлар – диний кўрсатмаларга риоя этиш (ал-ислом) муҳимлигини, ханбалийлар, кейинчалик *Ибн Таймийя* – “ҳақиқий анъана”, соф йўлни Қуръон ва суннатга амал қилиш аҳамиятини айтадилар. Аллоҳ ўзи яратган инсоннинг табиатини билганидан ва унинг ўзи яратган бу дунёда қандоқ яшаб ўтиши учун энг яхши йўлни кўрсатиб, унга Д.ларни юбориб турган. Инсон жамияти содда бўлган даврда Аллоҳ Д. ҳукмларини ҳам содда қилган. У инсониятни аста-секин тарбиялаб ўстира бориб илоҳий Д.ни ҳам мукаммаллаштирган. Бир Д.нинг вазифаси битгандан кейин унинг ҳукмини бекор қилиб, ўрнига ҳукмлари мукаммалроқ бўлган кейинги Д.ни юборган. Ҳар бир илоҳий Д.ни ундан кейинги келган илоҳий Д. амалдан қолдирган. Инсоният камолига етганда Аллоҳ ислом динини охирги, мукаммал ва боқий Д. қилиб юборган. Д. илоҳий-самовийга ва сохта-қалбакига бўлинади. Аллоҳ томонидан инсонлар ичидан пайгамбар танлаб олиб, у орқали диний таълимотлар етказилган бўлса, илоҳий Д. бўлади. Ҳоз. кунда яҳудийлик, насронийлик ва ислом илоҳий Д.лар ҳисобланади. Қолган Д.лар сохта-қалбаки Д.лардир. Уларни турли одамлар ўзлари тўқиганлар ва обрў-этиборини ошириш учун ўз таълимотларига илоҳийлик нисбатини берганлар. Гоҳида таълимот эгасининг ўзи ўз таълимотларининг илоҳий эканлигини даъво қилмаган бўлса ҳам, ундан кейинги келган шогирдлари бу даъвони қилган бўладилар. Кенг маънода Д. “маънавий олам”, “маънавият” сифатида “моддий олам” – дунёга қарама-қарши қўйилган. Бироқ бу ҳолат уларнинг ўзаро бир-бирларидан ажралганликларини англатмаган. Бу тушунчалар диалектикаси, уларнинг алоқадорлик ва қарама-қаршилик даражаси, уларнинг ҳар бирини фаолияти доираси азалдан диний ва ижтимоий мунозаранинг муҳим белгиси бўлиб келган (қ. *Қуръон*). Шахсий исмлар (мас., Салоҳад Д., Фаҳр ад-Д.), шунингдек, илоҳиётга доир адабиётларда Д. сўзи кўпинча “Ал-Ислом”га синоним сифатида қўлланилади.

ДИНИЙ ЖАМОА – диний ташкилотларнинг бошланғич, асосий ва энг оммавий тури. Д.ж.лар диндорларнинг ибодатда, диний маросимлар ва расм-русумларда биргалашиб иштирок этишлари жараёнида уларнинг диний эҳтиёжларини бевосита қондиради. Муайян жамоага бирлашган диндорларнинг диний тасаввурлари, ғоялари, эътиқодлари, белги ва рамзлари бир хил бўлади. Д.ж.лар ижтимоий ҳаётда ва давлат б-н муносабатларда мустақил фаолият кўрсатади. Фуқаролар Д.ж. тузилганлиги ҳақида диний марказларини ва диний ташкилотлар низомларини рўйхатга олувчи давлат идораларини хабардор қилиб қўйишлари шарт. Д.ж. одатда руҳоний ва қавмлардан иборат бўлади.

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР – фуқароларнинг диний таълимотлардан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва ҳатти-ҳаракатлари. Д.м. ҳар қайси дин вакилларининг ўз диний таълимотлари асосидан келиб чиққан. Ислом динида *ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза* ва *рамазон ҳайити, қурбонлик* ва *қурбон ҳайити, намоз, ҳаж* ва б. маросимлар бор. Ўзбекистонда Д.м.нинг бемалол амалга оширилиши таъминланади, аммо улар қонунларни, жамоат тартибини бузмаслиги ва шахсга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилмаслиги керак. Д.м.да қатнашиш фуқароларнинг хусусий ишидир ва ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Д.м.га амал қилинганлик ҳақидаги ҳужжатлар ҳуқуқий кучга эга эмас. Д.м. ибодатхоналарда, диний ташкилот муассасаларида, зиёратгоҳларда, қабристонларда, фуқароларнинг хонадонлари ва уйларида ўтказилади. Махсус бинолардан ташқарида Д.м. ёки оммавий ибодатлар ўтказиладиган ҳолатларда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият огоҳлантириб қўйилиши ва бундай тадбирлар қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши лозим.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ — диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. Айни вақтда фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатловчи тузилмалардан бири ҳисобланади. Д. т. ларнинг энг муҳим белгиси

– уларнинг ўз-ўзини бошқаришидир, яъни, улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилган. Д. т.ларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмайди. Улар ўз устав (низом)ларига мувофиқ ташкил топиш ва иш юритиш, ходимларни танлаш, тайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқига эгадир.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русмлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар ва б.) Д. т.лар деб эътироф этилади. Тегишли устав (низом) асосида фаолият юритувчи республика диний уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман ва шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ ҳудудида бўлган Д. т.лар тегишли вилоятлар, шунингдек, Тошкент ш. ҳокимияти адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади. Д. т. рўйхатга олингандан сўнг у юридик шахс деб тан олинади. Д. т.лар тасарруфида бинолар (масжидлар), транспорт воситалари, пул ва б. мулклар бўлиши мумкин. Д. т.ларнинг мулкий ҳуқуқи қонун томонидан ҳимоя қилинади.

ДИНИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ – илоҳиётни ўқитиб, руҳонийлар тайёрловчи мактаблар. Исломи динида мадрасалар илк Д.ў.ю. ҳисобланиб, улар диний ва тарихий асарларда 9-адан тилга олина бошлаган. Уларда кўп асрлар мобайнида илоҳиёт, тил ва шариат дарслари б-н бир қаторда, фалсафа, амалий фанлар ҳам ўқитилган. Кейинчалик мадрасаларда, асосан, диний таълим бериладиган бўлди. Фақат айрим мусулмон дорилфунунларида таълим аввалгисича қолди.

Ҳозир жаҳондаги кўн мамлакатларда олий, ўрта ва бошланғич маълумот берувчи кўплаб Д.ў.ю. мавжуд.

Исломи мамлакатларида ҳозир ҳам мадрасалар асосий Д.ў.ю. ҳисобланади. Миср Араб Республикасида ал-Азхар, Тунисда Зайтуна, Ҳиндистонда Алигарх, Покистонда Панжоб, Туркияда Анкара диний дорилфунунлари ва б. мавжуд. Ўзбекистонда 12 та Д.ў.ю. фаолият кўрсатади. Булар: Тошкентдаги Имом ал-Бухорий номли исломи ин-ти, “Кўкалдош”,

Бухородаги “Мир Араб” мадрасалари, шунингдек, Тошкентдаги “Ҳадичаи Кубро”, Бухородаги “Жўйбори Қалон” аёл-қизлар исломи ўрта махсус билим юртлари, Намангандаги “Мулла Қирғиз”, Урганчдаги “Фаҳриддин ар-Розий”, Нукусдаги “Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний”, Андижондаги “Саид Муҳйиддин Маҳдум” исломи ўрта махсус билим юртлари ва б. Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилгани учун Д.ў.ю. давлат халқ таълими тизимига қирмайди.

ДОВУД (ас) – Қуръонда номи зикр қилинган “Бани Исроил” қавмидан чиққан пайғамбарлардан бири. Аллоҳ Д.(ас)га пайғамбарлик б-н бирга подшоҳликни ҳам берган. Д.(ас)га Аллоҳ Забур китобини туширган. Забурни аҳли китоблар ал-Мазомир деб атайдилар. Бу китоб, асосан, диний шеърлар, Аллоҳни улуғлайдиган байтлар, Аллоҳнинг савоб ва иқоблари васфини ўз ичига олган. Д.(ас)нинг исмлари Қуръонда ўн олти ўринда зикр қилинган, унда Д.(ас) ҳақида гоҳида мухтасар ва гоҳида мукамалроқ тарзда маълумот берилган бўлиб, булар бир-бирини тўлдиради. Д.(ас) Толут (Шовл) аскарлари сафида хизмат қилиб юрган чоғларидаёқ, душманлар саркардаси Жолут (Жулиёт)га қарши яккама-якка муборазага чиқиб, ғолиб бўлганлар ва халқ орасида ном қозонганлар. Д.(ас)нинг ҳаёт кечириш тарзлари ҳам ўзгача эди. Қулларни тўрт қисмга бўлиб қўйгандилар. Бир кунни фақат ибодат б-н ўтказардилар. Бир кунни халқ орасида юриб, шунга қарата ҳукм чиқарар эдилар. Бир кунни халққа ваъзу иршод этиш б-н яна бир кунни ўзларининг шахсий ишлари б-н ўтказардилар. Аллоҳ Д.(ас)га бир неча мўъжизалар инъом этган эди, шулардан энг асосийси темирларни ўтда қиздириб, болғада уриб ўтирмай ундан ҳар хил нарсалар яшашлик қобилиятига эга эдилар. Темир Д.(ас)нинг қўлларида гўё шамдек енгил ва осон тарзда ҳар хил шаклга қиради. Бу борада Қуръонда Сабаъ сураси 10–11-оят ва Анбиё сураси 80-оятда баён қилинган. Қуръонда Д.(ас) ниҳоятда Аллоҳга ихлосли, ҳар доим зикру ибодатда бўлганликлари бир неча оятларда мадҳ этилган. Д.(ас) шундай хушовоз эдиларки, тасбеҳ айтиб Аллоҳга муножот қилганларида, тоғлару қушлар ул зотга қўшилиб тасбеҳ айтишарди. Лекин буни Д.(ас)дан бошқа одамлар сезмас эдилар. Шунингдек, Аллоҳ

Д.(ас)га мукаммал илм, даъволашувчи томонлар орасида одилона ҳукм қилиш қобилиятларини ато этганди. Бу ҳақда Сод сурасининг 17–19-оятлари нозил бўлган. Д.(ас) вафотларидан сўнг, барча мулк ва пайгамбарлик ўғиллари Сулаймон (ас)га мерос бўлиб қолди.

ДОМЛА – диний мактаб ва мадрасаларда талабаларни ўқитувчи шахс; дин ва шариат пешвоси. “Д.” сўзи қачон истеъмолга киргани ҳақида бирон ишончли манба йўқ. Лекин “Д.” “мулло” сўзидан олиниб, унинг асосида санскритча “додо” (ота) сўзи ётади. Дастлаб “мулло” сўзи олдига “додо” сўзи қўшилиб “додомулло” дейилган, сўнг қисқартириб “домулло” (“катта мулло”) бўлган.

ДОР ул-БАҚО (араб. боқийлик уйи) – ислом динида абадийлик дунёси, охират (нариги дунё) ҳақидаги тушунча. Бунга кўра, у жойда ўлим йўқ, доимий ёшлик ҳукм суради, ноз-неъматлар завол топмайди, таомлар ўз-ўзидан хазм бўлади, чиқиндилар бўлмайди. Қуръонда охиратнинг абадийлигига далилат қилувчи оятлар бор.

ДОР ул-ИСЛОМ (“Ислом ҳудуди”) – *дор ул-ҳарб*га зид равишда мамлакат ҳаёти тўлалигича шариат йўли б-н тартибга солиб туриладиган, мусулмон ҳукмдорлари қўл остидаги барча мусулмон мамлакатларнинг умумлашма белгиси.

ДОР ул-СУЛҲ (“тинчлик сулҳи ҳудуди”) – ислом футухоти даврида мусулмон бўлмаган аҳолининг мусулмонлар б-н тўланадиган солиқ миқдори ва аҳолининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб бериш ҳақида сулҳ тузган вилоятларни англаувчи умумлашма атама; сулҳ шартлари тузилмаган жойларда илгариги тартиблар мавжуд бўлган. Д. ул-С. аҳолиси (аҳл ас-сулҳ)га аҳл-уз-зимма сифатида қаралган, лекин Д. ул-С.лик савдогарлар дор ул-исломга қараганда 2 баробар кўп бож тўлашган. Халифалик парчаланиб кетгач, мусулмон-ҳукмдорлар ҳукм сурган барча вилоятлар, аҳолисининг таркиби ва қўшни соф мусулмон давлатлари б-н ўзаро муносабатлари қандайлигидан қатъи назар, дор ул-ислом сифатида қарала бошлаган. Номусулмон давлатлар б-н тузилган битимлар эса, давлатлараро оддий шартномалар мақомини олган.

ДОР ул-ФАНО (араб. фонийлик уйи) – ислом динида инсон яшаётган дунё (бу дунё) “фоний” (ўткинчи) эканлигини билдирувчи тушунча.

Унга кўра, бу дунё яхши ва эзу амаллар, савоб ишлар қиладиган жой; Д. ф.да *дор ул бақо* учун тайёргарлик кўрилади. Д. ф. ғояси тасаввуфда ривож топган, бу дунёга бефарқ қараш, дунё лаззатларидан воз кечиш айрим тасаввуф арбобларига хос амаллардан ҳисобланади. Бу дунёни Д. ф. деб аташ 9–10-аларда айниқса, *маломатийлар* тариқатида кенг расм бўлган.

ДОР ул-ХАРБ (“уруш ҳудуди”) – дор ул-сулҳ ташқарисида жойлашган номусулмон мамлакатлар; улар мусулмон фақиҳлари томонидан мусулмонлар б-н уруш ҳолатида турган мамлакатлар, улар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётганлиги эса, вақтинчалик сулҳ деб қаралган.

ДОРИМИЙ, тўлик исми Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Баҳром ибн Абдуссамад ад-Доримий ал-Ҳофиз ас-Самарқандий (794–869) – самарқандлик муҳаддис, муфассир, фикҳшунос, Имом ал-Бухорий устози. Ёшлигидан ақл-заковати, ўтқир қувваи-ҳофизаси б-н бошқалардан ажралиб турган. Ҳадис илми бўйича дастлабки билимни Самарқандда эгаллаган, сўнгра Миср, Шом, Ироқ, Хуросоннинг турли шаҳарлари ҳамда Макка ва Мадинада таникли олимлардан сабоқ олган Нажмиддин Умар ан-Насафий (12-а.) Д. ҳақида: “Имом ад-Доримий илми ҳадис, илми осор, илми суннатни Самарқандда юзага чиқарган зотдир” деб айтган. Д. Самарқанд султони томонидан қози қалон лавозимига таклиф этилади, бироқ қозихонада 1 та иш кўрилиши биланок, истеъфога чиқади. Д.нинг “Ал-Муснад”, “Ат-Тафсир”, “Ал-Жомеъ”, ва б. асарлари бор. “Ал-Муснад” асари “Сунани ад-Доримий” номи б-н машҳур. Ислом алломалари уни “Ас-Саҳиҳ” деб аташни таклиф қилганлар ва “Ас-Сихоҳ ас-Ситта” (“Олти саҳиҳ”) китоблари жумласига (Ибн Можанинг “Саҳиҳи” ўрнига) киритишни тавсия этишган. У ҳадисларни мавзуларга ажратиб баён этган.

Д. Самарқанддаги Чокардиза қабристонида (бошқа манбаларга кўра Марвда) дафн этилган. **ДОЪИЙ** (араб. - даъват этувчи, бирор нарсага чакирувчи) – ислом динини тарғиб қилувчи, даъватчи. *Исмоилийлар* фиркасида Д. диний лавозим ва унвон. Д. исмоилийлар таълимотидаги етти даражадан (расул (нотик), васий (асос), имом, ҳужжат, доъий, маъзун, мустажиб) бешинчиси. Д. фирқанинг махфий

таълимотидан хабардор ва уни тарғиб қилувчи ҳисобланган, фирқа раҳнаомларининг юқори қатламига мансуб бўлган. Д. унвони исмоилийлар раҳнаомлари орасида ҳозир ҳам амалда.

ДРУЗЛАР – шиаликда вужудга келган фирқа (диний гуруҳ). Асосан, Ливанда ва Сурияда яшайди. Уларнинг қарашлари *исмоилийлар* қарашларига яқин. Фирқа *фотимийлар* халифаси Ҳаким (996–1021 й. ҳукмронлик қилган) даврида пайдо бўлди. Ҳаким умрининг охирида ўзини худо деб эълон қилган ва ўзига эътиқод қилишни талаб этган. У сирли равишда ўлгач, Ливан ва Антиливан тоғларида яшовчи халқлар унга худо деб эътиқод қила бошлаган. Д. номи халифа Ҳакимнинг тарғиботчиларидан бўлган Ништегин Дарозий (1019 й. в.э.) исми б-н боғлиқ. Д. ақидаси ўта сирли бўлганидан фарзандларига ҳам қирқ ёшга етмагунча ўргатишмайди. Д. ақидаси бир қанча дин ва мафкуралардан ташкил топган. Жаннат, дўзах, савоб ва жазони инкор қилади. Қуръонни бутунлай инкор қилишади, ўзларининг хос мушхафлари мавжуд. Мусулмон олимлари Д.ни диндан чиққан оқим деб эълон қилган. Д. ақидасига кўра, худо одам киёфасига кириб, инсонлар ўртасида найдо бўлиши мумкин (шунинг учун улар Ҳакимнинг қайтишига ишонди). Д. Қуръон мазмунини мажозий талқин қилади. Жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги тасаввур туфайли ўлимга бефарқ қарайдилар, ислом дини маросимларини бажаришни шарт деб ҳисобламайдилар. Диний байрамлардан фақат қурбон ҳайитини ва шиаларда мотам маросими ҳисобланган *ашурони* нишонлайдилар. Д. суннийлар томонидан таъкиб этилгани учун шиаларга хос бўлган *тақийя* талабларига амал қиладилар. Барча исмоилийлар каби Д. ҳам шариятни тан олмайдилар. Д. икки қисмга; “омий” (“беҳабар”) ва “уққол” (“билимдонлар”, “хабардорлар”)га бўлинади. Д.да масжидга бориш, намоз ўқиш одати йўқ. Уларнинг ибодатхоналари “халво” деб аталади. Бу ерда пайшанба кунлари фақат “уққол”ларгина тўпланади. Ўрта асрлардан бошлаб Д. ўзларининг меросий мулкларига ва ҳукмдор амирлар сулоласига эга бўлган. Ливанда друз амирлари ҳокимияти, айниқса, Фахриддин II Маон (1590–1633) ва Башир II Шихоб (1788/9–1840) даврларида жуда юксалган. Д. Сурия

халқининг 1925–27 й.ларда французлар ҳукмронлигига ва 1958 й.да Исроилга қарши чиқишларида фаол иштирок этишган. Ҳоз. вақтда Д. Ливан миллий-ватанпарвар кучлари таркибида жамиятни қайта қуриш учун кураш олиб бормоқда.

ДУЛДУЛ – 1) Муҳаммад (сав) минган хачир (от) ларининг исми ёхуд лақаби. Уни пайғамбар (ас)га Муқавкис ҳадя этган, у зот эса, ҳазрат Алига совға қилган. 2) “Д.” сўзи арабларда бошини у-бу томон чайқаб юрувчи одамга нисбатан ҳам ишлатилади, шунингдек, типратикан ва жайра ҳам Д. деб аталади.

ДУО (араб. – илтижо, чақириш, сўраш) – Қуръон сура ва оятларидан ўқиб, сўнгра Аллоҳ таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш. Д. икки турли бўлади. Биринчиси, “маъсура”, яъни матни Қуръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган Д.лар. Уларни бузмай, қўшмай, қандай кўрсатилган бўлса, ўша тарзда ўқийдилар. Иккинчиси, “мухтараа”, яъни Д. матнини ўзи тўкиб, эркин ҳолатда илтижо қилиш. Ислом дини Аллоҳдан бошқадан мадад сўрашликни ман этади. Инсоннинг қўлидан келадиган ёрдамни инсондан сўраш мумкин. Ислом ақидаси бўйича, фарзанд ато этиш, шифо бериш, бало-қазодан асраш, инсоф-тавфик каби ҳожатлар фақат Аллоҳнинг ўзидан сўралади. Ундан бошқадан сўрашлик ширк ва куфр саналади. Д.нинг “маъсура” турлари бир неча шаклда таълиф этилиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Д.ни қайси тилда қилишнинг аҳамияти йўқ. Лекин ислом дини ақидаси бўйича, агар талаффузини ўрнига кўя олса ва мазмунидан огоҳ бўлса, Д.ни араб тилида ўқиш афзалдир. Кўпинча Д. б-н бир нарсани талаб қилиш маънолари бир-бирига аралашиб кетади. Шунинг учун талаб нимаю, Д. нима эканини аниқ билиб олиш алоҳида маъно касб этади. Талаб – сўровчи нутқ қиладиган лафзнинг васфидир. Менга тилаган нарсамни бергин, каби. Д. эса сўровчида пайдо бўладиган нафсий ҳолатдир. Мазкур нафсий ҳолат икки нарса б-н: қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда уларнинг ҳар бирининг синиқлик ва хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши б-н ва яна Д. қилувчининг Аллоҳ таолодан сидқидилдан ўзи қилган гуноҳларга тавба қилишни бошлаши б-н бўлади. Д. қилаётган пайтда қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда уларнинг ҳар бирининг синиқлик ва

хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши бўлмаса одатга кўра, икки қўлни кўтариб тилга келган талаб сўзларини такрорлаётган бўлади. Бундоқ вақтларда қалб ғофил бўлиши, тилда бир гап, ҳаёлда бошқа гап бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бу ҳолатни Д. деб бўлмайди. Бас, шундоқ экан, бу ишни қилаётган одамни фалончи Аллоҳ таолодан сўрамоқда дейишимиз мумкин, аммо фалончи Аллоҳ таолога Д. қилмоқда дея олмаймиз. Д. талаб қилинган нарсага эришишни тақозо қилувчи сабабдир. Сабабнинг эса, шартлари ва ман қилувчилари бор. Қачон шартлар ҳосил бўлиб, ман қилувчилар йўқ бўлса, талаб қилинган нарсага эришилади. Агар ундоқ бўлмаса, эришилмайди. Балки, гоҳида бошқаси, Д. қилувчи учун хайрлироғи ҳосил бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло Д.ларни ижобат ва ҳожатларни раво қилади.


ДУОИ БАД (форс. қарғиш) – кимнидир қарғаб, унинг зарарига қилинган дуо. Мас., ота-она қарғиши, мазлум қарғиши ва х.к. Ҳадиси шарифда ота-она, мусофир ва мазлум (зулм қилинган)ларнинг дуолари шаксиз қабул қилиниши таъкидланган. Дуои хайрнинг зидди – Д. бдир. Дуои хайрда кимнидир алқаб ёки олқишлаб, унинг ҳаққига қилинган дуо тушунилади. Пайғамбарлардан Нух (ас) ўз қавмларини Д. б. қилганлар. Натижада уларга Аллоҳ таоло тўфон балосини юборган. Исломи динида Д. б. қилиш тавсия этилмайди. Бир инсон ёки ҳатто фарзанд ёмонлик қилиб, кўп зарар келтирган тақдирда ҳам, уларнинг шаънига фақат дуои хайр қилиб, Яратгандан уларга инсоф-тавфик сўрашлик улуғ инсоний фазилатлардан экани уқтирилади.

ДУОХОНЛИК – дуо ўқиш, дам солиш б-н шуғулланиш. Дда Куръони карим ва ҳадиси шарифларда кўрсатилган муайян дуоларни ўқиш б-н дам солишга ислом дини нуқтаи назаридан руҳсат этилган, уни тўғри ўқиб, кўрсатилган тартибда ижро этиш мумкин; дуохоннинг

мантисиз, пойма-пой сўзларни ўзича ўқиб дам солиши мутлақо ман этилади ва у б-н шуғулланиш фирибгарлик, алдамчилик ва гуноҳ ҳисобланади. Умуман Д. касби б-н кифояланиб, жисмоний ёки ақлий меҳнат б-н шуғулланмаслик ҳам ақлан, ҳам шаръан салбий хусусиятлардан биридир. Яна қ. *Азайимхонлик*.

ДЎЗАХ (форсча; арабча – нор, жаҳаннам, жаҳим, сақар; ўзбекча – тамуг) – дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Исломи динидаги асосий тушунчалардан бири. Куръонда Д. ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган (6:128; 11:106, 107). Д.ни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Диний тасаввурга кўра, Д. даҳшатли чуқурлик, ичида олов ёниб туради. Д.га маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади, улар қайноқ сув ичади, у ерда ўсадиган заққум дарахтининг (шайтон бошига ўхшаган) меваси б-н овқатланади, чексиз азоб чекади, терилари қуяди. Куръонда таъкидланишича, “қачонки терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз” (4:56). Д. азобларидан яна бири – ачиштирувчи совуқдир. Д. бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Исломи динига кўра, Д.нинг етти дарвозаси бор: 1. Ҳовия. 2. Жаҳим. 3. Сақар. 4. Лазо. 5. Хутама. 6. Саир. 7. Жаҳаннам. Д.ни кўриқловчи фариштаннинг исми “Молики дўзах” деб аталади. Қалбида Аллоҳга имони бўлган бандалар Д.да маълум вақт азоб тортганларидан сўнг ўша имонлари шарофати б-н Д.дан чиқарилиб, жаннатга киритилади. Фақир-фуқаро, етим-есирларга раҳм-шафқат қилиш, мусулмонлар ва инсон боласининг оғирини енгил қилиш кўплаб бандаларнинг Д. ўтидан озод этилишига сабаб бўлади. Аммо, иймонсиз кишилар, кофир ва мушриклар Д.дан чиқмай доимий азобда қолади.





ЕВРОПА ИСЛОМ КЕНГАШИ – Европадаги 12 мамлакатда иш кўрувчи 30 дан ортиқ ислом марказлари ва ташкилотларининг фаолиятини бошқариб турувчи орган. 1973 йилда Лондонда тузилган. Кенгаш ислом тарихи муаммолари, долзарб сиёсий масалалар бўйича анжуманлар ўтказди, фаол тарғибот ишлари б-н шуғулланади. бир қанча вақтли матбуот нашрларини чиқариб туради.

ЕЗДРА, Эзра – Қадимий Ахдда номи келган роҳиб, Конунни ўргатувчи шахс. Қуръонда номи зикр этилган Узайр б-н бир деб ҳисобланади. Қуръонда айтилишича (9:30), христианлар Исо Масихни Худонинг ўгли дегани каби яҳудийлар Узайрни Худонинг ўгли деганлар. Ривоятларга кўра, яҳудийлар Таврот солинган қутини йўқотганларида Узайр ушбу муқаддас китобни тиклаб берган. Таврот топилганидан сўнг Узайр тиклаган китоб б-н бир хил экани маълум бўлган. Шундан сўнг яҳудийлар Узайрни Худонинг ўгли деганлар.

ЕТИМ – ислом таълимотига кўра, онадан эмас, отадан айрилган норасида (балоғат ёшига етмаган) гўдак. Чунки, фарзанд туғилганидан сўнг уни боқиб, вояга етказиш отанинг зиммасида бўлади. Е.нинг ҳаққини ейиш катта гуноҳ ҳисоблангани каби уни ўз қафолатига олиш, унга нисбатан яхши муомалада бўлиш энг улуғ савоблардан саналади. Бу ҳақда кўплаб Қуръони карим оятлари ва Пайғамбар ҳадислари мавжуд. Садақа бериш ва ҳар қандай эҳсон қилишда мискин, факирлар б-н бир қаторда Е.нинг ҳам ҳаққи бор экани зикр этилади.

ЁСИН, Йасин – *Қуръон*даги 36-суранинг номи. Сура аввалидаги “йа” ва “син” ҳарфларидан ташкил топган “ёсин” калимаси сурага ном бўлиб қолган. Бу сура Маккада нозил бўлган ва 83 оятдан иборат. Ё.нинг фазли ҳақида кўпгина ҳадисларда ривоят қилинган. Уларнинг аксариятида Ё. сураси Қуръоннинг қалби экани таъкидланган. Шунинг учун “Қуръон қалби” сурага иккинчи ном бўлиб қолган. Маккада нозил бўлган бошқа суралар каби Ё. ҳам асосий эътиборини эътиқод масаласига қаратади. Хусусан, қайта тирилиш, Пайғамбарлик ҳамда *Аллоҳ* таолонинг ваҳдонияти масалатарига алоҳида эътибор беради. Сураи кариманинг бошида Қуръони карим б-н қасам ичилиб, *Мухаммад* (сав)нинг ҳақиқий Пайғамбар эканликлари таъкидланади. Жаҳолатга ботган қурайш кофирларининг ҳаддан ошиб, Мухаммад (сав)ни ёлғончига чиқарганлари ҳақида сўз юритилади. Шундан сўнг бир қишлоққа юборилган Пайғамбарлар ва улар б-н ўша қишлоқ аҳолиси орасида бўлиб ўтган ҳодисалар келтирилади. Пайғамбарликни инкор этганларнинг оқибати нима б-н тугаганига урғу берилади. Иймонга келган бир одамнинг ўзини қандай тутгани ва унинг оқибати нима бўлгани ҳам ажойиб услуб б-н баён этилади. Кейин эса, *Аллоҳ* таолонинг борлиқдаги ваҳдониятига ва чексиз қудратига далолат қилувчи ҳодисалар ҳақида сўз кетади. Қуриб-қақраб ётган ерга ҳаёт кириши, кеча б-н кундузнинг алмашинуви, куёшнинг зиё сочиб, ўз ўрнида айланиши, оининг буржларга чиқиб-ботиб туриши ва б. жараёнлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек,


қиёмат куни ва унинг дахшатлари, сур чалиниб, ўликларнинг қайта тирилиши, уларнинг махшарга тўпланиши, кишиларнинг мўмин ва кофирга ажралиши, уларга мукофот ва жазо берилиши каби мавзуларга ҳам сурада ўрин берилган. Ё. инсонларнинг жисмоний азобларини енгиллаштиради, шунинг учун уни овоз чиқариб ўлим тўшагида ётган бемор тепасида ёхуд рўза вақтида ўқийдилар. Ё. дафн маросимида, қабр тепасида ҳам ўқилади. Хадиси шарифларда ривоят қилинишича, кимки бу сурани ихлос б-н ўқиса хожати раво бўлиши, оч бўлса қорни тўйиши, ташна бўлса сероб бўлиши, кийим-бошга эга бўлиши, хавф-хатарда бўлса хотиржамлик топиши, камбағал бўлса бой бўлиши, махбус бўлса озод бўлиши, қарздор бўлса қарзидан осон қутулиши каби ваъдалар баён қилинган. Ё. сураси ёзилган туморларни тақиб юриш қадимдан удум бўлган. Сура эркаклар исмида ҳам учрайди.

ЁФАС, Абу Турк (ғарб манбаларида Иафет, Яфет) с Нух пайғамбарнинг уч фарзандидан бири (Сом, Хом б-н бирга). Тўфондан сўнг омон қолган Нух (ас) ўғилларига Ер юзини бўлиб берган. Жумладан, Ё. «отасининг ҳукми бирлан... Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ҳқосига борди. Икки юз эллик йил анда турди. Тақи вафот тобди. Саккиз ўгли бор эди (Турк, Хазар, Саклаб, Рус, Минг, Чин, Камари, Тарих)» («Шажарайи турк»). Тўнғич ўгли номидан Ё.ни «Абу Турк» («Туркнинг отаси») деб ҳам аташган. Мирзо Улуғбекнинг ёзишига қараганда, Ё.га «Чин Машриқининг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўққилар ва бешинчи иқлимнинг қолган учдан бир қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулумотиғача ерлар бахш этилган эди... Айтадиларки, Турон замин ва Туркистонни Ё. (ас) ўзига асраб қўйган эди. Шу сабабли уни Абу-турк дейишган». Қадимда туркий ўлкаларда ёмғир ёғдирувчи тош (яда тоши) ёрдамида дуо ўқиб осмондан ёмғир-қор ёғдирувчи кишилар бўлган. Мана шу яда илмини Ё.га отаси Нух (ас) ўргатган деган нақл бор. Турк отасининг вафотидан сўнг Ё. унинг

ўрнига ўтириб юртни бошқарган. Халқ уни Ё. ўғлон деб атаган.

ЁКУТ ҲАМАВИЙ, Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёкуб ибн Абдуллоҳ ар-Румий (1179–1229) – машхур сайёҳ, географ, адиб, тарихчи. Болалик чоғида асир олинган. Уни бағдодлик савдогар Аскар ал-Ҳамавий Суриянинг Хама (Ҳамот) шаҳрида сотиб олган ва қулларга хос исмлардан Ёкут исмини бериб, Ҳамавий нисбаси б-н аталган. Ё.Х. савод чиқаргач, хўжасининг тижорат ишларини тартибга солиб турган. Кейинроқ савдо ишлари б-н хўжасига ҳамроҳлик қилиб кўп мамлакатларни кезган. 20 ёшида қулликдан озод қилинган, Бағдод ш.га бориб, илм ўрганишни давом эттирган. 13-а. бошида Хуросоннинг Марв ш.да яшаган. 1213 й. сафарга чиқиб, 16 й. давомида Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон я. о. жануби, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Мовароуннаҳрда бўлиб, география, тарих, филология, этнографияга оид маълумотлар тўплади. Манбалардан Ё.Х. ёзган қарийб ўнта асарнинг номи маълум. Шулардан 1224 й. ёзиб тугатган 14 жилдли топонимик асари «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар қомуси»)да Фарғона водийси шаҳар ва кишлокларига оид маълумотлар ҳам бор. Етти жилдли «Муъжам ул-удабо» («Адиблар қомуси») биографик асарида 7–13-а.лар бошигача яшаган ва араб тилида ижод қилган қарийб 1100 олим муфассир, муҳаддис, факих, адиблар ҳақидаги маълумотларни жамлаган. Асарда, жумладан, Ўрта Осиёнинг Хоразм, Бухоро, Марв, Ахсикат, Самарқанд, Фарғона, Фороб каби шаҳар ва вилоятларидан чиққан олимлар (Абу-л-Вафо Муҳаммад Ахсикатий, Абу Рашод Аҳмад Ахсикатий, Абу Наср Форобий, Мансур аш-Шоший, Абу-л-Ҳасан Ўзгандий ва б.)нинг номи зикр қилинган. «Муъжам ул-удабо»да муаллиф бухоролик Иффрикий ижодидан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаган. Бу икки йирик асар қўлёзмаси бизгача етиб келган, улар Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Ё.Х. асарлари 13-а.гача бўлган давр географияси, адабиёти, тили, тарихини ўрганишда муҳим манба саналади.





ЖАБАРИЙЛАР (араб. жабр сўзидан – зўрлик ишлатиш, мажбур қилиш маъносиди) – 7-а. охири – 8-а. бошида ислом илоҳиётида пайдо бўлган оқим тарафдорлари. **Ж.** исломда тақдир масаласида адашган деб тан олинган фирқалардан бири ҳисобланади. **Ж.** аҳли сунна вал жамоада тан олинган тақдир масаласини инкор қилади. **Ж.** инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон эса, ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидаларни илгари сурган. Ирода эркинлиги тарафдори бўлган қадарийларга **Ж.** қарши бўлган. Шунингдек, **Ж.** турли даврларда маълум муддат ҳокимият тепасида бўлган халифаларга таъсирини ўтказиб, сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. Натижада ўзига қарши оқим ва мазҳабларга тазйиқ ўтказган. **Ж.**ни ҳокимият тепасида турган умавийлар қўллаб-қувватлаб, уларга қарши бўлган диний фирқа ва сиёсий гуруҳларни таъқиб остига олган.

ЖАБРОИЛ – исломда тўрт бош фариштадан бири (Микоил, Исрофил, Азроил б-н бирга). Аллоҳ амрларини Пайгамбарларга етказиб, ваҳий келтирувчи (хабар берувчи), самовий офатларни ер юзиди ижро қилувчи фаришта; барча Пайгамбарларга жумладан Пайгамбаримиз (сав)га ҳам худо тарафидан

келган ваҳийлар фаришталар улуғи **Ж.** орқали келган. **Ж.** Аллоҳнинг иродаси б-н Муҳаммад (сав)га Қуръон оятларини етказиб берган. Қуръони қаримда **Ж.** “муқаддас руҳ”, “олижаноб элчи” номи б-н тилга олинади. Қуръондан кейинги ривоятларда **Ж.**ни аввало Муҳаммад (сав) ҳаётларидаги ўрни батафсил баён қилинган. У Расулulloҳга меърож кечаси ҳамроҳ бўлиб, у зотни эҳтиёт қилган ва йўл-йўриқлар кўрсатган, ҳарбий юришларда ва илоҳиётга доир мунозараларда кўмаклашган. **Ж.** бошқа Пайгамбарлар тарихида ҳам муҳим ўрин тутган. Аллоҳ таоло Одаматони яратиш учун **Ж.**ни тупроқ келтиришга юборган, **Ж.** Одамато жаннатдан қувилганида унга ғамхўрлик қилган, Нуҳ (ас)ни халос бўлишига ёрдамлашган ва Иброҳим (ас)нинг ўғилларини қутқарган, Юсуф (ас)ни кўп тиллардан бохабар қилган, Довуд (ас)га совут яшани ўргатган, Сулаймон (ас)га ёрдамлашган, Закариё (ас)га Яхё (ас)ни туғилишини башорат қилган ва б.

ЖАЗАВА (араб. “жазаба” сўзининг бузилган шакли) – кучли асаб кўзғалиши, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмай қолиш, ҳаёлот ва воқелик ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиши натижасида юзага келадиган ҳолат. **Ж.**нинг энг кўп турлари одатда шиаликдаги “*шахсей-вахсей*”да учрайди. Тасаввуф истилоҳида эса, **Ж.** тариқат аҳлининг илоҳий

ишқ таъсирида шавқу завққа тўлиши, *зикр* ва *самов* асносида ўзидан кетиш ҳолатлари сифатида талқин этилади.

“ЖАМОАТИ ИСЛОМИЙ” – Ҳиндистонда 1941 й. барпо бўлган умумҳиндистон партияси. 1948 й. унинг асосида мустақил “Жамоати исломий ҳинд” таркиб топди. Ҳоз. вақтда у сўл ислом оқимларининг умумий ғоявий уюшмаси сифатида Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешда (1971 й.дан) фаолият олиб бораётир. “Ж.И.”нинг назарий дастурини покистонлик Абул Аъло Мавдудий (1981 й.в.э.) ишлаб чиққан. Партиянинг низомига кўра, раҳбарият таркиби исломий қоида – мушовара (маслаҳат) асосида тузилади. Ташкилотни барча аъзолар томонидан сайланган амир бошқаради. Партияга аъзолик чекланган. Унга “шахсий ва ижтимоий ҳаётда шариат қонунларига қатъий риоя қиладиган”, синов муддатини ўтаган ҳамда қасамёд қилган шахслар қабул этилади. Мавдудий таъбири б-н айтганда, Покистоннинг атиги 4–5% аҳолиси ҳақиқий мусулмон ҳисобланиши мумкин. Шу боисдан партиянинг тўла ҳуқуқли аъзолари сони унча катта эмас (2500–3000), аммо унинг асосий кучини беҳисоб “тарафдорлар” ва “хайрихоҳлар” ташкил этади. “Ж.И.” ижтимоий жиҳатдан зиёлилар, талабалар, кичик мулкдорлар ва шаҳар қуйи табақалари ҳамда ҳарбийларнинг эскиликни ёқловчи тоифаларидан таркиб топган. Партиянинг асосий мақсади – ислом давлатини тузишдир. Бундай давлат тузумини Мавдудий “теодемократия” деб атади ва у “янги типдаги (яъни ўзига ўхшаган) уламолар томонидан бошқарилиши керак”. А. Мавдудий вафот этгач, партияга Миан Моҳаммад, Фафур Аҳмад ва Мавдудийнинг ўгли – Мавлоно Фаруқий раҳбарлик қилмоқда.

ЖАНАБА, ж у н у б (“ифлосланиш”; синоними нажаса) – ифлослантирувчи хатти-ҳаракатлар ёхуд ҳолатлар натижасида диний маросимдаги нопоклик. Ж. масалалари фикҳнинг ибодат бўлимида талқин этилади. Ифлослантирувчи нарсаларга қуйидагилар қиради: а) инсон танасидан чиқарган барча нарса, жумладан унинг ахлати, сийдик, маний, қусуғи, йиринг, ҳайз қони, баъзи мазҳабларга кўра ярадан оққан қон, кесилган соч ва тирноқлар ва б.; б) ҳаром ўлган ҳайвон, ишлов берилмаган тери, шох, ичак ва б.; в) вино ва б. маст қилувчи ва гангитувчи моддалар (агарда

улар тиббий мақсадларда ишлатилмаса); г) чўчка, ваҳший ҳайвон ва қушлар гўшти; д) кўриниши ва ҳиди бадбўй, ярамас бўлган барча нарсалар. Ифлосланиб қолувчи ҳолатларга, ювилмаган ўликка, агарда у шахид кетмаган бўлса қўл теккизиш, қон оқиши, жинсий алоқа, ҳайз кўриш, туғурук, оғир касаллик, айниқса бемор ҳушидан кетган бўлса, олис ва узок сафарга чиқиш, шунингдек, инсон ўз хоҳиш-иродасидан ташқари у ёки бу ман этилган нарсага қўл уриб қўйиши кабилар қиради. Қундалик жихозлар, уй-жой ва кийим бошнинг ифлосланиб қолиши худди ўшандай ҳолатларда юз беради, мас., хонадонга дайди ит кириб қолса, идишга вино қуйилса ёхуд унга чўчка гўшти солинса, кийимга қон тегса ва б. Агарда ифлосланиш гуноҳ иш ёки қонунга хилоф фаолият б-н боғланмаган ҳолатларда содир бўлса, мас., қассоб ёки кўнчининг иши б-н боғлиқ ҳолатда рўй берса, ғул қилиш б-н покланилади. Агарда у қандайдир ман этилган хатти-ҳаракатлар оқибатида содир бўлгудек бўлса, мас., ғирт маст бўлгунча вино ичилса, ман этилган алоқада бўлса ва б., у ҳолда ғулдан ташқари тавба қилиш зарур бўлади ва каффорат бериши лозим. Ифлосланган нарсалар ва хоналар яхшилаб тозаланади, ювилади ва шамоллатилади, бунда ифлосланишдан халос бўлиш ниятини тасдиқловчи дуолар ўқилади.

ЖАНДА – қ. *Хирқа*.

ЖАННАТ (араб. – боғ, бўстон, учмоҳ; форс. – беҳишт; дор ус-салом, дор ул-бако, дор ул-охир, дор ул-муқома, дор ул-муттақин, боғи эрам, фирдавс, иллиюн ва б. номлари бор) — тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Қуръонда Ж. ҳақида бир неча ерда баён қилинган (47: 15-55; 46-78; 76: 11-22). Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолида эзгу ишлар б-н шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан Ж.дан жой берилади. Ж.даги ҳаёт абадий, безаволдир. Ж.дагиларни Аллоҳ турли неъматлар б-н таъминлайди. У ерда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсаси муҳайё этилади, ҳатто жуфтлари ҳам бирга бўлади. Қуръонда Ж. дарахтзор остидаги ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, Ж.да ҳавзи Кавсар мавжуд

бўлиб, унинг суви оқ ва совуқлиги ҳамда хислатлари таърифланади. Хавзи Кавсардан Ж. аҳли сув ичади.

Ислом динига кўра, Ж.нинг саккиз дарвозаси бор. Булар Пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддик бандалар ва сахийлар; намозхонлар; закот берувчилар; амри маъруф, наҳйи мункар қилган мўминлар; нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; ҳаж ва умра қилганлар; Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар ва рўзадорлар кирадиган дарвозалардир. Ж.ни кўриқловчи фаришта “Ризвони жаннат” деб аталади. Ж.да энг олий неъмат – Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

ЖАНОЗА – исломда дафн этиш маросими; маййит, мурда, тобут. Қуръонда Ж. тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Фикҳга оид асарларда Ж.га батафсил тавсиф берилган. Ж. маросими турли мусулмон мамлакатларида турлича бўлиб, исломгача бўлган даврда ушбу халқларда мавжуд бўлган тегишли урф-одатлар б-н қоришиб кетган. Бирок, амалда ҳамма ерда риоя қилинадиган асосий қоидаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўлим яқинлашиб келаётганини сезган мусулмон калимаи шаҳодат келтириши лозим. Агар унинг ўзи буни амалга ошира олмаса, уни бошқа одам қулоғига шивирлаб айтиши лозим. Бемор “Ёсин” сурасини ўқиши ёки эшитиши керак. Ўлим содир бўлгандан кейин мурданинг юзи қиблага қаратиб қўйилади. Ундан сўнг мурдани одатда махсус одам – ғассол ювади (ғусул қилади). Ғусулдан сўнг мурда 2–5 қаватдан иборат тоза матога ўралиб қафанланади. Қафанлик одатда, оқ, яшил, қора мато бўлиши мумкин. Мурданинг кўзини юмиб, энгаги боғланади. Тиззалари бир-бирига боғланиб, қўллари кўкрагига буклаб қўйилади. Шундан сўнг уйида ёки масжидда марҳумга Ж. намози ўқилади. Ўз жонига қасд қилган ва динсизларга Ж. ўқилмайди (9:84/85). Чақалоқ лоақал бир марта овоз чиқариб йиғлаган бўлса унга Ж. ўқилади. “Шаҳид кетганлар” ғусул қилинмайди ва қандай кийимда қазо қилган бўлса, ўша кийимда дафн этилади. Ж. ўқилмайди. Агар ўлим эрталаб содир бўлган бўлса, ўша куни (имкон борича, кун ботгунга қадар), агар кундузи ёки кечаси вафот этган бўлса эртасига дафн этилади. Аёллар одатда, дафн маросимида қабристонга боришмайди. Уларнинг қаттиқ

овоз чиқариб йиғлашлари ҳам ман этилади. Қабрга маййитнинг яқин қариндошларини туширишади ва унинг юзи қиблага қаратиб қўйилади. Қабр имкон борича кенгроқ қилиб қавланади, унинг ён бурчагида туйнук бўлиб, ундан пастга қараган лаҳадга тушилади. Унда эътиқодга кўра, Мункарнакир савол-жавобга келганда маййит “ўтира оладиган” бўлиши лозим. Бунинг учун қафандаги боғичлар ҳам бўшатиб (ечиб) қўйилади. Дафн маросими Қуръон сура (одатда 1, 2, 18, 36, 44, 97-сура)ларини ўқиш б-н якунланади.

ЖАНОЗА НАМОЗИ – вафот этган мусулмонлар учун жамоат бўлиб ўқиладиган намоз. Маййит ювилиб, қафанланади, масжидга келтирилади. Жамоатнинг олдига юқорироқ ерга қўйилади. Имом жамоатнинг олдига ўтиб Ж.н.ни ўқийди. Ж.н.ни ўқувчи киши аввал: “Ният қилдим ушбу марҳум учун Ж.н.ни ўқимокка, иқтидо қилдим ушбу имомга. Холисан лиллоҳи Таоло”, деб ният қилади. Имом баланд овоз б-н, қолганлар имомга иқтидо қилиб ичда “Аллоҳу Акбар” деб қўлларини боғлайди. Иқтидо қилиб ўқувчи ичида такбир айтиб қўлларини боғлайди. Сўнгра овоз чиқармасдан “Сано”ни ўқийди: “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табароқасмука ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрук”. Сўнгра имом б-н биргаликда такрор такбир айтилади. Лекин қўллар кўтарилмайдди. Солли ва Барик дуолари ўқилади. Такрор яна қўллар кўтарилмаган ҳолда такбир айтилади, жаноза дуоси ўқилади. Жаноза дуосини билмайдиганлар эса, Қунут дуосини ёки дуо нияти б-н Фотиҳа сурасини ўқиса ҳам бўлади. Сўнгра имом б-н биргаликда такрор такбир қилиниб олдин ўнгга, кейин чапга салом берилади. Ж.н. ўқилиб бўлганидан кейин маййит мазорга олиб борилади, қабрга қўйилади, руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат ва дуо қилинади.

ЖАЪФАР ас-СОДИҚ, тўлиқ исми Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ (тахм. 700–765) – шиаликдаги *жаъфарийлик* мазҳаби асосчиси, шиаларнинг 6-имоми. “Содиқ” лақабини тўғри сўз бўлганлиги учун олган. Мадинада туғилган. Ж.ас-С. насаби ота томондан ҳазрат Алига, она томондан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Ж.ас-С. сиёсий фаолиятда мутлақо қатнашмаган, имомликка даъвогарлик ҳам қилмаган. У ҳокимият учун қуролли кураш

олиб боришнинг душмани эди, ўз кариндошларининг (739–740 й.ларда Зайд ибн Алининг Куфада, 762 й. Муҳаммад ан-Нафс аз-Закийнинг Хижозда) чиқишларини қоралаган. Лекин диний фанлар (хадис, тафсир, фикх)ни ўрганишда оилавий анъанани давом эттирган ва “муътадил” шиаларнинг маънавий раҳбари бўлган. У фикх ва илоҳиёт масалалари муҳокама қилинадиган мажлислар ташкил этган. Расулуллоҳ авлодлари (аҳли байт)нинг энг кўзга кўринган олимларидан бирига айланган. Ж.ас-С. дин усулларини ишлаб чиққан. Унинг кимёга оид бир неча рисолатлари бўлган. Хоз. баъзи мусулмон уламолари Ж.ас-С. “араб илмий анъанасининг отаси” деган фикр билдирадilar.

ЖАЪФАРИЙЛИК – шиаликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаб. Унга *Жаъфар ас-Содиқ* асос солган, деб ҳисобласалар-да, аслида 9–10-а.ларда бир неча мужтаҳид ва илоҳиётчилар томонидан ишлаб чиқилган. Ж. суннийликдаги 4 мазҳаб (ҳанафийлик, моликийлик, шофийийлик ва ҳанбалийлик) қатори исломда 5-диний-ҳуқуқий мазҳаб (имомийлар) деб тан олинган. Ж. имомийлик ёки исноашъарийлар деб ҳам юритилади. Шиаликдаги имомийлик мазҳаби ўзининг шариат ҳукмларини Имом Жаъфар ас-Содиқ(ра) фикҳидан олгани учун Ж. деб номланади. Бу мазҳабда ижтиҳод эшиклари очик ҳисобланиб мужтаҳид Куръон ва суннатга таянган ҳолда ижтиҳод қилиши мумкин. Ж. мазҳабининг суннийликдаги мазҳаблардан асосий фарқи: жаъфарийлар қиёси Куръон, сунна, ижмоъдан кейинги шариат манбаи эканлигини рад қилади, шиаликдаги имомлар нақлларинигина тан олади, вақтинчалик никоҳ (мугъа)га йўл қўяди, хавф пайдо бўлган чоғда ўз эътиқодларини яширади, ижтиҳод (диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш)га имкон яратади. Ж. 16-а. бошларидан Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқий мазҳабга айланган.

ЖАҲАННАМ – қ. *Дўзах*.

ЖАҲМ ибн **САФВОН**, Абу Муҳриз (? – 745) – машҳур илоҳиётчи, *жабарийлар* вакили, воиз. Умавийларнинг Хуросондаги ноиби Наср ибн Сайёрга қарши қаратилган қўзғолонда қатнашиб асирликка тушган ва қатл этилган. Ж.и.С. мусулмонлар анъаналарида Куръоннинг яратилганлиги ғоясини биринчи бўлиб айтган Жоид ибн Дирҳамнинг шогирди. У қазо ва

қадарга ишониш тарафдори бўлиб, антропоморфизм (худони инсонга ўхшаш қиёфада деб билиш)нинг душмани эди. Ж.и.С. таъкидлашича, инсоннинг ихтиёри ўзида эмас, унинг хоҳиши ва орзулари амалга ошмайди, у мустақил ҳаракат қилишдан маҳрумдир. Имон–Аллоҳ ҳақидаги билимдир, имонсизлик – Аллоҳ ҳақида ҳеч нарса билмасликдир. Агар инсон Аллоҳни таниган-у, сўнгра сўзда ундан юз ўгиргаи бўлса ҳам, у имонли бўлиб қолаверади. Имон (Аллоҳ ҳақидаги билим) пайғамбардан оддий мусулмонгача – ҳамма учун бирдир. Муътазилийлар каби Ж.и.С. ҳам худони кўз б-н кўриш имкониятини рад қилди. Куръоннинг яратилганлигини ва ваҳий келгунча ақлий билим зарурлигини эътироф этди. У Аллоҳ имкониятларининг ҳам чегараси борлиги ҳақида мулоҳаза юритди. Вафотидан кейин унинг номи б-н аталувчи жаҳмия илоҳиёт мактаби шаклланди. 9-а.да суннийлик ва муътазилийлик оқимларига мансуб илоҳиётчилар бу таълимотни “рад этувчи” жуда кўп асарлар ёздилар. Улар ичида Аҳмад ибн Ханбал, Ибн Қутайба, *Доримий* ва б. бор эди.

ЖИЗЯ (араб. – жон солиғи) – дастлаб араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатлари (жумладан, Ўрта Осиё) да мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Ж. балоғатга етганларга солинган (қариялар, аёллар, болалар, кул ва ишга яроқсизлар эса Ж.дан озод қилинган). Ж., асосан, пул ва натура тарзида ундирилган. Ж. 3 хил бўлиб, йилда бир марта олинган. Ишга яроқли эр кишидан 12 дирҳам, ўрта ҳолдан 24 дирҳам, бойдан эса 48 дирҳам олинган. Зеро, мусулмон давлати, мусулмон бўлмаган фуқароларни ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни ташқи ва ички тажовуздан сақлаши лозим. Шунинг эвазига ундан Ж. олинади. 48 дирҳам берувчи ҳар ойда 4 дирҳамдан, 24 дирҳам берувчи ҳар ойда 2 дирҳамдан, 12 дирҳам берувчи ҳар ойда 1 дирҳамдан берадилар. Агар улар исломни қабул қилсалар Ж.дан озод қилинганлар.

ЖИН (араб. тўсилган, яъни одамлар кўзидан тўсилган нарса; кўплиги – ажина) – Аллоҳ яратган уч тоифадаги ақлли мавжудотлардан бири (фаришталар ва одамлар б-н бир қаторда). Куръони карим нозил бўлаётган пайтда араб қабиалари Ж.ларга махфий, норавшан худолар деб эътиқод қилардилар. Улар Ж.ларнинг насаби Аллоҳ таолога етиб боради, унинг

Ж.лардан шериклари бор, деган бузук эътиқодга ҳам бўйсунитарди. Шунингдек, араблар Ж.лар ғойибдан хабардор, фолбин ва мунажжимларга осмон сирларини айтиб туришади, деган ўйда эдилар. Арабларда Ж.ларнинг ҳукми ер юзида ўтади, деган хом хаёл бўлиб, агар улардан бирорталари маълум бир ерга бориб ётиб қолмоқчи бўлсалар, “Ушбу жойнинг хўжайин Ж.идан паноҳ сўрайман”, деган маънодаги дуони қилишарди. Хоз. вақтгача кишиларда юқоридаги айтиладиганларга ўхшаш турли-туман бузук, бидъат-хурофотдан иборат тушунчалар мавжуд ва улар бу ёлгон эътиқодга бўйсунадилар. Исломи илоҳиётчилари Ж.ларнинг мавжудлигини тан оладилар. Шу б-н бирга Ж.лардан қутиладиган мавҳум кўрқинч ва хавфу хатарни ҳам рад этади. Ж.лар ҳақиқатда бор мавжудотлар бўлиб, асли ўтдан яратилган. Ж. сўзининг луғавий маъноси аввал айтилганидек, тўсилган дегани, яъни одамлар кўзидан тўсилган нарса. Шу сабабли ҳам у инсонларга кўринмайди. Улар ўзлари кўринмай туриб, одамларни ва б. нарсаларни кўришлари мумкин. Шу б-н бирга турли шаклларга киришлари ҳам мумкин. Ж.лар эркак ва аёл жинсига мансуб, дашту биёбонлар, тоғ ва ўрмонларда яшайди. Улар бир неча тоифадан иборат, ғул, ифрит, силот тоифасидагилари машҳур. Шайтонлар Ж.ларнинг ёвузларидир. Қуръонга кўра, Муҳаммад (сав)ни Аллоҳ инсонларга ҳам, Ж.ларга ҳам юборган. Ж.ларнинг бир қисми Расулудлоҳ томонидан ўқилган Қуръон тиловатини эшитиб, динга эътиқод қўйган ва исломни тарғиб қилган. Уларнинг ичида ҳам худди одамларга ўхшаб имонсиз-имонли, яхши-ёмон, адашган ва ҳидоятда юрганлари, фирибгар ва соддалари бор. Ж.лардан ҳам Қуръонга, Пайғамбар (ас)га имон келтириб яхши йўлда юрганлари жаннатга, имонсиз бўлиб ёмон йўлда юрганлари дўзахга тушадилар. Улар одамларга ҳеч қачон ёрдам бера олмайдилар ва ғойиб сирларини билмайдилар, чунки Қуръони карим нозил бўлгандан сўнг улар бу хислатлардан маҳрум бўлганлар. “Сабаъ” сурасида бир гуруҳ Ж.лар Сулаймон (ас)га хизматкор бўлганликлари, у зот ҳассага суяниб туриб вафот этганликларидан сўнг ҳам тирик, кузатиб турибди, деб ўйлаб, машаққатли ишда давом этганликлари ҳақидаги оятлар бор.

Исломдан аввалги вақтда Ж.лар осмонга чиқиб малоикаларнинг ўзаро суҳбатларини, жумладан яқин кунларда содир бўладиган баъзи ишлар ҳақидаги маълумотларни яширин эшитиб, ердаги фолбин у мунажжимларга бирга ўрни қўшиб етказишар эди. Орадан анча вақт ўтиб, осмон хабарига қулоқ осгани чиқсалар, уларни юлдузлардан узилиб чиққан учкунлар уриб ҳайдайдиган бўлиб қолибди. Улар ерга ўз қавмлари ҳузурига қайтиб, “Нима бўлди экан, бизни учкунлар қувадиган бўлиб қолди-ку? дейишади. Шунда баъзилари, дунёда улкан, оламшумул ўзгариш бўлган бўлса керак, дейишади. Машриқу мағрибни кезиб биздан осмон хабарини тўсган нарсани қидириш зарур, деган қарорга келиб, сафарга отланадилар. Ривоятларда нақл қилинишича, Насийбин номи б-н аталувчи жойда яшовчи Ж.лардан етти нафари Пайғамбаримиз (сав) бондод намозини қироат қилаётганларини эшитиб тўхташган, биздан осмон хабарини тўсган нарса шу, деб ўз қавмларига қайтиб, бўлган ҳодисани айтадилар. Шунда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига “Жин” сурасини нозил қилди. **ЖИРЖИС** – мусулмон ривоятларида зикр этилган шахс. Аллоҳга эътиқод қилувчи фаластинлик такводор. Исо (ас) хаворийларидан бирининг шоғирди. Ж. эътиқоди йўлида золимлардан паноҳ излаб Ироққа, золим, бутпараст Мосул подшоси ҳузурига келади. Подшо уни эътиқодидан қайтариш учун турли азобларга солади, лекин Ж. уларга осонликча бардош беради. Шунда уни қайта-қайта қатл қиладилар, лекин ҳар бир қатлдан сўнг Аллоҳ уни тирилтирган. Ж. учун Аллоҳ яна бошқа мўъжизаларни ҳам намойиш этади – камбағал бечора кампирнинг ўлган хўкизларини тирилтиради, ўликларни қабрдан турғизади, ёғоч курсиларни дарахтга айлантиради ва б. Пировардида Аллоҳ малъун подшо ва унинг шаҳрини йўқ қилиб ташлайди. Ж. ҳақидаги ривоятлар христианликдаги авлиё Георгий ҳақидаги ривоятлар б-н ҳамоҳангдир. Мусулмонларда у *Хизр* ва *Илос* номлари б-н бирга келади.

ЖИХОД, ғазавот (араб. – ғайрат қилиш, кучни ишга солиш) – дин йўлида кураш. Дастлаб Ж. дейилганда исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушуниланган. Бу курашга нисбатан Қуръонда Муҳаммад (сав)нинг Макка ва Мадинада кечган ҳаёт фаолиятларининг муайян

шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича кўрсатмалар бор: 1) кўпхудоликлар б-н можарога бормаслик ва уларни оқиллик ва одоб б-н ҳақиқий динга оғдириш; 2) ислом душманларига қарши мудофаа уруши олиб бориш; 3) ғайридинларга хужум қилиш, лекин муқаддас ойларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаслик; 4) улар б-н ҳар вақт ва ҳамма жойда кураш олиб бориш. Ж. сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди, бунинг учун араб тилида “қитол” сўзи ишлатилади. Ж. сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб Ж.нинг турлари ҳам кўпайган. Ислолда Ж. маъноси аввало уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз б-н даъват қилиш маъносида юзага келган. Инсоннинг ҳавойи нафсининг куйига кирмаслик, уни енгиб шариятга мувофиқ яшаш учун жон жаҳди ила қилган ҳаракати, ҳақ сўзни жойини топиб айтмоқлиги Ж.га киради. Фарзандни ота-онаси хизматида бўлиши ҳам Ж.дир. Исломининг дастлабки ўн уч йили давомида Муҳаммад (сав) бошлиқ саҳобалар Маккада уруш маъноси бўлмаган Ж.ни олиб борганлар. Ўша вақтда Аллоҳ таоло мусулмонларнинг мушрикларга қарши куч ишлатишини ман қилган эди. Шу б-н бирга улардан етган азоб-уқубат ва озорларга сабр қилишга амр қилган ҳам эди. Фақатгина хижратнинг иккинчи йили (мил. 624 й.) Куръони карим таъбири б-н айтилганда “Ўзларига қарши уруш очганларга уларга зулм қилингани учун (урушга) изн берилди”. Ислолда Ж. ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради. Дунёда фитна бўлмаслиги учун, Аллоҳ динининг устун бўлиши учун қилинадиган Ж. фарзи кифоя ҳисобланади. Бунда дунё бўйича Исломини тарқатиш, Аллоҳнинг дини йўлидаги говларни йўқотиш учун Ж. қилинади. Кимки Ислол даъвати йўлига тўсиқ бўлмаса, эрки ўзи б-н – хоҳлаган динига эътиқод ва амал қилиши мумкин. Агар душманлар бирор мусулмон юртига уруш қилиб, бостириб кирсалар, Ж. ҳамма мусулмонларга фарзи айн бўлади. Ж.га кўра агарда мусулмонлар юртига ташқаридан хужум бўлмаса, балогат ёшига етмаганлар, ақли норасолар, хизматкорлар, аёллар, бемор-заифлар, сафар аслаҳалари бўлмаган кишилар, шаҳарнинг энг яхши фақиҳлари, ота-онаси Ж.га қатнашишга розилик бермаганлар ва қарз берган кишининг руҳсатини олмаган қарздор Ж.дан озод

қилинган. Урушаётган томонларнинг ўзаро муносабатларига нисбатан Ж.га кўра рақиб қароргоҳида аёллар ва балогат ёшига етмаганлар мусулмонларга қарши курашаётган бўлса, уларни ўлдириш ман этилган. Катта ёшдаги эркаклар ҳарбий асирга айлантирилган. Шу б-н бирга ханафийлар бу қондани ҳарбий ишга ва авлод (зурриёт) қолдиришга ноқобил бўлган кишиларга (кексалар, роҳиблар ва б.) татбиқ етмаганлар. Ҳарбий асирларга нисбатан имом уч хил йўл тутган: қатл этиш, товон эвазига озод қилиш, қулга айлантириш. Агар у ҳарбий асирни қатл этишга ҳукм қилмоқчи бўлса, то бу қарор амалга ошмагунча асирни қийноққа солиш ва жисмонан майиб қилишга ҳеч бир кимсанинг ҳаққи бўлмаган. Ислолни қабул қилган асирларни ўлдиришга руҳсат этилмаган. Барча мазҳабларга биноан мусулмонлар яшайдиган ҳудудга олиб ўтишни иложи бўлмаган рақибнинг мол-мулки йўқ қилиниши лозим бўлган (бирок чорва-мол хусусида ягона бир фикрга келинмаган). Охири пайтларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи диний экстремистик гуруҳлар тўғрисида сўз юритилганда кўпинча Ж. сўзи ишлатилмоқда (мас., Мисрдаги “Жиход”, Ливандаги “Ислол жиҳоди” ва ҳ.к.). Аслида Ж. Аллоҳ йўлига, ислол динини ёйиш мақсадига бутун куч ва имкониятларни сарф қилиш маъносини англатиб келган ва баъзида муайян шартлар бўлгандагина ҳарбий куч ишлатишни ҳам тақозо этган. Шу маънода Ж.ни “муқаддас уруш” деб талқин қилиш одат тусига кириб қолган. Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёда Ж. кўпроқ “газавот” номи б-н маълум бўлган. 9 – 10-алардан Ж. янги мазмун б-н тўлдирилди: Аллоҳ йўлида ўзни такомиллаштириш тушунчаси (яъни маънавий Ж.)га 4 Ж. – қилич Ж.и, қалб Ж. и, қўл Ж.и ва тил Ж.и ҳақидаги тасаввурлар қўшилди. Миллий-озодлик ҳаракатлари даврида Ж. ғоясидан мустамлакачиликка қарши курашда фойдаланилди. Умуман, ҳоз. замон мусулмон назариётчилари Ж.ни ислолни тинч йўл б-н ёйиш, уни ташқи тазйикдан ҳимоя қилиш учун мусулмонларнинг куч ва ғайратларини сафарбар этиш воситаси деб таърифлайди. Мўътадил ислол (аҳли сунна вал жамоа) тарафдорларининг эътиқодига кўра, куч ишлатиш – “кичик Ж.”, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз нафси б-н кураши ва

маънавий баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракати эса, “буюк Ж.” ҳисобланади. Ҳоз. кунда халқаро майдонда ислом дини б-н ниқобланган террорчилар Ж.дан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

ЖОБИР ибн АБДУЛЛОХ, тўлик исми Жобир ибн Абдулло ибн Амр ибн Ҳаром ал-Хазражий ал-Ансорий ас-Суламий (? – 697) – саҳоба. Отаси Абдулло ибн Амр ва унинг ўзи Расулulloх (сав)нинг хизматларида бўлган. Ж.и.А. Расулulloх б-н бирга 19 та газотда иштирок қилган. Умрининг охирида Мадинада, Масжиди Набавийда ҳалқа ташкил қилиб дарс берган. “Саҳиҳ ал-Бухорий” ва “Саҳиҳ Муслим” китобларида унинг ривоятида 1540 та ҳадис келтирилган.

ЖОИЗ (араб. – ижозат берилган, йўл берилган) – шариатдаги мубоҳ тушунчасининг синоними.

ЖОЙНАМОЗ – *намоз* ўқиладиган тўшама. Ж. ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил, деб тасаввур қилинади. Ж. турли матодан тайёрланади. Ж.нинг бош томонига бурчак (меҳроб) шакли тикилган бўлади. Катта-кичиклиги ҳар хил. Намоз ўқишда ўрни келганда покиза гилам ёки чопон, қийикча қабилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ж. устида намоз ўқиш илк ислом даврида кенг тарқалмаган, балки ерда, бўйрада ҳам намоз ўқилаверган. Ҳозирда Ж. кенг кўламда қўлланишидан қатъи назар, зарурат тақозо қилган пайтларда пок тупроқ ёки ўтлоқ устида ибодат қилиш мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Ж. тайёрлаш – мусулмон мамлакатларда амалий санъатнинг анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ж.дан асосий мақсад намоз ўқиладиган жой покиза бўлишини таъминлашдан иборат.

ЖОЛУТ – Қуръонда зикр этилган шахс. Толут (Саул)га душман қўшин бошлиғи. Қуръонда айтилишича, Толут Ж.га қарши оз сонли қўшин б-н отланган, бироқ Аллоҳ таолонинг ёрдами б-н зафар қозонган. Ж. Довуд (ас) томонидан ўлдирилган (2:249/250–251/252). Мусулмон ривоятида бу уруш ҳақида анча батафсил берилган. Ж. тўғрисидаги ривоятлар келиб чиқиши жиҳатидан турли (барбар, хананей, одий, самудийлардан) бўлса-да, лекин у Фаластиннинг туб аҳолиси вакили саналади. Мусулмон ривояти Ж. шахси атрофида исроилликларнинг қўшни халқлар б-н кураши ҳақидаги бошқа ривоятларни ҳам гуруҳлаштирган.

ЖОМЕ МАСЖИД – Ислом мамлакатларида шаҳар марказидаги ёки нисбатан катта ҳудуддаги асосий ва энг катта бош *масжид*. Жамоа учун зарур турли хабарлар эълон қилинадиган, ҳафталик жума, ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқиладиган махсус бино. Шаҳар ташқарисида м у с а л л о , н а м о з г о х. Жума масжид, гузар (маҳалла) масжидларига нисбатан унинг тузилиши салобатли. Ўрта Осиёда Ж.м.нинг умумий тарҳи мурабба ёки тўғри тўртбурчакли хонақоҳ бўлиб, бир (олд ёки ён) томони, икки (жан. ва шарқий ёки шим. ва шарқий) ёки уч томони айвон б-н ўралган. Хонақоҳ томи гумбазли ёки тўсинли. Айвон ва хонақоҳ катталиги тўсинлар сони ва қатори б-н белгиланган, баъзан хонақоҳ 1, 2, 4 гумбазли, айвонлар атрофи қатор устунли, бурчакда азон айтишга мўлжалланган мезана ва ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Бухорода биринчи Ж.м. 713 й. Қутайба ибн Муслим томонидан таъсис этилган. Ж.м. учун маҳаллий мажусийлар ибодатхонаси мослаштирилган. 14–15-а.ларда Ж.м. қурилишига даврнинг машҳур меъмор ва муҳандислари сафарбар қилинган.

ЖОМИЙ, Абдурахмон Нуриддин ибн Аҳмад (1414–1492) – форс-тожик шоири, мутафаккири ва мутасаввифи. Нишопур яқинидаги Жом ш.да, руҳоний оиласида туғилган. Отаси Низомиддин Аҳмад шайх ул-ислом мансабига тайинлангач, оиласи б-н бирга Хиротга кўчиб келади. Бу ерда Ж. араб тили, илоҳиёт, тасаввуф, адабиёт асосларини ўрганadi. Таҳсилни охирига етказиш мақсадида Самарқандга бориб, Улуғбек мадрасасида ўқийди. Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари алломаларнинг маърузаларини тинглайди. Уламо Фазлуллоҳ Абуллайсдан Қуръон, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича сабоқ олади. Баҳоуддин Накшбанд сулукига мансуб шайх Саъиддин Кошғарийга мурид бўлиб, ҳурматини қозонади ва қизига уйланади. Хиротга қайтиб, дарвишона ҳаёт кечиради, ўз даромади ҳисобига бу ерда икки мадраса ва хонақоҳ, Жомда бир масжид қурдиради.

Ж. Хирот нақшбандийлик тариқатининг пири ва муршиди бўлган. Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий Ж.ни ўзларига пир ва устоз деб танишган. Ж. учта девон тузган, “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) дostonлар туркумини яратган. Шунингдек, диний-фалсафий

мазмундаги асарлар ҳам Ж. ижодиётида катта ўрин эгаллайди. “Пайғамбарликка далиллар”, “Накшбанд таълимоти ҳақида рисола”, “Зикр шартлари ҳақида рисола”, “Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола”, “Хожалар тариқати ҳақида рисола” ва б. асарларида ислом дини, тасаввуф, фалсафанинг асосий масалалари юзасидан ўз фикрларини баён этади. Жумладан, “Муқаддас даргоҳдан эсувчи дўстлик шабадалари” асари тасаввуф тарихини ўрганишда муҳим манба саналади, унда 616 нафар мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мухтасар маълумотлар бор. Навоий бу асарни Ж. вафотидан сўнг тўлдиришлар б-н туркий тилга таржима этган.

Ж. асарларида диний-тасаввуфий мазмун, Аллохни таниш ва билиш б-н боғлиқ ҳақиқат мажозий йўлда ифодаланган. Ж. Аллохни ёруғ нур кўринишида тасаввур этади, уни гўзал маҳбуб қиёфасида тасвирлайди. Аллох мингларча кўзгуда, турли қиёфа ва кўринишда намоён бўлади. Ж. ҳаёт, инсон гўзаллиги, туйғу ва эҳтиросларига тасаввуфий маъно беради. “Аҳрорлар учун тухфа” асарида тасаввуфга оид атамаларни изоҳлайди.

Ж.нинг дин, хусусан тасаввуф, араб тилига оид асарлари қайта-қайта нашр этилган, кейинги даврларда ҳам мадрасаларда дарслик ва қўлланма вазифасини ўтаган.

ЖОҲИЗ, ал-Жоҳиз Абу Усмон Амр ибн Баҳр (тахм. 767–868) – басралик араб мутафаккири. Муътазиллийлар оқими назариётчиларидан бири. “Ал-жоҳизия” деб ном олган илоҳиёт мактабининг асосчиси. Ж. юнон табиат фалсафаси гоялари таъсирида модданинг абадийлиги ва хусусиятларининг доимий ўзгариб туриши ҳақидаги фикрларни баён қилган. Ж. тирик ва ноорганик жисмлар ўзига хос табиий хусусиятларга эга, деб ҳисоблайди. Ж. инсоннинг ирода эркинлигини табиий интилиш сифатида талқин этган. Ақл-идрок берадиган далилларни ислом ақидаларига татбиқ этиш тарафдори бўлган. Хайвонот оламига бағишланган 10 жилдли “ал-Ҳайавон” номли, араб тили нотиклигига оид “ал-Байон ват-табийн”, бахил одамлар ҳаётидан олинган ҳажвий ҳикоялар ёзилган “ал-Бухало” каби асарлари ҳоз. кунгача етиб келган.

ЖОҲИЛИЯ (араб. билимсизлик ҳолати, жаҳолат) – араблар тарихининг исломдан илгариги даврига берилган ном. Аниқроқ қилиб

айтганда, одамлар ҳаётида Исо (ас) б-н Муҳаммад (сав) оралигидаги пайғамбарсиз ўтган давр тушунилади. Ж. тушунчаси Куръоннинг бир неча сураларида учрайди (“Оли-Имрон”, 154: “Моида”, 50; “Ахзоб”, 33; “Фатҳ”, 26). Ж. атамасининг пайдо бўлишига муайян сабаблар бор эди. Зеро, исломдан олдинги арабларнинг кўпчилигига “жаҳл” туйғуси хос эди. Бу бошқаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна муносабатда бўлишда ўз ифодасини топарди (қасос олиш зарурати, гўдак қизларни тириклайин кўмиш, ўзга қабила вакилига душман сифатида қараш ва б.). Исломдан илгари Арабистонда қонунсизлик, ахлоқсизлик, зўравонлик ҳукм сургани учун ҳам кейинги авлод ўша даврни ҳақли равишда Ж. деб атаган. Бундан ташқари, Ж. даври арабларининг диний тасаввурлари ҳам кам тараққий қилган, содда ҳолда бўлган. Ж. араблари нариги дунёга ишонмасди. Ислом галабасидан сўнг улар “дахрий”лар ёки “мушрик”лар (Аллоҳга бошқа худоларни шерик қилувчилар) деган номларни олди.

ЖУББАЙЙ, Абу Али Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (850–915) – Басра муътазиллийларининг пешвоси ал-*Ашъарий*нинг ўғай отаси ва мураббийси. Жубба ш. (Хузистон)да туғилган, Басрада Абу Ёқуб аш-Шаххомдан таълим олган, унинг вафотидан (880 й.) сўнг муътазиллия мактабининг пешвоси сифатида устози ўрнини эгаллаган. Ж.нинг асарлари сақланиб қолмаган. Умуман унинг қарашлари муътазиллийлар анъанаси руҳида бўлган.

ЖУВАЙНИЙ, Абул Маъолий Абдулмалик ибн Абдуллоҳ, Имом ал-Харамайн (1028–85) – ашъарий каломининг етук намоёндаси. *Ғазолий*нинг устози. Нишонур яқинидаги Азовар қишлоғи (Жувайн тумани)да туғилган. Нишопурда Абул Қосим ал-Исфароиний (1059 й. в. э.) раҳбарлигида калом ва усул уд-диндан, отасидан эса – фикҳдан сабоқ олган. Отаси вафотидан сўнг 19 ёшли Ж. отаси ўрнига шофиъий фикҳи мударриси вазифасини эгаллаган. Салжукийлар вазири ал-Қундурий томонидан ашъарийларга қувғин уюштирилган чоғда Ж. Ҳижозга қочиб бориб, Макка ва Мадинада яшаган (1058–62), шу тўғайли Имом ал-Харамайн (“икки муқаддас масжид имоми”) фахрий унвонини олган. Вазир Низомулмулк даврида ашъарийларни қувғин қилиш

тўхтатилган. Ж. Нишопурга қайтган, вазир унга атаб Низомийа мадрасасини таъсис этган. Шу мадрасада Ж. шофиъий фикҳининг энг яхши билимдони сифатида шуҳрат қозонган ва умрининг охиригача шу ерда дарс берган. Ж.нинг каломга оид асосий асари “аш-Шомил”дан бизгача унинг учдан бир қисми етиб келган, унинг қисқартирилган нусхаси – “ал-Иршод” деб аталади. Умуман олганда Ж. Ашъарий, Боқиллоний ва Абу Исҳоқ ал-Исфороиний (1027 й. в. э.)ларнинг ғояларини ривожлантирган.

ЖУМА (араб. – жам бўлиш) – мусулмонлар солномасида олтинчи кун номи. Исломи динида “сайид ул-айём” – кунларнинг улуғи сифатида эъзозланади. Ж. куни пешин намози ўрнига Ж. намози ўқилади. Имом-хатиблар намоз олдида ярим соат чамасида мавъиза (диний ваъз) ўқийдилар. Сўнг икки бор азон айтилиб, катта жамоат б-н намоз адо этилади. Мусулмон мамлакатларида Ж. кунини дам олиш куни деб белгилаганлар. Муфассир уламоларнинг ривоятларига кўра, Аллоҳ таоло яҳудларга шанба кунида бошқа ишларга машғул бўлмай, фақат ибодат ила шуғулланишни буюрган. Насоролар эса, якшанба (воскресенье) кунини фақат ибодат учун белгилаб олганлар. Ж. кунини исломдан олдин араблар “аруба” деб атаганлар. Биринчи бўлиб, бу кунни Ж. деб атаган киши Каъб ибн Луай. Бунинг сабаби. Мадинага пайгамбар (ас) келишларидан олдин, ансорлар (мадиналиклар) “яҳудлар ва насоролар 7 кунда бир бор тўпланиб ибодат қиладилар. Келинлар, биз ҳам бир кун тўпланиб Аллоҳга шукур ва зикр айлайлик, яҳудлар шанбани, насоролар якшанбани ихтиёр қилишган, биз “аруба” кунини олайлик”, деб айтишди. Асъад ибн Зароранинг уйда тўпланиб, 2 ракаат намоз ўқиб, зикр айтганлар. Шу кун тўпланганликлари сабабли, Ж. деб атаганлар. Исломда биринчи Ж. шу куни бўлган. Бу воқеа “Жума” сураси нозил бўлмасдан олдин бўлган. Аммо ҳафтада бир кун дам олиш бўлса, бундан тахм. 150–170 й. илгари, кўпчилик кишилар ишлайдиган корхоналар пайдо бўлганда, соатбай иш кунлари жорий қилинганда, ҳафтада бир кун дам олиш кунини насоролар – руслар ўзларининг ибодат учун ажратилган кунини тиклашган. Кейинчалик мусулмонлар ҳам дам олиш кунини Ж. деб белгилаганлар. **ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ**, Абул Қосим ал-Жунайд ибн Муҳаммад ал-Қаворирий ал-Ҳаззо ал-Бағдодий (? – 910) – тасаввуфдаги 2 асосий

оқимдан бири – жунайдия асосчиси. Ж. форс бўлиб, Бағдодда (ёки Нахованд ш.) туғилган ва бутун умри шу ерда ўтган. Гўдаклигида отадан етим қолиб, тоғаси, суфий Сари ас-Сақатий (867 й. в.э.) кўлида тарбияланган. Шофиъий ҳуқуқи ва ҳадисларни машҳур фақиҳ Абу Савра Иброҳим ал-Бағдодий (854 й. в.э.)дан ўрганган. Тасаввуфда Ж.нинг устозлари Сари ас-Сақатий ва ал-Хорис ал-Муҳасибий (тахм. 781–857) бўлган. Улар Бағдод суфийлик мактаби асосчилари ҳисобланиб, Аллоҳнинг ягоналиги (тавҳид) ва психологик тажриба ва ҳис этиш асосида Уни билиш даражаси ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққанлар. Ж. суфийликни доимий рухий покланиш ва турли қарашлар кураши воситаси деб билган. Унинг фикрича, суфийнинг ҳаёти Аллоҳнинг ягоналигини билиш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат қилиш, ўзини Аллоҳга абадий тобе экани ва унинг олдида ўзини нақадар ожиз эканини ҳис этишдан иборат. Ж.нинг бир асари – “Расоил” сақланиб қолган. Унда Ж.нинг мактублари, суфийликка доир мақола, рисоалари жамланган бўлиб, уларнинг бир қисми Куръоннинг айрим оятларига шарҳ шаклида ёзилган.

ЖУНУЖИРДИЙ, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Жунужирдий ал-Марвазий; лақаби Абдон (835–906) – шофиъийликдаги йирик фақиҳ, муҳаддис; Марв муфтийси ва шофиъийлари пешвоси. Марв вилоятидаги Жунужирд (Генугирд) қишлоғида туғилган. Самъонийнинг ёзишича, Ж. Ирок, Шом (Сурия), Хижоз ва Миср шаҳарлари бўйлаб кўп йиллар саёҳат қилган ва ўша ерлардаги ағломалардан шофиъия фикҳидан сабоқ олган. Хусусан, у имом ал-Мозижийнинг шогирди бўлиб, унинг шофиъийликдаги муътабар манба ҳисобланган “ал-Муҳтасар” китобини биринчи бўлиб Марвга келтирган. Ватанига қайтгач, Хуросондаги энг йирик шофиъийлардан саналган ва кенг шуҳрат қозонган. 900 й. ҳаж сафари олдида сомонийлар амири Исмоил ибн Аҳмад қабулида катта эҳтиром б-н кутиб олинган. Самъоний Ж.нинг 20 та устози ва 12 шогирдини санаб ўтган ва фикҳ ва ҳадисга доир 3 асари борлигини қайд этган. Марвда, Таннургарон қабристонидан оқасида, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазий работи қаршисида дафн этилган. 12-ада унинг қабри зиёратгоҳ жой бўлган.

ЖУРЖОНИЙ, Али ибн Муҳаммад, лақаби ас-Сайид аш-Шариф (1339–1413) – сўнгги калом вакили, мутакаллим. Астробод яқинидаги Тагу ш.да туғилган. Астрободда таълим олган,

мударрислик фаолияти б-н шуғулланган, Ўрта Шарқ шаҳарлари бўйлаб кўп саёҳат қилиб. Қутбиддин ар-Розий ат-Тахтанний, ал-Фанарий, Муборақшоҳлардан сабоқ олган. Тахм. 1374 й. Шероз ш.га келган, шаҳар Амир Темур томонидан эгаллангач (1387), Самарқандга кўчиб кетиб, бу ерда яшаган, 20 й.га яқин Темур саройида ижод қилган. Темур вафотидан сўнг (1405) Шерозга қайтиб, шу ерда вафот этган. Ж. “Мавокиф ал-Ижийга шарх” ва фалсафий атамалар лугати – “ат-Таърифат” муаллифи.

ЖУЪАЛ ибн СУРОҚА, Жуъайл, Жъол, Жуфпол, тўлиқ исми Жуъал ибн Сууроқа ад-Дамрий ал-Фифорий (7-а.) – илк муҳожирлардан. Фақир бўлгани учун Суффа асҳоби орасидан жой олган. Ҳазрати Пайғамбар (сав) Бану Мустаълик ғазвасига кетаётганларида Жуъални Мадинада ўринларига вакил қилиб қолдирганлар. Зотур-Риқо ғазвасидан қайтаётганларида эса, зафар муждасини Мадинага етказиш вазифасини унга топширганлар. Жуъал бани Курайза ғазвасида бир кўзидан айрилган. Жуъал Жаноби Расулulloҳ (сав)га ниҳоятда боғланиб қолган эди. Унинг мустаҳкам имон эгаси эканига Ҳазрати Пайғамбар шохидлик берганлар. Хунайн ғазотидан кейин ўлжалар тақсимоли чоғи Расулulloҳ Ақроъ ибн Ҳобис б-н Уйайна ибн Хисга 100 тадан туя бериб, Жуъалга ҳеч нарса бермаган эдилар. Сабабини сўраган бир саҳобийга, Ақроъ б-н Уйайнани Исломига исинтириш учун ортиқча ўлжа берганлари, Жуъалнинг эса, имонига таянганларини айтганлар. “Жуъал булардақасидан бир дунё кимсаларга тенг келади”, деганлар. Табук ғазвасида Ҳазрати Пайғамбар (сав) бир мўъжизалари ила қорнини тўйғизган уч саҳобийнинг бири Жуъал эди.

ЖҮЙБОР ХОЖАЛАРИ, Ж ў й б о р ш а й л а р и – *нақибандийлик* тариқатининг вакиллари. Уларнинг Ж.х. номини олиши Хожа

Мухаммад Исломининг бобоси Хожа Мухаммад Яхё Бухородаги Жўйбор деган ерга кўчиб келиши б-н боғлиқдир. Ж.х. ўзларини ислом динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом Али Муртазо авлоди деб ҳисоблаганлар. Ж.х.дан Абу Бакр Саъдга ва унинг авлодларига сомонийлар даврида Бухоронинг шайх ул-исломи деган мансаб берилди. Абу Бакр Саъднинг невараси Мухаммад Ислом Ж.х.нинг иқтисодий ва сиёсий жihatдан катта нуфузга эга бўлишида муҳим ўрин тутган. У 16-а.нинг 50-й.ларида Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралашиб, ўз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чиқишига ёрдам беради. Бу даврга келиб Ж.х.га Бухородаги Сумитон қишлоғи инъом этилади. Ж.х.нинг ота-боболари Бухородаги Чор Бакр мазорига кўйилганлиги учун 16-адан бошлаб Ж.х. бу жойдаги қабрлар устига хашаматли макбара қуриб, зиёратгоҳга айлантиришган. Бу зиёратгоҳлар катта вақф ерларига эга бўлиб, уларга Ж.х. меросхўрлар тариқасида эғалик қилишган ва бу ерлар Ж.х. хўжалигининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Ж.х. катта ер-мулкка, юзлаб қулларга, кўплаб чорва молларга, суғориш иншоотларига, савдо қорхоналарига эга бўлганлар. Уларнинг савдо қарвонлари 16-а.нинг 2-ярмидаёқ хориж б-н савдо алоқалари олиб борган. Мустаҳкам иқтисодий пойдеворга эга бўлган Ж.х. шайбонийлар давлатининг сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнаган. Инглиз сайёҳи А. Женкинсон 1559 й.да Бухорода бўлиб, бу ердаги руҳонийларнинг раҳбарлари бўлган Ж.х. ҳақида шундай деган эди: “Бухорода диний раҳбар бор. Унга қиролга нисбатан кўйроқ қулоқ соладилар, у ўз хоҳиши б-н қиролни ўрнидан олиб, бошқасини қўя олади”. Ж.х. 17-а.нинг 1-ярмида мамлакатда пайдо бўлган қийин сиёсий вазиятдан сўнг ўзларининг олдинги мавқенин йўқотганлар.



ЗАБУР – диний манбаларга кўра, *Довуд*(ас)га нозил бўлган илоҳий китоб. *Библия* “Қадимги аҳд” қисмининг бўлими. Юнон тилида “psalom” (“псалом”), “psalterion” (“псалтирь”), қад. яҳудий тилида “тахалим” деб аталган “Ҳазрати Довуднинг санолар китоби” номи б-н машҳур бўлган диний-муסיкий оятлар мажмуи. Мил ав. 1500–500-йилларга тегишли. 3. санолари, асосан, Худога бағишланган мадҳиялар, дуолар, шукрона, илтижо, нола-фиғон, душманлардан шикоят ва ҳ.к.дан иборат. Уларга кўра, худо ҳамма нарсаларни кўриб-билиб, инсон қалбини доим синаб-имтиҳон этиб турувчи зотдир, у Исроил мамлакати тарихида ҳам фаройиб мўъжизаларни намоеън қилган. Айрим саноларда *Исо*(ас)нинг дунёга келиши, азоб чекиб, жон таслим этиши, сўнг тирилиб, ер юзида абадий ҳукмронлигини ўрнатиши башорат этилган (мас., 2, 21, 44, 71, 109-санолар). 3.нинг баъзи оятлари Инжилга айнан кўчирилган, *Исо*(ас) шу оятлар мавзуида панду насиҳатлар қилган экан. Куръони каримнинг “Сод” сураси (18–20-оятлар)да *Довуд*(ас) санолари тилга олинади. 3.нинг асл нухаси ажойиб шеърят намунаси сифатида Европа халқлари маданияти ва санъатига, оғзаки ижодига баракали таъсир кўрсатган. 3.нинг ўзбек тилидаги тўлиқ матни Библияни таржима қилиш институти (Стокгольм) томонидан 1992

й.да “Инжил”, “Таврот” (“Ибтидо”), “Забур” китоби таркибида чоп қилинган (таржимон доктор Юсуф Гулқаров).

ЗАЙД ибн АЛИ (?–740) – шиаликдаги *зайдийлар* фирқасининг асосчиси. *Муҳаммад* (сав) оиласининг авлоди сифатида имомликка даъвогарлик қилиб, 739 й.да Куфа ш.да умавийлар ҳокимиятига қарши исёнга бош бўлган. Муҳаммад ал-Бокирнинг султлигидан норози бўлган шиалар унинг укаси гайратли З.и.А. атрофида бирлашиб, уни имом деб эълон этадилар. Аммо халифа Ҳишом (724–743) кўшинлари 740 й. исённи бостиради. З.и.А.нинг ўзи жангда ҳалок бўлади. Жасади Куфада чормих қилиниб, кесик боши Дамашкка, халифа Ҳишомга юборилади.

З.и.А. тарафдорлари алоҳида диний-сиёсий гуруҳ тузиб, Ҳазрат Али авлодига мансуб имом бошчилигида диний давлат тузишга интилади. Улар З.и.А.ни сўнгги – 5-имом деб билиб, кейинги имомларни тан олмаган.

З.и.А. ўзининг имомат даъвосини Ҳасан ва Хусайндан сўнг *Али* ва *Фотиманин*г ҳар қандай авлоди имом бўлиши мумкин, деб асослаган. Имомликка даъвогар кўлига қурол олиб, исён кўтариши – имоматга ўтиришнинг асосий шарти, деб билган. Шиаларнинг имомлари, хусусан, *Жавфар ас-Содиқ* эса, ўз тарафдорларини қуролли исён кўтармасликка чақирган эди.

ЗАЙД ибн СОБИТ, Абу Хорижа (Абу Саид) Зайд ибн Собит ибн аз- Заҳҳок ал-Ансорий ал-Хазражий (тахм. 615 – тахм. 665) – Муҳаммад (сав)нинг котиби, Куръон ёзма матни тузувчиси. Хазраж қабиласидан. 11 ёшида исломга кирган ва Муҳаммад (сав) хузурида Куръонни ўрганган. Саҳобаларнинг етук намояндаларидан бирига айланган. Оромий (сурёний) ҳамда яҳудийлар хати (ёзуви) ва тилини билган. Муҳаммад (сав) вафотидан сўнг халифа Абу Бакр ас-Сиддиқ (ра) унга Куръон матнини жам қилишни буюрган. Халифа Усмон ибн Аффон (ра) даврида (650 й.дан сўнг) унга уч маккалик (Абдуллох ибн аз-Зубайр, Саъд ибн ал-Асом, Абдурахмон ибн ал-Хорис) б-н бирга Куръоннинг расмий ёзма матнини тузиш топширилган. Тузилган бу тўплам “Мусхаф”, “Усмон мусхафи” номи б-н юритилган. Уни халифа Усмон (ра) бирдан-бир тўғри ва барча мусулмонлар ўқиши учун мажбурий матн, деб эълон қилган. Ундаи фарқ қиладиган тўпламларнинг барчасини йўқотиш ҳақида буйруқ берилган. З.и.С. шунингдек мол-мулкни тақсимлаш қоидалари (фароиз) нинг билимдони, ҳазрат Умар (ра) даврида қабилалар девонини тузувчилардан бири ҳам бўлган. Халифа Усмон (ра) даврида Мадинада халифанинг хазинабони бўлган ва қозилик қилган.

ЗАЙД ибн ХОРИСА (? – 629) – саҳоба, *Муҳаммад* (сав)нинг озод қилган қули ва тутинган ўғли. Ёшлигидан Пайгамбар (ас) оиласида тарбияланган. *Ҳадича*дан кейин маккалик илк мусулмонларнинг учинчиси, Куръонда зикр қилинган бирдан-бир саҳоба (Ахзоб, 37). Зайднинг отаси Хориса қадоа қабиласидан эди. Кичик ёшдаги Зайд онаси б-н бирга қабила зиёратига бораётиб асир тушган, Маккага келтириб Укоз тижорат марказида сотилган. Бозордан ҳазрати Ҳадичага атаб сотиб олинган. Зайдни кейинчалик Ҳадича онамиз ҳазрати Муҳаммад (сав) га ҳадя қилган. Расули Акрам (сав) эса, уни қулликдан озод этганлар ва Зайд отаси ва қабиласига қайтиб кетишни истамагач, уни фарзандликка қабул қилганлар. З. *Бадр* жангидан торттиб Мута жангида шаҳид бўлгунга қадар барча ғазавотларда Муҳаммад (сав) б-н бирга бўлган. Пайгамбар (ас) чор атрофга юборадиган сарийаларга (ўзлари бўлмаган қўшинларга) доимо Зайдни амир этиб тайинлаганлар. Зайд

Мута жангида қатнашган аскарний қўшинга амирлик қилган ва жангда ҳалок бўлган.

ЗАЙДИЙЛАР – *шиалик*да вужудга келган фирқа тарафдорлари. 8-а. ўрталарида пайдо бўлган. Араб халифалигида зиддиятлар кескинлашиб, гуруҳлар ўртасидаги кураш кучайган, *умавийлар* ҳокимияти инқирозга учраган даврда вужудга келган. Фирқа шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Бокирнинг укаси *Зайд ибн Али* Зайн ал-Обидин номи б-н аталган.

864 й.да З. кўзғолони Шим. Эронда галаба қилиб, мустақил давлат вужудга келди. Табаристон, Дайлам, Гилон вилоятларини ўз ичига олган бу мустақил давлатдаги З. имомлари 300 йилча ҳукмронлик қилган. 901 й.да З. Яманда ҳам ҳокимиятни қўлга киритиб, мустақил давлат тузган. Яманда З. ҳукмронлиги 1962 й. 26 сент. инқилобигача, яъни Яман республика деб эълон қилингунча давом этган. З. Зайдни сўнгги 5-имом ҳисоблаб, ундан кейинги шиа имомларини тан олмайди. Улар ўз ақидалари ва маросимлари жиҳатидан шиалар ва суннийлар ўртасида туриб, ҳар иккала оқимга нисбатан муросасозлик йўлини тутуди. З. яширинган имом Маҳдийга ишонмасликлари, Алидан илгариги уч халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон)ни лаънатламасликлари, тақийя тамойилини ва мутъа (ёки сийға) никоҳини инкор этишлари б-н шиалардан, авлиёлар ва мазорларга сиғинишни ҳамда дарвишлик ва зоҳидликни инкор этишлари б-н суннийлардан ажралиб турадилар. Ўз ақидаларида *мутъазиллийлар*дан ирода эркинлиги ва Куръонни Аллоҳ яратганлигини, *хорижийлар*дан эса, диний эътиқодни амалий фаолият б-н мустаҳкамлаш тамойилларини қабул қилиб олганлар. Ҳоз. Яман аҳолисининг ярмидан кўпроги З. фирқасига мансуб. Саудия Арабистонида, Покистон ва б. давлатларда ҳам бор.

ЗАЙНИДДИН БОБО, Ш а й х А б у Б а к р З а й н и д д и н б о б о К ў й и О р и ф о н Т о ш к а н д и й (1164–1259) – шайх. Отаси Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар *Сухравардий*, Бағдоднинг катта мутасаввифларидан бўлган, сухравардия тариқатига асос солган. Шайх Шаҳобиддин Сухравардий 1215 й. Бағдод халифасининг элчиси сифатида хоразмшоҳ Муҳаммад хузурига келган. Шунда З. ҳам отаси б-н

Мовароуннаҳрга келган ва кейинчалик Шош (Тошкент)да, шаҳарнинг Кўкча даҳасидаги Кўйи Орифон маҳалласи (лақаби шундан)даги мавжуд макбара чиллахонасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф б-н шугулланган. Тарихий манбаларда З. “сайидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг қароматлиси ва буюғи”, “орифларнинг кутби ва ишончли раҳнамоси” деб таърифланади. Амир Темури 1391–92 ва 1402 й.ларда З. макбарасини зиёрат қилган ва таъмир эттирган. З. Тошкентда вафот этган.

ЗАЙНИДДИН БОБО МАҚБАРАСИ, Ш а й х З а й н и д д и н б о б о м а қ б а р а с и – Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (13–14-а.лар). Амир Темури Кўкча дарвозаси ташқарисидаги Орифон қишлоғига дафн этилган *Зайниддин бобога* атаб солдирган. Археологик текширишларга кўра, ёдгорлик ёнида жойлашган чиллахона 12–13-а.ларга, макбара ўрнида бўлган хонақоҳ 14-а.га оид. Макбара девори асоси 16-а.да қурилган, тепаси ва пештоқи 19-а. охири – 20-а. бошларида таъмир этилган. Ташки гүмбаз баланд асосга ўрнатилган. Ёғоч дарвозага устанинг номи – “Миршароб Абдумўмин ўғли” ўйиб ёзилган. Дарвоза тепасидаги дераза ўрнида ёғоч панжара сақланиб қолган. 13–14-а.ларда макбара атрофида қабристон вужудга келган.

ЗАКАРИЁ (ас) – Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. З. (ас) Қуръонда 8 жойда зикр қилинган. З. (ас)нинг насаби ҳақида Қуръонда бирон нарса дейилмаган. З. (ас) ёши улгайганда ҳам бефарзанд эди. Шу сабабли ўзларидан кейин “Бани Исроил” қабиласининг аҳволи не кечар экан, дея кўп ўйларди. Чунки, улар шариат аҳкомларига яхши риоя қилмас, З. (ас)дан кейин уларга номақбулроқ киши сардорлик қилса, улар залолат кўчасига кириб кетишлари аниқ эди. Қуръонда келганидек, ўзини ибодатга бағишлаган Марямга З. (ас) кафилик қилар, зеро, З. (ас) Марямнинг холасининг эри эди. З. (ас) масжиддан Марям учун махсус жой ҳозирлаб, ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб турар эди. Масжидда Марямга ғойибдан турли таому шарбатлар, мевалар инъом этилаётганини сезган З. (ас) ундан бу нозу неъматлар қаердан келаётганини сўради. Марям буларнинг барчаси Аллоҳнинг марҳамати эканлигини айтди. Шунда, Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билган З. (ас) Аллоҳнинг

марҳаматидан умид қилиб, қариб, заиф бўлиб қолгани ва бефарзандлик доғи уни куйдираётганини арз этиб, Аллоҳдан илтижо б-н фарзанд сўради. Фарзанд сўрашидан асосий мақсад насл қолдириш ва ўзидан кейин қавму қариндошларини ёмон йўлга юриб кетишларидан сақлаб, улар орасида одилона ҳукм юргизадиган ўринбосар бўлишини истаган эди. Бу ҳақда Ол Имрон сураси 37–38-оятларда ва Марям сураси 2–7-оятларда баён қилинган. Аллоҳ таоло З. (ас)нинг дуосини қабул этганини, Яхё исмли фарзанд дунёга келиши башоратини малоикалар З. (ас)га етказдилар. З. (ас) “ўзим қари, хотиним ёшлигидан бефарзанд бўлса, энди бу хушxabар қандай бўлар экан” деб таажжубланади. Шунда унга: “Бу Аллоҳнинг иродаси. Аллоҳ ҳар нарсага қодир зотдир” – деган ваҳий бўлади. З. ундай бўлса хотини ҳомиладор бўлганлигини қандай қилиб билиши мумкинлигини Аллоҳдан сўраганида – “Хотининг ҳомиладор бўлганида сен одамларга гапира олмай, тилинг сўзга келмай қолур. Фақат ишора билангина уларга хитоб қила олурсан. Бу ҳолат 3 кун давом этур. Ана шунда билгилким аёлинг фарзандга ҳомиладор бўлган бўлур. Шу кунларда сен Аллоҳга тасбеҳ ва таҳлил айтишга машғул бўлгин”. – деган хитоб бўлди. Бу ҳақда Ол Имрон сураси 41-оятда баён қилинган.

ЗАКОТ (араб – тозалаш, садақа бериш) – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эхсон. Исломининг беш асосий талабларидан бири. *Шариат*га мувофиқ, муайян бойликка нисобга эга бўлган мусулмон З. беради. Унинг миқдори (85 гр. олтин миқдоридаги маблағ). Мазкур маблағ кишининг ўзи ва қарамоғидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўкондаги сотиладиган моллари, сотаман деб олиб қўйган нарсалари, бировга берган қарзи қиради. Қуръони каримнинг айрим сураларида З. намоз б-н ёнма-ён зикр этилган. У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эхсон (садақа) қаторига қиради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. Бериладиган З. миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг; Зотан З.нинг асл ҳикмати фақир ва муҳтожларнинг ҳожатларини чиқармоқдир. З.ни бера олмайдиган мусулмонлар олишга ҳақли, аввал З. қариндошлар орасидаги муҳтожларга, ундай

қариндошлар бўлмаса, сўнг бошқа камбағал, қарздор, мусофирларга берилади. Дехқонлар ва чорвадорлардан олинадиган З. микдори бир оз бошқачароқ белгиланган.

ЗАЛОЛАТ (араб. – адашиш, ҳақиқатдан юз ўгириш, гумроҳлик) – ҳақиқий эътиқоддан адашиш, юз ўгириш, айниш. *Ҳидоят*нинг қарама-қаршиси. Шарқ мутафаккирларининг таъкидлашларича, З. тўғри йўлдан чиқиб кетишдир. Бошқа гуруҳлар фикрича, З. мақсадга эришиш учун олиб борадиган нарсанинг йўқлигидир. Тасаввуф аҳли одамни тўғри йўлдан бошлаб олиб бора олмаган тариқатни З. деб ҳисоблайди.

ЗАМАХШАРИЙ, Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (1075–1144) – тилшунос, шоир, *муътазиллийлар* назариётчиси, фақиҳ. “Жоруллоҳ” – “Аллоҳнинг кўшниси”, “Бутун дунёнинг устози”, “Хоразм фаҳри” номлари б-н улуғланган. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Отаси раҳбарлигида савод чиқариб, Гурганжда, Бухорода илм олган. Бир неча йил хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган. 1118 йдан бутун умрини илм-фанга бағишлаган. Икки марта ҳаж сафариди бўлган. Кўҳна Урганжда вафот этган.

З. араб тили, адабиёт, география, тафсири, ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асар яратган, уларнинг 20 га яқини сақланиб қолган. Унинг Қуръон тафсирига бағишланган “Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш” (“Ал-Кашшоф ан ҳақоик ит-танзийл ва уйун-ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл) асари машҳурдир. 1132–1134 й.ларда Маккада ёзилган бу китоб қисқача “Кашшоф” деб аталади. Муътазиллийлик руҳидаги бу асарда З. Қуръоннинг яратилгани гоёси ифодаланган. *Тавҳид* (яккаҳудолик) тушунчасини, Аллоҳ сифатларини муътазиллийлар нуқтан назаридан талқин қилган. Асар Қуръон матнини чуқур филологик таҳлил қилганлиги б-н қимматлидир. Бу асар дунёнинг турли шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. Мусулмон аҳли, олимлар ундан ҳозиргача муҳим дастур сифатида фойдаланадилар. “Кашшоф”нинг юзга яқин қўлёзмаси ва унга ёзилган 20 дан ортиқ шарҳи бор. З.нинг фикҳга оид “Турли масалаларнинг муҳими”, “Ворислик ҳуқуқи илми бўйича машқ”, дин асослари ҳақидаги “Усулдаги тартиботлар”, “Шаҳодат калимаси ҳақида рисола”, ҳадисларга

бағишланган “Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”, шунингдек тил, наҳв масалаларини кенг ёритган китоблари, шеърӣ девонлари сақланган бўлиб, улар турли тилларга таржима қилиниб чон этилган.

ЗАМЗАМ, О б и з а м з а м – Макка ш.дағи “Масжиди Ҳаром” сахнидаги муқаддас булоқ. *Қабба* ёнида бўлиб, ҳоз. вақтда пастда – алоҳида ва маҳсус жойга ўтказилган сув жўмақлари орқали ичилади. Булоқ суви кенглиги бир қаричдан ортиқроқ пўлат қувур орқали чиқади, ойнабанд хонада хизматчилар уни Масжиднинг биринчи, иккинчи ва учинчи қавати (томи)га тарқалишини назорат қилиб турадилар. Сув тарқатгич усқуналар кеча-кундуз бетўхтов ишлайди.

З. тарихи узок. Ривоятларга кўра, булоқнинг пайдо бўлиши *Иброҳим* (ас)нинг ўгли *Исмоил*нинг таваллуди б-н боғланади: чўлда қолдириб кетилган биби Ҳожар чақалоғи (Исмоил) дунёга келгач, ювиниш ва чанқовини босиш мақсадида сув ахтариб шу яқиндаги Сафо ва Марва тепалиқлари орасида етти марта елиб-югуради. Сув тополмай обдон толиққан она чақалоғи ёнига қайтса, унинг оёқлари остидан сув чиқаётганлигини кўради. Нима қиларини билмай шошиб қолган биби Ҳожар “зам, зам” (яъни “тўхта, тўхта!”) дейди. Бошқа бир ривоятда онанинг мушкул аҳволдан боҳабар бўлган Жаброил (ас) ерни сийпалаб сув чиқариб берган дейилади. Лекин орадан кўп асрлар ўтиб булоқ кўзи ёпилиб қолади. Вақти келиб Муҳаммад (сав)нинг бувалари Абдулмутталиб булоқ кўзини қайта очган. З. Қуръони қаримда тилга олинган. З. сувига юз-кўлларни ювиш, ундан ичиш ҳаж ва умра амалларини бажаришнинг белгиси ва савобли иш ҳисобланади. Зиёратчилар қайтишда ўзлари б-н сувдан олиб кетиб, кўпчиликка тарқатадилар. Ҳоз. Маккада сувни турли ҳажмлардаги идишларга қуядиган мослама ишга туширилган.

З. суви ўзига хос хусусиятга эга. Таркиби киши танаси учун фойдали маъданларга бойлиги, ошқозон-ичак, қон томири ва б. баъзи касалликларга даво экани аниқланган. Шу боис “З. суви саломат киши учун таом, касалмандлар учун шифобахшдир” дейилган ҳадиси шарифда. **ЗАНГИ ОТА**, асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа (? – 1258) — авлиё, ҳаким. Тошкентда туғилиб, яшагани ҳақида маълумотлар бор. Аҳмад

Яссавийнинг устози *Арслонбоб* эшоннинг авлоди (авараси). Ўта қора танли бўлгани учун занги (занжи) дейишган. Тасаввуфни тарғиб қилган. Эл-юрт молини боқиб подачилик б-н шугулланган. Ривоят қилишларича, унинг қарамоғидаги моллар яйловда ўтлаб кечкурун уйга қайтишда кишиларнинг экинзорларига кирмас, ўт-ўландан бир чимдим ҳам эмас экан (шу сабабли чорвадорлар З.о.ни ўз пирлари деб ҳисоблайдилар). Тарихий маълумотларга қараганда, Занги ота Ҳаким ота (пири)дан диний билимларни олиб, шу б-н бирга мустақил ақл ва илм ҳосил қилган. Ҳаким отанинг асл номи Сулаймон Боқирғоний бўлиб, у зот суфий шоир бўлган, Аҳмад Яссавийнинг халифаси эди. Ҳаким ота вафот этганидан кейин, орадан маълум вақт ўтгач З.о. у зотнинг бевалари бўлмиш биби Анбарга Хоразмга совчи юбордилар ва ўз никоҳига олади, Анбар бибидан бир неча фарзандлар кўради. З.о. мақбараси Ўрта Осиёдаги ғоят ажойиб тарихий ва меъморий обидадир. У 14-а.нинг 90-й.ларида қурилган. Бу ҳақдаги бир ривоятда, Амир Темур Яссавийнинг қабрини зиёрат қилгани келади ва қабр устига мақбара қуришга фармони олий беради, усталар ишга киришадилар, лекин ҳар куни кечаси девор кулаб тушаверади. Бу қизик бир синаот эди. Шунда Аҳмад Яссавийнинг руҳлари пайдо бўлиб, мендан аввал шошлик (тошкентлик) З.о. (Ойхўжа)га мақбара қуришлар, деган эканлар. Бу воқеадан кейин Ясси ш.дан З.о. мақбарасигача одамлар қатор туриб гиштларни қўлма-қўл узатишган эмиш. З.о. қабрини меъморий обидалар мажмуи ҳам дейилади. Зеро, у дарвозахона, минор-мезона, масжид, мадраса, хонақоҳ, шийпон, ҳовуз, Занги ота ва умрдошлари Анбар биби мақбараларидан ташкил топган. Олимларнинг фикрича, мақбара услубий жиҳатдан Самарқанд ш.даги обидаларга ўхшашлиги чинданда, унинг Амир Темур томонидан қурилганидан далолат беради. З.о. ва Анбар онанинг қабрлари Тошкентдан 16 км жан.да, Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида. Бу маскан катта зиёратгоҳ ҳисобланади.

ЗАНГИ ОТА МАЖМУАСИ – Тошкент вилояти Занги ота қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (15–20-а.лар). З.м. *Занги ота, Анбар биби мақбараси*, дарвозахона, мадраса, масжид, хонақоҳ-шийпон, минора ва ҳовуздан иборат.

Анбар биби мақбараси, ҳовуз, шийпон ва дарвозахона алоҳида-алоҳида қилиб қурилган. Занги ота мақбараси эса мадраса ва масжид б-н ёнма-ён тушган бўлиб, ҳовлига шим.-шарқ ва шим.-ғарбдаги дарвозалар орқали ўтилади. Минора ҳам шу ҳовлининг ўртароғига, масжид ва мақбарага яқинроқ қилиб қурилган. З.м.га икки томони теракзорли хиёбон орқали борилади. Мажмуага жан.дан қад. қабристон туташган, унинг атрофи девор б-н ўралган. Занги ота мақбараси пештоқи ҳовлига қараган, қолган уч томони эса қабристонга ёндош қилиб қурилган.

Занги ота мақбараси дастлаб 4 хонали (зиёратхона, гўрхона ва унинг икки ёнида кичик хона қолдиқлари сақланган), безаксиз бўлган. Ички хона деворлари равокли чорси асосдан, бурчакларидаги бағал саккиз киррали, гумбазлари ҳар хил. Дарча ва тободонлар ишланган. Гўрхонадаги оқ мрамор қабртошига нафис ўйма нақш ва арабий хатлар битилган. Кейинчалик мақбара олдига пештоқ қурилиб кошинкори безак берилган. Пештоқ ва хоналар ташқи девори, зиёратхона ва гўрхона пойгумбази сайқалланган ғиштчалар, ўймакор ранг-баранг кошинлар б-н безатилган. Ички хона идораси парчинли, меҳробига “П” шаклида кошин ва арабий ёзув битилган. Гумбаз ости безаклари устига зарҳал берилган. Пештоғидаги намоён хошиялари сопол, сиркор ғишт ва йиғма кошин терилиб, унга саккиз бурчакли турунжлар ишланган. Мақбара Амир Темур томонидан қурилганлиги (14-а. 90-й.лари) ва Улуғбек даврида (15-а.нинг 20-й.лари) безак ишлари бажарилганлиги аниқланган. 16–17-а.ларда пештоқ ва гумбазлари таъмирланган. Мақбара ёнига бир қаватли мадраса ва намозгоҳ масжиди қурилган (1832). Мадраса бир қаватли қатор хужра, 2 дарвозахона ва 3 йирикроқ хона (дарсхона)дан иборат. 1870 й.да З.м. таъмирланиб, намозгоҳ масжидининг пешайвони қурилган. Қўқонлик уста ҳожи Муҳаммад безаган. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

ЗАРАЗМИЙ, Абул Ҳасан Али ибн Хужр ас-Саъдий ал-Марвазий аз-Заразмий (771–858) – муҳаддис, фақих, адиб. Марв вилоятидаги Заразм қишлоғида туғилган. Ироқ ва Хижоздаги шаҳарлар бўйлаб кўп саёҳатлар қилган. Ундан таълим олиш учун хузурига турли

мамлакатлардан олимлар келишган. Самъоний З.нинг 10 та устози ва 7 шогирдини санаб ўтади. З. фикҳ ва ҳадисга оид 3 та асар ёзган. Заразм кишлоғидаги қабри зиёратгоҳ бўлган. **ЗАҲАБИЙ**, Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад (1274, Дамашқ –1348) – машҳур тарихчи ва муҳаддис. Дамашқ ва Қоҳира мадрасаларида таҳсил олган, сўнг Дамашқ мадрасасида мударрислик қилган. Ислом оламида тарих ва ҳадис алломаси сифатида шуҳрат қозонган. 12 жилдли “Тарих ал-Ислом” (“Ислом тарихи”), “Ал-Ибар” (“Ибратлар”), “Сияр ан-нубало” (“Олижаноб кишилар сийратлари”), “Табакот ал-хуффоъ” (“Ҳадис ҳофизлари табақалари”), “Табакот ал-қурроъ” (“Корилар табақалари”), “Мийзон ал-иътидол фий нақд ар-рижол” (“Ҳадис ровийларига баҳо беришнинг адолатли мезони”) каби ислом тарихи ва ҳадисга доир кўплаб асарлар ёзган. Булардан энг машҳури “Тарих ал-Ислом” асари бўлиб, унда Ўрта Осиё, жумладан Мовароуннаҳр тарихининг ўрганилмаган жиҳатларини ойдинлаштирувчи кўплаб муҳим маълумотлар бор.

ЗИЁВУДДИН ибн ЭШОН БОБОХОН (1908 – 1982) – муфтий, диний арбоб. Дастлаб ўз отаси *Эшон Бобоҳон* Абдумажидхон ўғли кўлида, сўнгра Тошкентдаги Бароқхон, Кўкашдош мадрасаларида таҳсил кўрган (1923–31). Қоҳирадаги ал-Азҳар дорилфунунини тугатган (1947). З.Э.Б. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкилий кўмитасида бош котиб (1942), диний бошқарма раисининг ўринбосари (1943–57), раиси (1957–82). Тошкентда Имом Бухорий номидаги Ислом ин-тини ташкил этди (1969) ва унга бевосита раҳбарлик қилди. Унинг саъйи ҳаракати б-н Бухородаги “Мир Араб” мадрасаси фаолияти қайта тикланди (1945). Собиқ Совет Иттифоқи ва бир қанча мусулмон мамлакатларида ўтказилган йирик халқаро диний анжуманларнинг ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси сифатида турли халқлар ва динлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига ҳаракат қилди. Масжидлар бўйича Бугунжаҳон Олий Кенгаши аъзоси этиб сайланди (Макка, 1976). Зиёвуддинхон диний меросни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан ташқари илмий, адабий фаолият б-н ҳам шуғулланган. Ибн Синонинг гигиенага оид китобини ўзбек ва рус тилларига ўттирган (Абу Али ибн Сина,

Трактат по гигиене, Т., 1982). Зиёвуддинхоннинг “Диёримизда ислом ва мусулмонлар” асари (1979, рус тилида)да ислом динининг моҳияти очиб берилган, у барча замон ва халқлар учун салоҳиятли дин, унинг тамойиллари барча яхши ниятли кишиларнинг орзу-умидлари б-н ҳамоханг экани кўрсатилган. Футухий таҳаллуси б-н шеърлар битган. Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, ер юзида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшгани учун Иордания, Сурия, Марокаш ва Миср Араб Республикасининг олий орденлари б-н тақдирланган. 1998 й. таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб Тошкентда илмий-амалий конференция ўтказилди. Тошкентдаги Қафқол аш-Шоший қабрлар мажмуасида оталари Эшон Бобоҳон ёнига дафн этилган.

ЗИЁРАТ (араб. – бирор ерга ёки шахс хузурига бориш) – муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русумларни бажариб келиш. З. маросими одатда қабр тепасида Куръоннинг айрим суралари (айниқса Фотиҳа сураси)ни ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек хайр-эҳсон, садақа бериш қабилардан иборат. Ислом дини ақидасига кўра, азиз-авлиёларнинг макбараларига З. учун борилганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, хожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар ножоиздир. Чунки, бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. З. қилинувчилар пайгамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуо хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломда шахсга сизиниш ширк саналади. Муҳаммад (сав) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида айтганлар: “Қабристонларни зиёрат қилиб турингизлар, зеро у охиратни эслатади”. Охиратни эслаш эса, кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради.

ЗИЁРАТГОҲ – қ. *Муқаддас жойлар*.

ЗИКР, з и к р т у ш и ш (араб. ёдга олиш, эслаш) – *тасаввуф*да худони ёдга олиш б-н боғлиқ маросим. Илоҳиётчилар Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Куръони каримнинг “Аллоҳни зикр қилиш б-н қалблар ором олув” (13:28) деган ояти б-н боғлайдилар. З. овоз

чиқариб (зикр ал-жаҳрий) ва овоз чиқармасдан (зикр ал-хафий) тушилади. Овоз чиқариб 3. тушиш Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган. Бунда бир гуруҳ суфийлар аввал давра қуриб ўтиради, бир киши (қаввол) муайян ибораларни маълум оҳангда ўқийди, унга айрим мусиқа асбоблари жўр бўлади; бора-бора кишилар ўрнидан туриб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайдилар. 3. вақтида суфий ва дарвишлар “Аллоҳ ҳайй” (Аллоҳ тирик); “ла илоҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ); “Аллоҳу акбар” (Аллоҳ – энг улуғ); “ал ҳамду лиллоҳ” (Аллоҳга ҳамду санолар)” ва б. сўзларни такрорлайди. Узок вақт такрорланган сўзлар, мусиқа ва рақс натижасида 3. тушаётган ўзлигини унутди, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдига келтирмайди. Зотан суфийлар учун 3. тушишдан асосий мақсад Аллоҳга яқинлашишдан иборат. 3. мавлуд ва бошқа диний маросимларнинг таркибий қисмига айланган.

ЗИММИЙ (араб. бировнинг зиммасидаги шахс), а х л и з и м м а – ислом давлати соясида яшайдиган ғайридинлар. Яъни, улар дини, жони, моли ва б. соҳаларининг тинч-омонлиги мусулмонлар зиммасида бўлганлардир. Улар б-н аҳднома тузилганда мусулмонлар ана ўша нарсалар ила уларни таъминлашни ўз зиммаларига олганлар. Пайғамбар (сав) даврларида Мадинаи Мунавварада яҳудийлар мусулмонлар б-н аҳднома асосида аҳли зимма бўлиб тинч-омон ўз динларига амал қилиб яшаганлар. Абу Бакр Сиддик (ра)нинг даврларида ҳам ана ўша сиёсат давом этди. Умар ибн Хаттоб (ра)нинг Байтул Макдис насороларига берган аҳдлари ва улар б-н қилган муомалалари исломда 3ларга бўлган муносабатнинг намунасидир. У киши Жобияда турганларида хузурларига Илия аҳли келиб омонлик сўрашди. Улар б-н жизя бериш ҳақидаги сулҳ тузилди ва қуйидаги аҳднома ёзилди: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ушбу Аллоҳнинг бандаси, мўминларнинг амири Умар Илия аҳлига берган омонликдир. У уларнинг жонларига, молларига, черковларига, хочларига, беморларига ва соғларига ҳамда барча миллатига омонлик берди. Уларнинг черковлари маскан қилинмайди, бузилмайди ва черковлар, улардаги нарсалар, хочлар ҳамда уларнинг молу мулкларидан бирор нарса камситилмайди. Улардан бирор кишига зарар

етказилмайди. Илияда улар б-н бирга бирорта ҳам яҳудий маскан тутмайди. Аҳли Илия зиммасида худди аҳли Мадоин бергандек жизя бериш бордир. Румларни (византияликларни) ва ўғриларни чиқариш уларнинг зиммасидадир. У ердан ким чиқса, то омонлик ерига етиб олгунича жони ҳам, моли ҳам омонда бўлади. Улардан ким муқим қолса, у ҳам омондадир. Унинг зиммасига ҳам аҳли Илияга бўлган жизя лозим бўлади. Аҳли Илиядан ким жони ва моли ила Румлар б-н кетишни ва ибодатхона ҳамда хочларини қолдиришни истаса, улар омонлик жойларига етиб олгунларича ўзларига ҳам, ибодатхона ҳамда хочларига ҳам омонлик бор. У ерда ер аҳлидан ким бўлган бўлса, улардан ким қолишни истаса қолаверади. У аҳли Илия ўтаган жизяни ўтайди. Ким истаса, аҳли Рум б-н кетаверади. Ким истаса, аҳлига қайтиб келаверади. Хосилларини йиғиб олмагунларича улардан ҳеч нарса олинмайди. Қачон улар ўз зиммаларидаги жизяни берсалар, ушбу мактубдаги нарсаларда Аллоҳнинг аҳди, Унинг Расулининг зиммаси, халифаларнинг зиммаси ва мўминларнинг зиммаси бор”. Ушбу аҳднома Илиянинг аъёнларига олиб боришганида улар чексиз қувондилар. Бунчалик кенгликлар ва ҳимоялар бўлиши уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган эди. Бир минг тўрт юз йилдан кўпроқ олдин ёзилган ушбу хужжатда Ислом давлатининг ғайридин кишиларга қандок муносабатда бўлиши кўриниб турибди. Улар тўлиқ эркинлик, ҳақ-ҳуқуқлари б-н таъминланган бўлиши ҳам яққол кўриниб турибди. Шунинг учун ҳам ўша пайтларда кўпгина ғайридин халқлар ва жамоалар ўз диндошлари ҳукмидан кўра мусулмонларнинг ҳукмини афзал кўрганлар. Бунга мисоллар кўп. Буни инсофли ғайридин боҳислар китоб қилиб ёзганлар. Ана ўша нарсани ҳозиргача биров қила олгани йўқ. Ҳоз. хорижий Шарқдаги мусулмон мамлакатларида 3. ҳақидаги тасаввур борган сари йўқолиб бормоқда, қайси динда эканидан қатъи назар барча фуқаролар умумий қонунга итоат этадилар.

ЗИНДИК (қўшлуги – занодика) – илоҳиётда, асосан, монийлик, маздакийлик ва хуррабийлар таълимоти вакиллари англатувчи истилоҳ; кенг маънода “Аллоҳга ишонмовчи”, мўминнинг зидди. 3. сўзи Исломга сосонийлар давридаги эроний лаҳжадан ўтган; маздакийлар

З. деб Авестони янгича, аллегорик талкин этувчи кишиларни аташган. Исломда З. истилоҳини кенг қўлланилиши унинг диний талкинидан кўра, кўпроқ сиёсий жиҳати б-н изоҳланади. “Аллоҳга ишонмаслиги” (зандақа) имон учун эмас, авваламбор давлат ҳокимиятига хавф-хатар туғдирувчи шахсларни З. деб эълон қилишган. Зандақани тарғиб этгани учун исломда илк бор З. деб қатл этилган шахс Жаъад ибн Дирхам бўлган. У Қуръон яратилган деб даъво қилгани учун 742 (743) й. Ироқда осиб ўлдирилган. Халифа ал-Маҳдий даври (775–785)да махсус қозилик мансаби – З.ларни назорат этувчи (соҳиб ёки Ориф аз-зандақа) тайин этилган. Ислом тарихидаги З.ларга қарши намунали жазо чоралари кўрилган ҳоллар кўп бўлган (моликийлар Фарба, ҳанафийлар – Усмонли турк салтанати даврида). Ҳоз. вақтда ислом ақидапарастлари З. тушунчасини дин манфаати йўлида етарлича қайғурмаётганларга нисбатан ҳам қўллаиди.

ЗИНО (араб. – бузуклик, фахш, зинокорлик) – ислом ақидаси бўйича эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий алоқада бўлиши. Шариатда З. учун юз дарра уришдан тортиб ўлим (тошбўрон қилиш) жазосигача белгиланган. Лекин жазога ҳукм қилиш учун З. б-н айбланувчиларнинг ўзлари иқроқ бўлиши ёки тўртта ишончли гувоҳнинг бўлиши шарт қилинган. Акс ҳолда, – диний манбаларда айтилишича – арзимаган сабаблар б-н инсоннинг обрўси тўкилиши, игвогар, бўхтончиларга қўл келиши мумкин. Юз дарра уришга ҳукм этилган З. қилувчи (зинокор) эр ва аёл аввал уйланмаган, турмуш қурмаган бўлиши керак. Аммо, уйланган, турмуш қурган бўлса, уларни ўлгунча тошбўрон қилиниши белгиланган.

ЗОВИЯ (араб. – бурчак, хужра) – суфийлар, дарвишлар тўхтайдиган ва яшайдиган маскан. Араб мамлакатларининг баъзиларида работ, баъзиларида З. деб аталган. Эрон ва Афғонистондаги такъя, Ўрта Осиёдаги хонақоҳга тўғри келади.

ЗОҲИД (араб. юз ўтирувчи, тарк этувчи) – таркидунё қилган киши. З.лар мусулмонларни бу дунё роҳат-фарогатидан воз кечишга, Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдилар.

ЗОҲИДЛИК – таркидунёчилик, сакланиш. Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш,

жаннатга тушиш учун тарки дунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур, мутаассибликка, бир ёклама дунёқарашга даъват этувчи оқим. З. исломда дарвишлик, чилла ўтириш, рўза тутиш, зикр тушиш кабиларда намоён бўлади. Тасаввуфда З. Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этиш, демакдир. Бунда Аллоҳга ширк келтиришдан сакланиш ва ибодатда риёдан холи бўлиш; барча гуноҳлардан ва ҳаром нарсалардан сакланиш ва ниҳоят, ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик назарда тутилади. Шариат ва тариқат одобларига бу хилда риоя этишни *Баҳоуддин Нақибанд*, *Хожа Аҳрор*, *Нажмиддин Кубро* ва б. тарғиб этганлар.

ЗОҲИРИЙЛАР (араб. зоҳир – ташки, ошкор) – 1) Қуръон таълимотини айнан тушунувчи ва сўзма-сўз талкин қилувчи оқим тарафдорлари. *Ботинийлар*нинг қарама-қаршиси. 2) 10–13-а.ларда тарқалган ва кейинчалик йўқолиб кетган шариат мазҳаби. Унга Довуд ибн Али ал-Исфаҳоний аз-Зоҳирий (883 й. в. э.) асос солган.

ЗУБАЙР ибн АВВОМ, тўлиқ исми Абу Абдулло аз-Зубайр ибн ал-Аввом ибн Хувайлид ал-Асадий ал-Қурайший (? –656) – саҳоба, маккалик илк мусулмонлардан. *Ашарани Мубашишарадан*. Қурайш кабиласидан, *Хадича* каби бани Асад уруғидан. Муҳаммад (сав)га ҳолавачча, Хадичага эса, аканинг ўғли. *Оишанинг* синглиси Асмога уйланганлиги учун Расули Акрамга божа ҳисобланади. 12 ёшида исломга кирган. Олдин Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага кўчган(ҳижрат қилган)лардан. Муҳаммад(сав)нинг барча газотларида қатнашган. *Бадр жангида* душманга биринчи бўлиб қилич солиб ҳамла қилган. *Умар* (ра) даврида Ярмук жангида қатнашиб, икки жойидан яраланган. Мисрни фатҳ этишда қатнашган. З.ибн А. бадавлат бўлиб, унинг бир қули, ҳисобсиз моли, ер ва бир неча уйи бўлган; у хайр-эхсон қилишни севар, мол дунёсини Аллоҳ йўлида сарфлаган. Савдогарлик б-н шуғулланган. Халифа Умар (ра)нинг халифалик учун ажратган 6 кишилик маслаҳат асҳобида эди. *Усмон* (ра) халифалиги даврида чикқан ихтилофларга қўшилган. Жамал жангида *Алига* қарши чикқан, сўнгра афсеус чекиб, орқага қайтган. Бироқ қайтишда бир дарахт тагида ухлаб ётганида ўлдирилган.

Қотил Ибн Журмуз Зубайрнинг бошини Алига олиб борган. Мукофот кутган қотилга Али пайғамбаримизнинг “Зубайр қотилига жаҳаннамга киришини хабар берингиз”, мазмунидаги ҳадисларини ўқиб берган. З.ибн А. пайғамбаримиздан 38 ҳадис ривоят қилган. **ЗУЛКИФЛ** (ас) – Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. З.нинг асл исми Бишр бўлиб, *Айюб* (ас)нинг ўғлидир. У отаси Айюб (ас)дан сўнг пайғамбар қилиб юборилган. Аллоҳга берган аҳдига вафо қилгани учун З. деб номланган (Зулкифл – Кафолат соҳиби). Қуръонда З. номи Исмоил ва Идрис (ас)лар б-н бирга зикр қилинган (Анбиё сураси 85–86-оятлар, Сод сураси 48-оят). Аммо, қайси қавмга пайғамбар этиб юборилгани ва пайғамбарлик даъвати ҳақида Қуръонда аниқ оят зикр этилмаган. Бошқа бир ривоятга кўра, румликлар З.га эргашганликлари нақл этилади. Бу қавм З.дан ўзларини узок умр кўришлиklarини Аллоҳдан сўрашни илтимос қилишган. Парвардигор З.нинг дуосини қабул этиб, “улар ўзлари хоҳламагунча ўлмаслар, бунга сен ҳам кафил бўлгин”, деган ваҳий келади. Бишр ўз қавмига бу башоратни етказди. Илоҳий ваҳийга ўзи кафил бўлди. Шу сабабдан уни З. деб атай бошлаганлар. Ироқда ал-Хилла яқинида З.нинг қабри деб ҳисобланадиган зиёратгоҳ мавжуд. Бошқа жойларда ҳам З. мақбараси мавжудлиги, жумладан у Термиз яқинида дафн этилгани ҳақида ривоятлар бор.

ЗУЛКИФЛ МАҚБАРАСИ – Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик (11–12-а.лар). Ривоят қилинишича, бу ерга пайғамбар *Зулкифл* дафн этилган. Тарихий манбаларда Аббосийларнинг атоқли лашкарбошиларидан Исҳоқ ибн Кунтож ҳам шу ерда дафн этилгани қайд қилинган. Амударёдаги Пайғамбар оролининг жан. қисмида жойлашган масжид, гўрхона ва уларга туташ 2 хонадан иборат. Бинолар турли даврларда бунёд этилган. Масжид мурабба тарҳли (6,95 x 6,95), гумбазли, олди пештоқли. Меҳробига ганчкори гириҳ нақш ишланган: Гўрхона (6 x 4 м) масжид сатҳидан 1 м ча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади. Хоналар деворига гиштлар мавжли шаклда терилган.

ЗУЛМ, н о ҳ а қ л и к, с и т а м, и с т и б д о д – одамлар ўртасида барқарор бўлган

муносабатларни қасдан бузиш; инсонни руҳан сиқиш, мажбурлаш, хафа қилиш, таҳқирлаш, унга зўравонлик қилиш, мол-мулкни босиб олиш ва ҳ.к. Қуръони каримда З. жазо берилиши лозим бўлган жиноят сифатида қораланади. Одатда З. тушунчасида мулкдорларнинг ижарачиларга, хўжайинларнинг мардикорлар, хизматкорлар ва кулларга, катта қариндошларнинг кичикларига, мансабдорларнинг халққа бўлган салбий муносабати, шунингдек, қозилар ва ҳокимларнинг ғайриқонуний қарорлари тушунилади. З. ҳуқуқни поймол қилиш маъносида барча мазҳаблар томонидан қораланади, бироқ, унга бўлган муносабат ва қаршилик кўрсатиш тарзи ҳар хилдир. З.га қарши курашиш мавжуд ижтимоий тартибларни бузадиган бўлса, З.га қарши курашмасдан унга чидаш афзал, деган фикр илгари ҳам, hoz. ҳам исломий ақида вакилларини тўла қониқтиради ва ислом ахлоқий асосининг бош аҳкомларидан бири саналади.

ЗУЛФИҚОР (араб. – тешиб ўтувчи, ўткир) – Муҳаммад (сав)нинг Бадр жангида қўлга туширган машҳур 2 учли шамширлари. З. жоҳилият даврида Арабистондаги машҳур шамширлардан саналиб, маккалик Мунаббих ибн Хажжожга тегишли бўлган. Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин ҳазрат Алига, сўнгра эса, халифаларга ўтган. Ислом анъанасида З. сеҳрли кучга эга ҳисобланиб, узайиши ёки қисқариши мумкин бўлган. Ислом дини тарқалган халқларда ўғил болаларга З. исмини қўйиш одати бор.

ЗУЛҚАРНАЙН (араб. – икки шохли) – Қуръонда қиссаси келган мўмин банданинг исми. З. шахси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар уни македониялик Искандар деб ҳисоблашади. Бироқ, Ислом таълимотига кўра бу тўғри эмас, чунки македониялик подшо Аллоҳнинг ягоналигига ишонган мўмин бўлган эмас. Қуръондаги З. эса, мўминдир. Аллоҳ “Каҳф” сурасида Пайғамбар (сав)га хитоб қилиб: “сендан Зулқарнайн ҳақида сўрашлар” деган. Муҳаммад (сав)дан одамлар З. тўғрисида сўраганлар. Қиссада айтилишича, Аллоҳ таоло З.га ер юзида ҳукмронлик, молу дунё, аскарлар ва б. катта имкониятларни берган эди. Шунингдек, Аллоҳ унга ҳукм юритиш, бинокорлик ва ободончилик, давлатни мустаҳкам тутиш каби ишларни ўргатган эди. З. ўз мулкларини айланган. У шим. томон йўл олган. Икки тоғ

орасига етганида, уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрган. Бу қавм Здан ер юзида бузгунчилик қилгувчилар – *Яъжуж ва Маъжуждан* ўзларини ҳимоя қилиш учун тўсик қилиб беришини сўрашган. З. Аллоҳ унга берган илм орқали мустаҳкам темир девор қуриб, ҳалиги қавмни Яъжуж ва Маъжужнинг ҳужумларидан сақланишига ёрдам берган.

ЗУННУН ал-МИСРИЙ, Абул Файз Савбон ибн Иброҳим (тахм. 796–860/61) – Мисрдаги илк тасаввуф вакили, суфий шайхлардан бири. Мисрдаги Ахмим деган жойда туғилган. Тарғибот ишлари б-н Макка, Дамашқ, Антиохияда сафарда бўлган. *Моликийлик* мазҳаби фақиҳи ва тарихчи Абдал Ҳакам тасаввуфни тарғиб қилгани учун З. ал-М.ни қоралаган ва суфийлик таълимотини “номаъқул бидъат”, деб ҳисоблаган. Муътазиллийлар таълимотига қарши бўлгани учун З. ал-М. ҳокимият томонидан таъқибга

учраган. З. ал-М.нинг ўн бешга яқин асари бор, деб ҳисоблайдилар. Бизгача етиб келган шеърый парчаларида азиз-авлиёлар тарқидунёчилигининг афзалликлари ва тасаввуф аҳлининг энг олий орзуси – Аллоҳга “яқинлашиш” ҳолатлари баён этилган. Бунга маърифат орқали эришилади, маърифат эса, унинг фикрича, дунёвий ишлардан, ўз табиий эҳтиёжларидан воз кечиш, нафсни тийиш орқали ўзини камолотга олиб чиқиш б-н белгиланади. Тасаввуф анъанасида З.ал-М. суфийликнинг “мақомат ва аҳвол” тўғрисидаги таълимотининг асосчиси ҳисобланади. З.ал-М. Аллоҳни инсоний қиёфада тасаввур этишни рад қилади, унинг бутунлай илоҳий олам эканлигини таъкидлайди. З.ал-М.нинг ғоялари кейинги суфийлар томонидан ўзлаштирилди, ривожлантирилди. Жомий, Аттор ва б. суфийлар ҳаётини васф этувчи мажмуаларида З.ал-М. шахсини улуғлаб, афсонавий даражага кўтарганлар.

И

ИБЛИС – қ. *Шайтон*.

ИБН ал-АСИР Иззиддин Абулҳасан Али (1160–1232) – тарихчи. Ироқнинг Мосул ва Бағдод ш.лари мадрасаларида таҳсил кўрган, сўнг илм талабида Шом (Сурия)га сафар қилган. У ердан қайтгач, бутун умрини узлатда, тарихга доир асарлар ёзиш б-н ўтказган. Энг йирик ва муҳим асари – “Ал-Комил фит-тарих” (“Тарих бўйича мукамал асар”) бўлиб, у 12 жилддан иборат. Унда Ислом оламида инсоният тарихининг илк даврларидан 1230 й.гача бўлган воқеалар, хусусан, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг 12-а. ва 13-а.нинг 1-чорагидаги тарихи йилма-йил баён қилинган. Асарнинг мўғуллар истилосига бағишланган сўнгги жилдлари қимматли манба ҳисобланади. Бу асарнинг танқидий матни Лейден (1851–76) ва Миср (1873) да нашр этилган. Огаҳий ўзбек тилига таржима этган. И.ал-А. “Тарих атабикат ал-Мавсил” (“Мосул отабеклари тарихи”), “Усуд ул-ғоба фий маърифат аҳвол ис-саҳоба” (“Саҳобалар аҳволини билиш хусусидаги ўрмон шерлари янглиғ қудратли китоб”) номли асарлар ҳам яратган. И.ал-А.нинг акаси [Мажидуддин Муборак ибн Абил Карам Муҳаммад Жазарий ибн Асир (1166–1228)] ва укаси [Зиёвиддин Абул Фатҳ Насрулло ибн Асир (1180–1248)] ҳам тарих, ҳадис, илоҳиёт ва адабиёт соҳаларида кўплаб асарлар яратган.

ИБН АРАБИЙ (Ибн ал-Арабий), Муҳйи ад-дин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ал-Ҳотамий ат-Тоий (1165–1240) – диний файласуф, “*ваҳдати вужуд*” таълимоти асосчиси, суфийликнинг кўзга кўринган вакили. “Улуғ шайх” (муаллим), “Афлотун (Платон)нинг ўгли” номлари б-н улуғланган. Андалусия (Испания)нинг Мурсия ш.да туғилган ва диний билим олган. Дунёқараши суфийлар таъсирида шаклланиб, Андалусия ва Шим. Африка бўйлаб сафарга чиққан, машҳур олим ва мутафаккирлар б-н мулоқотда бўлган. И. А. шунингдек, Шарқдаги йирик мусулмон суфий ва илоҳиётчилари Харроз, Ҳаким ат-Термизий, Халлож, Ҳазолий ва б.нинг асарларини ҳам ўрганган. 1200 й.да ҳаж зиёратига бориб, умрининг охиригача Шарқда қолган. 1201 й.да Маккада яшаган, бу ерда машҳур шеърӣ тўплами – “Таржумон ал-ашвоқ” (“Ишқий шавқ таржимони”)ни ҳамда суфийликка оид рисоаларини ёзган. Шу ерда кўп жилдли “Футухот ал-маккия” (“Макканинг фатҳ этилиши”) асари устида иш бошлаган. Бу асарни “суфийлик қомуси” деб аташади. И. А.нинг энг машҳур рисоласи “Фусул ал-ҳикам” бўлиб, унга 150 дан ортиқ шарҳлар ёзилган. Умуман И. А. ижодий мероси 300 га яқин асарни ташкил этади. Олим Дамашқ ш. яқинидаги тоғ ёнбағрига дафн қилинган.

Султон Сатим I буйруғи б-н 16-а. бошида унинг қабри устига маҳобатли макбара қурилган, бу макбара ҳоз. ҳам мавжуд.

И. А. замонасининг барча илмий оқимларидан хабардор эди. У Ибн Рушд, Сухравардий, ар-Розий ва б. б-н учрашган ҳамда ёзишиб турган. Унинг фалсафий дунёқараши пантеистик характерда, ҳамма нарсанинг яғона асоси диний субстанция (руҳ, идея), деб ҳисоблайди. Машхур шахсларга сажда қилишни инкор қилган, турли динларнинг аҳамияти баробар деб ҳисоблаган. Суфий сифатида Худони олий, мутлақ ҳақиқат ҳолда англаш ва унга кўнгилни поклаш орқали эришишни тан олган. И. А. ўрта асрлар мусулмон оламида энг зиддиятли шахслардан бири. Унинг қарашларини Ибн Таймия, Тафтазоний сингари илоҳиётчилар, шунингдек, араб тарихчиси Ибн Халдун кескин танқид қилган. Бошқа кўпгина мусулмон уламолари эса, уни ҳимоя этган.

ИБН АСОКИР (Абулқосим Али ибн ал-Ҳасан)(1105 – Дамашқ –1176) – тарихчи, муҳаддис, фақиҳ ва шоир. Мадрасада таҳсил кўргач, ўз билимларини янада зиёда қилмоқ истагида Ироқ ва Хуросон бўйлаб кезиб, у ерлардаги уламолардан таълим олган. Сўнг Дамашққа қайтиб, Ан-Нурийя мадрасасида мударрислик қилган. Тарих, ҳадис ва фикҳга доир кўплаб асарлар яратиб, “Садиқат уд-дийн” (Дин вафодори) ҳамда “Нур уд-дийн” (Дин нури) каби фахрий унвонларга сазовор бўлган. Унинг энг йирик асари “Тариху маддийнати Димашқ” (“Дамашқ шахри тарихи”) бўлиб, у кўпроқ “Тариху ибн Асокир” (“Ибн Асокир тарихи”) номи б-н маълум. Шом (Сурия) ва Дамашқ тарихи ҳамда шомлик машхур кишилар тарихига бағишланган мазкур асар 80 жилдан иборат. И. А. ҳадис ва фикҳ илмига оид “Ал-Мувофақот”, “Ал-Атроф лис-сунан”, “Муъжам аш-шуйуҳ”, “Маноқиб аш-шабоб” номли асарлар ҳам ёзган.

ИБН БОБУЯ, аш-Шайх ас-Содуқ Муҳаммад ибн Али Абу Жаъфар ал-Қуммий (? – 991) – шиаларнинг машхур илоҳиётчи олими, фақиҳ; шиа ривоятлари билимдони, имомийлар (жаъфарийлар) ҳуқуқини илк бор ишлаб чиққанлардан. Ёшлиқ чоғидаёқ Хуросонда шиа ривоятларини билишда унга тенг келадиган киши бўлмаган. 965 й. у Бағдодга келиб, Бувайхийлар б-н яқинлашган ва фаол ташвиқот ишларини бошлаган. И.Б.Рай ш.да вафот этган.

И.Б. 200 га яқин асар ёзган, шундан 20 таси сақланиб қолган. Асосий асарлари – “Ман ла йахдуруху ал-фақиҳ” – 4 ривоятлар тўплами (ал-усул ар-арбаъ)дан бири шиаликдаги имомийлар фикҳи бўйича энг эътиборли асар ҳисобланади.

ИБН ЖАУЗИЙ, Жамолиддин Абул Фараж Абдурахмон ибн Али (тахм. 1116–1201) – *ҳанбалийлик* мазҳаби фақиҳи, илоҳиётчи, муҳаддис, тарихчи, бағдодлик машхур ваъзхон. Бағдодда, ўзига тўқ мисгар оиласида туғилган. Турли фанлардан таълим олган. Ҳанбалийликнинг машхур алломалари унга устозлик қилганлар, жумладан, фақиҳ ва ваъзхон Ибн аз-Зағуний (1133 й. в.э.), Абу Бакр ад-Диноварий (1137 й. в.э.) унга мунозара қилиш санъатидан, адиб Абу Мансур ал-Жаволиқий (1144 й. в. э.) унга илми адабдан, Абу-л-Фадл ибн Носир (1150 й. в.э.) ҳадис ва Қуръондан сабоқ берган, фақиҳ Абул Ҳаким ан-Нахравоний (1161 й. в.э.), кози Абу Яда Кичик (1163 й. в.э.) ва б.

И.Ж. Бағдоднинг диний-сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Халифа ал-Мустадий даври (1170–80)да ханбалий мазҳаби пойтахтда ҳукмрон мавқега эга бўлган. И.Ж. сарой масжидида ваъзхонлик қилганида уни эшитиш учун жуда кўп халқ тўпланган. Халифа вафотидан сўнг ўрнига ан-Носир ўтиргач, вазият ўзгарган ва И.Ж.нинг ишлари орқага кетган. 1194 й. ханбалий вазир Ибн Юнус вазифасидан четлатилиб, қамокка олинган, ўрнига шиалардан бўлган Ибн ал-Қассоб ўтказилган. И.Ж. ан-Носир сиёсатини танқид қилгани учун хибсга олиниб, Воситга сургун қилинган, у ерда қамокда қаттиқ назорат остида сақланган. Халифанинг онаси аралашуви туфайлигина 5 йилдан сўнг озод этилган. И.Ж. Бағдодга тантанали суратда қайтиб келгач, бироз вақтдан сўнг вафот этган.

И.Ж. энг сермахсул мусулмон алломалардан бўлиб, 200 га яқин асар ёзган. Энг машхур асари – 10 жилдли “ал-Мунтазам” – халифалик тарихига оид нодир манба.

12-а. 60–80-й.ларида Бағдод ханбалийлари пешвоси бўлган И.Ж. ханбалийлик ҳаракатига жуда катта таъсир кўрсатган.

ИБН ИСҲОҚ Муҳаммад (704–767) – араб тарихчиси. Муҳаммад (сав) вафотидан кейин унинг ҳаётига оид барча ёзувлар ва ривоятларни умумлаштириш асосида “Сийрату Расулуллоҳ”

(“Аллоҳ элчисининг ҳаёт йўли” – ислом анъанасида “Сийра” номи б-н машҳур) тарихий асарини ёзган. Лекин бу асар бизгача етиб келмаган, унинг қайта ишлангани маълум.

ИБН МОЖА, тўлик исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа ар-Раъби ал-Қазвиний (824, Қазвин, Эрон – 886) – йирик муҳаддис. И.М. ҳофиз, тўғрисиўз танқидчи, кенг фикрли олим бўлган. У ёшлигидан Пайгамбар (сав)нинг ҳадислари ва б. диний илмлар б-н шуғуллана бошлаган. Ҳадис йиғиш ниятида Ирок, Хижоз, Шом, Миср, Куфа, Басра ва ислом оламининг бошқа шаҳар ва давлатларига саёҳат қилиб, кўплаб шайх, муҳаддислардан дарс олган, баҳс ва мунозараларда иштирок этган ва ҳадис илмининг етук билимдони даражасига етишган.

И.М. кўплаб шогирдлар етиштирган. И.М.нинг энг йирик асарлари сирасига “Китоб ас-Сунан” (“Пайгамбар суннати ҳақида”), “Тафсир ал-Қуръон ал-Карим” (“Қуръони каримга тафсир”), “Китоб ат-Тарих” (“Тарих китоби”). И.М. ижодининг бош асари бўлмиш “Сунан” асарини мусулмон олимларининг кўпчилиги “Сихаҳ ас-ситта” (“Олти саҳиҳ ҳадислар тўплами”)га олтинчи тўплам сифатида киритганлар. Унинг ушбу асари 32 қисм, 1500 бобдан иборат бўлиб, 4341 та ҳадис жам қилинган, улардан 3002 таси бешта “Саҳиҳ” тўпламларига берилган ҳадислар б-н мос келади. 1339 та ҳадис қўшимча ҳисобланади. И.М. “Сунан” асарига Ал-Ҳофиз Жалолиддин ас-Суютий (1505 й. в.э.) ва Шайх ас-Синди ал-Мадиний (1725 й. в.э.) шарҳлар ёзишган.

ИБН ар-РАВОНДИЙ, Аҳмад ибн Яҳё Абул Хусайн (9-а.) – илоҳиётчи; умри давомида ўзининг диний-сиёсий қарашларини бир неча марта ўзгартирган. Марваррудда туғилиб, Бағдодда катта бўлган. Бу ерда муътазилий Бишр ибн ал-Муътамир (825 й. дан кейин в.э.)нинг издоши бўлган, унинг илоҳиёт мактабида таълим олган. Дастлабки асарлари муътазилийлар ғоясини тарғиб этишга бағишланган, кейинчалик у муътазилийлардан йироқлашган ва кўпгина муаррихлар фикрича, “худосиз” (мулҳид) бўлган. Муътазилийлар уни жазолашни халифадан сўрашган. И. ар-Р. қочишга мажбур бўлиб, Куфада бир яҳудийнинг уйига яширинган. Айрим маълумотларга кўра, у 9-а. 60-й.да Бағдодда, тахм. 40 ёшда вафот этган, бошқа

маълумотларга кўра эса, 10-а. бошларида тахм. 80 ёшда вафот этган.

И. ар-Р. 40 дан ошиқ асар ёзган. Уларнинг аксарияти, ҳам муътазилийлар, ҳам умуммусулмон ақидаларини рад этишга бағишланган. Хусусан, “Китоб аз-зумурруд” асарида у пайгамбарликни, хусусан, Муҳаммад (сав)ни танқид қилган, пайгамбарлар кўрсатадиган мўъжизалар ва Қуръонни рад этган, баъзи диний ақидалар соғлом ақлга тўғри келмайди деб даъво қилган ва б.

Ибн ал-Муртадонинг таъкидлашича И. ар-Р. асарлари маълум мукофот эвазига яҳудийлар, носаролар, дуалистлар ва б. учун ёзилган бўлса керак. Хусусан, имомийлар ҳақида рофизийлар учун ёзган рисоласи учун у рофизийлардан 30 динор олган.

ИБН РУШД Абдулвалид Муҳаммад (лот. Аверроэс) (1126, Кордова – 1198.12.12, Марокко) – араб файласуфи ва табиби. Андалусия ва Марокашда яшаган, қози ва сарой ҳақими бўлган. Аристотель асарларига шарҳлар ёзган. *Ғазолий* таълимотига қарши “Таҳофут ут-таҳофут” (“Раддиятни рад этиш”) асари б-н фалсафада муайян ўрин тутди. И. Р. моддий дунё абадий, унинг боши ҳам йўк, охири ҳам бўлмайди, деган. Лекин, унингча, моддий дунё фазода чекланган. Худонинг борлигини тан олган И. Р. унинг оламдан олдин бўлганлигига ишонмаган ва худо яратилган олам б-н бирга абадий, деб ҳисоблаган. У руҳ ўлмайди, охират бор деган гапларга қарши чиққан. И. Р. – икки ҳақиқат назариясини илгари суриб, билимни эътиқодга, фалсафани илоҳиётга қарама-қарши қўйди ҳамда фаннинг, инсон ақлининг ролига юқори баҳо берди. И. Р. киши олий камолотга зикру сано орқали эмас, балки илмий-фалсафий билим орқали эришади, деб ҳисоблаган. Ўз даврининг илғор кишиси бўлган И. Р. адолатли жамият қуришни, хотин-қизларга тенг ҳуқуқ берилишини, ҳурлик ғояларини тарғиб қилди. И. Р. ғоялари ўрта аср фалсафасига катта таъсир кўрсатди. И. Р. 7 жилдли қомусий тиббий асар “Китоб ал-қуллийёт” (тиббийёт бўйича умумий қўлланма) муаллифидир.

ИБН СИНО, Абу Али ал-Хусайн б. Абдуллоҳ Бухорий (980–1037) – ўрта осиелик қомусий олим. Европада Авиценна номи б-н машҳур. Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида

амалдор онласида туғилган. Отаси *исмоиллийлар* фирқасига мансуб бўлган. И.С. ёшлигидан илм-фан ўрганишга киришади, Шарқ мутафаккирлари асарларини, кад. юнон табиий-илмий ва фалсафий меросини ўрганadi. И.С. асарлари 280 дан ошади, бизгача уларнинг 160 га яқини етиб келган. И.С. истеъдодли, хотираси кучли, зеҳни ўткир бўлиб, 10 ёшидаёқ Куръонни ёд билган. И.С.нинг илоҳиётга оид карашлари “Аш-шифо”, “Ан-нажот”, “Ишорат ва танбеҳот” каби асарларида баён этилган. Унинг фикрича, оламдаги барча мавжуд нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин). Зарурий вужуд – ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, иродали, қудратли Тангридир. Қолган ҳамма нарса имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд – Тангридан келиб чиқади.

И.С. “Ат-таълиқот” рисоласида “инсонларнинг ақли ҳақиқий моҳият ва ҳақиқатни, “биринчи”ни (яъни, Худони) идрок қилмайди” деб ёзади.

И.С. фикрича, вужуди ўзидан бўлган нарсагина ҳақдир. Бинобарин, Худо ҳақдир ва ундан бошқа ҳар қандай нарса ботилдир. Вужуди вожиб учун бирор исбот ҳам йўқ ва ўзидан ўзгача йўл б-н уни билиб бўлмайди. Чунончи, у Куръони каримдаги фикрга қўшилиб, “Аллоҳ гувоҳлик берадики, ундан бошқа илоҳ йўқдир” дейди. И.С. “Донишномайе алоий” асарида ёзади: “Унинг баракотидан шу нарса келиб чиқадики, оламнинг аввали бордирки, У оламга ўхшайди. Оламнинг борлиғи Ундан, Унинг вужудидандир. У эса, вожиб ва ўз-ўзича вужуддир. Барча нарсаларнинг борлиғи Унинг туфайлидир”. И.С. динга эътиқод қилса ҳам ўз давридаги баъзи тасаввурларга эътироз билдирган. И.С. ижоди, илмий фаолияти Шарқ ва Европадаги фан, маърифат ва маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

ИБН ТАЙМИЯ, Такий ад-Дин Аҳмад (1263 – 1328) – *ҳанбалийлик* мазхабига мансуб факих ва илоҳиётчи олим. Ҳаррон (Сурия)да туғилган 1269 й отаси оиласи б-н Дамашққа кўчиб ўтади. И.Т. дастлаб отаси асос солган Суккария мадрасасида таълим олади, сўнг шу мадрасага ўзи раҳбарлик қилади. 1306–1312 й.ларда Мисрда яшаган. Шу даврда у Миср илоҳиётчилари б-н кескин баҳслар юритди ва натижада 2 марта зиндонга ташланди. 1313 й.

Дамашққа қайтиб яна мударрислик фаолиятини давом эттирди. Аммо, бу ерда ҳам 1321 ва 1326 й.да зиндонга тушади ва пировардида қалъада вафот этади.

И.Т. ўз дунёқарашига кўра, ҳанбалийлик мазхабининг салафия оқимига мансуб эди. У Пайғамбар (сав)нинг саҳобалари фикрларини тўрт мазҳаб асосчиларининг таълимотларидан устун қўйиш, *ижтиҳод* масаласида эса, Куръон ва ҳадис матнлари б-н чекланиш тарафдори эди. И.Т. исломнинг “соф”лиги учун курашиб, фалсафа, *калом* (хусусан, ашъария)ни, авлиёларга сиғиниш ва Пайғамбар(сав) қабрларини зиёрат қилишни кескин қоралади. Сиёсат бобида И.Т. давлат ва диннинг бирлиги ғоясини тарғиб этди. У ёзган илмий ва диний асарлар ўрта асрлар ислом меросининг таркибий қисмини ташкил этади ва ҳамма томонидан эътироф қилинади. Аммо, айни вақтда ҳанбалийлик таълимотининг тўла шаклланишида катта хизмат қилган бу асарлар Яқин Шарқ тарихининг кейинги даврларида радикал ислом оқимлари учун назарий асос вазифасини ўтай бошлади.

Ҳанбалийларга хос ижтимоий-сиёсий фаоллик И.Т. асарларида юқори даражага кўтарилганининг сабаби шундаки, у даврда Сурия (Шом)дан шарқда жойлашган ерлар мўғуллар қўл остида, аммо, аҳолиси муслмон эди. Ҳатто Эрон ва Ироқда ҳукмрон бўлган илхонлар (хулағуийлар) ҳам исломга киргандилар. Лекин, И.Т. уларни ҳақиқий муслмон деб ҳисобламас, уларга қарши жиҳодга даъват этарди. И.Т. таълимоти унинг ҳаётлиги чоғида кенг тарқалмаган бўлса-да, 18-ада *вахҳобийлик*нинг келиб чиқишига манба бўлди.

ИБН ТУМАРТ, Муҳаммад ибн Абдураҳмон (1078 ёхуд 1081–1130) – Шим. Африкадаги ал-“Мувахҳидун” ҳаракати раҳбари ва сулоласи асосчиси. Суса (Жан. Марокаш)да туғилган. Кўпгина муаррихлар унинг шажарасини Али ибн Абу Толиб (қв)га боғлайдилар, бироқ Ибн Халдун уни барбарлардан ҳисоблайди. 1106 й. И.Т. Куртубага келиб фикҳ б-н машғул бўлган, 1108 й. Искандарияда машғулотини давом эттирган, бир мунча вақт Бағдодда таҳсил олган. Шарқда И.Т. ашъарийларнинг изчил издоши бўлган, ҳадисларга таянмай мустақил ҳукм чикаришга қарши чиққан. Динни поклаш, унинг асл, илк манбаларига қайтиш (усул)

хақидаги ваъзлари натижасида уни Бижайндан қувғин қилишган. 1120 й. Марокашда ал-Мувахҳидун амири Али ибн Юсуф (1106–43) И.Т. б-н маҳаллий уламолар ўртасида мунозара уюштирган. Уламоларнинг И.Т. қарашларига бўлган норозилиги шу қадар бўлган-ки, у ҳибсга олинишдан зўрга қутилиб қолган. Шундан эътиборан И.Т. динни поклаш шиори остида “ал-Мувахҳидун”га қарши очикдан-очик сиёсий қарши чиккан (11-а. ўртаси – 1147). Уни кўплаб барбар қабилалари қўллаб-қувватлашган. Уч йиллик урушдан сўнг у Нфис дарёсининг юқори оқимидаги тоғли Тинмалал қалъаси (Марокашдан 75 км жан.дада ўрнашиб олган. У ҳар томондан Муҳаммад (сав)га ўхшашга даъво қилган. Тинмалалга кўчишни ҳижрат, яқин сафдошларини – асҳоблар деб атаган ва б. Ўзини гуноҳлардан холи имом ва маҳдий деб атаган. 1130 й. Маррокашни 6 кун муваффақиятсиз қамал қилгач, И.Т. қўшини тор-мор келтирилган, бир оздан сўнг ўзи ҳам вафот этган. Унинг вафот этганини яқин дўсти ва ёрдамчиси Абдулмўмин ҳаракатга раҳбарликни ўз қўлига олгунга қадар (1132 й.) яширишган. И.Т.нинг Тинмалалдаги қабри 16-а.гача зиёратгоҳ бўлган.

ИБН ФАРИД, Шарафиддин Умар ибн Али Абу Ҳафс (ёхуд Абул Қосим) ал-Мисрий ас-Саъдий (1181–1235) – йирик араб мутасаввиф шоири. Қоҳирада, Хама ш. (Сурия)дан бўлган мол-мулкни тақсимлаш бўйича вакил (фарид) оиласида туғилган. лақаби – Ибн ал-Фарид шундан. Ёшлигидан отаси диний илмларни ўргатган. Ибн Асоқир ва ал-Мунзирийдан ҳадис илмидан сабоқ олган. Ўсмирлик чоғиданок И.Ф. одамлардан холи бўлиб яшашни ёқтирган, отасининг розилиги б-н ал-Муқаттам тоғига бориб узоқ вақт ёлғизликда яшаган. 15 йилга яқин Ҳижозда яшаб, аксарият асарларини ўша ерда ёзган. Қоҳирага қайтган И.Ф. валий сифатида кутиб олинган. И.Ф. ал-Азҳар масжидидан кўним топган, уни бойлар ва камбағаллар зиёрат қилишган. И.Ф. вафотидан сўнг унинг ал-Муқаттам тоғидаги қабри зиёратгоҳга айланган.

И.Ф. тасаввуфга оид 2 машҳур қасида – “ал-Хамрийя” ва “Назм ас-сулук” (уни кўпинча “ат-Таъййа ал-Кубро” деб аташади) муаллифи бўлган.

ИБН ХАЛДУН Абдурахмон Абу Зайд ибн Муҳаммад (1332, Тунис – 1406, Қоҳира) – араб

тарихчиси ва файласуфи. *Ибн Рушд*нинг издоши. 1349–75 й.ларда Тунис, Фес, Фарнота, Бужжойа (Жазоирда) ҳукмдорлари саройида юқори лавозимларда ишлаган. 1382 й. Мисрга келиб, мударрислик қилган, умрининг охирида моликийлар мазҳаби қозиси бўлган. Асосий асари: “Китоб ул-ибар” (“Ибратли мисоллар китоби”, 1370). Асарда И.Х. жамият таракқиёти хусусида ўз фикрларини ҳамда Шарқ мусулмон халқлари (хусусан, Мағриб) тарихини баён қилган. И.Х. кишилар ҳаёт тарзидаги тафовутларни, асосан, географик ва б. моддий омилларга боғлиқ деб ҳисоблаган. Асарда И.Х. ўз тарихий-ижтимоий назариясини баён қилиб, ахлоқ ва ижтимоий муассасалар кишилар турмуши б-н боғлиқлигини ҳамда меҳнат ва кишиларнинг ўзаро муносабати жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган. И.Х. тарихий-ижтимоий таракқиётнинг моддий тамойилларга асосланиши ҳақида фикр юритган.

ИБН ШИҲОБ, тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдулло ибн Шихоб аз-Зухрий ал-Маданий (670–721) – тобеъинларнинг улуғларидан, ҳофиз ва муҳаддис. Ибн Умар, Анас ибн Молик, Саму ибн ал-Мусайяб ва б.дан ҳадис ва фикх илмини ўрганган. Алломалардан имом Молик ибн Анас, ал-Авзоъний, Суфъён ибн Уяйна, Саврий ва б.нинг устози бўлган. Кучли хотира ва қобилият эгаси бўлиб, айтишларича, 80 кунда Куръонни ёд олган. Илмга кўп хизмати сингган зотлардан. И.Ш. илм ҳақидаги “Ҳеч бир банданинг илмга хизмат қилишдан кўра улуғроқ ибодати бўлмаган” деган.

ИБН ҲАЗМ, Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад (994–1064) – андалусиялик илоҳиётчи ва факих, зоҳирийлар ҳуқуқ мактабининг йирик вакили. Зоҳирийлар анъанасини давом эттириб, И. Х. муқаддас матнларни қандай бўлса, шундай шарҳлашни қатъий талаб қилди; фикҳнинг асослари сифатида фақат Куръон ва суннани тан олди (ўзи тан олган *ижмоъ*ни фақат Пайғамбар(ас) саҳобалари *ижмоъ*си сифатида тушунар эди); *қиёс*, раъй, *истиҳсон*, таълил (асослаш) каби ҳуқуқшунослик усулларини рад этди; *калом*нинг барча кўринишларига, жумладан, *Ашъарий* каломига ҳам қарши чикди. Шу б-н бирга И. Х. пайғамбаргагина эргашини ёқлаб, таклидни рад этди (унинг фикрича, эргашини таклид эмас).

И. Х. нинг асарларидан энг машхури “ал-Фисол фи-л-милал ва-л-аҳво ва-н-ниҳал” (“Динлар, оқимлар, мазҳаблар хусусидаги баҳс”) бўлиб, Қоҳирада (1938 й.) босилиб чиққан. Бу асарда мусулмонларни кўп мазҳаб ва оқимларга ажратиб юборган илоҳиёт муаммоларини ошқора мадҳ этди. Унинг ҳуқуқшуносликка бағишланган “ал-Муҳалло” (“Ширинланган”) асари ҳам бор. Ўзини фикҳ соҳасида И. Х.нинг мухлиси ҳисобловчи Ибн Арабий мазкур асарнинг қисқача баёнини “ал-Муъалло” (“Баланд мартабага кўтарилган”) номи б-н таълиф этган.

ИБН ХИББОН Абу Хотам Муҳаммад ибн Хиббон ал-Бустиий (? – 965) – муҳаддис. Шофиъийлик фақиҳларидан. Самарқандда вояга етган ва у ерда бир муддат қозилик қилган. Тиб, фалакиёт ва б. илмлардан воқиф бўлган. Мовароуннаҳр, Ирок, Хуросон, Шом, Хижоз каби ислом илм марказларини кезиб, ҳадис билимдонларининг кўпчилигидан истифода этган ва кўпгина асарлар (“Ал-анво ват-такосим”, “Китобус-саҳоба”, “Китобул-фасли байнаннақала”, “Китобул-илал”, “Асҳобут-таворих”, “Китобу атбоит-тобеин”, “Китобус-сиқат” ва б.) ёзган.

ИБН ХИШОМ (? – 834) – араб адиби. *Ибн Исҳоқ*нинг “Сийра” асарини қайтадан ишлаган ва шу китоб ҳозиргача етиб келган.

ИБОДАТ (араб. – қуллук қилиш, бўйсунуш, ўзини паст олиш, итоат қилиш) – худога сиғинуш, илтижо қилиш. Мусулмон уламолари И.ни бир-бирига яқин маънода турлича таърифлаганлар. И. *Аллоҳга бўйсунуш* ва унга ўзини хокисор тутишнинг олий даражасидир. И. фақатгина Аллоҳни улуглаш учун Унинг амрига биноан амал қилишдир. И. Аллоҳ ёқтирадиган ва рози бўладиган сўзлар, ишлар ва зоҳирий ҳамда ботиний амаллардир. Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун ният б-н қилинадиган барча амаллар И.дир ва ҳ.к. Фуқаҳолар И.ни тор доирада олганлар. Уларнинг наздида *намоз, рўза, ҳаж, закот, Қуръон* кироати, *зикр*, хайри садақа каби нарсалар И. ҳисобланади. Шу маънодаги И. жисмоний, молиявий ва жисмоний-молиявий И.ларга тақсимланади. Жисмоний И.га намоз, рўза кабилар қиради. Молиявий И.га закот, садақаи *фитр* кабилар қиради. Жисмоний-молиявий И.га ҳаж, *умра* кабилар қиради. И. фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб даражаларида бўлади. Фарз И.ни

инкор қилган кофир, уни тан олиб, амал қилмаган осий бўлади. Вожиб И.ни қилган савоб олади, қилмаган гуноҳкор бўлади. Суннатни бажарган савоб олади, бажармаган итоб қилинади. Мустаҳабни қилган савоб олади, қилмаганга ҳеч нарса йўқ. И.ни адо қилишда бошқанинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин. Бировнинг ёрдами ила И. қилиш имкони бор одам И. қилишга қодир ҳисобланади ва қилмаса гуноҳкор бўлади. И. қилиш учун унинг ҳаммасини адо этишга ният бўлмоғи лозим. Баъзисини адо этишга ният қилса-ю, қолганига ният қилмаса И. тўғри бўлмайди. Ақли расо бўлмаган кишилардан И. соқит бўлади. Узрли кишилардан И.нинг баъзиси соқит бўлади. Мас., бемор одам туришга қодир бўлмаса, ўтириб намоз ўқийди. Мусофир одам тўрт ракаат ўрнига икки ракаат намоз ўқийди. И.ни адо этмаслик учун хийла қилиш жоиз эмас. Мас., намоз вақти яқинлашганда уйқу дори ичиб олиб, ухлаб қолиб намозни ўтказиб юборибман дейиш. Закот фарз бўлганда молининг ярмини ўғлига ҳада қилиб, молим нисобга етгани йўқ, дейиш кабилар. И. адо этилаётган пайтда бузилса, у бошқатдан адо этилади. Агар И. жараёнида уни тузатиш имкони бўлса, тузатиб ҳам олиш мумкин. Мас., намозни фосид қилмайдиган хато содир бўлса, уни саҳв саждаси ила тузатиб олиш мумкин. И. таъаббудий ва ғайри таъаббудий (ҳикмати маълум ва ҳикмати маълум эмас) га бўлинади. Мас., рўза И.ининг сабр, чидам, соғлиққа фойдаси каби ҳикматлари маълум. Аммо намознинг нима учун пешинда 4, шомда 3, бомдодда 2 ракаат фарз бўлганининг ҳикмати маълум эмас. Шунга ўхшаш таъаббудий И.ларни амр бўлгани учун ҳикматини суриштирмай адо этилаверади.

ИБОДИЙЛАР, абодийлар – *хорижийларга* мансуб 4 асосий фирқа (жамоа)нинг энг “мўътадил” ҳисобланган қисми, Абдуллоҳ ибн Ибод (ёхуд Абод) (7-а.нинг 2-ярми)нинг издошлари. 684 й. Басрадаги хорижийлар орасида бўлиниш содир бўлган: *азрақийлар* умавийларга қарши чиқишган. Абдуллоҳ бўлса, Басрада қолиб, қуролли курашдан воз кечган ва хорижийларнинг “мўътадил” қанотига раҳбарлик қила бошлаган. И. фирқасининг ҳақиқий асосчиси ва раҳнамоси Жобир ибн Зайд (Уммонда туғилган, 717 й.в.э.) эди. 9-а. охиригача Уммон И.и мустақил бўлишган.

сўнгра мамлакат яна аббосийлар тасарруфига ўтган, лекин 11-а. бошидан эътиборан И. Уммонда яна ҳокимият тепасига келганлар. Ҳозирда бу мамлакат аҳолисининг ярмидан ортигини И. ташкил этади. И. диний-сиёсий дастури асосини имомат ҳақидаги таълимот ташкил қилади. И. имоматнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, бир вақтнинг ўзида ислом дунёсининг турли қисмларида бир неча имомлар бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Имом шайхларнинг махфий кенгаши томонидан сайланиб, бу қарор халққа эълон қилинган. Кўпинча сайловлар битта қабила ёки уруғ доираси б-н чекланиб қолган. И. имоми – ҳоким (лашкарбоши, қози, фақиҳ) ҳам бўлган. И. ақидасида суннийлар ва муътазиллийлар ақидасидаги тамойиллар акс этган. И. одамларнинг қилмишини вужудга келтирувчи Аллоҳдир, деб биладилар. Сиёсий ва диний сабабларга кўра, кишини ўлдиришни рад этганлар. И. таълимоти тарафдорлари гарчи кўп мамлакатларга тарқалган бўлсалар-да, улар диний соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам яқдил бўлмаганлар. Ҳоз. Шим. Африкада, Уммон, Занзибар о.да И. жамоалари мавжуд. Уларнинг диний эътиқод ва маросимлари суннийлик ва шиаликдаги оқим, фирқалардаги эътиқод ва маросимлардан ўзининг айрим хусусиятлари б-н фарқ қилади.

ИБРОҲИМ (ас) – Қуръонда номи зикр этилган пайгамбарлардан бири, ўздан кейин ўтган барча пайгамбарларнинг бобокалони, араблар ва яҳудийларнинг умумий аждоди. Яқкаҳудоликни тарғиб қилган. Аллоҳнинг чин дўсти (халилуллоҳ), имом (“жамоа раҳбари”), сиддик (“ҳақиқаттўй”) ва ҳаниф (“яқкаҳудоликни тарғиб қилувчи”) деб таърифланади. Яҳудий-христиан диний адабиётларида Авраам номи б-н маълум. Бобилда таваллуд топган. Аввалига юлдуз, ой, қуёшга сиғинмоқчи бўлган, кейин ёлғиз Аллоҳга ибодат қила бошлаган. Отаси Озор ва қавмларини ҳам ана шунга даъват қилган. Бу ҳақда Қуръонда (Анбиё сураси 53–56-оятлар) келган. Улар б-н баҳслашган, аммо ишонтиролмагач, отаси ва қавмлари сиғиниб юрган ҳамма бутларни синдириб ташлаган (Анбиё сураси 58–60-оятлар). Шу сабабли уни ёндириб юбормоқчи бўлиб ўтга ташлаганлар, аммо, у Аллоҳ иродаси б-н оловдан соғ-саломат чиққани Қуръонда баён қилинган (Анбиё сураси 68–72-оятлар).

Қуръонда ёзилишича, Аллоҳ И.(ас)га қариганда икки фарзанд берган. Булар *Исмоил* ва *Исҳоқ* (ас)лардир. Исмоил (ас) *Муҳаммад* (сав)нинг катта бобоси, Исҳоқ эса, Исо (ас) ва ундан аввал ўтган пайгамбарларнинг катта бобосидир. И.(ас) тушида қилинган илҳомга асосан Аллоҳга бўлган чин эътиқоди эвазига битта ўғли (Исмоил)ни қурбон қилишга қарор қилган, лекин Аллоҳ боланинг ўрнига кўчкор юборган (қ. *Қурбонлик*). Маккаи мукаррамада Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи)нинг бунёд бўлиши, ислом арконларининг 5-фарзи – ҳаж қилиш И. (ас)га бориб тақалади. Каъба яқинидаги “И. жойи” (“И. мақоми”) мусулмонлар зиёратгоҳидир. Одатда, хатна қилишни ҳам И. (ас) номи б-н боғлайдилар. Манбаларда И. (ас)нинг 175 йил умр кўргани, ўғиллари томонидан Мадинагул Халил (Хеврон, Фаластин)га дафн этилгани ёзилган. Бу қабр зиёратгоҳ ҳисобланади.

ИБРОҲИМ ОТА МАҚБАРАСИ – Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (15–17-а.лар). Ривоятларга кўра Аҳмад *Яссавий*нинг отаси Иброҳим ота мозори устига қурилган деб тахмин қилинади. Мақбара (тарҳи 6,7х9,34 м, баландлиги 5,65 м) бир хонали, олди пештоқли (баландлиги 5,65 м), гумбаз томли. Тарзлари безаксиз, ичкараси ганч сувоқ қилинган. Полига ёшт ётқизилган. Эшик тепасидаги туйнукка панжара ишланган. Мақбаранинг гарбида ер сатҳидан 1,5 м чуқурликда чиллаҳона ҳам бор. Мақбара кейинги асрларда бир неча марта таъмир қилинган.

ИДДА, и д д а т а л-м а р ъ а (араб. – маълум вақт, аёллар учун белгиланган муҳлат) – шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажралишган хотинлар бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муҳлат. Бундай аёлларга И. ўтмагунча эрга чиқиш тақиқланган: бева учун И. 4 ой-у 10 кун, эридан ажралишган ҳайз кўрмайдиган аёл учун 3 ой, ҳайз кўрадиган аёлнинг И.си уч ҳайз белгиланган. Муҳлатнинг белгиланиши Қуръонга асосланган ҳолда шариатга киритилган бўлиб, аёлнинг ажралган ёки ўлган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлигини аниқлаш б-н боғлиқ бўлган. Эридан талоқ ила ажраган аёл, И.ни эри ила яшаган уйда ўтказиши лозим. Чунки бу, яна қайта ярашиш учун берилган имкониятдир. Ҳомиладор аёлнинг эри вафот этса ёки талоқ қилган бўлса, И.си туғгунча бўлиб, туғса И.дан чиқади.

ИДРИС (ас) – Куръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. Ривоят қилишларича, И. (ас) ер юзида 365 йил яшаган. Бу олижаноб, такводор инсонни Аллоҳ “юксак мартабага кўтарган” (Куръони карим, 19:56–57). Исломшунослар И. (ас)ни Библиядаги Эноҳ, баъзан Эдра каби афсонавий шахслар б-н таққослайдилар. И. (ас) ислом ривоятларидаги Илёс (ас) ва Хизр (ас) ҳазратлари сингари “абодий барҳаёт” ҳисобланади. У хат ва ёзувни, кийим тикиб, кийиниб юришни бошлаб берган, юлдузларга қараб тақдирни айтиб беришни, вақт ҳисобини билган пайғамбардир.

ИДРИСИЙЛАР, бану Идрис –Мағрибдаги биринчи алавийлар сулоласи (789–926). Асосчиси – Идрис I, Ҳасан ибн Алининг чевараси, Мадинада Аббосийларга қарши алавийлар кўзғолони (786) қатнашчиси бўлиб, таъқибдан қочиб Шим. Марокашга эсон-омон яширинганди. Барбар – зенатлар сардорларининг қўллаб-қувватлашига таяниб, маркази Улили бўлган кичик давлат барпо этган (788), Улили яқинида янги шаҳар – Фес қад кўтарган. Идриснинг укаси Сулаймон, бир оз вақтдан сўнг маркази Тлемсен ш. (Фарбий Жазоир) бўлган яна бир давлатга асос солган. И. давлатининг раўнақи Идрис II (808–828) ва унинг ўғли Муҳаммад (828–836) ҳукмронликлари даврига тўғри келиб, бу даврда давлат худуди Баланд Атлас тоғларидан шим.-ғарбдаги бутун худудни қамраб олган. Бу даврда Фес ва Тлемсен жуда тез тараққий этган, янги шаҳарлар вужудга келган. Идрис II давлатни кўп сонли меросхўрлари ўртасида тақсимлаган, бу ўзаро низоларни келтириб чиқарган. 917 й. Фотимийлар Яхё IV ни тор-мор келтирганлар, у тобеликни бўйнига олган, лекин 919–920 й.да қамокқа олиниб, қатл қилинган. Фотимийлар ва Умавийларнинг Марокаш учун олиб борган узоқ курашларидан фойдаланиб И. Рифдаги мулкларини сақлаб қолганлар. 974 й. Умавийлар сўнгги И.ни асир олишган. Улардан бири, ал-Ҳасан, Коҳирага қочиб бориб, Фотимийларни ёрдам беришга кўндирган, бироқ яна асирга тушиб қатл этилган.

1010 й. И.нинг узоқ тармоқларидан бири – Ҳаммудийлар Малага ва Альхесирасни эгаллаб, у ерда вилоят ҳокими сифатида 1057 й.гача ҳокимлик қилишган. Марокашда И.нинг авлодлари (шарифлар, маҳаллий лаҳжада–

шорфа) кўпчилик бўлиб, ҳозиргача таъсир кучига эга.

ИЖАРА – бирор нарсани маълум муддатга маълум маблағ эвазига омонатга олиш, ёллаш. Шариат ҳуқуқи бу тушунчада барча кўринишдаги И.га олишни ёки бирор ходимни ёллашни назарда тутди.

Ёллаш ҳақида тузилган шартнома куйидаги ҳолатларда ҳақиқий ҳисобланади: 1) И.га олинаётган нарса аниқ ифодаланган ва икки томоннинг розилиги очик-равшан баён этилган бўлса; 2) тўлов миқдори ва муддати аниқ кўрсатилган бўлса; 3) И.га олинаётган нарса (ёки ёлланаётган меҳнат) мусулмон учун рухсат берилган ва фойдали бўлса. Бу шартлар олди-сотди амалиётидаги асосий талабларга мос келади. И.га олиш олди-сотди сифатида қаралиб, унда нарсанинг ўзи эмас, балки ундан келадиган фойда назарда тутилади. И.га олинган нарсага И.га олувчи зиён етказса, унинг ҳаққини тўлашга мажбур.

ИЖИЙ, Адудаддин Абдурахмон ибн Аҳмад (тахм. 1281–1355) – сўнгги калом вакили, мутакаллим. Иж ш.да туғилган. Фикҳда шофиъий мазҳабига таянган. Каломни ал-Байдовий (1286 й. в. э.) издошларидан ўрганган. Элхонийлардан Абу Саъид (1316–36) саройида қози бўлган. 1355 й. номаълум сабабларга кўра қамокқа олиниб, ўша йили вафот этган. Машҳур мутакаллим Саъиддин ат-Тафтазоний унинг шогирди бўлган. И.нинг “Мавокиф фи илм ал-калом” асари кўп асрлар давомида калом бўйича асосий қўлланма бўлиб келган ва бир неча бор (жумладан, ал-Журжоний томонидан) шарҳ қилинган.

ИЖМОЪ (иттифоқ бўлиш, азму қарор қилиш) – муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келишуви; *фиқҳ* манбаларидан бири. *Усул ал фиқҳ* уламолари И.ни куйидагича таърифлайдилар: *Муҳаммад* (сав)нинг умматидан бўлган барча мужтаҳидларнинг у кишининг асридан кейинги даврларда бирор шаръий ишга яқдиллик б-н иттифоқ қилишлари И.дир. И. фақат мужтаҳидлар тарафидан содир бўлади. И.да фақатгина фосиклик ва бидъатчиликдан холи бўлган мужтаҳидлар қатнашади. И.нинг келиб чиқиши 7-а.нинг 2-ярмида ўтган дастлабки мужтаҳидлар – “Мадинанинг етти фақиҳи” – Саид ибн ал-Мусаййиб, Урва ибн аз-Зубайр, Абу Бакр ибн Убайд, ал-Қосим ибн Муҳаммад,

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ, Сулаймон ибн Йасар ва Хориж ибн Зайд фаолиятлари б-н боғлиқ. Улар мунозарали масалаларни ўрганиш тартибини белгилаб беришган. Бунинг учун ҳар бир мунозарали масала юзасидан имкони борича тўлиқ маълумот тўплашган, иложи борича кўпчилик кишилардан сўраб билишган. Сўнгра бу маълумотлар солиштирилиб муҳокама этилган, энг ишончли деб билингани бўйича ягона бир қарорга келинган.

Замон, шароитга қараб ўзгариб турадиган ҳукмлар мусулмон жамоаси *ижтиҳод* қилиб ечиш учун қолдирилган. Агар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам зикри келмаган масала кўндаланг бўлиб қолса, бу масаланинг ечилиши мусулмонларнинг ишбошиларига ҳавола қилинади. Ижтиҳод мақомига етган ишбошилар мазкур масалани Қуръон ва Суннат қоидалари асосида ҳал этадилар. Бунга амал қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Чунки оятда: "...Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг", деган амр бор. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш эса, вожибдир. Аммо, ишбошиларга бўйсунушда бир неча шартлар бор. Аввало, оятда "ўзингиздан бўлган" дейиляпти. Фақиҳлар бу оятдаги "ишбоши"ларни фикҳда ижтиҳод даражасига етган уламоларнинг жамланиб, бирор масала бўйича иттифоқ бўлиб қарор қилишлари, ишбошиликдир, деганлар. Аҳли Суннанинг барчалари, И. фақат мужтаҳидларнинг иттифоқи ила бўлади, ким бўлишидан қатъи назар бошқаларнинг қилган иттифоқи И. бўла олмайди, деганлар. Баъзи тарафлар энг яхши И. тўрт рошид халифанинг қилган И.ларидир деганлар. И. учун суянч бўлиши шарт. Бу суянч матнда келган далил ёки қиёс бўлади. Одатда ўша матн ёки қиёс махфий бўлади. Мужтаҳидлар уни ошкор қилишга ижтиҳод қиладилар ва уни ҳал қилишда иттифоқ бўладилар. И. йўли б-н собит бўлган ҳукм қатъий бўлса, уни инкор қилган шахс кофир бўлади. Фаръий ва машҳур бўлмаган масалалардаги И.ни инкор қилган шахс кофир бўлмайди. Ҳанафийларнинг фикрича, қатъий равишда собит бўлган ҳар қандай И.ни инкор қилган шахс кофир бўлади. Агар бир асрнинг баъзи мужтаҳидлари бир масалада И. қилсалар ва бу ҳақда бошқа мужтаҳидларга хабар етганда улар жавоб бериш муддатида сукут сақласалар, И.и сукутий

бўлади. Бу ҳам ҳанафийлар наздида қатъий И. ҳисобланади. И. насх бўлмайди. Чунки, у Пайғамбар (сав)нинг вафотидан кейин бўлган нарсадир. Пайғамбар (сав)нинг вафотларидан кейин насх бўлиши мумкин эмас. Қуръон ва Суннатга хилоф равишда фатво бериб бўлмаганидек, И.га хилоф равишда ҳам фатво бериб бўлмайди. Шунингдек, Қуръон ва Суннатда ҳукми бор масалада қиёсни ишлатиш мумкин бўлмаганидек, И.да ҳукми бор бўлган масалада ҳам қиёсни ишлатиш мумкин эмас. Охириги пайтларда мужтаҳидлар йўқ бўлгани ва ижтиҳод эшиги беркитилгани оқибатида И. ҳам тўхтаб қолган.

ИЖОЗА (араб. – рухсат, гувоҳлик) – тариқатга оид тушунча. И.нинг уч тури мавжуд: 1) мурид ёки дарвишга шайх томонидан топшириладиган малака иршоиди. Иршод мурид ва дарвишга ўз шайхи номидан амалий ишлар б-н шуғулланиш имконини беради; 2) Шайхнинг халифаси (ўринбосари)га тариқатга янги аъзоларни қабул қилиш ваколати берилганини тасдиқловчи ҳужжат; 3) мурид ёки дарвиш суфийлик таълимотини тўлиқ ўтаганини тасдиқловчи ҳужжат.

ИЖТИҲОД (араб. – ғайрат қилиш, интилиш) – фақиҳ томонидан шаръий ҳукмини ҳосил қилиш учун барча билим ва тоқатини ишга солиш. И. шаръий ҳукми келмаган ишнинг махсус қоидаларни ишга солиб шаръий ҳукмини аниқлаш учун қилинади. Пайғамбар (сав) тириклигида у кишидан бошқа одам И. қилмаган. Бу мумкин ҳам эмас эди. И. 7-а. охирида вужудга келган. Бу вақтга келиб саҳобаларнинг Муҳаммад (сав) фаолиятлари, айтган сўзлари ҳақидаги хабарларида ихтилоф пайдо бўлган. Бундан ташқари мусулмон жамоасидаги ҳаёт тарзининг ўзгариб бораётганлиги туфайли кўплаб ҳуқуқий муаммолар туғилган. Шунинг учун И.нинг асосий мақсади янги ёхуд ўтмишдошлар томонидан ҳал этилмаган масалаларни топиш, исломга таянилган ва уни қувватлаган ҳолда ҳал этиш бўлган. Кейинги даврларда Қуръон ва Суннатга тегишли илмларнинг барчасини, *ижмоъ*га оид нарсаларни, араб тилига оид барча илмларни, *усул ул фикҳ* илмини ва шунга ўхшаш И. қилиш учун шарт бўлган илмларни яъни оятларнинг сабаб нузулини, ҳадисларнинг айтилиш сабаби ва ўрнини олий даражада билган, тақводорлик, адолатлилик ва шунга

ўхшаш олий шахсий фазилатларга соҳиб бўлган кишилар (*мухтаждлар*) И. қилишга ҳақли бўлганлар. И., асосан, фикҳга оид масалаларга қўлланган. Ақида ва фалсафага оид масалаларда И. қилиш мумкин бўлмаган. Ўрта асрларда, аниқроғи 12-а.да баъзи ҳокимларнинг фақиҳларни мажбур қилиб нотўғри ҳукм чиқаришга уринишларидан, ноаҳил одамларнинг И.га ўзларини уришларидан эҳтиёт қилиб уламолар, И. эшиги беркилганини эълон қилганлар. Бу масалада хилоф қилганлар кўпчиликнинг қаршилигига дучор бўлганлар. Шу б-н бирга гоҳ-гоҳида И.ни даъво қилганлар ҳам чиқиб турган. Бундай шахсларга *Ибн Таймия* ва *Ибн Қайм* мисол бўла олади. Ҳанафийлардан Камол ибн Хумом ҳақида шунга ўхшаш гаплар бор. Аммо, И. эшиги беркитилганлиги ҳолати ҳозиргача давом этиб келмоқда. Яқин орада бирор киши И. қилгани тан олингани йўқ. Аммо И. қилиш зарурлиги тобора ортиб бораётгани ҳақидаги чақириқлар зиёда бўлиб бормоқда. Баъзи замондош уламо ва илмий муассасалар шахсий И. эмас, уламолар жамоат бўлиб И. қилиши тарафдори бўлмоқдалар. Шу мақсадда янги пайдо бўлаётган масалаларда И. қилиш учун Исломи давлатлари уюшмаси, Исломи олами робитаси ва б. баъзи бир минтақа ва давлатларда Исломи фикҳи академиялари ташкил қилинган ва қилинмоқда.

ИЙД (араб. – ҳайит, байрам) – ислом анъанасидаги 2 диний байрам. 1-си қурбон ҳайити (ийд ал-адҳа) – зул-ҳижжа ойининг 10-куни. 2-си рўза ҳайити (ийд ал-фитр) – рамазон ойи тугагандан кейин шаввол ойининг 1-куни.

ИЛЁС (ас) – Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. И.(ас) ўз қавми Баъл номли олтиндан ясалган бутга сиғиниб залолатга ботгач, уларни ҳидоят йўлига даъват этиш учун пайғамбар қилиб юборилади. Аммо, улар даъватни қабул қилмайдилар. “Бани Исроил”ни ҳидоят йўлига сола олмай умидлари узилган И. (ас) парвардигордан ўз жонини олиб, машаққатдан ҳалос этишни сўрайди. Аллоҳ унга қавмини ислоҳ қилиш вазифаси юклатилгани, бинобарин жонини олмай, ўрнига сўраган нарсасини муҳайё этишни ваъда қилади. Қурғоқчилик бошланиб халқ қаҳатчиликка учрайди, беғуноҳ ҳайвону қушлар ҳам нобуд бўлиб, дарахтлар қуриydi. Шундан сўнг қавмнинг илтижоси б-н И. (ас) Аллоҳга

ёлвориб дуо қилгач, кўкда булут пайдо бўлиб ёмғир ёғади. Хиёнаткор қавм эса, яна аҳдини бузиб залолат йўлига қиради... Ривоятда И. (ас) пировардида самога кўтарилиб кетгани айтилади. Инжилдаги Илия тўғрисидаги ҳикоятларда ҳам шундай мазмун бор.

ИЛМ (кўплиги улум) – билим. Исломи дини асосчиси Муҳаммад пайғамбар (сав) турли муносабатлар юзасидан доимо Аллоҳ илми ва инсоний илм ҳақида уқтириб келганлар. Қуръони каримда 750 га яқин жойда И. сўзи ва у б-н боғлиқ феъл ўзаклари учрайди. Аллоҳ илми абадий ва кенг қамровлилиги Аллоҳнинг нақадар қудратли эканлиги белгиларидан бири бўлиб хизмат қилади, инсон илми икки хил: оддий, дунёвий ва диний, эътиқодига мос бўлади. Исломи исломгача ва ундан ташқари бўлган нарсаларга, имонни – имонсизликка ва билимни – жоҳилликка қарама-қарши қўйиш муҳим бўлган. И.га аввал бошданок ўта эътибор б-н қараш натижаси шунга олиб келдики, билимнинг моҳиятига илоҳиёт, ҳуқуқшунослик, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий каби мусулмон таълимотларида жуда катта ўрин ажратилди. Билимга интилиш ҳар бир мўмин мусулмон ва мусулмон аёлнинг бурчи ва вазифаси экани фарз қилинган.

ИЛМ ал-ҲАДИС, ҳадис, илми ҳадисшунослик – ҳадисларни ўрганишга бағишланган илм соҳаси. Сохта ҳадислар сонини илк ислом давридаёқ ошиб кетгани мусулмон уламолари орасида уларга нисбатан танқидий ёндашиш лозим эканини кўрсатди. Муҳаддислар муомаладаги сохта ҳадисларни асдан ажратиш учун уларни синчиклаб ўрганиш заруриятини англаб етганлар. Мусулмон танқидчилигининг асосий эътибори ҳадиснинг мазмуни (матн)га эмас, балки ровийлар занжири (иснод)га қаратилган, исноднинг сифатли бўлиши етказилган маълумотнинг тўғрилигига кафолат ҳисобланган, Муҳаддислар учун ровийлар (ар-рижал) занжири (силсила)ни узлуксизлигини белгилаш муҳим бўлган. Ровийларнинг исми, яшаган йиллари, таржимаи ҳолиларини билишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг имони софлиги ва ахлоқий хусусиятлари алоҳида муҳим аҳамият касб этган. Ровийлар ҳақида батафсил маълумот тўплаш ва уларни танқидий ўрганиш И. ал-Ҳ.да алоҳида йўналиш – маърифат ар-рижол (“ровийлар ҳақида билим”)ни вужудга келтирган. Бу билимни ҳар бир билимдон

муҳаддис эгалламоги лозим ҳисобланган. Ровийларни аниқлаш махсус лугат ёки иснодларда номи зикр этилган шахсларнинг таржимаи ҳоллари битилган табақот кўринишидаги маълумотномаларнинг яратилишига олиб келган. Бу турдаги асарларнинг бизгача етиб келгани Ибн Саъд (845 й. в.э.)нинг “Китоб табақот ал-кабир” асаридир. Шу б-н бир қаторда “заиф” ҳадис ровийлари ҳақида ҳам маълумотномалар ёзилган, мас., “ан-Насоий” (915 й. в.э.)нинг “Китоб ад-дуъафа” асари.

Ҳадислар танқиди жуда пухта бўлган, шу муносабат б-н махсус истилоҳлар пайдо бўлган. Ҳадислар бир хил қийматга эга бўлмасдан, “саҳиҳ” (ишончли), “ҳасан” (яхши) ва “заиф” (кучсиз) каби турларга бўлинган.

“Саҳиҳ” ҳадис деб тўлиқ, ҳеч қандай узилишсиз ровийлари бўлган, ровийларининг имони ва фазилатлари ҳеч қандай эътирозга сабаб бўлмайдиган ҳадисларга айтилади. “Ҳасан” ҳадис деб, ровийлари занжирида узилиш бор бўлган ҳадисларга айтилади. Бундай ҳадислар гарчи “саҳиҳ”лардан пастроқ даражада турсада, ҳар ҳолда илоҳиёт – ҳуқуқий масалаларни ечишда қабул этилиб, улардан фойдаланилган. “Заиф” ҳадис деб ҳадиснинг мазмуни шубҳа туғдирса ёки ровийлардан бири ишончга нолайиқ деб топилса, шундай деб аталган. Бундай ҳадислар фақатгина улардан турли хилдаги ўғит-насиҳат ёки яхши одоб-ахлоққа оид мисоллар келтирилган ҳолдагина қабул қилинган.

Ҳадислар танқидига 9-а.нинг йирик алломалари, мусулмон оламида энг ишончли деб ҳисобланган олти саҳиҳ ҳадис тўпламларининг муаллифлари: Бухорий (870 й. в.э.), Муслим (875 й. в.э.), Ибн Можа (886 й. в.э.), Абу Довуд ас-Сижистоний (888 й. в.э.), Термизий (892 й. в.э.) ва Насоий (915 й. в.э.)лар катта хисса қўшдилар.

ИЛОҲИЁТ (араб. – худо тўғрисидаги таълимот) – худо, унинг сифатлари, белгилари ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимот. Муайян диний ақида ва улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмаларни ўргатади. И. муқаддас китоблар, ривоятлар келиб чиқишининг илоҳий эканини, шунингдек ибодатни бажариш б-н боғлиқ бир қатор амалий билимлар йиғиндисини ўз ичига олади. И.нинг барча тизимлари дунёни яратган ва уни инсон билотлайдиган қонунлар орқали

бошқарадиган худони тан олишга асосланади. Исломи динида И. шаклланиш даврида хилма-хил И. оқимлари (*жабарийлар, қадарийлар, муътазилийлар, муржибийлар* ва б.) вужудга келган. Исломида И. илк шаклланиши даврдан бошлаб *калом* деб аталган. И. диний ўқув юртларида ўқитилади.

ИЛОҲИЙ КИТОБЛАР – муайян динда муқаддас ва илоҳий ҳисобланадиган китоблар. Диний таълимотга кўра, Аллоҳ ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса, китоблар нозил қилган. 100 саҳифа ва 4 китоб – 100 саҳифадан 10 саҳифани Одам (ас)га, 50 саҳифани Шис (ас)га, 30 саҳифани Идрис (ас)га, 10 саҳифани Иброҳим (ас)га юборган. Мусо (ас)га *Таврот*, Довуд (ас)га *Забур*, Исо (ас)га *Инжил* ва Муҳаммад (сав)га *Қуръонни* нозил қилган. Қуръондан бошқа илоҳий китоб ва саҳифалар бир йўла бир дафъада нозил қилинган. деб ҳисобланади. Қуръон ҳазрат Жаброил орқали 23 йил мобайнида оят-оят, сура-сура шаклида юборилган. Диний ақидага кўра, Аллоҳ бандаларининг руҳий ва моддий аҳволларини яхши билган ҳолда ҳар бир пайғамбарга унинг умматларига муносиб ҳукмлар баён этилган китоб ва саҳифалар юбориб турган. Улар ўз даврида умматлар учун хидоят манбаи бўлган. Исломи таълимоти бўйича, Қуръони карим Аллоҳнинг қиёматгача ҳукми ўзгармайдиган, тилларда ва дилларда сақланиб қоладиган охириги китобидир.

ИЛТИЖО – руҳоний ёки диндорнинг Худодан, ғайритабиий кучлардан мадад тилаб ҳамда ёвуз кучларни қайтаришни сўраб, мурожаат қилиши. И. динга сиғинишнинг зарурий қисми, ибодат қилиш ва диний маросимларнинг ажралмас хусусиятидир. Диний тасаввурларга кўра, И. орқали ғайритабиий кучларга таъсир қилиш мумкин. Ҳар бир динда И.нинг ўзига хос шакли вужудга келган. Мас., исломида дуо қилинганда қўлини очиб, юзига суртиш (омин қилиш).

ИЛҲОД (“бош тортиш”, “рад этиш”) – мунозара адабиётида кенг ишлатиладиган илоҳиёт атамаси. Қуръони каримда (7:180/179; 22:26; 41:40) ва ҳадисларда “бузғунчилик”, “қайтишлик”, “ман этилган нарсани бузиш” маъносида қўлланилади. Қуръон тафсирчилари И.га Аллоҳнинг гўзал исмлари муқаддаслигини бузиш, унинг сифатларини нотўғри талқин

қилиш ва б.ни киритганлар. Илк ислом даврида И. зандака (қ. *Зиндик*) атамасининг синоними бўлган, 9-ада ҳар қандай “янгилик” (бидъат) ёки суннийлик таълимотига оддий равишда қўшилмаслик сунний илоҳиётчилар томонидан И. деб баҳоланган; И.да айбланганларни малаҳида ёки мулҳидун (бирлиги – *мулҳид*) деб аташган. Мулҳид “ғорат этувчи”, “худосиз” деган ҳақоратомуз маънога эга бўлган. Каъбадан “қора тош”ни ўғирлаган баҳрейнлик қараматийлар И.да айбланганлар.

Муқаддас ерда ман этилган нарсаларни бузган (мулҳидун) уч кишини Аллоҳ ҳузурда энг манфур кимсалар экани ҳақидаги ҳадисга биноан, сунний илоҳиётчилари исломдаги мана шу “ёвуз муртадлар” (мулҳидун)ни аниқлашга ҳаракат қилишган. Кўпинча бундай “иззат-икром”га илоҳиёт соҳасида ўзининг тез-тез ўзгариб турадиган қарашлари б-н машҳур бўлган Ибн ар-Равондий (тахм. 10-а. бошида в.э.), “Пайгамбарларнинг ёлғонлари” асарини ёзган машҳур табиб Абу Бакр ар-Розий (912 й. в.э.) ва машҳур адиб Абу-л-Аъло ал-Маъаррий (973–1057)лар “сазовор” бўлганлар.

ИЛХОМ – қўнғилга солиш; *тасаввуф*да солиқ қалбида Аллоҳ томонидан пайдо этилган фикр. Шариат уламолари фикрича, И. қатъий маълумот манбаи бўла олмайди. Тасаввуф аҳли, аксинча, И.ни илоҳий файз деб қабул қилиб ҳамда унга асосланиб, сўз ва иш юритади. И. тор маънода “вахий”нинг синонимидир. И. ўз моҳиятига биноан “ақлий илм”дан ҳам фарқланади, чунки И. фикр-мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқариш йўли б-н вужудга келмайди. Тасаввуфга кўра, И. мўмин дилини ёритувчи илоҳий нурдир, Куръоннинг ботиний маъносини ҳам И. орқали англаб етиш мумкин.

ИМОМ (араб. – олдинда турувчи) – намозда олдинда турувчи, гоъвий раҳбар, мусулмон жамоаси бошлиғи. Кундалик ҳаётда масжидда жамоа намозининг раҳбарини И. деб атайдилар. И. вазифаларини айни бир одам бажариши мумкин, аммо И. мансаб ҳам, касб ҳам ҳисобланмайди: у ҳақиқатда намозни бошқариб тургани учунгина И. деб эътироф қилинади. Маҳалла ва қишлоқ масжидларида одатда диний маълумоти бор одам И. ҳисобланади. Жоме масжидларининг И.и махсус диний маълумотга эга ва диндорлар ўртасида обрў қозонган бўлиши керак. Намозда кимлар имом бўлишга ҳақлироқ экани фикр китобларида

баён қилинган. Ислом дини пайдо бўлган дастлабки йилларда И.вазифасини Муҳаммад (сав), у зотнинг вафотларидан сўнг эса, халифалар бажарган. Муҳаммад (сав) ва дастлабки халифалар намозда олдинда турувчиларгина эмас, шу б-н бир вақтда қавм бошлиқлари ҳам эдилар, бинобарин И. – халифа амалда олий диний ва сиёсий раҳбар ҳисобланган. Назарий жиҳатдан ягона мусулмон жамоасида И.ни олий диний ва дунёвий ҳоким сифатида тасаввур қилиш ана шундан бошланган. Айнан кимни қонуний И. деб ҳисоблаш керак ва унинг ҳокимиятининг моҳияти қандай, деган масаладаги баҳслар мусулмонларнинг суннийлар ва шиаларга бўлинишига сабаб бўлди. Суннийларнинг олий ҳокимият назариясига кўра, халифа барча мусулмонларнинг И.и ҳисобланади. Халифа – И.нинг асосий вазифаси – динни сақлаш ва дунёвий ишларни бошқариш. И. диний қонун-қоидалар қавм ҳаётига тўғри жорий қилинаётганини кузатиб бориши керак. Суннийлар, шунингдек, хорижийлар И.ни қавмнинг вакили ҳисоблайдилар, у назарий жиҳатдан бутун қавм томонидан, амалда эса, унинг вакиллари томонидан сайланади ёки ўтмишдоши томонидан тайинланади. Шиалар назариясига кўра, И.ларнинг олий ҳокимияти худо томонидан белгилаб қўйилган, шу сабабли у одамларнинг хоҳишига боғлиқ бўлиши мумкин эмас, яъни И. сайланиши мумкин эмас (И.нинг сайлаб қўйилишига фақат зайдийлар қарши эмасдилар). Аввал бошдан И.нинг сайланиш қоидасини рад этган шиалар мусулмонлар қавми ва давлатининг олий ҳокимияти Али авлодларига мерос ҳисобланади, чунки уларнинг ҳуқуқи илоҳий кўрсатма б-н белгилаб қўйилган, деб эълон қилдилар. Шиаларнинг диний таълимотига кўра, И. 3 вазифани бажаради: 1) қопуний И. – ислом қавми бошлиғи, одамларнинг ишларини амалга оширишда Пайгамбарнинг вориси; 2) у – диний билим ва ҳуқуқлар тафсирчиси, Куръон ва ҳадисларнинг энг тўғри муфассири; 3) у – одамларга ҳамма нарсанинг ботиний маъноларини англададиган олий диний раҳбар. И. ҳокимияти, шу тарзда, одамларнинг дунёвий ва руҳий ҳаётдан ташқари кўзга кўринмас дунё – “ғайб олами”га ҳам тегишлидир. Олий ҳокимиятнинг илоҳий табиатидан келиб чиқиб, шиалар аввал бошдан

Ўз Иларини Аллоҳнинг ердаги ҳақиқий ва тўла ҳуқуқли вакиллари деб ҳисоблаб келганлар. Шиаларнинг И.и – Аллоҳнинг ноиби, у орқали Аллоҳга яқинлашиш мумкин, И.лар пайгамбарларга хос билимлар меросхўри. Бироқ Али авлодлари табиий равишда бўлиниб, тарқалиб кета борган сари олий ҳокимиятга даъвогарлик қилиши мумкин бўлганлар сони кўпая борди. Али авлодларининг турли шажараси вакиллари И. сифатида тан олган шиалик ҳар хил оқим ва жамоаларга бўлиниб кетди. Зайдийлар, исмоилийлар, имомийлар, “кескин” шиалар олий ҳокимиятни бериш қондаси, И.нинг ҳуқуқ ва бурчлари, Иларнинг ҳукмрон сулола б-н ҳамкорлик қилиши мумкинлиги, уларнинг “адолатсиз” ҳукмдорларга муносабати ва х.к. масалаларни турлича талқин қилдилар. Кўпчилик учун ҳоз. вақтда Али авлодлари бўлган ҳақиқий И. йўқ. Шиаларнинг диний раҳнаомлари – “дин одамлари” (рижал ад-дин) унинг тўла ҳуқуқли вакиллари дидир. И. атамаси шиалик ва суннийликда, шунингдек, йирик диний раҳнаомлар, катта қавмларнинг раҳбарлари, диний мазҳаб ва мактаблар асосчилари (Абу Ханифа, ал-Ашъарий, Ҳумайний ва х.к)га ҳурмат юзасидан ҳам қўлланилади.

ИМОМ БУХОРИЙ – қ. *Бухорий*.

ИМОМ ал-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ – Самарқанд яқинидаги меъморий ёдгорлик, қадамжо. Челак туманининг Хартанг қишлоғида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 29 апр.даги “Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Президент Ислоҳ Каримов лойиҳаси асосида алломанинг мақбараси ўрнида барио этилди. Мажмуа 1998 й.да очилган. Ёдгорлик мажмуи аввало зиёратгоҳ, қадамжо, сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Умумий майд. 10 га ни ташкил этади. Мажмуада мақбара, маъмурий бино, масжид, кутубхона, илмий ходимлар хонаси ва б. ёрдамчи хоналар мавжуд. Масжид ва пешайвонида 1500 гача киши намоз ўқиши мумкин. Масжид ичидаги меҳробнинг ўнг томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз тухфа қилган кисва – Каъбапўш парчаси осиб қўйилган. Кутубхонада

Қуръоннинг ноёб қўлёзмалари, турли нашрлари, Имом Бухорий асарларидан намуналар ва б. китоблар бор. Мажмуа тўрида, мақбаранинг орқа тарафида ҳадис илмини ўрганишга мўлжалланган ўқув маркази – “Дорул ҳадис” биноси жойлашган. Бу ёдгорлик мажмуи кейинги асрларда бунёд этилган улкан ва ноёб иншоотдир. У ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз масканга айланди.

“ИМОМ ал-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ” – Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг маънавий-маърифий, илмий-адабий журнали. 2002 й.дан Тошкентда уч ойда бир марта нашр этилади. Унинг вазифаси – халқимиз, айниқса ёшларни миллий-диний кадриятларни соғлом идрок этишига ёрдам бериш, миллий-маънавий меросимиздан баҳраманд этиш. Журналнинг “Абадий барҳаёт китоб”, “Муҳаддислар султони”, “Ҳадисларнинг улуғ ҳикмати”, “Мовароуннаҳрлик буюк алломалар”, “Ислоҳ ва маърифат”, “Истиқлол ва ислоҳ” каби рукнлари бор. Бош муҳаррири Зоҳидилло Мунавваров. Адади 1000 нусха (2002).

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ – буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида тузилган халқаро жамғарма (1998 й. 4 нояб.). Муассислари: Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Маданият ишлари вазирлиги. Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоят ҳокимликлари, “Ўзбектуризм” ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий компаниялари, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Маҳалла” ва “Олтин мерос” жамғармалари ва б. Бошқаруви – Тошкент шаҳрида, Самарқанд бўлими – Челак туманидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида (1998 й. 16 нояб.) жамғарманинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Жамғарманинг дастлабки устав фонди Вазирлар Маҳкамаси захира фондидан ўтказилган 50 млн. сўм ва Кувейт Давлати

Амири томонидан Имом Бухорий ёдгорлик мажмуиға хайрия этилган 500 минг АҚШ долларидан шаклланди. Жамғарманинг асосий фондларига унинг балансига ўтказилган бинолар ва кўчмас мулклар, жумладан, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи киради. Жамғарманинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамлари Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий шахсларнинг хайрия улушлари учун очик, деб белгиланган. Ташкилий тузилмаси раис ва унинг ўринбосарлари, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, туризмни ривожлантириш, халқаро алоқалар ва инвестициялар, қўлёзмалар электрон кутубхонаси, Имом Бухорий нашриёти каби бўлимларни ўз ичига олади.

ИМОМ ад-ДОРМИЙ МАҚБАРАСИ – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (2000 й.). Имом Бухорийнинг устозларидан бири имом Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандий (қ. *Доримий*) қабри устида бунёд этилган. Мустақиллик йиллари қабр атрофи обод этилиб, зиёратгоҳга айлантирилди.

ИМОМ МУСЛИМ, тўлиқ исми Абул-Хусайн Муслим ибн ал-Хажжож ибн Варад ибн Кушоз ал-Кушайрий ан-Найсобурий (821–875) – машҳур муҳаддис. Имом Бухорийдан кейин ҳадис илмининг энг забардаст алломаси. Фикҳ илмидан ҳам яхши хабардор бўлган. 12 ёшида ҳадис илмини ўрганишга киришган. И.М. шу мақсадда кўп мамлакатларга саёҳат қилган, жумладан Хижоз, Миср, Сурия, Ироқда бўлган. Уламоларнинг қайд этишларича, у 300 мингдан зиёд ҳадисларни кўздан кечириб шундан атиги 12 мингтасини ишончли (саҳиҳ) деб топиб ўзининг “Ас-Саҳиҳ” асарига киритган. Бу китоб аҳли сунна наздида “икки саҳиҳнинг бири” деб таъвил қилинган, олти саҳиҳ китобнинг иккинчисидир. И.М. бундан ташқари “Ал-Муснадул-қабир”, “Ал-асмо вал-куно”, “Ал-илал”, “Китобу авлодис-саҳоба” каби асарлар ёзган.

ИМОМ НАСАЙЙ, Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ал-Хуросоний (827–915) – муҳаддис, ҳадисчилик бобида энг ишончли 6 ҳадис тўпламларидан бирининг муаллифи. Насо(Нисо) ш.да таваллуд топган. Она юртида Қуръони каримни ёд олиб, бошланғич диний маълумотларни олгандан кейин кенгроқ илму

маърифат ҳосил қилиш ниятида хорижий мамлакатларга сафарга чиқади. 15 ёшли муҳаддис Хижоз, Ироқ, Шом, Миср ва б. мамлакатларга бориб диний фанларни пухта ўзлаштиради. У Мисрнинг “Зуқоқ ал-қанодил” маҳалласида узоқ вақт яшаб, сўнгра Дамашққа боради. У ерда умавийларга ён босмагани сабабли тазйиқ остида оғир ҳолатга тушади. Бир ривоятга кўра, Маккага етиб бориб, ўша ерда, иккинчи ривоятга кўра, Байтил-Мақдис (Қуддус)да вафот этади. Ҳадис бобида ёзган “ас-Сунан ал-кубро” тўплами унинг шоҳ асари ҳисобланади. Ундан ташқари у “ас-Сунан ас-суғро” ёки “ал-Мужтабо”, “ал-Хасоис”, “Фазоил ас-саҳоба”, “ал-Маносик” ва б. китобларни ёзиб қолдирган.

ИМОМИЙЛАР – *шиалик*даги асосий оқимлардан бирининг тарафдорлари, Али авлодига тааллуқли 12 имомни тан олувчи мўътадил шиалар. И. 11-имом Хасан ал-Аскарый вафоти (873 й.)дан кейин унинг ёш ўғли Муҳаммадни охирги, 12-имом деб тан оладилар. Ривоятларга кўра, бу имом йўқолган (тарихда ўлдирилган бўлса керак) деб ҳисобланади. И. уни “яширинган имом”, яъни маҳдий деб эълон қилиб, у қайтиб келиши б-н адолат тантана қилади, деб ҳисоблайдилар. “Яширинган имом”га эътикод И.нинг асосий ақидаларидан биридир. Улар имомат таълимотини асосий қоида сифатида илгари суради, имомнинг сайлаб қўйилишини рад этади. Улар ўзларининг ҳамма имомларини “жабрдийда” деб билади ва уларга эътикод қилади. И. шиаларнинг анча кўп тарқалган қисмидир. И. таълимоти ҳоз. Эроннинг давлат дини ҳисобланади. И. Ироқда аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. И. жамоалари Ливан, Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон ва б. мамлакатларда бор.

ИМОМЛИК, и м о м а т (араб. – бошқармоқ) – 1) мусулмон теократик давлатининг умумий номи. Ислом эволюцияси жараёнида И. ҳақидаги тасаввур ҳам ўзгариб борган. Илк исломда Муҳаммад (сав) ва халифалар мусулмонлар жамоасида маъмурий ҳокимият ва диний раҳнамо(имом)ликни бирга қўшиб олиб борган. Кейинчалик халифалар ҳокимиятида маъмурий раҳбарлик асосий ўрин эгаллаган. Диний ҳокимият – И. эса номигагина сақланиб қолган. Шиа мазҳабида И. фақат

Муҳаммад (сав) авлодларидан бўлган (Али (қв) ва Фотима авлодлари) шахснинг диний ва маъмурий ҳокимияти ҳисобланган; 2) Доғистон ва Чеченистонда муридлар давлати, 19-а.нинг 20-й. охирида чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши Шим. Кавказ халқларининг кураши даврида пайдо бўлган. Имомлари: Ғози Муҳаммад (1828–32), Ҳамзатбек (1832–34), Шомил (1834–59); 3) Намоз вақтида жамоат олдида туриб ибодатни бошқариш, имомлик қилиш.

ИМОН, и й м о н (араб. – ишонч, эътиқод) – ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, киёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу “имони муфассал”, яъни иймоннинг муфассал таъбири деб ҳам аталади. И. мотуридийлик таълимотига кўра, 2 нарсанинг бутунлиги – эътиқод (динга ичдан чуқур ишониш), иқрор (сўзда бунга тан олиш)дан иборат деб ҳисобланади. Исломида И. талаблари “аркон ал-имон (эътиқод асослари) саналади. И. асосларига, у ақлимизга хоҳ сизсин, хоҳ сизмасин, барибир уларга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади. И. талаблари, яъни ақидалар исломнинг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. Дин ва ҳуқуқ илк ислом даврида ажратилмагани туфайли “И.” муаммоси илоҳиётчиларни ҳам, фикҳшуносларни ҳам банд этган. И. тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни 8-а. бошидан турли илоҳиёт ва диний-ҳуқуқий мактаб вакиллари турлича талқин қилган. Ҳоз. кунда И. сўзи виждонлилик, ҳалоллик, софлик, Ватанни севиш маъноларида ҳам ишлатилади.

ИНЖИЛ – Аллоҳ таоло Исо (ас)га Жаброил орқали оғзаки тарзда нозил қилган китоб. Мусулмонлар бунга имон келтирадилар. Бу ҳақда Қуръонда бир неча оятлар келган. “Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади” (Оли Имрон сураси 48-оят). “Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўздан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўздан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У такводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир” (Моид сураси 46-оят). Қуръонга кўра, И.да Муҳаммад (сав)нинг келишлари ҳақида башорат қилинган, бироқ И. матни насоролар томонидан бузилган. Лекин

ўша илоҳий китобнинг асл нусхаси ҳоз. йўқ. Чунки, Исо (ас)нинг вақтларида И. китоб шаклида бўлмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани ёзмаган. У зотдан кейин баъзи кишилар ўзлари китоб ёзиб, мана шу И., менга ваҳий қилинди ва уни мен ёзиб олдим, деб чикдилар. Аста-секин “И. ваҳий қилинганлар” кўпайиб бораверди. Охири бориб уларнинг сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Уларнинг ҳар бири ўзининг И.и ҳақ эканини даъво қилар эди. Орада гап-сўз, ихтилофлар кучайди. Шунда император Константин мил. 325 й.да Никея (Nisea)да катта мажлис чақирди. Бу мажлисда 2048 патриарх қатнашди. Сўнгра турли жамоалардан 2000 дан ортиқ руҳоний ўнлаб И.ларни кўтариб келдилар. Император мажлис аҳли олдида мавжуд И.лардан энг ишончлисини танлаб олиш вазифасини қўйди. Улар узоқ талашиб-тортишишлардан кейин 4 дона И.ни танладилар. Ҳоз.да насоролар эътиқод ва амал қиладиган И.лар ана ўша 4 И.дир.

1-Мутто (Матфей) И.и. Бу И. энг қад. И. ҳисобланади. У Исо (ас)дан 4 й. кейин ёзилган. У иброний тилда ёзилган эди. Аммо, ўша асл нусхаси ҳам ҳоз. йўқ. Ҳоз. бори ўшанинг таржимаси. Лекин таржимон ҳам, у қайси матндан таржима қилгани ҳам ҳозиргача маълум эмас. Бунинг устига бу И.нинг муаллифи Мутто Исо (ас)нинг хаворийларидан эмасди. Кейинроқ уни хоин Яхузонинг ўрнига сайлашган эдилар.

2-Маркос (Марк) И.и. Бу И. юнон тилида Исо (ас)дан 23 й. кейин ёзилгани аниқ. Аммо уни ким ёзгани ноаниқ. Баъзи насоролар, уни Пётр ёзган, дейдилар. Бошқалари эса, уни Пётрнинг ўлимидан кейин Маркос ёзган, дейдилар.

3-Лука И.и. Бу китоб Масих (ас)дан 20 й. кейин ёзилган. Лука у зотнинг шогирдларидан эмас. У Полнинг шогирди. Унинг устози ҳам Исо (ас)ни кўрган эмас. Бунинг устига Пол насороликка душман бўлган яҳудийлардан эди. Шунинг учун ҳийла б-н насороликка қарши кўп бузғунчиликлар қилган.

4-Юҳанно (Иоанн) И.и. Бу И. Исо (ас)дан 32 й. кейин ёзилган. Баъзи насоро тоифалари уни Исо (ас)нинг шогирдларидан бири Юҳанно ибн Забдий ёзган, дейдилар. 500 таниқли насоро олимлари иштирокида ёзилган “Британия энциклопедияси” бу китобни, қалбаки китоб, деган. Мусулмон шахс И.ни Аллоҳ томонидан

Исо (ас)га туширилган илохий китоб деб имон келтирмаса мусулмонлиги қолмайди. Шу б-н бирга мусулмон шахс асл нусхадаги И.нинг йўқлиги ва ҳоз. Илар бузилган эканига ишонади. Аллоҳ Куръонда Исо (ас)нинг туғилишидан олдин унинг келажаги ҳақида қуйидагиларни айтган: “Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади” (Оли Имрон сураси 48-оят). Таврот Мусо (ас)га туширилган илохий китобдир. У Исо (ас)га ҳам китоб бўлишини Аллоҳнинг Ўзи айтиб турибди. Таврот Исо (ас)га келган диннинг ҳам асосини ташкил этади. И. эса, Тавротни тўлдириб келган. И.нинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри кирилл ёзувида 1992 й.да сўзбоши, луғат, жадвал ва рангли суратлар б-н бирга Библияни таржима қилиш ин-ти (Стокгольм) томонидан чиқарилган (таржимон – Иброҳим Абаев).

ИРАМ ЗОТ ал-ИМОД (“кўп устунли Ирам”) – Жан. Арабистонда гўё мавжуд бўлиб, Куръонга биноан Аллоҳ таоло томонидан йўқ қилиб юборилган иншоотлар мажмуаси. Куръонда (89:7/6) Аллоҳ томонидан кибрга берилиб гуноҳга ботганлари учун нобуд қилинган од ва самуд қавмлари б-н бирга қайд этилади. Ушбу оятнинг энг кўп тарқалган тафсири И.З.И.ни од қавми тарихи б-н боғлайди. И.З.И. – одийлар подшоҳи Шаддод томонидан қурилган шаҳар. Шаддод Аллоҳнинг элчиси Худ (ас)нинг сўзларига қулоқ солмай Ер юзиде, Адан яқинида жаннатга ўхшаш макон яратишни истаган; бу шаҳарнинг бинолари олтин ва кумушдан бунёд этилиб, қимматбаҳо тошлар б-н безатилган. Подшоҳнинг кибру ҳавоиси ва имонсизлиги учун Аллоҳ И.З.И.га кучли бўрон юбориб шаҳарни кумга кўмдириб юборган. Баъзан саҳрода адашиб қолган йўловчилар маана шу ўлик шаҳарни кўрганлари ва у ердан олиб келган қимматбаҳо тошлар қулга айланиб қолгани ҳақида афсоналар мавжуд.

Куръондаги И.З.И. – қад. араб шаҳарларининг ҳалокати ҳақидаги ривоятлардан бири. Ҳақиқий И.З.И. – набатейларнинг Шим. Ҳижоздаги кўп устунли ар-Рамм ибодатхонаси вайроналари. Кўп устунли И.З.И. образида тадқиқотчилар баъзан нариги дунёнинг қад. мифологик рамзини кўрадилар.


ИРИМ – ғайритабиий ҳодисаларнинг кишиларга таъсир қилишига ишониб, бирор ният б-н қилинадиган одаг, ҳатти-ҳаракат. И.

ўзни эҳтиётлаш, бировларга яхшилик тилаш ёки зарар етказиш ва б. ниятларда қилинади. Жаҳондаги деярли ҳамма халқларда ва турли касб-хунар соҳаларида учрайди. И., бир томондан кишиларнинг эзгуликка интилишлари, орзулари б-н боғланса, иккинчи томондан, табиат ва жамиятда қандайдир ғайритабиий сеҳрли кучларнинг борлигига ишонишга асосланади. И.ни Ислом дини б-н ҳеч қандай алоқадор жойи йўқ. Ислом динига кўра, бу амал хурофот саналади.

ИСЛОМ (араб. – бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч дин (*буддавийлик* ва *христианлик* б-н бир қаторда)дан бири. И. динига эътиқод қилувчилар арабча “муслим” (“исломни қабул қилган”, “итоатли”, “садоқатли”; кўплиги “муслимун”) деб аталади. “Муслим”, “муслимун” сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (мас., форсларда – мусалмон, ўзбекларда – мусулмон, қирғиз ва қозоқларда – мусурмон, Украина ва Россияда – басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном б-н аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

Жаҳонда қарийб 1,2 млрд. киши И.га эътиқод қилади. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20% идан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30% мусулмонлар Африкага тўғри келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади – Шим. Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида (Кипр, Ливан, Исроил мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва б. баъзи мамлакатларда аҳолининг 80% дан ортиғи мусулмонлардир; бир қанча мамлакатларда мусулмонлар аҳолининг ярмидан 80% игача ташкил қилади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан). Малайзия ва Нигерияда қарийб ярми, баъзи бир мамлакатларда мусулмонлар озчиликни ташкил қилса ҳам, таъсир доираси кучли (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина Фасо, Сьерра-Леоне ва б.). Мусулмонларнинг сони жиҳатдан энг йирик давлатлар – Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш; мусулмонларнинг

ИСЛОМДАГИ АСОСИЙ БЎЛИНИШЛАР



анчаси Хитой, Таиланд, Эфиопия, Танзания, Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари (Югославия, Албания, Буюк Британия, ГФР, Франция ва б.), Шим. ва Жан. Америка қитъаси мамлакатлари (АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гайана, Суринам, Тринидад ва Тобаго)да, Австралияда, Фиджи оролларида яшайди.

И. 7-ада Ҳижоз (Фарбий Арабистон)да пайдо бўлди. Унинг асосчиси *Муҳаммад* (сав)дир. Исломининг пайдо бўлиши хусусида ислом манбаларига асосланган диний анъанада у илохий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун *Аллоҳ* томонидан юборилган охириги таълимот деб ҳисобланади. И. талқинида дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога ишонганлар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайгамбар – элчилар юборган. Аммо, инсонлар пайгамбарлар таълимотини бузганлар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охириги расул этиб *Муҳаммад* (сав)ни танлади, унга ўзининг каломи – *Қуръон*ни нозил қилди. *Муҳаммад* (сав) олдин ўз хамшахарларини, сўнг барча

арабларни кўплаб қабила худоларига сифинишдан воз кечиш ва ягона худо – Аллоҳга эътиқод қилиш, солих ҳаёт кечириш, у дунёда *жаннат*га тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этдилар. *Қуръон*га кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони *Иброҳим* (ас) Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, И. бағамом янги эътиқод эмас, балки *Иброҳим*(ас)нинг қайта тикланган динидир.

И. дини тарихини ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни ҳисобга олиш керак. И. дини вужудга келган даврда Арабистон я. ода Макка ва Ясриб (Мадина) каби шаҳар-давлат (полис)лар бошқаларга нисбатан муайян устунликка эга эдилар. Бу шаҳарлар халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бўлиб, иқтисодий ҳаёт жўшқин тус олганди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаган. Ҳижоз (Макка, Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тайма ва б.) ва умуман Арабистонни халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини

таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона салтанатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Салтанат тузиш б-н бир қаторда Арабистон я. о.даги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом б-н асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Шундай қилиб, Муҳаммад(сав)нинг диний ва сиёсий фаолиятлари юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Муҳаммад (сав) ҳар томонлама баркамол инсон бўлганлари учун, у зотнинг шахсий фазилатлари туфайли яҳудий-христиан таълимотларига яқин ғоя б-н яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусиятлар касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди; бу куч исломнинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди.

Муҳаммад(сав) 610 й., яъни 40 ёшларида ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганларини эълон қилдилар. Аммо, бир неча нуфузли яқин қариндошларини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилик аҳолиси, айниқса, Қурайш қабиласининг зодагонлари уларнинг тарғиботларига очикдан-очик қарши чикдилар. У зот ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлдилар. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодагонлари б-н маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги Бану Авс ва Бану Ҳазраж қабилаларининг вакиллари 622 й. мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммад(сав)ни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Ясриб шаҳридаги мавжуд этник вазият ҳам шуни тақозо этганди. *Ҳижра* номини олган бу воқеа И. тарихида бурилиш ясади. Кўчиб ўтган кишилар *муҳожира*лар (кўчиб келганлар), Мадинада И.ни қабул қилганлар *ансорлар* (тарифдорлар) деб аталдилар. Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 й. давом этди (қ. *Бадр жанги*, *Уҳуд жанги*, *Хандақ жанги* ва б.). 628 й. Макка зодагонлари Муҳаммад(сав) б-н келишишга мажбур бўлдилар. 630 й. мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига И. динини қабул қилди ва Муҳаммад (сав)ни

Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб *Макка* И. дини марказига, *Кабба* мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Муҳаммад (сав) вафот этган 632 й.да Арабистон я. о. тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси И. динини қабул қилган эди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатлардан бирлашишида И. дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафкурасига айланди.

Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг *Абу Бакр Сиддиқ*, *Умар* ибн Ҳаттоб, *Усмон* ибн Аффон, *Али* ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар. 7–8-а.ларда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шим. Африка, Пиреней я. о. Шим. Ҳиндистон фатҳ этилди. Бир асрдан камроқ вақт давомида Шим. Хитойдан Испаниягача, Кавказ ортидан Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудудни забт этилди ва И. дини кенг ҳудудда тарқалди.

И.нинг муқаддас китоби *Қуръондир*. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни Аллоҳнинг ваҳий қилинган сўзи деб тушунилади. И.нинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари *Қуръон* б-н бирга унинг тафсирларида, *ҳадис* тўпламлари ва *шариат* қўлланмаларида, шунингдек, 8–12-а.ларда вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини тонган.

И.нинг асосий ақидаси – “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”. И. илоҳиётининг илк шакли – *калом* бўлиб, 8-а.да араб халифалигида вужудга келган. *Мутақаллимлар* И. дини ақидаларини ишлаб чиққанлар.

И. дини 5 “асос” ёки “устун” (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақидани – Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси б-н бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади. Исломда хатна, рўза ҳайити, *қурбонлик* ва қурбон ҳайити, *ақиқа*, *мавлуд*, худойи, *ашуро* каби ўзига хос

диний маросимчилик таркиб топган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан, фол очириш, дам солдириш, азиз-авлиёларга, муқаддас жойларга сиғиниш ҳам И. маросимчилигига мослашиб кетган.

Ислонда илк даврдан пайдо бўлган энг биринчи йирик муаммо – олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақлироқ, деган масала бўлди. Али (кв) тарафдорлари “шиа” номини олиб, исломда биринчи бўлинишни бошлаб бердилар. Учинчи халифа Усмон (ра) айнан шу бўлинишнинг қурбони сифатида жон таслим қилди. Икки тараф – *суннийлик* ва *шиалик* ўртасидаги кураш асносида *хорижийлар* деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Аммо, И. тарихи узра суннийлик асосий йўналиш бўлиб келди. Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган аббосийлар, салжукийлар, айюбийлар, мамлуклар, усмонли турклар, теурийлар сулоалари суннийлар эдилар. Хоз. кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлак кўпчилиги (93%)ни ташкил этади. Бирдан-бир давлат – Эронда “шиа” расмий диний йўналиш сифатида қабул қилинган. Ироқ, Ливан, Шим. Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда шиаларнинг йирик жамоалари мавжуд. Уммон ва Шим. Африкада хорижийларнинг баъзи тоифалари сақланиб қолган. Мусулмон ҳуқуқшунослиги – *фиқҳда* 4 сунний (*ҳанафийлик, шофиъийлик, моликийлик, ҳанбалийлик*) ва 1 шиа (*жаъфарийлик*) мазҳаблари шаклланган. *Мазҳаблар* секта (фирқа)лардан фарқ қилади. Секталар, асосан, географик ва иқлимий омиллар ҳамда И.ни қабул қилган халқларнинг олдинги маданияти, анъаналари ва диний тасаввурлари таъсирида вужудга келган. Уларнинг аксарияти шиа йўналишига мансуб бўлиб, энг йириклари – *имомийлар, исмоиллийлар* ва *зайдийлар*дир. Ислонда илк даврлардан *шариат* (барча тўла риоя қилиши керак бўлган қонунчилик) б-н *тариқат* (фақат айримлар Аллоҳ хайрихоҳлигига муяссар бўлиши мумкинлиги) ёнма-ён ривожланиб келган. Тариқат асосчилари – муршидларнинг “вали-неъмат” асрлар оша хоз. авлодгача етиб келади, деган тушунча бор. 8–9-а.ларда И.да диний фалсафий оқим – *тасаввуф* пайдо бўлди. Шарқда энг машҳур бўлган тасаввуф тариқатлари – *нақибандийлик, қодирийлар, шозилийлар*дир.

И. динининг муҳим хусусиятларидан бири – уни қабул қилган халқлар вакиллари учун И. ақидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш имкониятини берганидир. У ўзига хос 3 тараққиёт босқичи ёки даврни ўтади. Биринчисини, шартли равишда, Қуръон даври деб аташ мумкин. Қуръони каримда ўз аксини топган Арабистон аҳолисининг диний онги даражасини ифода этувчи диний-сиёсий ва ижтимоий қарашлар/ ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар бутун мусулмон олами учун хозиргача шак-шубҳасиз умумий қадрият ҳисобланади. Деярли 4 а. давом этган иккинчи давр И.да умумисломий аҳкомлар ҳукмронлиги остида турли фикрлар (плюрализм)га йўл қўйилгани б-н ажралиб туради. И.даги йўналишлар, мазҳаблар ва фирқалар ана шу даврда пайдо бўлди. Мусулмонларнинг диний бирлиги муаммо бўлиб қолди. 10–11-а.ларда анъанага содиқ суннийлар б-н имомий шиалар, муътазиллийлар ҳамда ашъарийлар ўртасида муносабатлар, айниқса, кескинлашиб кетди. Халифа Кодир (991–1031) анъанавий И.ни қонун асосида барча учун мажбурий бўлган давлат дини деб қарор топтиришга уриниб кўрди. Шу мақсадда анъанага содиқ илоҳиётчилар имзолаган “Диннинг қодирий рамзи” эълон қилинди. Унда “ҳақ дин” деб эълон қилинган анъанавий диний таълимотнинг асосий қоидалари муфассал баён қилиб берилди, ундан четга чиқиш жазолашга лойиқ эътиқодсизлик деб қаралди. Бироқ, бу тадбир ҳам И.да диний бирлик ўрнатилишига олиб келмади. Ҳаявий кураш кейинги асрларда ҳам давом этди. Бу курашда суннийлар илоҳиётчиси *Ибн Таймия* айниқса ажралиб турди. У илк исломни тиклашга “ҳақ дин” асосида диний бирликни ўрнатишга астойдил ҳаракат қилди. И.даги учинчи тараққиёт босқичи мусулмон дунёси “чекка” ўлкаларининг аҳамияти ва ўрни ортгани б-н боғлиқдир. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, И.га ўз диний-ахлоқий тасаввурлари, ҳуқуқий меъёрлари ва одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳр, Эрон, Шим. Африка, Ҳиндистон, Индонезия каби йирик тарихий-маданий минтақаларда И. ўзига хос хусусиятлар касб этади.

И.нинг ривожланишига Мовароуннаҳрда етишиб чиққан алломалар катта ҳисса қўшди.

Имом *Бухорий* китоб ҳолига келтирган ҳадислар тўплами – “Ал-Жомий ас-Саҳих” И. динида Куръони каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Бухорий ва унинг сафдошлари И. илоҳиётининг барча йўналишлари бўйича муҳим тадқиқотлар қилдилар. Жумладан, И. назариётчилигида юқори баҳоланадиган “Илал аш-Шариат ва Хатм ул-Аслиёт” рисоласини таълиф этган *Ҳаким Термизий*, И. ҳуқуқшунослигини ўрганишнинг асосий қўлланмаси ҳисобланган “*Ҳидоя*”нинг муаллифи *Бурҳониддин Марғиноний*, И. ақидаси асосларини муайян тартибга солган, калом илмида мактаб яратган Имом *Мотуридий* (қ. *Мотуридийлик*), буюк фақиҳ *Абу Лайс Самарқандий*, мусулмон дунёсининг энг эъзозли муҳаддисларидан *Абу Исо Термизий*, қомусий илмлар соҳиби, хусусан, тафсир, ҳадис, шариат қонуншунослигида салмоқли асарлар битган *Замаҳшарий*, тасаввуфда ўзига хос из қолдирган *Аҳмад Яссавий*, *Баҳоуддин Нақибанд*, *Маҳдуми Аъзам*, *Нажмиддин Кубро*, *Сўфи Оллоёр*, *Ҳожа Аҳрор*, *Абдулҳолиқ Фиждуноний* ва б.ни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши б-н уйғунлаштирганликлари туфайли Ўрта Осиёда маданий ҳаётнинг адабиёт, меъморлик, мусиқа каби соҳаларида тараққиёт юзага келди.

И. дини мусулмон мамлакатлари санъатида ўз изини қолдирди. Меъморлик соҳасида бу жараён янги иморат турлари (*масжид*, *минора*, *хонақоҳ*, *мадраса* ва б.) нинг пайдо бўлишига ҳамда кенг тарқалишига сабаб бўлди. И. дини пайдо бўлган даврида авж олган бутпарастлик, суратпарастликни олдини олиш мақсадида *Мухаммад (сав)* сураткашликни қаттиқ тақиқлаб қўйган эди. Шу асосда И.нинг йирик мутафаккир ҳуқуқшунослари ҳам тасвирий санъатнинг бу турини тақиқланган ишлар қаторига қўшганлар. Бундан улар амалий санъат турлари, нақш, безак, инсондан бошқа ҳайвон ва ўсимликлар суратини истисно қилишган. И.да инсон суратини чизиш ёки унинг ҳайкалини яшашнинг тақиқланишига асосий сабаб – пайғамбар ва азиз-авлиёларнинг расмларини чизиб ёки ҳайкалларини ясаб, уларга сиғиниб кетиш хавфининг мавжудлиги бўлган. 15-а.га келиб Алишер Навоий каби тараққийпарвар олим ва мутафаккирлар мусулмонлар қалбида Аллоҳга бўлган имон ва

эътиқод мустаҳкамланиб, суратпарастликка мутлақо мойиллик қолмаганини эътиборга олиб, эндиликда инсон суратини чизишга рухсат беришликни лозим деб топганлар. Натижада Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳибга ўхшаш миниатюра санъатини ривожлантирган етук мусаввирлар етишиб чикқап, Хирот миниатюра мактаби. Бухоро миниатюра мактаби қабилар ривожланган. 20–21-а.ларга келиб, И. дунёси уламоларининг бу санъатга муносабатларига яна бир қарра аниқлик киритилди: илоҳийлаштириш ва одамларнинг сиғиниши мақсадида инсон расмини чизиш мумкин эмаслиги эътироф этилди. Аммо, фотосуратлар, шунингдек, ёш болалар учун ясалган одам шаклидаги кўгирчоқлар тақиқ доирасига кирмайди. Уламоларнинг берган фатволарига кўра, мусулмонларга фахш ва уят нарсаларни ифода этувчи расмлар, бут, санам ва икона тасвиридан бошқа тасвирий санъат турлари тақиқланмайди.

Мусулмон Шарқи 8–11-а.ларда тараққиётда Фарбдан олдинда эди: фарб олимлари мусулмон файласуфлари ва табибларидан сабоқ олишган; фарб савдогари И. дунёсидаги савдонинг кўламига ҳавас б-н қараган; шарқ товарлари фарбда зеби зийнат моллари ҳисобланган. Шарқ шаҳарларининг бойлиги ва ҳашамати Фарб учун афсонадек туюлган. Буларнинг барчасида асосий мафкура вазифасини бажарган И.нинг ижобий хизмати буюк, албатта. Аммо 12–13-а.лардан кейин мусулмон дунёси дастлаб турғунлик, сўнг таназзулга юз тута бошлади. Баъзилар консерватив (қотиб қолган) дин сифатида И. тараққиётга тўсиқ бўлди, дея унга қатта айб қўймоқчи бўладилар. Аслида сўнгги ўрта асрларда юз берган мусулмон дунёсининг тушкунлиги жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий омиллар б-н боғлиқ бўлиб, ўша даврдаги И.нинг ўзи ана шу тушкунликнинг муайян шаклдаги ифодаси эди.

19-а. бошидан 20-а.нинг 2-ярмигача ўтган бир ярим асрлик давр И.нинг ривожланишида муҳим бурилиш босқичи бўлди. Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар янги синф – миллий буржуазиянинг вужудга келиши, миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши – буларнинг ҳаммаси И.нинг жамиятдаги мавқеига бўлган қарашларда ҳам, ижтимоий ҳаётдаги янгилликларни И. нуқтаи назаридан баҳолашда

хам ўзгаришлар ясади. И. диний-фалсафий ва ҳуқуқий меъёрларининг янги тарихий шароитга мослашиш жараёни 19-а. ўрталаридан бошланиб, ҳоз.гача давом этмокда. Бу жараённи кўпгина тадқиқотчилар “И. ислохотчилиги” деб атайдилар, у христиан реформациясидан тубдан фарқ қилади. Бу тафовут, биринчидан, шундан иборатки, мазкур жараёнлар турли даврларда, турлича муайян тарихий шароитларда рўй берди. Иккинчидан, “И. ислохотчилиги” дунёвий ҳаётнинг турли жihatларини диний нуқтаи назардан қайта баҳолашда намоён бўлди ва соф илоҳиётга доир масалаларга у қадар дахли бўлмади. Учинчидан, И.да христианларникига ўхшаш черков б-н руҳонийларни боғлаб турувчи тизим бўлмаганидан И.даги ислохотлар хусусиятига жиҳдий таъсир қилди.

Ўрта асрларда таркиб топган мусулмон судлов тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Мусулмон ҳуқуқи тизимининг ўзи ҳам муайян даражада ўзгарди: шариат судлари ҳуқуқи аста-секин чеклана борди; 19-а. ўрталарига келиб, усмонийлар империяси ҳудудида шариат судлари ва дунёвий судларнинг ваколати бутунлай чегаралаб кўйилди. Бир қанча мамлакатларда шариатда кўзда тутилмайдиган жиноят кодекслари ва б. ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди. Мисрда Муҳаммад Алининг ислохотлари ва усмонийлар империясидаги танзимат сиёсати (ислохотлар) туфайли И.нинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеида муайян ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари мусулмон илоҳиётчилари ва ҳуқуқшуносларини И.нинг бир қанча анъанавий қоидаларини янгича талқин этишга мажбур эта бошлади. Бирок, бу жараён осон кечмади ва узокқа чўзилиб кетди. Бу, жумладан, мусулмон мамлакатларида банк тизимини яратиш жоизми (ёки гуноҳми) деган масала юзасидан бошланган мунозарада ўз аксини топди. 1899 й. муфтий Муҳаммад Абду банк омонатлари ва улардан фоиз олиш судхўрликка кирмайди, бинобарин, у ман қилинган рибо ҳисобланмайди, деган фатво чиқарди. Бу фатво мавжуд молия тизимини миллий сармоядорлар манфаатига мослаштирди. Мусулмон мамлакатларида тадбиркорликнинг авж олиши шариат қоидаларини ҳам, мусулмончиликдаги бошқа анъанавий тамойилларни ҳам янгича талқин

қилишга олиб келди. Ижтимоий онг соҳасида рўй берган ўзгариш жуда муҳим роль ўйнади. Бу, аввало, миллий ўзини англаш жараёнига тааллуқлидир. Шу жараён давомида И.нинг барча мусулмонларнинг бирлиги тўғрисидаги анъанавий қоидаси янгича маъно касб этди. Жамолиддин ал-Афғоний мусулмонларнинг бирдамлиги ғоясини кўтариб чиқди. М. Абду, Ж. Афғоний, Рашид Ризо ва б.нинг ғоялари миллий озодлик ҳаракатларига туртки бўлиб, кўпчилик мусулмон давлатларининг сиёсий мустақиллигига эришувида ижобий роль ўйнади. Айни вақтда И. бирдамлиги ғоясига асосланган халқаро И. ҳаракати шакллана бошлади: 1926 й. биринчи халқаро мусулмон ташкилоти – Ислом олами конгресси (Муътамар ал-алам ал-исломи) ташкил қилинди. Шунингдек, И.нинг гўё Муҳаммад (сав) замонидаги “асл” тамойилларига қайтишга даъват этишга турли фундаменталистик оқимлар (қ. *Ваҳҳобийлик*) ва мутаассиб гуруҳлар (мас., *ҳизбут-таҳрир*) найдо бўлди. 20-а.нинг 2-ярмида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласида ҳам И. омилидан фойдаланишга қаратилган уринишлар содир бўлди (Эрон ислом инқилоби, Ливия Жамохирияси ва ҳ.к.).

Бир қатор мамлакатлар (МАР, Кувайт, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Афғонистон ва ш.к.)да И. давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган. Айрим мамлакатларда “И.” сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом республикаси, Покистон Ислом республикаси, Афғонистон Ислом республикаси, Мавритания Ислом республикаси ва б. Осиё, Африка китъасидаги баъзи мамлакатларда И.нинг тарқалишига мусулмон партиялари таъсир қилмокда, улар кўпинча сиёсатда муҳим роль ўйнамокда. Эрондаги Ислом республикаси партияси, Индонезиядаги Бирлик ва тараққиёт партияси, Малайзиядаги Панмалайзия ислом партияси, Ҳиндистон ва Покистон Жамоати ислом партияси бунга мисол бўла олади. Бир қанча мамлакатларда диний-сиёсий ташкилотлар (шу жумладан, қонундан ташқаридаги ташкилотлар – “Мусулмон биродарлар”, Ислом озодлик партияси) тарқалган, кўпгина диний билим юртлари (қорилик мактаблари, мадраса, мусулмон ун-тлари), ислом жамиятлари, миссионерлик ташкилотлари, тижорат

корхоналари (ислом банклари, суғурта компаниялари) ишлаб турибди.

19-а.нинг 70–80-й.ларидаги шариатнинг илгари амалиётда бекор қилинган баъзи бир қоидаларини тиклашга уриниб кўрилди (мас., Покистонда, Суданда президент Ж. Нимейри даврида, араб монархияларида жиний ишлар учун тан жазолари бериш).

Ўтган аср 70-й.ларининг охири – 80-й.ларининг бошида халқаро ишларда ҳукумат даражасида ёки ноҳукумат даражасида иш олиб борувчи халқаро мусулмон ташкилотлари муайян мавқега эга бўла бошлади. Бундай ташкилотлардан энг нуфузлиси *Ислом конференцияси ташкилоти* (Муназамат ал-муътамар ал-исломи) бўлиб, у 1969 й. тузилган, унга 55 мамлакат (Ўзбекистон Республикаси 1996 й.дан) аъзо. Халқаро ноҳукумат мусулмон ташкилотлари орасида *Ислом олами уюшмаси*, *Ислом олами конгресси*, Ислом олами ташкилоти, Европа ислом кенгаши, АҚШ Олий ислом кенгаши ва б.ни кўрсатиш мумкин. Улар, асосан, И.ни тарғиб қилиш ва ёйиш, диний арбобларнинг халқаро учрашувини ташкил қилиш, турли мамлакатлардаги И. жамоаларига ёрдам бериш б-н шуғулланади. И. Туркистон мустамлакачилик даврини бошдан кечирган пайтда, айниқса, шўролар даврида турли таъқиб ва ҳар томонлама чеклашларга дуч келди, уламоларнинг тақдири аянчли бўлди. И.га оид бебаҳо китоблар йўқотилди, муборак ёдгорлик ва қадамжолар оёқости қилинди, дин пешволари энг хавфли ёв, муҳолиф сифатида маҳв этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, И. диний ҳаётда муносиб ўринни эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони карим 2 марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 й.лар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, И. уламоларининг юзларча китоблари яна халққа етказилди. И. тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, ҳолисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик ин-тда исломшунослик кафедраси очилди (1992), деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент *Ислом университети* ташкил қилинди (1999), унинг

таркибида Исломшунослик и.т. маркази ишлаб турибди.

И. тарихи манбалари, ақидалари, маросимлари, Қуръони карим, Муҳаммад (сав) ҳаёти ва фаолияти, пайгамбар ҳадисларини ўрганиш, тадқиқ қилиш И.шунослик фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар И. тарқалган мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда И. ва унинг ёзма манбалари пайдо бўлгандан буён олиб борилади. Мусулмон дини тарихи ва Қуръонни ўрганиш Америкада (Г. Грунебаум, Х. Гибб, М. Вотт ва б.), Европада (И. Гольдциер, Л. Каэтани, А. Массэ, Р. Шарль), жумладан, Россияда (А.Э.Шмидт, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский ва б.) 19-а. ўрталаридан кенг тус олди. Шўролар давридаги тадқиқотларда И.га, асосан, ягона марксистик мафкура нуктаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. И.нинг инсоният тамаддуни тарихидаги ахамиятини оммага тушунтиришда, Турон заминида етишиб чиқиб исломий илмлар хазинасини бойитган улуғ алломаларнинг меросини халққа етказишда *Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли*, муфтий *Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон*, *Алихонтўра Соғуний*, шайх Абдуғани Абдулло ва Юсуфхон Шокировларнинг хизмати каттадир. 20-а. охирларидан бошлаб мамлакатимизда И. бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти туғилди. Ўзбекистонлик олимлар И. манбашунослиги, Қуръон таржимаси ва тафсири, И.даги мазҳаблар, оқимлар, машхур муҳаддис ва фақиҳлар халқаро И. ташкилотлари, диний бағрикенглик, диний экстремизмга оид бир қанча асарлар ёздилар (марҳум М.А.Усмонов, шунингдек, Н. Иброҳимов, Х. Кароматов, А. Мансуров, А. Ҳасанов, З. Ҳуснидинов, З. Исломов, У. Уватов, Б. Эшонжонов, Б. Абдуҳалимов, А. Жузжоний, А. Мўминов, А. Азимов, Р. Обидов ва б.). Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Мовароуннаҳр” нашриёти фаолият кўрсатади, “*Ислом нури*” газ., “*Ҳидоят*” жур. нашр этилади.

Ад.: К а р и м о в И., Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда, Т., 1999; К а р и м о в И., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Қуръони карим, Т., 2001; Ҳадис (Ал-Жомийъ ас-саҳих), 1–4-ж.лар (2-нашри), Т., 1997; Ҳидоя (1-ж.), Т., 2000;

Соғуний А., Тарихи Муҳаммадий, (1–2-китоб), Т., 1997; Ҳасанов А., Қадимги Арабистон ва илк ислом (1-китоб: Жоҳилия асри), Т., 2001; Комилов Н., Тасаввуф, Т., 1999; Ҳусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ИСЛОМ БАЙРАМЛАРИ – мусулмонлар нишонлайдиган ва муайян диний маросимлар б-н ўтказиладиган машҳур кунлар. Улар кўпчилик мусулмон давлатларида расмий умумдавлат аҳамиятига эга. Қурбон ҳайит (ийд ал-адҳа), рамазон ҳайити (ийд ал- фитр) асосий И. б. ҳисобланади (қ. *Ҳайит*). Ҳамма И. б. хижрий йил ҳисоби бўйича нишонланади. И.б.ни Пайгамбаримиз (сав) қуйидагича таърифлаганлар: “Ҳар бир миллатнинг ўз байрами бор. Мусулмонлар байрами рўза ва қурбон байрамидир”. Аммо *исро ва меърож, ражаб, ашуро, мавлуд* каби кунлар умумий бўлмай, уларни нишонлаш ихтиёрдир. Нишонламаганлар айбланмайди. Шу б-н бирга улар турли жойда турлича нишонланади. Мусулмонлар ҳафтанинг жума кунини “сайид ал-айём ва ҳаж ал-масакийн” (кунлар улуғи ва мискинлар учун ҳаж деб) ҳисоблайдилар.

“ИСЛОМ ДАВЛАТИ” – ислом дини давлат дини деб эълон қилинган мамлакатларга ва аҳолисининг асосий қисми мусулмонлардан ташкил топган давлатларга нисбатан қўлланиладиган тушунча. Исломиий шиорлар остида фаолият юритувчи ҳоз. сиёсий ҳаракатларнинг дастурларида баён этилган мақсадни ифодалашда ҳам “И.д.” тушунчасидан фойдаланилади. Бунда мазкур тушунча “ислом жамияти” маъносида ишлатилади ва ижтимоий адолатни ўзида мужассамлаштирувчи жамият рамзини билдиради. “И.д.” ғоялари ҳоз. шароитда жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этишнинг анъанавий ислом моделини амалга оширишни кўзда тутди. “И.д.” назариётчилари фикрича, бундай давлатда Аллоҳ – ҳокимиятнинг бирдан-бир асоси сифатида тан олинади; дунёвий ва диний ҳокимият бирон-бир шаклда ўзаро қўшилиб кетади; даромадни адолатли равишда тақсимлаш қоидалари амалда бўлади; иқтисодиёт соҳалари шариат кўрсатмаларига мувофиқ бошқарилади ва х.к. Покистонлик ислом мафкурачилари ва сиёсатдонлари Муҳаммад Иқбол, Муҳаммад Али Жинна, Парвез, индонезиялик мафкурачи Натсир, марокашлик олим ал-Фасил ва эронлик

оятауллоҳ Ҳумайний Рухулло Мусавий “И. д.” ҳақидаги назарияларнинг асосчилари ҳисобланади. Ислом дини давлат дини деб эълон қилинган баъзи мамлакатларда “ислом” сўзи давлатнинг номига қўшиб айтилади. Мас., Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Мавритания Ислом Республикаси ва б.

ИСЛОМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАШКИЛОТИ (ИКТ) – ҳукуматлараро халқаро ташкилот. Ислом мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1-конференциясида (1969 й., Работ ш., Марокаш) асос солинган.

Ислом давлатлари ташқи ишлар вазирларининг 3-конференциясида (1972 й. Жидда ш., Саудия Арабистони) таъсис этилиб, устави қабул қилинган. Ҳозир ИКТ диний муштараклик асосида жами 55 давлатни, жумладан, мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатларини, шунингдек Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ)ни бирлаштиради. ИКТнинг мақсади аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва б. соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ирқий камситишни, барча шаклдаги мустамлакачиликни тугатишга ҳаракат қилиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тадбирлар белгилаш, Фаластин араб халқининг ўз ҳуқуқларини тиклаш ва унинг ерларини озод қилиш учун курашини қўллаб-қувватлашдан иборат. ИКТнинг раҳбар органлари – Давлат ва ҳукумат бошлиқлари конференцияси (1981 й.дан ҳар 3 йилда бир марта чақирилади) ва Ташқи ишлар вазирларининг конференцияси (ҳар йили ёки зарурат туғилганда чақирилади) ва бош котиб раҳбарлигидаги котибиятдир. ИКТ қароргоҳи Жидда ш.да. ИКТ ҳузурида *Ислом тараққиёт банки*, *Фан ва техника соҳасида ҳамкорлик бўйича доимий қўмита* фаолият кўрсатмоқда. 1975 й.дан ИКТга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳузурида кузатувчи мақоми белгиланган. Ўзбекистон Республикаси 1996 й.дан ИКТга аъзо.

ИСЛОМ МАЗҲАБЧИЛИГИ – ислом динида ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва ҳокимият учун кураш жараёнида вужудга келган хилма-хил йўналишлар ва оқимларнинг умумий номи. Мазҳаб тор маънода шариатга хос ҳуқуқ йўналишларини англатади. Лекин, мазҳабчилик

ибораси кенг маънода динлардаги барча гуруҳларга ажралишларни ифодалайди. Шу маънода И. м. бу диндаги барча гуруҳлар ажралиш шакларини ўз ичига олади, уларнинг 5 турини бир-биридан тафовут қилиш керак:

- 1) исломдаги асосий йўналишлар. Исломда дастлаб юз берган ихтилофлар натижасида алоҳида диний таълимот, маросимчилик, ахлокий-ҳуқуқий меъёрларга оид бир қатор масалаларда бир-биридан тафовут қиладиган 3 асосий йўналиш вужудга келган. Булардан *суннийлик* ва *шиалик* ҳозирда ҳам мавжуд, лекин *хорижийлар* йўналиши ўрта асрлардаёқ аввал кўп фирқаларга ажралиб, кейинчалик йўқолиб кетган, ундан фақат битта *ибодийлар* (абодийлар) фирқаси сақланиб қолган.
- 2) Исломдаги фирқалар, моҳиятан ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида оз ёки кўп даражада бир-биридан тафовут қиладиган диний гуруҳлар. Исломда фирқаларнинг энг кўпи шиаликдан ажралиб чиққан, булардан *қарматийлар*, *исмоилийлар*, *зайдийлар*, *нусайрийлар*, *слишлоҳийлар*, *друзлар* ва б. ҳамда улар ичидан ажралган кўп кичик фирқаларни, янги даврда вужудга келган *бобийлик*, *баҳоийлик* кабиларни тилга олиш мумкин. Суннийлик исломда ортодоксал диний таълимот ҳисобланган, ўрта асрларда ундан фирқалар ажралиб чиқмаган. Ўрта аср охирлари ва янги даврга келиб унда ҳам фирқа ва оқимлар пайдо бўлган. Булардан *равшанийлар* (17-а.), *аҳмадия*, воисовчилар фирқаларини (19-а.), *вахҳобийлик*, *маҳдийлик*, панисломизм каби диний-сиёсий оқимларни кўрсатиш мумкин.
- 3) Мазҳаблар, шариат мазҳаблари ҳам исломдаги ажралишнинг алоҳида шаклидан иборат.
- 4) Илоҳиёт оқимлари бўлиб, улар ислом илоҳиётининг шаклланиш босқичида илоҳиётга доир айрим масалалар бўйича ихтилофлар туфайли вужудга келган. Булардан *ашъарийлар*, *жабарийлар*, *қадарийлар*, *сифатийлар*, *муржибийлар*, *муътазилийлар* ва б.ни кўрсатиш мумкин. Ортодоксал илоҳиёт таълимоти бўлган Калом шаклланиб ҳукмрон роль ўйнай бошлагач, илоҳиёт оқимларининг барчаси йўқолиб кетган.
- 5) Суфийлик ёки тасаввуф тариқатлари. Суфийлик ғоялари кенг тарқалган, мусулмон мамлакатларида ҳар бири ўз йўли (сулук)ни олиб борган суфийлик раҳнамолари (пирлар) номи б-н боғлиқ равишда жуда кўп уюшмалар

пайдо бўлган. Улардан кўплари ўрта асрлардаёқ йўқолиб кетган. Лекин, ҳозирда ҳам ғоят кўп тариқатлар мавжуд. Ўрта Осиёда – *нақшбандийлик*, *яссавийлик*, *кубровийлик*, Кавказда – муридизм, хорижий Шарқ мамлакатларида ўрта асрлардан маълум бўлган кодирийлар, бектошийлар, рифоъийлар, тайфурийлар, суҳровардия, мавлавийлар, шозилийлар, чиштийлар, сафавийлар, ҳайдарийлар, неъматуллоҳийлар, жалоллийлар кенг тарқалган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам мавжуд. Ўрта аср охирлари ва янги даврда Араб мамлакатлари, Африка, Жануби-Шарқий Осиё халқлари орасида ҳам кўп тариқатлар тарқалган: салафийлар, шартарийлар, рашидийлар, раҳмонийлар, таййибийлар, тинонийлар, амморийлар, ҳамолийлар, муридийлар, барқийлар, идрисийлар, санусийлар, ғуфрийлар ва ҳ.к. Умуман олганда 30 дан ортиқ тариқат мавжуд. И. м.нинг барча кўринишлари ислом тарихида юз берган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, диний ақидавий ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ихтилофларни ифода этади. Шу жиҳатдан исломни шартли равишда яхлит дин ҳисоблаш мумкин. Хилма-хил оқим ва фирқаларнинг вужудга келишига биринчи навбатда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг диний шаклда намоён бўлиши сабаб бўлган. Ислом динини қабул қилган халқларнинг маданияти, анъаналари, илгариги диний эътиқодлари, шунингдек улар яшаган географик шароитлар ҳам оқимларнинг характерига таъсир этган.

“ИСЛОМ НУРИ” – Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий газетаси. 1990 й.дан чоп этилади. Ислом динининг асосий манбаи бўлган Куръони карим ва ҳадиси шарифларга суянган ҳолда фаолият кўрсатади. Унинг саҳифаларида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатволари, Олий ҳайъат ва Уламолар кенгаши қарорлари эълон қилинади ва ислом арконлари ташвиқ ва тарғиб қилинади. Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётига, ахлоқ-одобга оид мақолалар, диний асарлар кенг ёритилади.

ИСЛОМ ОЛАМИ КОНГРЕССИ (ИОК) – кўплаб мусулмон мамлакатлари арбобларини бирлаштирган халқаро ислом ташкилоти. 1926 й.да Маккада ташкил этилган. Қароргоҳи – Карочи ш.(Покистон)да. Ҳоз. вақтда 36 давлат вакилларини бирлаштирган. ИОК фаолиятига

мусулмонларнинг ҳар йилги ҳаж зиёрати тугаган вақтда тўпланадиган Олий Кенгаш раҳбарлик қилади. ИОК бир неча илмий тадқиқот марказлари орқали ислом тарихи, ақидалари, фалсафаси соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишга раҳбарлик қилади, ислом мавзусидаги нашрларни (хусусан, “Мусулмон олами” журналини) чиқариб туради, унинг ихтиёрида “Ислом овози” радиостанцияси мавжуд.

ИСЛОМ ОЛАМИ УЮШМАСИ – халқаро ислом ташкилоти. Рухонийларнинг 1962 й. май ойида Маккада бўлиб ўтган конференциясида асос солинган. Қароргоҳи Макка ш.да, олий раҳбар органи Таъсис кенгаши бўлиб, унга турли мамлакатдан 60 нафар диний арбоб киради. Уюшма қарорлари тавсия характерига эга, мажлиси йилига 1 марта чақирилади. Таъсис кенгаши ишини Бош котибият мувофиқлаштириб, бошқариб туради. Саудия Арабистонининг 3 та шаҳри – Ар-Риёд, Мадина ва Жиддада уюшманинг бўлимлари мавжуд. Яна 13 та жойда ваколатхонаси бор. Бу ваколатхоналар Уммон (Иордания), Жакарта (Индонезия), Куала-Лумпур (Малайзия), Нуакшот (Мавритания), Дакар (Сенегал), Париж (Франция), Нью-Йорк (АҚШ) ва б. бир неча хорижий мамлакатлар пойтахтларида жойлашган. Бундан ташқари И.о.у.нинг барча мусулмон мамлакатларида вакиллари ҳам бор. Уюшма БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ҳамда ЮНЕСКО хузурида маслаҳат бериш ҳуқуқини олган. И.о.у. БМТнинг Болалар фондига бадал ўтказиб туради. Уюшманинг асосий эътибори исломни тарғиб қилиш, масжидлар қурилишига кўмаклашиш, ҳаж зиёратини уюштиришга қаратилган.

ИСЛОМ САНЪАТИ МУЗЕЙИ – Мисрдаги энг йирик музейлардан, Қоҳира ш.да 1881 й.да асос солинган. 1952 й.гача **Араб санъати музейи** деб аталган. Араб мамлакатлари, Эрон ва Туркиянинг ўрта асрлар монументал безак ва амалий санъат асарларини жамлаган. Музей тўплами негизини Қоҳира масжидлари, хусусий уйлардан келтирилган ва Қоҳирада қазиб олинган топилмалар ташкил қилади. Музейда ўта қимматбаҳо кўлөзма китоблар ва миниатюралар, ёғоч ўймакорлиги (Фотимийлар саройидаги ов лавҳалари тасвирланган рельефлар, 11-а. ва б.), кулоллик, кандакорлик, рангли эмаль б-н нақшланган

шиша (масжидлар чироклари, идишлари) буюмлар ва б. сақланади.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ИТБ) – халқаро банк. 1974 й. мусулмон давлатлари ташқи ишлар вазирларининг кенгашида ИТБни тузиш ҳақида қарор қабул қилинган, банк ўз фаолиятини 1975 й.да бошлаган. Қароргоҳи Жиддада. ИТБни Бошқарувчилар кенгаши ва Директорлар кенгаши бошқаради. Банк президенти 5 йил муддатга сайланади. Мақсади – мусулмон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам бериш. Исломда пулга фойда (фоиз, қ. *Рибо*) олиш тақиқлангани сабабли банкка қўйилган маблағлар учун фоиз олинмайди ва берилмайди.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ – Куръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги оқим. И.ф. вакиллари исломнинг фундаментал (асосий) тамойиллари (И.ф. номи шундан) жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради, деб ҳисоблайдилар ва фақат уларга амал қилишга даъват этади. Кейинги пайтларда мутаассиб мусулмонлар “фундаменталистлар” деб аталмоқда. И.ф. турли йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари террористик усуллар б-н қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш б-н шуғулланади. И.ф.га хос бўлган ғоялар – ғарб турмуш тарзи ва ғарб товарларининг истеъмоллига қарши кураш, динсиз ёки “соф исломдан чекинган” давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш (энг ёрқин мисол – Анвар Садагга уюштирилган суиқасд), исломда “ширк” (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. И.ф. талқинида азиз-авлиёлар қабрларини эъзозлаш (масалан, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчилари руҳини ҳурматлаш) ҳам бутпарастликка киради. Хоз. даврда И.ф. вакиллари бутун дунёга ёйилиб, турли йўллар б-н бир давлатдан бошқа давлатга ўтишга, ҳар ерда ўз маслақдошларини топишга интиломқда.

ИСЛОМ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ – ислом

муаммоларига доир универсал энциклопедия. Ислом дини, тарихига оид барча масалалар ва истилохларни ҳамда мусулмон мамлакатларига доир маълумотларни ўз ичига олган. 20-а. бошларидан нашр этила бошлаган. Немис, голланд, француз, инглиз шарқшунослари унинг асосий ташаббускорлари бўлган. И.э. 1913–38 й.ларда бир вақтнинг ўзида немис, инглиз ва француз тилларида 4 жилдли қилиб Лейденда нашр этилди. И.э. 1954 й. қайта чоп қилинган. 1933–65 й.ларда араб тилига таржима қилиб босилди. 1950 й.дан Истанбулда турк тилида қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда чиқарилди. 1954 й.дан Европа ва Американинг йирик исломшунослари И.э.ни қайта нашр қилиш устида иш олиб бормоқда. Ҳозирда турк тилида “Ислом фикҳи”, “Ҳадис энциклопедияси” нашрдан чиққан. И.э. исломни ва Шарқ тарихини ўрганувчи тадқиқотчилар учун муҳим манба ҳисобланади.

ИСЛОМ ЭКСТРЕМИЗМИ – исломнинг қад. ғоялари ва идеалларини қайта тиклашни куч ишлатиш йўли б-н амалга оширишга қаратилган диний-сиёсий ҳаракат. Бундай ҳаракат диний мутаассибликка асосланган бўлиб, муайян мазҳаб таълимотига қаттиқ ёпишиб олиш оқибатида юзага келади ва кўпинча муайян сиёсат ва иқтисодий манфаатларни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Ислом дини доирасида биринчи экстремистик оқим – *хорижийлар* ҳаракати эди. Хорижийлар Али ибн Абу Толиб б-н умавийлар давлатининг асосчиси Муовия ўртасидаги урушни музокара ва келишиш орқали тўхтатиш сиёсатида Али розилик бергани учун унга қарши бўлдилар. Хорижийлардан бири Абдурахмон ибн Мулжам ас-Соримий 661 й.да 4-халифа Али ибн Абу Толибни ярадор қилиб ўлдирди. Хорижийлар умавийлар ва аббосийлар халифалигига қарши уруш олиб бориб, жуда кўп мусулмонларнинг ўлимига сабаб бўлди. Замонлар ўтиши б-н улар барча ислом жамоасининг қаршичилигига учради. 10-а.да Ўрта Шарқда Хамдон ал-Ашъас “ал-Каромита” деб аталган диний-сиёсий ҳаракатга асос солди. Бу ҳаракат вакиллари бошқа мазҳаблар тарафдорларини ўлдириш сиёсатини олиб борди. 12-а. бошида исмонлийлардан Ҳасан Саббоҳ (1124 й.в.э.) ва унинг тарафдорлари ўз диний ғоялари ва сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун қурол

ишлатиш, қатл қилиш, йўлтўсарлик, террорчиликдан фойдаланиб келган. Уларнинг асосий қароргоҳи ва маркази Аламут қалъаси (Эрон)да бўлган. Улар хашиш (гиёҳвандлик моддаси)ни қўллаш йўли б-н фидоийларни тарбиялаб, ўз мухолифларини ўлдиришга буюрган. Кейинроқ Аламут қалъаси Хулоку томонидан забт этилиб, уларнинг террорчилик ва сиёсий фаолиятига барҳам берилди. 18-а. ўрталарида ханбалий мазҳабининг айрим вакиллари таълимотидан фойдаланиб, Муҳаммад ибн Абдулвахоб (1703–1794) диний экстремистик ҳаракат – *вахҳобийлик*ка асос солди. Кейинги йилларда ваҳҳобийлар ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Тожикистон ва Чеченистонда кўпурвчилик, террорчиликни кучайтирдилар.

ИСЛОМШУНОСЛИК – диншуносликнинг ислом тарихи, манбалари ва маросимларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи соҳаси. Ислом дини ва унинг ёзма манбалари пайдо бўлгандан кейин И. ислом тарқалган мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда ривожланди. Айниқса, ҳоз. Ўзбекистон заминида етишиб чиққан имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Лайис Самарқандий, Замахшарий, Каффол Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Абдулҳолик Ғиждувоний каби фақиҳ, илоҳиётчи, муҳаддис, тафсирчилар бой илмий мерос қолдирдилар. Ислом тарихи ва Қуръонни ўрганиш Европада 9-а.дан бошланган. Америка, Европа ва Россия исломшунослиги ва қуръоншунослигида олиб борилган тадқиқотлар кўплиги, маълумотларга бойлигига қарамай, уларда чекланганлик, бирёқламалик бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина И. бўйича илмий тадқиқот олиб бориш имконияти туғилди. 1992 й.да Тошкент давлат шарқшунослик ин-тида И. кафедраси, 1995 й.да Тошкентда Халқаро ислом тадқиқотлари маркази, 1999 й.да Тошкент ислом ун-ти очилди. Университет таркибида И. бўйича тадқиқот маркази ташкил қилинди. Бу илм масканлари ислом динини ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганиш, унинг асослари, аҳкомлари, жаҳон маданиятининг юксалишига қўшган улкан ҳиссасини тадқиқ қилиш ва натижаларини кенг жамоатчилик диққат-эътиборига етказиш йўлида фаолият кўрсатмоқда. И. фан сифатида Тошкент ислом

ун-ти ва Тошкент давлат шарқшунослик интида ўқитилмоқда.

ИСМОИЛ (ас) – Куръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. *Иброҳим* (ас)нинг аёли Сорадан фарзанди йўқ эди. Иброҳим (ас) Аллоҳга дуо қилиб фарзанд ато этишини сўради. Иброҳим (ас)нинг фарзандга бўлган иштиёқини сезган Сора ўзи фарзанд кўрмаётгани учун Иброҳим (ас)га ўзининг Хожар исмли жориясига уйланишни тавсия қилади. Иброҳим (ас) Хожарга уйлангач, ундан фарзанд кўради ва уни Исмоил деб номлайди. Хожар фарзандлик бўлгач, Соранинг нафсида унга нисбатан ғайирлик кўпая борди ва Иброҳим (ас)дан уни фарзанди б-н олисроқ ерга олиб бориб кўйишини талаб қилди. Аллоҳнинг иродаси ва амри ҳамда Соранинг талабига биноан Иброҳим (ас) эмизикли И.(ас)ни ўз онаси Хожар б-н бирга бир чўлу биёбонга, ҳозирдаги Каъба ёнига олиб бориб кўйди. Қайтиб кетиши арафасида Хожарнинг ноласига жавобан Иброҳим (ас) бу ишни Аллоҳнинг амри б-н қилаётганини айтгач, у таскин топди. Иброҳим (ас) қайтгач, қолдирган сув ва озика тугаб, Хожар ўзи ва фарзанди учун сув ахтариб Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта у ёқдан бу ёққа югурган (ҳожиларнинг бу тепаликлар орасида югуриш ибодатининг келиб чиқиши ушбу воқеа б-н боғланади). Шу пайт И.(ас) оёғи остидан *Замзам* булоғи пайдо бўлади ва ундан муқаддас сув отилиб чиқади. Иброҳим (ас) гоҳида келиб улардан хабар олиб кетар эди. Аллоҳ Иброҳим (ас)ни имтиҳон қилиш мақсадида ўзининг суюкли фарзанди И.(ас)ни Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишга амр қилади. Иброҳим (ас) бу воқеани фарзанди И.(ас)га айтганида у отасига “Парвардигор нимага амр қилган бўлса бажараверинг, мен розиман” – деб жавоб беради. Иброҳим (ас) фарзанди И.(ас)ни қурбонлик қилмоқчи бўлганида Аллоҳдан хитоб келиб И.(ас) ўрнига бир кўчқорни юбориб шунини сўйишликка амр қилади. И.(ас) вояга етгач, Аллоҳнинг амрига биноан ўз отаси Иброҳим (ас) б-н бирга Каъбани бино қиладилар. И.(ас) шу атрофда яшовчи Журхум қабиласидаги бир қизга уйланади, лекин бу аёлнинг ношукур ва бесабрлигини билган И.(ас) ушбу қабиладан яна бошқа бир қизга уйланади. Улардан араб тилини ўрганади. Ривоятларга кўра, шим. араб қабилаларининг ҳаммаси

И.(ас)дан тарқалган. И.(ас) 137 й. умр кўриб, Маккада вафот этгани ва онаси Хожар ёнига дафн қилингани ривоят қилинган.

ИСМОИЛИЙЛАР – шиалик ичида вужудга келган асосий фирқалардан бирининг тарафдорлари. И. ҳаракати 8-а. ўрталарида бошланган. 10–11-а.ларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган, имом Жаъфар ас-Содик (қ. *Жаъфарийлар*) вориси масаласи юзасидан шиалар ўртасида келиб чиққан ихтилоф б-н боғлиқ. И. турли даврларда, турли мамлакатларда ҳар хил ном б-н аталган: ботинийлар, сабъийлар, таълимийлар, мулҳидлар ва ҳ.к. И. шаклланиши Араб халифалигида зиддият ва халқ кўзголларининг кучайиши оқибатида рўй берган. Шиаликнинг баъзи тарафдорлари *аббосийлар* б-н ҳамжиҳат бўлиб, бошқа бир гуруҳ шиалар эса, аббосийларга қарши курашни давом эттиришда Жаъфар ас-Содикнинг тўнғич ўғли Исмоилни еттинчи имом деб тан олиб, унинг атрофига жипслашди. Аммо, Имом Жаъфар маишатга берилган Исмоил ўрнига кичик ўғли Мусо ал-Козимни ворис этиб тайинлади. Бундан норози бўлган Исмоил тарафдорлари унинг вафотидан (762) кейин ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни имом деб таниди, шу тариқа имомликни Исмоил авлодида сақлаб қолиш тарафдорлари ўзларини Исмоилийлар деб атаётди. Муҳаммад ибн Исмоил вафот этгач, унинг тарафдорлари ўртасида келишмовчилик чиқди. Баъзилар уни охириги – еттинчи имом деб билиб маҳдий сифатида қайта тирилади, деб ишонди. 9-а. 2-ярмидан бу таълимот тарафдорларини қараматийлар деб атаётди бошладилар. Таъкиботлардан Сурия, Хуросон ва бошқа мамлакатларга қочган иккинчи гуруҳ ботиний (маҳфий) имомлар номини олди. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шим. Африкада Фотимийлар халифалигига асос солинди. 10-а. охирида Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Ҳижозда И. ҳокимияти ўрнатилди. 11-а. охириларида И. ўртасида тахт ворислиги хусусида нифоқ чиқиб, улар низорийлар б-н мустаълийларга бўлиниб кетди. Низорийлар Фотимийлар халифалигига кирмайдиган шарқий ислом мамлакатлари (Эрон, Сурия ва б.)да устун эди. Мустаълийлар эса, Миср ва ғарбий ислом мамлакатларида ҳукмронлик қилди. Хиндистон (Бомбай)даги ҳоз. И.

жамоалари мустаълийларнинг маънавий ворисларидир. 11-а. охирларида Сурия, Ливан, Ироқ ва Эроннинг тоғли жойларида ҳаракат қилувчи низорийлар таъқиботлардан қочиб, аста-секин Ҳиндистонга кўча бошлади. 19-а.нинг 1-ярмидан низорийларнинг маънавий раҳбари Оғохон унвони б-н юритилади. Низорийларнинг Ҳиндистон ва Кениядаги қароргоҳларидан турли мамлакатларга низорийлар таълимотининг тарғиботчилари юборилади. 17-а. бошларида мустаълийларнинг ҳам диний марказлари Ҳиндистон (Гужарот)га кўчди. Ҳиндистонга бориб ўрнашган мустаълийлар доводийлар деб, Яманда қолганлари эса сулаймонийлар деб атала бошлади, улар ўртасида ҳеч қандай ақидавий тафовут йўқ.

Умуман, И. таълимотиға келганда, у иккига: зоҳирий (ташки) – очик ва ботиний (ички) – махфий таълимотларга бўлинади. Зоҳирий таълимот шиаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилади, у фирқанинг махфий таълимотидан беҳабар бўлган оддий И. оммасига мўлжалланган. Ботиний таълимотни мовароуннаҳрлик ан-Насафий (942 й. в.э.) асослаб берди. Унга кўра, мутлақ худо ўзидан қуйи бўлган 7 та погонани ажратади (эманация), яъни: мутлақ худо, оламий ақл, оламий жон, бирламчи материя, фазо, вақт ва комил инсон (яъни пайғамбар). Камолотга эришган инсон (ал-инсон ал-комил), И. таълимоти бўйича, ўзида “оламий ақл”ни акс эттирган нотик (гапирувчи) бўлиб, у пайғамбар мақомида бўлади ва ваҳийни инсонларга етказиб беради, ўзида “оламий жон”ни акс эттирган сомит (жим турувчи) эса, оятлардаги ботиний мазмунни тушунтириб беради. И. тасавурида инсоният тарихи Одаматодан Қоимгача бўлган “буюк давр”дир. У 7 “фитра”дан иборатки, уларнинг ҳар бирига муайян нотик (пайғамбар) тўғри келади: Одам (ас), Нух (ас), Иброҳим (ас), Мусо (ас), Исо (ас), Муҳаммад (сав). Ҳар бир пайғамбар даврининг еттинчи имоми кейинги пайғамбар (нотик)га айланади. Демак, Исмоилнинг ўғли Муҳаммад – еттинчи имом, у Қоим қиёфасида еттинчи пайғамбар бўлиб келиши ва “қиёмат қоим” гача ҳукм суриши керак.

И. таълимоти, хусусан, қарматийлар мафқураси ислом динининг ўта сўл маслаги бўлган. Ўрта аср тафаккурининг йирик намояндалари

Рудакий, Ибн Сино, Абу-л-Ало ал-Маъаррий ва б.га қарматийлар мафқураси таъсир кўрсатган. Машҳур шоир ва мутафаккир Носир Хисрав эса, И.нинг йирик намояндаларидан бири эди. Хоз. даврда низорийлар Сурия, Эрон, Афғонистон шимоли, Тоғли Бадахшонда, мустаълийлар Яман, Ҳиндистон, Покистон, Мисрда, друзлар Сурия ва Ливанда бор.

ИСНОАШЪАРИЙЛАР (араб. – ўниккичилар, яъни ўн икки имом тарафдорлари) – қ. *Имомийлар*.

ИСНОД (араб. – тиргак, далил, асос) – исломда ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми. И. – айтилган сўзни айтувчисига боғлашлик. Муҳаддис олимлар санад б-н И.ни бир маънода қўллайдилар. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тўпловчига қадар барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий ёки сохта эканини уламолар шу исмларни таққослаш йўли б-н текширган. Ҳадисни нақл қилувчи кишиларнинг яшаган йиллари ва ижобий сифатлари шартга тўғри келса, И. тўғри, демак, ҳадис ҳам тўғри деб ҳисобланган (яна қ. *Ҳадис*).

ИСО (ас), **И с о М а с и х** (Иисус Христос) – Қуръонда зикри келган пайғамбарлардан бири. И.(ас) исломда Муҳаммад (сав)дан олдинги пайғамбар – Исои Рухуллоҳ (Аллоҳнинг руҳи) сифатида эъзозланади, шунингдек, “Масих”, “Ҳақни сўзловчи”, “Ибн Марям”, “Аллоҳнинг муқарраби” (яқини) деб таърифланади. И.(ас) ёши 30 га етганида Аллоҳ уни “Бани Исроил” қавмини хидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборади. И.(ас)нинг даъватида шижоат ва сиққицилдан ёрдам берган 12 нафар шогирдлари бўлган, улар Қуръонда “хаворийлар” деб номланади. И.(ас)ни кўра олмаган гумроҳ қавми ундан ўз пайғамбарлигини исботлаш учун мўъжиза кўрсатишини талаб қилган. Аллоҳнинг иродаси б-н И.(ас) лойдан қуш шаклини ясаб, унга пуфласа қуш бўлиб учар, туғма кўр бўлиб туғилганларни қўли б-н силаса, у кўрадиган бўлар, пеларга қўлини теккизса, у тузалар эди. И.(ас) Муҳаммад(сав)нинг дунёга келишини ҳам башорат қилган эди. Қуръон таълимотиға кўра, И.(ас) – Аллоҳнинг ўгли эмас, Худо ҳам эмас. И.(ас) – Аллоҳнинг

қулидир ва бокира киз Марямнинг мўъжиза б-н туғилган ўғлидир. Аллоҳ томонидан И.(ас)га *Инжил* нозил қилинган. Қуръонда яна таъкидланишича, И.(ас)ни душманлари ўлдиришмаган, у чормих этиб қатл қилинмаган, бу ҳодиса улар кўзига кўринган, холос. Аслида И.(ас) тириклайин осмонга кўтарилган ва Қиёмат куни арафасида Ер юзида яна пайдо бўлади (“Марям” сураси). И.(ас) ҳақида Оли Имрон сураси 52–59-оятларда, Марям сураси 33–37-оятларда, Саф сураси 6-оятда, Моид сураси 112–115-оятларда баён қилинган.

ИСРОИЛИЁТ – яҳудийлар ва насронийлардан ўтиб қолган олдинги умматларнинг ва набийларнинг қиссаларига тегишли ривоятлар. Таврот ва Инжилда ворид бўлган хабарлар қисман Қуръони каримда ҳам зикр этилган. Мас., Одам(ас) ва унинг ерга тушиши қиссаси, Мусо(ас) б-н қавми яҳудийларга тегишли нақллар, Исо(ас) ва оналари Марям ҳақидаги ривоятлар ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси Қуръони каримда ваъз ва ибрат учун мухтасар ҳолда баён этилган. Кейинчалик мусулмонлар мана шу мухтасар хабарларнинг тафсилотини аввалги умматларнинг ривоятларида кўришган ва уларни ўрганишган, иқтибослар олишган. Лекин бу маълумотларнинг саҳиҳлигига кўп ҳам эътибор беришмаган. Холбуки, Аллоҳ таоло аҳли китоблар ўзларига берилган Каломни ўзгартириб юборганларини Қуръоннинг бир қанча ўринларида билдирган эди. Набий (сав) асҳобига аҳли китоб б-н қандай муносабатда бўлишни ўргатиб: “Аҳли китобни тасдиқламанглар, ёлғончи ҳам қилманглар”, деган эдилар. Лекин мусулмонлар бунга енгил қарадилар, маълумот олишда эътиборсизлик қилдилар. Натижада И. тафсир китобларидан талайгина жой олди. Иларнинг масдари, асосан, 4 кишининг номи б-н боғлиқдир. Улар Абдуллоҳ ибн Салом, Каъбул Аҳбор, Ваҳб ибн Мунаббаҳ (бу иккаласи тобеъин), Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж.

Уламолар Иларни 3 қисмга ажратганлар: 1. **Мақбул хабарлар**. Уларнинг саҳиҳлиги Пайғамбар(сав) ҳадислари орқали билинган. Мас., собиқ китобларда зикр этилган Ҳизр (ас)нинг исми Бухорий ривоят қилган ҳадисда ҳам учрайди. 2. **Сукут қилинадиган хабарлар**. Уларнинг рост ёки ёлғонлиги маълум эмас. Бу турдаги ривоятларни насихат ва ибрат учун

лойиқ бир суратда хикоя қилиш жоиз. 3. **Инкор этиладиган хабарлар**. Улар ислом динига ва соғлом ақлга хилофдир. Мас., Исо (ас)нинг хочга осилгани ҳақидаги ривоятлар. Бу хабарларни тасдиқлаш, қабул этиш, ривоят қилиш мумкин эмас. Бирон зарурат туфайли накл этилган тақдирда унга изох беришлик вожибдир. Кўпгина тафсирлар бу носаҳиҳ хабарлар туфайли ишончлилик даражасини йўқотган. Алломалар ўз асарларида Иларни тўла аниқлаб берганлар.

ИСРОФИЛ – исломда тўрт бош фариштадан бири (Азроил, Жаброил, Микоил б-н бирга) қиёмат куни даракчиси.

У икки марта сур чалади. Биринчи чалганида бутун дунё остин-устун бўлади. Тоғлар кул тепаларга ёки бўялган жуллар каби нарсаларга айланади. Осмондаги юлдузлар тўкилади. Дарё сувлари бир-бирига кўшилади. Дунё теп-текис бўлади. Иккинчи марта чалганда энг биринчи яратилган Одам (ас)дан бошлаб ким дунёда яшаган бўлса, ҳаммаси тирилади ва Ер (маҳшаргоҳ)да йиғилади. И. гуноҳкорларнинг дўзахда қийналаётганликларини кўриб, уларга ачинганидан кундузи 3 марта, кечаси 3 марта йиғлар экан. И. Библияда Серафиил номи б-н маълум.

ИСРО ВА МЕЪРОЖ – ислом тарихида Муҳаммад(сав)нинг Маккадан Қуддусга қилган тунги сайрлари (исро) ҳамда Қуддусдаги Ақсо масжидидан осмонга кўтарилишлари (меърож). Бу ҳақда Қуръон оятлари ва ҳадис шарифларда кенг маълумотлар берилган. Бу ҳодиса шўхий мўъжизалар турига киргани учун моддийлик ва ақлий далиллар б-н чегаралапувчи кишилар уни инкор этади. Ҳадис ва ривоятларда айтилишича, Муҳаммад (сав) Жаброил (ас) бошчилигида тунда кўп йиллик масофани босиб ўтиб, бу самовий саёҳатларидан бой хотиралар б-н қайтишган. Жумладан, етти қават осмон оралиқларида ўзларидан олдинги ўтган йирик пайғамбарлар б-н мулоқотда бўлишган. Жаннат ва дўзахни томоша қилишган. 5 вақт намоз ҳам шу кечада фарз қилинган. Бу ҳодиса тасвирлаб ёзилган кўпгина асарлар мавжуд. И. ва м. кечаси ислом оламида диний байрам сифатида ҳар йили ҳижрий ражаб ойининг 27-кечасида нишонланади.

ИСТИСЛОҲ (араб. – манфаатларни ҳисобга олиш) – *фиқҳ*нинг қўшимча манбаларидан

бири, унинг меъёрларини ақл-идрок б-н ифодалаш усули (қ. *Ижтиҳод*). И. “мутлак манфаатлар” атамасининг синоними. И. тушунчаси асосида мусулмонлар динини сақлаш, уларни ҳаётда қўллаб-қувватлаш, авлоднинг ақл-идрокли бўлиши учун қайғуриш, уларнинг давом этишини таъминлаш, мол-мулкини химоя этиш гоёси ётади. И. тарафдорлари фикрича, Куръонда, суннада аниқ жавоблар берилмаган масалалар юқорисидаги беш манфаатни ҳисобга олиш йўли б-н ҳал этилиши лозим.

ИСТИҒФОР (араб.) – Аллоҳдан *гуноҳ*ни кечиришни, афв этишни сўраш. Кимки қилган гуноҳ ишлари учун астойдил *тавба* қилса, Аллоҳ тавбасини қабул этади, деган қатъий ишончга асосланади. Хадислардан бирига кўра, инсон ёмон ишнинг ортидан яхши иш қилса, ўша ёмонлигини ювган бўлади. Куръони каримда “... саҳарларда истиғфор айтувчилар” (3.17), дейилган. Ибн Касир И.нинг энг афзали саҳар пайтидагиси эканига шу оятни далил қилган. Расул (сав) дейдиларки: “Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушади. Бу пайт кечанинг охириги учдан биридир. Шунда Аллоҳ субхонаҳу айтади: “Сўровчи борми, бераман. Дуо қилувчи борми, ижобат этаман. Истиғфор айтувчи борми, мағфират қиламан...” И. гуноҳлардан *фориг* бўлишнинг, ўз-ўзини поклашнинг, тавба қилишга даъват қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

ИСТИҲСОН (араб. – бир нарсани яхши деб ҳисоблаш, яхшилаш, маъқуллаш) – *фиқҳ*га оид тушунча; шариат масалаларига қиёсий татбиқ этишда келиб чиқиши мумкин бўлган хулосалардан мусулмонлар жамоаси учун қайсиниси яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроқ бўлса, ўшанисини қўллаш тамойили. Буни шариатга *Абу Ҳанифа* (ра) киритган. Тажриба асосида, *қиёс* бўйича қабул қилинган расмий қарор мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки зарар келтирса И. қўлланилади. Мас., шариат киши ўзида йўқ нарсани сотишдан қайтарган, лекин И.га, асосан, косиблар, заргарларга руҳсат берган. Зеро косиб, заргар харидор ила ҳали тикилмаган маҳси, қилинмаган тақинчоқ учун савдолашади. И. тамойили кишиларнинг ҳаётдаги эҳтиёжи ва урф-одатларига мослаштирилган.

ИСҲОҚ (ас) – Куръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири; *Иброҳим* (ас)нинг Сора

исми аёлидан туғилган ўғли. “Бани Исроил” қавмининг барча пайғамбарлари И. (ас) авлодидандир. Ривоятга кўра, ёши 90 га етган Сора И.(ас)га ҳомилдор бўлади ва у туғилгач, унга “Ясҳак” (арабча “язҳак” – “қулади” маъносига) деб ном қўяди. Бундай номланишидан мақсад, ота-онаси шу ёшга етганда фарзанд кўрганини эшитган барча одам таажжубланиб қулиши табиий эди. И. (ас) вояга етгач, Рифқа номли қизга уйланади ва ундан эгизак фарзанд кўради. Улар Ийсу ва Якуб эдилар. Ривоят қилинишича, И.(ас) 180 йил умр кўрган, Мадинатул Халилга дафн этилган. И.(ас) ҳақида Соффот сураси 112–113-оятларда ва Сод сураси 45–47-оятларда баён қилинган. **ИСҲОҚ ибн ИБРОҲИМ аш-ШОШИЙ** (? – 937) – фақих. Шошда туғилиб, дастлаб шу ерда таълим олган. Сўнгра Мисрга бориб қозилик ишлари б-н шугулланган, баъзи идораларни бошқарган. Шоший умрининг охиригача шу ерда яшаган. Унинг “Фикҳ усули” деган асари бўлган. Бу асар “Усул Шоший” номи б-н шуҳрат топган.

ИТТИҲОД (араб.– бирлашиш) – тасаввуф тушунчаси. Суфийнинг жазавага тушиш ҳолатида худо б-н руҳан “қўшилиб кетиш” тушунилади. Суфийлар худога бўлган муҳаббат (ишқ)ни И.нинг зарурий қисми деб қарайди. И. турли даврда турлича татқин қилинган. Сунний тасаввуфда И. қатъий рад этилган.

ИФРИТ (кўплиги афарит; “қудратли”, “ғалаба қилувчи”) – энг сержаҳл, айёр ва кучли жинлар номи. Кўпликда (афарит) баъзан жинлар ва шайтонларнинг умумий номи ҳисобланади. Куръонда “Жинлардан И.” Сулаймон (ас)га Саба маликасининг тахтини келтиришга отланади (27:39). Кўпинча фольклор ва халқ адабиётида ҳақиқий шахс сифатида учрайди (мас., “Минг бир кеча” эртакларида). Сўнгги ўрта асрларда Мисрда И.лар қатл этилган, зўрлаб ўлдирилган кишиларнинг руҳлари ҳисобланган.

ИФТОР (араб. – оғиз очиш, рўзани очиш) – исломда *рўза* тутиш б-н боғлиқ одат. Рўза кунлари кўпчилик иштирокида зиёфат – ифторлик ўтказилиши исломда савоб ишлардан саналади. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда “Кимки бир рўзадорни оғзини очирса, унга ҳам рўза тутган кишининг савоби берилур” дейилган. Демак, савоб бўлиши учун рўзадор оғзини очирш лозим экан.

ИХВОН ас-САФО (араб. – соф биродарлар) – 9-ада Басрада пайдо бўлган диний-фалсафий мактаб. Унинг вакиллари ўз номларини эълон қилмасдан 52 та рисола ёзиб тарқатган. Уларнинг мақсади фалсафий, табиий-илмий билимларни ёйиш бўлган. “Рисолалар тўплами” 10-ада Мовароуннаҳр ва Хуросонда кенг тарқалган. У чуқур фалсафий мазмунга эга бўлиб, омма учун эмас, зиёлиларга мўлжалланган. Бу тўплам бизгача етиб келган ва 1995 й.да Эронда чоп этилган. 1150 й.да халифа Мустанжид рисолаларнинг барчасини ёндиришга буйруқ берган, лекин кўп нусхалари сақланиб қолган, форсий ва туркийга таржима қилинган. Рисолалар риёзиёт ва мантик, табиатшунослик ва руҳшунослик ҳамда илоҳиёт ва шариатга бағишланган. И.ас-С. вакиллари ўзи орзу қилган инсонни тарбиялаш тизимини ишлаб чиққан. И.ас-С. рисолалари барча мусулмон мутафаккирлари ва тасаввуф аҳлига катта таъсир кўрсатди. 16-а. охирига келиб мустақил йўналиш сифатида йўқолиб кетган.

ИШРОҚ (“шарқий мунавварлик”) – суфийликдаги – фалсафий таълимот; Яҳё ас-Сухравардий (1191 й. в.э.) томонидан ишлаб чиқилган. Ёруғлик ва зулмат рамзларидан, шунингдек, зардуштийликдаги муқаддас китоблардан олинган образлардан кенг фойдаланиб ас-Сухравардий аслини олганда ўзига хос таълимот яратган. И. ҳақидаги таълимотга асосан ҳар қандай мавжудликнинг манбаси ва энергияси “Олий нур” (нур ал-анвар; форс. – хорра) бўлиб, у ўзининг борлиги б-н биринчи махлуқ – “фаришта”, Бахман нурини “ёритди”.

И. таълимотига кўра баён этилган дунё манзараси суфийнинг ўта берилиб зикр тушиши пайтида ўта сезгир ва онгли билимга эга бўлиши мумкинлигига исбот бўлиб хизмат қилади. Суфийнинг руҳи моддий оламнинг ҳар хил “чиқитлари”дан зоҳидлик тажрибаси орқали поклангач, илоҳий нур б-н “нурланади”, у “дунёнинг сир-асрорларидан” боҳабар бўлади ва ўз манбаси томон учиб, у б-н қўшилиб кетади.

ИШҚ (араб. – муҳаббат) – *тасаввуф*да Аллоҳга бўлган ишқ. Аллоҳдан ўзга ҳар қандай маҳбубга бўлган ишқ ёки муҳаббат солиқлар наздида мажозий ишқ саналган. Тасаввуфона битилган ғазал ва бошқа турдаги шеърларда

мажозий ишқ орқали ҳақиқий ишқ тараннум этилади.

ИЪЖОЗ ал-ҚУРЪОН – ислом ақидасида Қуръони каримни мўъжизакор ва беқиёс эканлигини англатувчи атама.

ИҚОБ (кўплиги иқобот; синонимлари уқуба, азоб, жазо, нақал) – жазолаш, фикҳнинг энг муҳим категорияларидан бири. Қонунни бузганлик учун И. фақат суд ҳукми, яъни имом, қози, одилона суд қилувчи ёхуд жамоат тартибини назорат қилувчи бошқа бир шахснинг ҳукми б-н қонуний равишда берилиши мумкин. Жазо бериш хиллари деярли тўлиқ суратда жоҳилия давридаги кундалиқ ҳуқуқий меъёрлардан олинган. Барча жазолар қуйидаги турларга бўлинган: ўлим жазоси, ундан кўзланган мақсад жамиятни жиноятчидан тўлиқ ҳалос эгиш: қасос олувчи жазолар, улар ижтимоий адолат ҳиссини қондиришлари лозим бўлган; олдини олувчи жазолар, улар эвазига келажакда ҳуқуқбузарликлар камайиши эҳтимоли ошади; ибратли жазолар, улар, асосан, ҳуқуқбузарнинг ўзига таъсир кўрсатиб, уни кейинчалик ҳуқуқни бузишдан қайтаришга қаратилган. Жазолаш усулларига қараб, улар жисмоний, озодликдан маҳрум қилиш ва қувғин қилиш, жарималар, жамоатчилик таъсири ва тавба қилиш кабиларга бўлинади. Жазо жиноятнинг оғир-енгиллиги қатъий мутаносиб бўлмоғи лозим. Ўлим жазоси (қатл) исломга қурол кўтариб чиққанларга, яъни исён кўтаргани учун ёки диндан қайтиш ҳақида ваъзхонлик қилгани учун берилиши мумкин. Агарда қўлга тушган жиноятчи тавба қилса, у ҳолда ўлим жазоси енгилроқ жазо б-н алмашинади. Қотил, айниқса талон-торожлик б-н боғлиқ қотилликка ўлим жазоси белгиланади. Агарда жиноятчи уни қўлга олгунларигача бўйин эгиб келса у ҳолда уни қатл этмайдилар, лекин у дия тўлаши ва тавба қилиши лозим бўлади. Ўлим жазоси кўпинча айбдорнинг бошини танасидан жудо қилиш йўли б-н амалга оширилган, бироқ уни дорга осиш, нимталаш ва б. хил усул б-н жазолаш ҳам мумкин бўлган. Ҳоз. вақтда отишга ҳукм қилиш жорий этилган. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро хиёнат ўлим жазосининг махсус тури – тошбўрон қилиш (ражм) б-н жазоланади.

Қасос олувчи жазолар (қасос, қавад, саър) инсон ҳаёти ва саломатлигига етказилган оғир

жиноятлар: қотиллик, майиб қилиш, заҳарлаш ва б. учун берилади. Бундай жиноятлар учун жазолар, агар бу б-н янада огирроқ зиён етмайдиган бўлса, талион тамойили (кўзга кўз) асосида берилади. Бундай ҳолатларда, шунингдек қотиллик ёхуд етказилган зиёнлар атайин қилинмаган бўлса, дия тўлаш лозим бўлади. Агарда қотиллик буйруқ ёки мажбурлаш йўли б-н содир этилган бўлса, қотилликни амалга оширган шахс буйруқ берган шахсга қандайдир боғлиқ ери бор бўлса у ҳолда буйруқ берган шахс қотил ҳисобланади. Агарда жиноят бирор-бир шахснинг гиж-гижлаши орқали содир этилган бўлса, у ҳолда қотил ва гиж-гижловчи тенг жавобгар бўладилар. Қасос олувчи жазолар агарда жабр кўрганлар ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари жиноятчиларни афв этган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Олдини олувчи жазолар (ҳадд) бутун жамиятга етказиладиган оғир жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар учун берилади. Ҳадд диндан қайтганлик ва исён учун, агарда суд жиноятчини қатл этишни лозим топмаган бўлса берилади. Шунингдек, диний маросим кўрсатмаларини намоёнишкорона бузгани ва уларни таҳқирлагани; қасамхўрлиги ва оғир оқибатларга сабаб бўлган сохта гувоҳлиги, ҳуқуқбузарлик қилиш учун ундагани; ғайри қонуний жинсий алоқа қилгани, агарда улар ўзаро никоҳда бўлмасалар; вояга етмаганларни зўрлагани, ичкиликбозлиги, ичкилик ва қиморбозликка ўргатгани; фирибгарлиги ва шунга ўхшаш бошқа ҳуқуқбузарликлар учун берилади. Ҳадд жазоси – қамчин ёки калтак б-н 40 тадан 100 тагача уриш б-н амалга оширилади. Айбдор ўлиб қолмаслиги учун жазо ижроси бир неча хил усулда амалга оширилиши мумкин. Суд қарорига кўра ҳадд қўшимча миқдорда калтаклаш, жарима, озодликдан маҳрум қилиш ва маҳаллий удумларда кўзда тутилган бошқа жазолар б-н янада қаттиқроқ бўлиши мумкин.

Ибратли жазолар (таъзир) ҳокимиятга бўйсунмаганлик, жамоат тартибини бузганлик, атайин бировнинг мулкидан фойдаланганлик, майда фирибгарлик, савдо қондаларини бузганлик ва б. унча катта бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун берилади. Таъзир – қамчин б-н савалаш ёки калтак б-н уриш (5 тадан 39 тагача), ёхуд олти ойгача қамоқ ёки

уй қамоғида сақлаш, ёки жамоатчилик ўғити йўли б-н амалга оширилади.

Бозорда қилинган ўғирлик, агарда у жабрланувчига катта моддий зарар келтирмаган бўлса, бир неча марта калтак б-н уришга ҳукм қилиниши ёки умуман кечириб юборилиши мумкин. Агарда ўғирлик малакали характерга эга бўлса, ўғрига нисбатан ҳадд белгиланади. Қайта ўғирлик қилиш чап қўл панжаларини чопиш б-н жазоланган.

Юқорида зикр этилган чоралардан ташқари, мансабдор шахс томонидан қилинган жиноят учун унинг мол-мулки мусодара қилиниши мумкин. Ҳар қандай ҳадд жазосига ўша заҳоти таъзир жазоси ҳам қўлланиши мумкин, бундан ташқари у барча жазо турлари доирасида ҳам оғирроқ жазоланиши мумкин.

Ҳар қандай жазо ҳуқуқбузарнинг қилган ишига афсусланишига мўлжалланган. Агарда у қайсарлик қилса, жазо қайта берилиши мумкин. Агарда у тавба қилса, каффорат амалларини қилиши лозим бўлади, уни суд белгилайди (икки ойгача рўза тутиб бериш, узоқ вақт жинсий алоқадан сақланиш, аҳд бўйича ҳаж қилиш, бир қулни озод қилиши ёки сотиб олиши лозимлиги, катта миқдорда садақа бериши ва б.). Суд томонидан белгиланган талаблар бажарилгач, киши ғусл қилмоғи лозим бўлади ва шу пайтдан эътиборан у яна қайтадан жамиятнинг одатдаги аъзосига айланади.

Жазони белгилашдаги катта эркинлик судга айбдорнинг шахсига нисбатан, ҳам унинг айбини эътиборга олган ҳолда, ҳам унга нисбатан энг муносиб жазо беришни кўзда тутган ҳолда табақавий ёндашиш имконини беради. Умуман олганда ҳар қайси мусулмон, агарда унинг айби исботланса, ҳар қанақа жазога тортилиши мумкин. Бироқ суд унинг маданий даражаси ва ижтимоий аҳволини ҳисобга олиши шарт ва шундай жазони танлаши керакки, у энг самарадор бўлгани ҳолда ортикча қаттиқ ҳам, таҳқирловчи ҳам бўлмасин.

Ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик инсоннинг умумий ҳуқуқий қобилияти шаклларида биридир ва шунга кўра барча ҳуқуқий қобилиятлар (мас., ёш болалар ва ақли заифлар) жазога тортилмайдилар, қуллар, аёллар ва б. тўлиқ ҳуқуққа эга бўлмаганларга эркин мусулмон эркакка бериладиган жазонинг

ярми берилади. Жазони тенг ярмига бўлишни имкони бўлмаган ҳолатларда (мас., ўлим жазоси), қул худди эркин киши каби жазога тортилади. Агарда жиноятчи ғайридин бўлиб, унинг жинояти қайси диндалиги б-н мутлақо боғланмаган бўлса, у худди мусулмон каби жазоланади; табиийки у тавба қилишдан озод этилади, албатта, бунинг ўрнига унга жарима тўлаш юклатилиши мумкин.

Ҳоз. вақтда жазонинг барча турлари шаклан сақланиб қолган, бироқ энг ривожланган мамлакатлар қонунчилик идоралари томонидан қабул қилинган жазо турлари, яъни қамокқа олиш ва мажбурий меҳнатга жалб этиш, жарималар ва жамоатчилик ўғити қабилар афзал кўрилмоқда.

ИҚТИСОБ – бу дунё неъматларига эришмоқ. Ўзи ва яқинларини И. доирасида зарурий нарсалар б-н таъминлаш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир. унга қад. пайғамбарлар ва Мухаммад (сав)нинг саҳобаларини савдо ва ҳунармандчилик б-н шуғулланганлари ҳам мисол бўлиши мумкин. Ҳунармандчилик ва савдо йўли б-н топилган маблағ давлат маошидан кўра софрокдир. И. Аллоҳнинг марҳаматига умид қилиб (таваккул) ўзини ўзи таъмин этишдан воз кечувчи тақводан афзалдир. ўз нафсини барча нарсдан тийиш – ҳар қандай қотиллик каби гуноҳдир.

ИҚТОЪ (кўплиги иқтаёт; актаъа феълидан – “кесмоқ”, “таксимлаб бермоқ”)– маълум ҳудуддан хирож олиш ҳуқуқини давлат томонидан бирор шахсга берилиши. Ер бўлиб беришлар Мухаммад (сав) ҳаётликлари даврида ҳам қайл этилган ва айниқса *Усмон* (ра) даврида (644–656) кенг тарқалган. Одатда давлатга қарашли эгасиз ва ташландик ерлар меросий ва мусодара қилиш ҳуқуқи б-н бирор кишига хусусий мулк (мукта) тариқасида берилган. Бу ер участкалари қатиъа деб аталиб мулкка ўхшаш бўлган, инъом этиш ҳодисасининг ўзи эса иқтоъ деб аталган. Аксарият ҳолларда муктаъ (муктадорлар) ерга ўзлари ишлов бермаганлар, балки ерни ўша жойдаги ижарадорлар б-н қўшиб олганлар ёки суғоришга маблағ сарфлаб, ўзлаштирилган ерни ижарага берганлар. Муктаъ ердан ушр тўлаган, унга ер солиғи деб эмас балки закот сифатида қаралган. Ҳақиқий, мумтоз И.да, яъни хирож олинадиган ер берилган тақдирда, муктаъ хирож б-н ушр ўртасидаги фарқни ўз

фойдасига олган. Илк фикхшунослар (Яҳё ибн Адам, Абу Юсуф) фақат ана шундай И. шаклини биладилар.

Мўғуллар даврида И. истилоҳи расмий суратда ишлатилмасдан, унинг ўрнига суюрғол – меросий қилиб берилган ер мулки ва туюл (тиул) – вақтинчалик ёки умрбод муддатга берилган ерни англаувчи истилоҳлар ишлатила бошланган.

ИХВОН ал-МУСЛИМУН (араб. – мусулмон биродарлар) – мусулмон биродарлар уюшмаси (МБУ) диний-сиёсий ташкилоти аъзолари. Бу ташкилотни 1928 й.да шайх Ҳасан ал-Банно Исмоилия ш. (Миср)да ташкил этган. МБУ мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда суфий биродарлар ташкилоти ва ҳоз. замон Европа партияларининг унсурлари қўшилиб кетган. Уюшманинг асосчиси тарғиб қилган таълимот кейинчалик бир неча бошқа ислом мафкурачилари (Саид ал-Қутб, Мустафо ас-Сибои ва б.) томонидан ривожлантирилди. МБУ фаолияти мафкура, қонун, ахлоқий меъёр ва б.нинг ягона манбаи сифатида ислом қоидаларига асосланган “адолатли ислом жамияти”ни қуришга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун, МБУ раҳнамолари фикрича, “таракқиётнинг ислом йўли”дан бориш керак. МБУ хайр-эҳсон ва маърифатчилик фаолиятдан (1928–36) то сиёсий ҳаётда террор усулини кенг қўллашда фаол иштирок этишгача бўлган мураккаб таракқиёт йўлини босиб ўтди. 1949 й.да Ҳасан ал-Банно ўлдирилганидан кейин ташкилотда ажралиш юз берди: бир қанча мустақил гуруҳлар ва ташкилотлар пайдо бўлди. 1954 й. Мисрда бу ташкилотларнинг республика тартиб-қоидаларига қарши қаратилган фаолияти ғайриқонуний, деб эълон қилинди. Лекин улар кейинги йилларда яширин ҳолатда иш кўриб, президент Носир ҳукуматини ағдариб ташлашга бир неча марта уриндилар. 70-й.ларда президент Садат даврида И.ал-м. ташкилоти очик ҳолатга ўтиб, яна фаолиятини кучайтирди. 70-й.лар охири – 80-й.лар бошида Мисрда И.ал-м. ва унга яқин бир неча ўнлаб ташкилотлар фаол иш олиб борди. 1981 й.да Садат экстремистик ислом гуруҳларидан бирининг аъзолари томонидан ўлдирилгандан кейин, Мисрда И.ал-м.нинг кўпчилик ташкилотлари ман этилди, раҳбарлари қамокқа олинди. 30-й.лар ўрталаридан бошлаб МБУ бўлимлари

Мисрдан ташқарида ҳам вужудга келди. Ҳозирда И.ал-м. ташкилотлари бир қанча мусулмон мамлакатларида мавжуд. Бу ташкилотларнинг фаолияти “ихвонийлар” (“биродарлар”) ҳаракати деган умумий ном олди. Ихвонийлар ҳаракати ўзининг ижтимоий-синфий таркиби ҳамда сиёсий ва ғоявий йўналиши жиҳатдан бир хил эмас. Бу ҳаракат ичида уч асосий йўналиш мавжуд. Булар: “мўътадил” Миср мафкурасининг тарафдорлари (И.ал-м. номини олганлар); турли

номдаги кўп гуруҳларни ўз ичига олган ўнг экстремистлар ҳамда бир неча йирик халқаро ташкилотлар (мас., 50-й.ларда Иорданияда ташкил этилган Ислам озодлик партияси ва б.); “ислом социализми” мавқеида турувчи “ислом демократлари”дир. Бу ҳаракатнинг ғоявий-сиёсий йўли ҳозир мустақилликка эришган ёш мамлакатларда ҳар хил кўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва давлатлар ўртасида низолар чиқаришга қаратилган.

К

КАБИРА (араб. катта, йирик) – исломда энг катта ва оғир гуноҳ. Исломда гуноҳлар катта – К. ва кичик – сағирага бўлинади. Уламолар қайси гуноҳлар К. ва қайсиниси сағира экани хусусида фикрлари турлича. Гуноҳи К. – ҳадд жазосига лойиқ, яъни, шариатда жазоси белгилаб қўйилган гуноҳ ёки дўзахга киришга, лаънатга ва ғазабга сазовор қиладиган гуноҳлар К. гуноҳлардир. Сағира (кичик) гуноҳ эса: “Бу дунёда ҳаддга лойиқ эмас, у дунёда дўзах, лаънат ва ғазаб ила кўрkitилмаган гуноҳлардир. К.нинг энг биринчиси ва Аллоҳ томонидан кечирилмайдигани – куфр (Аллоҳни инкор этиш) ва ширк (Аллоҳга бирор нарсани тенг қилиш)дир. К.нинг турлари кўн. Мас., ота-онани норози қилиш, бировнинг жонига ноҳақ касд қилиш, сеҳр-жоду б-н шуғулланиш, ёлғон гувоҳлик бериш, тухмат ёки бўхтон қилиш, зинокорлик, ўғрилик, судхўрлик, фарз ибодатларни бажармаслик, ҳаром қилинган нарсаларни истеъмол этиш ва ҳ.к. Ширк ва куфрдан бошқа гуноҳлар қиёмат куни Аллоҳ томонидан кечирилиши ёки улар учун маълум меъёрда жазо берилиши мумкин. Мўмин одам гуноҳи К. қилиши б-н кофир бўлиб қолмайди. Агар ўша ишни ҳалол санаса кофир бўлади. Ёки Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилса, кофир бўлади. Шунингдек, гуноҳи К. туйфайли уларни кофирга чиқариш ҳам тўғри йўлдан

чиқишдир. Аҳли сунна ва жамоа бирор кишини гуноҳи К. қилгани учун кофир қилмайдилар. Муржиъийлар гуноҳи К. қилганни кофир қилмайдилар ва имон бўлса, гуноҳи К. зарар қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Хорижийлар эса, гуноҳи К. қилганни кофир, дейдилар. Муътазиллийлар гуноҳи К. қилганни иймондан чиқарадилар ва куфрга киргизмайдилар.

КАВСАР (араб. мўл-кўл) – исломга кўра, жаннатдаги ажиб бир дарё ёки ҳовузнинг номи. Қуръони каримдаги 108-сура ҳам К. деб аталади. Тафсир ва ҳадисларда айтилишича, К.нинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан ок бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди. Шунингдек, қиёмат куни жаннат насиб этган мўмин-муслмонлар мазкур К. сувидан ичишлари тўғрисида башорат берилади. К. сураси Қуръон суралари ичида энг қисқаси бўлиб, 3 оятдан иборат.

КАЙСОНИЙЛАР – 7-а.да шиалар орасидан ажралиб чиққан фирқа тарафдорлари. Шиаларнинг 3-имоми *Ҳусайн* 680 й.да Карбало яқинида ҳалок бўлгандан кейин, 4-имомни эътироф этишда улар орасида ихтилоф юз берган: уларнинг бир қисми *Ҳусайн*нинг ўғли Али (Зайн ал-Обидин)ни имом деб таниса, бошқа гуруҳи *Ҳусайн* ўгилларининг жуда ёшлиги ва раҳнамоликка қобил эмаслигини сабаб қилиб кўрсатиб, Алининг Бану Ҳанифа

кабиласидан ўлжа сифатида олинган канизагидан туғилган, жангларида иштирок этиб танилган ўгли Муҳаммад (637–700)ни 4-имом деб эътироф қилган. Барча манбаларда онаси мансуб бўлган қабила номига нисбат берилиб у Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия деб аталади. Унинг тарафдори бўлган шиалар яқин сафдоши Мухтор ибн Абу Убайд раҳбарлигида 685 й.да Куфада кўзғолон кўтариб, умавийларга зарба берган, Хусайнни ўлдирганларнинг кўпини жазолаган. Кўлга туширилган Куфа хазинасидаги пулларни исёнчиларга тақсимлаб берган. Бу исёнда Абу Амр Кайсон фаол иштирок этган (фирқанинг номи шундан). Кейинчалик ички ихтилофлар натижасида исёнчилар енгилиб, Мухтор ҳалок бўлган (687). Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия бевосита кўзғолонда иштирок этмаган. К. Алини пайғамбар қизи Фотимага уйлангани учун эмас, ўзига хос имомлик хислати учун имом деб танийди, шу сабабли имомлик пайғамбар авлодига ўтиши шарт эмас деб ҳисоблаб, Алининг икки ўғли (Ҳасан ва Хусайн)дан кейин имомлик 3-ўғлига ўтиши керак, деган ғояга асосланган эди. К. фирқаси камайиб, кейинчалик (9-а. ўрталарида) тамоман йўқолиб кетган, шиаларнинг кўпчилиги томонидан Али Аскар 4-имом сифатида танилган.

КАЛИМАИ ШАҲОДАТ (араб. – гувоҳлик калимаси) – ислом динидаги 5 асосий арконнинг биринчиси. Унга кўра “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад Унинг расулидир” – деган калимани тил б-н айтиб, дил б-н тасдиқ этиш шарт қилинган. Бу калимани инсон тил б-н айтса-ю, дили б-н тасдиқламаса, яъни ўзи ишонмаса, ундай киши исломда мунофиқ ҳисобланади. Лекин, дилида ишонса-ю, тили б-н айтишдан бош тортса, у ҳам шаръан мусулмон ҳисобланмайди. Демак, мўминликнинг 2 шarti бўлиб, уларнинг биринчиси – Муҳаммад (сав)нинг Аллоҳ томонидан келтирган барча хабарларга тил б-н иқрор этиш, иккинчиси – шу хабарларни дил б-н тасдиқ этишдир. Сунний-ҳанафий таълимоти шундан иборат. Лекин баъзи исломий ақида ва оқимлар бунга хилоф равишда имоннинг шarti 2 та эмас, 3 та деб, ибодат ва амалларни тўла бажаришни – имоннинг учинчи шarti санашади. Бу б-н улар кўпчилик мусулмонларни кофирлар сафига кўшиб қўйишади. Ваҳоланки, имон б-н куфр

эътиқодий масалалар турига, амалий ибодатлар ёки гуноҳ ва жиноятлар алоҳида бошқа масалалар турига оиддир. Имон б-н бирга амал ҳам бўлса, нур устига нур. Амал қилмаса ёки гуноҳ ишларни қилса, (мотуридийлик ақида сига кўра) кофир бўлмайди, балки гуноҳкор бўлади. **КАЛОБОДИЙ** (ёхуд ал-Калобозий), Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий (? – 990/995 й.) – ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳи, тасаввуфга доир араб тилида ёзилган энг дастлабки тартибли асарлардан бирининг муаллифи. Бухородаги Калобод маҳалласида туғилиб, шу ерда яшаган ва вафот этган. Муҳаммад ибн Фадлдан ҳуқуқдан таълим олган ва суфий шайх Қосим Фориснинг шогирди бўлган. К. ёзган беш ёки олти асардан бизгача иккитаси етиб келган: Пайғамбар (ас)нинг ахлоққа доир баъзи ҳадисларига ёзилган қисқача шарҳ – “Маъоний ал-ахбор” ва “ат-Таъарруф ли-мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” – исломнинг дастлабки уч асри даврида ислом тасаввуфини ўрганишда асосий ҳисобланган асарлардан бири. Китоб кейинги давр суфийлари томонидан юқори баҳоланган, хусусан, шайх Яҳё ас-Сухравардий ал-Мақтул (1191 й. в.э.) бу ҳақда “Агар ат-Таъарруф бўлмаганда эди, биз суфийликни (тасаввуфни) билмаган бўлардик”, деган. Бу бизгача етиб келган суфийлар қарашлари тизими ва тажрибаси баён этилган биринчи асар бўлиб, унда тасаввуфдаги ғояларни исломдаги у б-н туташмаган қоидалар б-н келиштиришга ҳаракат қилинмаган, суфизм тўлиғича мусулмончилик доирасидалиги ва тизим сифатида у ўзининг диндорлиги б-н шубҳа туғдирмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Асар 75 бобдан иборат бўлиб, уларни уч қисмга ажратиш мумкин: 1–(1–4, 64–75-боблар) тарихий: суфий ва тасаввуф тушунчаларини белгилаш, энг муҳим шахслар, уларнинг суфийликдаги жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар ва афсоналар; 2–(5–30-боблар) апологетик (мадҳ этувчи): суфизм қарашлари тизими, унинг “чинисломий”лигини исботлаш; 3–(31–63-боблар): суфизм амалиёти, зоҳидлик йўлининг асосий босқичлари, дарвишлар орасида қабул қилинган техник атамалар.

К. асарига кўплаб шарҳлар ёзилган. Айниқса, унинг замондоши ва эҳтимол шогирди Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал-Мустаммий

(1042 й. в.э.) томонидан форс тилида ёзилган “Нур ал-муридин” китоби машҳур бўлган. Бу шарҳ суфизм тарихи бўйича манба сифатида оригинал асардан деярли қолишмайди. Унинг нусхаларидан бири 1081 й. кўчирилган бўлиб, у бизгача етиб келган форс кўлёмалари ичида иккинчи энг қад. кўлёмма ҳисобланади.

КАЛОМ (араб. – равон нутқ, жумла, гап, сўз) – ислом илоҳиёт илми. 8-а.да араб халифалигида пайдо бўлган. К. ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади. К. тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. К. турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиъийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши б-н боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараккий қилди. Уламолар илми К.нинг таърифида ҳам бир неча хил фикрлар айтганлар. Энг қад. таъриф Абу Наср *Фаробий*га тегишли бўлиб, у. “Калом синоати ила миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни беҳудага чиқарилур”, деган. Илми К. ҳақида *Ғазолий* қуйидагиларни айтади; “У бир илм бўлиб унинг мақсади аҳли суннанинг ақидасини аҳли бидъатнинг ташвишидан муҳофаза қилиш ва қўриқлашдир. Аллоҳ таоло Ўз бандаларига Ўз пайғамбари тилида ҳақ ақидани илқо қилди. Унда уларнинг дини ва дунёсининг салоҳи бордир. Шунингдек, унинг ҳақида Қуръон ва хабарлар нутқ қилди. Сўнгра шайтонлар ўз васвасаси ила бидъатчиларга суннатга хилоф ишларни илқо қилди. Улар ўша ишларни гапирдилар ва аҳли ҳақнинг ақидасини бузмоқчи бўлдилар. Бас, Аллоҳ бир тоифа мутакаллимларни пайдо қилди ва уларнинг ҳимматини тартибга солинган калом ила суннатнинг нусрати йўлида ҳаракатга солди. Шу орқали аҳли бидъатнинг суннатга хилоф равишда чиқарган алдамчиликлари фош қилинади. Ана шундай илми калом пайдо бўлди”. Илми К. пайдо бўлган вақтга келиб ақидага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатдан далил келтириш б-н кифояланиб бўлмай қолган эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар эди.

К.га хос услуб ва мавзулар мажмуи биринчи бор ал-Жаъд ибн Дирҳам (742 й. қатл этилган) ижодида учрайди. У доимо ақл-идроққа таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон салоҳияти ожизлик қилган ҳоллардагина

Қуръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 й. қатл этилган) устозининг ғоясини давом эттирди. Жаҳмнинг қарашлари муътазилийларга яқин бўлгани боис одатда бу икки таълимотни бир-биридан фарқламайдилар. Муътазилийларнинг К.и 9-а.нинг 1-ярмида равнақ топди. Аммо, халифа ал-Мутавакқил (847–861) даврида қувғин остига олинди.

Маълум вақтгача суннийликда муътазилийларнинг фалсафий далилларига қарши курашда ғоявий қурол ролини ўйнаши мумкин бўлган ақоидлар тизими мавжуд эмас эди ва фақат Қуръон ҳамда ҳадисларга ҳавола қилиш б-н чекланиларди. Айнан муътазилийлар ўзларининг мантикий-фалсафий исботлаш услублари б-н ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Бундай тизим 10 а.га келиб ишлаб чиқиши ва уни К.ни ақидапарастлар б-н мурасага келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ал-Ашъарий (873–935) ва ал-Мотуридий (870–944) амалга оширдилар. Натижада К.нинг ашъарий ва мотуридийлик мактаби вужудга келди.

Машҳур мусулмон уламолари илми К. ҳақида ўз замонлари ва билимларига қараб турлича фикр билдирганлар. Имом Абу Ханифа илми К.да “ал-Фикҳул Акбар” номли китоб ёзган ва “диндаги фикҳ илмдаги фикҳдан афзалдир. Чунки, диндаги фикҳ аслдир. Илмдаги фикҳ фаръдир. Асл фаръдан афзаллиги маълумдир” деган. Имом Молик, Аҳмад ибн Ханбал, Жалолоддин Суьтий ва Ибн Абдул Баррлар ҳам бу илм ҳақида салбий фикрда бўлганлар. Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий илми К.ни мадҳ этиб китоб ёзган. Имом Ғазолий ўртача йўл тутган ва илми К.да яхши тараф ҳам салбий тараф ҳам борлигини таъкидлаб, у б-н фақат мутахассис олимлар машғул бўлиши кераклигини уқтирган. Бу фикрларни тадқиқ қилиб ўрганган олимлар, илми К.ни, хусусан, ундаги адашувларни танқид қилганлар. Уни мадҳ қилганлар эса, фойдали тарафларини эътиборга олганлар. Шунинг учун унинг ижобий тарафларидан кўп нарсани ўрганса бўлади, дейдилар.

Боқиллоний (1013 й. в.э.), ал-Жувайний (1085 й. в.э.), аш-Шаҳристоний (1153 й. в.э.) ва ар-Розий (1209 й. в.э.)лар ашъарийлик

мактабининг йирик намоёндаларидир. Ашъарийлар зохиран ўзларини муътазиллийларга қарши қўйиб, ханбалийлар б-н мураса қилишга интилган бўлсалар-да, дунёқараши бўйича муътазиллийларнинг ақл-идроқка асосланган йўлини давом эттирди. К.нинг иккинчи йирик мактаби – мотуридийлик ҳам мустақил тарзда тараққий этди. Ашъарийлар мактаби асосан шофийийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридийлик ханафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди.

13-адан К. Ибн Сино асос солган шарқ фалсафаси б-н яқинлаша бошлади. Натижада, Ибн Халдун таъбири б-н айтганда, К. ва фалсафани бир биридан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 й. в.э.), Исфажоний (1349 й. в.э.), Ижий (1355 й. в.э.), Тафтазоний (1390 й. в.э.), Журжоний (1413 й. в.э.)лар ижодида ўз ифодасини топди. Янги ва энг янги даврларда Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ханафий каби мусулмон ислохотчиларининг асарларида К. ва айниқса, муътазиллийлар гоъялари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди. Вақт ўтиши б-н ислом оламида фақат ахли сунна ва жамоанинг илми К. бўйича таълимотлари ҳукм сурадиган бўлди. Фалсафа ва б. фикрий мазҳаблар чиққанидан кейин илми К. истилоҳининг ўзи ҳам истеъмолдан чиқиб кетди.

КАРБАЛО – Ироқдаги шаҳар, Карбало муҳофазаси (губернаторлиги)нинг маъмурий маркази, Фурот дарёси водийсида, Бағдоддан 85 км жан.-гарбда. *Шиалик*даги мусулмонларнинг зиёратгоҳи. Али ибн Абу Толибнинг ўғли Ҳусайн ибн Али ҳокимият учун курашда 680 й.да К. яқинидаги жангда ҳалок бўлган, К.да дафн қилинган, кейинчалик бу ерда макбара барпо этилган ва шиалар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган. Имом Ҳусайн макбараси бир неча марта бузиб ташланган, кейинчалик салобатли иншоот мажмуи қурилган. К. ҳар йили муҳаррам ойида мотам маросими ўтказиладиган марказ ҳисобланади.

КАРОМАТ (араб. – каромат, икром қилиниш, юқорилик, шараф) – ислом истилоҳига кўра, ақлни лол қолдирадиган гайритабиий ходисалар. Шу ходисалар пайғамбарлардан

намоён бўлса – мўъжиза, азиз-авлиёлардан содир бўлса – К. дейилади. Ғайридин, куфр ахлидан содир бўлса, сеҳр-жоду, кўзбахшлик (фокус) ёки истидрож (вақтинча омадли бўлиш) деб аталади. Мас., Мусо пайгамбар кўлидаги ҳассасини тошга урганда ундан сув отилиб чиққани, керак бўлганда у аждаҳога айланиб, сеҳргарлар ясаган илонларни ютиб юборгани мўъжизадир. Муҳаммад (сав)га берилган мўъжизаларнинг энг улуғи – Қуръони карим саналади. К.лар тасаввуф шайхлари, тариқат пешволари, азиз-авлиёларнинг узок масофани оз муддатда босиб ўтишлари, сув устида, ҳавода бемалол юра олишлари, ҳожатлари зудлик б-н раво бўлиши ва б. б-н изоҳланади. К. 2 хил бўлади: биринчиси – аслий; иккинчиси – касбий. Аслий К. қуйидаги оятда ифодасини топган: “Батаҳқиқ, биз Бани Одамни мукаррам қилдик. Уларни куруклик ва денгизда кўтардик. Уларни пок ризқлар ила ризклантирдик” (ал-Исро сураси, 70-оят). Ушбу К. мўмин бўлсин, кофир бўлсин, башариятнинг ҳамма аъзолари учун умумийдир. Касбий К. қуйидаги оятда ифодасини топган: “Албатта сизнинг Аллоҳ ҳузуринида мукаррамроғингиз, такводорроғингиздир” (Хужурот сураси, 13-оят). Бу К. такводор мўминда ҳосил бўлади. Одатдан ташқари ишларга К., дейишлик мажозийдир. Чунки, Аллоҳ таоло ўша ишларни такводор мўминнинг икромини учун унинг томонидан содир этади. К.нинг зоҳир бўлишидаги ҳикмат: К. содир бўлганидан сўнг валийнинг ишончи яна ҳам зиёда бўлиб, дунёдаги зуҳди-таквоси кучайиб, ҳавойи нафс даъвоси йўқолишидир.

КАРРОМИЙЛАР – илоҳиёт оқими. 9–13-аларда Бағдод халифалигининг марказий ва шарқий вилоятларида тарқалган. Асосчиси – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (806–869). Сейистонда туғилган, Нишопур, Балх, Марв, Хирот каби шаҳарларда таълим олган. 5 йил Маккада истикомат қилган. Ибн Карром ўз юртига қайтаётиб, Қуддусда хонақоҳ барпо қилган. Сейистон ва Хуросонда ўз таълимотини тарғиб қилгани учун зиндонга ташланган. Қуддусда вафот этган.

К. фикрича худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо – барча нарсаларнинг яратувчиси, аммо инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. Муътазиллийлар каби К. ҳам инсон онги

мустақил равишда, яъни ваҳий ёрдамисиз, яхшилик ва ёмонликни фарқ қилишга қодир, деб уқтирдилар. Шунингдек, муржибийлар сингари К. бирор инсонни мусулмон деб тан олиш учун у Аллоҳни тил б-н эътироф этса кифоя, амал б-н тасдиқлаши шарт эмас, деб ҳисоблайди. Яъни “Ла илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ” калимасини айтган ҳар бир инсон – мусулмондир. Ибн Карромнинг “Китоб ас-сирр” ва “Азоб ал-қабр” номли (бизгача етиб келмаган) асарлари ва “художисмга эга” деган тушунчаси ҳукмрон ислом оқими уламоларининг кескин танқиди ва таъкибига учради. Мўғуллар истилосидан сўнг К. барҳам топди.

КАСБ (“эга бўлиш”, “ўзлаштириш”) – диний-ахлоқий концепцияни англатувчи атама. Унинг тарафдорлари қадарийлар ва жабарийлар таълимотларига нисбатан келишувчан мавқени тутиш мақсадида инсон хатти-ҳаракатини Аллоҳ томонидан “яратилиши”ни, лекин инсон томонидан “ўзлаштирилиши”ни таъкидлаганлар.

КАФАН – дафн олдидан марҳумнинг жасади ўраладиган оқ мато. Исломий ақидага кўра, мусулмон эркак учун 3 бўлак, аёл учун 5 бўлак мато ила К.лаб дафн этиш тириклар зиммасидаги муқаддас бурчлардан (фарзи кифоя) ҳисобланади. К.лашдан олдин албатта маййит ювилади. Шаҳидлар ювилмайди ва К.ланмайди. Балки ўз кийимлари б-н дафн этилади. К.сиз кўмиб юборилганлар учун марҳумлар эмас, балки унга сабабчи кишилар жавобгар саналади.

КАФОРАТ, к а ф ф о р а т – қилинган гуноҳ учун эваз тўлаш ёки гуноҳ кечирилиши учун бериладиган маблағ. Мас., ҳар бир мусулмон рамазон ойида бирон сабаб б-н рўза тутмаган бўлса, эвазига бошқа вақт рўза тутган. К. тушунчаси шариат аҳкомларида муҳим ўринни эгаллаб, унда ёлғон қасам ичиш, бирор шахсга ноҳақ озор етказиш каби ҳолатларда ўз гуноҳини ювиш учун маълум миқдорда садақа қилиш белгиланган. Мас., бир киши бирор ишни қиламан ёки бирор ишни қилмайман деб Аллоҳ номи ила қасам ичган бўлса, лекин қиламан деганини қилолмаса, қилмайман деганини қилиб қўйса, шариатга кўра, у бир қулни озод қилиши ёки кишини тўйгазиши ёки кийинтириши лозим. Юқорида айтилганларнинг ҳеч бирини қилишга қодир

бўлмаса, 3 кун рўза тутиши лозим. Шунда у, Аллоҳнинг номи ила ичган қасамининг уддасидан чиқа олмаганлиги гуноҳига К. берган бўлади.

КАШШИЙ, Абу Муҳаммад Абдулҳамид (Абд) ибн Ҳумайд ал-Кашший (? – 863) – йирик муфассир, муҳаддис, фақиҳ, адиб. Кеш (Шаҳрисабз)да туғилган. Фикҳшуносликдаги мактаб асосчиси, ундан таълим олиш учун ҳузурига кўплаб мамлакатлардан олимлар келишган. Самъоний К.нинг 2 устози ва 14 шогирди борлигини қайд этиб ўтган. Фикҳ, адабиётшунослик, Қуръон тафсирига оид 7 асар ёзган.

КАЪБА (араб. – куб, тўрт бурчак) – ислом динининг энг муқаддас ибодатхонаси, Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) деб ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш – *ҳаж* ва *умра*нинг асосий амалларидан бири.

К. Маккадаги энг қатга Масжиди Ҳарамнинг марказида жойлашган бўлиб, 10x12x15 (бал. 15 м ва пойдевори 12x10 м) ўлчамдаги бино. Одатда, К.нинг усти қора мато (қисва) б-н қопланган бўлади, унга Қуръоннинг Макка ва ҳажга оид оятлари зарҳал б-н ёзиб қўйилган. К. деворининг ташки ғарбий бурчагида “*Қора тош*” (“Ҳажар ал-асвад”) жойланган.

Шим.-шарқий девордаги эшик ҳам чойшаб б-н қопланган ва ердан чамаси 2 м баланд ўрнатилган. К.нинг ичи тавоф қилинганда деворга нарвон қўйилади. Ичкарида учта устун бўлиб, шифтига сирланган кўпдан-кўп чирок осилган.

Деворнинг эшик б-н “Қора тош” оралиғидаги қисми ал-мултазам дейилади, унинг ёнида Аллоҳга айниқса ёқадиган дуолар ўқилади. Шим.-ғарбий деворнинг тоmidан тилла суви югуртирилган тарнов кўриниб туради, у ал-мизоб ёки мизоб ал-рахма деб аталади. Шу тарнов б-н ғарбий бурчак оралиғи қибла ҳисобланади. Шим.-шарқий девор ёнидаги ярим доира шаклидаги девор (ал-хатим) ал-ҳижр (ёки ҳижр Исмоил)ни тўсиб туради, ҳожилар тавоф вақтида бу жойга киритилмайди; Иброҳим (ас) замонидан бу жой К.нинг бир қисми бўлган; бу ерга Исмоил (ас) ва унинг онаси Ҳожар дафн этилган, деб ривоят қиладилар. Девор қаршисида мақом Иброҳим деб аталган иншоот бўлиб, ундаги тошда одам излари кўринади. Айтишларича, Иброҳим (ас) К.ни қайта тиклаётганида шу тош устида

турган. “Қора тош” яқинида эса Замзам булоғи бор. Ривоят қилишларича, Муҳаммад (сав) 25–30 ёшларида бу ердаги таъмирлаш ишларида қатнашганлар.

Одаматонинг учинчи ўғли Шис (ас) томонидан қурилган, Иброҳим (ас) томонидан таъмирланган ва Муҳаммад (сав) томонидан кофирлардан тозаланган К. Йасриб (Мадина)да қибла деб эълон қилинган, унинг аҳамияти жуда ошиб кетди (ўшангача Қуддусга қараб ибодат қилинар эди). К. исломнинг алоҳида дин сифатида шаклланишида ғоят катта вазифани бажарди.

Муҳаммад (сав) бошчилигидаги мусулмонлар 629 й.да Маккага кичик ҳаж қилган, 630 й.да эса, улар Маккани эгаллаб, Марйам ва Исо (ас) тасвиридан бошқа барча санам ва тасвирларни олиб ташлаганлар, суврат ва ёзувларни ўчирганлар. 630 й.да Абу Бакр (ра) бошчилигида биринчи ҳақиқий мусулмон ҳаж ибодати этилади. Муҳаммад (сав) 631 й.да ҳаж амалларига бошчилик қиладилар.

Халифа Умар (ра) даврида К. ёнидаги уйлар бузиб ташланди ва унинг атрофида Масжиди ал-Ҳарам қурилди. 683 й.да К.ни Умавийлар қўшинлари ўққа тутди. Кейин у қайта тикланиб, кенгайтирилди ва унинг ёнига ал-Ҳижр қўшилди. 929 й.да Қарматийлар Маккага ҳужум қилиб, “Қора тош”ни олиб кетди. Орадан 20 й. ўтгандан кейин бу тошни қайтариб олишга муваффақ бўлинди. Аста-секин К. теварагида турли иншоотлар, жумладан, асосий мусулмон мазҳабларининг минбарлари тикланди. 20-а.нинг 50–60-й.ларидаги катта таъмирлаш вақтида бу иншоотлар олиб ташланди.

К. бутун дунё мусулмонларининг энг муҳим маркази ва бирлик рамзи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Исломи динидаги барча оқимлар унинг муқаддаслиги ва алоҳида аҳамиятини тан оладилар. Ҳар йили дунёнинг барча мамлакатларидан мусулмонлар ҳаж ибодатини адо этиш учун бу ерга келадилар.

КИСВА – Каъба деворларини ёпиб турадиган чойшаб. Пахта аралашган саккиз бўлак қора шойи матодан тикилади. Деворнинг юқори қисми учдан бир бўлагини ёпиб турувчи К. парчасига Куръони каримнинг: “Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй – Маккадаги муборақ ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган

Каъбадурки...” деган ояти (3:96) зарҳал ёзувда битилган. Шунингдек, К.га Куръоннинг яна бошқа сура ва оятлари ёзилади. Каъбага қириладиган эшик махсус зарҳал б-н қопланган бўлиб, унга ҳам Куръон оятлари битилган. Муҳаммад (сав) ҳаётликларида К. Яманда тайёрланарди. Халифа Умар замонага келиб К. Мисрда тўқиладиган бўлди. Халифа Маъмун (813–833) даврида К. ҳар йили уч марта янгилаб турилган. Халифа Мутавакқил (847–861), эса ҳар икки ойда Каъбатуллоҳга янги К. юборган. Халифа Умар бошлаб берган анъана давом эттирилиб, К. 1924 й.гача Мисрда тайёрланди. Ҳар йили янги К. ҳаж сафарига чиққан мисрлик зиёратчилар б-н бирга Маккага келтирилди. Аввалги К. девордан олиниб, Каъба ҳазинабонлари ва Макка шарифи ихтиёрига топширилди. 1443–1452 й.лари Шохрух Мирзо Миср К.си б-н бирга Мовароуннаҳрда тайёрланган махсус каъбаўш ёпилиб туришига эришган. 1925 й. қирол Абдул Азиз Маккада ихтисослашган фабрика очиб, унда қора рангли табиий шойидан К. тиктирди. Шундан бошлаб Каъба К.си фақат Саудия Арабистонида тайёрланади. Саудия Арабистони подшоҳи Фахд ибн Абдул Азиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримовга тухфа қилган К. – Каъбаўш парчаси ҳозир Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида масжид деворига осиб қўйилган.

КОМИЛ ИНСОН – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлик ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада Ҳаққа етишган (ёки Куръон оятларининг туб моҳиятини тушунадиган) инсон. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ К.и.да ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. У борлиқнинг бир-бирига зид икки жиҳати: маънавий ва моддий жиҳатларини бирга кўшади. Унинг бутун олам учун бўлган фавқулодда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсадидир. К.и. ҳақидаги таълимот суфий файласуф Ибн ал-Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари, жумладан Ўрта Осиёда Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва б. томонидан ривожлантирилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, К.и.ни вояга етказиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан қилиб қўйилди. Президент И.Каримов асарларида К.и.ни вояга етказиш вазифалари атрофлича баён этилган.

КОТИБ – ёзаётган киши, қайта кўчирувчи, ёзувчи, мирза – амалдор. Дастлаб К. – ўқимишли кишилар бўлган, улар Муҳаммад (сав)нинг сўзлари, фармойишлари ва мактубларини ёзиб борганлар. Мусулмон давлатида бошқарув тизимининг мураккаб ва кенгтармоқли бўғими ривожланиши жараёнида турли мансаб поғонасидаги амалдорлар – девондаги мирзалардан тортиб идора бошлиқларигача К. деб аталган. Олий К.лар гуруҳи (К. ас-сирр, К. ал-иншо, К. ал-жайн) девонни ташкил этган. Кейинчалик К. атамасини ўрта ва қуйи даражадаги (олий даражадагилар учун вазир номи пайдо бўлди ва б.) амалдорларга нисбатан қўлланиладиган бўлган. К.лар учун қўлланмалар, уларни мадҳ этувчи ва ҳақорат қилувчи асарлар яратилди. Кўпгина шахслар уларнинг авюдларига ҳам ўтадиган ал-К. унвонига эга бўлишган. К.лар амалий ёзишмалар ва бежамдор девон услубининг ривожланишига имкон туғдирганлар ва бу б-н мусулмон олами халқларининг адабиётига таъсир кўрсатганлар.

КОҲИН – ғойибдан хабар берувчи, башоратгўйи. Исломдан аввалги Арабистонда васваса ҳолатида Аллоҳ ёки унинг вакили – фаришта ёки жин б-н мулоқот қилган одам шундай деб аталган. Қабила одамлари бирон-бир иш қилишдан олдин унинг оқибати қандай бўлишини К.дан сўрашган. Қабиладошлари Муҳаммад (сав)ни ҳам дастлаб К. – фолбин деб ўйлашган. Қуръон оятларида (52:29; 69:42) уларнинг шубҳаларига жавобан Муҳаммад (сав) К. – фолбин ҳам, мажнун ҳам эмаслиги алоҳида таъкидланган. Умуман ислом анъанасида К.лар келажак ҳақида ёлғон сўзловчилар сифатида талқин қилинади. Уларга қарши ислом тарафидан қаттиқ курашиш тавсия этилади.

КУБРО, Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакӣ ал-Хоразмӣ (лақаблари: “Нажмиддин” (“Диннинг юлдузи”), “Кубро” (“Улуғ”), “Абдулжанноб” (“Дунёдан четланувчи, парҳез этувчи”), “Валийтарош” (“Валийларни тарбияловчи”); 1145–1221) — шайх, суфийликнинг машҳур вакилларида бири, *кубровийлик* тариқатининг асосчиси. Хива

(Хоразм)да туғилган. Ёшлигиданоқ ҳадис ва каломни ўрганган, илм истаб Мисрга боради. У ерда шайх Рўзбихон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади ва унинг қизига уйланади. Кейинчалик Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб илоҳиётдан сабоқ олади. Мисрга қайтгач, Рўзбихон К. тўла комил инсон бўлиб етишди деб ҳисоблади ва унга ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. К. Хоразмга келгач, хонақоҳ куради ва ўз диний мактабини яратади. К.нинг шоғирдлари орасидан тасаввуфнинг таниқли назарийтчилари, суфийлик бўйича мумтоз адабиёт вакиллари етишиб чикди. К. мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлган. Унинг қабри хонақоҳи б-н бирга Кўҳна Урганчда. Билишнинг К.га хос тасаввуфий йўли бўйича инсон ўз моҳияти б-н кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо, илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолотга эришиш учун маълум риёзатли йўллари ўтишлари зарур. К. ана шу камолотга эришиш асосларини ишлаб чикди. К. ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисолаларида баён этган. Улардан асосийлари: “Фавоих ал-жамол ва фавотих ал-жалол”, “Ўн усул”, “Рисолат ал-Хоиф ал-хоим мин лавм ал-лоим” ва б. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда чоп этилган. У Қуръонга суфийлар нуқтаи назаридан шарҳ беришни охиригача етказа олмади, бу ишни шоғирдлари тугалладилар. Тасаввуф таълимотининг ривожини ва кенг тарқалишида катта омил бўлган. К. мероси республикамизда мустақиллик туфайли ўрганила бошланди. 1995 й.да Ўзбекистонда К. таваллудининг 850 йиллиги нишонланди. “Нажмиддин Кубро” (Тошкент, 1995), “Шарҳи рисолайи одобул зокирин” (Урганч, 1997) китоблари нашр этилди.

КУБРОВИЙЛИК — тасаввуф тариқати. 13-а. бошида Хоразмда Нажмиддин *Кубро* асос солган. К. тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжирини Маъруф ал-Кархий (816 й. в. э.) орқали Абу Бакр ёки Али ибн Абу Толибга тақайдилар. К.да тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Кубронинг шоғирди

Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Н. Кубро номи б-н аталган. Бу ерда К. тариқати 18-а.нинг охирларигача кенг тарқалган эди. Унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг ғарбий чегараларигача ёйди. Кейинчалик К.нинг бир қанча мустақил шахобчалари вужудга келди. Булар – фирдавсия, нурия, рукнийя, ҳамадонийя олийя, игтишошийя, заҳабийя, нурбахшийя.

К. таълимотига кўра, ҳар бир киши камолотга эришиш учун 10 асосга таянмоғи керак. 1. Тавба – ўз хоҳиши б-н Ҳақ таолога қайтиш; Худонинг амриси, кишининг ўз ихтиёри б-н Худони севиши, ўзининг “мен”идан кечиши. 2. Зухд фи дунё – барча дунёвий нарсалардан тийилиш. 3. Таваккал – барча ишларни қилишда Худонинг меҳрибонлиги ва қудратига умид боғлаш. 4. Қаноат – ҳаёт кечиришда оз нарса б-н қаноатланиш, мўътадиллик, тубан майллардан озод бўлиш. 5. Узлат – танҳоликда бўлиш, рухни мустаҳкамлаш, ҳис-туйғуларни жиловлаш. Узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади. 6. Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр) – Худонинг исмини ёд қилиб туриш, бутун қалбни У б-н тўлдириш. Шундагина пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, иккиюзламачилик каби разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди. 7. Таважжух – бутун вужуд б-н Худого мурожаат қилиш, Унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмаслик. 8. Сабр – ўз ихтиёри б-н машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочиш. Тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозим. Шундагина дил қудуратлардан покланади, рух нафс натижасида занглаб қолган бўлса, жило топади. 9. Муроқабат (тафаккурга гарқ бўлиш) – қалб поклангани ва тубан эҳтирослардан холилигини туйиб, хотиржам бўлинганини эслаб ҳаёлга чўмиш, Ҳақ таоло раҳм-шафқатини кутиб туриш ҳолати. 10. Ризо – суфий энди худо уни севиб қолганлигини, Аллоҳ кўнганлигини сезади, унинг учун ана шу муҳимдир. Худого бўлган муҳаббат суфийнинг шахсий ҳис-туйғу сифатини йўқотиб, янги кўринишда – Аллоҳнинг истак-хоҳиши тарзида намоён бўлади. Ризолик мақоми Ҳаққа этишганликни билдиради. Ҳозир ҳам К. кўринишларини учратиш мумкин.

КУЛИНИЙ (ёки ал-Кулайний), Муҳаммад ибн Яъқуб Абу Жаъфар (? – 941 й. май) – имомийлар муҳаддиси ва фақиҳи, имомийлик (жаъфария) ҳуқуқини биринчи бор ишлаб чиққан аллома. Рей ш. яқинидаги Кулин, ёхуд Кулайн қишлоғида туғилган, бу ерда унинг отасининг мазори машҳур бўлган. Ҳаётининг асосий қисмини Рей ва Қумда ўтказган, бу шаҳарлар ўша даврда шиа уламолари марказлари саналган. Умрининг сўнгги йилларини Бағдоднинг Боб ал-Куфа р-нида ўтказган ва ўша ерда вафот этган.

Имомийлар анъанаси К.ни имомийлик тариқатини “янгиловчи” (муҷаддид), илоҳиёт ва фикҳ соҳасида йирик олим сифатида билади. Бундай юксак баҳога у 20 йил умрини бағишлаган асосий асари – “ал-Кафи фи усул ад-дин” туфайли эришган. Бу шиалик (имомийлик)даги ҳадислар тўплами бўлиб, унда 16 мингга яқин ҳадис бир тизимга солинган. Асар сақланган бўлиб, бир неча бор нашр қилинган. У 30 китобдан иборат бўлиб, ҳар бир “китоб” кўплаб бобларга ажратилган, уларда ҳадислар мавзуга қараб тақсимланган. Мавзуга қараб тақсимланмай қолган ҳадислар ҳар бир “китоб” сўнггида алоҳида бобга – “Боб ан-наводир”га бирлаштирилган. К. асари имомийлар мафкурасининг гоъвий асосларини ишлаб чиқишда жуда муҳим роль ўйнаган. Шиаликда у, “Саҳиҳ Бухорий” суннийликда ўйнаган ролдан ҳам юқорироқ мавқега эга бўлди, зеро у шиа имомийлар томонидан турмушнинг барча соҳалари бўйича энг эътиборли қўлланма деб қаралган.

Манбалар “ал-Кафи”дан ташқари ал-К.нинг яна беш асари номини, жумладан “Китоб ар-радд ала-л-карамита” ва “Китоб ар-рижал”ни қайд этишган, булар сақланмаган.

Ҳоз. шиа оламида, аввало Эрон ва Ироқда “ал-Кафи” ва унинг муаллифининг нуфузи баланд; К.нинг Бағдоддаги қабри ханузгача сақланиб, қадамжога айланган.

КУЛОҲ – қад. бош кийим. Қалин, дағал (кўпинча жун) матодан конуссимон шаклда, ичига пахта солиб тикилган. К.ни кўпинча қаландарлар, шайхлар кийган.

КУРСАВИЙ Абу Наср (1776, Курса, Татаристон – 1812, Истанбул) – исломдаги ислохотчилик ҳаракати ва татар маърифатпарварлигининг асосчиси. Маҳаллий мадрасада сабоқ олди. 19-а. бошида Бухорога

келади ва Ниёзкули ат-Туркманий (накшбандия – мужаддадия тариқатининг машхур шайхларидан бири) кўлида таҳсил олди. Бухоро мадрасаларидаги ўқув тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўз дастурини ишлаб чиқди. Ақоид ва Калом масалаларида Бухоро уламолари б-н тортишиб қолди. Йирик илоҳиётчи олим Саъдаддин ат-Тафтазоний (1390 й. в.э.) китобига ёзган шарҳида К. ўз фикрини ошқора баён қилди. 1808–09 й.да Бухоро амири Хайдар ҳузурда бўлган уламолар мажлисида ўз қарашларини қатъият б-н ҳимоя қилса ҳам, у даҳрийликда айбланди ва қисқа муддат тутқунликда сақланди. Бухородаги мударрис устозларининг талаби б-н озодликка чиқарилди. К. ўз юрти – Қозон яқинидаги Юқори Курса қишлоғига қайтиб, маҳаллий мадрасада мударрислик қилди. У ўз қарашларини машхур “Ал-Иршод лил-ибод” рисоласида баён қилди. Маккага ҳаж сафари пайтида Истанбулда вафот этди ва ўша ерда дафн қилинди.

К. ғоялари ҳаётлик чоғида унчалик шуҳрат топмади. 19-а. 2-ярмида *Маржоний*нинг асарлари орқали К.нинг ислом илоҳиётчиси ва маърифатпарварлик ғояларининг тарқатувчиси эканлиги тан олинди. Туркистонда унинг қарашларли кенг тарқалган ва кўплаб тарафдорлари бўлган.

КУРСИЙ (араб. – икки қалам, ўриндик, тахт, таянч, курси) – ислом манбаларида Аршнинг иккинчи номи, етти қават осмондан ташқари алоҳида саккизинчи осмон ҳам тушунилади. Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги 255-оят “Оят ал-Курсий” деб номланган. Унда “Аллоҳнинг Курсийси Еру осмонлардан ҳам кенглик қилади” – дейилган. Унинг тафсирида баъзи олимлар Аршнинг кенг ва катталиги Еру осмонларни ўз ичига сиғдиргудек ҳажмда деб билса, баъзилари Еру осмонлар, уларнинг ичи ва ташқарисидаги барча нарсалардан хабардор бўлиш Аллоҳнинг илмидир, деб ҳисоблайди. Бу каби баҳслар Қуръони каримдаги айрим оятлар мазмунини Мухаммад (сав) ҳадисларида шарҳланмай қолдирилгани боис вужудга келган. Бундай ҳолатда тафсир ёзган олимлар ўзларининг ақл ва фикрлари доирасида изох беришлари табиийдир.

КУТТОБ (оромийчадан олинган арабча сўз) – алифбо ва Қуръон ўқитиладиган бошланғич мактаб. Ўрта асрларда К. сўзи кенг қўлланилган, эндиликда эса Арабистон, Миср

ва Тунис б-н чекланган. Бошланғич (“Қуръон ўқитилувчи”) мактаб учун бошқа номлар (мактаб, мектеб ва б.) бўлган ва ҳозир ҳам бор. Унга жой сифатида бирон-бир жамоат биносининг хонаси ёхуд ҳовлисидан фойдаланишган.

“КУТУБ ус-СИТТА” – саҳиҳлиги даражасига кўра энг мўътабар саналган 6 ҳадис китоби. Пайғамбаримиз(сав)нинг ҳадисларини жамлашга кўп уламолар қўл уришган. Шу ниятда бир қанча ҳадис китоблари яратилган. Лекин бу тўпламларнинг барчаси ҳам бирдек қиймат қасб этмаган. Кейинги давр олимлари бу китоблардаги ҳадисларнинг саҳиҳлик даражаларини ўрганишган ва 6 ҳадис тўпланини эътиборга молик топишган. Улар “К.ус-с.” номи б-н машхур. Мўътабар тўпламларнинг пешқадами сўзсиз Имом *Бухорий*нинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асаридир. 2-мўътабар манба *Имом Муслим*нинг “Саҳиҳ”идир. Имом Муслим тўпламни тузишда Бухорийга эргашган, киёс олган. Зеро, улар устоз-шогирд эдилар. Доруқутний бу 2 улуғ имомга “Одамлар учун қуёш ва ой” деб таъриф берган. Улар яратган тўпламлар эса “Саҳиҳайн” (Икки саҳиҳ) исми ила машхурдир. Лекин, бу 2 асар саҳиҳ ҳадисларни тўла қамраб олмаган. Қолган 4 имомнинг ҳадислари қуйидагилар: *Абу Довуд*нинг “Сунан”и, *Термизий*нинг “Саҳиҳ”и, *Насоий*нинг “Сунани Кубро” асари ва *Ибн Можанин*г “Сунан” ҳадислар тўпламидир. Бу битикларнинг саҳиҳлик даражаси худди шу тартибда. “К. ус-с.”да пайғамбаримиз(сав)нинг саҳиҳ ҳадислари тўплангандир.

КУФР (араб.– сатр, тўсмок; инкор этмок) – имонсизлик; Исломни тан олмаслик ёки унинг амалларини бажармаслик. К.га жиддий гуноҳлар ва жиноятлар: ширк келтириш, намоздан воз кечиш, сеҳргарлик, зинокорлик, ўз жонига қасд қилиш, ичкиликбозлик, қимор ўйнаш ва б. киради. Шунингдек, олимни ўз обрўсига ишониб мўмин-мусулмонларни ҳақ йўлдан чалғитиб бошқа йўлга бошлаши ҳам К.га киради. К.га муносабат исломнинг дастлабки давридан бошлаб турлича бўлган. 7-а.нинг 2-ярмида *хорижийлар* уларга қўшилмаган ҳар бир мусулмонни *кофир*, яъни динга ишонмовчи, уни рад этувчи деб ҳисоблашган. 7–8-а. бошида *муржибийлар* таркибидан “мўътадил” оқим ажраб чиқиб,

уларнинг фикрича К. содир этган киши кофир бўлмайди ва у мусулмонлар сафидан ўчирилмайди, унинг қилмиши ҳақида фақат Қиёмат куни Аллоҳгина ҳукм чиқара олади. К. тури учта:

1. Хақиқий К. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг кофирлигини иқроф этиш. Бундай одамлар хақиқий кофирлардир.

2. Инодий К. Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад (сав)нинг хақиқий пайгамбар эканлигини била туриб, қайсарлик қилиб ва арзимаган сабабларни кўрсатиб имон келтирмаслик. Бунга малъун шайтоннинг ва Абу Толиб (Муҳаммад (сав)нинг амакилари)нинг Клари мисол бўла олади. Зеро, шайтон Аллоҳнинг зоту сифатини яхши била туриб, Унинг фармонини бажармади. Одам (ас)га сажда қилмай тавқи лаънат ва К.га эга бўлди. Абу Толиб эса, асосан, ўз қўлида ўсиб вояга етган Муҳаммад (сав)нинг ростгўйлиги ва хақиқий пайгамбарлигини яхши билса-да, тенгқурлари, бадавлат, нуфузли мушриқлар олдида хижолат бўлиб қолмаслик учун ўшалар имон келтирмагунча мен ҳам имон калимасини айтмайман, деб оламдан ўтди.

3. Хукмий К. Баъзан шариатга хилоф ишларни қилиш ёки куфр сўзларини билиб-билмай гапириб кўйиш сабабли К.га ҳукм қилинувчи ҳолат. Мас., бир мусулмон одам Куръонни тепса ёки шариатни масхара қилса ёхуд “намоз фарз эмас”, “тўнғиз гўшти ҳаром эмас” каби рад сўзларини айтса, мусулмончиликнинг бошқа ҳамма кўрсатмаларини бажараётган бўлса ҳам, у кофир деб ҳукм қилинади. Хох хақиқий, хох хукмий кофир бўлсин, умр бўйи қилган тоат-ибодатлари бекор бўлади, никоҳи бузилади. Шундай ҳолатга тушиб қолган одамга яхши насиҳат этиб, тавба қилиш ва никоҳини янгидан ўқитиб олиш тавсия этилади. Ҳоз. вақтда К. тушунчасидан мутаассиб мусулмон

жамоалари (мас., “Ихвон ал-муслимун”), шунингдек, сиёсий курашда (Эрон-Ирок можароси) кенг фойдаланилмоқда.

КЎҲАҚИЙ, Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўҳақий (Кўйқий) Тошкандий (1490, Тошкент вилояти, Паркент – 1572, Тошкент) – тарихчи, ҳуқуқшунос, Таржимон, географ, этнограф, математик, файласуф ва мударрис. Али Кушчининг набираси, паркентлик зиёли Мирзо Камолиддиннинг ўгли. Араб ва форс тилларини, адабиётни мукаммал билган. Бир қанча мамлакатларга, чунончи Миср, Ирок, Сурия, Яман, Саудия Арабистони, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистон (Кашқар, Хўтан, Ёркент, Турфон, Фулжа)га саёҳат қилган. Котиб Чалабий (Ҳожи Халифа) нинг ёзишича, у 1528 й. Бобур хузурига элчи бўлиб борган, 1569 й. эса Бобурнинг набираси Акбар уни қабул қилиб, бобосини кўриш шарафига муяссар бўлган табаррук киши сифатида кўп эъзозлаган.

К. Тошкентнинг Сағбон кўчасидаги ўз ховлисига қурдирган мадрасада мударрислик қилиш б-н бирга ўндан ортиқ асарлар ёзган, чунончи “Рисола фий фанн ат-тафсир вал-усул вал-фуруъ вал-мантик вал-калом” (“Тафсир, усул, фуруъ, мантик ва калом илмлари хусусида рисола”), “Тарихи оли Чингиз” (“Чингизхон хонадони тарихи”), “Шарҳу одоб ал-мунозара” (“Мунозара одоби китобига шарҳ”), “Фавоид зиёийа” (“Мунаввар фондалар”) шулар жумласидандир. Шунингдек, у тарихчи Муҳаммад ибн Инъом (10-а.) нинг 2 жилдли “Тарихи Туркистон” асарини форсчадан ўзбек тилига таржима қилган. Маълумотларга кўра, унинг қабри Қафқол Шоший макбарасига қираверишда, ўнг томонда. Ҳозир К. қурдирган мадраса таъмирланган бўлиб, у жойлашган мавзе Ҳофиз Кўйқий маҳалласи деб аталади.

ЛАВХУЛ МАҲФУЗ (араб. – муҳофаза қилинган лавҳ) – Аллоҳ инсониятнинг тақдирларини ёзган улкан китоб; диний манбаларга кўра, оқ дурдан ясалган, узунлиги ер б-н осмон оралиғича, эни Машриқ б-н Мағриб оралиғича, икки саҳифадан иборат. Унинг ёнида ёзув қалами бўлиб, унинг ҳам катталиги Лавҳга мос келадиган шаклда. У бир улкан фариштанing кўкрагига ўрнатилган бўлиб, устки қисми Арши аълога боғлаб қўйилган. Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан олдин мазкур Лавҳ б-н Қаламни яратиб, то қиёматгача яратадиган нарсаларини ва бўлажак ишларни, илоҳий китобларни, тақдир ва қазони ҳам Лавҳга битиб қўйган. “Раъд” сурасининг 39-оятига кўра, Аллоҳ таоло ундаги ёзувлардан хоҳлаганича ўчириб, хоҳлаганича ўзгартиришлар киритиб туради. Л.М. тўғрисида Қуръони каримнинг Буруж сураси 22-оятда, Зухруф сураси 4-оятда (“Уммул Китоб” номи б-н), Ёсин сураси 12-оятда (Имом номи б-н) ҳам келган. Расулulloҳ (сав): “Албатта, Аллоҳ лавҳул маҳфузни оқ дурдан яратгандир. Унинг саҳифалари ёқутдандир. Қизилдир. Қалами нурдир. Китоби нурдир. Унда ҳар куни Аллоҳ учун 360 лаҳза бор. Унинг кенглиги осмон б-н ернинг орасича. Ҳар куни унга 360 марта назар солади. Халқ қилади. Ризқ беради. Ўлдиради. Тирилтиради. Азиз қилади. Хор

қилади. Хоҳлаган нарсасини қилади” – деганлар. (Табароний “Муъжамул кабир”да ривоят қилган). Қуръони карим Аллоҳ таоло ҳузурдаги Л.М.да сақланган. Бу эса, уни Аллоҳ таоло нақадар зўр кадрлаганини кўрсатади. Аллоҳ таоло етадиган ҳар бир мусибат – касаллик, очлик, камбағаллик, ўлим ва б., улар юзага чиқишидан аввал ҳам Л.М.да, Аллоҳнинг илмига собит бўлишини таъкидлаган.

ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР (араб. – кадр кечаси) – ислом ақидасига кўра, рамазон ойининг 26-дан 27-га ўтар кечаси. Бу кечанинг улуғланиши Қуръони каримнинг шу кечада нозил этила бошлагани, бу кечада қилинган ибодат минг ойлик ибодатдан афзал экани тўғрисида Қуръонда башорат берилгани б-н изоҳланади. Унда айтилишича, бу кечада осмон фаришталари Жаброил ҳамроҳлигида Ерга тушиб, тонг пайтигача бир йиллик бўладиган ишлар режасини тузادилар. Улар туни б-н яна мусулмонлар учун истиғфор айтиб, гуноҳларини кечирешини сўраб, Аллоҳга илтижо қилар эканлар.

ал-ЛОТ – кад. Арабистоннинг бутун ҳудуди (Набатейя, Пальмира, Хиро, Яман)да исломдан аввалги даврда топиниладиган аёл – санам, айниқса, Хижозда машҳур бўлган, Важж воҳасидаги Тоиф яқинида ал-Л. санамининг рамзи – оқ тош жойлашган. Мана шу тош ва

унинг ёнидаги саждагоҳ зиёратгоҳ ҳисобланган, водий муқаддас жой саналган. Ал-Л. Тоифда яшовчи сакиф қабиласининг бош маъбудаси ҳисобланган, лекин, унга Маккадаги қурайшийлар ҳам учта маъбуда (ал-Лот, ал-Уза, Манат) қатори топинишган. Ал-Л. санами Маккадаги саждагоҳда турган.


631–632 йларда сакифийлар исломни қабул қилишгандан сўнг ал-Л. саждагоҳи бузиб ташланган, санамнинг безаклари ва хазинаси саҳобаларнинг қарзларини тўлашга сарфланган. **ЛОҲУТ ва НАСУТ** – “инсон табиати” (насут)га қарама-қарши қўйиладиган “илоҳийлик, илоҳий табиат”. Ҳар икки атама Қуръонда учрамайди. Исломга улар эҳтимол сурёний христианлар орқали кириб келган. Мусулмон илоҳиётида Л. ва Н.нинг ўзаро нисбати масаласи, уларнинг бир шахсда уйғунлашуви мумкинлигини даъво қилган суфийлик таълимоти вужудга келиши муносабати б-н кўндаланг бўлган. 8–9-а.ларда бундай таълимотни “ашаддий” шиалар ва баъзи суфийлар, жумладан ал-Бистомий ва ал-Ҳаллож ривожлантирганлар. Л. ва Н. истилоҳини ҳам амалда ал-Ҳаллож истеъмолга киритган. Ал-Ҳаллож таълимотида кўра, Л. ва Н.нинг бирлашуви инсон б-н худо ўртасидаги ўзаро севги жараёнида амалга оширилади.

ЛУТ (ас) – Қуръонда номи зикр этилган пайгамбарлардан бири. Ҳаррон ш. (Месопотамия) да таваллуд топиб, Иброҳим (ас) б-н бирга Фаластинга борган. Садум, Амура ва унинг агрофларидаги ерларда чорвачилик б-н шуғулланган. Пайгамбарлик даражасига етишгач, одамларга панд-насихат қилган, Аллоҳнинг бирлигига имон келтиришга чақирган. Бирок, ахлоқи бузук Садум аҳолиси баччавозлик одатини тарк этмай, Л.(ас)нинг ўзини бу юртдан ҳайдаб чиқармоқчи бўлади. Фаришталар унга оиласи ва имонли кишилар б-н бирга (хотинидан ташқари, чунки хотини Аллоҳнинг қаҳрига учраган эди) шаҳардан чиқиб кетишни буюрганлиги ривоят қилинади. Қуръоннинг “Ҳижр” сураси, 61–65-оятлари ва 74-оятда баён қилинган. Л. (ас) маълум масофага етиб олгач, шаҳар остин-устун қилиб юборилгани, қавм устига сопол тош ёғдирилгани баён этилган. Ҳозир бу динсиз қавм яшаган шаҳар ўрнида денгиз мавжуд бўлиб, у “Ўлик денгиз” ва “Лут ороли” деб номланади.

ЛУТҒУЛЛОҲ Чустий бин Фатҳуллоҳ (тахм. 1485, Фарғона водийси, Ахсикент мавзеси – тахм. 1571) – *нақшбандийлик* тариқатининг машҳур намояндаси. Ахсикентдаги мадрасада таҳсил олади. Илмини такомиллаштириш мақсадида Самарқандга келади. Баъзи манбаларда Хожа Аҳрорнинг халифаси Муҳаммад Қози ҳузурда 6 йил тарбиялангани ва сулукни ўтаганлиги айтилади. Л.га *Маҳдуми Аъзам*нинг истаги б-н “Фарғона ва Тошкентдаги барча нақшбандийлик биродарлари” ишониб топширилган. Л. бир неча марта яшаш жойини ўзгартирган. Ўзининг айтишича, “қишлоқ аҳлининг фитнаси оқибатида” кўчишга мажбур бўлган. Охири Чустга келиб, муқим бўлиб қолади. Бу ерда деҳқончилик б-н тирикчилик ўтказди. У шайбонийлар орасида нуфуз орттиришга муваффақ бўлади. Шу боис ўша даврда давлатдаги кўпгина ички низоларни бартараф этишга, саройдаги айрим бек ва амирларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатларини чеклаб қўйишга эришди. Мовароуннаҳрда *қубровийлик* тариқати ёйилган бўлиб, Л. унинг вакилларини кўп марта рофизийлик (ислом йўлидан четга чиқиш)да айблади. Л.нинг издошлари кўп эди. Улар Тошкент, Фарғонадан ташқари Ҳисор ҳамда Мовароуннаҳрнинг бошқа чекка вилоятларида 20-а.нинг бошларига қадар фаолият кўрсатган. Л.нинг ижодий мероси ҳақида маълумотлар кам. Маноқибларда унинг ўз ўқувчиларига танбих тарзида ёзилган 2 та кичик рисоласи тилга олинади. Л.нинг қабри қаердалиги аниқ эмас. Баъзи манбаларда у Чустга (бу ерда унинг макбараси бор), бошқа манбаларда Ҳисорга дафн этилган дейилади. **ЛУҚМОН** (ас) – Қуръонда тилга олинган донишманд (31-“Луқмон” сураси). Л. (ас)нинг найгамбар экани ҳақида ривоят мавжуд. Нақл қилишларича, Л. (ас) минг йил умр кўрган бўлиб, Аллоҳ у зотга нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳият-ҳақиқатига беҳато етиш ва энг тўғри ҳукм чиқара олиш неъматини, яъни ҳикматни ато этган экан. Қуръонда Л. (ас)нинг ўғлига қилган панд-насихатлари (Аллоҳга ширк келтирмаслик, яхши амаллар қилиш, намоз ўқиш, сабр-тоқатли бўлиш, кибр-ҳаволи, мактанчок бўлмаслик кабилар) келтирилади. Л. (ас) ҳақида ривоятлар кўп. Шулардан бирига кўра, Л. (ас) Од қавмидан бўлиб, уни Л. (ас) ибн Од деб аташган. Ривоятларда айтилишича,

Арабистонда яшаган ана шу халқ Аллоҳнинг
ғазабига учраб қурғоқчиликка дучор бўлади.
Халқ бу офатдан қутулиш мақсадида ўз
вакилларини Маккага ёмғир сўраб, дуо қилиш
учун юборади. Уларга Л. (ас) бошлиқ бўлади,

лекин у Аллоҳдан ўзига узок умр сўрайди. Аллоҳ
Л. (ас)га еттига бургут умрига тенг келадиган
умр ато этади. Ўрта Осиё халқлари орасида Л.
(ас) буюк ҳақим, доно, билимдон инсон тимсоли
сифатида машҳур бўлган.



Баллић безатган
Қуръон
намунатаридан
бири (16-аср.
Берлин музейи).



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ


الْحَمْدُ لِلَّهِ الرَّحِيمِ سَائِلِكُمْ

الَّذِينَ آيَاتُكَ نَعُدُّوهُنَّ





Мусхафни Усмон (644–656 н. нар).






Куръони карим (9-а.).
Куръони карим намуначарн.





1. Каъба. Умумини курашнинг.
2. Макка. Каъба.
3. Каъбага кириш
4. Каъба яқинидаги Иброҳим (ас) мақоми.






Истанбулдаги Сулеймонийи масжиди (1550–57-й.лар).

Куллу: Хероз ан Шарифдаги Куббат ас-Сахра («Коя гўмбани»);
686–691-й.лар).


Дамашқдаги «Ал-Батр» жоме масжиди.






Эрон. Дамгандаги Ислон маркази.

Арафот тоғи.




Хул пайғамбар қабри (Ҳадрамавт).

Исфохон жоме масжиди (12, 15, 16-а.л)




Верамин катта масжиди (1322–1326 й.лар), Эрон.



Исфаҳон.
Шоҳ масжиди.
Пангок
(1612–30 й.лар).




Ғазидаги
Масбул III
минораси
(12-а. боши).




Жом киниондаги минора. Афғонистон (12-а. охири).



Лашкари Бозор. Масжид аркаси. Афғонистон (11-а.).



Дархона № 11 дар шаҳри Самарканд (дар ҳаҷри 1970).




Кохирадаги ал-Азхар масжиди (970–972 й.лар).




Кохирадаги ал-Акмар
масжиди (1125 й.).

Маррокашдаги Кутубия масжиди.
Минора (1184–1199 й.лар).




Маррокашдаги Кутубия масжиди
(1184–1199 й.лар).
Намоз ўқиш зали.





Каифурвон хатта масжиди. Тунис
(7-9-а.лар). Умумий кўрinishи.





Истанбулдаги Ахматия масжидининг
ички кўрinishи (1609-1616 й.лар).




Султониядан
Ўлжойту
Худобанда
мақбараси
(1305–1313 й.лар).

Туркистон. Ахмад Яссавий мақбараси (14-а.).






Самарқанд. Шохи Зинда мажмуаси.
(14–15-а.лар).



Самарқанд. Шохи Зинда мажмуаси.
Шоди Мулк ога мақбараси (1372 й.).




Хива. Исмоилхўжа мадрасаси ва минараси (1908–12 й.лар).




Хива. Калгаминнор (1852–55 й.лар).



Бухоро. Минаран калон (12-а.).



Сурхондарё. Жарқур'юн минараси (12-а. боши).



Сурхондарё. Ҳаким ал-Термизӣи ёдгорлик мажмуасининг умумий кўриниши (10–14-асрлар).

Ҳаким ал-Термизӣни қабридонини.



Ҳаким ал-Термизӣи ёдгорлик мажмуаси центоғи.





Бухоро. Сайфиддин Бохарзии мажмуаси (13-а.).


Бухоро. Бўёнқўнихон макбараси (14-а.).



Қашқадарё. Лаптар оға мажмуаси
(15–16-а.лар).







Бухоро. Чавмаи Айюб
мақбараси (14–16-а.лар).



Самарқанд. Хожа Аҳрор Ватний мажмуаси (15-аср).



Бухоро. Мир Араб мадрасаси (16-аср).

Бухоро. Мағокки Ағгори масжиди (12–16 а.лар).





Самарқанд. Ҳазрати Ҳиёз масжиди (18–19-а.лар).

Термиз. Султон Саодат мажмуаси (11-аср).




Тошкент вилояти. Замин ота Шарофий макбураси (14-15 асрлар).
Тошкент. Барокхон мадрасаси (16-аср).






Имом ат-Бухоринӣ. "Ал-Жомеъ ас-сахиҳ".




Самарқанд. Имом ат-Бухоринӣ макбараси (1998 й.).




Имом ат-Бухоринӣ сағанаси.







Самарқанд. Имом ат-Мотуриддӣ макбарасидаги қабртош.




Имом Абу Мансур ат-Мотуриддӣ. "Таъвилоти аҳл ас-суна" (10-аср).



Самарқанд. Имом ат-Мотуриддӣ макбараси (2000 й.).



Бурхониддин Марғинонӣ "Ал-Хидоя" (13 аср).



Фарғона. Бурхониддин Марғинонӣ (рамзӣ) макбараси (2000 й.).

М

МАВЛАВИЙЛАР, м а в л а в и я – суфийлик тариқати. Тахм. 1240 й.да Жалолиддин *Румий* Кўния ш.(Кичик Осиё)да асос солган. Румийни кўпинча “маvloно” (“жаноб”) деб аташган. Шундан тариқат номи олинган. Тариқат фаолияти Эрон, сўнгра Туркия ҳудуди б-н чекланган. М. тариқатига аввал шаҳар аҳолисининг ўрта ва қуйи қатламлари, кейинроқ хос табақалари кирган. М. ўз мавлавияхона ва такяларига эга бўлиб, бу ерда зикру самоъ қилишган. Бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ, М. жамоа бўлиб, мусиқа тинглаш, куйлаш ва гир айланиб зикр тушиш маросимига алоҳида эътибор беришган. М. фикрича, мутлақ руҳ – Илоҳнинг инсон қалбидаги зарраси мусиқа таъсирида, зикр тушиш пайтида тиниклашиб, покланади, яъни ўз ўзига яқинлашади, Аллоҳга ўз муҳаббатини тўлароқ ифодалашига ёрдам беради. М. “гирди дарвишлар” номи б-н ҳам машҳур бўлган. М.нинг биринчи расмий бошлиғи шайх ва халифа унвонини олган Ҳисомиддин Ҳасан Чалабий (тахм.1264 й.в.э.) эди. Румийнинг ўғли, Султон Валад (1226–1312)ни унинг вориси, тариқатнинг амалдаги ташкилотчиси, деб ҳисоблаш мумкин. Султон Валаддан бошлаб М. раҳбарлик лавозими – асосан катта ўғли Улуғ Ориф Чалабий (1272–1320) орқали – ворислик лавозимига айланган. М. илк

Усмонли турк султонлари даврида (14-а.) Кичик Осиё бўйлаб тарқалиб, жуда машҳур бўлиб кетган. М. тариқати Туркияда то 1925 й.га қадар фаолият кўрсатган ва шу йили Камол Отатурк декрети б-н тарқатиб юборилиб, барча ерлари, кўчмас мулки ва банкдаги маблағи мусодара қилинган.

МАВЛО (кўпликда – маволи) – 1) раҳнамо, хомий, жаноб (Қуръонда Аллоҳ ҳақида: 3:150/143; 8:40/41 ва б., одатда мавлоно – “бизнинг жаноб”, “хожамиз” шаклида); 2) хомийликдаги шахс, кўпинча озод этилгандан сўнг хожаси ёки унинг меросхўрларига маълум даражада қарамлик ришталарини сақлаб қолган қул; унинг зиммасига собиқ хожаларига ёрдамлашиш ёки уларни ҳимоя қилишдек маънавий мажбурият юклатилган, у уйланмоқчи бўлса, уларнинг розилигини олиши лозим бўлган, бевосита меросхўрлари бўлмаган тақдирда унинг мол-мулки хўжайинига ўтган.

Ислом футуҳотларидан сўнг тобе этилган вилоятларнинг араб бўлмаган аҳолиси М. деб атала бошланди, бу аҳоли гўё араблар ҳимояси остига олинган деб ҳисоблана бошланди. Умавийлар даврида араб бўлмаган маволилар салмоқли ижтимоий табакани ташкил этиб, кўпгина оммавий ҳаракатларда, хусусан, аббосийлар давридаги ҳаракатларда катта роль ўйнаганлар. Шу даврда қарамликнинг икки

асосий шакли кўзга ташланади: шахсий (хомий-хўжайиндан) ва гурухий (қачонки М. тўла ҳуқуқли бўлмаган аъзо сифатида қабиллага кўшилса), бу шакл халигача ўрганилмаган. Хуросон қўшинида 7 минг кишидан ташкил топган Мларнинг махсус отряди мавжуд бўлгани алоҳида ҳолат бўлиб, улар маош ва егулик олмасалар-да, араблар б-н бир қаторда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишган, шу б-н бир қаторда бошқа Млар ўзларининг хомийлари б-н бирга жанг қилганлар. Умар II даврида уларнинг ҳуқуқларини бошқа жангчилар б-н тенглаштиришга уриниб кўрилган.

Аббосийлар давлат тўнтаришидан кейин, барча мусулмонлар – араблар ва араб бўлмаганлар тенг ҳуқуққа эга бўлдилар. Шундан сўнг гурухий қарамлик йўқ бўлган бўлса керак ва М. алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида аҳамиятини йўқотади. М. араб ва халифалнк ҳудудидаги маҳаллий маданиятлар б-н уйғунлашуви асосида ўрта аср мусулмон маданиятини шаклланишида катта роль ўйнадилар. Мусулмон илоҳиёти ва ҳуқуқининг кўпгина намоёндалари Млардан чиққан (Абу Ханифа, ан-Наҳавий ва б.).

10–13-а.ларда айрим ҳокимлар унвонида учрайдиган мавло амир ал-мўминин ёки фалончининг М.си каби иборалар кўп ҳолларда фақат тобеликни изҳор этишни аниқлаган.

МАВЛОНО (араб. – бизнинг жаноб) – Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистонда энг юқори лавозимдаги амалдорлар, ёзувчи, олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига кўшиб ишлатиладиган сўз. М сўзи ҳурмат маъносида шахс номларидан аввал айтилган (мас., Мавлоно Алишер Навоий, Мавлоно Жомий, Мавлоно Муқимий ва б.). Ўрта Осиёда ўрта асрларда қўлланилган.

МАВЛУД, м а в л у д а н - н а б и й (араб. – туғилиш, пайғамбарнинг туғилган куни) – Муҳаммад пайғамбар(сав)нинг туғилган кунлари, байрам. М. Раби ал-аввал ойининг 12-куни нишонланади. Мусулмон мамлакатларида М. куни дуолар, пайғамбар(сав) шаънига мадҳиялардан иборат шеърлар ўқилади, садақалар берилади, руҳонийларнинг йиғилишлари ўтказилади. Кўпгина араб мамлакатларида, шунингдек, бизнинг диёримизда ҳам М. куни ва ойида Имом Барзанжий қаламига мансуб араб тилида ёзилган “Мавлудун-набий” қасидасини ўқиш

учун масжид ва хонадонларда махсус маросимлар ўтказилади.

МАДИНА (араб. – шаҳар, тўлик араб. номи – Мадинат Расулуллоҳ ёки Мадинат ан-набий – пайғамбар шаҳри) – Саудия Арабистонининг шим.-гарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятида. Халқ уни М.и мунаввара – Нурафшон шаҳар деб эъозлайди. Маккадан 400 км шимолда жойлашган. М.га асос солинган вақт номаълум. Қад. Ясриб (Ятриб) илк ўрта асрлардан бошлаб М. деб аталган. 622 й. *Муҳаммад* (сав) Маккадан М.га кўчиб ўтганлар (қ. *Ҳижра*) ва қолган умрлари шу ерда кечган. Ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилиш, Макка зиёратига бориш учунгина шаҳарни тарк этганлар. М.да мусулмонлар жамоаси (умма) тузилиб, ислом мустақил дин сифатида шаклланди; 7-адан бошлаб М. мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгоҳи ҳисобланади. М. 632–656 й.ларда Араб халифалигининг пойтахти бўлган. Умавийлар ва аббосийлар даврида Ҳижознинг маъмурий марказига айланган. 10-адан бошлаб эса, Мисрга тобе бўлган. 1517 й.да турклар Мисрни босиб олгач, М. Усмонли турк салтанатига, 1919 й.да эса, Ҳижоз қироллигига кўшиб олинган. Орадан 5 йил ўтгач, М.ни Ибн Сауд кўшинлари забт этди. 1932 й. бу шаҳар Саудия Арабистонига кўшиб олинган. М. атрофи илгари мудофаа девори б-н ўралган бўлиб, саккизта дарвозаси бор эди. Ҳозир улар бузилиб кетган. Ҳожиларга ҳаждан сўнг М.и мунавварага бориб, Муҳаммад(сав)нинг қабрларини зиёрат қилиш расм бўлган. М. марказида Расулуллоҳнинг уйлари (Ҳарам шариф) ва мақбаралари бор, Мақбара устига катта масжид қурилган (656). Шаҳар аҳолиси, асосан, савдо, зиёратчиларга хизмат қилиш, ибодат қилиш учун зарур буюмлар (тасбех, жойнамоз, зиёратчилар учун махсус кийимлар) и.ч. б-н машғул. Аҳолининг бир қисми хурмо ва сабзавот етиштиради. Бугунги М. ҳам кўхна, ҳам навқирон шаҳар. Саудия Арабистонининг деярли барча қатнов йўллари М. шаҳри б-н боғлиқ. Шаҳар энг замонавий алоқа воситалари б-н жиҳозланган. 1961 й. Ислон университети очилди. Шаҳарнинг туб аҳолиси 0,5 млн. кишидан иборат. Шаҳарда аэродром бор. М. шаҳрига ҳаж мавсумида жаҳоннинг турли мамлакатларидан миллионлаб мусулмон зиёратчилари қадам ранжида қилишади.

МАДОИНИЙ Абулхасан Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Сайф (9-а.нинг 1-ярми) – тарихчи ва адиб. Басрада таълим олган. Бирмунча вақт Мадоин (Месопотамия)да турган (М. нисбаси ҳам шундан), Бағдодда яшаган. Ибн ан-Надим “Фехрист” (“Мундарижа”) номли асаридида М. тўғрисида эслатиб ўтган. М. ислом, халифалик тарихи, босқинчилик урушлари, кўзголонлар ҳамда ўлка ва шаҳарлар тарихи, Муҳаммад (сав) таржиман ҳоллари, адиб ва шоирлар ҳақида 239 та асар ёзган. М. асарлари кейинги асрларда ёзилган араб тарихчиларининг китобларига асосий манба бўлиб хизмат қилган. “Ахбор ал-хулафо” (“Халифалар хабарлари”), “Ахбор курайш” (“Курайш қабиласи хабарлари”), “Китоб футух аш-Шом” (“Шом-Суриянинг босиб олинishi ҳақида китоб”), “Ахбор шуаро” (“Шоирлар солномаси”), “Тарих ал-булдон” (“Ўлкалар тарихи”) каби асарлар муаллифи.

МАДРАСА (араб. – дарс ўқитиладиган жой, дарсхона) – исломда ўрта ва олий махсус диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, давлат идора ходимларини тайёрлаган. Ислום мамлакатларида М. ҳақидаги илк маълумотлар 10-а.га онд бўлиб, улар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган. 11-адан бошлаб етакчи ўқув юртига айланган, бунгача таълим масжидларда ва хусусий уйларда, шунингдек, меҳмонхоналар, кутубхоналар, касалхоналарда олиб борилган. М.лар вақф ҳисобига таъсис этилган. М.да мударрислар ва б. хизматчилар маош, талабалар стипендия, ўқув жиҳозлари (дафтар, китоб, қалам ва б.) ва турар жой б-н таъминланган. М.лар 11–12-а.ларда Ўрта Осиёнинг барча йирик шаҳарларида бўлган. М.га мактабни тугатган ўсириллар қабул қилинган. Ўрта Осиёдаги М.ларда араб ва форс тилида ёзилган – Куръон, ҳадислар, шариат қонуллари ўргатишган. Айрим М.ларда тиббиёт, аруз шими, фалсафа, география ва б. фанлар ўқитилган. Ҳозир жаҳондаги кўп хорижий мусулмон мамлакатларининг М.ларида диний таълим б-н бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитилади. Яна қ. *Диний ўқув юртлари*.

МАЖЛИС (кўнлиги – мажалис) – ўтириш жойи; предмет маъносидида – ўриндик, курси; кенгаш, йнғилиш жойи; машғулотлар ўтказиладиган хона (масжид, мадраса ва б.да);

аудитория; дарс, маъруза; дарс, маърузани ёзиб бориш; қабул, аудиенция (қабул маросими); қабул зали; кенгаш, йнғилиш, учрашув, компания. Туркия ва Эронда янги даврда М. ваколатли муассасани (парламент, палата, кенгаш) англатадиган бўлган; Ҳозир ҳам шу маънода бир қатор араб ва мусулмон мамлакатларида қўлланилади.

МАЖУСИЙЛИК – 1) Мажусий – куёш ёки оловга сиғинувчи одам. Ислום дини келмасдан бурун ажам халқлари М. эътиқодига мансуб эдилар. М. калимаси куёш ёки оловга сиғинган кишиларда Ҳозирга қадар атама сифатида қўлланилади. 2) яккахудолик (монотеизм) пайдо бўлгунга қадар вужудга келган диний эътиқодлар, маросим ва байрамларни ифодалаш учун ишлатилган.

МАЗДАКИЙЛИК, ал-Маздакия (форс. маздакиён) – маздакийлар, 5-а. охири – 6-ада сосонийлар Эронда вужудга келган ва ислוםнинг дастлабки асрларида халифаликнинг Шарқий қисмида мавжуд бўлган зардуштийлик тариқатларидан бирининг номин. Асосчиси Маздак (нем ёки фахрий лақаб) шарафига шундай ном олган. М. Зардуштакон номли “ашаддий” манихейлик (монийлик) тариқатидан келиб чиққан бўлиб, бу тариқат баъзи маълумотларга кўра, 3-ада, бошқасига кўра эса, 5-ада вужудга келган. Унинг мухлислари эзуликнинг ёвузлик устидан узил-кесил галаба қозонишига ишонганлар.

М. тарафдорлари одамлар ўртасидаги мулкий ва табақавий тенгсизликни йўқ қилишни режалаштирганлар. Табақавий тенгсизликни йўқотишнинг самарали усули сифатида хотинларни умумий деб эълон қилганлар. М.нинг ижтимоий шоирлари Эрон аҳолисининг кенг қатламларида тарқалган. 6-а. бошида уруғ зодагонлари ва зардуштийликнинг олий кохинларига қарши кенг халқ ҳаракати авж олган.

Хусрав Ануширвон томонидан М. ҳаракати тор-мор этилгач (тахм. 530 й.), Маздак тарафдорлари Сосонийлар давлатининг бориши қийин бўлган чекка туманларига қочганлар. М. ислוםнинг дастлабки асрларида ҳам мавжуд бўлган, бу ҳақда аш-Шаҳристоний, Ёқут, Рашидидин, Ҳамдуллоҳ Қазвиний ва б. айтиб ўтишган. Мусулмон тарихчиларининг бир қисми М. гоёсининг асосий унсурларини ўзлаштириб олган хуррамийларни М. б-н айнан

бир деб ҳисоблаганлар. Зардуштийлардан М. муқаддас оловга эътиқод қилмаслиги б-н ажралиб туради. М. тарафдорлари араблар ва мулкдорларга қарши 8–9-а.да кўтарилган ҳаракатларда (Абу Муслим, Сунбод муғ, Муқанна, Бобак ҳаракати ва б.да) кўпинча хуррабийлар, шиалар ва хорижийлар б-н бирга фаол иштирок этишган.

МАЗОЛИМ (ҳукм ал-мазолим, ёки назар ал-мазолим – ғайриқонуний ҳаракатларни кўриб чиқишнинг қисқартмаси) – қилинган адолатсизлик устидан тушган шикоятни давлат бошлиғи ёки унинг вакили томонидан кўриб чиқилиши, апелляция (шикоят) суди. Исломда М. тартиби жоҳилият даврида ноҳақ чиқарилган ҳукм устидан қабилалараро ва қabila доирасида ўтказилган ажримларга бориб тақалади.

Исломнинг дастлабки даврларида бу тартиб кам ўзгарган. Лекин шикоят аризаси бериш мумкин бўлган ягона шахс халифанинг ўзи бўлган ва шу туфайли хоҳлаган пайтда унга мурожаат қилишган. Умавийлардан бўлган тўртинчи халифа Абдулмалик ибн Марвон (685–705) шикоятларни эшитиш учун алоҳида кунларни белгилаган ва уларни ҳал этишни ўзининг қозиси Ибн Идрис ал-Аздийга топширган, ўзи эса, унинг чиқарган қарорини тасдиқлаган. Бундай тажриба халифа Умар ибн Абдулазиз давригача (717–720) сақланган, бу халифа шикоятларни ўзи кўрган. Бирок, ундан кейинги халифалар аввалги ҳолатга қайтиб, бу вазифани қози ва вазирларга топширишган. Халифа Маҳдий (775–785) шикоятларни ўзи кўрган, ал-Муҳтадий давригача (869–870) шундай бўлган, кейин эса, шикоятларни халифанинг ишончли кишиси сифатида вазирлар кўрган. Ҳоз. пайтда мусулмон мамлакатларида анъанага кўра, М. деб ҳуқуқни назорат қилиш органлари ва апелляция (шикоят) судларига айтилади.

МАЗҲАБ (араб. – йўналиш, оқим, йўл, таълимот), шариат мазҳаблари – исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. 8–9-а.ларга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик – фикҳ соҳасида жуда кўп М.лар юзага келган. Ҳоз. вақтда *суннийлик*да тўртта М. – *ҳанафийлик*, *моликийлик*, *шофиъийлик*, *ҳанбалийлик* (М.лар номи уларнинг асосчилари: Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам), Молик ибн Анас, Шофиъий, Ибн

Ҳанбал номидан олинган), *шиалик*да бир М. – *жаъфарийлик* (асосчиси – Жаъфар ас-Содик) сақланиб қолган. Шариат М.лари диний фирқалардан фарқ қилади. Суннийликдаги тўрттала М. ҳам тенг ҳисобланади, йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. М.лар умуман анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари б-н бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир ислом мамлакатларида ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва х.к.), моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофиъийлик (Миср, Индонезия ва х.к.), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) М.лари, шунингдек, шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ирок, Яман ва х.к.)нинг ҳуқуқий ҳаётида жаъфарийлик М.и ўз мавқеини маълум даражада сақлаб келмоқда. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳанафийлик М.и кенг ёйилган.

МАККА – мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. Саудия Арабистонининг ғарбида, Қизил денгиз соҳилидан 80 км узокликда тоғлар орасида жойлашган бу шаҳарни араблар Умм ул-Қурро, Умм ул-Мадойн, яъни шаҳарлар онаси деб юритадилар. Қуръонда “Баққа” номи б-н келган. У Хижознинг маъмурий ва савдо маркази, мусулмонлар ҳаж қиладиган – мусулмончиликнинг бешинчи аҳкоми бажариладиган жой. Қуръони карим 114 сурасининг 86 таси Маккада нозил бўлган. М.да *Каъба* б-н бош масжид – Ҳаром масжиди бор. М. – ислом динининг Муҳаммад пайғамбари (сав)нинг ватанлари, арабларнинг қад. зиёратгоҳи. Мусулмон ривоятларига кўра, М.да Одамато ва Момоҳаво ҳамда *Шис*, *Иброҳим*, *Исмоил* ва Ҳожар яшаганлар.

Макка ш.га қачон асос солингани маълум эмас. Илк бор Замзам булоғи теварагида аҳоли яшаш масканлари пайдо бўлгани ҳақида маълумот бор. Исломга қадар Макка мажусий араб қабилаларининг диний ҳамда Шарқ б-н Ўрта денгиз бўйидаги давлатлар ўртасидаги муҳим савдо маркази бўлган. Ислом вужудга келишидан кўп асрлар илгари Маккадаги Каъба ибодатхонаси араб қабилаларининг зиёрат маркази бўлиб, унда қabila худоларининг санамлари сақланган.

Шаҳар биринчи марта юнон тарихчиси Птолемей асарларида Макораба номи б-н тилга

олинган ва бу ерда мил. 2-а.да ибодатхона мавжудлиги айтиб ўтилган. Маккада пайгамбар Муҳаммад (сав) таваллуд топганлар ва шу ерда ислом тарғиботини бошлаганлар. Муҳаммад (сав) 622 й. ўз саҳобалари б-н Маккадан Ясриб (кейинчалик ал-Мадина деб аталадиган) шаҳрига хижрат қилганлар.

Ривоятга кўра, қад. Журхум, Хузоъа қабилалари, 4-а. охиридан эса, Курайш қабиласи кўчиб келиб яшай бошлаган. 6–7-а. ўрталарида Каъбадан 800–900 м шим.-шарққа ва тахм. 500 м жан.-гарбга чўзилган водий бўйлаб аҳоли истиқомат қиларди. Марказда, Каъбадан жан.роқда бозор бўлган. Турар-жойлар деворлар б-н ўралган катта ҳовлилардан иборат бўлиб, ҳовли ичида қавми қариндош оилаларнинг иморатлари жойлашган. Ўша вақтда М.да 6–7 минг аҳоли яшаган. М.да суғориш учун сув йўқлиги, муқаддас ҳудудда деҳқончилик ва ов б-н шуғулланиш ман қилинган устига атрофдаги қабилалар учун муқаддас ҳисоблангани туфайли курайшларнинг савдо б-н машғул бўлишига тўғри келган. Шаҳар аҳолиси асосан диний маросимлар учун зарур бўлган буюмларни тайёрлаган ва ҳажга келганларга хизмат қилган. Муҳаммад (сав) М.дан чиқиб кетгач, Мадинадаги янги масжидни Каъбага қарши қўя бошлаганлари йўқ, аксинча, уни Каъба (қибла)га тўғрилаганлар. 630 й. мусулмонларнинг М.ни фатҳ этишлари шаҳарнинг муқаддас марказ сифатидаги алоҳида мавқеини тиклабгина қолмай, уни янги мақомга кўтарди; ҳаж қилиш маросимида Каъбани тавоф қилиш б-н бирга Арафот тоғига кўтарилиш ҳам қўшилди; М.ни зиёрат қилиш исломнинг асосий рўкнларидан бири ҳисобланади.

Умавийлар даврида М. ривожланди ва қиёфаси бутунлай ўзгарди: бир қаватли иморатлар ўрнида кўп қаватли уйлар ва қасрлар қад кўтарди. М. маъмурлари сув йиғиладиган иншоотлар бунёд этдилар, осма қувурлар ўтказдилар, шаҳар атрофларида боғ-роғлар пайдо бўлди. Халифаликнинг ҳамма томонидан кела бошлаган маблағлар, шунингдек, зиёратчилардан тушган даромад маккаликларни имтиёзли мусулмонлар гуруҳига айлантирди. Каъба 624 й. қибла деб эълон қилинганидан кейин Каъбага томон қараб ибодат қилина бошлаган.

19-а. бошигача М.ни Фарбий Арабистонда ҳокимиятни амалга оширган давлатларнинг ноиблари бошқариб келганлар, лекин шаҳарнинг ички ҳаётида кўп нарсаларни шарифлар (Муҳаммад (сав) авлодлари) ҳал қиларди. Маълумки, Бағдод халифалиги инқирозга учраганидан сўнг Макка фотимийлар, айюбийлар ва мамлуклар қўли остига, кейинчалик – 1517 й.да Усмонли турк салтанати тобелигига ўтди. 1925 й.дан Саудия Арабистони таркибида.

Ислом дини амал қилаётган 14 адан ортик вақт давомида М. ғайридинлар учун ёпиқ шаҳар ҳисобланади, аммо 18-адан эътиборан европалик айрим тадқиқотчилар мусулмон зиёратчилари ниқобида унга кира бошлаганлар. 20-а. бошигача М. *аббосийлар* давридаги ҳудудга тенг жойни эгаллаб келган, доимий аҳолиси 50 минг кишидан ошмаган. Ҳоз. вақтда М.нинг туб аҳолиси салкам 0,5 млн. кишини ташкил этади, шаҳар автомобиль йўллари орқали ташқи дунё б-н боғланган.

МАКРУҲ (араб. – рад этилган, қораланган, номақбул) – шарият ҳукмларидан бири (фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром б-н бирга). Қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар М. ҳисобланган. М. – Пайгамбаримиз (ас) қайтарган иш демакдир. Ҳар бир мусулмон М. ишларни қилишдан сақланиши лозим. М. ишни гуноҳидан кўрқиб қилмаган киши савобли, қилаверган киши гуноҳли бўлур. М. ишларнинг М.лигини инкор қилган киши имондан чиқмаса-да, гуноҳкор бўлур. М. ишлар учун жазо белгиланмаган. М. амалларга диний бурчни бажариш пайтдаги баъзи ҳолатлар, хасислик, бераҳмлиқ, дабдабалиқ ва исрофгарчиликка мойиллик, оилавий ва ижтимоий бурчга менсимаслиқ б-н қараш, бировни йўқ яхши сифатлар б-н макташ, бошқа диндагилар, балоғатга етмаган б-н никоҳга кириш ва б. қиради. Мазҳабга кўра, М.га аслида ман этилган баъзи таом ва ичимлик турлари қиради. М. тушунчаси ҳалол б-н ҳаромни ажратиб бериши б-н исломий ахлоқнинг шаклланишида муҳим ўрин тугади. **МАКТАБ** – ёзишадиган жой; бошланғич мактаб; ёзув столи, кабинет, идора, бюро. Бошланғич (“Қуръон” ўқитишдан) мактабни англатувчи истилоҳ сифатида М. *қуттоб*нинг синоними ҳолида қўлланилган; тўғри, шундай ҳолат ҳам қайд этилганки (11-а.да Нишопурда),

М.да 5 ёшдан бошлаб фақат энг содда таълим, куттобда эса – 10 ёшдан эътиборан кейинги таълим берилган. 18–20-ада М. сўзи кўпинча усмонийлар Туркиясида, Волга бўйи, Қрим ва Ўрта Осиёда ишлатилган. Араб мамлакатларида эса, уни бошқа сўз б-н (Куттоб ва б.) ифодалашган.

МАЛАКУТ – олий илоҳий ҳокимият, Аллоҳнинг ғоя ва қарорлари, унинг илоҳий сирлари (асрорнинг олий олами. Қуръонда М. истилоҳи Аллоҳнинг олий ҳокимияти маъносида келган ва у оддий, “ердаги” ҳокимиятдан бутунлай ўзгача (6:75; 7:185/184; 23:88/90; 36/83). М. б-н одатда жабарут (илоҳий қудрат) тушунчаси ҳам боғлиқ. М. ва жабарутга инсон ақли бовар қилмайди, бироқ улар предмет сифатида “Қуйи”, моддий оламда акс этган. Улар мукамаллик ва доимийлик б-н ажралиб туради, ҳоз. ва келажак ҳаёт ҳақидаги билимларни ўзларида сақлайдилар. “Олам ал-М.” (М. олами) ва М.нинг ўзи кўшимча синоним сифатида ишлатилади. Жабарут одатда М. ва мулк ўртасидаги мавкени эгаллайди ва М. гоёларини мулкда амалга ошишида воситачи бўлиб хизмат қилади.

М., жабарут ва мулк Қуръонга қилинган ўрта асрлардаги шарҳларда, суннийлар, шиалар, суфийларнинг асарларида кўп учрайди. Уларни қўллашдаги фарқларга қарамасдан, уларнинг асосий маъноси, мазмунни одатда ўзгаришсиз қолган.

МАЛОИКА – к. *Фаришта*.

МАЛОМАТИЙЛАР (араб.– таъна аҳли, таънага қолувчилар) – суфийлик тарикатларидан бирининг тарафдорлари. М. таълимотининг асосий қоидаларини Ҳамдун ал-Кассор (884 й. в.э.) ишлаб чиққан. Ал-Мухосибий, Абу Йазид ал-Бистомий ва Саҳл ат-Тустарий каби Ироқ зоҳидларининг қарашлари мазкур таълимотнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. М. ҳаракати умуман ягона ташкилий тузилмага эга бўлмай, мустақил маҳаллий тўғараклар шаклида эди. Дастлаб Нишопурда юзага келиб, гарбга – Ироқ ва Сурияга, шарққа – Мовароуннаҳр ва Туркистонга тарқалган. М. айрим руҳонийларнинг ўз тақводорлигини бошқаларга пеш қилиб, ибодат ва маросимларни юзаки, намойишкорона бажо этишига эътироз билдиришган. Вақт ўтиши б-н М. тарикати йўқолиб, унинг тарафдорлари

қолмади. Бу таълимотнинг баъзи жиҳатлари *нақибандийлик* тарикатида намоён бўлган.

МАМЛУК (“эғалик қилинадиган киши”) – қул, синоними абд, лекин ундан фарқли ўлароқ ҳеч қачон кўчма маънода қўлланилмайди (мас., “Аллоҳнинг қули” каби). Дастлаб М. – туғма қулдан фарқли равишда фақат қўлга киритилган қул. Қуръонда бир марта абд мамлук (16:75/77) шаклида учрайди.

М.лар деб ҳарбий кўшинда хизмат қилувчи қул-жангчилар аталган. Улар кўпинча юқори ҳарбий лавозимларни эгаллаб, бу б-н ҳатто озодликка ҳам эришганлар. 9-адан гулом (ўсмир, қул-жангчи) сўзининг синоними сифатида, лекин одатда оқ гуломларга нисбатан қўлланилган; 12–13-а.ларда М. атамаси Сурия ва Мисрда гулом истилоҳини сиқиб чиқарган. Айюбийлардан бўлган М. амирлари 1250 й. Мисрда ҳокимиятни қўлга олган бўлиб, улар 14-а. ўрталаригача расман Аббосийлардан бўлган халифаларнинг амирлари ҳисобланганлар, сўнгра мутлақо мустақил ҳукмдорларга айланишган. 1250–1290 й.ларда ҳукмронлик қилган султонлар М.ларнинг Баҳрий сулоласига мансуб; Буржий М.лари (1382–1517) ўзаро қон-қариндошлик ришталари б-н боғланмаганлар, улар гуруҳбозлик асосида бирлашганлар. Бутун мана шу давр мобайнида қуллардан чиққан султонлар ўз кўшинларини М.лар – турклар ва кавказликлардан тўлдирганлар.

Усмонийлар томонидан Миср босиб олингач (1517 й.), М.лар мамлакатнинг ҳарбий мулкдор юқори табақаси сифатида сақланиб қолишган; Истанбулдан тайинланадиган пошо мамлакатни мамлук амирларидан ташкил топган кенгаш ёрдамида бошқарган. 1805 ва 1811 й.ларда турк лашкарбошиси, албанлардан бўлган Муҳаммад Али Қоҳирада мамлукларнинг барча раҳбарларини қириб ташлаган.

МАНОТ – қад. араб маъбудаси; Набатей, Сурия ва Хижозда, айниқса, эъзозланган; тақдир ва ўлим маъбудаси бўлган. Қора тошдан ишланган санам ва саждагоҳи Маккадан Ясрибга борадиган йўлдаги Қудайдада жойлашган. Ясрибдаги Авс ва Хазраж қабилалари М.га айниқса қаттиқ топинганлар. Улар Маккадаги Каъба қатори М.нинг саждагоҳини ҳам зиёрат қилганлар. М. Арабистоннинг энг қад. маъбудаларидан ҳисобланиб кўпгина киши номлари таркибига ҳам қўшилган. Маккада

учта маъбуда (ал-Лот ва ал-Узза қаторида)дан бири сифатида топилган.

Қудайдадаги саждагоҳ Муҳаммад (сав) топшириқларига кўра 630–31 й.да бузиб ташланган.

МАНДУБ (араб. – тавсия этилган, лозим топилган) – шариаат ҳукмларидан бири (фарз, мубоҳ, макруҳ, ҳаром б-н бирга). Диндорлар учун бажариш лозим топилган, тавсия этилган, лекин мажбур ҳисобланмаган амаллар М. ҳукмига киритилган. Ихтиёрий бажариладиган бир қанча урф-одатлар М. ҳисобланади, улар моҳиятан *сунна* қўйган талаблардан кейин туради, баъзан улар айни мазмунда ҳам талқин этилади.

МАНОҚИБ (араб. – фазилатлар) – тасаввуф тушунчаси. Бирор улуғ зотнинг фазл ва мартабасини мактаб, таъриф-тавсиф қилиш. Кўпинча шу ҳақдаги рисола ёки асар тушунилади. Мас., “Маноқиб Хожа Аҳрор” (Хожа Аҳрор таърифи), “Маноқиб Шох Абдуллоҳ” (Шох Абдуллоҳнинг таъриф ва тавсифи) ва ҳ. к.

МАНСУР ибн НУХ I, Абу Солих (? – 976) – *сомоний*лардан бўлган Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори (961–976). Ас-Садид (“доно”, “тадбиркор”) лақаби б-н машҳур бўлган. Давлатни мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширган. Бу ишда унга вазирлари Батъамий ва Утбийлар ёрдам берган. *Бувайҳийлар* устидан қозонган ғалабаси унинг шуҳратини оширган. Унинг топшириғига кўра Батъамий *Табарий*нинг “Тарих ул-анбиё ва-р-русул ва-л-мулук ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи”) номли асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган ва бойитган.

МАНСУРИЙЛАР, ал-Мансурийа – “ўта” шиаликдаги жамоа; Абу Мансур ал-Ижлий издошлари. Абу Мансур сахройи ва саводсиз бўлган. Шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқир вафотидан сўнг (732 й.) у Куфада даъват б-н чиққан, ўзини шу имомнинг вориси (халифаси), ишончли вакили деб эълон қилган. Сўнгра у пайғамбарликка даъво қилиб, гўё Аллоҳ уни ўзига яқин олиб сурёний тилида уни ўғлим деб атаган. Пайғамбарлик унинг олти авлодида давом этажаги, сўнггиси Маҳдий бўлишини даъво қилган. Аллоҳ ерга ўз “хабарчилари”ни юборишни тўхтатмаслигини тарғиб қилиб, Абу Мансур ўзини ерга кулаб

тушган “осмоннинг бир парчаси” (кисф, шундан М.нинг бошқа номи – кисфийлар) деб эълон қилган. Осмон деганда Муҳаммад (сав) уруғлари – хошимийлар, ер деганда эса – шиалар тушунилган. Унинг даъвоси: Аллоҳ Муҳаммад (сав)ни Қуръон б-н, уни эса – Қуръон шарҳи б-н юборган.

Абу Мансур ва унинг издошлари жаннат, дўзах, қайта тирилиш қабиларни мажозий маънода талқин қилиб, амалда уларни инкор этганлар. Ироқда Юсуф ибн Умар ас-Сақафий ноиблиги даврида (738–742) Абу Мансур ва М.нинг бир қисми қўлга олиниб қатл этилган. Тирик қолганларига унинг ўғли ал-Хусайн раҳбарлик қилган, у ҳам пайғамбарликни даъво қилган. Унинг издошларини ҳусайнийлар деб аташган. Уларнинг фаолияти ўттиз йилча давом этган. Халифа ал-Маҳдий даврида (775–785) ал-Хусайн қўлга олиниб халифа ҳузурига келтирилган ва унинг буйруғига кўра хочга тортилган. Халифа ундан қолган жуда катта бойликни мусодара қилиб, издошларини таъқиб этиб қатл эттирган.

М. таълимоти Ироқда фаоллият олиб борган “ўта” шиаларнинг бошқа таълимотлари каби ўзига яҳудий-христиан динлари унсурларини киритган. Жумладан, Абу Мансурнинг даъвосига кўра Аллоҳ биринчи бўлиб Исо (ас)ни яратган.

МАРВАЗИЙ, Абул Фадл Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Суламий ал-Марвазий, ал-Х а к и м а ш-ш а х и д (? – 945) – *занафийлик*даги йирик имом, муҳаддис ва фақих. Самъонийнинг маълумотларига кўра, у Бухоро қози қалонн бўлган, сомонийлар амири Нух ибн Насрга фикрдан таълим берган. Амир уни бош вазир этиб тайинлаган. Самъоний М.нинг 14 устози номини келтириб, М. 60 минг ҳадисни ёддан билганлигини ва доимо вақтнинг диний китоблар ва ибодатда ўтказганлигини ва давлат ишларига жуда оз вақт ажратганлигини ёзган. Бу ҳарбийларнинг порозлигига сабаб бўлган ва кўтарилган исён натижасида ўлдирилган. Фикҳга доир 8 та асар ёзган, улар Абу Ханифа китобидан сўнг энг эътиборли китоблар саналган.

МАРЖОНИЙ Шаҳобиддин (тўлиқ номи: Шаҳобиддин бин Баҳоуддин бин Субхон бин Абдул Карим ал-Маржоний) (1818, Қозон ш. яқинидаги Янанчи қишлоғи, – Қозон, 1889) – йирик маърифатпарвар ва файласуф, тарихчи

ва илоҳиётчи олим, татар халқи илмий тарихининг асосчиси. 1838–43, 1845–49 й.да М. “Кўкалдош” ва “Мир Араб”, 1843–45 й.да Самарқанддаги “Шердор” мадрасаларида ўқиди ва дарс берди. С.Айнийнинг ёзишича, амир Насруллонинг таъқибидан сўнг қисқа муддат Самарқандда яшади. У Бухоро ва Самарқандда араб ва форс тилларини пухта ўрганди, шарқ фалсафаси ва тарихи б-н чуқур танишди, математика ва астрономия б-н шуғулланди. У “Кўкалдош” мадрасасининг бой кутубхонасидан унумли фойдаланди. М. Бухорода олим сифатида шаклланди ва *Курсавий* илмий мероси б-н танишди. У Курсавийнинг исломдаги ислохотчилик фаолиятини давом эттириб, Бухоро мадрасаларидаги ўрта асрларга хос ўқув тизимини танқид қилди. Аҳмад Дониш б-н ҳамкорликда маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда жонбозлик кўрсатди. М. Бухорода “Мовароуннаҳр машҳур уламоларининг ахволи ва ишлари” ҳамда Курсавийнинг Бухородаги фаолияти ва маҳаллий ҳокимият б-н мураккаб муносабати тўғрисидаги асарини ёзди. Туркистон тарихи ва географиясига оид кўплаб асарлари мавжуд, хусусан, унинг 10–12-ада Мовароуннаҳр хонақолари ва тасаввуфнинг ахволи, Туркистондан етишиб чиққан буюк алломалар ҳақидаги тадқиқотлари диққатга сазовор.

1850 й.да Қозондаги катта Жомеъ масжиди имоми, 1867 й.да муҳтасиби этиб тайинланди. Айни пайтда Қозон татар ўқитувчилари мактабида дарс берди (1876–1884). Қозон ун-ти ҳузуридаги Археология, тарих, этнография жамияти аъзоси бўлган дастлабки мусулмон олимларидан. М. ўзининг фалсафа ва илоҳиётга оид асарларида диний ислохотчилик ва маърифатпарварлик ғояларини ривожлантирди. 30 дан ортиқ йирик асарлар, жумладан 7 жилдли “Вафий йат ал-аслаф ва тахийат ал-ахлаф”, 2 жилдли “Мустафод ал-ахбар фи ахвали Қозон ва Булғор” асарларининг муаллифи. Курсавий, М., Аҳмад Донишнинг ислом динини ислоҳ қилиш ва маърифатпарварлик ғоялари кейинчалик жадидчилик ҳаракатининг вужудга келишида муайян даражада хизмат қилди.

МАРОНИЙЛАР, ал-Марунийун (ал-маворина) – Шим.-Ғарбий Сурия ва Шим. Ливан аҳолиси орасидан 5–8-а.ларда ажраб чиққан

этноконфессионал христиан-униат гуруҳи тарафдорлари. Суриялик зоҳид Марон ёки Марун (4–5-а. боши) номидан. М. маросимлари сурёний христианлигининг ғарбий (яқовийлар) ва шарқий (несторийлар) тармоқлари б-н уйғунлашиб кетган. Ибодатда ҳозирда ўлик сурёний тили қисман қўлланилади. Ижтимоий ташкилотда исломнинг таъсири бор (мас., черков вақфи, баъзи сунний ҳуқуқий меъёрлар ва б.). Юҳанно Марун (тахм. 700 й. в.э.) М.нинг биринчи патриархи, уларнинг мустақил черковининг асосчиси ҳисобланади.

7-а. охирида М.нинг аксарияти Суриядан Ливанга кўчган. 12–13-а.ларда М. солибчиларни кўллаб-қувватлаган, Рим курияси б-н алоқа боғлаган, натижада уния (иттифок) барпо этилган (18-а.да узил-кесил). 17–18-а.ларда М. яшайдиган ҳудудлар Усманийлар империясининг бир қисми бўлган Ливан амирлигига кўшиб олинган. М.нинг баъзи дунёвий зодагонлари ер мулклари – иқтоларга эга бўлишган. Хукмронлик қилаётган амирларнинг Шибхлар сулоласи христианликнинг мароний тармоғини қабул қилганлар. Усманийлар М.га амалда мухтор жамоа-миллат мақомини беришган, у расман 1841 й. эътироф этилган. Яҳудий католиклар Якин Шарққа суқилиб кираётганларида, М.га суянишга ҳаракат қилишган, шу мақсадда тоғли Ливандаги жамоалар ўртасидаги низолардан фойдаланишган. 19-а.да маронийлар черкови мамлакатдаги энг йирик мулк эгасига, патриарх эса, энг обрўли раҳбарлардан бирига айланган. “Миллий пакт” (1943)га кўра, Ливан президенти фақат М.дан бўлиши мумкин, бундан ташқари бошқа муҳим лавозимлар ҳам М. ихтиёрига берилган.

М.нинг аксарияти қишлоқ хўжалиги, савдо, маиший хизмат, саноатда банд. Ливандан ташқари М.нинг озгина қисми доимий равишда Сурия, Кипр, Исроил, Иорданияда ҳам яшайди. М.нинг кўпчилиги муҳожирликда. Улар Ливанда конфессионал тузумни сақлаб қолиш учун курашиб, этник можароларни келтириб чиқармоқда, М.ни араб дунёсидан ажратиб олишга интиломда.

МАРЯМ – Қуръонда тилга олинган такволи, сиддиқа аёл, Исо пайғамбарнинг онаси, христианликдаги Марияга тўғри келади. Исломотаълимотига кўра, у такволи, мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Қуръони

каримнинг 19-сураси “Марям” деб аталади. М.нинг отаси Имрон “Бани Исроил” қавми ичида энг обрўли кишилардан эди. Унинг хотини Ҳанна бефарзанд эди. Ҳанна Аллоҳга илтижо қилиб, фарзанд ато этишни сўради ва агарда фарзандли бўлса, ушбу фарзандни Аллоҳ йўлида Байтул Макдис хизматига вақф (назр) қилишини ният қилди. Аллоҳ унга қиз фарзанд ато этди ва уни Марям деб номлади. Одатда ибодатхоналардаги хизматларни эркаклар бажарганидан у ўз назри, қизининг тақдири қандай бўлишини ўйлаб, ҳайрон қолди. М. ёшлигидаёқ отаси вафот этди, энди унинг тарбиясини кимдир ўз кафолатига олиши керак эди. М.ни тарбиялаш ҳолатининг эри Закариё (ас) пайғамбарнинг чекига тушади. У қачон М.нинг хонасига кирса, у ерда қишда ёз мевалари, ёзда қишда бўладиган ноз-неъматларни кўради. “Бу нарсалар сенга қаёқдан келди?” деб сўраганида М.: “Булар Аллоҳ ҳузуридандир” дейди. Ибодатхона хизматига назр қилингани учун доимо шу ерда бўлиб, умрини фақат тоат б-н ўтказар эди. У одамларга аралашмас, ибодатхонада ёлғиз қолиб тоат б-н банд бўларди. Кунларнинг бирида, М. ибодатхонада тоат б-н машғул бўлиб турганида, Аллоҳ таоло унга Жаброил (ас)ни юборади. М. ўз аҳли-оиласидан четга – кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Жаброил: “Парвардигорингнинг сенга бир покиза ўғил ҳады қилиш учун (келган) элчисидурман” дейди. Бундан М. таажжубланиб: “Ахир мен турмушга чикмаган бўлсам ёки фожира аёл бўлмасам, қандай қилиб мен фарзандли бўлишим мумкин” – дейди. Шунда Жаброил (ас): “Айтганинг тўғри, лекин Аллоҳ айтдики: “Бир гўдакни отасиз яратиш менга осон, бу мени улуғ қудрат эгаси эканлигимнинг белгиси бўлур”, дейди. Шундай қилиб, Исо Аллоҳ ирода этгани учун отасиз яратилди. Тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг ёнига олиб борди (ва у хурмо шохига осилган ҳолда кўзи ёригач), деди: “Қанийди, мана шу кундан илгарироқ ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилсам эди”. Шунда хурмо дарахтининг ортидаги Жаброил нидо қилди: “Ғамгин бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу қуриб қолган) хурмо шохини силқитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин”. М. боласини

кўтарган ҳолда қавмига келганда улардан таъналар эшитади. Шунда бешикдаги гўдак Исо тилга кириб дейди: “Мен Аллоҳнинг бандасидирман. У зот тез кунда менга Китоб – Инжил ато этади ва мени пайғамбар қилади”. **МАСЖИД**, м а ч и т (араб. – сажда қилинадиган жой) – мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой, ибодатхона. М.лар, асосан, кундалик беш вақт намоз ўқиш учун мўлжалланган. Жума ва ҳайит намозлари эса, жоме М.ларда ўқилади. Биринчи М.ни Мадинада Муҳаммад(сав) қурдирганлар. М.лар дастлаб шаҳарларда, кейинчалик қишлоқ ва маҳаллаларда барпо этилган. М.ларнинг тўрида, Маккага қараган (қибла) томонида меҳроб, ҳовлисида ҳовуз, бир ёки бир неча минора бўлади. Айрим йирик М.лар меҳробининг ўнг томонида ваъзхонлик учун мўлжалланган *минбар*, баъзиларида эса, Қуръон ўқиладиган махсус жойлар ҳам бўлади. Баъзи М.лар ҳузурда мактаблар ҳам бўлган бўлиб, уларда ўғил болаларга Қуръон ўқиш ўргатилган. М.ларда жума ва ҳайит намози кунлари имом-хатиблар хутба ўқиб, турли диний масалалар бўйича ваъзхонлик қилади. Ўзбекистонда 2000 га яқин М. бор.

МАСЖИДИ КАЛОН, Ж о м е ъ М а с ж и д и – Бухородаги энг йирик меъморий ёдгорлик. *Минораи калон* ёнида тахм. 15-адан қурила бошланган (археол. қазилмалар натижасида бино остидан 12-а.га оид қад. масжид қолдиқлари топилган). Масжид (127x78 м) тўғри тўртбурчак тархли. Кенг ҳовли (130x80 м) атрофидаги бостирма йўлақлар (галерея) 288 та ясси гумбаз б-н беркитилган. Гумбазларни чортоқ шаклида 208 устун кўтариб туради. Устунларнинг бир қисми остига кейинчалик алоҳида пойустунлар ишланган. Шарқ томондаги буюк пештоқ маҳобати ва мухташам беаги б-н алоҳида ажралиб туради. Шу пештоқ орқали масжиднинг катта хонақоҳ-мақсурасига кирилади. Хонақоҳнинг баланд гумбазига зангори кошинкор безак б-н пардоз берилган. Хонақоҳдаги меҳроб безаклари кошинкорлик санъатининг юксак намунасидир. Унда уста Боёзид Пуроний номи сақланган. Ҳовлига қараган пештоқ олдидаги сахнда кўп қиррали мўъжаз бир кўшк (павильон) бор (уни қуришда уста Ширин Муродов қатнашган, 20-а.). Масжид атрофи баланд ва қалин девор б-н

ўралган. Унинг бир қисми сиркор ғишт б-н, баъзи ерлари оқ, кўк ва зангори кошин б-н безатилган. Майдонга қараган бош тарзи марказида пешток, қанотлари тоқи равоқларга бўлинган. Пештокнинг нақшинкор безаклари деярли сақланмаган, баъзи жойлари суваб юборилган. М. к. томлари (гумбазлари) тузатилиб, устун поялари бетонлаштирилди. Ховли атрофидаги равоқли деворлар тузатилди. Ташки пешток тўла таъмир этилди.

МАСИХ (“муқаддас ёғ сурилган”) – қутқарувчи, халоскор. Куръон ва мусулмон ақидаларида М. – Исо (ас)ни англатувчи атама, унинг исмидан аввал қўйилади ёхуд алоҳида қўлланилади. Куръоннинг Мадина давридаги Исо (ас)ни христианлар илохийлаштиришларини инкор этадиган сураларида учрайди. (3:45/40; 4:157/156, 171/169, 172/170; 5:17/19, 72/76, 75/79; 9:30–31). М. истилоҳи Исо (ас) ҳақидаги ҳикояларда. Муҳаммад (сав)нинг тушларида, Исо (ас) бу ерга қайтиб туришида, уни қиёмат кундаги иштирокида қўлланилади. Дажжолни шунингдек, ал-Масих ал-Каззоб ва ал-Масих ад-Дажжол деб ҳам аташади.

МАТН (араб. – бел, текст (ўзбек. матн)) – ҳадис истилоҳида санаднинг ниҳояси, яъни маънолардан ташкил топган ҳадиснинг лафзлари.

МАХДУМ (араб. – хизматга ёлловчи одам, жаноб) – пир ва устозларга бериладиган лақаб. Одатда, пир ва устозларга ўз муридлари ва шогирдлари хизмат қилишган. М. атамаси баъзи жойларда пир, устоз ва уламоларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатилган. *Нақшбандийлик* тариқати шайхларидан Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий “Маҳдуми Аъзам”, яъни “Улуғ Маҳдум” лақаби б-н машҳур бўлган.

МАХДУМИ АЪЗАМ (Буюк ҳазрат; асл исми Саййид Аҳмад Хожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий. 1463/64–1542) – мовароуннаҳрлик аллома, йирик диний арбоб, нақшбандийлик пири. Фарғона водийсининг Косон ш.да туғилган, илк таълимни шу ерда олган. Мадрасани битиргач, Шайх Мир Саййид Алига шогирд тушади, сўнг Шошга келиб, Хожа Аҳрорнинг шогирди Муҳаммад Қози (1516 й. в. э.) М.А.ни шогирд қилиб олади ва тез орада ўзига халифа этиб тайинлайди. Манбаларга қараганда, у устози б-н Хиротга сафар қилади, Абдурахмон Жомий б-н

учрашади. 1503 й. Бухорога кўчиб келади. Бироз вақт ўтгач, Аҳсиқатга бориб нақшбандийлик тариқатини тарғиб эта бошлайди. Муҳаммад Қози вафотидан сўнг тариқат шайхлари М. А.ни ўз пешволари сифатида эътироф этишди ва унинг шуҳрати Мовароуннаҳр ҳамда унинг атрофидаги мамлакатларга ёйишди. Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Бобур уни чуқур ҳурмат қилган ва М. А.га рубоийлар бағишлаган. М. А. ҳам шоир ҳақидаги “Бобурия” рисоласини ёзиб, Хиндистонга жўнатган. Шайбоний султонлари ва ҳокимлари М. А.ни ўзларининг пири деб билганлар.

М. А. тасаввуф назарияси ва амалиёти, хусусан, нақшбандийлик таълимотини ривожлантириш соҳасида баракали фаолият кўрсатди. Унинг “Асрор ун-никоҳ” (“Никоҳ сирлари”), “Ганжнома”. (“Бойлик ҳақида рисола”), “Рисолатун самъиййатун” (“Самов рисоласи”), “Баёни зикр” (“Зикр баёни”), “Рисола-и силсила-и Хожагон” (“Хожагон силсиласига оид рисола”), “Меърожу-л-ошиқийн” (“Ошиқлар меърожи”), “Муршиду-с-солиқийн” (“Солиқлар муршиди”), “Рисола-и Нақшбандиййа”. “Рисолатун вужудиййатун” (“Вужудлар ҳақида рисола”) каби 30 дан ортик рисоласи бор. У ўз асарларида уламолар, суфий шайхлар ва давлат арбоблари орасидаги муносабатларга тўхталган. Тариқат одобу қоидаларида мурид ва шайх муносабатлари ўзаро ҳурмат-иззат асосида қурилмоғи лозимлигини уқтиради. М. А. фикрича, тариқат аъзолари халққа яқин бўлиб, унинг дардлари ва эҳтиёжларига қайғудош бўлса, бу ҳам тариқатга, ҳам халққа фойдалидир.

М. А. асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти хазинасида сақланмоқда. **МАХДУМИ АЪЗАМ МАЖМУАСИ** – Самарқанд вилояти Даҳбед к.даги меъморий ёдгорлик (16–19-а.лар). Мажмуа машҳур шайх, суфийлар намоёниси *Маҳдуми Аъзам* номи б-н боғлиқ. Асли фарғоналик бўлган ул зот Самарқанд ҳокими Жонибек Султон томонидан Самарқандга таклиф этилган. Ўгли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Маҳдуми Аъзам 78 ёшида шу Даҳбед к.да вафот этган. 1610 й.да Ялангтўш Баҳодир бошчилигида хонақоҳ ва дахма қурилган. 17-а.да эса катта масжид қад кўтарган. Кейинчалик Маҳдуми Аъзам

авлодлари ҳам шу ерга дафн қилинган. Нодир девонбеги томонидан атрофи девор (бал. 1,4 м) б-н ўралиб, таъмир ишлари олиб борилган. Мажмуа шим-да ҳазира, жан-да кенг айвонли катта масжид, ёнида кичик масжид, шарқида дарвозахона, чиллахона ва ҳужралардан ташкил топган. Кағга масжид-хонақоҳ 6 устунли, 12 гумбазли, айвони 2 қаторли 14 устундан иборат. Кичик масжидга узун йўлак орқали ўтилган. Масжид 2 устунли, васса шифтли, айвони 4 устунли, пойустунлари тошдан ишланган. Ҳазирадаги Маҳдуми Аъзам сағанаси (бал. 1,7 м) кулранг мрамор б-н қопланган. Пастки қисмидаги 9 та мрамор тоштахталар Маҳдуми Аъзам авлодлари, Ялантўш Баҳодир ва унинг қизи Иқлимага тегишли бўлиб, кейинги йиллардаги таъмир вақтида ҳаммаси бир жойга тўпланган. М.А.м. яқинида минора ва кенг ҳовуз жойлашган. 1998 й.да мажмуа қайта тикланиб, атрофи ободонлаштирилди.

МАШРАБ Бобораҳим (1640–1711) – ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси, шоир, бастакор, созанда ва ҳофиз. Халқ ичида “Девона Машраб”, “Эшон Машраб”, “Шоҳ Машраб”, “Марди худо”, “Авлиёи Ҳақ”, “Соҳиб каромат” каби номлар б-н машҳур бўлган. Ижодий мероси “Девонаи Машраб” қиссаси, турли тазкира, баёз ва мажмуалар орқали етиб келган. М. Наманганда бўзчи Валибобо оиласида туғилган. 7 ёшида муллага ўқишга берилган. 1665 й.да Мулла Бозор Охунда шоғирд тушган. Сўнгра Ёркендда, қашқарлик Офоқхўжа эшон хизматида илоҳиёт б-н шуғулланиб, 7–8 йил мобайнида тариқат сулуқини ўтади. Иброҳим Адхам ва Мансур Ҳалложни ғойибдан пири қонил деб билди. Ижодда Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имомиддин Насимий йўлидан борди. Лutfий, Навоий газалларига назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади. М. шеърлятига хос асосий хусусиятлардан бири Аллоҳга бўлган ишқдир. Унинг сўфиёна шеърларида илоҳий ишқ дарди инсон изтироб ва атамлари, орзу-умидлари б-н ҳамохангдир. М. таъкидлашича, одам зотининг асосий нуқсонни “нафсу ҳирс балоси”га мубтало бўлганлигидир, бу нуқсон уни илоҳий фазилатлардан маҳрум этади, ахлоқан тубанлаштиради, ўткинчи майл-истакларни уйғотади, инсоний хислатлардан, ҳақиқат, маънавият ва маърифатдан йироқлаштиради. “Нафс аждаҳоси” қомидан ҳалос бўлганлар

учун эса, фақат Аллоҳ – Ҳақдир, ҳақиқатдир. Шу боис инсон фақат Аллоҳни севиши, унга ошиқ бўлиши, қомил инсон бўлишга астойдил интилиши, бу машаққатли йўлда барча укубатларга чидаши лозим. Барча яхшилик, эзгулик – Аллоҳдандир, бинобарин Уни севган киши ўз яқинларини, ота-онасини, эл-юртини, жамики яхши одамларни ҳам севади. М. умрининг сўнгги 20 йили дарбадарликда ўтган, ўз ватанида ҳақгўй, исёнкор шоир, қаландар сифатида машҳур бўлган. М. турли маъракаларда, халқ орасида мутаассиб руҳонийларни, зулмкор ҳоким-амалдорларни аччиқ киноя ва нафрат б-н таъкид қилган. Уламолар фатвоси ва Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон ҳукми б-н М. даҳрийликда айбланиб, Қундуз ш.да дорга осилади.

М.нинг шахсияти ва ижодиёти ўзбек адабиёти ривожига баракати таъсир кўрсатди, газаллари эл хотирасида муҳрланиб қолди. Мустақиллик даврида М. таваллудининг 350 йиллиги нишонланди (1992). Наманган ш.да Машраб боғи ва ҳайкали барпо этилди. М.нинг тасаввуфий руҳдаги ўнлаб шеърлари, “Мабдаи нур” асари мўтабар манбалар асосида биринчи бор нашр этилди.

МАШҲАД (араб. – шаҳид бўлган жой) – Эрондаги шаҳар. Муҳим тарихий-маданий ва диний марказ. Шиалар ривоятига кўра, уларнинг 8-имоми *Али ар-Ризо* шу жойда халифа буйруғи б-н ўлдирилган, кейинчалик макбара қурилган. М. имом Али ар-Ризо макбараси туфайли шиаларнинг уч муқаддас шаҳарларидан бири (Нажаф ва Карбало б-н бирга) ва зиёратгоҳи ҳисобланади.

М.да *аббосийлардан* Ҳорун ар-Рашиднинг қабри бор. Аҳолиси, асосан, тўқимачилик б-н шуғулланади. Санояти ривожланган бой шаҳар.

МАШҲАД – шаҳид кўмилган ер, азиз инсонлар – Муҳаммад (сав)нинг қариндош-уруғлари ва саҳобалари, шиа имомлари, йирик диний арбоблар, авлиёлар мазорини англатувчи кенг тарқалган ном. Бошқа номлари – қубба, мақом, мазор, имомзода. Одатда М. – зиёрат қилинадиган жой, бир авлиё учун баъзан бир неча жойдаги қабр кўрсатилади. М. истилоҳи муқаддас қабрлар жойлашган шаҳарлар номларида ҳам қўлланилади, мас., Машҳад Али (Нажаф), Машҳад ал-Ҳусайн (Карбало), ёхуд шаҳар номига айланади – Эрондаги Машҳад (Машҳад ар-Ризо).

МАЪЗУН (“рухсат олган”) – хўжайинидан савдо-хунармандчилик фаолияти, жумладан унинг ишларини бошқаришга рухсат олган қул. Рухсат этилган доирада у олди-сотди, қарз олиш ва бериш, гаровга олиш ва бериш, рухсат этилган фаолиятини юргизиш учун зарур бўлган эркин юриш ҳуқуқини олган. Бошқа ҳолларда унинг ҳуқуқий аҳволи ўзгармаган. Рухсат этилган фаолияти давомида у қарздор бўлиб қолса, агарда хўжайини унинг учун қарзни тўлашни истамаса у ҳолда қул сотилиши мумкин. Хўжайин рухсатномани бекор қилиш ҳуқуқига эга, лекин у масжид ёки бозорда бу ҳақда халққа эълон қилиши лозим. М. орттирган мулк баъзи ҳуқуқшуносларнинг фикрича, унга тегишли ҳисобланган, бошқаларнинг фикрига кўра эса, хўжайиннинг мулки саналган.

МАЪАРИЙ Абу-л-Ало Аҳмад (973–1057) – араб шоири ва мутафаккири. Мааррат ан-Нуъмон ш.да (Сурия) қози оиласида туғилган. Болалигида чечак касалига йўлиқиб, кўзи хиралашади, сўнг бутунлай кўрмай қолади. Куръони каримни ёд олиб, ҳофиз бўлиб етишади. Илмини ошириш мақсадида узок сафарларга чиқади. Замонасининг машҳур адиб ва олимларидан ҳадис ва тафсир илмини, шеър санъати ва фалсафани ўрганади. Умрининг охиригача зохидликда, узлатда ёлғиз яшасада, илм аҳли орасида обрў-эътибори жуда баланд эди. Уни кўриш, ундан сабоқ олиш учун Шарқ мамлакатларидан ўнлаб илмсевар кишилар уйига келиб туришарди.

М.нинг икки шеърӣ девони, “Чакмоқтош учкунлари”, “Фаришталар ҳақида рисола”, “Тавба ҳақида рисола” асарлари, Бухтурӣ, Мутанаббий ва б. шоирлар ижодига шарҳлари бизгача етиб келган. М.ни машҳур қилган “Ихтиёрий мажбурийлик” (“Ал-Лузумийят”) номли илк лирик-фалсафӣ девони 5000 га яқин байтдан тузилган яхлит асар бўлиб, унда ҳар бир шеър ўзидан кейин келувчи шеър б-н мавзу ва фикр жиҳатдан ҳамоҳангдир. М. ўз ижодининг бош мавзуини: “Мен шеърларимда фақат Олий зотни (яъни Аллоҳни) улуғлайман, зеро у бошқаларга раҳмат улашиб, ўзи ҳеч бир мактов-мадҳияга муҳтож эмасдур”, деб таърифлаган эди.

М. фикрича, ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан ўзини ўзи такомиллаштириб бориши лозим. “Тавба ҳақида рисола”да шоир ўз давридаги

тамагир мансабдорлар, нодон кишилар, шуҳратпараст адиб-шоирларни ўткир ҳажв қилади. Асар қаҳрамони жаннатлар ва дўзахлар ичра сайр этиб, у жойларда ўзининг яхши ва ёмон замондошларини учратади, уларни бир-бир тавсифлайди. Данте (14-а.) “Илоҳий комедия”ни ёзишда мазкур рисоладан фойдаланган бўлиши мумкин.

М. мероси исломий маданият, ижтимоий-фалсафӣ ва диний тафаккур чўккиларидан бири бўлиб, ўзидан кейинги араб, форс, турк тасаввуф шоирлари ижодига баракали таъсир этган.

ал-МАЪОД (“қайтиш”) – келажакдаги ҳаёт, охир замондан кейинги ҳаёт (баъзи жиҳатдан охиратнинг синоними). Ал-М. тушунчаси охир замон (ас-саъа), ўликларнинг тирилиши (ал-қийама), Аллоҳнинг одамларни суд қилиши (йаум ад-дин, ас-суал), одамларни жаҳаннам ва жаннатга тушишларидан таркиб топган. Ал-М. ҳақидаги тасаввур – исломнинг энг асосий ақидаларидан бири.

Мусулмонлар ўртасида кенг тарқалган тасаввурга кўра, охир замон бўлишидан аввал ад-Дажжол пайдо бўлади, ёвузлик кучлари Ерда ғалаба қилади, шарқ томондан яъжуж ва маъжуж пайдо бўлади, Ер қаъридан сўзловчи қандайдир бир ҳайвон чиқади, Ер узра тутунлар буралаб кўкка бўй чўзади, Куёш ғарбдан чиқади. Сўнгра Исо (ас) ва ал-Маҳдий Дажжолни енгишади, Ер юзида адолат ўрнатилади, сўнгра эса, ас-саъа (соат) муддати келиб, унда йаум ал-қийама (ўликларни тирилиши куни), йаум ад-дин (суд куни), йаум ал-ҳисоб (ҳисоб куни) ва б. содир бўлади. Исрофил (ас) сур чалади, юлдузлар ерга қулайди, денгизлар тўлиб-тошади, тоғлар жойидан кўзгалади ва барча инсонлар ҳалок бўлади. Сурнинг иккинчи садоси б-н қачонлардир Ерда яшаган барча инсонлар қайта тирилиб бир ерга тўпланишди (ал-маҳшар). Сўнгра улар Аллоҳ олдида қаттиқ терга ботиб (ал-арак) узок вақт турадилар (ал-мауқиф). Аллоҳ одамларни қилган аъмоли бўйича сўрокқа туга бошлайди (ас-суал), фаришталар одамларни барча яхши ва ёмон аъмоллари ёзилган китобларни келтирадидилар. Сўнгра қилинган гуноҳ ва яхши аъмол тарозуга тортиб кўрилади (ал-мавазин).

Катта ҳовуз (ал-ҳауд) ёнида одамларни Муҳаммад (сав) кутиб олиб, айрим, арзимас

гуноҳлар қилган баъзи тақводорлар учун Аллоҳдан шафқат қилишини сўрайдилар. Шунинг учун баъзи гуноҳкорлар учун жаҳаннам абадий бўлмаслиги мумкин, айрим инсонларни эса, жаннатга тушишдан аввал унинг дарвозаси олдида кутишига тўғри келади. Барча инсонларнинг жаҳаннам устидан тортилган соч толасидек ингичка кўприкдан (ас-сирот) ўтишлари лозим бўлади: гуноҳга ботганлар ундан пастга қулайдилар, тақводорлар эса, ҳеч қандай тўсиқсиз жаннат боғларигача ўтиб оладилар.

“Ақидун Насафий” номли сунний ақидаларнинг тўпламида (12-а.) мусулмон эсхатологик (охират замонга оид) таълимотининг асосий ва эътироф этилган белгилари деб қуйидагилар аталган: ал-баъс (тирилиш), вазн (гуноҳкорларни тарозуда тортиш), китоб (аъмол ёзилган китоб), ас-суал (сўрок), ал-ҳауд (Муҳаммад (сав) кудуқлари), ас-сирот (жаҳаннам устидаги кўприк), жаҳаннам, жаннат. Охир замон аломатлари: Дажжолнинг пайдо бўлиши, Ердан ҳайвон (махлук)нинг чиқиши, яъжуж ва маъжужнинг пайдо бўлиши, Исо (ас)нинг қайтиб келиши, Қуёшнинг гарбдан чиқиши.

Умуман олганда ал-М. концепцияси исломни бошқа монотеистик динлар б-н бирлаштиради. Ўрта асрларда унинг янада кенгрок тафсилотлар б-н бойиб боргани араблар, шунингдек, исломни қабул қилган бошқа халқларнинг қад. эътиқодларидан олинган тафсилотларни кўшилгани б-н изоҳланади.

МАЪРИФАТ (араб. – билиш, англаш, идрок этиш) – тасаввуф тушунчаси; тасаввуфдаги мақомлардан бири; солиқ маънавиятининг кундан-кунга ортиб бориши, коинот ва табиат илму ҳикматидан, шунингдек, инсоний ва илоҳий сир-асрорлардан воқиф бўлиб бориши. Ҳадиси шарифда: “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта, таниб олади”, дейилган. Яъни, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳоний вужудини қанчалик чуқур тафаккур б-н ўрганиб, билиб борса, Аллоҳнинг улуғ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюк эканини шунчалик идрок этади. Инсон ўзидаги камчилик ва хатоларни қанча кўп сезиб иқрор этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканини шунча пайқаб олади. Ҳар бир инсон ўз М. ини билимига қараб юқори даражаларга кўтариши мумкин.

МАЪУНА – рост имонлари, гўзал эътиқодлари сабабидан кулфат ва машаққатлардан халос бўлишлари учун авом мусулмонлар томонидан содир бўладиган ғайриоддий иш.

МАҚБАРА (араб. марқад, турбат) – бирор майитнинг жасади жойлашган меъморий иншоот ёки тош тобут (дахма, сагана). М.лар ҳашаматли мураккаб иморатлар тақлидида тараккий топди. Бундай ҳашаматли М.лар яратилиши қад. Миср эҳромларида Фиръавни илоҳийлаштириш б-н буюк ва ўлмас деган ғоя олиб борилган.

Ўрта Осиёда дастлаб қабр устига бирор тош кўйиш, иморат қуриш ман этилган бўлса-да 9-адан халифалар шарафига М.лар қурила бошланган. Мовароуннаҳрда ҳам 9-адан махсус М.лар қуриш одат тусига кирган. Кейинчалик, асосан, машҳур кишилар (подшоҳлар, руҳонийлар, олимлар) қабри устига турли М.лар қурилган. Оддий М. гумбазли чорси хонадан иборат бўлган, унга пештоқли эшик орқали кирилган. Баъзан хонанинг 4 томони равоқли-чордара шаклида бўлади, кейинчалик М. қурилиши тобора мураккаблаша бориб, унда зиёратхона, гўрхона, тағхона-сардоба каби махсус хоналар пайдо бўлган.

МАҚОМ (араб. – жой, ўрин, манзил) – исломда суфийликка хос тушунча, ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар. Тарикатларда М.ларнинг сони ҳар хил келтирилади, лекин кўп ҳолларда 4 М. тилга олинади: шариат, тарикат, маърифат, ҳақиқат (қ. *Тасаввуф*). Лекин, тасаввуфнинг айрим йирик намояндалари М.ларни кўпроқ деб ҳисоблаган. Мас., Фаридуддин Аттор 7 мақом, Ғазолий 9 мақомни таърифлаган. Ҳар бир М. ҳам ўз навбатида бир неча кичик босқичларга бўлинади (айрим суфийларда бу босқичлар 8 дан 10 гача кўрсатилган) ва улар манзил деб аталади.

МАҚСУРА (“Тўсилган”) – халифа, ҳоким ёки бошқа юқори мансабдор шахсларни оломондан тўсиб туриш мақсадида шаҳарнинг жомеъ масжидида меҳроб ва минбар ёнида ўрнатилган ўйма ёғоч панжарали равон (павильон) ёки оддий панжара б-н тўсилган жой. Уни жорий қилишни Муовия (661–680) б-н боғлайдилар, у ҳайит намозларида тикилинч пайтида содир этиладиган суиқасдлардан ўзини сақламоқчи бўлган; 7-а. охири – 8-а. бошида М. энг йирик нонбликлар марказларида пайдо бўлган, сўнгра

йирик маъмурий марказлардаги барча жомеъ масжидларига тарқалган. Аста-секин бу истилоҳни қўллаш ҳам ўзгарган, М. деб масжиддаги ҳар қандай тўсилган, ажратиб қўйилган жой, мас., аёллар намоз ўқийдиган панжарали айвон ёхуд хазина сақланадиган равон (павильон) атала бошланган. Замонавий масжидларда одатда М. йўқ.

МАХДИЙ (араб. – Аллоҳ томонидан тўғри йўлга етакланувчи) – исломда замона охир бўлганда ерга қайтиб келиб адолат ўрнатади, деб тасаввур этиладиган пайгамбар. Шиалиқда М.га эътиқод қилиш катта ўрин эгаллаган.

МАХДИЙЛИК – замона охир бўлиши ва Имом Махдийнинг келиши ҳақидаги диний таълимот. Замона охир бўлганда “яширинган имом” ерга қайтиб келиб, адолатли тузум ўрнатади, деган эътиқод дастлаб шиалар ўртасида келиб чиққан. Кейинчалик бу таълимот суннийларга ҳам ўтган. Ислол мамлакатларида М. ғояларидан айрим давлатга қарши ҳаракатларнинг раҳнаmolари ҳам фойдаланган. Мас., Эронда бобийлар кўзғолонининг бошлиғи Али Муҳаммад (қ. *Боб*) ва 1881 й.да Суданда дехқонлар ва кўчманчиларнинг исёнига раҳбарлик қилган Муҳаммад ибн Аҳмад (1848–85) ва б. ўзларини ал-Махдий деб эълон қилган.

МАХМАЛ (михмал, махмил) – кенг маънода – туянинг устига ўрнатилган тахтиравон; унда бой сайёҳлар, одатда аёллар олиб юрилган. М. аш-шариф, ёки оддий М. – ҳашаматли безатилган бўш тахтиравон, муқаддас шаҳарлар – Макка ва Мадина (ал-Харамайн) устидан сиёсий ҳомийлик рамзи. 1266 й.дан ва танаффуслар б-н 1952 й.гача бир қатор мусулмон давлатлари (Миср, Ирок, Сурия, Яман) Маккага ҳажга юборилаётган асосий ҳожилар қарвони қаторида М.ни ҳам қўшиб жўнатганлар.

Бу анъананинг пайдо бўлиши мамлук султони Бейбарс (1260–1277)нинг Бағдодни мўғуллар томонидан босиб олинганидан сўнг (1258) халифанинг айрим имтиёзларига меросхўр бўлиши, Миср ва Яман б-н рақобатда (1258–1282) қисва жўнатиш ҳуқуқини қўлга киритишга интилиши б-н боғлиқ. Бу амалиётга риюя этиш, у ёки бу мамлакат томонидан Маккага М. жўнатишдан бош тортиш давлатнинг қудрати ёки сиёсий обрўсининг ошгани ёки заифлашганини, мусулмон ҳукмдорларининг

ўзаро рақобатини акс эттирган. Анъана бир неча бор ваҳҳобийларнинг қаршилиги туфайли тўхтаб қолган.

Мусулмон халқлари орасида М. – ҳаж маросимларини бажаришни ифодаловчи энг муқаддас рамзdir. М. алоҳида туя ёки махсус вагонда ташилиб қарвоннинг маркази бўлиб хизмат қилган. М.ни Маккага жўнатиш, у ерда уни шаҳарнинг кўзга кўринарли ерига, сўнгра уни Арафот тоғи этагига ўрнатиш, М.ни хожилар қарвони б-н қайтиб келиши халқ байрамига айланиб кетган. М. – барака келтирувчи деб ҳисобланган. М. жўнатиш амалиёти бекор қилингандан кейин у б-н боғлиқ удумлар хотирадан ўчиб бормокда.

МАХР (туркча меҳр; синоними садок) – тенг ҳуқуқли никоҳ (завож) тузилган пайтда хотинига ажратиб берадиган мулк. М. тўлаш – шундай никоҳнинг асосий шарти бўлиб, никоҳ муносабатлари учун хотинга тўланадиган ҳақ сифатида қаралади. М. фақат хотинга тегишли бўлиб, хотиннинг эри вафот этса ёхуд эри талок этиб бева қолгудек бўлса, уни моддий таъмин этган. Озми-кўпми қийматга эга ва мулк ҳуқуқи жорий этилган барча нарса М. бўлиши мумкин. Энг кам М.миқдори 10 дирхам (30 г кумуш), энг кўпи чекланмаган. М. қуда томонларнинг ўзаро келишуви б-н белгиланади. М. миқдори ва уни тўлаш шартлари алоҳида никоҳ битими (сиға)да айтилади. М. никоҳ шартномаси тузилган заҳоти берилиши (маҳр муъажжад) ёки бўлиб-бўлиб, ёхуд ажралиш пайтида (маҳр муъажжал) берилиши мумкин. М.нинг катта қисмини куёв албатта тўй куни қимматбаҳо буюмлар, безаклар, кийимлар ва б. (садок) кўринишида олиб келиши шарт бўлган, бу ҳам никоҳ шартномасида алоҳида қайд этиб ўтилиши лозим. М. келиннинг васийси ёки ишончли одамига (вакил ота), одатда отаси ёки қариндошларининг каттасига берилиши мумкин, зеро борди-ю ажралиш содир бўлса келин ўша хонадонга қайтиб бориши мумкин бўлсин. Бироқ М. бевосита келинни ўзига ҳам берилиши мумкин, у холда М. келиннинг шахсий мулки ҳисобланиб, келин уни тўла ҳуқуқли эгаси бўлган. М.ни ўз вақтида тўламаслик хотинга то у тўлик тўланмагунча шартли ажралиш (фасҳ) ҳуқуқини берган. Борди-ю, эр вафот этиб қолса, тўланмаган М. унинг мулкидан тегишли М. ажратилиб хотинга берилади.

Хотин бундан ташқари эрининг меросидан ҳам улуш олиш ҳуқуқига эга. Борди-ю, аёлнинг ихтиёри б-н никоҳ бекор қилинса (хул) ва икки томон бир-бирини қаргаб, лаънатлаб ажралишса (лиъан) ва М. тўланмаган бўлса, хотин киши М.дан маҳрум этилади. У ёки бу шаклда М. тўлаш одати ҳозиргача ислом мамлакатларида сақланиб қолган. Баъзи мамлакатларда М. микдорини бироз чеклаш йўлида ҳукумат томонидан қонуний чоратадбирлар кўриломқда. М. фақат исломга хос, шунинг учун уни қалин б-н айнан деб билиш ҳатодир. Қалин, гарчи ташқи томондан М.га ўхшаса-да, у исломни қабул қилган кўп халқларнинг қадимдан қолган урф-одати ҳисобланади.

МАХРАМ (араб. – қариндош) – шариатга хос тушунча; аёл киши юзи очик ҳолда кўришиши мумкин бўлган эркак яқин қариндошлар. Шариатга кўра, аёлнинг отаси, ўғиллари, ака-ука, амаки, бува, тоға, қайнатаси М., ундан йироқ турган эркак қариндошлар ва ёт эркаклар номаҳрам ҳисобланади. Аёл кишининг М. доирасига кирган эркаклар б-н никоҳ қилиниши тақиқланган. Аёлга уйланиши мумкин бўлган эркаклар номаҳрам ҳисобланади.

Аёл ҳар бир оиланинг ор номуси, химояга муҳтож инсон. Шу боисдан пайғамбаримиз (ас) аёллар сафарга М.сиз чиқмасинлар, деганлар. **МАХШАР** (араб. – тўпланиш, йиғилиш жойи) – суннийликдаги охират ва шиаликдаги маъод ақидаси б-н боғлиқ тасаввур. Ислом анъанасида дунё тугагач (қ. *Охират*), инсонлар тирилиб, ўрнидан туриб (қ. *Қиёмат*) тўпланадиган ва сўроқ қилинадиган кун, деб тасаввур этилади. Шундан М. кун охират кун ёки қиёмат кун мазмунида тушунилади.

МЕРОС (синонимлари ирс, вираса, вирс, тарика, турас) – мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси вафот этиши б-н уларнинг бошқа шахс ихтиёрига ўтиши. М.нинг барча мажмуаси, жумладан мерос бўйича ўтадиган нарсаларни белгилаш, меросхўрларни кўрсатиш, уни олиш ва тақсимлаш тартиби асосан жоҳилият давридаги Арабистон ўтрок аҳолисининг ҳуқуқий меъёрларидан олинган ва Қуръонда тасдиқланган. М. илм ал-фароиднинг алоҳида ҳуқуқий соҳаси ҳисобланади. М. тушунчасига ўлганнинг мулкани олишдан ташқари унинг қарзларини

тўлаш, ундан қолган мажбуриятларни бажариш, васиятини ижро этиш, ўлган киши оиласини ўз қарамоғига ёки васийлигига олиш ва б. киради. Меросхўрлар ўртасида қолган мулкнинг камида учдан икки қисми тақсимланади, васият бўйича эса, кўпи б-н учдан бирдан маҳрум этиш мумкин. Марҳумнинг М. олиш ҳуқуқига эга бўлган қариндошлари уч тоифага бўлинади: а) 1-даражадаги энг яқин қариндошлар: ота-онаси, хотинлари, фарзандлари; б) 2-даражадаги қариндошлар: боболар ва бувилар, ака-ука ва опа-сингиллар, набиралар; в) 3-даражадаги қариндошлар: амаки, тоға ва амма-холалар, аммавачча, амакивачча, холаваччалар. Бунда қондош ва ўғай қариндошлар ўзаро тенг ҳуқуққа эга, боқиб олинган болалар қондошлар б-н тенг деб белгиланади. 2-даражадаги қариндошлар 1-даражадаги қариндошлар йўқ бўлса, М.га эга бўлишлари мумкин, 3-даражадаги қариндошлар агарда 1- ва 2-даражадаги қариндошлар йўқ бўлса, М.га эга чиқишлари мумкин.

М. тақсимланиш пайтида, бу жараён бошланишидан аввал вафот этган шахснинг мулкидан у ижарага олган, шартномага кўра унинг ихтиёрида бўлган барча нарсалар ажратиб кўйилади, қарзлар тўланади, хотинларга маҳр ажратилади, хўжайини вафот этгач, озод қилинишга ваъда берилган қуллар озод этилади. Сўнгра барча қолган мол-мулк баҳоланади ва ундан васият бўйича маҳрум этилган қисм ажратилади; фақат шундан сўнггина у меросхўрлар ўртасида уларнинг улушига қараб тақсимланади.

МЕЪРОЖ – қ. *Исро ва меърож*.

МЕЪРОБ (араб. – саждагоҳ) – 1) масжиднинг Макка (Каъба) томонидаги девори ичига таҳмон шаклида қурилган жой. М. ислом динининг дастлабки даврларидан ҳар бир масжидда мавжуд. У намоз ўқиладиган томон (қибла)ни белгилаш учун хизмат қилади. 2) Арабларда мажлисларнинг тўри. 3) Уйнинг тўри.

МИКОИЛ, М е к о и л – исломда тўрт бош фариштадан бири (Азроил, Жаброил, Исрофил б-н бирга). Диний анъанада коинотни моддий таъминловчи фаришта ҳисобланади. У Қуръонда Жаброил б-н бир қаторда тилга олинади (2-сура 92-оят). Ривоятларда айтилишича, М. Жаброил б-н бирга Одаматого

биринчи бўлиб сажда қилган, Муҳаммад (сав)нинг кўксиларини ёриб, юракларини поклаган. Муслмонларга *Бадр жангида* бошқа фаришталар б-н бирга ёрдам қилган.

МИЛЛА – дин, диний жамоа. Қуръонда М. истилоҳи б-н мажусийлик (18:20/19; 14:13/16), яҳудийлик ва христианлик (2:120/114), Иброҳим (ас)нинг ҳақиқий дини, уни яҳудийлар, христианлар ва мажусий-арабийлар томонидан бузилгани (6:161/162; 2:128/122; 130/124; 3:95/89; 4:125/124 ва б.), Муҳаммад (сав) томонидан тиклангани ва у зотнинг издошларини бирлаштиргани англатилган.

М. Расулulloҳ (сав) томонидан диний белгиларига кўра бирлашган кишилар уюшмасини англатган (к. *Умма*), Қуръондаги истилоҳлар қаторида туради.

М. истилоҳининг икки хил маънода (дин – уюшма) экани Муҳаммад (сав) замондошлари бўлган шоирлар ижодида, ўрта аср муслмон адабиётида (мас., Табарий, Ибн Халдун), ўрта аср ҳукмдорлари унвонларида (мас., илк Фазнавийларда) кўзга ташланади. Истилоҳ “йўналиш”, “тариқат” маъносида ҳам ишлатилган [мас., ал-Халложда].

Усманийлар салтанатида 15-а. 2-ярмидан М. истилоҳи б-н (миллат шаклида) давлат томонидан расман эътироф этилган ва чекланган мухторият ҳуқуқини олган диний жамоалар (грек-православ, арман-григориан ва яҳудийлар жамоаси) англатилган.

Янги даврда М. истилоҳи эски, Қуръондаги маъноси б-н бирга “халқ”, “миллат” каби маънога эга бўлди.

МИНБАР – масжидда имом ваъз айтадиган баланд жой. кенг зинапояли супа. Биринчи М. баланд ўриндикли бўлиб, унга 2 зина б-н чиқилган, Муҳаммад (сав) 628–629 й.ларда ваъз ўқиганларида унда ўтирганлар. Шу ягона М.дан биринчи уч халифа фойдаланган, фақат *Али* даврида *Куфада* иккинчи М. пайдо бўлган, кейинчалик *Муовия* даврида *Дамашқда* яна бир М. вужудга келган. *Умавийлар* давлат бошқарувининг охиригача М. тахт сингари ҳокимият рамзи сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Ваъзхонга кафедра бўлиб хизмат қилган биринчи М. 748 й.да, *Марвда Абу Муслим* ғалаба қилгандан кейин пайдо бўлди; шу вақтдан бошлаб сиёсий ҳокимият рамзи бўлмади.

МИНОРА (араб. – маёқ) – асосан, масжид ва мадрасалар ёнида ёки уларга туташ қурилган

баланд иншоот. Муаззин М.га чиқиб, азон айтади – намозхонларни ибодатга чақиради. Баъзи М.лар шаҳарга, маълум бир меъморий мажмуага кўрк ва салобат берувчи ёдгорлик сифатида ҳам қурилади. Мас., Самарқанд, Хива (Ислохўжа мадрасасининг минораси, Катта минор) ва Бухородаги (Минораи Калон) М.лар. **МИНОРАИ КАЛОН** (Катта минора) Арслонхон минораси – Бухородаги меъморий ёдгорлик. Муҳандис ва меъмор Бако лойиҳаси асосида Арслонхон қурдирган (1127). М.к. ўрнида аввал ҳам минора бўлган, у қулаб тушгач, ҳоз.си мустаҳкам қилиб қайта қурилган. Пойдевори тош ва маҳсус қир қоришмасидан терилган. Ер сатҳидан 9 м чуқур, бал. 50,0 м, курсиси киррадор, танаси ғўласимон, тепаси гумбазли давра кафаса-кўшк б-н боғланган. Минора юқорига ингичкалашиб боради ва муқарнас б-н тугайди. Қафасасидаги 16 равоқли дарчалар орқали атрофни кузатиш мумкин. Тепага минора ичидаги 104 пилиоя айланма зина орқали чиқилади. *Масжиди Калон* томонидан минорага ўтиладиган кўприкча бўлган. М.к.нинг ўзаги ҳам, безаги ҳам чорси ғишт (27x27x4-5 см) ганччок лойида терилган. Безак ғишти ўрнига қараб турли шаклда, сирти силлиқ пардозланган. Устмасу уст жойлашган турли хил ҳандасий шаклдаги бежирим безакли халқалари ғиштин данданалар б-н ҳошияланган. Безаклар орасида тарихий ва диний мазмундаги кувий ёзувлар учрайди. Муқарнас остидаги мовий ранг сиркор халқаларнинг ҳар бири турли хил ҳандасий шаклда безатилган (кейинчалик тўкилиб кетган). М.к. шу турдаги қад. иншоотлар орасида алоҳида ўрин тутади. Шаклларнинг ўзаро монандлиги ва мутаносиблиги, ҳандасий уйғунлик, ажойиб кўрк ва маҳобатлилиқ М.к.га чинакам гўзаллик багишлайди. Танаси ва муқарнаслари таъмир этилган (1924). Ер остидаги асоси (курсиси) уста Очил Бобомуродов томонидан очиб таъмирланган (1960). Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати б-н М.к.да таъмирлаш ишлари олиб борилди (1997). М.к. Бухоро ш.нинг ноёб ва кўхна ёдгорликлари қаторидан марказий ўрин эгаллаган.

“МИР АРАБ“ МАДРАСАСИ – Бухородаги диний ўқув юрти. Малакали диний мутахассислар тайёрлайди. Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфида. Яманлик

амир Абдуллоҳ томонидан Бухоро хони Убайдуллахон инъом қилган маблаг ҳисобиға қурилган (1530–36); мадраса амирнинг лақаби б-н Мир Араб деб аталган. Шўролар даврида фаолияти вақтинча тўхтатилган, 1945 й.да яна тикланган. Ўқув муддати 4 й. Ўқув юрти қундузги бўлимиға 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли кишилар қабул қилинади. Диний фанларни, араб тилини ўқитиш Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан тузилган режа асосида, умумтаълим фанларни ўқитиш эса, республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан мактаб ва ўрта махсус ўқув юртлири учун ишлаб чиқилган дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар асосида олиб борилади. Ўқув машғулотлари маъруза, семинар тарзида ўтказилади. Дарслар ўзбек ва араб тилларида олиб борилади. Талабаларға инглиз, рус ва форс тиллари ҳам ўргатилади. Ўқув режаси ва дастурлари талабларини тўлиқ бажарган, битирув имтиҳонларини муваффақиятли топширган талабаларға диплом берилади.

МИР ДОМОД, Мир Муҳаммад Боқир ибн Шамсиддин Муҳаммад ал-Хусайний ал-Астрободий (? – 1631/32) – шиа илоҳиётчиси ва файласуф, Исфаҳон фалсафа мактаби асосчиси. Астрободда, машҳур шиа оиласида туғилган. Тусда таълим олган, шоҳ Аббос I даврида (1587–1629) Исфаҳонға бориб саройда хизмат қилган. Илоҳиёт ва фалсафа б-н кўп шуғулланган. Нажафда вафот этган. М.Д.нинг маънавий дунёси Ибн Сино фалсафаси, ас-Сухравардийнинг ишроқ теософияси ва шиаликдаги имомат концепцияси таъсирида шаклланган. Олимлар ўртасида М.Д. “Учинчи муаллим” (“Биринчи муаллим” – Аристотель ва “Иккинчи муаллим” – ал-Форобийдан сўнг) унвонини олган. Ишроқ ғояси доирасида Исфаҳон мактаби вакиллари шиаликдаги ўзларининг таълимотларини яратганлар. М.Д. кўп асарлар ёзган. Уларнинг орасида энг машҳурлари – “Китоб ар-раваших ас-самавийа”, “ар-Рисала ал-халъийа”, “ал-Жизават” бўлган.

МИР КУЛОЛ Бухорий [тахм. 1288, Бухоро яқинида(хоз. Когон тумани)ги Сухор қишлоғи – 1371] – хожагон-нақшбандия силсиласининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг олтинчиси.

Хожа Муҳаммад Бобойи *Самосий*дан таҳсил олган. Кулолчилик б-н шуғулланганлиги сабабли **Мир Кулол** номи б-н машҳур. “Силсилаи Шариф”да 15-ҳалқанинг пири сифатида келган. Унинг 114 халифаси бўлиб, *Баҳоуддин Нақибанд*, Шамсуддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Ориф Дегтароний энг машҳурлари саналган. Унинг ҳаёти ҳақида “Мақомати Мир Кулол” китоби яратилган. Туғилган қишлоғида дафн этилган. Қабри устида макбара ўрнатилган.

МИР САИД БАҲРОМ МАҚБАРАСИ – Кармандаги меъморий ёдгорлик (10–11-аллар). Бир хонали мурабба тарҳли (4,5 x 4,5 м), гумбаз томли. Сомонийлар даври меъморлиғиға хос услубда пишиқ ғишт (21 x 21 – 3 см)дан безакли қилиб терилган. Пештоқи 3 қисмдан иборат, хошияли. Шарафаси ва икки ён томони майда ғиштлардан терилган. Равоқ хошиясида қуфий ёзувида Қуръондан оятлар битилган. Табадонига ёй шаклдаги ўйма панжара ишланган. Устунгўшасиға ғиштлар жуфт-жуфт қилиб “қўш” услубида терилган. Ён ва орқа деворлари безаксиз. Ички гумбаз ости бағали саккиз қиррали равоқ (5 ғиштин устун)ға таянган. Пештоқи пишиқ ғишт (26,5 x 26,5 x 5 см)дан қайта терилган. Макбара бир неча бор таъмир этилиб (1960–70 й.лар), дастлабки кўринишини йўқотган. Макбара меъморий қисмларининг ўзаро аниқ нисбати, нақшларининг ихчамлиги б-н ажралиб туради.

МИХНА – “синов”. 833 й.дан бошлаб аббосий халифалари Маъмун, Муътасим ва Восиқ даврида мавжуд ҳокимиятға нисбатан холис ёки нохолис эканликларини билиш мақсадида илоҳиётчилар М.ға дучор қилинганлар. Қуръонни ўз вақтида яратилганини (худус ал-Қуръон) эътироф этганлар холис деб ҳисобланганлар, бунинг аксини айтганлар эса, қатағон қурбонларига айланган. М. авваламбор Бағдодда ўтказилган, унинг қурбонларидан бири Аҳмад ибн Ханбал бўлган. Халифа ал-Мутаваккил 849 й. Қуръоннинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳар қандай мунозарани ман этиши б-н М.ға чек қўйилган.

МОЗОР (араб – зиёрат қилиш жойи) – ўтмишдаги машҳур шахслар, хусусан, азиз-авлиёлар дафн этилган жой. Ислом диниға кўра, улуғ зотларнинг қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳларини дуои хайрлар б-н хотирлаш савобли ишлардан ҳисобланади.

Лекин, марҳум азиз-авлиёлар қабрига сифиниш, улардан мадад сўраш, фарзанд, шифо тилаш шаръан ман этилади. М.да ҳожат сўралганда фақат Аллоҳнинг ўзидан сўраш лозим.

МОЛ (кўплиги амвол) – хусусий, мулк (ўтроқ арабларда – “пул”, “бойлик”, бадавийларда – “туялар”, “чорва”). Ўрта аср муаллифларининг тушунтиришларига кўра, М. тўртга категорияга ажралади: “соқов” (қимматбаҳо тошлар ва пуллар), “сўзловчи” (қуллар ва чорва), товарлар ва кўчмас мулк. Тор маънода М. – молия, пул маблағлари (молия ва солиқларга доир кўп рисолалар ҳам шундай аталган – “Китоб ал-амвол”), шундан байт- ул-мол ва мол ал-муслимин (барча мусулмон жамоасига тегишли маблағлар); баъзи ҳолларда М. натурал солиқлардан фарқли равишда пул б-н тўланадиган солиқларни англатган. У ёки бу шаклда М. мусулмон халқларининг барча тилларига ўтган.

И.ч. ёки савдога қўйилган маблағлар раъс ал-мол (асосий маблағлар, сармоя), даромад эса, – гаъла, рибх деб аталган. Ҳозирда раъс ал-мал сўзи “сармоя” истилоҳининг айнан мазмунини беради.

МОЛИК ибн **АНАС** Абу Абдуллоҳ (713–795) – факих, муҳаддис, *моликийлик* мазҳабининг асосчиси. Мадинада тугилган. Болалиқдан диний илм олди, Куръони каримни ўрганди. Ислом ҳуқуқини пухта эгаллаб, “Мадина имоми” унвонига сазовор бўлди. М.и.А. бирор сиёсий оқимга эргашмаса-да, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши қондасини афзал ҳисобларди. лавозимларга маъмурий тайинланишларга қарши эди. М.и.А. Муҳаммад (сав) саҳобалари айтган ҳадисларни муайян мавзуларга ажратиб, “ал-Муваттаъ” (“оммавий, барчага тушунарли” маъносига) деб аталган тўплам тузди. Муҳаддис бунинг учун 40 й. умрини сарфлади. Бу илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган.

М.и.А. мударрислик фаолияти б-н шуғулланган. Шогирдлари орасида таникли муҳаддис Муҳаммад Шайбоний (805 й. в.э.), шофиийлик мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофиий (820 й.в.э.) бўлган. М. и. А.нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари асосида ҳокимият халифа қўлида бўлиши, халифа эса қурайшийлардан сайланиши, алоҳида ваколатли шахслардан ташкил топган гуруҳ (шўро) уни тасдиқлаши керак, деган фикр

ётади. Умуман у Муҳаммад (сав) давридаги анъаналарни ёқлаб чиққан, яъни “асҳоб ал-ҳадис” (“ҳадис тарафдорлари”) оқимининг йирик намояндаси бўлган. Умрининг охирида зоҳидликка берилган ва узлатда яшаган.

МОЛИКИЙЛИК – суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. *Молик ибн Анас* асос солган. М. Мадинада пайдо бўлди, Арабистон я. о.га, кейин Миср, Шим. Африка ва Андалусияга тарқалди. Молик ибн Анаснинг “ал-Муваттаъ” (“оммавий, барчага тушунарли” маъносига) асари М. таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади. М. тарафдорлари Муҳаммад (сав) ҳаётликлари вақтида илк исломда шаклланган фикҳ меъёрларини тан олади, фикҳнинг асосий манбаи сифатида Куръон ва суннага таянади, Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик б-н маъқуллаган қоидаларнигина *ижмоъ* деб ҳисоблайди. Шу б-н бирга мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шариат ҳукмларига монелик қилмайди. Ҳоз. вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қатор жиноят қонунлари асосини ташкил этади.

МОМОХАВО (қадимий яҳудийча “ҳавво” – ҳаёт манбаи) – *Одаматонинг* хотини, биринчи аёл ва инсон зотининг онаси. Инжилда Ева номи б-н маълум. М. Одаматонинг қовурғасидан яратилган, деб шарҳланади. У Иблиснинг сўзига кириб, Одаматони ман қилинган мевани тотиб кўришга ундайди. Шу гуноҳи учун М. жаннатдан қувилиб, ерда яшашга маҳкум этилади. Улар Макка яқинида яна учрашишади. М. Одамато ўлимидан кўп ўтмай қазо қилади ва унинг ёнига дафн этилади. Нақл қилишларича, М. гуноҳлари туфайли аёллар жисмоний азоб чекишга – ҳомилдор бўлиш, туғиш ва х. к.га маҳкум этилган. М.нинг гуноҳига қарамай тақводор аёллар жаннатга тушиши хусусида Аллоҳ ваъда қилган.

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур ал-Мотуридий (тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий; 870–944) – буюк имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. “Имом ал-худо”, “Имом ал-мутақаллимон” (“Ҳидоят йўли

имоми”, “мутакаллимлар имоми”) номлари б-н улуғланган. Самарқанднинг Мотурид қишлоғи (ҳоз. Жомбой тумани)да таваллуд топиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаган, бу ерда қатта боғ ҳам барпо этган. М. Самарқанддаги ал-Айозий мадрасасида ўқиди, маҳаллий ханафий фақиҳлардан таълим олди, кейин ўзи фикҳ ва қалом илмларидан дарс берди. Васиятига кўра, Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган. М.нинг асосий асарлари “Китоб ат-тавҳид” (“Яккахудолик ҳақидаги китоб”) “Таъвилот аҳл ас-сунна” (“Суннийлик аъёнлари шарҳи”)дир. “Китоб ат-тавҳид” билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётининг биринчи асари ҳисобланади. Китобнинг қалом илми таърифи берилган муқаддимасида билимнинг уч манбаи: ҳиссий (сезги) аъзолари воситасида, нақл-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида ахборотлар олиш мумкинлиги ҳақида гапирилади. М. соф дин доирасидан чиқмаган ҳолда ақл-идрокни улуғлайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди.

М. илоҳиётчи олим сифатида муҳим ақидавий масалалар – жузъий ихтиёр, эътиқод, охират ҳаёти қабиларни қамраб олувчи рисолалар битди. “Маъхаз аш-шариъа”. (“Шариат асослари сараси”), “Китоб ал-усул” (“Диний таълимот усули китоби”), “Китоб ал-жадал” (“Диалектика ҳақида китоб”) каби асарлари шулар жумласидандир. М. *Абу Ханифа* қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Хасан ал-Ашъарий (873–935) ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини такомиллаштириб, уни суннийлик эътиқодига кириб қолган нотўғри, ғайри саҳих ақидалардан тозалади.

М. илмий меросини бутун дунё қизиқиб ўрганмоқда. Унинг асарлари айрим кўлёмчалари бизгача етиб келган ва қисман тадқиқ қилинган. Жумладан алломанинг Куръонни тўғри ўқиш учун мўлжалланган “Таъвилот ал-Куръон” асари ва унинг узвий давоми ҳисобланмиш “Иршод ал-мубтадийн фий тажвиди Қиломи раббул-оламин (“Куръон ўқишга киришганлар учун қўлланма”) китоби ҳозирда ЎзР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Геттинген (ГФР) университетининг проф. Рудольф Ульрих “ал-Мотуридий ва Самарқанд

суннийлик илоҳиёти” асарини 1997 й. немис тилида нашр эттирди. Унинг ўзбек тилидаги нашри ҳам тайёрланди (Тошкент, 2001).

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан 2000 й.да М. таваллудининг 1130 й.лиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат б-н Тошкент ва Самарқандда М. таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқега бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди, Самарқандда аллома қабри устида ёдгорлик мажмуаси барпо қилинди.

МОТУРИДИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ, Имом ал-*Мотуридий* таваллудининг 1130 й.лиги (2000) муносабати б-н, ЎзР Президенти И.А. Каримов ташаббуси б-н Самарқанд ш. марказида бунёд этилиб, рамзий макбараси ўрнатилган (ҳудуди тахм. 4 га). Ёдгорлик Регистон ансамбли яқинида. Вобқент, Ғиждувон ва Бухоро кўчалари оралиғида жойлашган. Бош кириш қисми Вобқент кўчасидаги хиёбон орқали. Лойиҳага кўра 3 қисмга (марказий, боғ ва хўжалик) бўлинган, улар ўзаро бир-бири б-н хиёбонли йўлка орқали боғланган. Лойиҳа ўқи манзарали мужассамотда яратилиб, макбара биносига туташган. Шаршарали фавворалар хиёбонли йўлка марказида қурилиб, атрофи ободонлаштирилган.

Ёдгорликнинг меъморий лойиҳаси ва бадийи ечимида ўзбек миллий маҳобатли санъатининг энг яхши аъёнлари қўлланилган. Макбара пишиқ гиштдан, мурабба тархли (12x12 м), шифти гумбазли (бал. 15 м), пойгумбази 24 кичик равоқчаларга бўлиниб, ганҷкори панжаралар б-н безатилган. Панжаралар юқориси мураккаб тузилишдаги муқарнаслар б-н тўлдирилган. Хона марказига қўйилган сағанана араб ёзувида буюк олимнинг сўзлари битилган.

МОТУРИДИЙЛИК – қаломдаги оқим, Абу Мансур *Мотуридий* асос солган. 9-а. охири – 10-а.да Мовароуннаҳрда исмоилийлар ақидаларига қарши жавоб тарзида вужудга келган.

Бу таълимот ривожланиб, 13-адан кейин Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб, мусулмон Шарқи мамлакатларига ёйилди. Салжукийлар ҳукмронлиги даврида ҳамма жойда ислом ақидаларида М. татбиқ қилинди. Суннийликнинг *ханафийлик* мазҳабига эътиқод

килувчиларнинг барчаси ақида бобида имом Мотуридий, унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган асарларга таяниб иш кўрдилар. Ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шим. Африкада бу таълимот ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинмоқда.

М.нинг кенг ёйилишига унинг муътадиллик йўлини тутгани, ақидавий масалаларда Қуръон, ҳадис ва ақлу идрок, мантиқ ҳамда ҳақиқатга энг яқин тургани сабаб бўлди. Имом Мотуридий тарафдорлари билишда фақат ақлга суяниш керак, деган муътазиллийлардан фарқли ўларок, ақл б-н нақлни қўшиб фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Муътазиллийлар Қуръонни яратилган десалар, мотуридийлар уни қадим, азалий, деб билладилар. Имон-эътиқод хусусида М. таълимоти, айниқса, диққатга сазовор. Муътазиллийлар имоннинг шартлари 3 та, яъни тил б-н иқдор, дил б-н тасдиқ ва амал б-н ижро этиш, десалар, М.да имоннинг шартлари 2 та, яъни тил б-н иқдор этиш ва дил б-н тасдиқлаш, амалларнинг ўрни эса бошқа, деб таъриф қилинади.

М. ҳар бир инсоннинг тақдири Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб биллади. Инсон имтиҳонлар учун яратилган. Шу б-н бир вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. У ўз хатти-ҳаракатларида ихтиёрлидир.

МУАЗЗИН (араб. – “даъват этувчи”, “чақирувчи”, азон айтувчи) – масжидда азон айтиб, намозга чорловчи шахс; халқ тилида “сўфи” деб ҳам аталади. М. учта асосий вазифани адо этади: намозхонларни тўплайди, имомни чақиради ва намоз бошланганлигини эълон қилади. Ушбу уч мажбурият вақт ўтиши б-н маълум ўзгаришларга учраган. Дастлаб М. мусулмонлар яшайдиган уйларни айланиб чиқиб уларни шу тариқа намозга тўплаши лозим бўлган. Минора пайдо бўлиши б-н М. азонни унинг тепасига чиқиб айтадиган бўлган. Илк ислом даврида шаҳарнинг жоме масжидида намоз пайтида ҳокимнинг ўзи имомлик вазифасини бажаргани туфайли М.нинг зиммасига намозхонлар тўпланганларидан сўнг ҳокимни чақириш ҳам юклатилган. Бу тажриба

8-а. ўрталаригача давом этган. Ибодат бошланганлигини эълон қилиш учун махсус чақириш – иқома хизмат қилган, у орқали дастлабки вақтларда масжидга ҳоким келгани билдирилган. М. илк ислом даврида ҳокимнинг хизматкори ва ёрдамчиси ҳисобланган.

Давр ўтиши б-н азон айтиш мураккаблашган, ўз таркибига калимаи шаҳодатни киритган ва ибодатнинг ўзига хос турига айланган. Шунга мувофиқ Млик ҳам янгича талқинга эга бўлган. Унинг фаолият доираси кенгайган. 7-а. охиридаёқ Мисрда М. зиммасига тунда қўшимча намозларни ўқиш юклатилган. Бундан ташқари 9-а.нинг иккинчи ярмида М.нинг махсус хонасида намозхонлар тунда Қуръондан сура, оятларни тиловат қилишлари лозим бўлган, 12-а.нинг иккинчи ярмида, Салоҳиддин даврида М. кечки азон пайтида ақида ўқий бошлаган, 14-а. бошидан эса, жума кунлари эрталаб минорада зикр тушилган. Муҳаммад (сав) ҳузурларида икки М. – ҳабаш чўри ўғли Билол ибн Рабоҳ ва Абу Бакр (ра)нинг мавлоси Ибн Умм Мактум бўлишган. Шунинг учун масжидларда икки М. бўлиши мақтовга сазовор деб билинган. Бироқ кичик масжидларда М.нинг вазифасини кўпинча имоннинг ўзи бажарган ва бажармоқда. Млик вазифаси кўпинча меросий бўлган. Халифа Усмон (ра) даврида (644–656) М.лар маош оладиган бўлишган.

Ўрта асрларда М.лар ташкилот (корпорация)га бирлашганлар, унинг тепасида раис ал-Муаззинин турган.

М. вазифасини таҳоратсиз, маст, ақли норасо кишилар ва аёллар бажариши мумкин эмас. Миноралар пайдо бўлиши б-н назарий жиҳатдан М.ни баландликдан туриб масжид атрофидаги уйларнинг ҳарамига ва ичкари қисмига кўз ташламаслиги учун кўзи кўр бўлиши афзал деб билинган.

Ҳоз. пайтда мусулмон мамлакатларида М.лар овоз-кучайтириш мосламаларидан фойдаланадилар.

МУАЛЛАҚ ТОШ – Ақсо масжиди яқинидаги Қуббатус Сахра масжиди ичидаги тош. Қуддус (Исроил) ш.да. Ривоятларга қараганда, Расулulloҳ тош орқали Буроқга чиққанлар. Ушбу М. т.нинг ҳажми тахм. 7–8 кв. метр келади. Унинг пастки қисмида 2 киши сиғадиган ғорча бор. Ғор ичига кирилса, 7 киши сиғадиган жой бўлиб, у ерга жойнамоз

тўшаб кўйилган, кирган одам икки ракаат намоз ўқиб чиқади. Ушбу тош атрофи 1 м баландликда панжара б-н ўраб кўйилган. Расулulloҳ осмонга кўтарилганларида тош ҳам орқаларидан эргашиб, ҳавога кўтарилган-у, пайғамбар “тўхта” деганларида, у ердан 2 м кўтарилганича қолаверган. Мусулмонларга бу тошни муқаддаслаштириш ёки зиёрат қилиш буюрилмаган.

МУБОРАК КЕЧАЛАР – баъзи мусулмонлар муқаддас ҳисоблаб, махсус нишонлайдиган кечалар. Булар – рағойиб, бароат, меърож ва қадр кечаларидир.

Рағойиб – Пайғамбаримиз (сав)нинг жавҳарлари оталаридан оналарига тушган кун деб эътиқод қилинади ва у ражаб ойининг илк жума кечасига тўғри келади; бароат (шаъбон ойининг 15-кечаси) – покланиладиган, гуноҳлар кечириладиган тун сифатида; меърож – ражаб ойининг 27-кечаси пайғамбаримиз (сав) меърожга чиққанлари учун нишонланилади, яъни, тоат-ибодат ила машғул бўлинади. Аслида, булардан фақат биттаси – Қадр кечасигина пайғамбаримиз томонидан қўтилган ва тоат-ибодат б-н ўтказишга буюрилгандир. Қолганлари кейинги даврлар “махсули” бўлиб, бидъат амаллар ҳисобланади. Қолаверса, бу кечаларнинг қайси кунга тўғри келиши хусусида ихтилофлар бор.

Хуллас, Аллоҳ таоло афзал қилган, Пайғамбаримиз (сав) муборак билган маълум бир ой, кеча, кунлар бор – рамазон ойи, икки ҳайит, жума кунлари, қадр кечаси. Бу борада ҳам Пайғамбаримиз (сав) ва саҳобалар изидан бориш энг тўғри йўлдир.

МУБОҲ (араб. – умумий, ихтиёрий иш-ҳаракат) – шарият тушунчаларидан бири. Унга кўра, қилиш ва қилмаслик баробар бўлган амал. Уни қилган кишига ҳам, қилмаган кишига ҳам савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқдир. Ҳаром бўлмаган, ман қилинмаган (қайтарилмаган) ишларнинг ҳаммаси М.дир. Мас., ўтириш, туриш, юриш, ётиш, ухлаш, ҳалол таомларни ейиш ва б. М. амалларнинг адади беҳисоб. М. б-н жоиз тушунчаси мазмунан бир.

М. масаласи фикҳнинг аҳком бўлими томонидан талқин қилинади. Мазҳабга кўра, бир хил хатти-ҳаракат М. ёки М. бўлмаслиги мумкин. Ҳоз. ислом жамиятида М. муаммоси анча долзарбдир, чунки у жамият ҳаётидаги

ва маиший турмушдаги янги ҳодисаларни қабул қилиш ёхуд рад этиш б-н боғлиқдир. Чунончи, артистлик ва бадний ижод айниқса, рассомлик ва мусиқа б-н боғлиқ кўплаб саволлар хусусида анчадан буён мунозаралар мавжуд. “Ортиқча дабдаба деб билинадиган нарсалар” тушунчасини белгилаш, чўчка териси ва мойидан фойдаланиб тайёрланган импорт маҳсулотлар (пойабзал, косметика)ни ишлатиш мумкинлигини аниқлаш, европача кийиниш, айниқса, аёлларни шундай кийим кийиш имкониятларини белгилаш, бўш вақтдан фойдаланиш ва б.ни аниқлаш жуда мураккаб бўлиб келмоқда. Ҳар бир мамлакатда умумий шароитдан келиб чиқиб М.нинг энг кам чекланишлари устидан назорат қилиш кучли ёки кучсиз бўлиши мумин. М. масалаларини ҳал этишда ҳуқуқнинг рационал манбалари (истихсон, истислоҳ ва б.)ни жалб этиш катта аҳамиятга эга.

МУДАРРИС (араб. – дарс берувчи) – мадраса ўқитувчиси. М.лар муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Ҳозир мадрасалар ва диний ун-тларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам М. деб аталади.

МУЖАССИМИЙЛАР, ал-Мужассима (“жисмлантирувчилар”) – Аллоҳни жисм сифатида тасаввур этувчи турли ақидавий мактаблар издошларининг умумий номи. М. номи кўпинча ал-мушаббиханинг синоними сифатида қўлланилган. Шиъа ақидаси асосчиларидан бўлган Ҳишом ибн ал-Ҳакам (814 й. Бағдошда в.э.) Аллоҳни жисм сифатида белгилаб, У уч ўлчов бирлиги (узунлик, кенглик, баландлик) б-н чекланган, жисм хусусиятларига (ранг, хид, ҳаракат ва б.) эга деб ҳисоблаган.

МУЖОҲИД (араб. – эътиқод учун, муқаддас иш учун курашчи; айнан – жиҳод урушининг иштирокчиси) – Шарқдаги барча мусулмон мамлакатларида ишлатиладиган тушунча. Илк исломда ва ўрта асрларда М. худо йўлида жанг қилувчи, деб талқин этилган. Йирик ислом руҳонийлари ёки ташкилотлари бирор урушни жиҳод (ғазавот) деб фатво берган ҳолдагина ана шу уруш қатнашчилари М. ҳисобланган. Ҳоз. даврда мусулмон мамлакатларида демократик ҳаракатларга ва миллий ҳукуматларга қарши олиб борилаётган реакцион ҳаракатлар иштирокчилари ўзларини М. деб атайдилар.

МУЖТАҲИД (араб. – интилувчи, ғайрат килувчи) – ўрта асрларда исломда *ижтиҳод* ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича ҳулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар М.лар деб аталади.

Ислом уламолари иттифоқига кўра, пайгамбар (ас)нинг кўп саҳобалари ҳам М. бўлганлар. Чунки, кейинги авлодлар улардан исломнинг аввалидаги фикхий илмларни олганлар. 8-а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб мазҳаб асосчилари ва уларнинг усулларини ишлаб чиққан издошлари М. деб атала бошланган. М.лар уч даражага ажратилган: 1. Шариат даражасидаги М. (мужтаҳид фи-ш-шар); у амалиётда қўллаган манбаларни ўзи аниқлаган, ўзи шарҳлаган. У ҳеч кимнинг эътирозини қабул қилмаслиги мумкин бўлган. 2. Мазҳаб даражасидаги М. (мужтаҳид фи-л-мазҳаб); у ҳар қандай масалани фақат ўз мазҳаби асосчиси манбаларига суянган ҳолда ҳал этган. 3. Айрим масалаларни ечиш даражасидаги М. (мужтаҳид фи-т-таржих); у ўзидан аввалги М.лар ҳал этмаган масалаларни тадқиқ этиш ҳуқуқига эга бўлган. Агарда кўрилатган масала бўйича ҳукмлар бир неча бўлса, у ўзининг илмий салоҳиятига кўра, улардан бирини қувватлаш мумкин бўлган. М. даражасига даъвогар фақиҳ фикхий билимларни мукамал эгаллаган, бошқа М.лар б-н бўладиган мунозараларда ва оммавий чиқишларда ўз қарашларини ҳимоя қилиши лозим бўлган. Ундан ташқари М. араб тилини мукамал эгаллаган, Куръон ва унинг тафсириларини ёд олган, камида уч минг ҳадисни шарҳлари б-н билиши шарт бўлган. М. одоб-ахлоқи, турмуш тарзи намунали бўлиши лозим. Ҳатто исломнинг дастлабки даврларида ҳам фақиҳлар ижтиҳоднинг биринчи ва иккинчи даражасига камдан-кам ҳолларда эришганлар. Кўпинча улар вафотидан сўнг улар шу даражада эътироф этилган. 11-адан бошлаб “ижтиҳод эшиклари ёпилгач”, бу умуман мумкин бўлмай қолди. Суннийликда олий даражадаги М.лар деб мазҳаблар асосчилари эътироф этилади. Ҳоз. вақтда буюк муфтийлар, йирик жамоалар (қавмлар) раҳбарлари, диний университетлар ректорлари ва б. баъзан учинчи даражадаги М. деб эътироф қилинади.

МУКОТАБ – фикҳда ўзини ўзи сотиб олиши ҳақида ёзма битим тузган қул (чўри). Битим тўлов микдори, тўлов муддати ва шартларини белгилаган. Битим имзолангандан эътиборан хўжайин қулга бўлган эгалик ҳуқуқининг бир қисмидан маҳрум бўлган (фақиҳларнинг иборасига кўра, қул “хўжайиннинг мулкидан чиқади, лекин унинг эгалик ҳуқуқидан чиқмайди”). Битим имзолангач, чўри хўжайин учун бегона аёл мақомини олади, хўжайин у б-н бирга яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади ва бунга амал қилмаса жинорий жавобгарликка тортилади.

М. эркин ҳаракат қилиш ва иктисодий фаолият юритиш, хусусий мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган (фақат қул сотиб олиш эмас), битим имзолангандан кейин туғилган фарзандлар, битим шартлари бажарилгач, эркин, озод бўлганлар. Бирок, М. хўжайиннинг розилигисиз турмуш қура олмаган. Агарда М. навбатдаги бадал ёки сўнгги тўловни беришни кечиктирса, унга қўшимча муддат берилган, ундан сўнг эса, битим бекор қилинган. Агарда тўловлар ўз вақтида тўланиб келинаётган бўлса, у ҳолда ҳатто хўжайин ва М.нинг бир пайтда вафот этишлари ҳам битимни бекор қила олмаган – барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳар икки томоннинг меросхўрларига ўтган.

МУЛК, М и л к (кўплиги – амлок) – маънодош бўлган ва кўпинча аралаш ҳолда қўлланиладиган истилоҳлар (МЛК ўзагидан – “эга бўлмок”). Мулк ҳам чекланмаган ҳокимият (жумладан, нодшо ҳокимиятини) ва шак-шубҳасиз хусусий эгаликни, ҳам мана шу хусусий эгалик объектини, милк эса – фақат хусусий эгалик объектини англатади.

Хусусий эгалик ҳуқуқи мерос, сотиб олиш, инъом, хусусий эгалик объектини яратиш (буюмлар ясаш, унумсиз ерни ўзлаштириш, фойдали қазилмалар қазиб чиқариш ва б.) ва ҳарбий ўлжа сифатида босиб олиш йўли б-н вужудга келади. М. муддатга эга эмас, шунинг учун топиб олинган буюмнинг эгаси номаълум бўлса, топган кишининг хусусий мулки бўла олмайди – уни хайрия мақсадларига бериш ёки сарфлаш лозим бўлади (бундан қад. хазиналар мустасно). Ташландиқ эгасиз ер, уни қайта ишлаган шахснинг хусусий ерига айланади – бу ҳолда ер ўз моҳиятини йўқотган, фойдасиз бўлиб қолган ва шунинг учун хусусий эгалик объекти бўла олмайди деб ҳисобланади.

Бирок, амалда ташландик ер кўпинча олди-сотди объектига айланган, демак унинг эгаси ҳаётлигида ерга ишлов берилмаган ҳолда ҳам хусусий эгалик ҳуқуқи бекор қилинмаган.

Солиқ белгилашдаги фарқлар, солиқ мақомининг ўзгаришлари ерга хусусий эгалик ҳуқуқига таъсир қилмаган. Бугун ўрта асрлар даврида катта-катта мулк ерлари давлат бошлиқлари ихтиёрида бўлиб келган. Мусулмон ҳуқуқига кўра, М. нафақат моддий объектлар, балки турли ҳуқуқлар (мас., каналдаги сувдан олинадиган улушга бўлган ҳуқуқ) ҳам бўлиши мумкин, уларни ҳам сотиб олиш ва сотиш, гаровга бериш ҳам мумкин бўлган. Фақат мусулмон киши учун фойдасиз ёки ман этилган нарсаларгина (вино, чўчка ва б.) хусусий эгалик объекти бўлиши мумкин эмас.

МУЛЛА – Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларида мусулмон одатининг билимдони, дин хизматчиси, диний мактаб ўқитувчиси; саводли, илмли одам.

МУЛЛА САДРА, Садриддин Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий (тахм. 1572–1640) – Эрон илоҳиётчиси, файласуф ва суфий, сафавийлар Эронидаги шиаликнинг ғоявий раҳнамоси, файласуфларнинг Исфаҳон мактаби пешвоси Мир Домоднинг энг яқин шогирдларидан бири. Ўзининг издошлари орасида Садр ал-мутаъаллиҳин – “теософлар раҳбари” номи б-н ҳам машҳур. Бошланғич таълимни Шерозда олган, Исфаҳонда давом эттирган, узоқ йиллар шайх Баҳоуддин Амилий (1621 й. в.э.)нинг муриди бўлган: тафсир, шиа ҳадислари, фикҳ ва б.ни ўрганган, сўнгра мустақил дарс беришга ижозат олган.

Фалсафа илмида М.С.га Мир Домод устозлик қилган Имомий илоҳиётчилар уни ҳикмат ва ирфонга берилиб кетганликда айблаб, таъкиб этишгани учун М.С. тўққиз (ёки ўн бир) йил Қум яқинидаги Коҳак қишлоғида яширин ҳаёт кечирган. М.С. Коҳакдан Шерозга қайтиб, ҳокимнинг таклифига кўра Шероздаги катта мадрасада мударрислик қилган. М.С. Шероз фалсафа мактабига раҳбар бўлган, бу мактаб Исфаҳон мактаби б-н бир қаторда Эроннинг муҳим илмий марказига айланган. М.С. ўз муридларидан тўртта шартга сўзсиз амал қилишни: бойлик, дунё лаззатлари, тақлид, итоатсизликдан воз кечишни талаб қилди.

М.С. илоҳиёт ва фалсафага доир қирққа яқин

асар ёзган. Ибн Синонинг “аш-Шифо”, Сухравардийнинг “Хикмат ал-ишроқ”, ал-Кулиний (941 й. в.э.)нинг “ал-Кафи фи усул ад-дин” асарларига шарҳлар, шунингдек, Куръонга батафсил тафсир ёзган, у моҳиятан таъвил ҳисобланади. Фалсафага доир “Китоб ал-асфар ал-арбаъа ал-аклийа” ёзган.

Эронда М.С. ҳаёти ва ижодига қизиқиш катта. Унинг деярли барча асарлари ва уларга шарҳлар 20-ада нашр қилинган.

МУЛҲИД – араб. худосиз, атеист, даҳрий, кофир сўзининг синоними. Ислом динида худосиз М. деб аталади.

МУНАВВАРҚОРИ Абдурашидхонов (1878 – 1931) – маърифатпарвар, уламо: Туркистонда жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳаси Дархон маҳалласида туғилди. Унинг отаси Абдурашидхон мударрислик, онаси Хосиятхон отинлик қилган. М. Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ва Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Сўнгра Дархон маҳалласи масжидида имомлик қилди. У Куръонни яхши кироат қилгани ва диний билимларни пухта ўзлаштиргани учун “қори” унвонига сазовор бўлди. М. зиёли инсон сифатида ўқиш ва ўқитиш, мадраса ва мактаб ислоҳотида оид илғор фикрларни илгари сурди. У жадид мактабларини очиб, у ерда дарс берди. Шундай мактаблар учун дарслик ва қўлланмалар ёзди. “Тажвид” (Куръонни қоидали ўқиш) китоби дарслик сифатида қўлланилган. М. Туркистон халқ дорилфунунини ташкил этиш ва унда мусулмон бўлими очилишига катта ҳисса қўшган.

М. “Ҳавойижи диния” (1907) рисолисида ислом ҳуқуқи (фикҳ)нинг ибодат бўлимига оид тушунчаларни шарҳлаб берган. У бу асарида ислом динининг етук билимдони сифатида намоён бўлди. Бошқа асарларида ислом дини қоидалари, шариат аҳкомларини ёритишга катта ўрин ажратган. 1914 й. Салим Исмонил Улвийнинг Куръон кироати бўйича сабоқ берувчи “Тажвид” қўлланмасини ўзбекчага ўпириб, Оренбургда нашр эттирди. М. “*Шўрои исломия*” ташкилотининг асосчиларидан бири бўлди. 1929 й. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари б-н биргаликда қамокқа олиниб, 1931 й. Москвада отиб ташланди. М.нинг “Ҳавойижи диния” асари Тошкентда нашр этилган (1993).

МУНКАР ВА НАКИР – исломий тасаввурга кўра, ўлганларни қабрда дастлабки сўроқ қилувчи, улардан ердаги қилмишлари тўғрисида ҳисобот олувчи ва қилган гуноҳларига қараб жазоловчи фаришталар. М. ва Н. тақводор бўлган майитларни то қиёмат бўлгунга қадар тинч кўяди, гуноҳкорларни эса, аксинча, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча азоблайдилар. М. ва Н. номлари ҳадисларда эслатилади, Қуръонда эса, бу фаришталар тилга олинмайди.

МУНОЖОТ (араб. – махфий суҳбат) – исломдаги фарз намозлардан ташқари, ихтиёрий равишда ўқиладиган намозлар. Ҳар қандай диндорнинг ихтиёрий худога илтижо ва ибодат қилиши ҳам М. ҳисобланади. Бундай намоз ва ибодатлар кўпинча кечалари адо этилган. М. фақат намоз ичида бўлиши шарт эмас. М.ни Аллоҳдан илтижо қилиб, дуо кўринишда қилиш ҳамма вақт ҳам мумкин.

МУНОФИҚЛАР (араб. – иккиюзлама) – ислом тарихига хос тушунча. Динни юзаки қабул қилиб, ўзи эса, аввалги қабилавий динига сиғинишни давом эттирган арабларга нисбатан қўлланилган. М. истилоҳи Қуръоннинг Макка даврига хос илк сураларида кўп тилга олинган, Мадина даврида ўзини исломни қабул қилган қилиб кўрсатиб, жанглarda мусулмонларга ёрдам бермаган қабилалар ҳам М. деб аталган. Мунофиқлик Қуръони каримнинг ифодасига кўра, Аллоҳга ишонмаганликлари ҳолда мусулмонларнинг ҳузурда ўзларини имонли қилиб кўрсатишдир. Аллоҳ таоло М. ҳақида Бақара сурасининг 8–16-оятларида баён қилган. Шунингдек, Қуръони каримда М.нинг кирдикорларини баён қилиб берган алоҳида сура (63) ҳам мавжуд. Ҳадисга кўра, "...М.нинг уч белгиси бор: гапирганда ёлғон сўзлайди, берган ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади".

МУРЖИЪИЙЛАР (араб. – кечиктирмак, муддатни чўзмок) – илоҳиёт оқими тарафдорлари. 7–8-а.ларда пайдо бўлган. Халифаликда умавийлар ҳокимиятига қарши кураш кучайган даврларда илоҳиётда гуноҳкор ва унинг тақдири масаласи муҳим ўрин олган. Катта гуноҳ қилганни дарҳол жазолаш тарафдори бўлган хорижийларга қарши М. уни кечиктиришни ёқлаб чиққан. Уларнинг номи шундан олинган. Сиёсий курашда хорижийлар умавийлар ҳокимиятига қарши турган, М. эса, умавийларни ҳимоя қилган. Умавийлар

инқирозга учраб, аббосийлар ҳокимиятни эгаллагач (750), бу оқим таъқиб қилинган ва йўқолиб кетган.

МУРИД (араб. – эргашувчи) – ихтиёрий равишда издан борувчи, шогирд. Тасаввуфда тарикат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносига ишлатилади. М. шайх, пир, муршид олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади, улар б-н пинҳона ишончли муносабатлар ўрнатади ва уларнинг иродасига бўйсунди. Умуман М. атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатади.

МУРИДЧИЛИК – суфийликнинг Шим. Кавказда ёйилган шакли. М. суфийлик таълимотининг зоҳидлик, муршидлик ва имомат ғояларига асосланган. М. 19-ада ўзига хос диний-сиёсий ва ҳарбий уюшма сифатида тарқалиб, Ғози Муҳаммад, Ҳамзат, Шомил каби имомлар раҳбарлигида тоғлиқларнинг Россияга қарши урушида намоён бўлган. Имомлар бу урушга диний тус бериб (газовот эълон қилиб), ислом дини ва шариатга асосланган теократик давлат – имомлик тузишга уринганлар. Лекин, тоғлиқларнинг олиб борган бу курашлари муваффақиятсизликка учраган. М. диний мутаассибликка асосланган мафкура сифатида майдонга чиққан.

МУРОБИТЛАР (араб. – работда яшовчилар) – Шим. Африкадаги зоҳид, дарвишларнинг ҳарбийлашган диний жамоаси аъзолари. 11–12-а.ларда М. Марокашни забт этган ва Ал-Муробитун сулоласи ва давлатига асос солган. Кейинроқ мусулмон авлиё, йўлбошчиларини ёхуд дарвиш жамоаларининг ташкилотчиларини ҳам М. деб аташган.

МУРТАД (араб. – орқага қайтган, чекинган) – ислом тарихида диндан қайтган, ундан воз кечган, чекинган одам. Бундай одамлар энг катта гуноҳ (қ. *Кабира*) қилган ҳисобланиб, ўлимга ҳукм қилинган.

МУРШИД (араб. – йўл кўрсатувчи) – тасаввуфда тарикат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

МУСАЙЛАМА (асл исми Маслама: 633 й. в.э.) – Арабистон я.о.да Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг, пайгамбарликни даъво қилганлардан бири, Ямома воҳасида яшаган Бани Ҳанифа қабиласининг диний раҳнамоси. Халифа Абу Бакр (ра) даврида у мутанаббийлар (сохта пайгамбарлар) сафига киритилган ва

мусулмонларнинг бу қабилага қарши жангида ҳалок бўлган. Мусулмонларга қарши курашгани учун кейинги давр диний адабиётида уни камситиш мақсадида М. (Маслама исмининг арабча кичрайтирилган шакли) деб аталган.

МУСАЛЛО (араб. – намоз ўқиш жойи; форс. – намозгоҳ) – 1) дастлаб, масжид сўзининг синоними, сўнгра рўза ва қурбон ҳайитларида намоз ўқиладиган жой. Бу жой шаҳардан ташқаридаги очик майдон бўлиб, ҳайит куни минбарни ҳам олиб чиқишган. М. Ўрта Осиё (Бухоро)да 20-а.нинг бошигача мавжуд бўлган. 2) Жойнамоз, сатҳи тиз чўкиб, сажда қилиш ва М.га бурун ва пешонани теккизиш учун етарли бўлиши шарт. Қиблага қаратиладиган томонига меҳроб тасвири ип ёки ипак б-н тикилган бўлади. Аммо намоз ўқиш учун албатта М. бўлиши шарт эмас, унинг ўрнида кийим-кечак, хатто дарахт барглари ҳам ишлатиш мумкин. тоза-покиза жой бўлса, кифоя.

МУСАННАФ (араб. – танлаб олинган, танланган) – ҳадис тўпламларининг махсус тури. Унда ҳадислар *муснад* туридаги тўпламлардан фарқ қилган ҳолда мавзулар бўйича тўпланган бўлади. Шунинг учун маълум соҳа ёки мавзуга оид ҳадисни қидириб топиш М. тўпламларида нисбатан осонроқ бўлган. Муснад тарихан илгарироқ, М. эса, кейинроқ вужудга келган. Бухорий, Муслим, Ибн Можа, Абу Довуд, Термизий, Насайи ҳадис тўпламлари М. туридаги тўпламларнинг энг машҳурларидан ҳисобланади.

МУСЛИМ (араб. – ўзини Аллоҳга бағишлаган) – мусулмон. М.нинг кўплик шакли (муслимун)ни бузиб талаффуз қилиниши туфайли Эронда “мусалмон”, Ўрта Осиёда “мусулмон”, Россияда “басурман” атамалари келиб чиққан.

МУСНАД (араб. – асосланган, далилланган, яъни иснодга асосланган) – 1) ҳадис тўпламларининг илк тури. М.да *мусаннаф*дан фарқ қилган ҳолда, ҳадислар уларни бири-биридан эшитган шахслар силсиласига асосланган ҳолда (ҳар бир ҳадис уни хабар қилган шахснинг исми б-н боғланган ҳолда) жойлаштирилган. Шариатнинг илк вакиллари – моликийлик ва ханбалийлик мазҳабларининг асосчилари Молик ибн Анас ва Ибн Ханбалнинг ҳадис тўпламлари М. туридаги тўпламлардир.

Муснад 3 хил маънода қўлланилади:

1. Саналарнинг бир-бирига боғланиши.
 2. Китобларнинг номи, мас., Муснад Аҳмад ибн Ханбал.
 3. Умумий шаклда, ҳадис ровийларининг ўзидан юқорисидагилар ҳам М. деб аталади.
- МУСО** (ас) – Қуръонда номи тилга олинган пайгамбарлардан бири. Миср подшоси (Фиръавн) Рамсес II даврида таваллуд тонди. Ривоятга кўра, Рамсес II фолбинлари “Бани Исроил” қабиласида бир гўдак туғилиб, у вояга етгач, подшоҳнинг тахтдан кетишига сабаб бўлади деб айтганлар. Шунга кўра, Фиръавн амри б-н барча туғилган ўғил фарзандлар қатл этила бошлаган. М. (ас)нинг онаси Аллоҳ амри б-н уни бир сандикка солиб, Нил дарёсига ташлайди. Бу ҳақда Қуръонда Қасос сураси, 7–11-оятларда баён қилинган. Болани Фиръавннинг хотини топиб олиб тарбия қилди. Ёш М. (ас) бир мисрлик б-н уришиб уни ўлдириб қўяди ва Мадянга қочади (Қасос сураси 12–51-оятлар) у ерда уйланади. Баъзи ривоятларда М. (ас) Шуайб (ас)нинг қизига уйланганлиги айтилади. Бир неча йилдан сўнг Мисрга қайтади. Йўлда қоронғида алашиб қолиб, олов кўринаётган жойга яқинлашади. Бу ерда Аллоҳ нидосини эшитади ва у пайгамбарликка ихтиёр этилади. Унга ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиб, Фиръавн ва унинг халқини иймонга даъват этиш буюрилади. М. (ас)га биродари Хорун ёрдамчи қилиб берилади. Мисрга қайтиб келган М. (ас) золим Фиръавнни ҳидоятга чақириб, панд-насихатлар қилади. Бирок, Фиръавн ва атрофидагилар М. (ас) сўзларининг ростлиги, ҳақиқатан ҳам пайгамбар эканига ишонмайдилар. М. (ас)нинг кўлидаги таёкнинг илонга айланиши, чўнтагидан кўлини чиқарганда, ойна каби ялтираб кўзларни қамаштириши каби мўъжизаларини шунчаки “сеҳр” деб ҳисоблайдилар (Аъроф сураси 106–126-оятлар). Фиръавн М. (ас)нинг қавми бўлмиш “Бани Исроил”га нисбатан тазйикни кучайтиради. Шунда Аллоҳ Мисрга турли офатлар юборди. М. (ас) ўз қавми б-н юртни яширинча тарк этиб, Фаластин томон кетади. Фиръавн уларнинг изидан тушади, лекин кўшинларини Қизил денгиз ютиб юборади (Юнус сураси 90–92-оятлар). М. (ас) Муҳаммад(сав)нинг ўтмишдоши бўлган ҳақиқий пайгамбар сифатида улуғланади. Унга

Таврот китоби нозил этилган. Бирок яхудиёлар, бу китобдаги маълумотларни, насихатларни бузган, деб нақл қилинади. М. (ас) Набу тоғига бориб, ўша ерда вафот этган. **МУСТАКРАҲ** (араб. нолойик, номақбул ҳисобланган) – уни қилгандан кўра қилмагани яхшироқ бўлган амаллар. Таомни катта-катта ейиш, кўчада овқатланиш, баланд овозда кекириш, увлаб эснаш кабилар М.га киради. **МУСТАҲАБ** (араб. – севилган, ёқтирилган) – шаръий амал; уни бажарган киши савобли бўлади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди. Шаръий ҳукмлар китобларида мўъмин-мусулмонлар қилишлари маъқул бўлган ўнлаб М. амаллар (нафл намозларини ўқиш, нафл рўзасини тутиш, садақалар бериб юриш, турмушда оддий одоб қоидаларига риоя этиш, атрофдаги одамлар учун турли фойдалар ишлар қилиш ва ҳ. к.) кўрсатиб ўтилган.

МУСУЛМОН – қ. *Муслим*.

МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР – қ. *Ихвон ал-муслимин*.

МУСҲАФ (араб. – саҳифаланган) – халифа *Абу Бакр Сиддиқ* (ра) даврида Қуръонни кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзилган тўплами, саҳифаланган Қуръон. Халифа *Усмон* ибн *Аффон* (ра)нинг даврида кўчирилган Қуръон нусхалари М.лар деб номланган. Кейинчалик китоб шаклидаги Қуръоннинг ҳар бир нусхаси М. деб номланаверган. Шу маънода М.ларнинг таҳоратсиз ушлаш, улар б-н таҳоратхонага кириш ман қилинади. Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланадиган Қуръоннинг қад. кўлёмаси (7-а.) ҳам М. нусхаларидан биридир.

МУТААССИБЛИК – ўз эъгиқоди тўғрилигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш. М.ка йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда бекарорликни вужудга келтиришга уринади. Инсоният тарихида бундай эътиқоддан ғаразли мақсадларда фойдаланилган. М.нинг пайдо бўлишига диний зиддиятлар, шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмагани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Исломи дини М.га хайрихоҳлик билдирмайди. Аксинча, теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан муросали бўлишга чакиради.

МУТАВАЛЛИ (араб. – ишбоши, бошқарувчи) – ислом тарихида вақф мулкига ва ундан

келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкига хўжалик ишларини юритишни ҳам М. бажарган. Хорижий Шарқ мамлакатларида М.лар ҳозир ҳам бор, улар вақфларни бошқаради. Айрим мусулмон мамлакатларида М. йирик зиёратгоҳлар (мақбара, мазор ва б.)ни, улардан келадиган даромадларни ҳам бошқаради. Ўзбекистонда масжиднинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар М. дейилади.

МУТАКАЛЛИМЛАР – мусулмон илоҳиёт олимлари. Улар ислом диний-ақидавий таълимоти – *каломни* асослаб берган. Ҳоз. ислом руҳонийлари ва уламоларига нисбатан М. атамаси қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган (яна қ. *Ашъарийлар*).

МУТЪА (араб. – вақтинча фойдаланиладиган нарса) – шиаликдаги маълум маблаг эвазига қилинадиган муваққат никоҳ. М. асосида шиалик шариати қози тасдиқлаган расмий шартнома асосида эркакларга вақтинча хотин олишга ижозат беради. М.нинг муҳлати 1 кундан 99 й.гача белгиланиши мумкин. М. никоҳлик хотин ва ундан туғилган болалар қонуний хотин ва ундан туғилган болалардан ҳуқуқий жиҳатдан чекланганроқ бўлган. Қиз болага М. никоҳидан ўтиш тақиқланган. М. никоҳи шиалик тарқалган хорижий мамлакатларда ҳозир ҳам амалда, лекин у кўпинча яширин қилинади. Ахли сунна вал жамоанинг тўрттала мазҳабида ҳам М. ҳаром дейилган. Яъни, М.ни зино-ношаръий жинсий алоқа деб эътиборга олинган. Бунга Қуръон ва суннатдан далиллар келтирилган.

МУФИД, аш-Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Уқбарий ал-Ҳорисий (948 ёки 950–1022) – шиаликдаги машҳур илоҳиётчи ва фақиҳ, имомийликнинг назарийчиси ва фаол тарғиботчиси. Отаси Восит ш.да ўқитувчи бўлган, унинг биринчи лақаби – Ибн ал-Муъаллим (“муаллимнинг ўғли”) шундан. Бағдодда машҳур илоҳиётчи, фақиҳлардан таълим олган. Моҳир суҳандон бўлган М. имомий илоҳиётчилар пешвосига айланган. Унинг тарғиботчилик фаолияти Бувайҳийлар раҳнамолигида ўтган, шу туфайли имомийлар ақидалари Ироқда, айниқса Бағдодда кенг тарқалган. Бу эса, шиалар ва суннийлар ўртасида қонли тўқнашувларга олиб келган. Диний низоларга барҳам бериш учун

халифа шиаларнинг гоёвий раҳбари М.ни Бағдоддан бадарга қилишга мажбур бўлган. М. Бағдодда вафот этган, ўз ҳовлисига дафн этилган, бир неча йилдан сўнг унинг хоки ал-Машхад (ал-Козимайн)га кўчирилган. Унинг қабри ҳозиргача зиёратгоҳ саналади.

М. 200 га яқин асар ёзган (шундан 25 таси сақланган). Унинг бир қанча асарлари имомийлик назарияси, илоҳиёт ва фикҳ, Куръон тафсири ва ҳадислар, шиалар тарихи, имомлар ҳаёти ва б. га доир.

МУФТИ, м у ф т и й (араб. – фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи) – шариат билимдони. М. диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиб бериш, шариатни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Илк бор М.лар ҳокимлар ва қозилар ҳузуридаги махсус маслаҳатчилар сифатида халифа Умар II (717–720) томонидан Мисрда тайинланган. Ҳар бир мусулмон мамлакатда бош М. бўлиб, у катта обрўга эгадир. М. давлат муаммоларига оид (диний жиҳатдан) ҳам, соф диний масалалар бўйича ҳам (мас., диний байрамлар ва рўзанинг бошланиш вақти ҳақида) қарорлар чиқаради. Сўнгги пайтларда аксар мусулмон мамлакатларида дунёвий ҳокимият ва аҳоли кенг оммасининг турмушдаги, иқтисодиёт ҳамда сиёсатдаги кўп янгиликларга муносабати М.нинг қандай фатво чиқаришига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мусулмон мамлакатларида М.лик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳам М. бошчилик қилади. У Уламолар кенгаши йиғилишида 5 йил муддатга сайланади.

МУШАББИҲА (араб. – ўхшатувчилар, ўхшатиш тарафдорлари) – ислом илоҳиётида худони одамга ўхшатиб тасвирлайдиган таълимот (антропоморфизм). Ислом илоҳиёти – калом тарафдорлари М. тарафдорларини рад этиб, уларга қарши кураш олиб борган ва уларни санамга сиғинувчилар деб қараган (яна қ. *Таъбиҳ*, *Мужассима*).

МУШРИКИЙЛИК, мушриклик (араб. – шериклик, худонинг шериклари бор, деган тушунчадан) – кўпхудоликнинг араб қабилалари ўртасида ислом вужудга келишидан олдин кенг тарқалган содда шакли. Мушрикий

қабилалар турли санам, тош ва ҳ.к.га, шунингдек, бир қанча эркак ва аёл худоларга эътиқод қилган. М. тушунчаси Куръонда худони якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп, деб тасаввур қилинадиган қабилавий динлар таълимотига нисбатан ишлатилган. Муҳаммад (сав) яккахудолик таълимотини тарғиб қилиб, М.ни қоралаганлар, ислом таълимоти М.ка қарши кураш жараёнида шаклланган (яна қ. *Ширк*). **МУЪАТТИЛА** (“маҳрум этувчилар”, “инкор қилувчилар”) – муъаттилийлар, муътазилийларнинг номларидан бири. Улар *мушаббих*адан фарқли равишда “илохий сифатлар”ни мавжудлигини инкор этишган, бу эса, уламолар томонидан охир-оқибатда Аллоҳнинг ўзини инкор этишга, худосизликка олиб келади деб ҳисобланган. Ҳар ҳолда ўрта аср мусулмон илоҳиётчилари М. деб Аллоҳнинг юборган элчиси, ўликларни қайта тирилишини, Яратувчини инкор этганларни айтишган. Бирок, илк М. фақат Аллоҳнинг ўзини эмас, балки сифатларини инкор этишган, шунинг учун уларни ҳоз. айрим тадқиқотчилар фикрича, атеист (худосиз) дейиш тўғри эмас.

МУЪТАЗИЛИЙЛАР, муътазила (араб. – ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) – исломдаги илоҳиёт оқимларидан бири. 8-а. ўртасида Араб халифалигида вужудга келган. Асосчилари Восил ибн Ато (699–748) ва Амр ибн Убайд (762 й. в.э.). Улар ўз гуруҳи б-н устозлари Ҳасан ал-Басрий (728 й. в.э.) мактабидан ажралиб чиққан. М. Куръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этади, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қиладилар, ривоятларга кўр-кўрона ишонишга қарши чиқадилар. М. қадарийларнинг инсон ирода эркинлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантирдилар ва асосладилар. Улар 9-ада ўзларининг ақидалар тизимини яратдилар. Бунгача исломда давлат дини ва барча учун мажбурий деб эътироф этилган ягона ақидалар тизими бўлмаган. Чунки, дастлабки икки юз йиллик давомида ислом турли фикр, мактаб, мазҳаб, ҳуқуқий фирқалар йиғиндисидан иборат бўлган. Шунингдек, халифалар диний, сиёсий муҳолифатдаги ҳаракат (хорижийлар, шиалар ва б.)га қарши курашувчи мафкуравий қуролга зарурат сезаётган эди. Шунинг учун халифа Маъмун (813–833) М. таълимотини

давлат дини деб эълон қилди. Халифа фармони б-н барча қозилар, илоҳиётчилар, амалдорлар шу эътиқодда ёки йўқми, синаб кўрилди. М. ақидасини (хусусан, Куръоннинг яратилганини) тан олмаганларни ишдан бўшатди, ҳатто ўлим жазо чорасини қўллади. Махсус жазо муассасаси – “миҳна” ташкил этди. Аммо, мажбурий чораларга қарамасдан М. таълимоти халифаликда умуман қабул қилинмади, халифа Мутаваккил (847–861) даврида эса, М. таълимоти “шаккоклик” деб эълон қилинди. М. ақл-идрокни илоҳиёт асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини яккахудолик (тавҳид) ва адолат (адл) тарафдорлари, деб атаган. М.нинг асосий гоёлари вақти келиб шиа илоҳиётчилари томонидан ўзлаштириб олинди. Кейинчалик Ироқ ва Эронда 11–12-а.ларга, Ўрта Осиёда 13–14-а.ларга келиб йўқолиб кетган.

МУҚАРРАБУН (араб. – яқинлаштирилганлар) – Куръонда тўрт бош фаришта (*Жаброил, Азроил, Микоил, Исрофил*)нинг умумий номи. Ислом ақидаларида улар Аллоҳга энг яқин фаришталар деб таърифланади.

МУҒАЙРА ибн ШУЪБА (? – 666) – саҳобалардан. Куфадаги сақафий қабиласидан. Умар (ра) уни Басра ҳокими этиб тайинлайди. Ярмук жангида бир кўзидан айрилган. Ниҳованд ва Кодисийя жанглирида иштирок қилган. Кейин Куфа ҳокими бўлиб, шиалар ва хорижийлар орасида юз берган фитналарни бостирган.


МУҒИЙРИЙЛАР, ал-Муғирийя – “ўта” шиалар жамоаси, Муғийра ибн Саъид ал-Ижлий издошлари. Холид ибн Абдуллоҳ ал-Касрийнинг Ироқдаги ноиблиги даврида (724–738) Муғийра Куфада ўзини “пайғамбар”, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни махдий деб очикдан-очик даъво қилиб чиққан.

Ноибнинг амрига кўра, Муғийра ва унинг бир гуруҳ издошлари қўлга олиниб, гулханда ёқилган (736 й.). Муғийра тарафдорлари Жаъфар ас-Содиқнинг имомлигини тан олмаганлар, уларнинг фикрича, имом Муҳаммад ал-Боқир (732 й. в.э.) имомликни махдий келишигача Муғийрага васият қилган. 762 й. имомлик учун курашда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳалок бўлган, бироқ М. ва унга имом сифатида қасамёд қилган аббосий шиаларнинг бир қисми унинг вафот этганини инкор

этганлар, уларнинг фикрича, унинг қиёфасидаги шайтон ўлдирилган, унинг ўзи эса, тоғларга яширинган ва айнан унинг ўзи, Муҳаммад (сав)га исмдош бўлгани туфайли, махдий сифатида қайтади. Шундан уларнинг бошқа бир аталиши – муҳаммадийлар келиб чиққан.

МУҲАДДИС (араб.– ҳадис ривоят қилувчи) – ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш б-н шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар М.лар деб ном олган. Ҳадис тўпламлари ислом анъанасида эътибор қозониб, М.лар (мас., Муҳаммад ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Хажжож, Ибн Можа ва б.) ислом тарихида машҳур бўлиб кетган. Исломда ҳадис Куръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

МУҲАММАД (сав), Аҳмад ибн Абдуллоҳ (570/571 – 632) – ислом дини пайғамбари ва мусулмонларнинг биринчи жамоаси асосчиси. Мусулмонлар эътиқодига кўра, Аллоҳнинг охирги пайғамбари ва унинг элчиси. У зот орқали одамларга *Қуръон* нозил қилинган. Ислом таълимотига кўра, М. номларини айтган ёки эшитган киши “саллалоҳу алайҳи васаллам” (сав) – “унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин” ёки “алайҳиссалом” – “унга салмлар бўлсин” деб саловат айтиб қўйиш вожиб ҳисобланади. Курайш қабиласининг хошимийлар уруғига мансуб, Маккада унча бой бўлмаган, лекин Макка зодагонларига яқин оилада туғилганлар. М. (сав)нинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. М. (сав) гўдақликларидаёқ етим қолганлар; оталари Абдуллоҳ – пайғамбар (ас) туғилмасларидан аввал, олти ёшлиқларида эса – оналари Омина вафот этган. Сўнг М. (сав)ни ўз тарбиясига олган боболари Абдулмутталиб ҳам кўп ўтмай оламдан ўтади. Етим болани тарбия қилишни амакилари Абу Толиб ўз зиммасига олади. 12 ёшларида М. (сав) бир муддат Абу Толибнинг подасини боқадилар, кейин тижорат ишларига жалб қилинганлар. 21 ёшларида Абу Толиб М. (сав)ни Хувайлид ибн Аъяднинг қизи, бадавлат бева аёл Хадича хонадонига дастёрликка беради. Хадичанинг савдо ишлари б-н шуғулланган М. (сав) Сурияга сафар қилганлар, хусусан, Ҳалаб ва Дамашк



шаҳарларига бордилар. М. (сав) 595 й. 25 ёшда 40 ёшларга бориб қолган Хадичага уйланганлар. Хадича ҳаётлигида М. (сав) бошқа хотин олмаганлар. М. (сав)дан Хадича уч ўғил (Қосим, Тохир, Таййиб) ва тўрт қиз (Руқия, Зайнаб, Умму Кулсум, Фотима) кўрган. Ўғиллари гўдаклигидаёқ вафот этган. Қизларидан Фотимагина М. (сав) авлодларини давом эттирган. Хадича вафотидан сўнг М. (сав) бир неча бор уйланганлар (лекин, Оишадан бошқа бокира қиз хотин олмаганлар), улардан фарзанд кўрмаганлар. Фақат жориялари Мориядан Иброҳим исмли ўғил бўлган. У ҳам жуда ёшлигида нобуд бўлган. М. (сав) қирқ ёшга тўлганларида ўзларини бошқача сеза бошлаганлар. Ёлғизликни кўмсаб, Макка ёнидаги Ҳиро тоғида жойлашган горга бориб ибодат б-н машғул бўлар, ўйга толардилар. Тахм. 610-й.да М. (сав) Маккада ўзларининг худодан *вазӣй* олаётганларини эълон қиладилар. Буни биринчилардан бўлиб Хадича, М. (сав)нинг амакиваччалари Али ибн Абу Толиб ҳамда асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса эътироф этиб имон келтиришган. Кўп ўтмай, Макканинг энг нуфузли савдогарларидан

Абу Бакр, Зубайр, Талха, Саъд ибн Абу Ваккос, Абдурахмон ибн Авф ва Усмон ибн Аффон М. (сав)нинг чин пайгамбар деб тан олишган. М. (сав) издошлари жамоаси дастлабки пайтларда 50 кишидан ошмаган. Макканинг қолган аҳолиси, айниқса, нуфузли қурайшийлар эса, М. (сав) таълимотларини очикдан-очик душманлик б-н қарши олган. Бунинг натижасида М. (сав) тарафдорларидан 11 хонадон (50 га яқин одам) Ҳабашистон (ҳоз. Эфиопия)га кўчиб кетган. М. (сав) жамоаларига жасур жангчилар сифатида танилган Ҳамза б-н Умарнинг кўшилиши жамоанинг мавқеини оширди. Айни вақтда қурайш золагонларининг М. (сав) ва у зотнинг тарафдорларига душманлиги янада кучайди. 620 й.да Хадичанинг, сўнгра Абу Толибнинг вафотидан сўнг Маккада вазият ёмонлашади, М. (сав) муайян хатар остида қоладилар. Ҳар йилги анъанавий Макка зиёратига келган Ясриб (ҳозирги Мадина ш.)лик Авс ва Хазраж қабилаларининг вакиллари М. (сав) б-н учрашиб, содиклик билдиришади ва ёрдам қилишга ваъда беришади, М. (сав)ни Ясрибга кўчиб боришга даъват қилишади. Аввал М.

(сав)нинг издошлари (асҳоблар) ўз оилалари б-н қурайш зодагонларидан махфий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчади. Охирида М. (сав)нинг ўзлари Абу Бакр (ра) б-н жўнаб кетадилар. 622 й.да юз берган бу кўчиш пайти (араб. *ҳижра*)дан мусулмонлар эраси – ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Дастлаб, кўпчилик Маккалик мусулмонлар, кейинчалик М. (сав)нинг ўзлари ҳам Ясрибга кўчиб ўтишган (Рабиул аввал ойининг 12 ёки 8-санасида ёки 622 й.нинг 24 ёки 22 сент.ида). Ясриб Мадинат ан-Набий (“Пайғамбар шаҳри”) ёки шунчаки, Мадина деб атала бошланди.

М. (сав) жамоанинг оддий даъватчисидан сиёсий етакчисига айланганлар. Аста-секин Маккадан М. (сав) б-н бирга кўчиб келган мусулмон – *муҳожирлар* ва мадиналик мусулмон *ансорлар* М. (сав)нинг асосий таянчлари эдилар.

Шанба ўрнига мусулмонлар учун жамоа бўлиб намоз ўқиладиган жума куни белгиланади. *Каъба* муқаддас *ҳаж* зиёратгоҳи деб эълон қилинади. У ислом динининг асосий зиёратгоҳи, ибодат қилувчилар ўша тараф (Қибла)га қараб ибодат қиладиган бўлдилар. Мадинада биринчи масжид, М. (сав) уйлари қурилади, мусулмон арконлари (ақоид) – ибодат, таҳорат, *рўза*, намозга чорлаш – *азон* хайр-эхсон эҳтиёжлари учун *закот* йиғиш қоидалари ишлаб чиқила бошлади.

М. (сав) Аллоҳнинг элчиси, одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи пайғамбар деб танилади. Мадинада М. (сав) атрофларига бирлашган муҳожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар жамоаси (умма) вужудга келди. Бу жамоа Арабистонда азалдан ҳукм суриб келган қон-қариндошликдан иборат уруғ-қабилачилик бирлашмалари асосида эмас, балки ягона диний таълимот асосида вужудга келган эди. Умма диний руҳдаги уюшма бўлиб, М. (сав) айна вақтда жамоанинг ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий раҳбари эдилар. Ҳижрадан сўнг бир неча йил давомида Мадина ва атрофдаги араблар исломни қабул қилиб, жамоага аъзо бўлиб киришди. Шаҳардаги яҳудийлар мусулмонлар б-н тузган аҳдномани бузгани учун қисман ҳайдаб чиқарилди, бир қисми кириб юборилди. Шундай қилиб, М. (сав) диний таълимот, маросимлар ва жамоани уюштиришнинг асосий тартиб қоидаларини

шакллантирганлар. Бу қонун-қоидалар келтирилган ваҳийларда қисман М. (сав)нинг ваъзалари, хатти-ҳаракатлари ва қарорларида ўз аксини топди.

Мадина даврининг аввал бошидан жамоани жипслаштириш ва уни кенгайтиришнинг шаклларида бири маккалик мушрикларга қарши курашиш эди. 623 й. мусулмонларнинг Макка савдо қарвонларига ҳужумлари бошланди. Маккаликларга қарши уюштирилган иқтисодий уруш, улар фаровонлигининг асосий манбаи бўлган савдо қарвонлари ишини чиппака чиқарди. 624 й.да Бадр қудуқлари олдида, (қ. *Бадр жанги*) 625 й.да Уҳуд тоғи этагида (қ. *Уҳуд жанги*) жанглар бўлди. 626 й.да маккаликлар мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида йирик ҳарбий сафарга отланишди. М. (сав) Мадинани узок қамал шароитига тайёрладилар, шаҳар атрофига чуқур хандақлар қазилди ва у ерларга камончи ўқчилар жойлаштирилди. Қаттиқ тўзонли шамоллар қамал қилувчиларни толиқтирди, улар орасида низолар бошланди. Натижада Мадина қамали бекор қилинди, бу ғалаба Мадина жамоасини янада жипслаштириш б-н бирга, унга янги-янги бадавий қабилаларнинг кўшилишига олиб келди. Ҳижранинг 6-йилида маккалик қурайш зодагонлари мавжуд муаммоларни келишувчилик йўли б-н бартараф этиш учун М. (сав) б-н тенга-тенг музокара олиб боришга мажбур бўлишди. Хусусан, Худайбияда муҳим битим тузилди: унга кўра, маккаликлар келгуси йили Мадина мусулмонларининг Каъба зиёратига тўсқинлик қилмаслик, улар Маккага келган кунлари шаҳардан ташқарига чиқиб туриш мажбуриятини олди. Мадиналиклар ўз навбатида бундан буён Макка қарвонларига тегмайдиган бўлди. Бу даврга келиб маккаликларнинг Фарбий Арабистондаги сиёсий таъсири тобора заифлаша бошлаган эди. Шу шароитда Макка ҳукмрон доиралари М. (сав) жамоаси б-н муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигини тушуна бошлади. Мадинага қарши курашнинг етакчиларидан бири бўлган Абу Суфён М. (сав) тарафига ўтди. 630 й.да Макка М. (сав)га жангсиз таслим бўлди, исломнинг диний марказига айланди. Каъба ичидаги бутлар ва санамлар бузиб ташланди, у янги диннинг энг муқаддас саждагоҳига айлантирилди, бу ерга зиёрат (ҳаж)

килиш бу диннинг шартларидан бири деб эълон қилинди. Маккаликларнинг ўзлари эса М. (сав) жамоаларига қўшилди. Бу ҳол М. (сав) жамоаларининг бадавийларга таъсирини янада кучайтиришда ва улар ўртасида исломни кенгрок ёйишда муҳим аҳамият касб этди. 631 й.да кўп қабилалар М. (сав)га бўйсунди ва исломни қабул қилди. Ҳижранинг 10-йили (632 й. мартада) М. (сав)ўз оила аъзоларини олиб, Мадина атрофларидаги 100 мингдан ортик киши б-н Маккага биринчи ва охириги марта зиёрат (ҳаж)га бордилар. Буни исломда ҳажжат ул-вадоъ дейилади. Мана шу зиёрат Макканинг ислом диний маркази сифатидаги мавқеини узил-кесил ҳал этди. Ўшандан буён ўтган барча асрлар давомида мусулмонлар Маккани зиёрат қилади. Ана шу зиёратдан уч ой кейин узок давом этмаган касалликдан сўнг М. (сав) Мадинада вафот этадилар. Пайғамбар (ас)ни ўз хужраларига дафн қилишган, макбаралари кейинчалик у ерда қурилган катта масжид ичига олинган, мусулмонларнинг зиёратгоҳига айлантирилган.

М. (сав)нинг ҳаётлари ва таржимаи ҳоллари *Сийрада*, у зотнинг сўзлари ва қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар *Ҳадис*ларда баён этилган. Ислом таълимотида М. (сав) комил инсон сифатида таърифланадилар. *Суннада* пайғамбар (ас)нинг ҳаётлари барча мусулмонлар учун намуна бўлиши кераклиги таъкидланади. Ислом анъанасида М. (сав) ҳеч қандай ғайритабиий, илоҳий хусусиятга эга эмасликлари, балки ҳамма каби оддий одам, лекин Аллоҳнинг чин ва охириги пайғамбарлари эканликлари қайд этилади.

М.(сав)нинг шаклу шамоиллари, сийрату сифатлари, инсоний фазилатлари, бошқа пайғамбарлардан фарқ этадиган хусусиятлари тўғрисида бирга юрган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган саҳобалар ҳамда никоҳида бўлган аёллари томонидан нақл қилинган ривоятлар асосида кўплаб асарлар битилган. Улардан Абу Исо Термизийнинг “Шамоиلى набавия”, Муҳаммад Бусирийнинг “Қасидаи бурда”, Абу Жаъфар Барзанжийнинг “Мавлидин-Набий”, Муҳаммад ибн Солиҳнинг “Муҳаммадия”, Мавлоно Муъиннинг “Сияри шариф”, Акбарободийнинг “Нодирул-меърож”, Саййид Маҳмуд Тарозийнинг “Ширин калом”, “Нурул калом”, “Нурул-басар” ва б. кўплаб муаллифларнинг асарларини мисол қилиб

келтириш мумкин. Имом Термизийнинг “Шамоиلى набавия” китоби улар ичида қадимийлиги ва ривоятларининг саҳиҳлиги б-н ажралиб туради. Унда М.(сав)нинг жисмоний ва ахлоқий хусусиятларига батафсил таъриф берилган. Мас., икки кифтлари ўртасида “Муҳаммадун-Расулуллоҳ” дея битилган муҳри нубувватлари бўлгани, соч-соқолларининг оку қораси нечта бўлганидан тортиб, кийим-кечаклари, оёқ кийимлари, такқан узуклари, қилич-қалқонлари, салла-чопонлари, еган ва ёқтирган таомлари, овқатдан олдин ва кейин ўқиган дуолари, сув ичишлари, хушбўй нарсаларни истеъмол қилишлари, сўзлашиш одоблари, хулқ-одоблари, кулиш ва ҳазил-мутуйибалари, мусиқа ва шеъриятга муносабатлари, ибодат ва риёзатлари, тиловат ва муножотлари, ётиш-туришлари, тиббиётга муносабатлари, кундалик тирикчиликлари, ному лақаблари, умрларининг миқдори, хасталик ва вафотлари, қолдирган мерослари ва б. сифатлари тўғрисида алоҳида-алоҳида боб ва фасллар орқали баён этилган. Жисмоний тузилишлари тўғрисида жумладан шундай нақл қилинади: “Ул зотнинг бўйлари унчалик новча ҳам, паст ҳам эмас, бош, қўл, оёқ ва кифтлари йўғоп, юзлари қизғиш, кўзлари катта, оқи жуда оқ, қораси ўта қора, ўткир, сочлари қулоқларининг юмшоқларигача ёпиб, елкаларига тегиб-тегмай турар, бўйинлари сочлари орасидан товланиб, гўё кумуш кўзадек кўриниб турар, терласалар, маржондек терларидан муаттар хид таралар, бирор кишига қайрилиб қарамоқчи бўлсалар бошларинигина буриб қарамай, балки бутун гавдалари б-н ўгирилиб қарар эдилар. Олд томонларини қандай кўрсалар, орқа томонларини ҳам шундай кўрар эдилар. М.(сав)нинг соялари ер узра намоён бўлмас эди. **МУҲАММАД ШАЙБОНИЙ**, тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан (749–805) – фақиҳ, мусулмон ҳуқуқшунослигини бир тизимга солиб, тартиб берувчилардан бири. Восит ш.(Ироқ)да мавло оиласида туғилган. 14 ёшидан 18 ёшигача *Абу Ҳанифа* машғулотларига қатнаган, сўнгра бир мунча пайт Абу Юсуфдан сабоқ олган. 20 ёшида Куфанинг жоме масжидида ваъз айтган. Суфён ас-Саврий (777–78 й.в.э.) ва Абдурахмон ал-Авзоъий (774 й.в.э.) маълумотларидан фойдаланиб ҳадисларни ўрганган. 3 йил мобайнида Мадинада Молик ибн Анас маърузаларини тинглаган. Ироққа

кайтиб келгач, М.Ш. Бағдоднинг энг эътиборли фақиҳларидан бирига айланган. 792–93й.ларда зайдийлар имоми Яхъё ибн Абдуллоҳни қўллаб-қувватлагани учун халифа Ҳорун ар-Рашиднинг қаҳрига учраган. Бирок, кейинчалик халифа ўз қароргоҳини Фуротга кўчиришга жазм қилганида халифа М.Ш.ни халифаликнинг янги пойтахти – Ракка ш. қозиси этиб тайинлайди. 805 й. Хуросонга йўл олган халифа Ҳорун ар-Рашид М.Ш.ни ўзи б-н олиб кетган. Халифа уни Хуросон қозиси этиб тайинламокчи эди. Бирок, у йўлда, Рай ш. яқинида вафот этган. М.Ш. жуда катта саъй-ҳаракат қилиб, асарларида Абу Ҳанифа илмий меросини тўплаган. Шу б-н бирга унинг қарашлари кўп ҳолларда Абу Ҳанифаникидан фарқ қилган. М.Ш. фикҳга оид ал-Мабсут (2-номи – Китоб ал-асл фи-л-фуруъ) тўпламини тузган ва унга Китоб аз-зиёдатни кўшимча қилган; фикҳга доир катта маълумотнома – Китоб ал-жоме ал-кабир ва кичик маълумотнома – Китоб ал жоме ас-сағирни, шунингдек, ҳарбий ҳуқуққа оид асар ва б.ни ёзган. М.Ш. имом Молик ибн Анасининг ал-Муватта асарини тузувчи ва шарҳловчисидир. М.Ш. шогирдлари орасида энг машҳури шофиъий мазҳаби асосчиси Муҳаммад аш-Шофиъий ҳисобланади.

МУҲАРРАМ (араб. – тақиқланган, муқаддас) – қад. арабларнинг Ой таквимида, шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисобида биринчи ой. М. исломдан илгари ҳам арабларда муқаддас ой ҳисобланган, бу ойда қабилалар ўртасидаги уруш-жанжаллар ва қон тўкишлар тақиқланган. Бу М. ойининг номидан ҳам кўриниб туради. М. ойининг биринчи ўн кунида шиалар имом Ҳусайнни ёдлаб мотам тутади, турли диний маросимлар ўтказиши (қ. *Ашуро*). Исломда М. уруш ман қилинган тўрт ойнинг биридир.

МУҲОЖИР (“ҳижрат қилган”) – Макка фатҳига қадар Муҳаммад (сав)га эргашиб Мадинага кўчиб борган мусулмон. Дастлабки йилларда М.лар сони юзга яқин эркак бўлган. Бадр жангида 70 га яқин киши қатнашган. Улар мусулмон жамоасининг энг сара қисмини ташкил қилган. Улар имон, эътиқод йўлида қариндошлик ришталарини узиб, уй-жой, мулкларини ташлаб Расулulloҳ (сав)га эргашганлар.

Дастлабки даврда М.ларнинг кўпчилиги бадавлат диндошлари хайриялари ҳисобига

қашшоқ яшаганлар (Қуръонда сахийликка қилинган кўплаб даъватлар шу б-н боғлиқ), лекин, яҳудийларнинг Бану Набир қабиласи кўчириб юборилгач, улар уй ва ерларга эга бўлишган, ўлжа ҳисобига бойий бошлашган. Умар I уларга бошқа мусулмонларга қараганда каттароқ маош белгилаган (қанча илгари ҳижрат қилган бўлса шунча кўп); ўлжа тақсимотида уларга кўпроқ улуш ажратилган. Ҳатто 8-а. бошидаги Миср хужжатларида М.ларга аталган таъминотлар алоҳида қайд этиб ўтилган. Халифалик тахтига даъвогарларнинг барчаси М.лар ичидан чиққан.

Муҳаммад (сав) М.лар қаторига Маккадан Ҳабашистонга кўчган ва 629 й. Мадинага қайтиб келган мусулмонларни ҳам киритганлар, лекин Умар I маош белгилаш чоғида уларни олий даражага киритмаган, зеро, улар дастлабки жангларда қатнашмаганлар. Кейинчалик уларни М. деб аташмаган.

МУҲОКАМА – суд жараёни. Суд юритиш тартиби исломда, асосан, 8-а. ўртасига келиб шаклланган. У учта тамойилга асосланган: жараёнда томонларнинг шахсан иштирок этиши, жараённинг ошқоралиги, жараённинг узлуксизлиги. Жараён оғзаки олиб борилмоғи лозим. ёзма гувоҳликлар ва далиллар эса, хотира учун ёзув сифатида қаралган, уларнинг ҳаққоний экани гувоҳлар (шоҳидлар) томонидан тасдиқланиши керак бўлган. Томонларнинг ўзлари айблов ёки даъво кўзғатганлар ва ўзлари ҳимоя қилганлар. Агарда текширув лозим бўлса, уни қози ёки унинг вакили олиб борган. Агар томонлардан бири жараёнда иштирок қила олмаса, унинг номидан вакил қатнашган, лекин унга албатта қозининг рухсати лозим бўлган. Томонлар ташқаридан таклиф этилган ҳуқуқшунослар кўмагидан фойдаланишлари мумкин бўлган, улар жараёнда адвокатлик вазифасини бажаришган, лекин, суд учун улар фақат гувоҳ ҳисобланишган. Кенг ошқораликни таъминлаш учун жараён шундай жойда ўтиши керакки, у ерда халқ тўплана олсин: майдонда, ҳоким ёки қозининг уйи олдида, маҳсус хона (маҳкама)да ва б. Суд штати доимий бўлмаган: қози ўз хоҳишига кўра унга қотиб, таржимонлар, хабарчилар ва б.ни киритган, уларга суднинг умумий харажатларидан пул тўлаган.

Суд жараёни вақтида ҳақиқат, ёки томонларнинг бири бошқасини ҳақ эканини

эътироф этиши, ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёхуд томонларнинг бири қасам ичиб ўз ҳақлигига ишонтириши йўли б-н аниқланган. Жараён қуйидаги тартибда ўтказилган: айблов ёки даъво қўзғатилгач, қози томонларнинг келиш имкониятларини ҳисобга олиб ишнинг кўрилиш жойи ва вақтини тайинлайди. Жараён бошланишида айбловчи томон ўз айблови ёки даъвосини изҳор этиб, имкони борича далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини келтиради, айбланувчи томон ўзини ҳимоя этувчи далил, асосларни келтиради. Борди-ю, томонлардан бирига қўшимча далиллар тўплаш учун вақт зарур бўлса, жараён шу даврга кечиктирилиши мумкин. Агарда на далиллар, на гувоҳларнинг кўрсатмалари томонлардан бирининг ҳақ эканини исботлай олмаса, томонлар қасам ичирилади, бунда айбловчи томон биринчи бўлиб қасамёд қилдирилади. Борди-ю, мана шу барча имкониятлар ҳам самара бермаса, даъволар исботланмаса, жараён тўхтатилади. Агарда айбловчи томон жараёндан сўнг қўшимча далиллар тоңгудек бўлса, у янги жараённи бошлаши мумкин бўлган.

Ҳозирги даврда бундай суд жараёнлари, асосан, урф-одатни бузиш б-н боғлиқ. оилавий ва баъзи мулккий муносабатлар (меросхўрлик ва мулк тақсимооти, васийлик, топширик, маҳр тўлаш устидан назорат ва б.)ни кўрувчи диний судлардагина олиб борилади. Мураккаб замонавий усулларни қўллаш б-н боғлиқ текширувни талаб қилувчи барча ишлар диний судлар томонидан кўрилмайди.

МУҲОСИБИЙ, Абу Али ал-Ҳорис ибн Асад ал-Аназий (тахм. 781–857) – бағдодлик илоҳиётчи, суфийликнинг биринчи назариётчиларидан бири. Басрада туғилган. Ҳадислар ва фикҳни машхур аллома Язид ибн Ҳорун (821 й. в.э.)дан ва Абу Исҳоқ ал-Кураший деган шахсдан ўрганган. Ёшлигида Бағдодга кўчиб ўтиб, ўқишни мустақил давом эттирган. У зоҳидона турмуш кечирган, отаси қолдирган катта меросдан воз кечган, зеро, у муътазилийларнинг “инсон иродаси эркинлиги” ҳақидаги таълимоти тарафдори бўлган. М.нинг тақводор ва билимдонлиги унга катта шуҳрат келтирган ва унинг атрофида кўплаб шогирдлар тўпланишига олиб келган. Бироқ, тахм. 846 й. Ибн Ҳанбалнинг ўзи бошчилигида ханбалийларнинг унга қилган қувгинлари

оқибатида у ўз ваъзлари ва дарсини тўхтатишга мажбур бўлган.

Уни бидъатда айблашган ва Бағдодни тарк этишга мажбур қилишган. У қолган умрини бутунлай дарвешона ҳаёт кечириб, ҳар қандай ижтимоий фаолиятни тўхтатган, қашшоқликда вафот этган.

М. (“Қалблар ва хотиралар”) асарида суфийлик “психологияси”нинг асосий қондаларини таърифлаб берган. Шахс ўз-ўзини камолотга етказишининг асосий воситаси ўз-ўзини кузатув ва ўзини назорат қилиши (мувоқаб ва муҳосаба) деб билган. Лақаби Муҳосибий шундан олинган, яъни “ўзини-ўзи назорат қилувчи, ўзига-ўзи ҳисоб берувчи”.

М. 30 дан зиёд асар ёзган, улардан машхурлари “Китоб ар-риъайа ли-ҳуқуқ Аллоҳ” (“Аллоҳнинг ҳақларига риоя қилиш”), “Китоб ат-таваҳхум” ва “Китоб ал-баъс ва-н-нушур” (“Қайта тирилиш ва йиғилиш китоби”), суфийликка қадам қўйганлар учун ўғитлар сифатида “Китоб ал-васайа” (“Тавсиялар китоби”) ва б.

М. Бағдоднинг машхур суфийлари ан-Нурий (907 й. в.э.) ва ал-Жунайд (910 й. в.э.) ва б.нинг устози бўлган. Унинг қарашларини ал-Ҳазолий қабул қилиб, уларни юқори баҳолаган. “Китоб ар-риъайа” бутун мусулмон оламида кенг машхур бўлиб, уни муридлар учун “шарт бўлган адабиётлар” сифатида тавсия этишган.

МУҲТАСИБ (араб. – назорат қилувчи) – ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шарият қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шарият тизимига ҳос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда бундай амалдорлар раис деб аталган. М.лар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларини бажармаган кишилар (мас., рамазон ойида рўза тутмаганлар)ни жазолашга ҳукм чиқариш ва ўша ернинг ўзида ҳукми ижро эттириш кабилар б-н шўғулланган.

М.ни одатда давлат бошлиғи тайинлаган ва у қози б-н баробар иш кўрган. Аммо, М. маъмурий жиҳатдан қозидан пастроқ лавозим ҳисобланган ва ундан анча кам маош олган. М. шахарни нон б-н таъминлаш, тақчил пайтларда унинг баҳосини маълум чегарадан

оширмаслик, шунингдек, кемалар ва ҳатто ҳаммол, юк ташувчи ҳайвонларга қанча юк ортилаганини ҳам текшириб туриш ва ҳ.к. б-н шуғулланган. М. лавозими айрим христиан давлатлари (Қуддус қироллиги, Арманистон)да ҳам бўлган. Яқин-яқин вақтларгача (1920 й.га қадар) Бухорода М. турли вазифаларни бажариб келарди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида масжидларнинг моддий ва маънавий фаолиятини назорат қилиб турувчи мухтасиблик бўлими мавжуд.

МЎМИН (араб. – эътиқод қилувчи, динга ишонувчи) – илк ислом даврида Мадина жамоаси (қ. *Умма*) аъзоси. Шаръий амалларни тўқис бажарувчи шахс эса, *муслим* деб аталган. М. ва муслим луғавий жиҳатдан бир-биридан тафовут қилинган. Кейинчалик улар бир мазмунда тушуниладиган бўлган. Қуръонда М. сўзи Аллоҳнинг сифати ва диндор эътиқодининг ички, ахлоқий томонини акс эттирувчи алоҳида тушунча сифатида беш жойда қўлланилган. Уламолар кимни М. қаторига киритиш ҳақида турли фикрларни билдирганлар. Чунончи, аҳли сунна ва жамоа “қалбан ишонган” (ақд би-л-қалб), ўз имонини очик, барчага эълон қилиб (икрор), чин ният б-н яхши, солиҳ амалларни қилувчини М. деб ҳисоблайди. Муржибийлар бўлса, қалбан ишонган ва ўз имонини очик, барчага эълон қилган киши (солиҳ амал қилмаса ҳам) М.дир, дейдилар. М.нинг мана шу икки асосий моҳияти ҳақидаги фикр бошқа тариқат ва оқимлар томонидан эътироф қилинган. М. – оддий халқ тилида ювош, мулойим одам деган маънони ҳам билдиради.

МЎЪЖИЗА (араб. – ақлни ожиз қолдирувчи ҳодиса) – пайгамбарларнинг ҳақиқатан ҳам Аллоҳ томонидан бандаларга юборилган элчилар эканига далил-ҳужжат сифатида юз берадиган гайри табиий ҳодиса. Мас., Мусо (ас)нинг ҳиссаси таёк сифатида қўй ҳайдашдан ташқари, керак пайтда бошқа шаклга кириб, дарёга кўприк бўлар, ёки аждарга айланиб пайгамбар фойдасига хизмат қилар эди. Қўллари қўйнига суқиб олингач, тунда йўлни ёритишдек ёғду сочар эди. Исо (ас)га оғир, бедаво касалликларни ҳам бир нафас б-н тузатиш, мурдаларни тирилтира олиш каби мўъжизалар ато этилган. Муҳаммад (сав) эса, бир неча ўнлаб мўъжизаларга эга бўлганлар. Уларнинг ичида энг улуғи – ўқиш, ёзишдан мутлақо хабари йўқ саводсиз (уммий) шахснинг Қуръони карим оятларини ёддан тиловат этиши ва уларнинг назм ва мазмун жиҳатидан башарият имконида йўқ олий даражада айтилган илоҳий ваҳий эканидир. Файритабиий ҳодисалар деганда ҳавода бевосита учиш, сув бетида юриш, узоқ масофани бир лаҳзада босиб ўтиш, жонсиз нарсаларни гапиртириш, зарур ҳолатларнинг раво бўлиши, дуосининг ижобат этилиши каби ишлар назарда тутилади. Бу хилдаги ҳодисалар азиз-авлиёлардан содир бўлса у каромат дейилади.

МЎЪТАБАР ЖОЙЛАР, қ а д а м ж о л а р – диндорлар муқаддас деб ҳисоблаган ва зиёрат қиладиган жойлар. Булар – пайгамбар, шайх, эшон, авлиёлар номлари б-н боғлиқ деб ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган мақбара, булоқ, дарахт ёки тепаликлар, ғор ва б.дир.



Н

НАБИЙ (араб. – кўплиги анбиё, илоҳий хабар келтирувчи) – пайғамбар, Аллоҳнинг фармойишини инсонларга етказиб берувчи воситачи шахс. Н.ларга ишониш ислом дини ақидаларидан бири ҳисобланади. Ўзларига махсус китоб ва шарият берилмай, бир расулга (яъни Аллоҳ элчисига) ато этилган китоб ва шариятга амал қилмоққа буюрилган пайғамбарлар Н.лар дейилади. Н.ларнинг ҳеч бири расул бўла олмайди, аммо расулларнинг ҳар бири Н. номи б-н ҳам аталади.

Аллоҳдан ваҳий олиб турувчи шахс Қуръонда Муҳаммад (сав)нинг расул (элчи) деган исми б-н бир қаторда энг асосий сифатларидан (номланишларидан) бири. Қуръонда, шунингдек, ундан аввал ўтган қад. пайғамбарлар, жумладан, биринчи пайғамбар Одамато ҳақида кўп зикр қилинган. Муҳаммад (сав) эса, энг охиргиси бўлиб, “ҳотам ан-набийин” – “пайғамбарлар муҳри” деб аталадилар.

Қад. пайғамбарлар Аллоҳга имон келтиришга чақирганлар ҳамда Муҳаммад (сав)нинг дунёга келишларини башорат қилганлар. Ривоятларга кўра, уларнинг сони 124 минг. Бирок, Қуръонда 25 тасининг номи зикр қилинган. Улардан кўпининг кўшимча нисбалари бор. Мас., Иброҳим (ас) Халилуллоҳ (Аллоҳнинг дўсти), Исо Рухуллоҳ (Аллоҳнинг руҳи), Муҳаммад Расулulloҳ ва х.к. Тўққизта пайғамбар алоҳида

ажратиб кўрсатилади. Улар Нух, Иброҳим, Довуд, Яқуб, Юсуф, Айюб, Мусо, Исо, Муҳаммад. Улардан бир нечасига муқаддас китоблар: Мусога *Таврот*, Довудга *Забур*, Исога *Инжил*, Муҳаммад (сав)га *Қуръон* нозил қилинган.

НАВОИЙ, Низомиддин Мир Алишер (1441 – 1501) – улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат арбоби. Хиротда туғилди. Темурийлар даврида яшаб, темурий шахзодалар б-н бирга тарбияланди. 4–5 ёшларида мактабга борди. Қуръони карим ва ҳадислар унинг дунёқараши шаклланишига таъсир қилди.

Н. “ёшлик ва йигитлик замонида доимо дарвишлар суҳбатининг талабгори эди” (Хондамир). Унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида йирик шоир, Хирот *нақшбандийлик* тариқатининг етакчи вакили Абдурахмон Жомий б-н учрашуви катта из қолдирди. Жомийни устоз-пир ҳисоблаб, унинг тасаввуфи тарихи ва намояндалари ҳақидаги бир неча асарини туркий тилда қайта яратди. 1466–68 й.ларда Н. Самарқандда яшаб таниқли фикҳшунос Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсдан сабоқ олди. Шоирнинг фикҳ илмини синчиклаб ўргангани бадиний ижодида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам асқотди.

Н. ўз умри давомида мусулмонлик тартиб-қондаларига, ислом кўрсатмаларига тўла амал

килди. Айни вақтда пайгамбарлар, суфийлар, машойихлар ҳаёти, уларнинг яшаш тарзлари хусусида маълумот берувчи “Насойимул-муҳаббат” (“Муҳаббат шаббодаси”), “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайгамбарлар ва ҳақимлар тарихи”) каби асарлар яратди. Н.нинг “Хамса” асарига кирган дostonларда, девонларда суфийлар, дарвишлар, орифлар хислатларини таърифловчи ғазаллар, мухаммаслар, китъалар, боблар бор. Н. бу зотларни Худо ва пайгамбардан кейин тилга олиб, уларни Аллоҳ б-н инсоният орасидаги воситачи, руҳий ва маънавий олам посбонлари сифатида эъзозлайди. Н. муқаддас китоблардаги илоҳий фикрлардан ўз ижодида фойдаланиб, уларни махсус рисоалар учун манба сифатида қабул килди. Чунончи, “Арбаин” (“Қирк ҳадис”), “Назмул-жавоҳир” (“Гавҳарлар тизими”), “Махбубул-қулуб” (“Қўнғилларнинг севгани”), “Муножот”, “Сирожул-муслимин” (“Мусулмонлар чироғи”) каби китоблари Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар таъсирида юзага келди. Уларда шариат аҳкомлари, Аллоҳ сифатлари, ислом арконлари ва ақидалари хусусида сўз юритди, бу б-н ислом таълимотининг оммалашишига, равнақ топишига катта ҳисса қўшди.

Н. вазир ва ҳоким лавозимларида ишлаганида ҳам, кейин ҳам бадийий ижод б-н шуғулланиш баробарида масжид ва мадрасалар, хонақоҳ ва работлар бунёд этиш, илм-санъат аҳлларини тарбиялаш йўлида саъй-ҳаракатлар килди. Хиротдаги Жоме масжиди ва унинг ҳузуридаги мадраса, “Халосия” хонақосига, Астробод, Машҳад, Марв сингари чекка ўлкалардаги қурилишларга ҳам маблағларини аямади. Ўз жамғармасидан 4 та катта мадраса, 25 дан ортик масжид ва хонақоҳ, 50 дан ортик работ ва ҳ.к. қурдирди. Н.нинг элга иноят ва марҳамати рўза ойида, ҳайит кунларида айниқса бекиёс бўлар эди. Шоир “Вақфия” асаридида бу жараёни деярли қонунлаштириб қўйган.

Кейинги йилларда Н. асарларини тадқиқ қилиш ва нашр этишда янги босқич бошланди. Унинг ижодига тасаввуфнинг таъсири, асарларида суфийлик гоёларининг бадийий талқини масалаларини ўрганишга киришилди. **НАВРЎЗ** – Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қад., анъанавий Янги йил байрами. Тарихий манбаларда Н. катта байрам сифатида Аҳоманийлар давридан нишонлаб

келинади. Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” асаридида Н. байрамининг урфга айланишини қад. паҳлавий китобларидаги маълумотларга асосланиб Эрон эпосининг қаҳрамони шоҳ Жамшидга боғлайди. Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистонга ислом дини тарқалгач, бу ўлкаларда Н.ни байрам қилиш аввалгидек тантанали бўлмаса-да, аммо бутунлай йўқолиб ҳам кетмади. Марказий Осиё ва Эрон халқлари 9–10-а.ларда араб халифалиги асоратидан қутулгач, Н.ни байрам қилиш яна умумхалқ байрамига айланиб расмийлашди. Байрам куни маҳбуслар ҳам озод қилинган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридида ҳам баҳор ва Н.га бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтирилган. Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридида ҳаётий ва диний байрамларнинг келиб чиқиши ҳақида ёзган.

Н. байрами янги йил биринчи ойи – ҳамалнинг биринчи куни, мил. йил ҳисоби б-н ҳар йили 21 март куни нишонлаб келинади. Н. байрами баҳор ойига – қ. х. ишларининг бошланишига тўғри келган. Н.нинг биринчи ва олтинчи кунлари ниҳоятда тантанали ўтказилган.

Н. байрами 80-й.лар ўрталарида асоссиз равишда диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. Кейинроқ бу байрам бошқа қадриятлар қаторида тикланди. Ҳоз. Н. республикада умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади ва дам олиш куни деб эълон қилинган.

НАЖАФ, Машҳад Али – Ироқдаги шаҳар, Куфадан 10 км ғарбда, Месопотамия водийси ва саҳро чегарасида жойлашган зиёратгоҳ. Анъанага биноан Куфа атрофида, ҳоз. Н. жойлашган ерда Али ибн Абу Толиб (қв) дафн этилган. Умавийлар ҳукмронлиги даврида қабр ўрни сир тутилган, шу туфайли кейинчалик Н.даги турли жойлар Али дафн этилган ер деб белгиланган. Ривоятга кўра, сағана халифа Ҳорун ар-Рашид (786–809)нинг қўрсатмасига биноан қурилган. Ибн Ҳавқалнинг хабар беришича, Мосул ҳокими, ҳамдонийлардан бўлган Абул Хайжа унинг тепасига катта гумбаз ўрнатган, 10-а. охирида эса, мақбара қурилган. 11-а. ўртасида мақбара суннийлар томонидан ёндириб юборилган, лекин тез орада қайта тикланган. 14-а. бошига келиб шаҳарда суфийлар хонақоси пайдо бўлган. 1326 й. Н.га географ Ибн Баттута келиб уни батафсил

таърифлаган: жумладан у шахарнинг олтин дарвозалари, мақбаранинг олтин чироқдонлари, ҳашаматли гиламлари ва дарпардаларини қайд этган. Ўша даврдаёқ Н. Ироқнинг энг муҳим шахарларидан ҳисобланган. Ҳоз. Н. – шиалик илоҳиётининг йирик маркази, зиёратгоҳи. Айниқса, ашуру кунлари ва ҳазрати Али вафот этган кун нишонланаётган вақтда Н. гавжум бўлади.

1964–1978 й.ларда бу ерда Эрондан қувғин қилинган оятуллоҳ Рухулло *Хумайний* яшаган. **НАЖМИДДИН КУБРО МАҚБАРАСИ** – Кўхна Урганчдаги меъморий ёдгорлик (14-а. 20–30-й.лари). Суфийликдаги кубравийлик оқимининг асосчиси, шоир, олим ва шайх Нажмиддин Кубро номи б-н боғлиқ. Мақбара 3 хона (Нажмиддин Кубро сағанаси жойлашган катта хона, бир неча қабрлари бўлган кичик хона ва зиёратхона)дан иборат. Миёнсарой ва хоналар гумбаз томли, ўзаро бир-бири б-н боғланган. Бош тарзи чуқур равоқли, пештоқгумбазли, кошинкори нақш б-н хошияланган, ёзувларида қурилган йили сақланган. Пештоқ юқориси муқарнасли шарафа б-н яқунланган. Пештоқ деворлари ва сағана оқ, кўк, ҳаво ранг ва жигарранг кошин б-н қопланган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшигига ислимий нақш туширилган. Катта хонанинг ички гумбаз ости бағали қалқонсимон, 16 қиррали, 4 бурчаги тоқуравоқли, ганчкори муқарнаслар б-н безатилган. Хона ўртасидаги сағана ўзига хос миллий услубда ишланган. Бу кейинчалик Хоразм меъморий ёдгорликларида намуна сифатида кенг қўлланилган. Н.К.м.да Хоразм меъморлигида мусаввир ва кошинпазлар томонидан эришилган барча ютуқлар намоён бўлган.

НАЖЖОР, ал-Хусайн ибн Муҳаммад (? – тахм. 845) – машҳур илоҳиётчи; унинг издошлари ўзларини нажжорийлар ёки хусайнийлар деб аташган. Қум ш.да туғилган, дурадгорчилик қилган Н. мунозара қилишга ўчлиги б-н шуҳрат қозонган, айниқса, Басра муътазиллийлари раҳбари ан-Наззом (835/836 ёки 845 й.в.э.) б-н қизғин мунозара олиб борган ва шулардан бири чоғида вафот этган. *Шаҳристони*нинг фикрига кўра, Рей ва унинг атрофидаги кўпчилик муътазиллийлар Н. таълимотига амал қилганлар. Ибн ан Надим Н.нинг 20 га яқин асари номини келтириб

ўтган. Баъзи масалаларда у суннийлар б-н, баъзиларида эса, муътазиллийлар б-н бирга бўлган. Хусусан, барча муътазиллийлар каби у “абдий илоҳий сифатлар”ни инкор этган, бунинг учун уни сунний-сифатийлар танқид қилганлар. Шу б-н бирга у муътазиллийларнинг инсон иродаси эркинлиги ҳақидаги ақидасини рад этган ва сунний-сифатийларнинг Аллоҳ – инсон хатти-ҳаракатларининг ижодкори ва ҳаракат қилиш имконияти ҳаракат б-н бир пайтда содир бўлади, деган фикрига қўшилган. Уни жабарий деб ҳам аташган, чунки, у дунёда фақат Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлади, деб ҳисоблаган. Ақоиднинг хусусий масалалари бўйича нажжорийлар ичида ўзаро ихтилоф пайдо бўлгач, улар айрим гуруҳларга бўлиниб кетишган, уларнинг орасида бургусийлар, заъфаронийлар ва мустадрикийлар машҳур.

НАЗАР – мушоҳадага асосланган мулоҳаза, назарий қараш. Бу маънода фикрда раъй ва киёс терминлари ишлатилган. Қаломда Н. деганда, асосан, маълумдан номаълумга элтувчи муҳокама тушунилган ва шу маънода унга баҳс, фикр, тафаккур, истидлол сўзлари маънодош бўлиб хизмат қилган. Шунга кўра, уларнинг илми кўпинча “илм ан-назар ва-л-истидлол” деб номланган. Фалсафада назария ва амалиётнинг ўзаро нисбатига асосан назарий ақл (ал-ақл ан-назарий) ва амалий ақл (ал-ақл ал-амалий) фарқланган, фанларни эса, назарий (улум назарийа-физика, математика, метафизика) ва амалий (улум амалийа-этика, уй-рўзгор юритиш, сиёсат)га ажратганлар.

НАЗЗОМ, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сайёв (? –835–36 ёки 845) – муътазиллийларнинг Басра мактаби машҳур намояндаси; унинг издошлари ўзларини ан-наззомийа (наззомийлар) деб аташган. Н.нинг асарлари сақланмаган, унинг қарашлари шогирди ал-Жоҳиз асарларида келтириб ўтилган. Н.нинг фикрича, барча нарсалар бир пайтда яратилган (жумлатан); жисмлар чексизликкача бўлинади, шунингдек, ҳаракатдаги жисм бир ердан иккинчи ерга, ўртадаги масофани четлаб сакраши (таффа) ҳақида; ҳиссий қабул қилинадиган сифатларнинг жисмга эғалиги; жисмларнинг ўзаро бирикиши (мудохала) ҳақидаги қарашлари маълум. Жоҳизнинг гувоҳлик беришича, Н. ва унинг издошлари “итлар ва хўрозлар устида олиб бориладиган тажрибани намоз ва Куръон ўқишдан..., ҳаж ва жиҳоддан

афзал кўришган”, “чорёрлар”ни қоралаганлар, машхур муҳаддислар Абу Хурайра ва Абдуллох ибн Масъудларни сохта ҳадис айтганликда айблаганлар.

НАЗР (араб. – сўз бериш, ваъда қилиш, кучайиш) – ислом фикҳида бирор савобли ишни бажаришга аҳд қилиш ва уни оғзаки ёки ёзма равишда ифода этиш (мас., фалон ишимни битирсам ёки согайиб кетсам, Аллох йўлига бир кўй сўйиб, қурбонлик қиламан каби). Исломда Н.га ташвиқот йўқ. Аммо, Н. қилган одам уни бажариши шарт ҳисобланади. Агар бажармаса бир вожиб амални тарк этган ҳисобланиб, оғир гуноҳкор бўлади. Кейинчалик халқ ўртасида Н. сўзи хайр, садақа, эҳсон қилиш маъноларида ҳам ишлатила бошлаган (мас., масжид, мазор ёки тиланчига Н. бериш каби). Исломга кўра, Н. имкони бор киши учун вожиб. Моддий ёки жисмоний жиҳатдан бажаришга қодир бўлмаган одам Н. қилмаслиги лозим.

НАМОЗ (форс., араб. – салот) – ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; исломдаги беш рукндан бири. Н. мусулмонларга меърож кечаси (қ. *Исро ва меърож*) фарз қилинган биринчи ибодатдир. Бир кеча-кундузда беш маҳал (*бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон*) Н. ўқиш фарз ҳисобланади. Н. ўқиш “Аллоҳу акбар” деб такбир айтиш б-н бошланиб, сано, Қуръон оятларидан тиловат қилиш, тасбеҳ ва дуолар ўқиш, рукуъ, сажда, тиз чўкиб ўтириш, салом бериш кабилар б-н якунланади. Н.да бажариладиган барча амаллар бирлаштирилиб, ёзма ҳолда Муҳаммад Шайбоний (805 й.в.э.) томонидан қайд этилгунга қадар, Н. ўқиш тартибини бир хилликка келтириш устида ўтган 150 йил мобайнида саъй-ҳаракатлар қилинган. Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларда Н.нинг аҳамияти, фазилатлари ҳақида гапирилиб, уни мукамал адо этишга ташвиқот қилинади.

Н.ўқиш учун намозхоннинг бадан ва кийимлари ҳамда ўқиш жойи пок бўлиши шарт. Н. Маккадаги Каъба ибодатхонасига қараб ўқилади. Уни ўқишда махсус тўшама – *жойнамоз*дан фойдаланилади. Н.ни киши бир ўзи ёки жамоа бўлиб ўқиши мумкин, лекин жума кундаги жума Н.ини масжидда ўқиш тавсия этилади. Жамоа бўлиб Н. ўқиганда намозхонлар қатор туради, улардан бири (одатда имом, лекин у иштирок этиши шарт

эмас) имомликка ўтади. Н. пайтида гапириш, ейиш, ичиш, кулиш, дунё иши б-н йиғлаш, йўталиш, турли ҳаракатлар қилиш ва б. мумкин эмас. Касал ва ногиронлар Н.ни ўзларига қулай ҳолатда ўқийдилар.

Исломдаги мазҳаблар кўрсатмаларида Н. ўқиш қоидаларининг бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Ўзбекистонда Н. асосан *ҳанафийлик* мазҳабига мувофиқ ўқилади. Мамлакатимизда Н. ўқиш учун барча қулайликлар мавжуд бўлган икки мингта яқин масжид фаолият кўрсатмоқда.

НАРИГИ ДУНЁ – охират, боқий дунё. Диний ақидага кўра, бу дунё фоний, яъни қачондир тугайди ва ундан кейин киёмат қойим бўлади, охират–боқий дунё бошланади. Барча одамзод қайта тирилиб, Аллох ҳузурда ёруғ дунёда қилган яхши-ёмон ишлари тўғрисида ҳисобот бергандан сўнг жаннат ёки дўзахга маҳкум бўлиши охират ишларидан деб талқин этилади. Қуръон ва ҳадисларда охират тўғрисида жуда кўп эслатиб ўтилади. Зеро, Н.д.да қилмишларидан ҳисобот беришига ишонган одам, албатта, ёвузликдан қайтиб, эзгуликка мойил бўлади. Н.д. ёки охиратни инкор этиш исломда шаккоклик ҳисобланиб, имонидан маҳрум бўлишига олиб келади.

НАСАФИЙ, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад (1069–1142) – тарихчи, факих, тилшунос, муҳаддис, муфассир олим. Унинг мусулмон қонуншунослигига доир “Манзуматун Насафия фил-хилофиют” (“Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари”), “Ақойид ун-Насафия” (“Ислом ақидалари Насафий тазминиди”), шариат қонунлари ва Қуръони карим шарҳига доир “Ал-йавоқит фил-мавоқит” (“Қулай вақтлар хусусида ёқутлар”), 3 китобдан иборат (100 босма табок ҳажмида) “Тайсир фит-тафсир” (“Тафсир этишдаги қулайликлар”), шунингдек, тасаввуфга доир “Рисомайи Нажмия” китоби бизгача етиб келган бўлиб, улар етарли тадқиқ этилмаган. Мусулмон оламида Абу Ҳафс Насафий асарларига қизиқиш қадимдан катта бўлган. Унинг “Манзуматун-Насафия” асарига замондоши Аловуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (вафоти 1157 й.) “Хасрул масойил ва касруд-далойил” (“Масалаларнинг чеклангани ва далиллар касри”) деб, номланган тафсир битган. Соҳибқирон Амир Темур даври олимларидан Саъдуддин Масъуд ибн Умар

Тафтазоний (вафоти 1390) Н. асарларига “Шарҳи ақойид ун-Насафия” номли тафсир ёзган. Н.нинг “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд” [“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб)”] номли асари, асосан, самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннаҳр тарихи, геогр., топонимикаси ҳамда Ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган қўлёзма нусхасининг “хо”дан “коф” ҳарфларигача бўлган қисмигина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бўлак манбаларда учрамайдиган маълумотларга эга эканлиги боисидан ниҳоятда муҳимдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти Н.нинг ушбу асарини “Самарқандия” номи остида чоп этган (2001).

НАСАФИЙ, имом Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (? – 1310) – имом, фикҳшунос, муҳаддис. Устози Муҳаммад ибн Абдусаттор ал-Кардарий бўлган. Н. фикҳга доир кўплаб асарлар ёзган. Олимнинг “Канз уд-дақоик” асари айниқса, машҳур. Мусулмон ҳуқуқшунослиги асослари, ханафийлик ва шофийлик мазҳабларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги бу рисола Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган. Н.нинг “Мадорикат-танзил” тафсир китоби ҳам машҳур. Уни таълиф этишда имом Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсиридан истифода қилган. Н. тафсири ҳоз.гача уламолар ва илми толиблар ўртасида шуҳрат топиб келмоқда ва ундан ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Н. ҳаётининг сўнгги йилларида Бағдодда мударрислик қилган ва ўша ерда вафот этган. Н. асарлари ЎЗРФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

НАСОРО (араб. – насроний сўзининг кўпчилиги; масиҳийлар, христианлар). Қуръони каримда Исо пайғамбарга эргашган диндорлар шу ном б-н аталган. Бу сўзнинг келиб чиқишига сабаб – Исо Масиҳ Носира номли шаҳарда туғилган бўлиб, уни Носирий деб атар эдилар. Унга

эргашган кишини эса, насроний деб юрита бошлаганлар. Н. Исо Масиҳни илоҳийлаштирганлари учун ислом дини нуқтан назарида ширк ахлидан ҳисобланадилар. Зеро, исломда Аллоҳ таолога ҳеч бир нарсани тенглаштириш ҳатто ўхшатниш мумкин эмас. Н. эса, Исо пайғамбарни учта муқаддас куч – илоҳлардан бири деб эътиқод қилади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг кўпдан-кўп оятларида Н. ҳақида батафсил тўхтаб ўтилади ва Муҳаммад (сав)ни эътироф этишга даъват қилинади.

НАСХ (араб. – бекор қилиш) – Қуръон оятларидан айримларининг қироати ва ёзувини ўзгаришсиз сақлаган ҳолда, уларни фақат амалдан қолдириш, татбиқ этмаслик. Шу каби оят – “мансух”, уни бекор қилувчи оят – “носих” деб аталади. Ислом тарихига кўра, Қуръон оятлари яхлит эмас, батки вақти-вақти б-н, зарурат ва эҳтиёжга кўра 23 й. мобайнида нозил қилинган. Бу аснода шариатнинг айрим ҳукмлари оят ва ҳадислар кўрсатмаси б-н янгиланиб турган. Шунинг учун баъзи оятлар мазмуни бир-бирига зид туюлади. Бундай вақтда улардан қайси бири кейин нозил қилинган бўлса, ўшаниси носих, олдин нозил қилингани эса, мансухдир. “Бақара” сурасининг 106-оятига ёзилган тафсирларда Н. ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

НАҚИБ (араб. – бошлик, етакчи, раис) – ўзларини Муҳаммад (сав) авлодларидан деб ҳисоблайдиган сайид (ўзбеклар орасида – тўра)лар жамоаларининг етакчилари, раҳбарларининг лавозими. Н. лавозим сифатида ўрта асрларда халифалар ҳукмронлиги даврларида вужудга келган, ҳукмдорлар Н.лар орқали сайидлар жамоалари б-н муомала қилган. Н.лар хазинадан таъминлаб турилган. Кейинчалик Н.лар сайидлар жамоалари ва авлодларининг раҳбарлари, уларнинг ҳаёти ва турмушида йўл-йўрик кўрсатувчи раҳнамолари сифатида иш кўрган. Хорижий мамлакатларда Н.лар ҳозир ҳам бор, улар сайидлар жамоалари ҳаётини бошқаради, улар номидан давлат ҳокимияти вакиллари б-н муомала қилади. Н.лик лавозими авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган.

НАҚШБАНДИЙЛИК – тасаввуф тариқатларидан бири. *Баҳоуддин Нақибанд* асос солган. Н. таълимотининг асосида “қўнғил Худода бўлсин-у, қўл иш б-н банд бўлсин”

(“дил ба ёру, даст ба кор”) шиори ётади. Унга кўра, дилни Аллоҳ б-н боғлаган ҳолда касбу хунар ва қўл меҳнатини асло тарк этмаслик керак. Фақирона яшаш, хайр-эхсон ҳисобига эмас, ўз меҳнати ҳисобига ҳаёт кечириш лозим. Бу ғоя тариқат асосланадиган ўн бир қоидада ҳам ўз ифодасини топган. Туронзамин тасаввуфида зикр тушишнинг икки усули амалда бўлган. Бири – зикри лисоний, иккинчиси – зикри хуфия. Н.да зикри хуфия амалда бўлиб, бунда зикр тушаётган солиқ сўзларни тил б-н талаффуз қилмайди, овоз чиқармайди, сўзлар фақат дилда айтилади.

Н. ўздан олдинги оқимлардан бевосита ҳаётга яқинлиги б-н ажралиб туради. Н. тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ қоидаларни бир қадар юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Бу эса, Н.нинг кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Н. Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ ҳалқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Ғиждувоний Н. тариқати ривожига ҳисса қўшдилар. 15-ада Хожа Аҳрор бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси бўлиб майдонга чикди. Темурийлар даврида машҳур шахслар Н. пирларига мурид бўлган эди. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар Н. тариқатида эдилар. Улар ўз асарларида Н. таълимотини тарғиб этдилар. Н. Ўрта Осиёдан ташқари, Кичик Осиё, Кавказ, Курдистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва ҳатто АҚШда кенг тарқалди. Айрим мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам бу тариқат катта мавқега эга.

НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ, Амир (сайид) Нуриддин Неъматуллоҳ ибн мир (сайид) Абдуллоҳ (лақаби – Шох Неъматуллоҳ Валий) (1330–1431) – суфий, шоир; *неъматуллоҳийлар* суфийлик тариқати асосчиси. Н.В. сунний – шофийий бўлиб, ўз шажарасини шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқир орқали (21-бўғимда) Муҳаммад (сав)га етказган. Ҳалабда тугилган, Ироқда, сўнгра Маккада – шайх Абдуллоҳ ал-Ёфеъий (1298–1367) қўлида таҳсил олган, 7 йилдан сўнг унинг халифаси бўлган. Ироқ, Миср, Табриз, Ардабил, Мовароуннаҳрда бўлиб, туркий қабилалар орасида исломни фаол тарғиб қилиб, уни ёйган. Ўзининг зоҳидона турмуш тарзи (40, 100

қунлик рўза тутиш, маълум муддат тўлик сукутга кетиши ва б.) б-н халқ орасида шуҳрат қозонган. Самарқанд ва Қаршида бир муддат яшаган. Амир Темурга (1336–1405) унинг ваъзалари ёкмаган, шундан сўнг Н.В. Хиротга кетиб, амир Имоиддин Ҳамза ал-Хусайний ал-Хиравийнинг кизига уйланган. Хиротдан у Яздга, у ердан Кўҳбанон музофоти (Кермон вилояти)га ўтган. Кейинги ўттиз йиллик умрини Язд, Шероз ва Кермонда, сўнгги 25 й.ни эса, Моҳон кишлоғи (Кермон атрофида)да ўтказган. Бу ерда у дарвишлар учун алоҳида биноси бўлган катта хонақоҳ ва масжид қурдирган. Унинг макбараси ҳозиргача оммавий зиёрат қилиш жойи ҳисобланади.

Н.В. тасаввуфга доир 544 та рисола ёзганлиги маълум, шундан 110 га яқини бизгача етиб келган. Бундан ташқари у 1541 ғазални ўзида жамлаган катта Девон тузган, Н.В. таълимотида араб мистицизми (Аҳмад аш-Шозилий ва Абу Мадён), Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд таълимоти, Нажмиддин Кубро гоёлари ва хожагон тариқати қарашлари аралаш бўлган. Суфийлик тажрибасида у ал-Жунайд ва Боязид ал-Бистомий йўлидан борган. Н.В. фикрича, суфий 6 босқич (марҳала)ни босиб ўтиши лозим. Булар – фақр, меҳр, таслим, вараъ, ридо ва фано бўлиб, шундан сўнг суфий Аллоҳга қўшилиб кетади. Н.В. хунарманд ва деҳқонлар меҳнатини мадҳ этган.

НЕЪМАТУЛЛОҲИЙЛАР – шиаликдаги суфийлик тариқати тарафдорлари. Шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад ал-Боқир авлодидан ҳисобланган сайид *Неъматуллоҳ Валий* (1330–1431) асос солган. У Самарқанд, Хирот, Язд ва кўпроқ Кермонда яшаган. Хонақоҳи ва макбараси ўша ерда. Султон Шохруҳ (ҳукмронлик даври 1405–1447) Н. ва уларнинг пири Неъматуллоҳни ўз паноҳига олган. 16-ада Эронда шиалик ҳукмрон мафкурага айлангач, Н. тариқати кенг тарқалиб, асосан шаҳарларнинг савдо-хунарманд доираларини ўзига жалб қилди. Н. сиёсий фаоллиги, давлатнинг ички ҳаётига таъсир кўрсатиши б-н бошқа тариқатлардан ажралиб турарди. Н.нинг Ҳиндистонда ҳам тарафдорлари бўлган. Бу ердаги Н. тариқатига аъзо бўлган ҳар бир шахс исмига Али шох қўшимчаси қўшилишини шарт қилиб қўйганлар, бошқа жиҳатдан Эрондагилардан фарқ қилинмаган. Н. Али (қв) ва тариқат асосчиси Неъматуллоҳ

Валийга садоқатли бўлишга қасамёд қилиб, ўз зикрларида Али (қв) ва яширинган имом-маҳдийни мадҳ этишган. Тарикат аъзоси босқич (таслим, зуҳд, фақр, ридо, маҳабба, фано, вафо)дан иборат йўл (марҳала)ни босиб ўтиши керак бўлган. Н.даги кутб лавозими меросий бўлган. 19-а. ўрталарида кўилаб гуруҳларга бўлиниб кетган. Унинг тарафдорлари Эронда ҳозир ҳам бор.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф (1141–1209) — улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири. Ганжа ш. (Озарбайжон)да туғилган. Ёшлиқ чоғларидан инсонпарварлик, мардлик, ўзаро ёрдам шиорларига амал қилувчи ахийлар жамоасига кирган. Н.Г.га шуҳрат келтирган “Хамса” (“Беш дoston”) асарида (1173–1203 й.лар) шоирнинг теран диний-фалсафий қарашлари акс этган. “Хамса”нинг биринчи қисми “Маҳзанул асрор” (“Сирлар хазинаси”) деб аталади. Дoston Худоба муножот, Муҳаммад (сав)га наът (мақтов) б-н бошлаилади. Алоҳида бобларда Худоба таоло томонидан инсоннинг яратилиши, унинг жаннатдан қувилиши, тавба-тазаррулардан сўнг покланиши ва азиз зотга айланиши тасвирланади. Муҳаммад (сав) ҳаётига оид бобларда меърож воқеаси бадий тарзда ёритилади. Шунингдек, унда Мусо (ас), Исо (ас) ва б. пайғамбарлар бошидан кечган айрим воқеалар ифодаланади. Дoston бошдан охиригача сўфиёна руҳ б-н суғорилган, тасаввуф рукнлари ибратли масаллар, ривоятлар, рамзий ҳикоятлар орқали тавсиф қилинган.

Туркий ва форсий адабиётларда Н. Г.нинг бу асарига жавобан 40 дан ортиқ дoston яратилди. Жумладан, Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” дostonини ундан илҳомланиб ёзган.

НИКОҲ, завож (“турмуш қуриш”, уйланиш; синонимлари завож, урс) – тенгҳуқуқли никоҳ. Исломда Н. тартиби жоҳилият давридаги оила-ҳуқуқий муносабатлар асосида шаклланган ва исломнинг дастлабки даврларида батафсил ишлаб чиқилган. Исломда Н. Аллоҳга ҳуш келадиган амаллардан саналади, унга ҳар бир киши, ҳатто жамиятда тенг ҳуқуқли бўлмаганлар, ақли норасолар ҳам ҳақлидурлар, агарда буни улар учун хожалари, васийлари ва воситачилар ҳал этсалар. Мусулмон киши насоро ёки яҳудий аёл б-н Н. тузиши мумкин, лекин мусулмон аёл фақат мусулмонга эрга

тегиши мумкин холос. Н. учун чеклашлар жуда оз, лекин ўзаро Н.дан ўтаётганларга бир-бирларига ёш ва жамиятдаги мавқеи бўйича мос келишларига риоя этишлари тавсия этилади. Биринчи Н.да келиннинг розилигини олиш талаб қилинмайди, отаси ёки васийси рози бўлса бас, бева ёки эрдан ажрашган аёл воситачи (вакили) орқали розилигини ўзи билдиради. Н.дан ўтаётганларнинг ўзаро қариндош-уруғчилик яқинлиги ён томондаги қариндошлик бўйича учинчи даражадан яқин бўлмаслиги лозим. Бир авлоддан тарқалган қариндошлар ўртасидаги Н. умуман тақиқланган. Туғилган қариндошлик иккинчи даражадан яқин бўлмаслиги керак. Ўз қули ёки чўриси б-н Н. ўқитиш ман этилади, лекин хожанинг чўриси б-н бирга яшашга рухсат қилинади. Бегона қуллар б-н Н.га рухсат этилади, шунингдек, хожалари рухсати б-н қуллар ўртасидаги Н.га ҳам изн берилган.

Н.нинг биринчи босқичи – келишиш, унаштириш (хитба) бўлиб, унда куёв ўзи ёки вакили орқали келиннинг отаси, васийси ёхуд ишончли кишисига таклифини айтади. Эрнинг аёлга ажратадиган мулки (маҳр) ва Н. шартномаси (сиға)га кирувчи бошқа шартлар хусусида ҳам шу вақтда келишиб олинади. Иккинчи ва учинчи босқичлар – келинни куёв хонадонига узатиш (зифоф) ва тўй тантаналари (урс, валима). Булар олдинма-кетин бўлиши ҳам мумкин, чунки, агарда келин ҳали балоғат ёшига етмаган гўдак бўлса, уни узатиш то 13–15 ёшга тўлмагунча кечиктирилади. Валима вақтида сиға айтилади ва маҳр ёки унинг бир қисми (садоқ) тўланади. Мана шу барча босқичларда фақат келинга қилинган сарф-харажатларни (мутъа) ҳисобга олмаганда Н. ҳеч қандай оқибатсиз тўхтатилиши мумкин. Сўнгги босқич – амалда эр-хотин бўлиш (никоҳ), шундан кейин Н. амалга ошган ҳисобланади. Н.нинг зарурий шартларига маҳр тўлаш, аёлни боқиш ва унга унинг оиласининг мавқеига қараб муомала қилиш, эрлик вазифаларини адо этиш ва фарзандларини боқиш қиради.

Эрнинг тенг ҳуқуқли Н.да бўлган хотинлари, яъни улар учун маҳр тўланган хотинлари тўрттадан ошмаслиги лозим. Шунинг учун эркак тўртта хотини устига яна хотин олмақчи бўлса, улардан биттаси б-н ажралиши керак. Хотин киши Н.да ўз ҳуқуқини тўла сақлаб

колади, унга тегишли мулкка эрининг ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ ва фақат унинг розилиги б-нгина эри ишончли киши сифатида унинг ишларини юритиши мумкин.

Н.ни қандай ўтказиш қуда томонларнинг бой-камбағаллигига, уларнинг жамиятдаги мавқеига ва маҳаллий урф-одатларга боғлиқ бўлган. Ҳозирги вақтда кўпчилик мусулмон мамлакатларда Н. ўқитиш никоҳ нотариуси (маъзун) томонидан амалга оширилади. Кўпгина ислом мамлакатларида гарчи бундай Н.ларнинг умумий фоизи ҳеч қачон баланд бўлмаса-да, полигам Н.ларни чеклашга, ҳатто умуман ман этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

НОЖИЙА (“Нажот топганлар”) – тўғри йўлдан борувчи, ҳақиқий динга эътиқод қилувчи мусулмонлар жамоаси. Хадисларга кўра, Муҳаммад (сав) мусулмонлар жамоаси 73 жамоага бўлиниб кетади, шундан 72 таси “халок бўлиб” дўзахга тушади ва фақат биттаси “халос бўлиб” (нажийа) жаннатга тушади, деганлар. Бу – Расулulloҳ (сав) ва у зотнинг саҳобалари амал қилган эътиқодга эргашувчи *аҳли сунна* вал жамоадир.

НОМАХРАМ – қ. *Маҳрам*

НОСУТ – оромийча “инсон табиати”. Даставвал “ўта” шиалар орасида тарқалган. Улар Алини, ўзларининг имомларини ва ғоявий раҳбарларини илоҳийлаштирганлар ва Аллоҳ ёки “илоҳий руҳ” (руҳ илоҳ) Н.га жойлашиши мумкин деб даъво қилганлар. Бу истилоҳни шиалардан ал-Ҳаллож олган ва уни тасаввуф таълимотига сингдириб юборган. Н. ва “илоҳий табиат” (лохут)нинг ўзаро нисбати масаласи бўйича кўп асрлардан бери уламолар ўртасида мунозара давом этиб келмоқда.

НУБУВВАТ (араб. – пайғамбарлик) – шиалик илоҳиётига хос тушунча, унинг 5 ақидасидан бири. Пайғамбар ва унинг вазифасини ақда сифатида тан олиш ва унга ишониш (қ. *Шиалик*).

НУР – илоҳий ҳақиқат, диний билимни ифодаловчи илоҳий нур ҳақидаги тушунча. Ислом дини томонидан қад. динлардан (яхудийлик, христианлик) ва юнон гностикларидан ўзлаштирилган. Қуръонда Н. – Аллоҳнинг ўзини ҳам англатган (“осмонлар ва ер нури”) (24:35) ва Уни ўз пайғамбари Муҳаммад (сав) орқали юборган ваҳийлари нури (61:8–9; 64:8). Устига устак бу – “тоза

нур”, “нур устига нур”, уни оловга қиёслаб бўлмайди, у ердан ташқарида пайдо бўлган. Мусулмонлар анъанасида Н. – Аллоҳнинг кўплаб сифатларидан бири.

НУР МУҲАММАДИЙ (форс. нур-и Муҳаммадий; “Муҳаммад нури”) – Муҳаммад (сав)нинг қалин нур таратувчи нуқта кўринишидаги руҳлари азалдан мавжуд бўлганлиги ҳақидаги таълимот; олдиндан белгиланган барча руҳлар шундан келиб чиққан. Бу таълимот муаллифлари уни Қуръоннинг “нурли ояти”дан (24:35) олиб, уни “илоҳий нур” ҳақидаги таълимот б-н бевосита боғлашган.

НУРБАХШИЙА – шиалик ичидаги суфийлик тариқати; 15-а. бошида кубровийлик тариқатидан унинг шиаликдаги тармоги сифатида ажралиб чиққан. Асосчиси – саййид Муҳаммад ибн Муҳаммад Нурбахш (1392–1464), баҳрейнлик араб бўлган. У ўз шажарасини шиа имоми Мусо ал-Козимга боғлаган. Шиа шайхи Хожа Исҳоқ ал-Хутталонийнинг муриди бўлган. Қуръон ва “барча фанлар”ни яхши ўзлаштиргани учун устози унга Нурбахш лақабини ҳамда ўзининг вафот этиб кетган устози Кубровийлар шайхи саййид Али ал-Ҳамадонийнинг хирқасини бериб, хонақоҳга бош бўлишни топширган. Нурбахш тарафдорлари уни адолат ўрнатиш учун келган имом-маҳдий ва халифа деб эълон қилганлар. Ироқда унинг шаънига атаб тангалар зарб этилган ва хутбалар ўқилган. Унинг довуғи Курдистон, Озарбайжон, Гилонга тарқалган. Темурийлардан Шохруҳ даври (1405–1447)да Н. тариқати қаттиқ қувгин остига олинган. Нурбахш қолган умрини Рай вилоятидаги кичик қишлоқда шоғирдлари орасида ўтказган.

Н. ғоялари Эронда сафавийлар таълимотини қарор топишига замин ҳозирлаган. Н. таълимоти Муҳаммад Нурбахшнинг “ар-Рисолат ал-иътиқодийа” ва “ал-Фикҳ ал-ахват” каби асарларида баён этилган.

Н. таълимоти негизида икки имомликка эътиқод қилиш ётади: ҳақиқий (ҳақиқийа) ва қўшимча (идофийа), уларни шунингдек, “катта жиҳод” ва “кичик жиҳод” деб ҳам атайдилар. Имомнинг ташқи ва маънавий сифатлари мажмуаси “кичик жиҳод” деб аталади. Ҳақиқий имом, қўшимча сифатларга эга бўлиб валий даражасига ҳам етиши лозим. Бунга фақат Али

ибн Абу Толиб (қв) эришган. “Кичик жиҳод” белгиларини валийлик б-н уйғунлашуви, Нурбахшнинг фикрича, “катта жиҳод”ни ташкил қилган. Нурбахш Муҳаммад (сав) даврларидаги урф-одатларни тиклаш ва сақлаб қолишга, “янги удумлар”ни (бидъат)ни бекор қилишга даъват қилган.

НУРИДДИН БАСИР, ш а й х Н у р и д д и н Б а с и р о, К у т б и ч а х о р д а х у м (? – 1248) – Ўрта Осиёлик машхур шайхлардан, мутасаввиф. “Кутби чахордахум” (“Ўн тўртинчи кутб”) номи б-н машхур бўлган. Шайх Зайниддин бобо Куйи Орифонийнинг шогирди, халифаси бўлган. “Самария”да айтилишича, шайхликда тугалланиб, энг сўнгги босқичига мингач, йўлбошчисининг гайбий ишорати юзасидан, онаси б-н бирга Нўжкент (Тошкент яқинидаги қишлоқ)дан Самарқандга кўчиб келган. Н.Б.дан “Сизнинг замонингизда кутб кимдир?”, деб сўралганда у: “биродарим Абдулло ўн учинчи кутбдир, биз ўн тўртинчимиз”, деб жавоб берган. “Басир” аталишига сабаб, у онадан сўқир туғилган бўлса ҳам валийликнинг нури б-н барча кўргуликларни кўрар эди. Н.Б. қабри Самарқанднинг Чокардиза қабристонидан, Новадон ариғи бўйида жойлашган.

НУСАЙРИЙЛАР, а л а в и й л а р – *шиаликка* мансуб фирқалардан бирининг тарафдорлари. 9-а.да яшаган Муҳаммад ибн Нусайр Басрий раҳнамо бўлган. Н.нинг асосий ақидаси шиаларнинг биринчи имоми халифа Алини илоҳийлаштириш (шундан “алавийлар” номи келиб чиққан), унда худонинг ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат. Уларнинг диний таълимоти ва маросимларига христиан дини ва айрим қадимий эътиқодлар таъсир этган. Христианликдаги муқаддас учлик (троица) каби, Н. ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийни Худонинг уч хил намоён бўлиши, деб эътиқод қилади. Ислом ақидасининг зоҳири ва ботини (сирти ва ичи) бор дейишади ва шу орқали уни бузишга ҳаракат қилишади. Барча ҳаром нарсаларни ҳалол санашади. Улар ўз фалсафаларини юнон, ҳинд, форс ва насроний фалсафаларидан жамлашган. Улар Қуёш, Ой ва ёритқичларга сигинадилар, жоннинг кўчиб юришига ишонадилар. Уларнинг эътиқодида яна қуйидагилар асосий ўрин тутаяди: Н.нинг бир қисми Алини ойда яшайди деб эътиқод қилади, баъзилари эса, Қуёшда яшайди дейди. Н.

Муҳаммад (сав)ни Али яратган деб эътиқод қилади. Ҳажни эътироф қилмайди. Закотни бошқа мусулмонлардек белгиламайдилар, балки хумс (бешдан бир қисм) берадилар.

Н.нинг байрамлари қуйидагилардир: Наврўз – баҳор байрами, ғадир байрами, мубоҳала байрами, Қурбон ҳайити ва шунингдек, насронийларнинг чўқинтириш, барбарлик, Исонинг туғилган куни, хоч каби байрамларини ҳам нишонлайди.


Хукмрон диний оқимлар томонидан асрлар давомида таъқиб қилингани сабабли Н. ўз эътиқодларини сир тутаяди, маросимларини кечалари, махфий адо этади. Уларда намоз, рўза ва б. ислом маросимлари, масжид каби ибодатхоналар йўқ. Н. ҳозир Сурия ва Туркияда бор.

НУЪМОН ибн БАШИР, тўлиқ исми Ан-Нуъмон ибн Башир ибн Саълаба ибн Саъд ал-Ансорий ал-Хазражий (тахм. 623–683) – саҳоба. Онаси – Амра бинт Равоҳа (Абдулло ибн Равоҳанинг синглиси) саҳобалардан бўлган. Н.и.Б. жуда кўплаб ҳадисларни ривоят қилган ва кўплаб тобеъинлар ундан ҳадисларни ривоят этган. *Муовия* ибн Абу Суфён замонида (661–680) Хумс ва Куфада амир бўлган. Халифа Язид ибн Муовия (680–683) вафотидан сўнг, халқни *Абу Бакр Сиддиқ* (ра)нинг набираси аз-Зубайрга байъат қилишга чақиргани учун Хумс аҳолиси ундан норози бўлиб ўлдирган.

НУХ (ас) – Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Инжилдаги Нойга тўғри келади. Қуръонга кўра, Аллоҳ Н.(ас)ни ўз қавмига пайғамбар қилиб юборган. Н. (ас) ўз қавми ичида узоқ умр кўрди. яъни, 950 йил яшади (Анкабут сураси, 14-оят). У турли илоҳларга, бутларга сиғинган қавмини тўғри йўлга бошлаб, фақат Аллоҳга ибодат қилишга даъват этди. Лекин қавм унинг сўзига кирмади, уни масҳара қилди. Н.(ас)нинг даъватига ҳатто ўзининг хотини ва бир фарзанди ҳам ишонмади. Шунда Н.(ас) Аллоҳдан ёрдам беришни, кофирларни жазолашни сўради (Шуаро сураси, 118–119-оятлар). Аллоҳ унинг илтижосини қабул этиб, Н.(ас)га кема яшашни ва барча жониворлардан бир жуфтдан олиб кемага жойлаштиришни буюрди. Кейин осмондан жуда кўп ёмғир ёғдирди, ернинг ҳамма томонидан ҳам сув чиқартирди. Осмон суви б-н ер суви қўшилиб улкан тўфон пайдо бўлди. Тўфонда барча кофирлар ҳалок бўлди, фақат кемадагилар соғ қолдилар. Тўфон

бошланишидан олдин Н.(ас)нинг фарзандларидан бири кемага чиқмади. Н. (ас)нинг оталик меҳри қўзгаб, ўғлини кемага чиқишга ундади. Аллоҳга куфр келтирган фарзанд эса, отасига рад жавоб айтиб имон келтиришдан яна бош тортди ва тоққа чиқиб жон сақламоқчи бўлди, лекин у ҳам ҳалокатга учради (Худ сураси, 45–47-оятлар). Сув

пасайгандан кейин кема Жудий тоғи устида тўхтади. Кема тоғ тепасига келиб тўхтаб, ер тўфон сувини ютиб битиргач, Аллоҳ Н. (ас)ни кемадан ерга тушишга буюрди. Н. (ас) ва унга имон келтирган кишилар кемадан тушишди. Бу замин Мусил деган юрт эди. Н. (ас) қиссасини баён қилувчи “Нух” сураси ҳам нозил бўлган.



ОДАМАТО (ас) – Куръонга кўра, Аллоҳ томонидан яратилган ер юзидаги биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Аллоҳ О. (ас)ни лойдан ўзининг ердаги ўринбосари (халифа) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган. О. (ас) Абул-башар (инсоният отаси) деб ҳам аталади. Исломда О. (ас) биринчи пайгамбар ҳисобланади. Аллоҳ О. (ас)га барча нарсаларнинг номларини ўргатди ва бу б-н О. (ас)ни фаришталардан юқори кўйди (Бақара сураси, 32–33-оятлар) ва фаришталарга О. (ас)га бош эгиб сажда қилишни буюрди. Фақат Иблис сажда қилишдан бош тортди (Сод сураси, 73–78-оятлар). Иблис такаббурлиги ва саркашлиги туфайли жаннатдан қувилди. О. (ас) жуфти ҳалоли *Момоҳаво* б-н жаннатда яшаб, уларга барча неъматлардан ейишга руҳсат берилди, фақатгина бир дарахтнинг мевасидан ейиш тақиқланди (Аъроф сураси, 19–21-оятлар). Иблис О. (ас) б-н Момоҳавони алдаб тақиқланган дарахт мевасини едиради. Бунинг жазоси эвазига улар жаннатдан чиқарилиб, уларнинг авлодлари ерда яшашга ва меҳнат қилишга маҳкум этилади.

ОИША (ра) (613–678) – Муҳаммад(сав)нинг хотинлари, биринчи халифа Абу Бакрнинг кизи. Лақаблари Сиддиқа, унвонлари Уммул-мўминин (Мўминлар онаси)дир. Муҳаммад

(сав) вафотларидан кейин О. (ра) халифалик ҳокимиятига номзодлар ўртасидаги мунозараларда фаол иштирок этган. О. (ра) пайгамбарнинг сафдошлари Талха ва Зубайр томонида туриб Али тарафдорларига қарши чиққан.

Ислом тарихида ҳазрати О. (ра)нинг илм жиҳатдан мавқеи жуда баланддир. О. (ра) бевосита Муҳаммад (сав) б-н бирга яшагани туфайли жуда кўп ҳадисларнинг ровийси ҳисобланади. Саҳобалар баъзи оилавий муносабатларга доир мураккаб масалаларни О. (ра)дан сўраб билиб олар эдилар. Абу Бакр, Умар ва Усмон (ра) замонларида фатволар ҳам берган. О. (ра) тафсир, ҳадис, фикҳни мукамал билган, араб тили ва адабиётдан яхши хабардор бўлган. Ҳазрати О. (ра) ниҳоятда қаноатли аёл бўлиб, бутун ҳаёти давомида бир жуфтгина оёқ кийим, бир нечтагина кўйлак кийганлари ривоят қилинади. Мил. 678 й. 13 июлда вафот этган, жанозасини Абу Хурайра (ра) ўқиган. Мадинадаги Бақий қабристонига дафн қилинган.

ОЛЛОҲ – қ. *Аллоҳ*

ОЛТИНХОН ТЎРА, Саййид Маҳмуд Тарозий – уламо, адиб, таржимон. Тўлиқ исми Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий (1894 й.да Авлиё ота (Туркистон) – 1991–92). Дастлабки

таълимни падари бузрукворидан, сўнгра Шайх ибн Камол Носирхон Тўра Косонийдан, даврининг бошқа етук олимларидан олди. Араб, форс, турк тилларининг барча лаҳжаларини мукамал эгаллади, мударрис бўлиб етишди. Шўро тузумининг зиёлиларга, илм аҳлларига ўтказган ноҳақ зуғуми сабабли мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1932 й.дан Кобул ш.да истиқомат қила бошлади. Бир муддат Афғонистон маориф вазириликда маслаҳатчи лавозимига тайинланди. Сўнг Ҳиндистоннинг Бомбай ш.даги масжидда имом-хатиб бўлиб хизмат қилди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин Саудия Арабистонига кўчиб бориб, умрининг охиригача (1991–92) Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб ижод этди. О.т. Каъбатуллоҳ жойлашган Ҳарами шарифда, Мадинадаги Масжид ан-Набавийда мударрислик қилиб, Куръон ва ҳадислардан сабоқ берди.

О.т. тафсир, ҳадис, фикҳ, адабиёт ва илмнинг бошқа соҳаларига оид асарлар муаллифи ва таржимонидир. У Куръони каримни замонавий ўзбек тилига илк бор таржима қилиб, тафсир ёзди. Бу китоб Ҳиндистон, Покистон ва Саудия Арабистонида қайта-қайта чоп этилган. Шунингдек, олим Куръоннинг айрим сураларини ҳам таржима ва тафсирлари б-н алоҳида ҳолда нашр қилдирган. Имом ан-Нававийнинг Пайғамбар ҳадисларига бағишланган “Риёз ус-солиҳийн” номли 4 жилдли асарини, Имоми Аъзамнинг “Фикҳ ал-акбар”, “Нур ул-басар”, “Ақоид исломия”, “Ҳизб ал-Аъзам” каби китобларини арабчадан ўзбек тилига ўгирди. Ўзбек, араб, форс, урду тилларида диний маърифий мазмунда рисоалар, таснифлар, рубойлар ёзди. О.т. томонидан ат-Термизий қаламига мансуб “Китоб аш-шамоил ан-Набавия” асарининг ўзбек тилига қилинган таржимаси сўнгги йилларда Тошкентда араб ва ҳозирги ўзбек имлосида қайта-қайта нашр этилди.

ОМИН (араб., сомийча – қабул эт, ижобат қил) – ислом, яҳудий ва масиҳий динларида диндорлар ўртасида “қабул этсин”, “ижобат бўлсин” маъносида ишлатиладиган сўз. Куръони каримдаги Фотиҳа сураси тиловат қилиб бўлингач, ўқиган ва эшитганлар “О.” деб кўйиш лозимлиги ҳақида ҳадиси шарифда кўрсатма берилган. Лекин уни имом қироати

жаҳрий бўлган намозда баланд овоз (жаҳр) б-н ёки ўз ичида (хуфя) айтиш кераклиги тўғрисида уламолар турли ижтиҳод қилганлар. Ҳанафийлик мазҳабига кўра, “О.” сўзини хуфя айтиш суннат. Муҳаммад (ас) ва саҳобалари уни баланд овоз б-н айтганлари хусусида келган ҳадисларга Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳаби уламолари аниқлик киритиб, шундай далил келтирадилар: “Дуо ва илтижолар аслида хуфя, яъни паст овозда айтилиши лозим (Аъроф сураси, 55-оят). Шу б-н бирга О.ни намозда хуфя айтилгани ҳақида ҳадислар ҳам бор. О.ни ошкора айтиш керак деганлар келтирган ҳадислар Пайғамбар (сав)нинг айтганлари ҳақидадир. У киши эса, имом бўлган ҳолларида айтганлар.

ОМОН (“хавфсизлик”) – мусулмонлар томонидан душманга, одатда номусулмонга берадиган хавфсизлик кафолати. Куръонда бу атама йўқ, унинг ўрнига “живор” (“ҳомийлик”, “ҳимоялаш мажбурияти”) истилоҳи ишлатилган. Муҳаммад (сав)нинг араб қабилаларига йўллаган номаларида “живор” б-н бирга, шу маънодаги зимма (к. *Зиммий*, а х л и з и м м а) истилоҳи ишлатилган. О. фатҳ этилганларнинг ҳаёти ва мулклари дахлсизлиги кафолати маъносида Холид ибн Валиднинг Дамашқ б-н тузган битимида (634 й.) учрайди. О.нинг зиммадан фарқи шундаки, у – кейинги ўзаро мажбуриятларни белгиламасдан туриб афв этилишидир. Мусулмон киши фақат бир ёки бир неча маълум шахсларга О.лик бериши мумкин ва уни бошқа мусулмонлар бекор қилишга ҳақлари йўқ. Фақат имом ёхуд унинг вакилигина бутун шаҳар аҳолиси ёки унинг гарнизонига О.лик бера олишга ҳақлидур. Ислом фатҳлари даврида у сулҳ тузишнинг дастлабки шартларидан ҳисобланган.

О.дан дахлсиз нома, хат шаклида номусулмонларни мусулмон мамлакатларида бўлиши (шунингдек, зиёратга келувчилар, савдогарлар, сулҳ даврида душман томон ҳарбийлари) хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжат сифатида фойдаланилган. О.нинг бу шакли Европа давлатларини Усмонли турк салтанати б-н сулҳ муносабатлари ўрнатилишида асос бўлган. Сўнгги ўрта асрларда О. – асир тушилаётган вақтда афв этишни, кечиришни сўраб қилинган илтижо.

ОСИЙ (араб. – исён қилувчи, итоатсиз,

гуноҳкор) – диний ақидага кўра, Аллоҳнинг буйруқлари, Пайгамбарнинг суннат ва кўрсатмаларига риоя қилмайдиган, буюрилган вазифаларни бажариш ўрнига уларни бутунлай ёки қисман тарк этадиган, шаръан тақиқланган ишларни қиладиган шахс. О. бандаларнинг тақдири Аллоҳга ҳавола этилади. Аҳли сунна вал жамоа ақидасига кўра, О. банда агар куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик гуноҳларига қарамай мусулмон-мўмин саналади, яъни кофир бўлиб қолмайди, балки гуноҳкор ҳисобланади. Бошқа баъзи диний оқимларга кўра, О. банда куфрга маҳкумдир. О.нинг қилган баъзи гуноҳлари учун бу дунёда ҳадд – шаръий жазо белгиланган. Мисол учун арақ ичганга дарра урилади. О.нинг қилган ҳар бир гуноҳи учун у дунёда алоҳида жазолар белгиланган. О. ўз гуноҳларидан чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта такрорламаса, кечирилиши ваъда қилинган.

ОТИН, Отинойи – Ўрта Осиёдаги диний мактабларда қизлар ўқитувчиси. О.лар аёллар ўртасидаги диний маросимлар (мас., *мавлуд*, амри маъруф, наҳий мункар ва б.) ўтказишда бошчилик қилиб, уларга диний таълим бериш б-н ҳам шуғулланган.

ОФОҚХҲҲЖА, О п п о қ х ў ж а (1625, Кумул, Шарқий Туркистон – 1695, Қўқўн қишлоғи, Қашқар вилояти) – ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Ёркенд хонлигида тахтда ўтирган хўжаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. О.нинг исми Ҳидоятулло бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган “Офоқ” (“Ёруғ дунё” ёки “ёруғлик эгаси”) – хўжа номи б-н машҳурдир. О. ёшлигида отаси Муҳаммад Юсуф ибн Эшон Калон б-н турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 й.да Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги октоғлик хўжаларга бош бўлган. 1670 й.да Ёркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида О. Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэши йўлагидидаги (Хэси-цзоулан) вилоятларда диний тарғибот ишлари б-н шуғулланган. 1678 й.да Тибетга бориб 2 йилга яқин яшаган ва бу ердаги Будда дини вакиллари б-н яқин алоқада бўлган. 1680 й. Тибет зодагонлари ёрдамида ойротлар хони

б-н танишган. 1681 й.да қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги тахтига ўтказилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон “Офоқхўжа мазори” деб номланиб, зиёрат масканига айланган.

ОФОҚХҲҲЖА МАҚБАРАСИ – Қашқар ш.даги тарихий ёдгорликлардан бири. Шаҳарнинг шарқий-шим.даги Қўқон қишлоғида жойлашган. Хитой адабиётида “Шянгпэйму” (“Ипархон мазори”) деб аталади. Бинобарин, Ипархон Офоқхўжанинг эвараси бўлиб, унинг отаси манжур истилочиларига қарши чиққанлиги сабабли унинг ака-укалари, опа-сингиллари ва яқинлари б-н бирга Пекинга олиб кетилган. Унинг тенгсиз гўзаллиги учун хоннинг унга кўзи тушган. Аммо у бегона эл ҳоконига итоат қилишдан бош тортиб ёш оламдан кўз юмган. Мавжуд ривоятларга кўра, Ипархоннинг жасади Пекиндан олиб келиниб мазкур макбарага дафн этилган. О.м. илк бор 1664 й.да қурилган. Офоқхўжа вафотидан сўнг қайта қурилган. Макбара атрофидаги катта мазор ҳам Офоқхўжа мазори деб аталади. У ерда Қашқарда ўтган кўнгина йирик шахслар ҳам абадий макон топган.

Макбаранинг ташқари томонида 4 бурчагида 4 та минора қурилган. Ҳар бир миноранинг бал. 18 м. Макбарага қирадиган эшик девордан сал олдинга чиқариб қурилган бўлиб, унинг 2 ёнида эшик атрофидаги пештоқдан бир оз чиқиб турган ярим минора жойлаштирилган. Макбара деворининг қалинлиги 1 м бўлиб, 4 томонига дарчалар очилган. Қурилгандан бери макбара кўп марта таъмирлангани боис у яхши сақланиб келмоқда. Макбаранинг бал. 27 м, катта гumbаз б-н ёпилган. Қабр залининг кенглиги 35x27 м, унга жами 5 авлоднинг вакиллари бўлмиш 72 киши дафн қилинган. Шулар ичида энг каттаси Офоқхўжанинг буваси Эшон-Калон, отаси Муҳаммад Юсуф, Офоқхўжа ва б.дир. Қабрлар устидаги сағаналар бир-бирига яқин қилиб жойлаштирилган. Сағаналар бир катталиқда эмас. Уларнинг ҳажми дафн этилган кишининг ёши ва мартабасининг улуғлигига қараб белгиланган. О.м. таркибида кўчадан қирадиган катта дарвоза, унинг атрофида бог, ҳовлида иккита катта ҳовуз, мадраса, катта ва кичик масжидлар мавжуд.

ОХИРАТ (араб. – охирги кун, дунёнинг тугаш куни) – диний тушунча. О. ҳақидаги тасаввурлар барча динларга хосдир. Исломдаги О. ҳақидаги тасаввур ва ривоятлар яҳудийлик, христианлик ва баъзи Шарқ халқлари диний ривоятларига қисман ўхшаб кетади. Қуръонда О. куни осмон ёрилиши, денгизлар тошиши, инсонларнинг тирилиб ўрнидан туриши, сўроқ қилиниши, гуноҳ ва савобнинг ўлчаниши, уларнинг ё жаннатга, ё дўзахга жўнатилиши тафсилотлари ва ш.к. кенг берилган.

О. сўзининг синоними – *маъод*. Мусулмон илоҳиётида О. концепциясининг ишлаб чиқилиши икки йўналишда олиб борилган. Биринчиси – О.ни (уни шунингдек, дор ул-бақо (“абдий, боқий дунё”) деб ҳам аташади) ва ердаги ҳаётни (уни шунингдек, дор ул-фано (“ўткинчи, фоний дунё”) деб ҳам аташади) бир-бирига қарши қўйишда кўринди. Бу йўналиш суфийлар, зоҳидлар орасида кенг тарқалди, кўп шоирларнинг сеvimли мавзусига айланди. Иккинчи йўналишда – О. ҳақидаги тасаввурлар янада ойдинлаштиришда, жаннат ва жаҳаннам, ўликларнинг тирилиши, уларнинг сўроқ қилиниши ва б. ишлаб чиқилган. Улар ислом ақоидининг муҳим белгилари бўлиб қолди.

ОЯТ (араб. – илоҳий белги, мўъжиза) – Қуръон сураларининг бандлари. Исломга кўра, О. Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад(сав)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръоннинг 7-а.га оид илк нусхаларидаёқ суралар О. ларга бўлинган ва ҳар сура доирасида тартиб б-н рақамланган. Олар қад. араб тилида, бир қисми сажъ б-н ёзилган. Айримлари қисқа иборадан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. Сураларда Оларнинг сони турлича (мас., энг қисқа О. “Ёсин” бўлиб, 2 ҳарфдан иборат, 103, 108, 110-суралар фақат 3 О.дан, энг узун 2-сура 286 О.дан иборат). Оларни бир-биридан ажрата билиш, уларнинг бошланиш ва тугаш жойларини англаб етиш маъноларни яхши тушуниб етишга ва б. бир қанча ишларда ёрдам беради.

Қуръон О.лари тартиби Аллоҳ томонидан белгиланиб Пайғамбар (ас) назорати остида амалга оширилган. Қуръон қироатида Олар тартибини ўзгача қилиш қатъиян ман қилинган. Фуқоҳолар “Бисмиллаҳир роҳманир

роҳийм”ни қайси суранинг О.и эканлиги ҳақида турлича ижтиҳодга борганлар. Шофиъийлик мазҳаби уламолари “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” ҳар бир суранинг бир О.и ҳисобланади, дейдилар. Ҳанафийлик мазҳаби уламолари “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” сураларнинг орасини бўлиб турувчидир, дейдилар. Ана шу турличалик оқибатида О.лар сони ҳақида ҳам турлича саноклар келиб чиққан. Авваллари Қуръон О.ларига рақам қўйиш одати мутлақо бўлмаган. Шунинг учун ҳам исломий китобларда, фалон суранинг фалон рақами, О.и деган гаплар ҳеч учрамайди. Қуръон О.ларига рақам қўйиш яқинда чиққан одатлардандир.

Сураларни матнга ҳеч қандай ўзгартиш киритмаган ҳолда Оларга тақсимлаш ва рақамлаш 20-а. бошларигача давом этган. Шунинг учун Қуръоннинг ҳар бир давр ва муҳитдаги нашрларидаги О.лар сони турличадир. Қуръон Оларининг сони 6236 та экани кўпроқ манбаларда қайд этилган.


Айрим О.лардан масжидлар, ислом мамлакатларидаги расмий идоралар ва хусусий уйларнинг ички ва ташқи безаги сифатида фойдаланилади. Қабртошларга ҳам О. ёзиш учраб туради. Бир қанча О.лар ва уларнинг қисмларига мўъжизакор, сеҳрли куч сифатида қаралиб, улардан тумор қилинган; бундай О.лар Оятул ҳафз (ҳимояловчи О.), Оятуш шифо (шифо О.) деб аталади.

ОЯТУЛЛОҲ (араб. – Аллоҳ мўъжизаси) – шиаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган дин олим (*муфтаҳид*)ларининг унвони. О. истилоҳи шу маънода 19-а. иккинчи ярмида ишлатила бошлаган, 20-а. 40-й.ларидан эса, кенг қўлланилмоқда. Олар диндорлар орасида катта обрўга, шиалик тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга. О. унвони юзлаб уламоларда бор. Улардан бир нечаси “Оятуллоҳи узмо” (“Буюк О.”), энг юксак обрўга эга бўлган биттаси “Маржаи тақлид” (“Тақлид қилинадиган инсон”) деб аталади ва у барча шиаларнинг олий раҳнамоси деб танилади (яна қ. *Ҳумайний*).

ОҒАХОН – *исмоилийлар* оқимидаги низорийлар фирқаси раҳбарининг унвони. Ўрта аср охирларидан бошлаб низорий

исмоилийлар ўртасида ўз раҳнамоларини тирик худо деб билиш, унинг амр-фармонларини сўзсиз адо этиш, унга назр-ниёзлар келтириб бериш одат тусига кирган. Олар сулоласига 18-асрда эронлик бой Абул Ҳасан асос солган. У ўзини шиа имомларининг вориси деб даъво қилган. О. қароргоҳи Бомбей (Ҳиндистон) шаҳрида

жойлашган. Исмоилийлар бошлиги Султон Муҳаммадшоҳ (1877–1957) машҳур Олардан бири ҳисобланган. У Фарбий Европа ҳукмдорлари б-н тил бириктириб иш олиб борган, Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсатини ёқлаб чиққан. Олар бошқа мамлакатларда яшайдиган исмоилийлардан ҳам закот олиб туради.




ПАЙҒАМБАР (форс. – хабар келтирувчи) – ислом ақидасига кўра, Аллоҳ б-н унинг бандалари ўртасидаги элчи; Аллоҳнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ваҳий орқали қабул этиб, уларни ўз умматига тўла-тўқис етказувчи вакил. П. б-н Аллоҳ ўртасида элчилик қилувчи фаришта ҳам борки, унинг номи Жаброилдир. Баъзида Аллоҳ таоло П.га бевосита ваҳий юбориши ва бевосита гаплашиши ҳам мумкин. Куръони каримда куйидаги П.лар номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Аяса, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яхё, Исо ва Муҳаммад алайҳиссалом. Ана шу ва б. ўтган П. ларнинг барчасини тасдиқ этиб, уларнинг барҳақ П. бўлиб ўтганликларига иккиланмай имон келтириш ҳар бир мусулмон зиммасидаги имон шартларидандир. Демак, П.ларнинг биринчиси – Одам (ас) охиригиси – Муҳаммад (сав)дир. Улардан кейин то киёмат кунигача бошқа П. келмайди. Лекин Муҳаммад (сав)дан кейинги ўтган даврда ҳам бир неча сохта П.лар пайдо бўлгани маълум. П.лар катта-кичик гуноҳлардан покдирлар. Илло, баъзи кичик янглиш, саҳву хатолар содир бўлган бўлиши мумкин. Азиз-авлиёларнинг ҳеч бири П. даражасига ета олмайди.

ПАРАНЖИ (араб. ҳижоб – ёпингич) – исломда одатга кирган аёллар ёпингичининг ўзбеклар ва тожиклар орасида тарқалган тури. Аёлларнинг гавдасини, юз-кўзини яшириб туришга хизмат қилган. П. уйдан ташқарида ёпинилган. П.нинг олд томони тўрсимон чачвон (чиммат; тожикча чашмбанд – кўзтўсар) б-н беркитилган. Ислом тарқалган бошқа мамлакатларда бундай ёпингичларнинг жуда кўп турлари (мас., Эрон ва Афғонистонда чодира, туркманларда яшмал ва ҳ.к.) тарқалган. Паранжи ёпиниб юриш одати деярли қолмаган бўлиб, у айрим маросимлардагина фойдаланилади.

ПАРИХОН (форс. – пари воситаси б-н даволовчи) — беморларни гўёки пари, жин, руҳлар воситаси б-н даволашга уринувчи шахс. П.нинг даъвосига кўра, беморга жин ёки алвасти теккан бўлиб, уларни у ҳайдар ёки қайта тегмаслиги учун кўндирар эмиш. Содда одамлар П.ларга назр-ниёз бериб, товук, улок, кўзи кабиларни қурбонлик қилади. Аслида исломий ақида бўйича, ғайритабиий кучлар таъсирида бетоб бўлган беморлар Куръон ва ҳадисларда кўрсатилган услублар б-н шифо талаб қилиши лозим. Акс ҳолда фолбин, азайимхон ва П.ларга ихлос қўйиш натижасида имонларидан ажраб қолишлари мумкин.

ПЕШИН (форс. – пешин, туш пайти) — беш вақт ўқиладиган намознинг бири. 4 ракаат суннат, 4 ракаат фарз ва 2 ракаат суннат ўқилади. П. намози Куёш қиёмдан ога бошлашидан то аср намозининг бошланғич вақтигача бўлган пайтда адо этилади.

ПИР (форс. – кекса, қари) – суфийлик анъанасида тарикатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам П. деб атаган. Аҳоли орасида “П.” тушунчаси авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчиси маъносида ҳам ишлатилади.



Р

РАБОТ – 1) 7–10-аларда Кичик ва Ўрта Осиё ҳамда Шимолий Африканинг мусулмонлар ва христианлар (ёки бутпарастлар) ёнма-ён яшаган худудларида вужудга келган ҳарбий истехкомлар ёки қалъалар. Рларда истиқомат қилган мусулмонлар одатда кўнгиллилар сифатида ғайридинларга қарши урушларда қатнашганлар. 11–12-аларда Марокашда пайдо бўлган ал-Муробитун ҳаракати ва давлати ўз номини Р. атамасидан олган. Айни вақтда Эронда Р. ўзининг ҳарбий аҳамиятини йўқотди ва дарвиш-қаландарларнинг қароргоҳи – хонақоҳларга айланди. Кейинчалик Р.нинг айнан шу маъноси бутун мусулмон дунёсига ёйилди. 2) Ўрта асрда мусулмон шаҳарлари ичкарасидаги омборхона, карвонсаройлар ёки шаҳар ташқарисидаги бозорлар.

РАВШАНИЙЛАР – Афғонистонда вужудга келган ислом динидаги фирқа. Боязид Ансорий (1525–1572) таълимоти асосида пушту деҳқонларининг маҳаллий ҳукмдорлар ва бобурийлар сиёсатига қарши ҳаракати кучайган. Пири Равшан деб ном олган (фирқанинг номи шундан) Боязид Ансорий, сўнгра унинг ўғиллари ва набиралари раҳбарлигидаги бу ҳаракат 17-а.нинг 30-йларигача давом этган, кейин бостирилган. Р. анъаналари ислом анъаналаридан бирмунча фарқ қилган. Р. ҳаракати пушту халқи миллий

онгининг шаклланишига таъсир кўрсатган, ўз даврида бу халқнинг йирик шоирлари Арзони, Давлат, Мухлис ва б. Р. тарафдори эди. Уларнинг ва Р. баъзи раҳнамолари адабий меросининг пушту адабиётида муайян ўрни бор.

РАЖМ – тошбўрон қилиш, фақат зино қилганлик учун қўлланиладиган қатл тури. Р. ҳақидаги масала тўлалигича фикхнинг укубот бўлимига тегишлидир. Р. жоҳилият давридаги ҳуқуқий нормалардан қабул қилиниб, Қуръон ва сунна б-н тасдиқланган. Р. фақат суд ҳукмига биноан, қози ёки унинг вақилининг назорати остида амалга оширилади. Махсус ажратилган ерда тўпланган кишилар маҳкумга қарата тош отиб, уни ўлгунча тошбўрон қиладилар. Агарда зино гувоҳлар кўрсатмалари б-н аниқланган бўлса, биринчи тошларни гувоҳлар отиши лозим, агарда зинокор ўз гуноҳига иқрор бўлса – имом ёки қози қози отиши керак бўлади. Жазоланувчи ўзини четга тортмаслиги ёки қочиб кетмаслиги учун боғланган ёки тиззаси ёхуд белигача ерга кўмилган бўлмоғи лозим.

Аёл киши қатл этилаётган пайтда уни чачвон б-н яхши ўралган бўлишига ва ўлаётиб бадани очилиб қолмаслигига эътибор бериш талаб қилинади. Агар зинокорнинг ақли норасо эканлиги аниқланса, қатл бекор қилинади. Агарда ҳомиладор аёл жазога тортилиши керак бўлса, унда баъзи мазҳабларга кўра, то аёл

туғунича қатл қолдирилади, бошқасига кўра эса, эмизиш даври тугагунча ёхуд қатл умуман бекор қилинади. Зинони исбот қилиш амалда жуда мураккаб бўлганлиги туфайли барча замонларда камдан-кам ҳолларда Р. жазоси қўлланилган. Кишини кўча-куйда ҳеч қандай текширишсиз ва судсиз тошбўрон қилингани ҳақида кенг тарқалган тасаввурлар ғирт чўпчакдан бошқа нарса эмас.

РАКААТ (оддий тилда ракат; араб. – муайян вазифаларнинг намозда такрорланиши) – исломда намознинг асосий қисми, намоз ўқишда бажариладиган муайян ҳаракатлар ва улар б-н қўшиб ўқиладиган дуолар мажмуи. Ҳар Р. бир неча ибодат ҳаракатларини ўз ичига олади: қўл кўтариб такбир айтиш, тик туриш, белгача эгилиш (рукуъ), бошни ерга қўйиш (сажда), тиз чўкиш (қаъда) ва яна тик туришдан иборат бир тартибдаги ҳаракатлардан ташкил топади. Бир Р. тугагач, янги Р. бошланади. Ҳар бир намоз маълум миқдордаги Р.лардан иборат, улардан бир нечаси фарз, яна бир нечаси суннат деб белгиланган.

РАМАЗОН – ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. Ислом динида Р. ойда Аллоҳ Муҳаммад (сав)га Куръонни ваҳий қилган деб талқин этилади. Шу сабабли, Р. муқаддас ой ҳисобланади, бу ой давомида диндорларга рўза тутиш буюрилади.

Р. – арабларда исломдан аввалги тўрт муқаддас ойдан бири; дастлаб ёз фаслига тўғри келган. Ислом дини жорий этилиши арафасида Маккада Р. ойда яхши амаллар қилиш (таханнус) анъана бўлган. Р. ойининг 27-кунига ўтар кечаси Муҳаммад (сав)га биринчи ваҳий келган (қ. *Лайлат ул қадр*). Р.да рўза тутиш ҳижратдан 17–18 ой кейин, яъни қибла томон ўзгартирилгандан бир ойдан сўнг жорий этилган.

Р. б-н боғлиқ кўп саналар ичида Расулulloҳ (ас)нинг набиралари *Ҳусайн* таваллуд топган кун (6-кун), Муҳаммад (сав)нинг завжалари *Ҳадича* вафот этган кун (10-кун), *Бадр жанги* куни (17-кун), Муҳаммад (сав)нинг Маккага кириб келишлари куни (19-кун), *Али* ва имом Али ар-Ризо вафот этган кун (21-кун), Али таваллуд топган кун (22-кун) кабилар эъзозланади. Рўзанинг тугаши ийд ал-фитр байрами б-н нишонланади.

Турли мусулмон мамлакатларида қадимги динларга оид маросим, байрамларни Р.ойига

тўғри келиб қолиши натижасида Р.га оид маросим ва анъаналар ҳам ҳар бир мамлакатда ўзига хос ўтказилади.

РАСУЛ (араб. – элчи) – ислом анъанасида Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган ва тарғибот юритиш, даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган пайгамбар. Муҳаммад (сав)га нисбатан доимо Р. номи қўлланиб келинади, бу ҳатто ташаххуд (қалимаи шаҳодат)да ҳам ифодаланган. Набий – китоб нозил қилинмаган пайгамбар. Шу боисдан ҳам ҳар бир расулни набий деб аташ мумкинлиги, аммо набийларни Р. деб бўлмаслиги қайд қилинган.

ар-РАЪЙ (“қараш”, “фикр”, “ҳукм қилиш”) – фикрда асосан фақиҳнинг мустақил фикрини ёки ҳукмини англатиб, шунга асосан унинг қандайдир ҳуқуқий қарор чиқариши. Ар-Р. тушунчаси халифа Умар (ра) даври (634–644)да пайдо бўлган Умар (ра) саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Масъудни Ироққа ҳакамлик ва диндан таълим бериш учун жўнатаётганда “қандай кўрсанг ва хоҳласанг” (би-р-раъй ва н-назар) шундай суд қилиш ҳақида кўрсатма берган. Халифа шу б-н бирга ар-Р. деганда қиёс бўйича иш кўриш ва жамоатчилик фойдаси (ал-маслаҳа) назарда тутилишини айтган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Ироқдаги издошларини “мустақил фикр тарафдорлари” (асҳоб ар-раъй) деб Мадина фақиҳларини “ривоят тарафдорлари” (асҳоб ал-ҳадис) деб атай бошлаганлар.

Мазҳаблар шаклланиб бўлгач, ар-Р. тушунчаси муомаладан чиққан, унинг ўрнига ижтиҳод ёки ал-қиёс тушунчаси қўлланилган. **ар-РАҲМОН** (Меҳрибон) – Аллоҳнинг исмларидан бири (қ. *ал-Асмо ал-хусно*), одатда бисмиллоҳ ар-Раҳмонир-Раҳим (Раҳимли) шаклида ишлатилади. Ҳар икки исм Аллоҳнинг энг асосий сифатларидан бўлиб, инсонларга Қиёмат куни Аллоҳнинг марҳамат кўрсатиши, меҳрибонлик қилишини англатади.

Ар-Р. истилоҳини жоҳилият даврида Арабистондаги яҳудий ва христианлар ягона худони англатиш учун қўллаганлар. У Жан. Арабистондаги 4–6-а.лардаги монотеистик ёзувларда учрайди. Ички ва Шим. Арабистонда яшовчи ҳанифлар шунингдек, Муҳаммад (сав)нинг замондошлари ва рақиблари – “сохта пайгамбар” Абхала ал-Асвад ва Мусайлима ўз худоларини шундай атаганлар.

Қуръонда ар-Р. – Аллоҳ ва Рабб (Парвардигор)дан сўнг Худони англутувчи энг кўп ишлатилган атама. Куръон нозил қилинишининг Макка даврида Муҳаммад (сав) худони асосан ар.-Р. деб атаганлар.

Ар-Р. кўплаб шахс номлари таркибига кирган (мас., Абд ар-Раҳмон, “Раҳмоннинг қули”, яъни “худонинг қули”).

РИБО (араб – судхўрлик) – пулга фойда (фоиз) олиш – судхўрлик. Исломдан илгари араблар орасида Р. кенг тарқалган эди. Илк исломда савдо қилиш ва у орқали фойда кўриш кенг рағбатлантирилгани ҳолда, пулга фойда олиш қатъиян тақиқланган ва бу тақиқ Қуръонда ҳам ўз ифодасини топган (2 : 276). Ҳозир ҳам мусулмон мамлакатларидаги банк ва молия ишларида ушбу тақиққа амал қилинади (қ. *Ислом тараққиёт банки*).

РЕВГАРИЙ Хожа Ориф, М о х и т о б о н (12-а. ўртаси – Шофирконнинг Ревгар қишлоғи – 1259) – ҳожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг иккинчиси.

Абдулҳолик *Ғиждувоний* (Хожаи жаҳон)дан *тасаввуф* таълимотини ўрганган. Улар Ғиждувон б-н Шофиркон ўртасидаги Рўйибинон қишлоғида учрашиб, суҳбатлашиб турганлар. Ғиждувонийнинг 4-халифаси сифатида устози вафотидан сўнг ҳожагон силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф”да “11-ҳалқанинг пири” сифатида зикр этилади. “Кутбул авлиё” “Валийлар йўлбошчиси” унвонига сазовор бўлган. Хожа Маҳмуд *Анжирфагнавийга* устозлик қилган. Шофиркон ш.да дафн этилган. Қабри устидаги мақбара ва атрофдаги масжид мустақиллик йилларида таъмирланган. Р. мазори обод зиёратгоҳ сифатида машҳурдир.

Тасаввуфнинг ўзак масалалари хусусида сўз юритилган “Орифнома” рисоласи ўзбек тилида ҳам нашр қилинган (Т., 1994). Тасаввуфшунос олим Иброҳим Ҳаққул Р. ҳақида “Хожа Ориф Моҳитобон” эссесини ёзган (Т., 1996).

Ас.: Орифнома, Т., 1994.

РИДА (араб. – орқага қайтиш, чекиниш) – мусулмон бўлиб юрган одамнинг ўз ихтиёри б-н исломдан қайтиши. Ислом тарихида биринчи Р. – баъзи араб қабилалари орасида юз берган. Улар Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг исломдан чиққанлар. Р. 632 й. бевосита *Абу Бакр Сиддиқ* халифа сифатида давлат

бошқарувига ўтиргач бошланди ва 1,5 йилча давом этди. Бу ҳаракатга раҳбарлик қилган баъзи шахслар ўзларини пайғамбар деб эълон қилганлари боис, исломда улар “мутанаббийлар”, яъни “сохта пайғамбарлар” номини олди. Марказий Арабистонда Асд, Ғатфон, Тайй қабилаларига Тулайҳа, Шаркий Арабистонда Ҳанифа қабиласига – Мусайлима, Тамим қабиласига – Сажжох исми аёл ва ниҳоят, Яманда Мазҳиж қабиласига Абҳала етакчилиқ қилди. Улар Абу Бакр даврида зақот беришдан бош тортди. Халифа Абу Бакр бу ҳаракатни Р. ҳисоблади. Р. урушларида айниқса, саркарда Холид ибн Валид катта шуҳрат қозонди. Р.ни бартараф этишда эришилган ғалабалар илк мусулмон давлатига бутун Арабистон бўйлаб тўлиқ ҳукмронликни ўрнатишга, кейинчалик ярим оролдан ташқарига юришларни бошлашга имкон яратиб берди.

РИЁЗАТ (араб. – “қийналиш”, “машаққатланиш”) – тасаввуфда тариқатнинг асосий шартларидан бири. Дарвиш, мурид, суфийнинг ўз истагидан ўзини тийиб, бу йўлда қийналиши, машаққат чекиши, азоб-уқубатларга чидаши.

РИЁКОРЛИК – ҳар қандай савобли, эзгу ишларни, айниқса, хайр-эҳсонни оламлар кўрсин, мактасин учун, манманлик б-н амалга ошириш. Р. исломда қаттиқ қораланади. Қуръони каримда Р. б-н қилинган ҳар қандай ишнинг зое кетиши ҳақида уқтирилади.

РИЗҚ (араб. – улуш) – 1) Қуръонга кўра, Аллоҳнинг ҳар бир инсонга берган улуши. Ислом динига кўра, барча банданинг Р.ини Аллоҳ белгилаб берган, ўлчаб қўйган, кимнинг Р. и тугаса, вафот этади. Р.ни фақат Аллоҳ таолонинг ўзигина беради. 2) Девоonga мансуб кишилар учун мўлжалланган озиқ-овқат улуши (халифа *Умар* томонидан 638 й. жорий этилган ва бу 8-а. охиригача давом этган). Озиқ-овқат улуши девон рўйхатидаги жангчиларнинг оила аъзоларига ҳам белгиланган.

9–10-аларда Р. – асосан жангчилар маоши, баъзан умуман маош (мас., Ўрта Осиёда сомонийлар даврида). Мисрда 12–15-аларда маълум ер майдонидан натура шаклида тўланган маош, шундан – умуман кўчмас мулкдан олинган даромад. 16-адан Усмонли турк салтанатида Р. деб даромад келтирувчи ер майдонига, хусусан вақф ерларига айтилган.

РИФОЪИЙЛАР – суфийлик тарикати аъзолари. Ўрта асрларда вужудга келган. Бу тарикатга басралик Саййид Аҳмад Рифоъий (1182 й. в.э.) асос солган. Р. Яқин Шарқда, хусусан, Эронда кенг тарқалган дарвишлардан иборат бўлган. Улар ҳозир ҳам мавжуд.

РОБИА ал-АДАВИЙА (713/714–801) – Басра зоҳидларининг таникли вакиласи. Болалигида чўри қилиб сотилган. Кейинчалик художўйлиги ва зоҳидларга хос турмуш тарзига ихлос б-н риоя этгани сабабли озодликка чиқарилган. Бир неча йил саҳрода ёлғиз яшаган. Р.А. Аллоҳни севишдан бошқа жамики нарсаларни рад этиш тарафдори бўлган. Аллоҳдан ҳеч бир тамаъ – манфаат кўзламай, уни мутлақ севиш – инсон маънавий ҳаётининг моҳияти эканлигини зоҳидлардан биринчи бўлиб таъкидлаган. Р.А. ғоялари кейинги авлод суфийлари орасида кенг тарқалиб, Бистомий, Халлож, Ибн Фарид, Ибн Арабий ва б. суфийлар таълимотининг асосини ташкил этган. Р.А. такводорлик, Аллоҳни севиш намунаси деб билиниб, “авлиё” сифатида улуғланади.

РОБИТА (“алоқа”, “ришта”) – Шарқдаги тасаввуфга хос бўлган истилоҳ. Мурид б-н унинг пири (муршид) ёки авлиё (валий) ўртасида пайдо бўладиган руҳий алоқа. Муриднинг бутун фикри-зикрини муршид қиёфасига жамлаши, у б-н мулоқотга кириши ва ўзлигини унда кўшилиб кетиши б-н эришилади. Нақшбандийлик ва қодирия тарикатларининг айрим рисоаларида Р. зикрдан афзал саналган.

РОМИТАНИЙ Хожа Али, Х о ж а и А з и з о н (13-а. ўртаси, Ромитан туманидаги Кўрғон қишлоғи – 1316/1321) – хожагон-нақшбандия тарикатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг тўртинчиси.

Хожа Маҳмуд *Анжирфагнавий*дан таҳсил олган. Унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф”да 13-ҳалқанинг пири ҳисобланади. Р.нинг “Рисолаи Азизон” асари машҳур бўлиб, унда *тасаввуф* мақомлари хусусида сўз юритилган. Тожик тилида битган шеърларида тасаввуф ғоялари илгари сурилган. Хожа Муҳаммад Бобойи *Самосий*га устозлик қилган. Кўрғон яқинидаги Сарибўстон қишлоғида дафн этилган. Қабри устида макбара қурилган. Г.Наврўзова ва И.Қосимов “Ҳазрат Хожа Али

Ромитаний” рисоласини нашр қилишган (1984).

РОФИЗИЙЛАР (араб. рофиз – тарк этиш, рад этиш, баъзан маслагидан қайтиш маъноларида) – ўрта асрларда сунний ислом илоҳиётида изчил ислом йўлидан четга чиққан оқимлар, хусусан шиалар (Абу Бакр (ра) ва Умар (ра)нинг халифалик ҳуқуқини рад этганлари учун) Р. деб аталган. Кейинчалик Алини илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқалар (хусусан исмоиллийлар) шу ном б-н аталган. Умумий маънода Р. имомийлар, алавийлар ва зайдийларга нисбат берилади.

РУКН (араб. – асос, устун), аркон ад-дин (дин асослари) – исломда энг муҳим саналган бешта вазифа. Унга “қалимаи шаҳодат”, намоз, закот, рўза ва ҳаж ибодатлари қиради. Р. талабларини бажариш исломда ҳар бир мўмин-мусулмон учун мажбурий–фарз ҳисобланади. Лекин баъзи истисно ҳолатларда бу мажбурият зиммадан соқит бўлади. Мас., бойлиги шариат белгилаган маълум миқдорга (нисобга) етмаган киши закот бермайди ёки қодир бўлмаган мусулмонлар зиммасидан ҳаж ибодати ҳам соқит бўлади. Имоннинг рукнлари эса, иккитадир. Яъни, Муҳаммад (сав) Аллоҳ томонидан келтирган барча аҳқому аркон ва маълумотларга дил б-н тасдиқ этиб, тил б-н иқрор қилишдир.

РУМИЙ, Жалолиддин Муҳаммад ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Балхӣй (1207–1273) – шоир, мутафаккир, мавлавийлар (мавлavia) тарикатининг норасмий шайхи. Балх (Шим. Афғонистон)да туғилган. Отаси – Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Хатибий ал-Балхӣй (1148–1231) Хоразмшоҳлар давлатида “Султон ул-уламо” (“Уламолар султони”) деб улуғланган. 1231 й.да отаси вафот этгач, Р. унинг ўрнига Кўния мадрасасининг бош мударриси бўлади. Тарикат йўлини тутиб, шоир Саид Бурҳониддинга шогирд тушади, сўнг қаландар-суфий Шамсиддин Муҳаммад Табризий б-н дўстлашиб, уни ўз пири деб эълон қилади ва ақлий изланишлардан воз кечади. Бу Р. муридлари, уламолар норозилигига сабаб бўлади ва улар фатвоси б-н Табризий ўлдирилади. Р. бу фожиадан қаттиқ таъсирланиб, пирининг исми шарифини таҳаллус қилиб, ғазаллар ёза бошлайди. Р. шеърларида инсонлар ирки, миллати, дини ва тилидан қатъи назар тенг ва ҳур эканлиги қуйланади, ақидапарастлик ва мутаассиблик

кораланади. Р. Кўния (Кичик Осиё)да вафот этган.

Р. ҳар бир суфий ислом фарзларини албатта бажариши шарт, деб ҳисоблаган, ўзи асос солган тариқатда шеър ва мусиқа тинглашни, самоъ пайтида гир айланиб, рақс (зикр) тушишни расм қилган. Бу эса, Р. душманлари томонидан шариат кўрсатмаларига зид деб баҳоланган.

Р.нинг 25.500 байтдан ортиқ “Маснавийи маънавий” асари “тасаввуфнинг чинакам комуси” деб тан олинган. Унда Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналари – юзлаб ривоят, афсона, масал, мақол, матал, рамзий ҳикоятлар орқали ислом ва тасавуф ғоялари маснавий турда талкин этилган. Жомий ва Навоий Р. ижодига юксак баҳо беришган. Машраб эса, “Маснавийи маънавий”дан илҳомланиб, “Мабдаи нур” ахлоқий-таълимий достонини яратган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Р.нинг “Ичингдаги ичингдаур” (Тошкент, 1997) китоби, “Маснавийи маънавий” изоҳли нашрининг 1-китоби (Тошкент, 1999) ва б. асарлари нашр қилинди.

РУСТУФАҒНИЙ, Абул Ҳасан Али ибн Саид ар-Рустуфағний (? – 961) – *ҳанафийлик*даги машхур муҳаддис, факих. Самарқанд вилоятидаги Рустуфағн (Рустуфағн) қишлоғида туғилган. Фикҳга доир 3 та асар ёзган. Самъонийнинг маълумотига кўра, Самарқанднинг йирик факихлари, жумладан, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мотуридий ва Абул Қосим Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Ҳаким ас-Самарқандий ва б. Р.дан илми ҳикмат ва илми ҳақиқатдан сабоқ олганлар. В.В.Бартольднинг фикрича, Самарқанд яқинидаги Бейли ота қишлоғида (бу қишлоқ ўрта асрлардаги Рустуфағн ўрнида жойлашган) Р.нинг мақбараси сақланиб қолган.

РУҲ (араб. – жон, кўплиги арвоҳ) – диний тушунчага кўра, киши ҳаётида у б-н бирга, вафотидан кейин эса, танадан чиқиб абадий қоладиган кўзга кўринмас нарса. Ҳадиси шарифда айтилишича, она қорнидаги чақалоқ тўрт ойлик бўлган қуни унга Р. ато этилади ва умри давомида шу Р. б-н бўлади. Баъзи уламолар Р. – бу қон деса, бошқалари нафас деб ҳисоблайди. Айримлар эса, Р.ни латиф ва нафис ҳаводан иборат деб, уни моддий нарсалар сафига киритади. Қуръонга кўра, Аллоҳ одамзотни яратмасдан олдинроқ дастлаб

қиёматга қадар келадиган одамларнинг Р.ларини пайдо қилган. Исломда Р.нинг моҳияти ҳақида баҳс юритиш ман этилади. Қуръони каримнинг Исро сурасида (85-оят) Р. Аллоҳнинг илмига ҳавола этиладиган сир экани, Р. тўғрисида одамлар жуда оз маълумотга эга бўлишлари таъкидланган.

РУҲОБОД – Самарқанддаги Шайх Бурҳониддин Соғаржий мақбараси (14-а.). Амир Темур мақбарасининг шим.да жойлашган чорқирра шаклидаги гумбазли бино. Шайх Бурҳониддин Соғаржийни Амир Темур ўзига маънавий пир деб қабул қилган. Соғаржий 10-а.да Сомонийлар даврида яшаб, авлиёликда Қутб поғонасига кўтарилган зотдир. Унинг насли-насаби Умар ибн Хаттобга бориб тақалади.

РЎЗА (форс. – рўза, кундузги иш; араб тилида “савм” дейилиб, бирор нарсадан ўзини тийиш маъносини англатади) – исломдаги бешта рукн (мажбурият)дан бири. Ҳар йили бир ой – Рамазон ойида Р. тутиш фарзлиги Қуръони каримда қайд этилган. Бунда бомдод намози вақтининг бошланишидан то қуёш ботгунга қадар емаслик, ичмаслик, жинсий яқинлик, гийбат, чақимчилик қилмаслик, ҳаром қилинган нарсаларга қарамаслик шарт. Р. соғлом, сафарда бўлмаган, балоғат ёшидаги мусулмон-мўминларга фарз қилинган. Ҳомиладор, эмизикли аёллар, сафарда юрганлар, оғир беморлар Р. тутмаслиги, кейин имконият туғилганда адо (қазо) этишларига рухсат берилган. Р.га тоқати етмайдиган қариялар, сурункали беморлар Р. ўрнига фидя садақаси (бир мискинни бир бор тўйдириш) беришлари мумкин. Р. тутиш Қуръонда белгиланганидек, инсонни тақвога, яъни моддий ва маънавий жихатдан сабр-тоқатли бўлишга, иродани мустаҳкамлашга ўргатади. Р.нинг кўпгина касалликларга шифо бахш этишини кейинги пайтда олимлар ҳам тасдиқламоқдалар. Лекин, шариат кўрсатмаларига кўра, Р.ни бошқа мақсадларда эмас, фақат Аллоҳнинг фарз қилган ибодатини адо этиб савоб орттириш, тақволи бўлиш мақсадидагина тутиш буюрилади. Р. дастлаб Муҳаммад (сав) Мадинага ҳижрат қилганларидан 18 ой ўтгач фарз қилинган. Агар Р. қасдан очиб юборилса, рамазондан кейин бирор кун қолдирмай олтмиш кун Р. тутиб беради, бунга заифлик ёки беморлик туфайли

кодир бўлмаса олтмиш мискинга таом бериш
б-н каффорат тўланади.

Р. бир неча турли бўлади:


1. *Фарз*. Бу Рамазон ойи Р.сидир.

2. *Вожиб*. Мас., нафлга киришиб, кейин бузиб
қўйганда, унинг қазосини тутиб бериш
вожибдир.

3. *Нафл*. Душанба, пайшанба кунларида,
шаввол ойида олти кун тутилган Р.лар.

4. *Макруҳ*. Ёлғиз жума ёки шанба ёинки
якшанба кунларида, шунингдек, икки ҳайитда
тутилган Р.лар.

РЎЗА ҲАЙИТИ – қ. *Ҳайит*



САБАИЙЛАР, ас-Сабаъийа – “ўта” шиаларнинг ғоявий ўтмишдошлари; Абдуллох ибн Сабаънинг издошлари. Сунний муаллифлар С.ни Али (қв) ибн Абу Толибни илоҳийлаштиришни тарғиб қилган исломдаги энг дастлабки гуруҳ деб ҳисоблашган. Ривоятларга кўра, Али (қв) уни худо деб эълон қилган С. гуруҳини гулханда ёндиришга буйруқ берган, бунга жавобан С. “энди биз сенинг ҳақиқатан ҳам худо эканлигингни билдик, зеро фақат худогина ўт б-н жазолайди” деганлар. С. Али (қв)ни вафот этганлигини рад этадилар, уларнинг фикрича, у душманларидан ўч олиш ва адолат ўрнатиш учун қайтиб келар эмиш. Али (қв)ни пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг васиятларига кўра, вориси деб эълон қилган С. исломда биринчи бўлиб, Али (қв) имомлигини тўхташи (таваккуф) ва уни Қиёмат кунигача Маҳдий сифатида қайтиши” (ар-ражъа) ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Бу тасаввурлар кейинчалик “ўта” шиалар, хусусан кайсонийлар орасида ривожланган, улар имомларни “яширин ҳолати” (ал-ғайба) ва уларни Халоскор (ал-Маҳдий) сифатида қайтиб келиши ҳақидаги ғояни ишлаб чиққанлар.

САБР – ғам-қулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш; ўз ихтиёри б-н нафсни тийиш; ёқмаган нарса содир бўлганда Аллоҳ таолодан

кўрқиб ва Унинг розилигидан умидвор бўлиб ўзини тутишлик. Исломда тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозимлиги таъкидланади. С.ли бўлиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланади. Қуръоннинг бир неча оятларида мусулмонларнинг С.ли бўлишига даъват бор. Ҳадисларда инсон учун С.дан яхшироқ ва улўғроқ неъмат ато этилмагани баён қилинган. Тасаввуфда С. турлича талқин этилади.

С. доим керак. Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтда ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам. Йўқчиликка С. қилиш осон. Аммо борчилик, тўқчиликка ҳамма ҳам С. қила олмайди. Аслида эса, банда оғир пайтда бардош б-н, неъмат етганида шукр ва яхшилик б-н С. қилиш керак.

Уламоларнинг таъкидлашларича, С. турли хил бўлади. Энг улўғ С. имон – ислом талабларини бажариш йўлидаги қийинчиликларга чидаш. Одамларнинг ноўрин тасарруфларига С. қилиш. Етган мусибатлар ва неъматларга С. қилиш ва ҳ.к.

С. кўпчилик ҳаёл қилгандек салбий маънода, яъни нима бўлса ҳам С. қиляпман, деб жим-ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги С.дир. Энг бош С.

ҳавои нафс, роҳат-фароғат, мансабни тарк қилиб, Аллоҳнинг айтганига юришга чидамдир. Куръони каримда С.га даъват кўп такрорланади. Чунки, Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш йўлидаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам С. керак ва ҳ.к. Ўтган уламолар С.ни умумий тарзда учга бўлганлар:

Биринчиси: Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан ва гуноҳлардан сақланишга С.

Иккинчиси: тоат ва қурбат ҳосил қилиш учун С.

Учинчиси: етадиган мусибат ва кийинчиликларга С.

Пайгамбар (ас)нинг ҳадисларида ҳам С.га кўплаб чақириқлар бор.

Абу Мусодан ривоят қилинади:

“Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгрок неъмат ато қилинмаган”, дедилар.

Расулуллоҳ (сав): “Одамларга аралашиб, уларнинг озорларига С. қилган мусулмон, уларга аралашмайдиган ва озорларига С. қилмайдиган мусулмондан яхшидир”, дейдилар. Бундан одамларнинг озоридан кўрқиб уларга аралашмай кўйиш дуруст эмаслиги чиқади. Одамларга аралашиб уларнинг озорларига С. қилган одам савоб олади. У ўша аралашishi давомида уларга яхшилик ҳам қилиб юрган бўлади. Одамларга аралашмаган киши эса, кўпчиликка фойда етказишдан бош тортган бўлиши мумкин.

САВОБ (араб. – яхшилик, эзгулик, ажр) – диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. Инсоннинг хатти-ҳаракати ва фаолияти яхшилик ва ёмонликдан иборат бўлиб, бу исломда савоб ва гуноҳ деб аталади. Диний кўрсатмаларни бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш кабилар С. ҳисобланиб, инсоннинг иш китоби (номаи аъмоли)га фаришта воситаси б-н ёзиб борилади. Охиратда инсонларнинг С. ва гуноҳлари тарозуда тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади. Лекин, ҳадиси шарифда таъкидланишича, инсоннинг қилиб ўтган ҳар қанча С. ишлари жаннатга киришга сабаб бўла олмайди. Унга кириш Аллоҳнинг фазли, марҳамати ва эҳсони ҳисобланади. С. ишлар эса, жаннатга киргандан кейин эришиладиган даражалар

учун керак бўлади. С. сўзи барча яхши ва эзгу ишларга нисбатан ҳам ишлатилади.

САДАҚА (араб. – чин дилдан қилинган эҳсон) – хайр-эҳсон. С. бериш ҳақида Куръонда ҳам таъкидлаб ўтилган. С. ҳақидаги масалаларни фикҳнинг укубот ва аҳком бўлимлари талқин қилади. С. бериш имкони бўлган ҳар бир киши учун зарур ҳисобланади, бу иш мандуб амаллардан саналади. Бировга С. бера олишга қурби етмайдиган кишилар С. олишлари мумкин. С.нинг қўйидаги турлари мавжуд: Бир марталик хайр-эҳсон кўринишидаги С.; каффорат, яъни хайрли мақсадларга сарф этиладиган жарима кўринишидаги С.; ўзига тўқ бўлган мусулмонларнинг даромадларидан йўқсил, мискинлар фойдасига ажратиб бериладиган С. Дастлабки икки ҳолатда С. пул, овқат, кийим, хизмат кўрсатиш ва уй-жой б-н таъминлаш, қарздан ва мажбуриятдан кечиш ва б. шаклида бўлиши мумкин. Учинчи ҳолатда С. – фақат пул б-н бериладиган, у махсус солиқчилар томонидан йиғилиб, марказий ёки маҳаллий хазина (байт ул-мол)га келиб тушган. Бу маблағ С. деб аталувчи закотдан тўпланган маблағ б-н биргаликда махсус ваколатли шахслар томонидан суғурта воситаси тури сифатида марказий ҳокимият номидан камбағал, муҳтож кишиларга тарқатилган. С. маблағларидан ёрдам олишга камбағаллар ва ногиронлар ҳақли бўлиб, уларнинг бу ҳолати тўғрисида жамоанинг уч аъзосининг шохидлиги лозим бўлган. Шунингдек, бирор сабаб б-н хонавайрон бўлган, қурби етмайдиган харажатлар, тўловларни тўлашга (мас., муҳтож қариндошларини боқиш, қариндоши учун дийа (хун) тўлаш ва б.) мажбур бўлган кишиларга ҳам С. берилади ва ҳ.к. Уларнинг иши юришиб кетса, С. тўлаш тўхтатилади. С. маблағидан уруш пайтида ёрдам берган, лекин улуш-ўлжа олмаганларга мукофот берилади, қулни озод қилиш учун тўланадиган пулнинг етишмаётган қисми (агар у кишининг ишлари юришмаётган бўлса) (мукотаб)ни қоплаш учун берилади. Шунингдек, С. тўпловчи ва тақсимловчи амалдорларга, мусофирхоналарга, бирор сабаб б-н сафарни давом эттира олмай қолган йўловчиларга ҳам маблағ ажратилади.

Ҳадислар ва фикҳга оид адабиётларда С. истилоҳи б-н закот англатилган. С. ва закот дастлаб бир тушунча эканлиги, закотдан қоладиган маблағни олиш ҳуқуқига эга

кимсалар ҳам С. маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлиги б-н ҳам тасдиқ топади. Ихтиёрий С.ни мажбурий тўловдан фарқлаш учун уни садақа ат-татавву (“ихтиёрий садақа”) деб атайдилар. С.нинг мажбурий турига закот, хирож, ушр, фитр, каффорат (жарима) қабилар қиради. Ихтиёрий С.лар эса, худойи, тўйлар, зиёфатлар, хайрия ташкилотларига, жамгармаларга бериладиган моддий харажатлардан иборат. Одатда С. деганда фақат мухтожларга, гадоларга бериладиган нарса тушунилади. Лекин диний истилоҳда С. хайр-эҳсоннинг барча турлари учун қўлланилаверади. Исломда С. қилишга кўп тарғибот қилинади. Унинг савоби, фазилати ва фойдаси тўғрисида Куръон ва ҳадисларда таъкидланган.

САДР (араб. – олд, кўкрак) – мусулмон мамлакатларидаги турли мансабдор шахсларга бериладиган унвон. Бу унвон баъзан дин пешволарига ҳам берилиб, уларга бутун давлатнинг ёки бирор вилоятнинг вақф ишларини бошқариш вазифаси юклатилган. Мас., 12–13-а.ларда Бухорода ҳукмронлик қилган бурҳонийлар Садри жаҳон номи б-н машҳур бўлган. 16-а.дан Усмонли турк салтанатида ва 19-а.дан Эронда энг юкори мансабдор шахс (вазири аъзам) С. (тўлиғи Садри аъзам) деб аталган. 20-а.га келиб бу унвон тугатилган. Анжуман ва илмий мажлисларда тўрдан жой берилиб, суҳбатни бошқарган олим кишини ҳам қадимдан Садри мажлис деб атаб келинади.

САЖДА (араб. – ибодатда ерга эгилиш, ерга бош қўйиш) – намоз ўқишдаги ҳолатлардан бири. Ҳар бир ракаатдаги охириги ҳаракат, бунда намоз ўқиётган диндор тиз чўккан ҳолда олдинга эгилиб бошини ерга қўяди (яъни С. қилади) ва уч бор субҳана роббиял аъло деб тасбеҳ ўқийди.

САЖЖОДА (“таъзим қилмоқ”, “тиз чўкмоқ”, бошқа номлари: мусалло, бисат, хасир, хумра (араб.), жойнамоз (форс.), намозлик (турк.) – қ. *Жойнамоз*.

САЖОХ – сохта пайғамбар аёл. Ўзини худонинг элчиси деб эълон қилган ва исломни қабул қилган арабларнинг бир қисмини йўлдан уришга эришган. С. тағлибийлар орасида вояга етган ва улар орасида тарқалган христианликдан яхши хабардор бўлган. Муҳаммад (сав) ҳаётликлари чоғидаёқ у худони

“булутлар эгаси” деб атаб, ундан хабарлар келаётганини билдирган. “Ваҳийлар”ни қофияли сажъ усулида, махсус минбардан туриб айтган, ибодатга чақирувчи муаззини ҳам бўлган. Ирокдан С. бир гуруҳ тарафдорлари б-н ўзининг кадрдон тамим қабиласи худудига кўчиб ўтган, у ерда қабиланинг ўзаро курашаётган қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлиб, уларни ҳарбий юришларга бошлаб борадиган сиёсий раҳбарга айланган. Бир неча муваффақиятсизликлардан сўнг 633 й. тамимийлар Ямомага бостириб кирганлар. Бу ерда ҳанифа қабиласи бошлиғи, “пайғамбар” Маслама (Мусайлима) ички низоларни тинчитиш ва мусулмонларнинг ҳужумларини қайтариш б-н банд эди. У Ямомадан олинадиган икки ҳосилнинг ярмини бериш эвазига тамимийлардан қутулган. С. б-н Маслама ўртасида яна қандайдир бир вақтинчалик шартнома ҳам тузилган. Мусулмон ривоятларига кўра, улар ўртасида никоҳ шартномаси тузилиб, мусулмонлар б-н бўлган жангда С. Маслама ёнида ҳалок бўлган. Аслида эса, С. Ямомага қилинган юришдан сўнг Ирокқа қайтиб, кейинчалик ўша ерда исломни қабул қилган.

САИД ибн ЗАЙД (тахм. 600–671) – саҳоба, маккалик илк мусулмонлардан. *Ашарай Мубашшара* ахлидан. Отаси Зайд Бану Адавий уруғидан бўлган. Саиднинг бобоси жоҳилия даврида Маккадаги бошлиқлардан ҳисобланган. С. ибн З. *Умар* (ра)нинг поччаси эди. Завжаси Фотима б-н иккиси Умар (ра)дан аввал мусулмон бўлишган, Ҳабашистонга ҳам бирга кўчишган. Талха б-н бирга Шомга жўнатилгани учун *Бадр жангида* қатнашмаган. Лекин ғаниматлардан унинг улуши ажратилган. Бошқа жангларда қатнашган. Халифа Абу Бакр Сиддик даврида Шом фатҳида иштирок этган. С. ибн З. сахий, ибодатга қаттиқ берилган, такво соҳиби, мужоҳид бир зот бўлган. Дунё ишларига аҳамият бермагани учун бирор вазифа олмаган. Мадина яқинидаги Ақиқ деган жойда вафот этган. С. ибн З. Расули Акрамдан тўрт ҳадис ривоят қилган.

САИД ибн ал-ОС (625–679) – саҳоба. Ислом амирларидан. *Умар* (ра) ҳузурини тарбия топган. *Усмон* (ра) уни Куфага амир қилиб тайинлаган. Ҳазрат Усмон (ра)га қарши уюштирилган фитнада уни ҳимоя қилган. Усмон (ра) шаҳид бўлганидан сўнг (658) Маккага кетган. *Муовия*

халифалик замониғача (661) у ерда қолган, сўнг то умрининг охириғича Мадинага волий бўлган. Табаристон (Эроннинг шимолида) фатҳида қатнашган. Усмон (ра) хузурида бўлиб, Қурьони каримни жамлаш ва китоб ҳолига келтиришда фаолият кўрсатган. Унинг Мадинада қурган қасри ҳозирғача сақланиб қолган.

САЙИД ОТА, Сайид Аҳмад ибн Сайид Абу Бакр (? – 1292 ёхуд 1311) – яссавия тариқатининг йирик вакили. Тошкентда таваллуд топиб, таълим олган. *Занги отанин*г 2-халфаси (шогирди). С.о. нафақат солих амаллари, тариқат йўлида чеккан заҳматлари, балки жиҳодда иштирок этганлиги б-н ҳам машҳур. Умрининг охирида Тошкентдан Оролга кўчиб бориб, ўша ерда вафот этган.

САЙИД – қабила бошлиғи, жаноб, раҳбар. Арабистонда жоҳилият даврида қабила зодагонлари вакили, бошлиғи. Қурьон ва ҳадисда бир неча маъноларда келган. Баъзи ҳадисларда инсонга нисбатан рабб (“жаноб”) истилоҳини С. истилоҳи б-н алмаштириш лозимлиги айtilса, бошқа бир ҳадисларда келтирилишича, Расули Акрам (сав) ўзларини С. деб аташларини ман этганлари, чунки С. – фақат Аллоҳдир деганлари ривоят қилинади.

Аста-секин шиалар ташвиқоти таъсирида С. истилоҳи Пайғамбар (ас) авлодларига, Ҳусайн авлодларига нисбатан қўлланиладиган бўлган. Улар мусулмон жамиятида имтиёзли ижтимоий табақани ташкил қилиб, диндорлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлишган. Халқ С.ларни кўпинча авлиёлар қаторига қўйган. Авлиё аёлларни Саййида деб аташган.

С. истилоҳи мусулмон ҳукмдорларининг рутбаларида кенг қўлланилган. Бу бир томондан Пайғамбар (ас) б-н қариндошликка даъвогарлик қилиш б-н боғлиқ бўлса (Дехли С.лари, Бухоро амирлари, Хива хонлари ва б.), иккинчи томондан С.ни жоҳилият давридаги маъносини сақлаб қолишда ва уни қўллашда кўринади, хусусан С. истилоҳи мусулмонлар ҳукмронлик қилган Испанияда 10–11-а. бошларида ҳукмдор девонига қурилган (С.; ас-Саййида ал-Кубро, ас-Саййида ал-Валида – “ҳоким онаси”), Баҳрайндаги Қарматлар давлатида оқсоқоллар кенгашининг 6 аъзосини англатган. Масқатн султонлиги ҳукмдорлари С. деб аталган (18-а.). Баъзи мусулмон мамлакатларда (мас., Яман) С. табақаси ўз мавқеини сақлаб қолган.

САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ (1190, Хуросоннинг Боҳарз қишлоғи – 1261, Бухоронинг Фатҳобод қишлоғи) – *қубровийлик* тариқатининг йирик намояндаси, шайх. Мовороуннаҳр ва Хуросондаги диний ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида ўқиган, Хоразм ва сўнгра Бухорода муқим яшаган. Нажмиддин *Кубронинг* сеvimли шогирди бўлиб, бу тариқатни устози вафотидан сўнг янада ривожлантирди. С.Б.дан қубровийлик тариқатининг ҳинд тармоғи – фирдавсийя бошланади. С.Б. мўғуллар истилоси ва ҳукмронлигига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Унинг халқ оммаси ўртасидаги кучли нуфуздан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у б-н келишишга интилганлар. “Тарихи Банокатий” (15-а.) асарида ёзилишича, мўғул хон (қоон)лари Мункэхон (1251–1257), Ҳулағухон (1256–1265) ва Ҳубилайхон (1259–1294)ларнинг онаси Бухорода махсус мадраса ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган ва мугавалли қилиб шайх С.Б.ни тайинлаган. Чингизхоннинг невараси, Олтин Ўрда хони Беркахон (1255–1266) Бухорога махсус келиб, С.Б.дан ислом динини қабул қилган ва унга мурид тушган. У мусулмон бўлган, ўзига Баракахон исмини олган. Баракахон Шим. Кавказдан Сибиргача чўзилган улкан давлати худудида ислом динини жорий қилган, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг С.Б.га “Шайх ул-олам” даражаси, Бухоро ш.га эса, “Бухоройи Шариф” унвони берилган. С.Б. қабри Бухоро яқинидаги Фатҳободда бўлиб, 1261 й.да даҳма қурилган. Ибн Баттута 1333 й. бу ерда бўлганлигини ёзиб қолдирган. Кейинчалик Чигатой улуси хони Баёнқулихон (1348–1358) ва Турон ҳукмдори Амир Темур томонидан даҳма атрофида Боҳарзий мақбараси ва хонақоси ҳамда катта зиёратхона қурилган (14-а.).

САЛАФИЙЛАР, Ас-Салафийа (салаф – “аждодлар”, “ўтмишдошлар”) – исломнинг турли даврларида илк мусулмон жамоаси “солих аждодлар” (ас-салаф ас-солихун) эътиқоди ва турмуш тарзига риоя этишни даъват этиб, кейинги даврда киритилган барча янгиликларни, жумладан, Қурьонни мажозий-рамзий талқин этишдан бошлаб мусулмон дунёсини Фарб б-н алоқаси натижасида кириб келган янгиликларни бидъат деб эълон қилган

мусулмон дин арбобларининг умумий номи. С.га барча саҳобалар, тобеинлар, табаъа тобеинлар, мазҳаб соҳиблари ва аҳли сунна вал жамоа эътиқодидаги йирик олимлар кирадилар. Ғарб адабиётида С. мафкурасини таърифлашда “традиционализм”, “фундаментализм”, “тиклашчилик” (revivalism) каби терминлар ишлатилади.

САЛЛА – мусулмонларда бошга ўраладиган мато. Фақат эркаклар ўрайди. Ок, яшил, кул ранг матолардан, кўпинча доқадан иборат бўлиб, дўппи, кулоҳ устидан ўралади (Ҳиндистон, Покистондагина С. бош кийимсиз ўралади). Шим. Африка, Ғарбий Осиё ва Ўрта Осиё, қисман Кавказда кенг тарқалган. С. ўраш усуллари, матоси кишиларнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигига қараб белгиланган (мас.. шиалик руҳонийлари қора, саййидлар ва ҳожилар яшил матодан С. ўраганлар). Ўтмишда С. мусулмонлик белгиси ҳисобланган, уламолар, намозхонлар учун мажбурий бўлган. Баъзи ҳолатларда С. кафанлик ўрнини босиши ҳам мумкин. Маданият тараққиёти, замонавий кийимларнинг кенг тарқалиши туфайли С. ҳатто мусулмон мамлакатларида ҳам урфдан чиқиб қолаётир. Исломда С. б-н намоз ўқишга тарғиб қилинган.

САЛМОН ал-ФОРИСИЙ, Абу Абдуллоҳ Салмон ал-Форисий (? – 658) – саҳоба; Расулulloҳ (сав)нинг мавлоларидан. Асли исфаҳонлик. Дин кидириб сафарга чикқан. Мажусий динидаги отасидан қочган. Аввал насроний динига кириб, бир неча вақтдан кейин Мадинага бориб, ислом динини қабул қилган. 627 й.даги *Хандақ жанги*да айнан С. ал-Ф. Муҳаммад (сав)га Мадина ш. атрофига хандақ қозишни ва унга камончиларни жойлаштиришни маслаҳат берган. Арабистонда илгари кўрилмаган бу янги тактик усул маккаликлар ҳарбий кучининг асосий зарбдор қисмини ташкил этган бадавийлар отлик кўшинининг жанговарлик имкониятларини анча пасайтирган. Бу улар учун қутилмаган ҳол бўлиб, саросимага солган, натижада мусулмон кўшини зафар қозонган. С. ал-Ф. *тасаввуф*нинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Шиалар С. ал-Ф.ни *Алининг* содиқ сафдоши сифатида жуда қадрлайдилар. Мадоин ш. (Ироқ)га ҳоким бўлганда, бўйра тўкиб сотиб, ўз меҳнати эвазига тирикчилик

ўтказган; маошини муҳтожларга садақа қилган. Расули Акрам (сав)дан кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

САЛОТ – бир кунда, муайян вақтларда кўрсатилган тартиб ва шартлар асосида қилинадиган ибодат. С. 5 та ислом рукнларининг энг муҳимидир (яна қ. *Намоз*). **САМОСИЙ** Хожа Муҳаммад Бобойи (13-а. охири, Ромитан туманидаги Самос кишлоғи – 1340/1354) – хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик етти пирнинг бешинчиси.

Хожа Али *Ромитаний*дан таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик силсиласини бошқарган. “Силсилаи шариф”да 14-ҳалқанинг пири сифатида келади. У саййид *Мир Кулол* Бухорийга таълим берган. *Баҳоуддин Нақшбанд* туғилгач, уч кунлик чакалокни маънавий фарзандликка қабул қилиб, шогирди Мир Кулолга Баҳоуддин тарбияси б-н шуғулланишни топширган. С. ҳақида “Макомати Мир Кулол”, “Макомати Шоҳи Нақшбанд”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларида муҳим маълумотлар бор. Самос кишлоғида дафн этилган. Қабри устидаги макбара, атрофдаги масжид ва тошқудук мустақиллик йилларида таъмирланган.

САМОЪ – 1. “тинглаш, кулоқ солмоқ”. Ҳадисшунослик ва араб мусулмон адабиётида ҳадислар ва тўлиқ асарларни тингловчига етказиш усулларида бирини англутувчи техник истилоҳ. С. қуйидаги жараёндан иборат: муҳаддис ёддан ёки ёзилган матнга қараб ровийлар ва иснодга суянган ҳолда ҳадисни айтади, толиб ҳадисни эшитиб, эсда сақлаб, уни овоз чиқариб қайтаради: материал тўғри ўзлаштирилганига ишонч ҳосил қилган муҳаддис толибга уни бошқаларга етказишга ижозат (*ижоза*) беради. Янги ҳадисни ўрганишда бу жараён қайтарилган; толиб ҳадисни ёзиб олиши ҳам мумкин бўлган. Асарлар С. усули б-н қисмларга ажратилган ҳолда ўзлаштирилган. С. ўзлаштириш, етказишнинг самарали ва яхши усули ҳисобланган, шунинг учун адабиётда кўпинча унга ҳавола (иштибоҳ) қилинади. 2. Кўшиқ, мусиқа тинглаш; дарвишларнинг зикр мажлисларида гир айланиб, жўшиб рақс тушишлари. С. икки хилдир: 1) сўз тингламоқ; С.нинг биринчи хилида тасаввуфга оид бирор сўз тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинади,

бунда С. поклик ва қалб ҳузури б-н эшитилмоғи лозим. 2) куй тингламоқ; бунда мусиқа тинглаш руҳ озиғи сифатида эътироф этилган. Шунда руҳ юксак мақомларга парвоз қилади, деб ҳисобланган.

САМЪОНИЙ, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113–1167) – муҳаддис, тарихчи, адабиётшунос. Марвда туғилган. С.нинг аждодлари бутун ислом оламида машхур муҳаддис, фақиҳлар бўлишган. Марвдаги машхур олимлардан сабоқ олган. Дастлаб саёҳатини С. амакиси Аҳмад ибн Мансур ас-Самъоний б-н бирга Нишопурга қилган. Сўнгра Хуросон, Мовароуннаҳр, Ирок, Хижоз, Сурия ва Табаристон шаҳарлари бўйлаб узок сафарда бўлган; 8 йил Бағдодда яшаган, у ердан 2 марта Маккага ҳаж қилган. Рай, Ҳамадон, Дамашк, Куфа, Басра, Тус, Қуддусда бўлган. Саёҳати давомида С. олимлар б-н учрашиб, улардан сабоқ олган, ўз асарлари учун материал тўплаган. 1143–44 й.да С. Марвга қайтиб, ал-Амидия мадрасасида дарс берган. Кейинги йилларда у ўгли Абдурахмон б-н Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган. С. фикҳ, ҳадис, араб тили тилшунослиги, грамматикаси, адабиётига доир 50 дан зиёд асар ёзган. С.нинг айниқса тарих ва географияга доир асарлари қимматлидир. Унинг “Китоб ул- ансоб”(“Нисбалар китоби”)да Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган юзлаб муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар ҳақида ноёб маълумотлар келтирилган.

САМЪОНИЙ, Абул Музаффар Мансур ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1035–1096) – муфассир, муҳаддис, фақиҳ, қози, адиб. Тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг бобоси. Марвда туғилган. Ёшлиқдан ҳадисларни ўрганган ва ота-боболари сингари фикҳдаги қодирия оқимига мансуб бўлган. Узок йиллар Хуросон, Ирок ва Хижоз ш.лари бўйлаб саёҳат қилган ва 1069 – 70 й.да Маккада шофиъийларга қўшилган. Саёҳати давомида 100 дан ортиқ энг йирик муҳаддислардан 1000 та энг сара ҳадисларни тўплаган. 50 дан зиёд шогирди бўлган. Фикҳ, ҳадис, тилшуносликка оид 10 та асар ёзган.

САНАВИЙА – дуалистлар. Борликнинг икки олий ибтидоси – ёруғлик ва зулмат, худо ва шайтон ва б.ни тан олувчи ғайриисломий таълимот (зардуштийлар, монийчилар, маздакийлар, дайсонийлар) вакилларининг

исломда аталиши. Исломнинг ичида эса, С.га баъзан Аллоҳдан ўзга қандайдир олий ибтидо борлигини даъво қилган таълимот вакиллари киритилган. Муътазилийлар Аллоҳни моҳиятидан фарқли ўлароқ абадий сифатлар эгаси деб ҳисоблаганлари учун сифатийларни С. қаторига киритганлар; қадарийлар инсон ўз хатти-ҳаракати “ижодкори” деб таълим берганлари учун муътазилийларни С. деб ҳисоблашган; фалсафа дунёни абадий деб ҳисоблагани учун С.га мансуб деб қораланган. Шунингдек, исмоилийлар, хусусан қарматларни икки турдаги “ёруғлик” – “ёрқин” (нур шаъшаъани) ва “хира” (нур зулмани) мавжудлиги ҳақида таълим беришгани туфайли С. қаторига қўшишган.

САНУСИЙ (ёки Снусий), ас-Сайид (Сиди) Муҳаммад ибн Али ал-Мужохирий ал-Ҳасаний ал-Идрисий (тахм. 1791–1859) – шим. африкалик суфий, санусийлар тариқати асосчиси. Мостағаним ш. (Жазоир) яқинидаги Турс мавзеида туғилган. Нуфузли суфийлик тариқати – тижонийа пешвоси Аҳмад ат-Тижоний (1815 й. в.э.)нинг қарашлари унга катта таъсир кўрсатган. 1829 й. С. сафарга чиқиб, мударрислик қилган, турли суфийлик тариқатлари зикрларида қатнашган, Қоҳира ва Маккада бўлиб, хидрийлар ёки хадирийлар (хидрийа, хадирийа) тариқат пешвоси шим. африкалик суфий Аҳмад ибн Идрисга шогирд тушган. Устози моликий фақиҳлар қувғинидан ҳалос бўлиш учун Маккани тарк этиб, Жан. Арабистондаги Собия ш.га яширинганда, С. унга эргашган. Аҳмад ибн Идрис вафотидан сўнг унинг издошлари икки тариқат барпо этганлар, улардан бирига С. бош бўлган. 1840 (ёки 1843 й.) С. тариқатлар ўртасидаги низо оқибатида Маккани тарк этишга мажбур бўлган. Киренаикага келиб зовиялар қурдирган С. санусийлар тариқати маркази этиб Жагбубни танлаган. Узокни кўзловчи сиёсий ва моҳир ташкилотчилик қобилияти С.ни маҳаллий қабилалар орасида обрўсини кўтарган. Жагбубдаги ас-С. қабри устига ҳашаматли мақбара қурилган. У яқин вақтларгача санусийларнинг бош зиёратгоҳи бўлиб келган.

С. таълимоти асосида илк ислом давридаги “поклик”га қайтиш ётган, лекин шу б-н бирга у суфийлик ва ундаги авлиёларга эътиқод қилишни рад этмаган.

С.нинг суфийлик қарашларидаги характерли хусусият пайғамбар Муҳаммад (сав)га сажда қилиш бўлиб, унинг фикрича, санусийлар доимо ўз ибодатларини у зотга бағишлашлари (аурод, аҳзоб), уни белгиланган микдорда (40 тадан 100 гача) қайтаришлари керак бўлган. С. ва унинг издошлари ўз тариқатларини “Муҳаммадий” (ат-тариқа ал-муҳаммадийа) деб аташган.

САНУСИЙЛАР – шим. африкалик суфийлик тариқати тарафдорлари. Санусия тариқатига 1837 й.да Маккада жазоирлик Муҳаммад ибн Али Санусий асос солган. Тариқатнинг маркази Киренаика (Ливиянинг ғарбий вилояти) га кўчгандан кейин унинг фаолияти кенгайди. С.нинг асосий маскани Жагбубда, кейинчалик Куфра водийсида бўлган. Санусий ўз тарғиботида изчил эътиқодли уламоларни ҳам, Миср ва Туркия диний ислохчиларини ҳам танқид қилди. Европа таъсирининг тарқалишига қарши чиқди, “илк ислом софлигига” қайтишга чақирди. Санусий қарашларининг шаклланишига ваҳҳобийлар қарашлари ҳамда суфийлик ғоялари катта таъсир кўрсатди.

С. мустамлакачиликка қарши курашда фаол иштирок этди, айна вақтда тариқат раҳбарлари кўпинча мустамлакачилар б-н ҳам ҳамкорлик қилиб турди. Ливия мустақилликка эришгандан кейин (1951) тариқатнинг раҳбари Муҳаммад Идрис Санусий қироллик тахтини эгаллади. 1969 й. инқилобда унинг ҳокимияти ағдарилгандан кейин С.нинг таъсири бир мунча пасайди.

САРАХСИЙ, Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад аш-Шерозий ас-Сарахсий (1058–1135) – муфассир, муҳаддис ва факих. Сарахс вилоятидаги Шероз қишлоғида туғилган. Марвда яшаган ва Абул Музаффар *Самъоний*нинг шогирди бўлган. С. фикрдаги ихтилофларга доир 3та асар ёзган. Умрининг охирида камбағалларга дарс бериб, Куръон тиловати б-н машғул бўлган. Марвдаги Сиждон қабристонига дафн этилган.

САРАХСИЙ, Абул Аббос Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ад-Доғулий ас-Сарахсий (? – 975 ёки 999) – *шофий*ликдаги машҳур муҳаддис, имом ва факих. Сарахсда туғилган. Бухоро ва Нишопурда ҳадислардан таълим олган, Сарахсда ваъзлар ўқиган. Самъонийнинг маълумотида кўра биринчи бўлиб

шофийликни Сарахсда тарғиб этган. Ироқда бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда унинг 8 шогирди, Ироқ ва Марвда 3 та устози борлиги қайд этилган. “Ал-Муъжам” ҳадислар тўплами муаллифи.

САФАВИЯ – суфий-дарвишлик тариқати. 13-а. охирида Эрон Озарбайжонда пайдо бўлган. Асосчиси – шайх Сафий уд-дин Исҳоқ (1252–1334). С. дастлаб ўз тарафдорларини ҳукмдорларнинг жабр-зулмларидан ҳимоя қиладиган диний жамоа сифатида шаклланган. 15-а.да С. раҳбарлари Ардабил ҳукмдорларига, С. эса улар ҳокимиятининг таянчига айланди. Қизилбошлар С. шайхларининг ҳарбий таянчи бўлган. С. тарафдорлари шиаликдан мафкуравий қурол сифатида фойдаланган. 1499 й. Исмоил I (1487–1524) бошчилигида С. тарафдорларининг Оқ Кўюнли давлатига қарши ҳаракатлари ғалаба қилгандан сўнг сафавийлар давлати (1502–1736 йиллар) ташкил топди, шиалик бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Сафавийлар давлати таркибига Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Эрон, ҳозирги Афғонистон (Балх вилоятидан ташқари), Ироқ Арабистони (вақт-вақти б-н) ва б. қирган эди. Бу давлат Усмонли турк империяси ва ўзбек хонлари б-н узлуксиз уруш олиб борган.

САФВОН ал-ЖУМАХИЙ, Абу Ваҳб Сафвон ибн Умайя ибн Халаф ибн Ваҳба ал-Жумаҳий ал-Қурайший ал-Маккий (? – 661) – саҳобалардан. Жоҳилиятда ҳам, исломда ҳам қурайш қабиласининг улуғларидан эди. Макка фатҳидан сўнг исломга қирган. Ярмук ғазотида қатнашган. Маккада вафот этган. 13 та ҳадис ривоят қилган.

САФИЯ бинт ХУЯЙ, Сафия бинт Хуяй ибн Ахтаб ал-Хазражийя (? – 670) – Расулulloҳ (сав)нинг хотинларидан бири. Жоҳилият даврида зодагон оилада тарбия топган. Мадина аҳлидан бўлиб, яҳудий динига қирган. Яҳудий қабиласидан бўлмиш Бани Қурайзалик Саллом ибн Мишками унга уйланган, кейин ундан ажралиб, Кинона ибн ар-Рабиға турмушга чиққан. Кинона Хайбар жангида ҳалок бўлган. Ундан сўнг Расулulloҳ уни ўз никоҳларига олганлар. 10 та ҳадис ривоят қилган. Мадинада вафот этган.

САЪД ибн АБУ ВАҚҚОС, тўлиқ исми Молик ибн Ваҳб ибн Абдуманоф ал-Қурайший Заҳрий (тахм. 590–674) – саҳоба, маккалик илк

мусулмонлардан. *Ашаран Мубашишарадан*, Муҳаммад (сав)нинг кўриқчиларидан бири. Қурайш қабиласидан, Расули Акрамнинг оналари Омина каби Бани Заҳра уруғидан бўлган. Мадинага кўчиб борган муҳожирлардан. Расулулоҳнинг барча газоватларида қатнашиб, у кишининг хурматларига сазовор бўлган. Ҳоят жасур, мард инсон, моҳир мерган ҳисобланган. *Уҳуд жангида* Расули Акрамнинг ёнларида туриб жанг қилган Саъд мингдан ортиқ ўк отган. Эронга юборилган кўшинга лашкарбоши этиб тайинланган. Унга шухрат келтирган Қодисия жангида (636й.) Рустам бошчилигидаги 40 минг кишилик форс кўшинлари енгилган. Сўнг Мадоин (Ктесифон) ш.ни хужум б-н олган ва Сосоний шохларининг беҳисоб хазиналарини қўлга киритган. Маълум муддат Эрон ва Ирок ноиб бўлган. *Умар* (ра) замонида (638 й.) Куфа ш.ни қурган. *Усмон* (ра)нинг фожиали ўлиmidан сўнг бирор ишга қўшилмаган, халифаликка даъвогарлик қилмаган. Жамал ва Сиффин жангларида иштирок этмаган. *Муовия* хузурига чакиртирилганда бормаган. Мадина ташқарисидаги уйида 84 ёшида вафот этган. Васиятига биноан, Бадр жангида кийган ва 55 йдан бери асраб келгани – жундан тўкилган бир жуббаси б-н кафанланган.

САЪД – Сафо ва Марва тепаликлари орасида чопиш, умра ва ҳаж маросимлари шартларидан бири. С. тавофдан сўнг бажарилади. С. тахминларга кўра, Сафо ва Марва тепаликларида турган Исофа ва Ноъила маъбудларига сажда қилишнинг мустақил маросими бўлган. Мусулмон анъанасида С.нинг келиб чиқиши ҳақида бир неча фикрлар бор. Шулардан бирига кўра, номи зикр этилган тепаликлар Одамато ва Момоҳавонинг дам олиш жойлари бўлган экан, шунинг хотираси шарафига С. бажо этилади. Бошқа бир фикрга биноан Иброҳим (ас) С.ни бажо этиб Аллоҳга ибодат қилиш маросимини адо этган. Унинг йўлига Иблис туриб олган ва Иброҳим (ас) қочишга мажбур бўлган. Ҳожар ва унинг ўғли Исмоил (ас)нинг азоб-укубатлари ҳақидаги фикр энг кўп тарқалган. Чанқоқликдан нобуд бўлаётган Исмоил (ас)ни қутқариш учун Ҳожар сув излаб етти марта Сафо ва Марва оралиғида чопган.

Тавоф қилгач, зиёратчи Масжид ал-Ҳаромдан чиқиб чап оёғи б-н қадам босишни бошлаб

Сафо тепалиғига кўтарилади, юзини Каъбага ўгиради, Аллоҳга илтижо қилиб, ўзига шафқат қилишни ва бало-қазолардан сақлашни сўрайди, сўнгра тепалик этағига ўрнатилган устун (мил)гача пастга тушади, у ердан Марва этағидаги бошқа бир устунгача чонади, шундан кейин шу тепаликка кўтарилади. У ерда Каъбага қараб дуо ўқийди ва Сафога қайтади. С. етти марта бажарилади.

Агарда зиёратчи “кичик ҳаж” (умра)ни адо этаётган бўлса, унда С.дан сўнг эҳром ҳолатидан чиқади. Агар умрадан сўнг ҳаж қилинадиган бўлса, зиёратчи ҳаж тугагунча эҳром ҳолатида қолади. С. ҳаж маросимининг муҳим шarti (рукн ал-ҳаж) ҳисобланади, уни бажариш вожибдир. Бироқ С.ни бажармаслик ҳажни бекор қилмайди, каффорат учун қурбонлик қилинса бас.

САҲИҲ (араб. ишончли, тўғри) – энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис номи. Ўрга асрларда ҳадисларни тўплаш б-н шуғулланган муҳаддислар уларни дин нуқтаи назаридан ҳақиқий ва ноҳақиқийларини ажратиш (яъни, кодификация қилиш) б-н шуғулланиб, ҳадислар асосланган иснодни текшириш йўли б-н саҳиҳ (ишончли), ҳасан (яхши) ва заиф (заиф, кучсиздан иборат уч тоифага бўлган, улардан саҳиҳларни тўплам қилганлар. Шу муносабат б-н баъзи тўпламларнинг номи ҳам С. деб аталган (мас., “С. и Бухорий”, “С. и Муслим”). С. ҳадис деб: унинг санади то охириги муҳаддисга қадар ўртада узилиб қолмаган, санаднинг бирор табақасидаги ровийнинг маънавий нуқсони бўлмаган (кар, соқов, дудук ёки ақл заифлик, ёки ёлғон гапириб қўйишлик каби иллатлар бўлмаган), санаднинг бирор табақасида ровий ёлғизланиб қолмаган ва барча санаддаги ровийларнинг ишончилиги элга машҳур бўлган кишиларнинг ривоятига айтилади.

“САҲИҲИ БУХОРИЙ” (асл номи “ал-Жомий ас-саҳиҳ” – “Ишончли тўплам”) – олтига ишончли ҳадис тўпамидан бири. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий тузган. Ислом дини тарихига оид энг мукамал манбалардан ҳисобланади. Тўплагма *Муҳаммад* (сав) ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари ислом ҳуқуқшунослиғи (фикҳ), маросимчилиги ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам киритилган. Маълумотларга кўра, Бухорий 600 мингта яқин

ҳадисларни тўплаб, улардан фақат 7250 тасини “ишончли” деб ҳисоблаб китобига киритган. “С. Б.” кейинчалик мусулмонлар орасида катта обрў қозонган ва мусулмон мамлакатларида кўплаб нашр этилган. Тошкентда Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари тўрт жилда (1-жилд – 1991, 2-жилд – 1996, 3-жилд – 1994, 4-жилд – 1992), 2-нашри эса 1997 й.да чоп қилинди.

“САҲИҲИ МУСЛИМ” – олтига ишончли ҳадис тўпламидан бири, Абул-Хусайн Муслим ибн Ҳажжож ал-Кушайрий ан-Найсобурийнинг шоҳ асари. Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”идан кейин иккинчи ўринда туради. Тўпламга муаллиф ўзи йиғиб ёд олган 300 мингта ҳадисдан 12 мингтасини танлаб киритган. Бунинг учун у 15 йил умрини сарфлаган. Имом Муслим ўз ишига ўзи баҳо бериб: “Мабодо, Ер юзидаги олимлар 200 йил ҳадис ёзсалар ҳам шу менинг тўпламимдаги ҳадислардан ошириб ёза олмаган бўлур эдилар” – деган. Шундай бўлса ҳам баъзи мунаққид уламолар тўпламдаги 132 та ҳадиснинг саҳиҳлигида шубҳа борлигини баён этиб танқид қилганлар. Танқид қилинган ҳадислар ичида Имом Бухорий тўпламида ҳам ривоят этилган бир хил мазмундаги 32 та ҳадис бор. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний бу ҳадисларни оқлаб Имом Бухорий “Саҳиҳи”га ёзган шарҳида жавоб айтган.

“САҲИҲИ ТЕРМИЗИЙ”, “С у н а н и Т е р м и з и й” – олтига ишончли ҳадис тўпламидан бири. Абу Исо Муҳаммад Термизий ёзган. “Ал-жомий ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”), ал-Жомий ул-кабир” (“Катта тўплам”) номлари б-н ҳам юритилади. “С.Т.” Имом Термизийнинг 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб, сўнг устози ва замондоши Имом Бухорий б-н маслаҳатлашиб йиғган тўпламидир. У тартиби энг ихчамлиги, такрори энг озлиги б-н ажралиб туради. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор. Чунончи, ҳар бир бобнинг ҳадиси зикр қилингандан кейин, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилганларнинг исмлари санаб ўтилади; фикҳий масалаларда фақиҳларнинг фикр-қарашлари зикр қилинади; ҳар бир ҳадиснинг ишонарлилиги ва заифлиги даражаси аниқлаб берилади ва “саҳиҳ” устига “ҳасан” белгиси (“жуда саҳиҳ”, “бешак саҳиҳ” маъносида)

киритилади. “С.Т.” китобида Имоми Аъзам мазҳаби жиҳатлари эътиборга олинган 6 жилддан иборат “С.Т.” 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 й. Тошкентда нашр этилди.

САҲОБАЛАР (ёхуд ас-саҳоба, соҳиб – “тарafdор”нинг кўплиги – асҳоб) – Муҳаммад (сав)нинг сафдошлари, у зот б-н мулоқотда бўлган ёхуд ғазотларида қатнашган кишилар; кейинчалик Муҳаммад (сав)ни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар С. деб атала бошлаган. С. Арабистондан ташқаридаги ўлкаларни фатҳ этишга киришган илк мусулмон кўшинининг ўзагини ва энг собит қадам, қатъиятли қисмини ташкил этган. С.нинг олий қатламини муҳожирлар ва ансорлар ташкил қилган; улар дастлабки халифаларни сайлашга таъсир кўрсатганлар, уларни ноиблик ва олий даражадаги лашкарбошилиқ мансабларига тайинлашган. Халифаликда С.нинг имтиёзга эга эканлиги уларга тўланадиган катта маошда (641-й.дан тўлана бошланган) ҳам кўринган: – уларга йилига 3–5 минг дирхам тўланган, холбуки жангчиларнинг асосий қисми фақат 300 дирхамга яқин маош олган. С. эркакларнинг умумий миқдори Умар I даврида 10 минг кишини ташкил этган. С.нинг ислом тарихидаги алоҳида аҳамияти шундаки, Муҳаммад (сав) вафот этганларидан сўнг, улар Расулulloҳ (сав)нинг таълимотларини ҳаммалари бир бўлиб сақладилар, уларнинг Пайғамбар (ас) сўзлари ва ишлари ҳақидаги ҳикоялари (ҳадислар), шунингдек, шахсий ўрнаклари ва фикрлари ислом ахлоқий таълимоти – суннаниннг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этди. С.га бўлган ҳурмат, эҳтиром кейинчалик уларнинг қабрларини эъзозлашга ва С.нинг фазилатлари ҳақида асарлар пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳадисларни тўплаш ва иснодларни танқидий тарзда таҳлил этиш зарурияти 9-а.да ҳадис ровийларининг таржимаи ҳолларига оид лугатларни яратилишига сабаб бўлди, бу лугатларда энг фахрли ўринни С. эгаллади. Бундай лугатлар ичида энг йириги Ибн Ҳажар ал-Асқалоний (15-а.)нинг “ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба” лугати Муҳаммад (сав) б-н алоқадор бўлганлиги қайд этилган 12 мингдан зиёд шахс исмларини қамраб олган.

СЕХР – гайритабиий кучларни бўйсундириб, улар ёрдамида мўъжизалар вужудга келтирувчи

хатти-ҳаракат ёки дуолар; афсун, жоду; шаръий таърифи – ғаройиб ишларни қилишга қодир бўлиш учун малака ҳосил қилишни ўргатадиган илм. Қуръонда пайгамбарлик С.га қарама-қарши қўйилади ва С. б-н шуғулланиш гуноҳ ҳисобланади (20:69–72). Ислом юзага келишининг дастлабки даврида Муҳаммад(сав)нинг рақиблари уни сеҳргар, тарғиботини сеҳргарлик деб камситмоқчи бўлди. Қуръонга кўра, С. Аллоҳ томонидан Бобилда 2 фаришта – Ҳорут ва Морутга юборилган (2:102). Бу фаришталар одамларни йўлдан оздириш учун С.дан фойдаланган. Бу б-н ҳақиқий билимни Аллоҳ бериши, С. эса, ёлғон эканлиги таъкидланади.

Сеҳргар турли услубларни ишлатиб, кишиларга таъсир ўтказувчи шахсдир. Қуръони каримда С. тўғрисида келган оятда эркакни хотиндан ажратувчи ишларни қилувчилар ҳам сеҳргар эканлиги айtilган.

Имом Насоий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар (сав):

“Кимки туун тугиб унга дам урса, сеҳр қилган бўлади. Ким сеҳр қилса, ширк келтирган бўлади”, деганлар. Қуръонда сеҳргарларнинг иши куфр эканлиги айtilган.

Ҳанафий уламолар фикрича, сеҳргарнинг тавбаси қабул қилинмайди. Уни қатл қилиш вожибдир. Уни тавба қилишга чорлаб ўтирилмайди. Чунки, у жамиятда фасод тарқатади. Бошқа фикрий мазҳаблар ҳам шунга яқин ҳукмларни чиқарганлар. Баъзи уламолар, эътиқоди мустаҳкам кишилардан баъзилари одамлардан С.ни қайтариш учунгина уни ўрганиб қўйса жоиз, деганлар.

СИДДИК (араб. – “чин дилдан тасдиқ этиб ишонувчи”) – тасаввуфда пайгамбарликдан кейин турадиган энг юқори валийлик мартабаси. Бу мартаба биринчи бўлиб, халифа Абу Бакр (ра)га насиб бўлган. Умуман сиддиклик мартабасига эришган валийлар куйидагилардир: 1. Абу Бакр Сиддик. 2. Салмон ал-Форисий. 3. Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр. 4. Жаъфар ас-Содик. 5. Боязид Бистомий. 6. Абулҳасан Ҳарақоний. 7. Шайх Абулқосим Гургоний. 8. Абу Али Формадий. 9. Шайх Абу Юсуф Ҳамадоний. 10. Абдулҳолик Ғиждувоний. 11. Хожа Ориф Ревгарий. 12. Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий. 13. Хожа Азизон Ромитаний. 14. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий. 15. Саййид Амир

Кулол. 16. Баҳоуддин Накшбанд. 17. Мавлоно Яъқуб Чархий. 18. Хожа Аҳрор. 19. Муҳаммад Қозий.

СИЙРА (араб. – ҳаёт йўли, таржимаи ҳол) – Муҳаммад(сав) ҳаёт йўлини баён қилишга бағишланган, илк ислом даврида вужудга келган диний-тарихий асарларнинг умумий номи. Дастлаб С.лар кўп бўлган, уларнинг анчаси йўқолиб кетган. Улардан Воқидий (747–823)нинг “Китоб ал-мағозий” (“Ҳарбий юришлар китоби”) ва аввалги С.ларни умумлаштирган *Ибн Исҳоқ* ва *Ибн Ҳишом*нинг “Сийрат Расул Аллоҳ” (“Аллоҳ элчисининг ҳаёт йўли”) асарлари бизгача етиб келган. С.лар илк ислом тарихини тадқиқ қилишда асосий манба ҳисобланади.

СИЛСИЛА (араб. – занжир, ҳалқа) – тасаввуфда *тариқат* машойихларининг икки хил нисбий боғланишлари: 1) ҳар бир шайх ўз пири (шайхи, муршиди)нинг устози, устозининг устози ва улар аждождарини бирма-бир то Муҳаммад(сав)га қадар номма-ном баён қилиши; 2) ҳар бир шайх ўз ота-боболари (етти пушти) кимлар бўлгани ва қайси машхур зотга бориб тақалишини исботлаб берадиган шажара. С. пир ва мурид ўртасидаги барқарор муносабатга асосланиб, 12-а. охири ва 13-а. ўрталарида суфийлик тариқатларининг ташкилий тузилиши ривожланиши б-н мустаҳкамланди. Ҳадислардаги *иснод* тизими ҳам С.га бевосита таъсир ўтказган.

СИРОТ (араб. – йўл) – ислом манбаларида Сиротул Мустақим – қиёмат кuni жаҳаннам узра тортилган қилкўприк; форс ва туркийзабон халқларда Пулсирот (“Сирот кўприги”) деб юритилади. Диний манбаларга кўра, жаннатга элтувчи ягона йўл мазкур (“соч толасидан юнка, шамширдан ўткир”) Пулсирот бўлиб ҳар бир банда ундан юриб ўтишга мажбур этилади. Баъзилар чакмоқ учқунидек тез, баъзилар учқур одек, баъзилар секинрок ўтса, баъзилар кулаб жаҳаннамга равона бўлади.

СИФАТ – илк марта муътазиллийлар томонидан “илоҳий атрибутлар” (сифатларни) англатиш учун қўлланилган термин. Калом ривожланишининг дастлабки босқичларида С.нинг эквиваленти бўлиб, маъоний (“аҳамиятлар”, “маънолар”, “ғоялар”) термини хизмат қилган. Баъзи мутакаллимлар (Жуббаъий, Боқиллоний, Жувайнӣ ва

Фахриддин ар-Розий) С. термини ўрнига аҳвол (“ҳолатлар”) терминини ишлатишган, шу туфайли уларни асҳоб ал-аҳвол (“ҳолат тарафдорлари”) деб аташган.

СИФАТИЙЛАР, ас-Сифатийа – “илоҳий сифатлар” (сифат Аллоҳ ёки ас-сифат)ни эътироф этувчиларнинг умумий номи. “Ас-Сифат” терминини бу маънода дастлаб муътазиллийлар “нуъут” термини ўрнига муомалага киритганлар.

Муътазиллийлар Аллоҳнинг сифатлари ва моҳияти ҳақидаги масалани мусулмон илоҳиётининг бош ақида-сига айлантирганлар. Аллоҳнинг ягоналигидан келиб чиққан ҳолда муътазиллийлар “илоҳий сифатлар”ни мустақил мавжудлигини инкор этганлар, улар фақат Унинг моҳиятининг оддий кўриниши холос, моҳияти б-н бу хусусиятлар бўлинмас яхлитликни ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар. С.дан баъзилари “илоҳий сифатлар”ни махлуқлар сифати б-н тенглаштирган, шунинг учун уларни мушаббихийлар (инсон қиёфасига ўхшатувчилар) деб аташган. Бошқа бирлари “илоҳий сифатлар”ни ғоя, “илоҳий субстанция”да мавжуд бўлган моддий бўлмаган реаллик деб ҳисоблашган.

СИФФИН ЖАНГИ – Юқори Месопотамияда, Фрот дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Сиффин мавзесида халифа Али (қв) кўшини б-н Шом (Сурия) ҳокими Муовия кўшини ўртасида содир бўлган жанг (657 й. ёзи). Тўқнашувга 656 й. учинчи халифа Усмон (ра) ўлдирилиши муносабати б-н Али (қв) ва Муовия тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршиликлар сабаб бўлган. Марҳум халифанинг яқин қариндоши бўлган Муовия халифалик тахтини эгаллаган Али (қв)дан айбдор жиноятчиларни топширишни талаб қилган. Муовиянинг жанжални ҳакамлик суди ёрдамида тинч йўл б-н ҳал қилиш ҳақидаги таклифини Али (қв) қабул қилиши б-н жанг тўхтатилган. Судда Муовия вакили Али (қв)нинг тахтдан воз кечишига розилигини олишга эришган. Али (қв) кўшинининг бир қисми уни ғалабани қўлдан бой берганликда айблаб, кўшинни тарқ этган. Бу гуруҳ *хорижийлар* ҳаракатини бошлаб берган.

СОБИЪИЙЛАР (ёки ас-Собиъа), ас-Собиъун – аҳл ул-китоб ва аҳл уз-зимма категорияларидан бири, диндорлар б-н мажусийлар орасидаги мавқени эгаллаган ва

шу туфайли мусулмон жамоасининг “ҳомийлиги”дан фойдаланган диний жамоа.

Қуръонда С. яҳудийлар ва христианлар қаторида қайд этилиб келган, улар Аллоҳга ва Қиёмат кунига ишонганлари учун Аллоҳнинг марҳаматига эришиб мажусийлардан ажратилганлар (2:62/59; 5:69/73; 22:17). Халифалик вужудга келгач, Шим. Месопотамиядаги Харрон диний жамоасини С. деб аташган (8–11-а.лар). Харрон Слари гностик таълимотлар таъсири б-н қад. Месопотамиянинг осмон сайёраларига сажда қилишни сақлаб қолганлар. Улар мусулмон дунёсига жоҳилият давридаги Месопотамия маданий меросининг кўп жиҳатларини, жумладан тиббиёт ва алкимё соҳасидаги кўпгина билимларни етказганлар.

9–10-а.ларда Харрон С.и Бағдодда пайдо бўлиб, халифа саройида муҳим роль ўйнай бошлаган, уларнинг кўпчилиги котиб, таржимон, табиблик б-н шуғулланишган. Улар орасидан машҳур файласуфлар (Собит ибн Курра), тарихчилар (Иброҳим ва Хилол ас-Саби) чиққан. 11-а.да бу С. алоҳида жамоа сифатида барҳам топган. Ҳозирги вақтда С. номи фақат Жан. Ироқдаги мандейлар жамоасига нисбатангина қўлланилади.

СОЛИМИЙА – Басрада 10–11-а.да мавжуд бўлган илоҳиётчилар ва суфийлар мактаби, Саҳл ат-Тустарий издошлари. Унга ат-Тустарийнинг энг яқин сафдоши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Солим (909 й. в.э.) асос солган. Баъзи бир хусусий масалалардан ташқари унинг қарашлари устозиникидан фарқ қилмаган. Муҳаммад ибн Солим қатъий зоҳидликни тарғиб этган: ўзини тўлиқ Аллоҳ иродасига топшириш (таваккул), синоатларга бардош бериш, турмуш қурмаслик ва б. С. унга Муҳаммад ибн Солимнинг ўғли Аҳмад ибн Солим раҳбарлик қилган пайтда узил-кесил шаклланган ва таъсирчан бўлган. Унга баъзи масалаларда (хусусан инсон иродаси эркинлиги ва тақдирни олдиндан Аллоҳ томонидан белгиланганлиги ўртасидаги нисбат ҳақида) Басра муътазиллийларига ён босган моликий мазҳабидаги илоҳиётчи ва суфийлар кирган. Бағдоднинг машҳур олимларидан Абдулқоҳир ал-Бағдодий, Абул Музаффар ал-Исфарионий, улар б-н бир қаторда суфий-ҳанбалий Абдулқодир Жилоний ас-Солимни ал-Ҳаллож қарашларига хайрихоҳлиги учун қаттиқ танқид

килишган ва уни “Аллоҳни инсонда мужассам бўлиши” (хулулийа) тарафдорлари қаторига киритганлар. Бундан илгарирок уни машҳур суфий-шофий Ибн Ҳафиф танқид қилиб “Ибн Солимни рад этиш” (ар-Ради ала Ибн Солим) асарини ёзган.

СОЛИК (араб. йўлчи, йўлдан юрвчи) – тасаввуфда сулук – тариқатни ихтиёр қилиб, уни ўзлаштириш ҳаракатига тушган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид. С. ўзига хос одоб-қоидалар мажмуига риоя этсагина, тариқат аҳли сирасидан жой олган.

СОЛИХ (ас) – Қуръонда зикри келган найғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, Самуд қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборилган. Хижоз б-н Шом орасида Хижр деган жойда яшовчи бу қавм нафсоний лаззатларга берилган, хузурбахш ичимликлар ичиб, шоҳона уйларда яшаб юрар, ўзлари ясаб олган бутларга сиғинар эди. С. (ас) уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақиради. Бирок қавм ҳидоят йўлига юриш ўрнига С. (ас)ни масҳара қила бошлайди, унга қарши адоватни кучайтиради ва ҳақиқатдан ҳам пайғамбар бўлсанг, бизга мўъжиза кўрсат деб даъво қилади. Шунда С. (ас) Аллоҳдан ўзига бир мўъжиза беришини сўраб дуо қилади. Аллоҳ С. (ас)нинг дуосини ижобат қилади ва С. (ас) мўъжиза кўрсатиб харсанг тошдан туя чиқаради. Ва С. (ас) Самуд қавмини мўъжиза қилиб берилган туяга озор бермасликка чақириб, Самуд қавми сув олиб ичадиган ҳавзадан бир кун туя сув ичишини ва бир кун Самуд қавми сув олиб ичишини билдиради (Қамар сураси 27–28-оятлар). Аммо, Самуд қавми хиёнат қилади ва туяни сўйиб юборади, шунингдек, С. (ас) ва унинг оиласини йўқотишга қасд қилади. Аммо, осмондан кучли яшин юборилиб, улар ҳалок этилади. С. (ас) ўзига имон келтирган кишилар б-н бирга Фаластиндаги Рамла деган жойга бориб, умрининг охиригача шу ерда яшайди (Зориёт сураси 44-оят).

СОҒОНИЙ (тўлиқ исми Розиййуддин Ҳасан ибн Муҳаммад ас-Соғоний (577, Лаҳор – 650) – луғатшунос олим, фақиҳ ва муҳаддис. Ҳазнада вояга етган. 615 й. Бағдодга келган, бу ерда бир муддат яшагач, Ҳиндистонга кетган. Ҳаж зиёратини ўташ учун Маккага, у ердан эса Яманга борган, сўнг тагин Бағдодга қайтиб

келган. Луғат илмига доир 2 жилдли “Мажмаъул-бахрайн” ва “Сихоҳи Жавҳарий”ни мукаммаллаштириб, олти жилдли бир асар ёзган. Бундан ташқари “аш-Шаворид”, “ан-Наводир фил-луға”, “Шарҳи абётил-муфассал”, “Дуррус-саҳоба фи мавозии вафоётис-саҳоба”, “Шарҳи саҳихи Бухорий” (мухтасар); ҳадисга доир “Мисбоҳуд-дужо”, “Машиорикул-анворин-Набавиййа мин сихоҳил-ахборил-Мустафавиййа” каби асарлар яратган. 2246 ҳадисдан иборат бўлган бу китобни Бухорий ва Муслимдан танлаб тузган, аббосий халифаларидан Мунтасирнинг кутубхонасига тухфа этган.

С. уйдирма ҳадисларга доир икки рисола ёзган, бу хусусда жуда талабчанлик б-н баҳс юритган. Бағдодда вафот этган, васияти бўйича Маккага дафн этилган.

СОҲИБ аз-ЗАМОН (“Замон соҳиби”) – Али (қв) хонадонига мансуб бўлган қутилаётган имом, қоим маҳдийнинг сифатларидан бири. С. аз-З.нинг тўлақонли ҳукмдор сифатида “қайтиши”, шиалик таълимотига кўра, “илоҳий амру фармон”нинг галабаси ва ер юзида адолат ўрнатилишидан дарак беради.

СОҲИБ ас-САЙФ (“Шамшир соҳиби”) – Али (қв) хонадонидан бўлган қутилаётган имом, қоим маҳдийнинг сифатларидан бири; унинг ҳукмдорлик рамзи шамшир ҳисобланган. С. ас-С. “қайтиши” б-н шиалар ер юзидан золимлик ва адолатсизлик йўқолади деб ҳисоблайдилар. Фақатгина у қурол б-н зўравон ҳукмдорларга қарши чиқиш ва диндорларни уларни ағдаришга даъват қилиш ҳуқуқига эга.

СУБАЗМУНИЙ, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмуний ал-Хорисий ал-Қалабозий ал-Бухорий; лақаби У с т о з (872–952) – *ҳанафийлик*даги йирик фақиҳ, муҳаддис. Бухоро вилоятидаги Субазмун (Сабазмун) қишлоғида тугилган. Самъонийнинг маълумотига кўра, у сомониёлар амири Исмоил ибн Аҳмаднинг сарой фақиҳи бўлган ва саройда фикҳга доир турли масалаларни ечиш б-н машғул бўлган, шу сабабдан Устоз деб ном олган. С. Хуросон, Ироқ ва Хижоз бўйлаб саёҳат қилиб, илми адабдан дарс берган. Самъоний унинг 12 устози ва 7 шогирдини санаб ўтади. Фикҳга доир 3 асар ёзган.

СУДУР (“чиқиш”) – мусулмон илоҳиёти ва фалсафасида Аллоҳ томонидан олам яратилиши жараёнини ифодаловчи

терминлардан бири. Ҳазолийнинг фикрича, олам яралишининг ягона сабаби Аллоҳнинг ихтиёрий хоҳишидир. Аллоҳ ҳар бир онда бу сабабиятни янгидан яратади ва истаган пайтда воқеларнинг одатдаги ривожланишини ўзгартириб юбора олади.

СУЛАЙМОН (ас) – Куръонда зикри келган пайғамбарлардан бири, адолатли ва доно ҳукмдор, *Довуд* (ас)нинг ўғли. С. 13 ёшида тахтга ўтиради. Етук билимли, ҳар бир ишда ҳукм чиқаришда отасидан кўра олимрок бўлади. Ривоятга кўра, у жамики инсу жин ва ҳайвонлару қушлар оламига ҳам подшоҳлик қилган. Учар шамоллар ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, истаган жойга бир зумда элтиб қўйган. С. (ас) пайғамбарга берилган мўъжизалардан бири мис булоғи бўлиб, ривоят қилинишича, ундан сув ўрнига мис оқиб ётар, пайғамбар измидаги жинлар эса, ўша мисдан унинг хоҳлаган нарсасини ясаб беришар экан. Жишларнинг С. (ас)га қасрлар бунёд этгани, денгиз тубидан дуру жавоҳирлар олиб чиқиб бергани нақл этилади. С. (ас)қушлар тилини тушунганлигидан, ўз қўл остида бир неча хил қушларни тарбия қиларди. Бу қушлар орасида Худҳуд (Сассикпопишак) ҳам бўлиб, у бир неча вақт ғойиб бўлган ва С. (ас)га Сабо деган юртдаги малика Билқисни кўрганлиги хабарини олиб келади. С. (ас) Билқисга мактуб йўллайди ва Сабо юртининг маликаси Билқисни ёлғиз Аллоҳга итоат этишга мажбур қилади (Намл сураси 20–27-оятлар).

С. (ас)нинг ўлими б-н боғлиқ ривоят жинлар ғайбни – келажакда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни билади, деган гумонларни рад этади: ўтирган ҳолида жон таслим қилган С. (ас) таянган асони бир йил давомида ёғоч қурти еб у ерга қулаб тушмагунча, С. (ас)нинг вафот этганлигини билмасдан пайғамбар уларга буюрган вазифа – баланд қаср бино қилиш ишини давом эттираверган (Саба сураси 14-оят).

С. (ас) образи, у ва унга тобе жинлар томонидан рўёбга чиқарилган ғаройиб отлар, унинг ҳашаматли саройлари, учар гилами ва б. – ўрта асрлардаги мусулмон адабиёти ва фольклорида тез-тез учрайдиган мавзу. С. (ас) шунингдек, мусулмон оламида кенг тарқалган сеҳр-жоду илмининг ҳам етакчиларидан бири саналган. Олти қиррали юлдуз – С. (ас) муҳри рамзи бўлиб, у жинлар ва шайтонларга берилган

фармонларга мана шу муҳрини босган. Олти қиррали юлдуз мусулмонларда ёмон кўздан, ёвуз руҳлардан ҳимоя этувчи асосий рамзлардан саналиб, бинолар, идишлар, тангаларда нақши туширилган.

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ (тахм. 1186 й. в.э.) – мутасаввиф, шоир. Уни “Ҳаким ота” деб ҳам атаганлар (“Боқирғоний” адабий таҳаллуси, туғилган жойига ишора). Аҳмад *Яссавий* таълимотининг давомчиси. Шеърларининг тили ва руҳи А. Яссавий ижодига ғоят ҳамоҳанг бўлиб, тасаввуф, дин, шариат ақидалари шоирона тарғиб қилинади. “Биби Марям китоби”, “Охир замон китоби” каби дostonлар муаллифи. Шеърлари “Боқирғон китоби” номи б-н тўплам қилинган. Бу китоб 1877 й. ва ундан кейин яна 2 марта Қозонда, 1991 й. Тошкентда нашр этилган.

СУЛАМИЙ, Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн Ҳусайн (937 ёки 942–1021) – Хуросон суфийлик мактабининг йирик вакили, кўплаб асарлар муаллифи. Нишопурда туғилган. С. хирқани отасидан олган, лекин уни суфий бўлиб шаклланишида бобоси Исмоил ибн Нужайд – муътадил маломатий катта таъсир кўрсатган. Ҳадислар ва фикҳни у ас-Сибайй, ал-Асамм, ал-Даракуний ва бдан ўрганган. С. кўп саёҳат қилган, жумладан Ирок, Сурия, Ҳижоз ва халифаликнинг шарқий вилоятларида бўлган. Узок вақт Бағдодда яшаган. Нишопурга қайтиб келиб, ўзининг катта уйини кутубхонага айлантирган ва уни суфийлар ихтиёрига топширган. С. вафотидан кейин ҳам суфийлар ундан фойдаланишни давом эттирганлар. С. асос солган суфийлар дарғоҳи (дувайра суфийа) унинг номи б-н аталган.

С. 100 дан зиёд асар ёзган, шундан 30 га яқини сақланиб қолган. Энг машхурлари – “Табакот ас-суфийа” 9–10-а.лардаги суфийлар ҳақида қимматли манба саналади. С. кўплаб шоғирлар қолдирган, уларнинг орасида унинг ишини давом эттирган ал-Кушайрий ва хуросонлик машхур тарихчи олим ал-Байҳақийларни кўрсатиш мумкин.

СУЛУК (араб. – йўл) – солиқнинг тарикат йўлини ўтиш жараёни. Илохий *маърифат*ни эгаллашга бел боғлаган *мурид*нинг рухий-ахлоқий камолотга эришиш йўли.

СУЛҲ (араб. – ярашиш, келишув) – мусулмонлар б-н фатҳ этилган вилоятлар аҳолиси ўртасида тузиладиган тинчлик битими;

шаҳар б-н тузилган битим шартлари бутун мамлакат ёки шаҳарга тобе вилоятга тааллуқли бўлган. Битимни мусулмон лашкарбоши ва бир неча гувоҳ, маҳаллий аҳоли номидан – ҳоким, шаҳар комендант, епископ ёки ўша пайтда шаҳарни бошқараётган бошқа шахслар имзолашган. С.га кўра, аҳолининг ҳаёти ва мол-мулки дахлсизлиги, черковлар ва шаҳар деворлари сақлаб қолиниши кафолатланган, бунинг эвазига аҳоли жизя ёки хирож тўлаши, ҳарбий ҳаракатларда мусулмонларга ёрдам кўрсатиши, тунаш учун жой бериши ва уч кунлик озиқ-овқат б-н таъминлаши лозим бўлган. Ҳар бир вилоятдан олинадиган солиқ турлича бўлган. Қутайба ибн Муслимнинг Самарқанд б-н тузган битими (712 й.)да С. шартлари батафсил санаб ўтилган.

“СУНАНИ АБУ ДОВУД” – олти ишончли ҳадис тўпамидан бири. Муҳаддис Сулаймон ибн ал-Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр Абу Довуд ал-Аздий ас-Сижистонийнинг шоҳ асари. Унгача ҳадис тўплamlари “ал-Жомий” ёки “ал-Муснад” деб номланган бўлса, у ўз тўпамини “ас-Сунан” деб атади ва унга суннати санийя ва шаръий аҳкомларни мавзулар бўйича бобларга бўлиб ёзиб чиқди.

“Сунан”да 4800 та ҳадис ривоят қилинган. Тўпам 35 фасл, 1871 бобдан иборат. Унга учта олим томонидан уч хил шарҳ ҳам битилган.

“СУНАНИ ДОРИМИЙ” – тўққизта ишончли ҳадис тўплamlаридан бири. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандийнинг шоҳ асари. “Сунан”нинг 2 жилддан иборат наشري 1996 й. Байрутда чоп этилган. Унинг 1-жилди Имом ад-Доримийнинг таржимаи ҳоли, насаби, устоз ва шогирдлари, асарлари, олимларнинг у ҳақда айтган сўзларидан иборат. Асарнинг асосий қисми муқаддима ва 23 китобдан (улар ўз навбатида 1263 та боблардан) ташкил топган. “Сунан”да жами 3503 ҳадис ривоят қилинган. “С.Д.”ни баъзи олимлар 6 ишончли ҳадис тўпамига (Ибн Можанинг “Сунан”и ўрнига) киритишни таклиф этганлар.

“СУНАНИ ИБН МОЖА” – олти ишончли ҳадис тўпамидан бири. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Ибн Можа ал-Казвинийнинг шоҳ асари. Асар 32 фасл, 1500 бобдан иборат. Ибн Можа ўз тўпамини

фикҳий масалаларга хос мавзуларга бўлиб чиққан. “Сунан”дан жами 4000 та ҳадис жой олган. Уламолар ушбу “Сунан”ни машхур олти ишончли ҳадислар тўплamlари қаторига қўшиш ёки қўшмаслик масаласида узок тортишганлар. Зеро, уларнинг олтинчиси сифатида Имом *Доримий* тўплamlарини киритиш тарафдорлари ҳам талайгина эди. Ниҳоят, Ибн Можанинг “Сунан”и олтинчи ўринда ишончли тўплamlар сафига киритилди.

“СУНАНИ НАСОИЙ” – олти ишончли ҳадис тўпамидан бири. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Алий ибн Шуайб ал-Хуросоний ан-Насоийнинг шоҳ асари. Насоий биринчи бўлиб “ас-Сунан ал-кубро”, яъни, катта ҳадислар тўпамини ёзган. Сўнгра Рамла амирининг илтимосига биноан уни қисқартириб, энг ишончли ҳадисларни қолдириб, унга “ас-Сунан ас-Суғро” – кичик тўпам ёки “ал-Мужтабо”, яъни танланган ҳадислар тўпамини деб ном қўйган. Уламолар фикрича, “Сунан” номи б-н ёзилган барча ҳадис тўплamlаридаги ҳадисларнинг ҳаммаси саҳих эмас, балки уларда заиф ҳадислар ҳам мавжуд. “Сунан”га Имом Жалолуддин *Суютий*, шайх Абул-Ҳасан Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Синдий ва Шайх Сирожиддин Умар аш-Шофиъий шарҳ битган.

СУННА, суннат (араб. – одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) – исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад (сав)нинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари. С. муҳаддислар истилоҳида, қуйидагича таъриф қилинади:

“Пайғамбар (сав)дан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар “Суннат” дейилади.

1. “Гап” – бунга Пайғамбар (сав)нинг турли ҳолат ва муносабатларда гапирган гаплари киради. Буни “қавлий (гап) суннат” дейилади.

2. “Иш” – Пайғамбар (сав)нинг қилган иш-амалларидир. Мисол учун таҳорат қилиш, намоз ўқиш, ҳаж қилиш ва б. Буни, “амалий (иш) суннат” дейилади.

3. “Тақрир” – бир нарсага иқрор бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш – маъқуллаш маъносини англатади. С.даги тақрир эса, Пайғамбар (сав)нинг саҳобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъқуллашларидан иборатдир. Маъқуллаш, гап

б-н маъқул, деб айтиш ёки инкор қилмай, индамай қўйиш б-н ҳам бўлади. Буни “тақририй суннат”–дейлади.

4. “Халқий” – тана тузилишидаги сифатлар. Пайғамбар (сав)ни кўрган кишилар у зотнинг бўй-бастлари, тана тузилишлари, сочлари, кўзлари ва б. аъзоларини батафсил васф қилиб берганлар. Бу маълумотлар ҳам ривоят бўлиб муҳаддисларга, улар орқали ислом умматига етиб келган. Мас., Имом Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадийя” асари, айнан шу масалага бағишланган алоҳида китобдир.

5. “Хулқий-ахлоқий сифатлар”. Саҳобаи киромлар Пайғамбар (сав)нинг сабрлари, ҳилмлари, шижоатлари, сахийликлари каби барча ахлоқий фазилатларини ҳам ривоят қилиб қолдирганлар. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам С.га киради.

6. “Таржимаи ҳол”. Пайғамбар (сав)нинг муборак ҳаётлари. Бу бобга тегишли ривоятлар тўпламини “Сийрат” ҳам дейлади.

Муҳаддис уламолар ушбу олти бандга тегишли ҳар бир маълумотни атрофлича, чуқур ўрганиб, сўнгра ўз китобларига киритганлар. С. ислом учун, мусулмонлар учун ўта муҳим манбадир. С. ислом шариатида Қуръони каримдан кейинги иккинчи масдар-манба эканлигини Аллоҳ таоло ва Унинг Расули Пайғамбар (сав) айтгандир. Бу – мусулмонларнинг асрлар оша амал қилиб келаётган иши. Бу – соғлом ақл ва тафаккур тақозоси.

С. – ҳадис маъноси Аллоҳдан, лафзи Пайғамбардан бўлган ваҳийдир. Дину диёнат, шариат ва б. маъноларда Пайғамбаримиз ўз шахсий фикрларини эмас, Аллоҳнинг ваҳийсини ўз иборатлари б-н тақдим этганлар. С. Қуръони карим б-н чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, С.нинг тарихи Қуръони карим ва ислом тарихи б-н бирдир.

С. 7-а. ўрталарида йигила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. Ҳадисшуносликнинг “олтин асри” – 9-а.га келиб булар тартибга солинган ва дин, ахлоқ, фикрнинг муқаддас манбаига айланган. Булардан Бухорий (810–870) ва Муслим (817–875) тўпламлари энг обрўли ҳисобланади. С.да тарихий асосга эга бўлмаган айрим ривоятлар мавжудлиги б-н бирга, араб халифалигининг дастлабки икки асрида ислом динининг тадрижий тараққиёти ва турли ижтимоий қатламларнинг аҳволини

кўрсатадиган тарихий маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

СУННИЙЛИК (сунна сўзидан) – қ. *Аҳли сунна вал жамоа*.

СУРА (араб. – тизма, қатор, кўрғон, манзил ва шараф маъносиди) – фақат *Қуръон*га хос тушунча, унинг бўлимлари С. дейлади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Уламолар истилоҳида эса, С. – Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтганда, Қуръон оятларининг кўрғон ила ўралгандек бир тоифасига С., дейлади.

Қуръон С.лардан иборатдир, С. Қуръоннинг бир бўлаги бўлиб, уч ёки ундан кўп оятни ўз ичига олади.

Қуръонда 114 та С. бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи С.ларнинг исми С.нинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша С.да зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган.

Қуръони каримдаги энг қисқа С. Кавсар С.си бўлиб, уч оятдан, энг узун С. Бақара С.си бўлиб, 286 оятдан иборатдир.

Қуръон С.лари икки қисмга бўлинади: 1. Хижратдан олдин тушган С.лар – “Мақка С.лари” (Мақкада тушган) дейлади. 2. Хижратдан кейин тушган С.лар – “Мадина С.лари” (Мадинада тушган) дейлади.

СУФИЙ – суфийлик тариқатига мансуб шахс, мурид; “Тасаввуф” ва “суфий” сўзларининг ўзаги ва мазмуни тўғрисида олимлар фикри турлича. Бу сўзлар арабча “сувф” (жун, пўстин) сўзидан келиб чиққан, деган фикр кўпчилик уламолар томонидан маъқулланган. Чунки, тасаввуф йўлига кирганларнинг кўпчилиги ўзларини хилватда тутиш б-н бирга эгниларига пўстин кийиб юришар эди. Лекин суфийлар орасида пўстин киймайдиганлари, қурок, хирқа ёки бошқа хилдаги кийим кийиб юрадиганлари ҳам бўлган. Аммо, пўстин кийишга одаг қилган суфийлар кўпчиликни ташкил қилган.

СУФИЙЛИК – қ. *Тасаввуф*.

СУФРИЙЛАР, ас-Суфрийя – хорижийларнинг уч асосий жамоаларидан бири. 7-а. 2-ярмида Басра (Ироқ)да вужудга келган. Асосчиси – Зиёд ибн ал-Асфар, жамоа унинг отаси исмидан “суфрийлар” (суфр – асфарнинг кўплиги) деб аталган. Халифа Язид ибн Муовия даври (680–683)да С. Басра атрофида Абу Билол Мирдас раҳбарлигида кўзғолон

кўтарганлар. 681 й. Мирдас ўлдирилиб, унинг тарафдорлари қирғин қилинган, Солих ибн Мусаррих Басрада С.нинг ғоявий раҳбари ва бошлиги бўлган, у умавийларни ағдариб ташлашга ва ҳукмрон доиралардан қасос олишга даъват этган. 695 й. Дажла (Тигр) дарёси юқори ҳавзасида С. кўзғолон кўтаришган. Солихнинг ўлиmidан сўнг (696 й.) кўзғолонга раҳбарликни Шабиб ибн Язид қўлга олган. С. Ўрта Ироққа тарқалиб, Мадонини эгаллашган ва унда мустаҳкам ўрнашиб олишган. Бироқ икки жангда кўп талафот кўргач, Шабиб азракийлар б-н кўшилиш мақсадида Кермонга чекинишига қарор қилган. Дарёдан кечиб ўтиш чоғида Шабиб чўкиб кетган, шундан кейин С. кўзғолони тезда бостирилган (697 й.).

С. жамоасининг вужудга келиши хорижийлар ўртасидаги диний-сиёсий ихтилофлар б-н боғлиқ. Хорижийлар кимни “кофир” деб ҳисоблаш лозим ва уларга қандай муносабатда бўлиш керак деган масалада ихтилофга боришган. Азракийлардан фарқли равишда С. кўзғолонда қатнашмаган диндошларини кофир санамаганлар: улар азракийлар томонидан ўз душманларининг аёл ва болаларини ўлдиришларини қоралаганлар, лозим бўлганда ўз эътиқодларини яшириш (ат-такийя) мумкин деб ҳисоблашган.

СУХРАВАРДИЙ (Шаҳоб ад-дин Яхё ас-Сухравардий; 1155–1191) – Эрон тасаввуф файласуфи, “порлаш” (ишрок) ҳақидаги таълимот асосчиси, шу туфайли уни Шайх ул ишрок деб ҳам аташади. Эътиқодсизликда ва исмонийликни тарғиб қилишда айбланиб Салоҳ ад-дин амри б-н Ҳалаб ш.да қатл қилинган. С. фалсафий қарашларига зардуштийлик кучли таъсир этган. У борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуи сифатида қаради, уларни эса, *Авесто* қахрамонларининг номи б-н атади. С. ўзига хос қоришиқ таълимот яратди, бу таълимотда зардуштийлик белгилари б-н бирга тасаввуфга оид қарашлар қўшилиб кетган эди. С. жуда кўп ғояларни суфийлик меросидан олган, бироқ у амалда суфий бўлмаган, балки мусулмон фалсафасига яқинроқ турган. Унинг ғоялари Эрон мутафаккирлари орасида кенг тарқалган.

СУХРАВАРДИЙЛИК, сухравардия – суфийлик тариқати. 12-а. охири – 13-а.

бошида Ироқда, Икки дарё оралиги ҳудудида, зоҳидлик мактаби доирасида таркиб топган. Аслида С.ни яратган кишиларнинг аксарияти араблардан эмасди. Анъанага биноан С. мусулмон зоҳидлик тарихида тузилган дастлабки биродарлик ташкилотидир. У шофиийлик мазҳабига мансуб ўта суннийлик йўлини тутган. Ўз силсиласини Зиёвуддин Абу Нажиб Сухравардий (1097–1168)дан бошлаб, Аҳмад ал-Ҳазолий (1126 й. в.э.) ва Жунайд ал-Бағдодий (910 й. в.э.) орқали Али ибн Абу Толибга (661 й. в.э.) боғлаган. С. шаҳарликлар тариқати бўлиб, аъзолари сони савдохунарманд аҳли ва жамиятнинг ўқимишли қатламлари ҳисобига кўнаиб борган. Зоҳидлик фалсафаси ва диний амалиёти (тариқати)нинг мустақил йўли бўлган С. асосчиси Шихобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий (1145–1234/35) ҳисобланади. У суфийликка оид бир неча китоблар ва мактублар, жумладан, “Авориф ал-маориф” асарини ёзган. Бу китоб кейинги даврларда яшаган барча суфийларнинг авлодлари учун ахлоқ ва амалиёт бўйича қўлланма саналган. Кейинчалик С. Хиндистон (Синд, Панжоб, Мўлтон, Гужарот)да тарқалган ва *чиштиийлик* б-н бир қаторда энг таъсирли тариқат саналган, дастлабки даврда бу мамлакатга келиб қолган камсонли мусулмонларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган.

СУХУФ (араб “саҳифа” сўзининг кўплиги) – Қуръоннинг дастлаб тўпланган илк қўлёзмаси. Манбалардаги маълумотлар бўйича, Муҳаммад (сав) вафотларидан бир йил кейин – 633 й.да халифа Абу Бакр Қуръонни хилма-хил ёзувлардан ва уни ёдла саклаган кишилардан олган ва тўплашни охириги даврларда Расулulloҳга котиб бўлиб хизмат қилган Зайд ибн Собитга топширган. Тайёрланган қўлёзма С. деган ном олган. С. ёзувлари ва қорилар оғзидан тинглаб ёзилган муҳафлар сони 4 ёки 5 та экани тўғрисида турли ривоятлар бор. Бу иш учинчи халифа Усмон (ра) халифалиги даврида амалга оширилган.


СУЮТИЙ (тўлик исми Жалолиддин Абулфазл Абдурахмон Суютий, (? – 1505) – ислом уламосининг энг буюқларидан бири. Замонасидаги мавжуд фанларнинг ҳар бирига оид асарлар ёзганлиги б-н машҳур бўлган мужтаҳидлардан. Аждоди Мисрга кўчиб бориб, Суют қасабасида ўрнашиб қолган.

Отаси Қоҳира қозиси эди. С. ҳам Қоҳирада туғилган. Беш ёшида отаси вафот этган. Отасининг дўстларидан бири уни ўз ҳимоясига олиб, таълим-тарбия берган. У саккиз ёшидаёқ, Қуръонни ёд билган. Таҳсилни тугатгач, Шом, Ҳижоз, Яман, Ҳинд каби илм марказларига бориб, мумтоз олимларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлган. Қоҳирага қайтиб келгач, Шайхуния мадрасасида сабоқ бера бошлаган ва шуҳрати ҳар тарафга

ёйилган. Шайхуния мударрислигидан кетгач, узлатга чекиниб, ҳаётини таълимга бағишлаган.

Тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих, таржимаи ҳол, адабиёт ва б. илмларга оид “Ҳуснул-муҳодара” номли асарида таъкидлашича, уч юздан ошиқ асар ёзган. “Муъжамул-матбуотил-арабийя”нинг муаллифи С.нинг 92 матбу (чоп этилган) асари ҳақида баҳс юритади.





ТАБАРИЙ. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир (839–923) – араб тарихчиси, фақиҳ, тафсирчи. Асли Табаристоннинг Амул ш.дан, бадавлат хонадонда туғилган. Етти ёшида Қуръонни ёддан билган, саккиз ёшида жамоа намозида имомлик қилган, тўққиз ёшида ҳадисларни ёзиб бора бошлаган. Умрининг кўпини Бағдодда ўтказган. Т. араб халифалигига тобе бўлган кўпгина мамлакатларни айланиб чиққан. Т. расмий лавозимлардан воз кечиб, бутун умрини илмга бағишлаган. У ўрта аср фанининг бирмунча соҳаларини, хусусан, фикҳ ҳамда тарихни мукамал эгаллаган, Қуръон ва ҳадис бўйича йирик асарлар яратган. Т. асарларида ислом ва араб халифалиги тарихи кенг ёритилган. “Тарихи Табарий” асари муҳим тарихий манба ҳисобланади. Шунингдек, у Қуръоннинг 30 жилдли йирик тафсири муаллифи. Бағдодда Т. “Жаририя” (отаси номидан) ҳуқуқ мактабига асос солган. Унинг тарафдорлари Ибн Ханбал қарашларини танқид қилганлар.

ТАБАРОНИЙ, тўлиқ исми Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний (873, Табария қасабаси (Шом) – 973, Исфаҳон) – йирик муҳаддислардан бири. Саҳиҳ ҳадисларни йиғмоқ учун Яман, Миср ва б. ислом илм марказларини кезиб чиққан. Ҳофиз Абу Нуайм каби таниқли муҳаддислар ундан ҳадис ривоят этганлар.

Асмои саҳобага доир “Мўъжами кабир”, “Васият”, “Сағир” номли мўътабар асарлар ёзган.

ТАБАҚОТ (табаканинг кўплиги; “қатлам”, “авлод”, “даража”) – маълум бир вақт оралиғида яшаган шахслар, “авлодлар таржимаи ҳоли” (биографияси).

Араб тарихшунослигида Т. биографик жанрнинг махсус тармоғини ташкил этиб, унда материал хронологик тартибда, авлодлар бўйича, энг дастлабкисидан сўнггисигача (Муҳаммад (сав)нинг сафдошлари – саҳобалар, сўнг уларнинг шогирдлари ва б.) жойлаштирилган. Регионал тамойилга ҳам риоя қилинган – материал шаҳарлар, алоҳида мавзелар ва Халифаликнинг вилоятлари (баъзан бутун ислом дунёси теграсида) бўйича тақсимланган.

Т. адабиёти ҳадис илми эҳтиёжларини кондирришга мўлжалланган. У исноднинг ҳаққонийлик даражасини аниқлашда маълумотнома ролини ўйнаган. Бизгача Т. туридаги етиб келган энг илк асар Ибн Саъд (784–845)нинг “Китоб ат-табақот ал-кабир”дир. Асарда ҳадислар айтган 4250 шахс (саҳобалардан бошлаб)нинг таржимаи ҳоли келтирилган.

Ислоднинг дастлабки даврида Т. асосан ҳадис билимдонлари ва фақиҳларга аталган. Бирок,

маданий эҳтиёж ва илм-фан тараққиёти кейинчалик турли касб ва даражадаги шахсларнинг (шоирлар, адиблар, котиблар, вазирлар, тилшунослар, табиблар, донишмандлар, ваъзхонлар, қорилар, фақиҳлар, суфийлар ва б.) авлодларини хронологик тартибдаги Т.лари пайдо бўлишига имкон берди.

ТАБЛИФ (араб. – хабар етказмок, тушунтирмак) – бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. “Таблиғ”чилар жамоасига 20-а.нинг 20-й.ларида Хиндистонда Муҳаммад Илёс асос солган. Оқимнинг мақсади аҳолини ёппасига исломлаштиришга эришиш. Ҳар ўн “таблғ”чини бир амир бошқаради. Ҳозирда ушбу оқим Покистонда кенг тарқалган. Жуда саёз диний билимга эга бўлган “таблғ”чилар 90-й.ларнинг бошида Ўзбекистонда ҳам фаолият кўрсатишга ҳаракат қилди.

ТАВАККУЛ (“тавакқал” сўзидан – “бирон-бир зотга умид боғлаш”, “ишониш”) – ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, фақат у берадиган ризққа умид боғлаш. Т. амаллари зоҳидлар ва суфийлар орасида кенг ёйилган. Улар Қуръонга асосланиб, Т.ни имон б-н боғлашган, Аллоҳдан чинакам умидвор бўлган инсонгина кундалик турмуш ташвишларидан воз кечишга, Аллоҳ йўлида холис хизмат қилишга қодир, деб ҳисоблашган. Кейинчалик суфийлик йўли (тариқат)нинг бошланғич мақомларидан бири Т. истилоҳи б-н атала бошланди. Т. суфийликнинг бошқа бир мақоми – “қониқиш” (ридо) б-н ҳам боғланган. Т.га амалда риоя этиш суфийнинг деярли ҳар қандай меҳнат фаолиятини тўхтатиб қўйишида ҳам намоён бўларди. Фақиҳлар ва илоҳиёт олимларининг аксарияти бу масалага бошқача ёндашган. Улар фикрича, Т. меҳнатдан бутунлай воз кечишни билдирмайди, яъни инсон ишлаши, тижорат б-н шуғулланиши мумкин. Аммо, бу каби ишларни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўймай, шу бугунги эҳтиёжларни қондириш учун етарли даражада ишлаб топиш, эртанги кун ҳақида ўйламаслик керак ва ҳ.к.

ТАВБА (араб. – қайтиш, пушаймон бўлиш) – тасаввуфда солиқнинг тариқат сари қадам қўйишидан олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасдан қилмасликка азму қарор этиши. Т. солиқнинг 1-мақоми саналади. Аллоҳ

томонидан Т. қабул бўлишининг 2 шarti бор: 1) ёмонликни билмасдан қилиш; 2) Т.ни кечиктирмаслик. Кимки Т.ни кечга сурса, инсоний фазилатлардан маҳрум ва аксинча Т. қилишга шошилса, ўзини ислоҳ қилган бўлади. Т. – инсоннинг ўзини ўзи тарбиялашида муҳим ахлоқий восита саналиб, ёмонликдан юз ўгириб, яхшилик сари қадам қўйишга, эзгу ишлар қилишга ундаб турувчи хислат саналади.

ТАВОФ (араб. – атрофида айланмок) – Каъба атрофида айланиш жараёни. Ҳаж ва умра маросимлари таркибига киради. Умра қилувчилар 1 марта, ҳажга келганлар 3 марта (Т. ал-қудум, Т. аз-зиёра ва Т. ал-вадоъ) Т. амалини адо этади. Бундан ташқари, Макка аҳли ва унинг меҳмонлари Каъбага юксак иззат-эҳтиром юзасидан бошқа пайтларда ҳам, айниқса, жума кунлари ва рамазон ойида уни Т. қилади. Т.нинг шартлари намознинг шартлари кабилар. Т. қилувчи Каъбага Боб ас-Салом дарвозаси орқали ўнг оёғи б-н киради. Т. қилишда масжид сахнининг ўртасида турган Каъбага яқинлашилгач, унинг Қора тош жойлаштирилган бурчагига келиб, қўлини унга қарата чўзади ва имконият бўлса ўпада (такбил ёки истилом қилади). Шундан сўнг Каъба атрофида соат милага қарши тарзда етти марта айланилади. Ҳар сафар махсус дуолар ўқилади. Кейин Каъба эшиги олдидаги Мултазам деган жойга суяниб, Аллоҳга илтижо қилинади. Гуноҳлар кечирилиши сўралади. Пировардида икки ракаат нафл намоз ўқилади.

ТАВРОТ (қад. яҳудийча “Тора” – қонун) – ислом ақидаси бўйича Аллоҳнинг Мусо (ас)га Жаброил орқали туширган илоҳий китоби. Қуръонда Т. ҳақида бир қанча оятлар бор. Улардан бирида қуйидагилар айtilaди:

“Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У б-н У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва ахборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритарлар. Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан кўркманлар, Мендан кўркинлар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманлар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир”. (Моида 44) Қуръонга кўра, Инжилдаги каби Т.да ҳам Аҳмад исмли “яҳудийлардан бўлмаган пайғамбар”нинг дунёга келиши ҳақида айtilaнган.

8–10-аларда Т. бир неча бор юнон (мас., Хунайн ибн Исҳоқ), қад. яҳудий (Саадия Гаон) ва лотин тилидан арабчага таржима қилинган. Кейинчалик Т.нинг қибтий, сурёний, қад. яҳудий тилидан насоролар ва самарийлар ўзларининг эҳтиёжлари учун таржималар қилишган. Тахм. 9-а.дан мусулмон муаллифлари Т.нинг Муҳаммад (сав)нинг пайгамбарликлари ҳақидаги хабар келтирилган қисмини далил қилиб келтира бошлашган.

Т.ни асрлар давомида талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг яна бир муқаддас китоби Талмуд (қад. яҳудий тилида таълимот) шаклланган, унда иудаизм ақида ва маросимлари батафсил ёритилган. Шунинг учун Талмуд яҳудий диний жамоаларида кенгрок амалий роль ўйнайди. Т.нинг асосий ақидалари ва ривоятлари муайян тарзда Қуръонда ҳам учрайди.

ТАВҲИД (араб. – яккахудолик) – умумий маънода яккахудолик ҳақидаги таълимот (қ. *Ваҳдоният*). Шаръий истилоҳда эса, Т. – исломда Аллоҳга ширк келгиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир. Т. Қуръон ва суннат уламолари наздида уч қисмдан иборатдир: Сифатлар Т.и, Роббиллик (Парвардигорлик) Т.и ва Илоҳийлик (ибодатга сазоворлик) Т.и. Сўнгра Илоҳийлик Т.ининг ўзи яна иккига бўлинади: Иёбот ва маърифатдаги Т. ҳамда талаб ва қасдаги Т. Т. исломда (суннийликда ҳам, шиаликда ҳам) расман эътироф этилган ақидаларнинг биринчиси, моҳиятан, асосий ва марказий ақида. Мазмунан шундай тасаввурни ифода этгани учун Қуръоннинг 112-“Ихлос” (“Покланиш”) сураси ҳам баъзан Т. деб юритилади.

ТАЖАЛЛИ (кўплиги тажаллиёт) – “худонинг намоён бўлиши”, Аллоҳнинг дунёда намоён этиши. Т. тушунчасини дастлаб басралик зоҳид Рабоҳ ибн Амр ал-Қайсий (796 й. в.э.) киритган.

Машҳур суфий Саҳл ат-Тустарий (896 й. в.э.) Т.нинг уч турини фарқлаган: а) илоҳий моҳиятнинг намоён бўлиши (тажалли аз-зот), ёки илоҳий ваҳий (мукашафа); б) илоҳий моҳиятнинг ўз сифатларида намоён бўлиши (тажалли сифат аз-зот), ёки нур таратиш

(мауди`ан нур); в) илоҳий ҳукмнинг намоён бўлиши (тажалли ҳукм аз-зот), ёки келажак ҳаёт (ал-ахира ва ма фиҳа).

Ал-Ҳалложга кўра, Аллоҳ доимо инсонларга нарса ва атрофдаги ҳодисалар кўринишида намоён бўлади (йатажалли), лекин Уни фақат озгина мумтоз инсонларгина танишлари мумкин.

Т. атамасини суфийлар – *ваҳдати вуҷуд* таълимоти тарафдорлари кенг ишлатганлар.

ТАЖВИД – Қуръонни кироат б-н ўқиш; бундай ўқиш тартиби ва тегишли Қуръон илми (илм ат-Т.). Т. қадимдан ижро санъати ҳисобланган, уни асосан профессионал қорилар эгаллашган ва у авлоддан авлодга ўтган; унинг энг содда усуллари бошланғич мактаб ва мадрасаларда ўқитилган. Т.нинг уч тури фарқланади: секин (тартиб), тез (хадр) ва ўрта (тадвир) маромда ўқиш. Т.га кўплаб рисоалар бағишланган.

ТАЖСИМ (жассама феълидан – “мужассамламок”) – мужассамлаш, Аллоҳни жисм кўринишида тасаввур этиш; кўпинча ат-*ташбиҳ*нинг синоними сифатида ишлатилади. Т. издошларини ал-мужассима деб аташади.

ТАКБИР (араб. – улуғлаш) – ислом анъанасида Аллоҳни улуғлаш б-н боғлиқ бўлган (араб. Аллоҳу акбар – Аллоҳ буюқдир) иборани талаффуз этиш. Бу фақат азон ва намоз вақтида айтиладиган ибора бўлмай, айни вақтда дуо – ибодатнинг бир шакли ҳам ҳисобланади. Т. мусулмонлар қоидаларига биноан гўшти таом учун мўлжалланган молни сўйиш пайтида ҳам айтилади. Т. ибораси туширилган безак диний иншоотлар (масжид, мадраса, хонақоҳ ва б.) нақшининг асосини ташкил этади, у амалий санъатда, ҳуснихат илмида кенг қўлланилади. Илк ва ўрта асрларда ислом мамлакатларида Т. жангчиларнинг жанговар даъвати бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги пайтдаги мусулмон диний-сиёсий гуруҳлар Т.дан шиор ўрнида ҳам фойдаланишади.

ТАКЪЯХОНА – шиа йўналишига мансуб мусулмонлар ибодатхонаси, масжиди.

ТАЛАБ ал-ИЛМ – илм излаш, илмга интилиш. Т. ал-И. ҳар бир мусулмоннинг энг муҳим вазифаларидан эканлиги маълум қилинган бўлиб, асосан ҳадислар ва фикҳни ўрганишга қаратилган; Т. ал-И.ни конкрет шакллари ва уни амалга ошириш исломнинг тегишли йўналиши (мазҳаби)да илмнинг таърифи ва

ижтимоий-тарихий шароитларига боғлиқ бўлган. Т. ал-И. учун саёҳат қилиш (риҳла) тавсия этилган, муносиб ёш деб, гарчи маълум чекланишлар бўлмаса ҳам ёшлик йиллари ҳисобланган.

ТАЛОҚ (араб. – қўйиб юбормоқ, ажралмоқ) – шариатга кўра, никоҳнинг бекор қилиниши. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятдан тўла озод қилади. Бу ҳолатда эр томонидан хотинга берилган мол-мулк (махр) хотинда қолади, эр хотинни идда муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак. Шариатда 2-Т.дан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилади (Қуръон, 2:229). 3-марта Т.дан кейин эса, шариат бунга йўл қўймайди. Т. қилинган хотин бошқа эрга чиқиши учун белгиланган идда муддатини ўташи керак.

Эр 3 марта Т.дан кейин ярашмоқчи бўлса, хотин бошқа эрга бирга яшаш ниятида турмушга чиқиши, 2-эр хотинни Т. қилса ё вафот этса, хотин идда муддатини ўтагандан сўнг қайта никоҳлаш мумкин. Болалар онаси б-н қолиши мумкин, хусусан ўғил болалар 7–8 ёшгача, қизлар турмушга чиқиш вақтигача (13–15 ёшгача). Мана шу муддат орасида ота уларни моддий таъминлаб турмоғи лозим бўлади.

ТАЛҲА ИБН УБАЙДУЛЛОҲ (тахм. 594–656) – саҳоба, маккалик илк мусулмонлардан. *Ашарай Мубайшшарадан*. Қурайш қабиласининг Бану Тамим уруғидан бўлган. Талҳа исломга кирган пайтлари мушриклардан кўп зулм кўрган. *Бадр жангидан* бошқа ҳам ғазовотларда *Муҳаммад* (сав) б-н бирга бўлган. Бадр жангида Расули Акрам уни қурайш карвони ҳақида маълумот келтириш учун Шомга юборганлари сабабли бу жангда қатнашмаган, бироқ ўлжалардан унга улуш ажратилган. *Уҳуд жангида* Расули Акрамнинг ёнларидан жилмаган, ҳатто душман тарафидан пайғамбаримизга серпалган бир қилични қўли б-н қайтариб, қаттиқ жароҳат олган. *Усмон* (ра) вафотидан сўнгги воқеаларда *Оиша* томонида бўлган. Жамал жанги (656)да яраланиб, Басрада вафот этган. Талҳа пайғамбаримиздан 38 та ҳадис ривоят қилган. **ТАНЗИҲ** (“поклаш”, “барча ярамас ва номуносибликдан холи деб ҳисоблаш”) – Аллоҳга нисбатан ҳар қандай тавсифлар (аусаф) ва таърифлар (худуд)ни инкор этишни

англаувчи мусулмон илоҳиётидаги истилоҳ; чунки Аллоҳ яратган махлуқлар орасида Унга ўхшаши йўқдир (Қуръон, 42:11/9). Т. истилоҳининг зидди (антоними) бўлиб *ат-ташбиҳ* истилоҳи ишлатилган. Т.нинг синоними сифатида тақдис ва тасбиҳ истилоҳлари қўлланилган.

ТАНОСУХ, т а н о с у х а л - а р в о х (араб.) – руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги диний таълимот. Т. ҳақидаги тасаввурлар жуда қадимдан маълум бўлган. Ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто хайвон ва ўсимликларда қайта мужассамланиши ҳақидаги тасаввурлар диний эътиқоднинг илк шакллари (анимизм) б-н боғлиқ равишда вужудга келган. У баъзан қадимги диний ва фалсафий таълимотларда (мас., Юнонистонда метемпсихоз, брахманизм ва ҳиндуизмда сансара номи б-н) кенг тарқалган. Анъанавий ислом илоҳиёти Т.ни рад этади, лекин ундан ўта йироқлашган айрим фирқалар (мас., исмоилийларнинг баъзи шахобчалари)да Т. қисман эътироф қилинган.

ТАРИҚАТ (араб. – йўл, усул) – суфийликка хос тушунча. Уч маънода ишлатилади: 1) умуман суфийлик йўли; 2) суфийликнинг муайян тармоғи, йўналиши; 3) суфийлик босқичларидан бири. Лекин Т.ни суфийлик йўналишлари (сулуклари), тармоқлари маъносида қўллаш кенгрок тарқалган. Суфийликнинг босқичи сифатида Т. суфийлар олдига қўйиладиган ўзига хос талаблар мажмуасини, хилма-хил руҳий-жисмоний хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Т.га қадам қўйиш – тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиш ҳамда ихтиёрни пир-муршид (эшон)га топширишдан бошланади. Ундан кейин Т. йўлида суфий яна бир неча босқич (мақом)ларни, жумладан доим камбағалликда, тасодифий ризқ ҳисобига яшаш (факр), тарки дунё қилиш (зуҳд), ҳар нарсани фақат худога солиш (таваккул), уни севиш ва унга интилиш (муҳаббат, шавқ) ва б. босқичларни ўтайди. Суфийликнинг баъзи йўналишлари инсонни нафақат зоҳидлик, балки мутаассиблик йўлига ҳам етаклайди. Суфийликда Т.лар ғоятда кўп бўлган. Ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган қодирия (Эрон ва Афғонистонда), рифоия (Эрон), тайфурия (араб мамлакатлари), мавлавия (Туркия), чиштия

(Ҳиндистон, Покистон), бектошия (Туркия), сафавия (Эрон) ва б. шулар жумласидандир. Ўрта Осиёда эса, илгаридан *нақшбандийлик*, *кубровийлик*, *яссавийлик* Тлари тарқалган.

ТАРКИДУНЁЧИЛИК – одамлардан, ташқи дунёдан, шунингдек, жамият ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш, дарбадарликда ҳаёт кечириш. Исломдан бошқа йирик динлар (браҳманизм, буддавийлик, яҳудийлик, христианлик)га ҳам хос хусусиятидир. Унинг моҳияти – дин йўлида риёзат чекиш. Таркидунё қилганлар одамлардан узокда ва ғорларда ҳаёт кечиришган, ўзларини хилма-хил укубатларга дучор қилганлар, оч-ялангоч яшаганлар ва ҳ.к. Айниқса, уйланиш, авлод қолдиришга, кундалик ҳаёт ташвишлари б-н яшашга нафрат б-н қарашган. Т. ислом динида ўрта асрларда кенг тарқалган, суфийлик оқимларининг вужудга келиши б-н боғлиқ бўлган. Улар фақир, дарвиш, қаландар (араб., форс. – қашшок, дарбадар, гадо маъносид), зоҳид деб аталган. Улар гадолик ва хайр-эхсон б-н кун кечирганлар. Илгари Ўрта Осиёда ҳам Т. кенг ёйилган, дарвишлар, қаландарларнинг фаолияти б-н боғлиқ қаландархоналар ва хонақоҳлар мавжуд бўлган.


ТАРОВИҲ (араб. – хордиқ чиқариш, тин олиш) – рамазон ойи давомида кечалари ўқиладиган кўшимча намоз. Т. намози 20 ракаат, хуфтон намозидан кейин ўқилади. Уни масжидда жамоа б-н ўқиш суннатдир. Жамоатга келишга имкониятлари йўқ кишилар уйларида ўқисалар ҳам бўлади.

ТАРОЗИЙ, Саййид Абу Наср Мубашшир (1896, Авлиёота – 1977, Қоҳира) – уламо, адиб. Тошкентдаги “Абулқосим”, Бухородаги “Мир Араб” мадрасаларида ўқиди. Таниқли илоҳиётчи шайх Муҳаммад ал-Асалий аш-Шомий (Шомий домладан сабоқ олди. 20-й.лар бошида авж олган худосизликка қарши “Қуръон ва нубувват” (“Қуръон ва пайғамбарлик”) китобини ёзди. Т.нинг ўзбек тилидаги бу китоби форс, араб тилларида ёзилган бошқа асарлари б-н бирга кўп ўтмай шўролар томонидан мусодара қилинди. Т. “Уламои Туркистон” жамоасининг журнали – “Изоҳ ул-Маром” таҳририятида ишлади (1923), Тароз ш. диний идорасига раҳбарлик қилди, мактаблар очиб ислом динини тарғиб этди. Унинг бу фаолияти шўроларга ёқмас эди. Т. 1930 й. Ватанини тарк этишга мажбур бўлди,

умрининг охиригача муҳожирлик (Афғонистон, Миср)да яшади. 1960 й. Миср Президенти Ж.А. Носир уни шахсан қабул қилиб, Туркистонни озод қилишга қаратилган сиёсий фаолиятини тўхтатишни талаб қилди. Шундан сўнг Т. фақат илмий-ижодий иш б-н шуғулланди. Т.нинг ислом илоҳиётига оид 47 асари бор, унинг диний мавзудаги мақолалари Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ, Ливан, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Индонезия, Афғонистонда чоп этилган.

ТАСАВВУФ, суфийлик – исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги қараш. Бу атама ва ундан ясалган мутасаввиф (суфий, “суфийлик қилувчи”) ва суфий (тасаввуф изидан боровчи) сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар бор. Лекин ҳозир умумий қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, тасаввуф – сувф – “жун”, “пўстин” сўздан олинган. Илгари замонда таркидунё қилган зоҳид, “ўзини худога бағишлаган одам” одатда дағал жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юрган.

Т.га асос солган тарки дунёчилик тасаввуфий кайфиятлар ислом дини б-н деярли бир вақтда пайдо бўлади. Ҳар қалай, Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг айрим сафдошлари Абу-д-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (7-а.нинг 2-ярмида вафот этганлар) сингариларга ана шундай кайфият хос бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бирок исломдаги зоҳидлик оқими тахм. 8-а.нинг ўрталари – 9-а.нинг бошларида шакллана бошлаган дейиш тўғридир. Одатда, бу оқимга ҳадисларни тўпловчи (муҳаддис)лар орасидан чиққанлар, сайёр бахшилар ва насихатгўй воизлар (куссос), қори-ю қурролар, жиҳод қатнашчилари (Византия б-н чегара урушлари назарда тутилмоқда), тақводор ҳунармандлар ва савдогарлар, шунингдек ислом динини қабул қилган насронийларнинг бир қисми кўшилган. Исломда зоҳидлик анъаналари пайдо бўлиши ва ривожланишининг сабаблари орасида мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, чуқур ғоявий ва маънавий изланишлар б-н давом этган диний ҳаётнинг умумий мураккаблашуви, бошқа диний-фалсафий тизимларнинг, биринчи навбатда христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин. Илк суфийлик, аниқроғи зоҳидлар ва таркидунё қилганларнинг ўзига хос хусусияти Қуръон матни мазмуни устида мушоҳада қилиш,



Шартли белгилар: **ал-қодирия** — оналик тариқатлари **халидия** — бошқа тариқатлар ва уларнинг тармоқлари
қаландария — зоҳидлик-дарवेशлик ҳаракатлари **XIV a.** тариқатлар вуҷудга келган вақт

кундалик ҳаётда бу илоҳий китоб ва пайғамбар ҳадислари кўрсатмаларига қатъий риоя этиш, кўп марга кўшимча намоз ўқиш, бедорлик ва рўза тутиш, ҳар қандай дунёвий нарсалардан юз ўгириш, кундалик ҳаётда тақволи бўлиш, хусусан руҳсат этилган нарсалар б-н ман қилинган нарсаларни қатъий ажратиш, дунёвий ва ҳарбий ҳукуматлар б-н ҳамкорлик қилишдан воз кечиш, ўзини тақдири илоҳийга топшириш (таваккул) кабилар бўлган. Шунингдек, фақирликни улуглаш, охиратни ўйлаш ва тавба қилиш кайфияти, берганига шукр қилиш, азоб-уқубатларга сабр-тоқатликдан иборат эди. Суфийлик таълимоти инсон қалбидаги энг нозик ўзғаришларни ҳам чуқур мулоҳаза б-н ўрганиш, одамлардаги ботиний туйғуларга ҳамдард бўлишга ўргатарди. Шу сабабли ҳам Т. асосчиларидан бири нозик руҳшунос, “қалб ва фикрлар” ҳамда инсоний ниятлар тўғрисидаги “фан”нинг яратувчиси Ҳасан ал-Басрий ҳисобланиши бежиз эмас. Басралик зоҳидлар – Ҳасан ал-Басрийнинг шоғирдлари ва издошлари Рабоҳ ибн Амр, Робия ал-Адавия, ад-Дароний (8-а. охири – 9-а. боши)ларнинг даъват ва хутбалари кишида худога астойдил мухаббат, унга яқинлашишга интилиш туйғуларини пайдо қилди. Ўша пайтдан бошлаб бу туйғулар суфийлик ғоясининг ўзига хос хусусияти ва фаркли белгиси бўлиб қолди. 9-а. давомида Т. назарияси ва амалиёти устида фаол иш олиб борилди. Бир қанча суфийлик мактаблари пайдо бўлди, улар орасида Басра мактабидан ташқари Бағдод ва Хуросон мактаблари ҳам бирмунча таъсирга эга эди. Уларнинг вакиллари инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги таълимотни яратдилар. Руҳий камолотга эришиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Бу йўл 4 босқичдан иборат: 1-босқич – шариат. Бунга кўра, Т. аҳли аввало шарнатнинг барча талабларига бўйсунуши керак. Шундан кейин 2-босқич – тариқатга кўтарилиш мумкин. Бунда *мурид*лар ўз пирлари – *мурид*ларга итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Бу босқичдан ўтганлар юқорирак, 3-босқич – маърифатга кўтариладилар, бунда коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл б-н эмас, қалб б-н англаб етилади. 4-босқич – ҳақиқат ҳисобланиб, зоҳид “шахс сифатида тугаб” “ҳақиқат”га, худога етишади, унга сингиб

кетиб абадийликка эришади. Бунга суфийлар махсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар – сиғиниш ва ибодатлар орқали интиладилар. Суфийлар худога етишиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари, шариат томонидан буюрилган амалларни бажаришдан бош тортишлари туфайли гоҳ-гоҳида маъмурлар таъкибига ҳам учраб турадилар (ат-Тустарий, Ҳаким ат-Термизий, ан-Нурий). Машҳур мутасаввиф Ҳусайн Мансур *Ҳаллоҷ* “анал ҳақ” (мен ҳақ, мен худо) дегани учун Бағдодда халифа томонидан дорга осилди (921). Ўз юрти Табаристонда катта обрў қозонган Абу Язид *Бистомий* ҳам шаккокликда айбланиб, қатл этилган эди (873). Т.га суннийларнинг раҳиямолари томонидан бундай муносабатда бўлиш уларни эҳтиёткорликка, муросали йўллар излашга мажбур этди. Улар Қуръон ва суннага содиқликларини эълон қилавердилар, “тийиксиз” сафдошларининг кескин фикрларидан узоқлашиб, ўз маслақларини никобладилар. Бағдодлик ал-Жунайд (910 й. в.э.) ана шундай мавқеда турган суфий эди. У “мўътадил” деб аталган суфийлик анъанасини бошлаб берди. Бундай анъана тарафдорлари кейин “кескин” ёки “экстатик” суфийликка қарши турди. Илк Т.нинг ижтимоий асосини асосан шаҳарликлар: майда савдогарлар, хунармандлар ва ҳ.к. ташкил этган эди. Улар ичида диний таълимот олганлари кўп учрамасди, шундай бўлса-да, ўзларини “суфийлик фани” назариётчилари деб билардилар.

Т.нинг илк босқичидаёқ маънавий устоз (шайх, мурид, пир) раҳбарлигида суфийлик назарияси ва амалиётини эгаллаш муҳим ҳисобланган. бусиз бошловчи суфий (мурид) ақл-хуши ва соғлиғини йўқотиши мумкин эди. Шайхга бутунлай бўйсунуш, барча диний ва дунёвий масалаларда унинг обрўсини тан олиш талаби уни муридлар кўз ўнгида бошқа одамлардан уступ қилиб кўярди. Йирик суфий устозларни валий деб атай бошладилар. Бунда шиаларнинг имомлар тўғрисидаги таълимотининг таъсирини кўриш мумкин. Муридлар, уларга эргашиб оддий халқ бу одамларнинг “адашмаслиги”, Аллоҳ назар қилганлиги, каромат кўрсатишга, пайғамбарга келган ваҳийларнинг “яширин” маъносини изохлаб беришга қодирлиги, худо б-н бевосита алоқа қила олиши ҳақида гапира бошладилар. Буларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида,

шунингдек, Т. назариётчилари (мас., Ҳаким ат-Термизий)нинг асарларида ўз ифодасини тоиди. Суфий билимлари ва баракасининг шайхдан муридга ўтиши узоқ таълим жараёнида амалга оширилган, сабоқ бериш тугагач, шогирд устоздан суфийлик жандаси (хирқа)ни олган, бу ўзига хос “шаҳодат” вазифасини ўтаган ва мустақил тарғибот олиб бориш ҳуқуқини берган. Одатда муридлар турли жойлардан келган бўлиб, ўз маконларига қайтиб борганлар, у ерда суфийлик тўғарақлари ва манзиллари (зовия, хонақоҳ) ташкил қилиб, ўзлари шогирд тайёрлай бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси Т.нинг тез тарқалишига олиб келган.

10-а. охири – 11-а. бошларида Т.га оид китоблар ёзилди. Улар орасида ат-Тусий (988 й. в.э.), ал-Калабодий (990 ёки 995 й. в.э.), Абу Толиб ат-Маккий (998 й. в.э.), ас-Сулабий (1021 й. в.э.) кабиларнинг бизгача етиб келган асарлари бор. Бу муаллифлар Т.га доир билимларни тартибга солдилар, суфийлик истилоҳларини тушунтириб бердилар. Т.ни изчил ислом таълимоти б-н яқинлаштириб, уни кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олинмишида *Ҳазолий*, Абдулқодир *Гилоний* (Жилоний)нинг (1161 й. в.э.) хизмати катта.

12-а. ўрталари – 13-а. бошларида суфийлар ташкил этган зовияларда, хусусан шаҳарларда Т. тариқат (сулук)лари вужудга кела бошлади. Бағдодда пайдо бўлган дастлабки суҳравардия ва кодирия тариқатлари бутун мусулмон оламига тарқалди.

Тариқатлар тариқат номи берилган кишилар – Умар ас-Суҳравардий ва Абдулқодир Гилонийдан ҳам кўра, кўпроқ уларнинг шогирдлари ва издошлари томонидан вужудга келтирилган, бу ҳол умуман тариқатларнинг шаклланиш жараёни учун характерлидир (мас., шозилия, мавлавия, бадавия ва ҳ.к.). Тариқатларнинг вужудга келиши б-н Т.нинг таъсири янада кучайди. Кўпинча маъмурлар тариқат ва зовиялар раҳбарларининг қўллаб-қувватлашини истаб, уларга турли имтиёзлар бердилар, ҳатто фаолият юритиши учун пул ажратдилар. Айни вақтда кўп суфий раҳнамолар дунёвий ишларга аралашмасдилар, маъмурлар б-н бевосита алоқада бўлмасдилар ва моддий ёрдамидан бош тортардилар (чиштия). Умуман суфийлар халқ оммаси б-н яқинлашишга ҳаракат қиларди.

Ҳар қайси алоҳида минтақада суфийлик ташкилотларининг фаолияти маҳаллий хусусиятлар ва анъаналар таъсирида бўлди. Т.нинг кўп қодалари туб аҳоли ўртасида илдиз отган мажусийлик кўринишлари: ажодларга сиғиниш, анимизм, сеҳргарлик кабилар б-н қўшилиб кетди (шозилия, кодирия). Ҳиндистонда суфийлик мафқурасига буддавийлик ва хиндуизм қодалари ўз таъсирини ўтказди (14–16-а.лар).

Т. ғояларининг 12–13-а.ларда мусулмонларнинг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида кенг тарқалиши муносабати б-н унинг ички фарқланиши яққолроқ намоён бўла бошлади. Асосан халқ оммасининг маънавий эҳтиёжларига қаратилган “амалий” Т. б-н бирга суфийлик таълимотининг биринчи навбатда ўқимишли мусулмонлар манфаатларини кўзловчи курук муҳокамага асосланган жиҳати янада ривожланди. Бу “фалсафий” Т.нинг асосий қодаларини Ибн Арабий баён қилиб берди. У ўз фалсафий қарашлари б-н “ваҳдати-вужуд” ғоясини кенг кўламда тарқатди. “Фалсафий” Т. 13–14-а.ларда юксак чўккига кўтарилгач, кейин ўз мавқеини йўқота борди. “Комил инсон”, “борликнинг бирлиги” (ваҳдати-вужуд), “Мутлақнинг ўзини намоён қилиши – жилоланиш” (тажалли) ва “нурланиш” каби ғоялар баҳс ва мунозаралар манбаи бўлиб қолди (мас., ваҳдати мавжуд ва ваҳдати вужуд тарафдорлари ўртасидаги тортишувлар). Т. ғоялари назарий рисоалардагина эмас, шу б-н бирга кўпдан-кўп шеърый асарларда ўз ифодасини топди. Суфийлик рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари бутун диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Санойй, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Хофиз, Жомий, Ансорий, Низомий ва б.), шунингдек, маълум даражада араб шеъриятига сингиб кетади. Туркий халқларнинг (биринчи навбатда Алишер Навоий), Болқон я.о., Шим. Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фольклори тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Т.нинг ўзгарувчанлиги ва ёт таъсирларга “очиқлиги” уни турли-туман оқимларга бўлиниб кетишига олиб келди. Т. аввал бошда мўмин-итоаткорлик ва дунё ҳаловатидан кечишни тарғиб қилган бўлса, бутун тарихи давомида бир неча бор исёнкорлик ва

махдийлик ҳаракатларининг [Андалусиядаги “муридлар исёни” (12-а.), Анатолия (Анадолу)да шайх Бадриддин (1416 й.да ўлдирилган) бошчилигидаги диний-сиёсий ҳаракат, бобийлар, шозилийлар ва ҳ.к.]нинг, кейинроқ эса, мустамлакачиликка қарши кураш (санусийлар, қодирийлар, Шомил) мафқурасига айланди. Т. кўпчилик мусулмон раҳнамолари томонидан эътироф этилгандан сўнг унинг ҳимояси остида энг кескин мавқеидаги турли хил жамоа ва оқимлар – ҳуруфийлик, аҳл-н ҳаққ ва ҳ.к. иш олиб бора бошлади. Анатолияда, кейин эса Болконда, Ўрта Осиё ва Эронда аралаш суфийлик – шиалик таълимотига амал қилувчи тариқатлар (бектошия, мавлавия, нурбахшия, неъматуллоҳия, кубравия, халватия, заҳабия) тарқалди.

Т. тарафдорлари сони ортиши б-н унинг тартиботлари расмийлаша борди, тариқатларнинг тузилмалари мураккаблашиб, ички ҳаёти қатъий белгилаб қўйила бошлади. Тариқат бошлиғи ўз вазифаларини аввалгидек бевосита эмас, кўп сонли воситачилари (халифа, муқаддам) орқали амалга оширди. Дунёвий ҳокимиятлар қўллаб-қувватлашини истаган шайхлар тобора уларга боғлиқ бўлиб қола бошлади. Айрим мамлакатларда (Миср) тариқат раҳбарлари амалда ҳукмрон доиралар ва йирик ер эгалари б-н қўшилиб кетди. Бундай салбий ҳодисаларга норозилик тарзида *маломатийлар* аънаналари тиклана бошлади, бирон-бир тариқатга алоқаси бўлмаган дарбадар дарвишлар кўпайди.

19–20-а. бошида Т. мусулмон давлатлари сиёсий ва диний ҳаётида муҳим роль ўйнашда давом этди. Мусулмон оламининг у ёки бу минтақасидаги муайян вазиятга қараб бу роль ҳам реакцион, ҳам нисбатан илгор бўлиши мумкин эди. Шарқда жамиятнинг ёппасига дин таъсиридан чиқа бошлаши, хўжалик ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар томон юзланиш Т.нинг мавқеига ҳамма жойда салбий таъсир кўрсатди. Кўпчилик араб мамлакатларида Т. диний-сиёсий доиралар томонидан кескин танқидга учради. Ёш авлоднинг кўпчилиги Т.ни ўз мамлакатининг қоқоқлиги сабабларидан бири деб билди, уни таракқиёт ва гуллаб-яшнаш йўлидаги ғов деб ҳисоблади. Бир қанча мусулмон мамлакатларида тариқатлар

фаолияти қисман ёки бутунлай ман қилинди. Гарчи Т. ўзининг аввалги обрўсини анча йўқотган бўлса-да, у шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг муайян қатламлари орасида ўз таъсирини сақлаб келмоқда. Улар руҳий таскин ва мадад излаб, суфийлик тариқатлари сафига кирмоқда. 20-а.да ҳам янги сулуқлар пайдо бўлганлиги Т.нинг яшовчанлигидан далолат беради. Бу сулуқларга Жазоирдаги ал-алавия (асосчиси Аҳмад ал-Алавий, 1934 й. в.э.), Тунисдаги ал-мадания (асосчиси Муҳаммад ал-Маданий, 1959 й. в.э.), Қоҳирадаги ал-Ҳамидия-аш-шозилия (асосчиси Салама ар-Радий, 50-й.лар охирида в.э.)ни киритиш мумкин. Ҳозирги даврда суфийлик “йўли”дан бориш унинг мухлисларига (шайх ва унинг яқин сафдошлари бундан мустасно) ўз жамоат вазифаларини бажаришига ҳалақит бермайди. Суфийлар орасида (уларнинг кўпчилигини ҳамон қуйи ижтимоий табақалар ташкил этади) бирмунча “обрўли” касб вакиллари: ўқитувчилар, турли даражадаги давлат хизматчилари, учувчилар ва ҳ.к. бор. Уларнинг тариқатга аъзолиги кўп жиҳатдан оилавий аънаналар б-н боғлиқ бўлиб, чуқур ички эътиқод оқибатида эмас.

ТАСБИҲ (араб.) – 1) “Субҳоналлоҳ” (“Аллоҳ ҳар қандай шерикдан пок” калимасини айтиш); 2) дуолар ва ибодат сўзларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган мунчоқ шодаси. Т. ишлатиш кенг тарқалган барча динларда учрайди, диндорлик ва тақводорлик белгиси ҳисобланади. Мусулмонларда 33 бор субҳоналлоҳ, 33 бор алҳамдулиллоҳ ва 33 бор Аллоҳу акбар калималари ушбу тасбих б-н саналади.

ТАФСИР (араб. – баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш) – инсон қудрати етгунча Қуръони каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (сав)нинг даврида юзага келган. У киши одамларга Қуръоннинг маъноларини баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эди. Саҳобаларга Т. илми Пайғамбар (ас)дан мерос қолди. Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва б. Т. илмида машҳур бўлганлар. Тобеинлар эса, Т.ни саҳобалардан ўргандилар. Ва улардан кўнлари бу илмда

шуҳрат қозондилар. Мас.: Мужоҳид ибн Жабр Маккий, Икрима, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Робоҳ ва б. Саҳобалар ва тобеинлар асрида Т. оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, таълиф қилиб ёзилмаган эди. Т.дан биринчи китоб ёзган шахс Абдулмалик ибн Журайждир (8-а.). Кейинчалик Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Нисобурий ва б. муфассирлар шуҳрат топдилар. Т. илми келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнида бир неча қисмларга бўлинган:

Биринчи қисм – “Т. бил маъсур”. Бу қисмдаги Т.да муфассир Қуръон оятларини ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари б-н Т. қилади. Бу услубда ёзилган Т.ларнинг машҳурлари қуйидагилар:

Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг “Жомийул баён фи тафсири Қуръон”, Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад Бағавийнинг “Маъолимут танзил”, Имоиддин Исмоил ибн Касирнинг “Тафсиру Қуръонил азим”, Жалолиддин Суютийнинг “ад-Дуррул мансур фи-т-тафсир бил маъсур” китоблари. Иккинчи қисм – “Т. бир-рай”. Бу қисмда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди ила Т. қилади ва у иккига, жоиз ва ғайри жоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай б-н Т. қилишда муфассир ишончли масдарларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб Т. қилади. Жоиз бўлмаган қисмда эса, муфассир жаҳолат, бидъат ва залолат б-н Т. қилади, шунинг учун ҳам барча алломалар бу навдаги Т.ни ман қилганлар. Жоиз бўлган рай б-н қилинган Т.лардан; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн Фаҳриддин Розийнинг “Мафотихул ғайб”, Насриддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзовийнинг “Анворуттанзил ва асрорут-таъвил”, Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийнинг “Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил” китоблари.

Учинчи қисми – “Т.и ишорий”. Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси б-н Т. қилади. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир. Бу қисмга доир Т.лар: Низомиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Хусайн Хуросоний Найсобурийнинг “Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон”, Шерозийнинг “Ароисул баён фи ҳақоикил Қуръон” китоблари.

Кейинчалик Т.нинг йўналишлари кўпайиб кетди. Мисол учун Қуръондаги ҳукм оятларини алоҳида Т. қилиш йўлга қўйилди. Бу йўналишдаги Т.лар “Аҳком оятлари тафсири” деб номланди. Бу йўналишдаги қад. Т.лардан ҳанафий олимлардан Жассоснинг “Аҳкомул Қуръон” ва б. уламолар ёзган Т.лардан “Тафсирот Аҳмадия” китобларини мисол қилиб келтирса бўлади. Замонавий уламолардан Муҳаммад Али Саиснинг “Тафсиру оётил аҳком” ва Муҳаммад Али Собунийнинг “Равоиъул баён фи тафсир оётил аҳком” китоблари мисол бўла олади.

Шунингдек, маданий Т.лар ҳам ёзилди. Уларда Қуръон оятлари маданият тушунчаси асосида Т. қилинди. Бу хилдаги Т.ларга Саййид Қутб (1966 й. в. э.)нинг “Фи Зилолил Қуръон” ва Муҳаммад Жавод Муғниянинг “Тафсир Кошиф” китоблари мисол бўлади. Илмий Т. атамаси ҳам пайдо бўлди. Бу турдаги Т.ларда оятларда келган маънолар илмий кашфиётларга мослиги ҳақида фикр юритилади. Бу йўналишдаги Т.лар ичида энг машҳурларидан бири Жавоҳирийнинг “Тафсир жавоҳир” китобидир. Кўпчилик уламолар бу китобни Т.дан узоқлашиб кетганликда танқид ҳам қилдилар.

Ўзбекистон ҳудудидан чиққан баъзи машҳур Т.чилардан аввало Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд *Мотуридий*ни кўрсатиш мумкин. У зотнинг аксарият муаллафотлари тавҳид илмида, яъни илми каломда бўлган. Имом Мотуридий ўзларининг “Таъвилот аҳлис сунна” номли тафсирларида илми калом уламолари йўлидан борганлар ва Қуръони карим оятларини ақидада Аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб Т. қилганлар.

Кейингилари Имом Абу Лайс Самарқандий бўлиб, у зот Имом Ҳодий номи б-н машҳур бўлганлар, Имом Абу Лайс Самарқандий кўплаб китоблар таълиф қилганлар. Т. китобларини эса, “Баҳрул улум” деб номлаганлар ва бу Т. “Тафсир бил маъсур” тоифасидандир.

Улуғ Имом Замахшарий турли илмларга доир кўплаб китоблар тасниф қилганлари ва энг машҳур муаллафотларидан бири “Кашшоф ан ҳақоикит танзил ва уйунил ақовил фи вужуҳит таъвил” Т. китоби бўлиб, у кўпчиликка “Кашшоф” номи б-н машҳурдир.

Имом Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн Розийнинг “Мафотихул ғайб” номли Т. китоблари илм аҳли ўртасида оятлар орасидаги муносабатларни ва суралар ўргасидаги боғланишларни баён қилиш ва б. бир қанча имтиёзлари б-н машҳур бўлган.

Имом Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд *Насафий*. Ўзларининг “Мадорикут танзил” номли Т. китобларини таълиф қилишда Имом Замахшарийнинг “Кашшоф” Т.ларидан истифода қилганлар.

Имом Насафийнинг “Мадорикут танзил” номли бу китоблари ҳозирги кунимизгача уламо ва толиби илмлар орасида зўр эътибор б-н шуҳрат топиб келмоқда ва кўпгина ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида ишлатиб келинмоқда.

Қуръон Т.и б-н шуғулланадиган кишида бўлиши зарур шартлар:

Биринчи шарт: Соф эътиқодли бўлиш. Чунки, эътиқод масаласи ўта нозик иш эканлиги ҳаммага маълум. Эътиқод масаласида нуқсонли бор киши Т. қилса, Т. ҳам нуқсонли чиқиши турган гап. Шунинг учун ҳам эътиқодида “Аҳли сунна вал жамоа” мазҳабидан озгина оғиш бор шахсга Т. қилишга изн берилмаган ёки ундок одам қилган Т. йўқ қилинган.

Иккинчи шарт: Хавои нафсга эргашишдан холи бўлиш. Бошқача қилиб айтганда, Т.чи бўлиш ниятидаги шахс тарафқашлик дардига чалинган бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, унинг ишида хиёнат содир бўлиши ҳеч гап эас. Шунинг учун ҳам, қадария, рофиза, муътазила каби тоифаларга мансуб шахсларнинг Т.лари қабул қилинмаган.

Учинчи шарт: Араб тилини ўта яхши билмоқ. Бу ҳеч қандок изоҳга ўрин қўймайдиган шартдир. Қуръон араб тилида нозил бўлган, араб тилини яхши билмай туриб, Қуръонни биламан, дейиш мутлақо ноўриндир. Араб тили нахв, сарф, маоний, баён, бадийъ, фасоҳат каби бир қатор илмларни ўз ичига олади.

Тўртинчи шарт: Қуръонга боғлиқ илмларни яхши билмоқ. Мазкур илмларга жумладан: Қироатлар илми, илми Тавҳид, илми Сабаби нузул, илми Носих ва мансук, илми Ом ва хос, илми Муташобих ва б. бир қанча илмлар қиради.

Бешинчи шарт: Аввало Қуръонни Қуръон б-н Т. қилмоғи шарт. Чунки, бир маъно Қуръони каримнинг бир жойида умумийроқ зикр

қилинган бўлса, бошқа бир жойида батафсилроқ баён қилинган бўлади, бир оятда қисқа ишора қилиб кетилган нарса иккинчи оятда кенгайтириб тушунтирилади. Шунинг учун Қуръони каримни яхши ва чуқур англашда унинг оятларини бир-бирига солиштириб ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Олтинчи шарт: Қуръонни суннат б-н Т. қилмоқ. Пайғамбар (сав)нинг суннати Қуръоннинг шарҳи ва татбиқи бўлиб келган. Шунинг учун Қуръонни Т. қилмоқчи бўлган шахс Пайғамбар (ас)нинг суннатларини жуда ҳам яхши билмоғи шартдир.

Еттинчи шарт: Т.ни Қуръоннинг ўзидан ёки Пайғамбар (сав)нинг суннатларидан топмаса, саҳобаларнинг гапларига қайтмоқ. Чунки, саҳобан киром (ра)лар Қуръони каримнинг нозил бўлишига шохид бўлган, ўша даврда Пайғамбар (сав) б-н бирга яшаган, Қуръонни аниқ тушуниб етган кишилардир.

Саккизинчи шарт: Агар Т.ни юқорида зикр қилинган масдарлардан бирортасида ҳам топа олмаса, тобеъинларнинг Т.ига қайтиш.

Чунки тобеъинлар, саҳобалардан дарс олган авлоддирлар. Саҳобалардан кейин Қуръони каримни энг яхши биладиган авлод ҳам ўша кишилардир.

Тўққизинчи шарт: Ўткир фаҳмли бўлмоқ. Бу сифат, бир маънони иккинчисидан устун кўя билиш ва шариат мақсадларига мос маъноларни истинбот қилиш учун керак бўлади.

Муфассир одоблари қуйидагилардан иборат:
–Яхши ниятли ва соғлом мақсадли бўлмоқ.

–Хусни хулқли бўлмоқ.

–Илмига амал қилмоқ.

–Маъноларни нақл қилишда содик ва аниқ бўлиш.

–Иззатини билмоқ.

–Ҳақгўй бўлмоқ.

–Виқорли бўлмоқ.

–Тавозуъли ва ҳалим бўлмоқ.

–Оғир-босиқ ва салмоқли бўлмоқ.

–Пешқадам олимларни ўзидан устун қўймоқ.

Қуръонни таржима қилишга дастлаб рухсат берилмаган. Уламолар бир овоздан Қуръонни таржима қилиб бўлмайдиганлар. Уларнинг фикрича, Қуръон илоҳий, мўъжиза калом бўлиб, унга ўхшаш арабча калом келтириш имкони бўлмаганидан кейин, унинг мақсадини бошқа тилда, айни шаклда баён қилиш имкони ҳам йўқ эди. Қуръон савиясида бўлмаган

нарсани Куръон, деб аташ эса, мутлақо мумкин эмас. Энг муҳими, Куръон таржимаси, деган даъво б-н кишиларни ҳақиқий Куръондан узоқлаштириш хавфи туғилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, қадимда бошқа тилларда Куръонга ёзилган Т.лар ёки тушунтиришлар бору, аммо, Куръон оятларининг бевосита таржималари йўқ.

Биринчи бўлиб ғарб халқлари Куръонни ўз тилларига таржима қилишни бошладилар. Ана ўша таржималарни нафақат мустамлакачилар, балки, уларнинг тилини биладиган баъзи мусулмонлар ҳам ўқий бошладилар. Ушбу ва б. омиллар уламоларни Куръон маъноларини таржима қилиш масаласини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Мусулмон уламолар Куръон маъноларининг таржимаси ҳақида фатво чиқардилар ва бундай таржима учун керакли шартларни ҳам баён қилдилар. Мазкур шартлар, Куръон маънолари таржимаси унинг Т. дек нарсадир, деган тушунча асосида кўйилган эди. Шу б-н бирга маънолар таржимасига Т.га кўйилган шартлар устига кўшимча шартлар ҳам кўйилди. Улардан баъзилари қуйидагилар:

– Таржимон араб тилини ўта яхши билиши б-н бирга таржима қилинаётган тилни ҳам жуда яхши билиши шартлиги.

– Таржимани. Куръон таржимаси эмас, балки, Куръон маънолари таржимаси, деб аташ ва тушуниш лозимлиги. Чунки, ислом таълимотига кўра, Куръонни айни ўзидек таржима қилиш умуман иложи йўқ нарса ва инсонлар нафақат таржима, балки, араб тилида ҳам Куръоннинг бирор оятига ўхшаш матнни келтира олмайдилар.

– Мазкур маънолар таржимасидан фақат Куръон маъноларини тушунишдаги ёрдамчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги.

– Маънолар таржимасини ибодатда қироат қилиш, улардан ҳукм чиқаришга ҳаракат қилиш, таржималар атрофида ихтилофлар қилиш мутлақо мумкин эмаслиги.

– Куръон маънолари таржимасини ёзганда, албатта, арабча оятлар б-н бирга ёзиш. Чунки, шунда асл матннинг қудусияти балқиб туради. Қолаверса, таржиманинг аниқлигини ҳар доим текшириш имкони бўлади.

Кейинги йилларда Куръон маънолари ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Ҳозиргача иккита тўла маънолар таржимаси бор.

Алоуддин Мансур ва Абдулазиз Мансуров томонидан қилинган таржималар.

Манбалар: Тафсири Табарий. Тафсири Қуртибий. Мабоҳис фи улумил Куръон-Субҳи Солиҳ. Мабоҳис фи улумул Куръон-Манноъ Қаттон. Нузулуд Куръон ало сабъати аҳруф Манноъ Қаттон. Маноҳилул ирфон фи улумил Куръон-Абдул азийм аз-Зарқоний. Итқон фи улумил Куръон-Жалолиддин Суютий. Бурҳон фи улумил Куръон-Зарқаший. Ан-Набаул азим-Абдуллоҳ Дароз. Зоҳира Қуръония-Молик ва б.

ТАФТАЗОНИЙ, Саъиддин Масъуд ибн Умар (1322–1390) – калом илмининг таниқли намояндаси. Нисо ш. (ҳоз. Туркменистон) яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилган. Ал-Ижий ва Қутбиддин ар-Розий каби уламолардан араб тили, илоҳиёт, мантик, нутқ санъати асосларини ўрганган.

30 йилга яқин Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларини кезиб, мадрасаларда ислом фалсафаси, калом, мантик илмидан дарс берган, мазкур фанлар соҳасида асарлари б-н машҳур бўлган. Амир Темур таклифи б-н Самарқандга келиб, умрининг охиригача саройда яшаган.

Энг машҳур асари – “Таҳзиб ал-мантик ва-л-калом”, (“Мантик ва каломдаги тузатишлар”) Жалолиддин Давоний ва Курдистоний шарҳлари орқали, “Мақосид ат-толибин” (“Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари”) китоби эса ўзининг шарҳлари б-н бизгача етиб келган. Т. Куръон тафсирининг ҳам муаллифидир.

Т. ўз асарларида илми каломнинг муҳим мавзуларидан бири – инсоннинг ирода эркинлиги масаласига кенгроқ тўхталди. Унинг фикрича, олижаноблик хислати ва хайрли ишлар аслида Аллоҳнинг моҳиятидан келиб чиқади ва У инсонларни ёмон хулқ-атвордан тийилиб туришга буюради. Ёмон хулқ, гуноҳлар эса инсон учун хос бўлмай, шулар воситасида синовдан ўтказиб турилади. Бинобарин, Аллоҳ ўз бандаларига икки йўлни кўрсатади, яъни инсон хайрли, шарафли ишлар қилиб, савоб олади ёки номатлуб ишлар б-н машғул бўлиб, гуноҳга ботади ва шунга яраша жазосини олади. Т.нинг таъкидлашича, Аллоҳ томонидан кишиларга кўпроқ хайрли ишларигина буюрилган, ғайри шаърий ишлар эса, инсоннинг ўз иродасига боғлиқдир. Шу

боисдан ҳам Аллоҳ ёмон хулқ-атворли одамларни қилмишига кўра жазолайди. Шунингдек, Т. ислом фалсафаси – каломга мантикий хулосаларни татбиқ этиб, илоҳиётнинг фан сифатида ривожланишига катта хисса қўши.

ТАШАХХУД – қ. *Калимаи шаҳодат*.

ТАШБИҲ (араб. – ўхшатиш) – худони одамларга ўхшатиб таърифлайдиган таълимот (антропоморфизм). Илк ислом илоҳиётида вужудга келган. Қуръоннинг кўп сураларида худо ҳам эшитилади, кўриб туради, ушлайди, жазолайди деб таърифланади. Аллоҳ таоло ўзи ёки Расули васф қилганидек, ўхшатмасдан васф қилинишини яхши кўради. У бизга ўхшаб эшитилади, бизга ўхшаб кўради, каби гаплар айтилиши жониз эмас. Илк ислом илоҳиётчилари ичида Т. тарафдорлари худонинг қиёфасини инсонга ўхшатиб талқин этганлар. Улар муътазиллийларнинг худо ҳеч қандай сифатга эга эмас деган таълимотига (бу таълимот ислом тарихида таътил, унинг тарафдорлари муъаттила деб ном олган) қарши чиққанлар. Таътил – Аллоҳ таолонинг сифатларини инкор қилишдан иборатдир. Уларнинг икковлари ҳам ботилдир. Чунки, таътил қилувчи, йўққа ибодат қилади. Т. қилувчи эса, санамга ибодат қилади. Т. ва таътилга қарши калом тарафдорлари, хусусан Ашъарий қаттиқ кураш олиб борган. Т. ва таътил таълимотлари ва уларнинг тарафдорлари бўлган мушаббиха ва муъаттила алоҳида илоҳиёт оқимига айланган эмас, балки муайян оқимлар (мас., муътазиллийлар)га мансуб илоҳиётчилар таълимотининг бир томони сифатида маълум бўлган. Калом ҳукмрон мафкурага айлангач, бу таълимотлар йўқолиб кетган.

ТАЪВИЛ (араб. – изоҳлаш, асл маъносига қайтариш) — айрим мураккаб оятлар мазмунини ўз билими доирасида изоҳлаш. Маълумки, Қуръони каримда ўнлаб “муташобих” ва “муқаттаот” деб номланувчи оят ва иборалар борки, уларнинг туб маъноларини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким аниқ билмайди. Бу тўғрида Оли Имрон сурасининг 7-оятда баён этилган. Лекин, шунга қарамай, баъзи тафсир уламолари уларни Т. этишга уриниб кўрганлар. Ҳанафий-мотуридий мазхаби бўйича бу каби оятларни Т. қилиш, шарҳлаш ёки изоҳлаш шаккоклик

ҳисобланади. Ким Т. йўли б-н ёки бошқа йўл б-н Аллоҳ таолонинг сифатларини манфий-салбий қилишдан сақланмаса, шунингдек, Аллоҳнинг сифатларини Унинг махлуқлари сифатига ўхшатишдан сақланмаса, ҳақдан тойган бўлади ва ҳеч қачон ноқланишга эриша олмайди. Бу муътазиллийларга ва кўриш масаласида улар б-н ҳамфикр бўлганларга раддиядир. Шунингдек, Аллоҳни Унинг махлуқотларидан бирор нарсага ўхшатадиганларга раддиядир. Т. қилганлар ҳам ўзларига яраша жавоб айтиб: “Агар биз уларга аниқлик киритмасак, чаласавод кишилар турлича фикрга бориб, одамларни чалғитиб юборган бўлур эдилар” – дейди. Имоми Аъзамнинг сифатлардаги мазхаби – ўтган саҳобалар, тобеъинлар ва табаъ тобеъинлар жумхурининг мазхабидир. Қисқасини айтганда, бу асрнинг энг яхши мазхаби бўлиб, сифатларда Т. қилмаслик, уларни Т. номи ила қадария ва муъаттила мазхабларига ўхшаб инкор ҳам қилмасликдан иборатдир. Кейинги пайтда Т. сўзи тафсирлаш, шарҳлаш каби маъноларда ҳам ишлатилмоқда.

ТАЪЗИЯ (араб. – юпатиш, ҳамдардлик билдириш) — азадор кишига тасалли бериш, аҳвол сўраш. Т.да мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига қариндошлари, дўст-ёрлари, кўшнилари, ҳамкасблари томонидан ҳамдардлик билдирилади. Исломда мархумнинг жаноза намозида, дафн маросимида қатнашиш, Т. билдириш савоб ишлардан ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, мўминлар барчалари бир-бирлари ила биродардирлар. Бу биродарликни Қуръон оятлари ва Пайғамбар (ас) ҳадислари ҳам қўллаб-қувватлайди.

Мўмин киши қанчалик солиҳ, эътиқодли, ибодатли бўлса ҳам барибир гуноҳдан холи бўлмайди. Фақат Аллоҳ ва унинг пайғамбарларигина гуноҳсиздирлар. Биродар дегани ака-ука, туғишган деганидир. Бундай ҳолат уларнинг бир-бирларига хайрихоҳ эканликларини тақозо этади. Пайғамбаримиз (ас) “бир мўминнинг иккинчи мўмин биродари орқасидан, гоибона қилган дуоси қабул бўлишга яқин” деганлар.

Вафот этган биродарга энг керакли ва фойдали нарса уни дуо қилиш, гуноҳини Аллоҳдан сўраш. Жаноза ва Т.дан мақсад айнан шундай дуодир. Бинобарин, жаноза Пайғамбаримиз (ас)дан қолган суннат. Бир биродарнинг

иккинчи биродардаги ҳаққи ҳисобланур. Т.нинг муддати ва адади 3 кун ичида бир бор Т. билдириш. Мабодо бу уч кун ичида Т. билдирувчининг имконияти бўлмаса ёки Т. билдирадиган биродар сафарда бўлса, бу муддатдан сўнг билдирса ҳам жоиздир.

ТАЪЛИМИЙЛАР – *қарматлар*нинг иккинчи номи. Буларда фирқага янги кирганларга таълим бериш қаттиқ қоида асосида олиб борилгани сабабли, улар Т. номи б-н ҳам аталган.

ТАЪТИЛ (“маҳрум қилиш, маҳрум деб ҳисоблаш”) – мусулмон илоҳиётчилари томонидан баъзи таълимотларни таърифлаш учун қўлланиладиган истилоҳ. Бу таълимотларга кўра, 1) дунё Яратгувчидан маҳрум (таътил ал-олам анас-соний), “баъзи даҳрийлар”нинг даъвосига кўра, олам тасодифан яратилган деб ҳисоблаш; ёки 2) Яратгувчи яратишдан маҳрум (таътил ас-соний анас-сунъ), даҳрийлар дунёнинг абадий эканлигини даъво қилишлари каби; ёки 3) Яратгувчи сифатлари, исмлари, таърифларидан маҳрум деб ҳисоблаш (таътил ал-борий ан ас-сифат ва-л-асмо ва-л-аҳком), “баъзи қадимги файласуфлар”нинг, шунингдек, “ўта” шиалар ва ботинийларнинг таълимотига кўра; ёки 4) Яратгувчи Ўзининг моҳияти ва ижобий маънодаги сифатларидан маҳрум (таътил ал-барий ан ас-сифат аз-затийа ва-л-маънавийа), шарқий перипатетиклар (мас., Ибн Сино) таълимоти Аллоҳга фақат муносабатдор (сифат ал-идафа) ва салбий (сифат ал-салб) хусусиятлар хос деб даъво қиладилар; ёки 5) Яратгувчи фақат ўзига хос азалий сифатлардан маҳрум (таътил ал-борий ан ас-сифот ал-азалийа аз-зотийа ал-қоъима би-зотихи), муътазиллийларнинг ат-тавҳид таълимотига кўра; ёки 6) Қуръон ва суннанинг матний мазмуни ундаги маънодан маҳрум қилинади (таътил завоҳир ал-китоб ва-с-сунна ан ал-маъоний аллати даллат алайҳо), қачонки мазмунан “равшан” бўлган муқаддас матнлар рамзий-мажозий талқин этилса (ат-таъвил). Мана шу барча маъноларда Т. истилоҳи Аллоҳни юқоридаги 3–5 моддалардаги сифатлардан, исмлар ва таърифлардан “маҳрум” қилган мутафаккирларни таърифлашда ишлатиладиган ал-муъаттила истилоҳи каби ножўя маъно касб этди.

Бу мутафаккирларнинг ўзлари эса, тегишли нуктаи назарларини *ат-танзиҳ* деб баҳолаб уни *ат-ташбиҳ*га қарши қўйганлар.

ТАЯММУМ (араб.) – таҳоратнинг бир тури. Сув бўлмаганда қум ёки тупроқ б-н таҳорат қилиб, рамзий иокланиш.

Сув бўлмаганда ёки сув бўлса ҳам ундан фойдаланиш касалликка олиб келса, сувни олиш имконияти йўқ ҳолларда Т. гусл ҳамда таҳоратнинг ўрнига ўтади. Т. қилиш Қуръон оятлари ва суннат ила собит бўлган. Пайғамбаримиз “агар умматим ўн йил сув топа олмаса Т. кифоя қилади”, деганлар. Т.нинг 4 та фарзи бор. 1. Ният. 2. Ер жинсидан бўлган тоза тупроқ. 3. Икки қўлни тупроққа ёки ер жинсидан бўлган нарсага ёки урса чангги чиқадиган кўрпа, ёстик ва б. тоза матога бир бор уриб, юзига суртади. 4. Иккинчи бор яна икки қўлни уриб, иккала қўлни тирсаги ила қўшиб суртади.

ТАҚВО (араб. – сақланиш, парҳезкорлик, худодан кўркиш) – исломда диндорликни ифодаловчи тушунча. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда Т. бир неча мазмунларда келади. Мас., Аллоҳдан кўркиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик ва б. Одатда динга жуда беришган, ўзини ҳаром ва шубҳалардан сақлаб юрувчи одам тақводор деб аталган.

Аллоҳга Т. қилиш ундан кўркишдир. Аллоҳдан кўркиш эса, гуноҳ ишларни тарк этиш ва б. савоб ишларни кўплаб қилиш б-н содир бўлади. Ислом динини бир томонлама талқин қилувчиларда тақводорлик тўғрисида нотўғри тушунча шаклланган. Аксарилар Т.ни тарки дунё қилиш, қоронги хонага кириб зикру ибодат б-н машғул бўлиш деб тушунадилар. Ҳазрати Умар (ра)дан Т. нима, деб сўраганда, араблар сертикон майдондан яланг оёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишни Т. деб атайдилар, деганлар. Ҳаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса, Т. қилган бўлади. Оқибатда Т. инсон қалбидаги ҳолатга айланади. Бу ҳолат қалбни ҳассос қилиб, ҳар доим Аллоҳдан кўркиш сезгиси б-н яшайдиган қилиб кўяди.

ТАҚДИР (араб. – олдиндан белгиланган ҳаёт йўли), қ и с м а т – инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳамда оламдаги барча ҳодисаларни Аллоҳ иродасига боғловчи диний тасаввур. Исломда (суннийликда ҳам, шиаликда ҳам) расман эътироф этилган *ақид*лардан бири. Т.га ишониш барча динларга хосдир. Лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлар б-н талқин этилади. Исломда Т. худонинг қудрати тарзида намоён бўлади. Қуръонда

“одамлар фақат худо хоҳлаганинигина хоҳлай оладилар”, “худо ўз истаганини қилади” деган оятлар б-н таъкидланади. Исломда Т. масаласида *қадарийлар* б-н *жабарийлар* ўртасида тортишувлар бўлган, *каломда* ўртача йўл топишга ҳаракат қилинган.

Мутакаллимлар тақдирни инсон ирода эркинлиги б-н келиштиришга ҳаракат қилган, банданинг гуноҳлардан холи бўлиши, унинг диний эътиқодига, диний фаолиятига – савоб иш, хайр-эҳсон қилишга боғлиқ деб билган. **ат-ТАҚИЙА** (тақия; “ақл б-н иш кўриш”; “эҳтиёткорлик”) – “ақл б-н иш кўриб ўз динини яшириш”ни англатувчи термин. Шиаликнинг етакчи тамойилларидан бири. Мусулмон илоҳиётчилари учун ат-Т.га рухсат этилишига асос бўлиб Қуръон ва Пайгамбар суннати хизмат қилади; уларнинг талқинига кўра, Қуръон ўта зарур ҳолларда диндан юзаки равишда қайтишга (16:106/108), кофирлар б-н дўст тутинишга (3:28/27), диний кўрсатмаларни бузишга (6:119; 5:5) изн берган. Илоҳиётчилар ат-Т.нинг мумкинлиги ҳақида мисол тариқасида Расулulloҳ (сав)нинг биринчи сафдошларидан бири Аммор ибн Ёсирнинг қилган ишини келтирадилар, унга кўра, Аммор гарчи исломдан юзаки равишда қайтган бўлса-да, аммо, қалбида Аллоҳ ва унинг расулига бўлган имонини асраб қолган. Сунний мусулмонлар учун ат-Т. фақат назарий аҳамиятга эга. У фақат мусулмон учун ўлим хавфи туғилган чоғидагина лозим, шунда ҳам у фикран изоҳ бериши керак бўлади.

Ҳоз. ислом оламида, шиалар озчиликни ташкил этган мамлакатларда (Ливан, Покистон, Афғонистон ва б.) ат-Т. тамойили ўз кучини сақлаб қолган.

ТАҚЛИД (араб. – бошқага эргашиш) – ислом анъанасида нуфузли таълимот ёки шахсни тўлиғича эътироф этиш ва унга эргашиш қондаси. Ислом илоҳиётида 11–12-адан кейин уламоларга диний таълимот соҳасида мустақил фикр юритиш (ижтиҳод) ман этилган бўлиб, фақат илгариги мужтаҳидлар таълимотига эргашиш, тақлид қилиш ҳуқуқи қолдирилган. Бу қоида Т., унга амал қилувчи уламолар (мужтаҳидлардан фарқ қилган ҳолда) мукаллимлар деб юритилган.

ТАҲАЖЖУД (таҳажжада феълдан – бедор бўлмок, бедорлик) – тунги намоз ёки тунда Қуръон ўқиш. Т. амалиёти, худди истилоҳнинг ўзи сингари Қуръонда қайд этилган (17:79/81; шунингдек, к. 51:17; 25:64/65; 76:25/26; 11:114/

116; 73:1-4). Мухаммад (сав)нинг Маккада яшаган даврларида тунги ибодат фарз саналган ва мусулмонлар туннинг кўп қисмини ибодатда ўтказганлар. Бироқ Мадинада Т.нинг фарзлиги бекор қилинган (к. Қуръон 73:20). Шунга қарамасдан исломда тунги ибодатлар сақланиб қолган. Айниқса, рамазон ойида, *тарових* (бирлиги – тарвиха – ором олиш) ўқиш мақтовга сазовор амаллардан ҳисобланади.

Тунги намозга бир ёки бир неча (13 тагача) ракаат қўшиб ўқилиши (бунда умумий ракаатлар сони тоқ бўлиши керак бўлган) ҳам маъқулланган. Бундай намозни *витр* (тоқ, жуфт эмас) деб аташган.

Ханафийлар фикрича, витр фарз саналади. Бошқа мазҳабдагилар уни маъқуллашади, бироқ фарз эмас, деб ҳисоблашади. Тунги ибодат жуфт ракаатлардан ташкил топса уни шафъ (“жуфт”) деб аталади. Витр ёки шафъни туннинг хоҳлаган пайтида амалга ошириш мумкин, лекин у бир кечанинг ўзида икки марта ўқилмаслиги шарт. Муаззин тунги ибодатга икки марта чақиритиши ва у “ибодат уйқудан афзал” сўзлари б-н бошланиши лозим. **ТАҲОРАТ** – намоз ўқиш, ибодат, кироат олдиан ювиниш, покланиш. Бундай покланиш одати деярли барча динларда бор. Исломда Т.нинг икки тури мавжуд: *вузуъ* – кичик таҳорат – қўл-оёқ ва юзни ювиш; *ғусл* – катта таҳорат – тўла ювиниш, чўмилиш. Т.нинг тўртта фарзи, яъни қилиниши зарур қисми бор. Юзни, икки қўлни тирсак ила қўшиб ювмок, бошнинг тўртдан бир қисми миқдорига масҳ тортиш – икки қўлни хўллаб суртиш, икки оёқни тўпиғи ила қўшиб ювиш.

ТЕРМИЗИЙ Абу Исо, И м о м Т е р м и з и й (тўлиқ номи Абу Исо Мухаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий; 824/825 – 892) – машҳур муҳаддис. Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилди. Ёшлиқ чоғларидан илмга катта кизиқиш ва иштиёқ кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Марв ва б. шаҳарлардаги машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини ўргана бошлади. Т. ҳадис ўрганиш ва уларни йиғиш учун 20 й. ўзга юртларда бўлди. Нишопурда Имом Бухорий б-н учрашиб, кўп ҳадислар хусусида фикр алмашди. Бу учрашув ва буюк аллома б-н беш йил биргаликда яшаши Т. ҳаётида катта ўрин тутди, “ал-Жомий ас-сахих” (“Ишонарли тўппам” ёки “Сунани Термизий”) асарининг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Т. ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқлашда яна бир

босқичга кўтарилди. Агар Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг ишончилигини белгилашда барчадан устун бўлса, Т. ҳадиснинг даражасини аниқлашда “саҳиҳ”дан кейин “ҳасан” босқичини ҳам киритди.

Ҳасан – заиф бўлмаса-да, саҳиҳдан даражаси пастроқ ҳадисларга нисбатан берилган баҳо. У ҳадиснинг қоиуншуносликка қандай тааллуқли эканини ҳам кўрсатди. Имом Муслим ва Имом Абу Довудлар б-н ҳам суҳбатлашган. Т. “Жомий ас-саҳиҳ”дан ташқари “Шамоили Набавия” (“Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари”), “Китоб уз-зуҳд” (“Зоҳидлик китоби”) “Асмоъ ус-саҳоба” (“Саҳобаларнинг исмлари”), “ал-Асмоъ вал-куно” (“Исмлар ва куньялар”), “Китобул-илал” (“Иллатлар китоби”) ва б. асарлар ёзган. “Шамоили Набавия” (“Шамоили Муҳаммадия”, Тошкент 1991), “Сунани Термизий” (Тошкент, 1999) китоби ўзбек тилида чоп этилган. Т. фикҳга оид китоб ҳам ёзган, лекин у бизгача етиб келмаган.

1990 й.да Т. таваллудининг 1200 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди.

ТЕРМИЗИЙ ал-Ҳаким, Ҳ а к и м Т е р м и з и й (тўлиқ номи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий) (9-а. охирида вафот этган) – суфийликнинг йирик вакили. Термиз ш.да туғилган. Ўзи ёзган “таржимаи холи”га кўра, 8 ёшидан бошлаб диний илмлар б-н шуғулланган. 28 ёшида ҳаж зиёратидан қайтгач, суфийлик йўлига киради. Абу Туроб Нахшабий, Яхё Жалла Аҳмад ибн Хадравайх ва б. суфийларни Т.нинг пири деб ҳисоблайдилар. Т. асарлари (улар 80 га яқин) суфийлик тарихини ўрганишда аҳамиятлидир. Уларда жон, унинг ҳолатлари ва ҳаракатлари, инсоннинг ўзини такомиллаштириши, тубан туғма ҳирс-туйғуларини жиловлаб, ўз-ўзини поклаши зарурлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган, бу эса, кейинги даврларда яшаган суфийларга кучли таъсир ўтказган. Т. фикрича, ақл-заковат ўзлаштира оладиган энг олий билим – маърифат ёки ҳикматдир, бу – инсон калбини ёритувчи “илоҳий нур”дир. Турфа илмларни ўқиб-ўрганиш жараёнида уни эгаллаш мумкин, аммо, асл маърифат Аллоҳнинг ўзи ярлақан зотларгагина насиб бўлади. Т. суфий-авлиёларни айни шундай зотлар сирасига киритади. Илм-фаннинг турли соҳаларида машҳур бўлгани учун замондошлари Т.ни “ал-Ҳаким” деб улуғлашган.

ТЕРМИЗИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ – Термиз қалъасининг шим.-ғарбида барпо этилган меъморий ёдгорлик (10–14-а.лар). *Термизий* ал-Ҳаким мақбараси қад. хонақоҳ хужраларидан бири бўлиб, аллома шу ерда фаолият юритган: муридлари, шогирдлари ва б. дарвишларни қабул қилган, улар б-н суҳбатлашган. Шу хонақоҳда дафн этилган. Қабр устига Амир Темурнинг ўғли Шохрух даврида катта қабртош ўрнатилган. Ҳаким ат-Термизийнинг “Жомей ал-усул” асари Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда.

ТИЖОНИЙА – Шим. Африкадаги нуфузли суфийлик тариқати. 18-а. охирида Аҳмад ат-Тижоний (1737–1815) асос солган. У ўз таълимотида Ибн Арабий (1240 й. в.э.) қарашларига таянган. Тижоний ўзини “олий кутб” (кутб ал-ақтоб) ва айни вақтда “Муҳаммад валийлиги муҳри” (хатм ал-вилая ал-муҳаммадийа) деб эълон қилган. Шунга асосан, у ўзини мутлак “бенуксон” (ал-исма) эканини, Т. таълимоти ва ибодатларини бевосита Муҳаммад (сав)дан олганлигини даъво қилган. Т. тарафдорлари ўзларини “Аллоҳ томонидан мумтоз ҳисобланган” деб санаб, бошқа мусулмонларни “адашганлар” деб ҳисоблаганлар.

20-а. 20-й.ларида Марокаш, Жазоир ва Тунисда Т.га қарши чиқишлар бўлиб, унинг мавқеи анча пасайган. Шунга қарамай, араб оламида, шунингдек, африкаликлар орасида бугунги кунда ҳам Т. тарафдорлари анчагинадир.

ТИЛОВАТ – кўпроқ Куръон ўқиш маъносида ишлатилади (қ. *Қироат*).

ТОАТ (араб. – итоат қилиш, бўйсунуш) – Аллоҳга эътиқод қилиш, хатги-ҳаракат ёки итоат этишни намоён қилиш, диний мажбуриятларни адо этиш. Ўрта аср сунний уламолари Т.ни илоҳий амрга риоя этиш ёки мос келиш (мувофақат ал-амр) деб таърифлашган ва уни бир неча даражага бўлишган. Т.нинг инсонни Аллоҳ олдида тақводор (мўмин) қилувчи ва унга жаннатни ваъда этувчи энг юқори даражаси – бу диннинг асоси (усул ад-дин)ни Аллоҳнинг ягоналиги, илоҳий адолатни тақдир азал ва б.ни ҳамда ислом динининг бешта асосий арконини (аркон шарият ал-ислом: Аллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммад (сав) унинг пайғамбари эканини, намоз, закот, рўза ва ҳаж амалларини) билишни ўз ичига олади. Шарият томонидан белгилаб қўйилган ушбу амаллар (мажбуриятлар)ни адо

этиш ҳам Т. деб аталади. Т.нинг кейинги даражалари этикод қилишнинг санаб ўтилган арконларига амалда риоя этишни, белгилаб қўйилган диний мажбуриятларга нафақат риоя этишни, балки ҳар қандай гуноҳлардан холи бўлиш учун қўшимча (навофил) мажбуриятларни бажаришни ҳам ўз ичига олади. Т.нинг даражаларини мусулмон уламолари инсоннинг бу дунёдаги (жизядан, асирликдан озод бўлиш, мусулмон одатига кўра дафн этилиш, худонинг марҳаматига сазовор бўлиш ва ҳ.к.) ҳамда нариги дунёдаги ўрни (дўзахда абадий қолишдан халос бўлиш, жаннатга кириш тартиби ва ҳ.к.) б-н ҳам боғлаганлар.

ТОБЕЪИНЛАР (араб. – қарам, издош) – ислом тарихида *саҳобалар*дан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами Т. деб, ундан кейинги даврдаги илоҳиётчилар Т.нинг тобеъинлари (таба Т.) деб юритилган. Т. уч табақа: кубро (катта), вусто (ўрта) ва суғро (кичик) тобеъинлар. Саҳобалардан кўпроқ ривоят олган Саъид ибн ал-Мусаййаб, Урва ибн Зубайр, Алқамма ибн Қайс – куброга, Ҳасан Басрий, Муҳаммад ибн Сирин, Мужоҳид, Икрима, Қатода, Умар ибн Абдулазиз ва б. – вустога, кўпроқ Т.дан ривоят олган Иброҳим ан-Наҳайй қабилар суғрога киришган. Барча уламолар энг машҳур ва энг фозил сифатини Т.дан Саъид ибн Мусаййабга нисбат берадилар. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Хафиф Шерозий айтидики:

- 1) Мадина аҳли Саъид ибн Мусаййабни;
- 2) Куфа аҳли Увайс Қаранийни;
- 3) Басра аҳли эса, Ҳасан Басрийни энг афзал ва энг машҳур тобеъин деб биладилар.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ, И м о м а л - Б у х о р и й н о м и д а г и Т о ш - к е н т И с л о м и н с т и т у т и – олий диний ўқув юрти. 1970 й. ташкил этилган. 1971 й. окт.дан фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида. Динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар, имом хатиблар тайёрлайди. Ўқиш муддати 4 йил. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, таълим ҳақидаги бошқа ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қарор ва кўрсатмалари асосида олиб боради. Дарслар ўзбек ва араб тилларида

ўқитилади. Инглиз, форс ва рус тиллари ҳам ўргатилади.

Республикаимиз истиклолига қадар собиқ Иттифокда ягона олий ислом ўқув юрти бўлган, унда Закавказье, Шим. Кавказ, собиқ СССРнинг Европа қисми ва Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идоралари учун диний ходимлар тайёрланган. Т.и.и. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида ўрта умумтаълим ҳамда ўрта махсус диний маълумотга эга бўлган 35 ёшгача ёшларни қабул қилади.

Бу ерда 130 талаба таҳсил олади (2003 й.). Талабаларга диний фанлар б-н бир қаторда “Ислом тарихи”, “Динлар тарихи”, “Араб мамлакатлари тарихи ва географияси” ҳамда Ўзбекистон тарихи каби фанлар ўқитилади.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ – олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 й. 7 апрелдаги Фармонида биноан ташкил этилган. Асосий вазифаси ва мақсади – ислом динига оид бой ва ноёб маънавий-маданий меросни чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш, шу соҳада юқори малакали мутахассис ходимлар тайёрлаш. Ун-тнинг ф-тлари: ислом тарихи ва фалсафаси; шариат (фикҳ), иқтисод ва табиий фанлар. Ўқув босқичлари: бакалаврият – 4 й.; магистратура – 2 й. Ун-тнинг кафедралари – диншунослик, ислоршунослик, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; фалсафа; ислом ҳуқуқи; халқаро иқтисодий муносабатлар; шарқ тиллари; ғарб тиллари; информатика ва табиий фанлар; жисмоний тарбия ҳамда жаҳон динларини қиёсий ўрганиш бўйича ЮНЕСКО кафедраси. Ун-тда 500 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда (2003 й.). Ун-т таркибида Ислоршунослик илмий-тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда. Унинг бўлимлари: Куръон, тафсирларни ўрганиш; ислом тарихи ва фалсафаси; шариат (фикҳ); маънавият, маданият ва санъат; манбашунослик ва қўлёмаларни ўрганиш. Ун-тда гимназия ва академик лицей мавжуд.

Ун-тда “Шарқшунослик фанлари” соҳаси бўйича докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгаш тузилган. Ун-тда манбалар ҳазинаси ташкил этилган. У мамлакатимиз ва хорижда мавжуд бўлган қўлёмза ва нодир китоблар б-н бойитилмоқда.

Шарқ ва Ғарб тилларини ўқитиш мақсадида замонавий техник воситалар б-н таъминланган. Ҳоз. кунда ун-т АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Россия, Саудия Арабистони, Миср Араб Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари ва б. давлат ун-тлари ҳамда и. т. марказлари б-н алоқалар ўрнатган.

ТУЛАЙҲА (Талха исмининг кичрайтирилган шакли) – Талха ибн Хувайлид (?–642(645) – Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг Арабистонда пайдо бўлган сохта пайғамбарлардан бири. Т. Асад қабиласи лашкарбошиларидан бўлиб, мусулмонлар б-н 626 ва 627 й.лардаги жангларда қатнашган. Ўткир зехни ва башорат қилиши б-н шуҳрат қозонган. 631–632 й. саҳрода ногаҳон қудук топиб олгач, ўзини пайғамбар деб эълон қилган. У ўзига Аллоҳ номидан фаришта ёки Зу-н-Нун исми шаҳс ваҳий келтиришини айтган: арабларнинг келажақдаги ғалабалари, хусусан уларнинг Сурия ва Ироқни забт этишларини башорат қилган. Ўз қўл остига Асад, Фазора ва Тайй қабилаларининг бир қисмини тўшлаб, Муҳаммад (сав) б-н музокара олиб боришга ҳаракат қилган. Баъзи маълумотларга кўра, у Мадинада исломни қабул қилган, сўнгра ундан воз кечган. 632 й. Муҳаммад (сав) вафотидан сўнг Т. қўшини Холид ибн Валид қўмондонлиги остидаги қўшин томонидан тор-мор қилинган. Т. қочган, яширинган, сўнгра исломни қабул қилган ва Сурия ва Ироқни фатҳ этилишида қатнашган.

ТУМОР (араб. – ўроғлиқ хат, нома, ёзув) – халқ тасаввурида ғайритабиий, сеҳрли кучга эга бўлган, эгасини офат ва фалокатлардан, ёмон кўзлардан асрайдиган ашё, битик. Ислом ақидасига кўра, Т.га оят ёки ҳадислардан олинган дуо ва илтижога оид иборалар ёзилган бўлса, уни тақишнинг зарари йўқ. Фақат уни тоза сақлаш, оёқ ости қилмаслик шарт ҳисобланади. Яна Т.нинг ўзи эмас, балки унда ёзилган битиклар шарофатидан Аллоҳ асрайди, деб эътиқод қилиш керак бўлади. Лекин Т.да мазкурлардан бошқа нарсалар ёзилган бўлса, унинг на ҳурмати, на хосияти бор ва шаръан жоиз ҳам эмас.

ТУСИЙ, Носириддин Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад (1201–1273/74) – файласуф, табиётшунос ва диний-сиёсий арбоб. Тус ш. яқинидаги Жаҳрунда туғилган. Диний ва фалсафий илмларни 1216 й.дан Нишопурда, шаҳарни мўғуллар босиб олганидан кейин (1222) эса, Тусда ўрганган. 1228–55-й.ларда

исмоилий ҳукмдорлар, жумладан, Кўхистон ҳоқими Носириддин ва унинг ўғли Муиниддин саройида хизмат қилган. Т. уларга одоб-ахлоққа доир “Ахлоқи Носирий” ва фалакиётга оид “ал-Муиниййа” рисоаларини бағишлаган, 1255–73 й.ларда мўғул ҳукмдорлари Хулоку ва Абақа ҳузурида масъул лавозимларни эгаллаган. Бағдодда вафот этган. “Ат-Тажрид” (“Нутқ поклиги”) ва “Кавоид ал-ақоид” (“Ақидалар асоси”) асарлари фикх ҳамда каломга бағишланган. Т. калом илми масалаларини Аристотель фалсафаси асосида ҳал этиб, бу соҳада Абу Али ибн Сино анъанасига риоя этган. Т. суфийликка қизиқиш б-н қараган, ўз даврининг машҳур суфийлари б-н ёзишиб турган. Тиббиёт, риёзиёт, табиат ва айниқса фалакиётга оид асарлар муаллифи, Мароға расадхонасининг асосчиси сифатида шуҳрат қозонган. Шиа доираларида файласуф олим саналиб, катта обрў орттирган.

ТУСИЙ, Шайх ат-Тоифа Муҳаммад ибн Ҳасан Абу Жаъфар (995–1067) – шиа илоҳиётчи олими ва фақиҳи, имомийлар намояндаси. Имомийлар (жаъфария) фикҳини тузган. Хуросонда туғилган. 23 ёшида Ироққа бориб, имомий шайхлар кўлида беш йил таҳсил кўрган. Кейинчалик чуқур билими туфайли Бағдодда имомийлар жамоасининг пешвоси деб тан олинган. Аббосий халифа ал-Қоим би-амриллоҳ Т.ни илоҳиёт минбарига раҳбар этиб тайинлаган. Т. маърузаларидан баҳраманд бўлган шогирдлари сони 300 га етган.


Шиа уламолари Т. 47 асар ёзган деб ҳисоблайди, улардан 13 таси сақланиб қолган. Шиаларнинг кейинги барча авлодлари мазкур асарларга шиалик ақоиди ва фикҳи бўйича ишончли манба деб қарайдилар. Т.нинг “Таҳзиб ал-аҳком” (“Ҳукмларни ислоҳ қилиш”) ва “ал-Истибсор” (“Синчковлик”) асарлари – шиалик оламида тан олинган тўртта ҳадис тўпламининг иккитаси – асосий тўплам саналади. Т.нинг “ат-Тахлис” (“Нажот”) асарида имомийларнинг имомат ҳақидаги таълимоти батафсил баён этилган. 20 жилдли “Тафсири Тусий” асарида эса, Куръондаги илоҳиёт масалалари шиалар нуқтаи назаридан шарҳланган. “Ал-Фихрист” (“Мундарижа”) китоби шиа муаллифлари ҳақида дастлабки тўлиқ маълумотни беради. Т. номи ва асарлари ҳоз. Эронда жуда қадрланади. Техронда Т. таваллудининг 1000 йиллиги тантанали нишонланди.

ТУСТАРИЙ, Абу Муҳаммад Саҳл ибн Абдуллоҳ (тахм. 818–896) – илк

мутасаввифлардан, мутафаккир. Тустар (Шуштар)да араб ёхуд форс маволи оиласида тугилган. Суфийлик таълимини амакиси Муҳаммад ибн Саввардан олган. Ёшлигида Басра ва Ободонга бориб шайх Абу Ҳабиб Ҳамза ал-Ободонийдан таълим олган. 834 й. Маккага ҳажга бориб, машҳур Зу-н-Нун ал-Мисрийни учратган ва унга шогирд тушиб, гоъвий меросхўри бўлган. Тустарга қайтгач, Т. деяри йигирма йил зоҳидликда яшаган: доимий рўза тутиб, ёлғизликни ихтиёр этган, туналари бедор бўлган ва б. Фақат Зу-н-Нун вафотидан сўнг (860 й.) у очик ваъз б-н чиқишга журъат этган ва бу б-н кўплаб тарафдорлар ва рақиблар орттирган. Рақибларининг тазйиқи, сиёсий нотинчлик (саффорийлар исёни, кул-занжийлар кўзғолони) Т.ни Басрага кўчишга мажбур қилган. Бу ерда у умрининг охирига қадар солих амаллар ва мударрислик б-н шуғулланган. Т.ни ўнга яқин асарлар ёзган деб ҳисоблашади. Куръонни мажозий таъкир қилган Т. бир қатор қоидаларни олға сурган, улар суфийлик гносеологияси, космогонияси ва психологиясига катта таъсир кўрсатган. Унинг фикрича, олам яралишидан аввал инсонларнинг руҳлари ва худо ўртасида “битим” (мийсок) имзоланган; руҳлар худони ўзларининг эгаси, рабби деб эътироф этишган (Куръон, 7:17) ва ўзларини Унинг паноҳига топширишган. Бунинг эвазига уларга Қиёмат куни “Ҳақнинг жамолини кўриш бахти” (мушоҳадат ал-ҳаққ) ато этилган.

Т. шогирди Муҳаммад ибн Салим ва унинг ўғли Аҳмад ибн Салим Басрада илоҳиёт мактаби барпо этишган, у ас-салимийа деб номланган. Бу мактаб Т. қарашларини кейинги авлодга етказган.

ТЎҒОН (араб. – сув тошқини) – яҳудий, масиҳий ва ислом динларининг илоҳий китобларида нақл этилган оламнинг сув босиши. Куръони каримнинг бир неча оятларида бу воқеа Нух пайғамбар даврида содир бўлгани қайд этилган. Т. балосининг рўй беришига боис – Нух (ас) кўп йиллар мобайнида ўз қавмини Аллоҳнинг яғоналиги ва ўзининг пайғамбарлигини тасдиқ этишга, итотсизлик қилмасликка, сохта маъбудаларга сиғинмасликка чақиради. Лекин қавми унга кулоқ солиш ўрнига уни масхара қилиб, кундан-кунга ҳаддан ошаверади. Тоқати ток бўлган пайғамбар улар шаънига дуои бад қилиб, уларга киргин балосини Аллоҳдан сўрайди. Дуои ижобат бўлади. Аллоҳнинг буйруғи б-н у катта бир кема ясайди ва унга барча жониворлардан бир жуфтдан олади. Ўзи ва оила аъзолари ҳам кемага минадилар. Қолган барча осий инсонлар ва жониворлар Т. натижасида ҳалок бўлади. Бу кема кўп қаватли бўлиб, унинг олди қисми хўрознинг боши шаклида, орқа қисми эса, унинг думи кўринишида бўлган; ривоятларга кўра, кемага биринчи бўлиб чиққан жонзод – чумоли, сўнггиси – эшак ва у б-н бирга Иблис (Шайтон) чиқиб олган. Кемада Одаматонинг жасади сақланган. Бўрон тўхтагач, Нух (ас) қуруқликни излаш учун қаргани юборган, бироқ у ер ва егуликни топгач, қайтиб келмаган. Сўнгра каптар юборилган, у янги бутокча олиб келган. Бунинг мукофоти эвазига каптарга чиройли шода тухфа этилган, у шундан буён барча каптарларнинг бўйини безаб туради. Нух кемаси Жудий деб номланувчи тоғ устида тўхтади. Кейинги маълумотларга қараганда, кема қолдиқлари Арарат тоғлари устидан топилган.



УВАЙС ҚАРАНИЙ (? – 657) – суфийликдаги увайсия тариқати асосчиси. Муҳаммад (сав) даврларида яшаган бўлса ҳам у зот б-н учрашмаган. Ривоятларга кўра, Расулulloх (сав) Уҳуд тоғи этагидаги жангда (625 й.) муборак икки тишларидан ажралганларида (бошқа манбаларга кўра олдинги пастки жағларидаги бир тишга тош тегиб майдалаб юборган) бундан хабар топган. У.Қ. Муҳаммад (сав)га бўлган юксак ҳурмати юзасидан, ул зотга душманлар етказган ситамни ўзида синаш мақсадида аввал бир тишини, сўнгра шубҳага ўрин қолмаслиги учун ўзининг барча тишларини суғуриб олган. Муҳаммад (сав) унга саҳобалар қаторига қўшилишини таклиф этганлар. Увайс 70 ёшли онасидан Расулulloх (сав) ҳузурларига боришга изн сўраган. Онаси ундан пайғамбар (ас)дан бу ҳақда сўрашни маслаҳат қилган. Муҳаммад (сав) кекса онанинг хизматини адо этиш барча нарсадан аъло эканлигини айтиб, унга онасининг ёнида қолишга рухсат берганлар. Муҳаммад (сав) вафотлари олдидан ҳазрати Алига хирқаларини У.Қ.га топширишни васият қилганлар. У.Қ. Али(қв)нинг Муовия б-н бўлган Сиффин жангида ҳалок бўлган. Бошқа маълумотларга кўра, У.Қ. Хўтанда вафот этиб, шу ерга дафн этилган.

УЗАЙР – Қуръонда номи зикр этилган шахс; яҳудийлар уни Аллоҳнинг ўғли санашлари

мусулмон ақидасига кўра, худди христианларнинг Исони Худонинг ўғли дейишлари каби жинойт ҳисобланади. Қуръонда бир марта эслатилган: “Ва яҳудийлар айтдилар: “Узайр – Аллоҳнинг ўғли”. Ва христианлар айтдилар: “Халоскор – Аллоҳнинг ўғли” (9:30). Одатда У. Библиядаги пайғамбар Эзра б-н айнан ҳисобланади. Яҳудийлар Нух кемаси ва Тавротни йўқотгач, У.дан Тавротни ўрганганлар, бу билимни эса, У.га Аллоҳ туширган. Кема қайтгач ва Тавротнинг асл матни қўлга теккач, У. айтган барча нарсалар тўғрилиги, унга мос келиши аниқ бўлган. Бундан ҳайратга тушган исроилликлар У.ни илоҳий – Аллоҳнинг ўғли деб билганлар. **УЗЗО** (“Қудратли аёл худо”) – қад. араб маъбудаси; 5–6-а.ларда Арабистоннинг кўп ерларида, хусусан Ҳижоз, Хиро, Набатеяда У.га топинилган. Макка яқинидаги Хурад водийси Сурия ва Ироққа борадиган савдо йўлининг бошида жойлашган бўлиб У.га топинишнинг асосий маркази ҳисобланади. У. ибодатхонаси (ал-Уззо ас-Саъида) “муқаддас ҳудудда” жойлашган бўлиб, унда учта муқаддас нарса – самура (акация), муқаддас тош, бино (байт) бўлган. У ерда қурбонликлар қилиниб олиҳадан кўмак сўрашган, уни мунтазам зиёрат қилиб туришган. У. қурайшийларнинг учта асосий маъбудалари (ал-Лот, Манот б-н бирга)дан бири

бўлиб, баъзан ал-Лот ва Манот У.нинг қизлари деб аталган.

Макка фатҳ этилгандан сўнг Муҳаммад (сав) топшириқларига кўра Холид ибн Валид У. ибодатхонасини бузиб, дарахтларни чопиб ташлаган.

УЗЛАТ (араб. – чекиниш; кишилардан четлашиш; узлат этиш – ёлғизликни ихтиёр қилиш) – холи жой; танҳолик; ҳеч нимага боғланмаслик; дунёнинг хилма-хил ғавғоларидан фориғлик. Суфийлар учун Муҳаммад (сав)нинг Ҳиро тоғида ўтказган У.даги ҳаётлари ибрат ва намуна бўлган. Тасаввуфда У. дейилганда шайх, пир, мурид раҳнамолиги ва кўрсатмаларига биноан муриднинг махсус бир гўшада беркиниб, ибодат ва зикр орқали Аллоҳ б-н зоҳиран алоқа боғлаши тушунилади. Камида 40 кун давом қиладиган бу жараёнга “чилла” дейилган. Дин ва тасаввуфда ҳаётни батамом хилватда ўтказиш лозимлиги зинҳор тарғиб этилмаган. Тасаввуфга кўра, У. ҳаётдан қочиш, кундалик турмушдан ажралиб яшаш, одамлардан бешиш эҳтиёжмас, балки маълум муддат рухий камолотга эришиб, яна фаолиятни давом эттиришдир.

УЛАМО (араб. – олим сўзининг кўплиги – билимдон) – ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари.

УМАВИЙЛАР – араб халифалари сулоласи (661–750). Асосчиси – маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар зодағони Абу Суфённинг ўғли Муовия. Қурайшлар Маккадаги бадавлат қабилалардан ҳисобланган. Муовия халифа Али ибн Абу Толиб ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 й.да улар ўртасида уруш бошланди. Уч ой давом этган уруш натижасиз тугади. Али вафоти (661)дан кейин араб зодагонлари ва ҳарбий бошлиқлар ёрдамида Муовия халифалик тахтини эгаллайди. У. бир қанча маъмурий ва ҳарбий ислохотлар (халифа лавозимини наслий меросга айлантириш, давлат хазинаси ҳамда давлат архивини ташкил этиш, араб тилини давлат тили деб эълон қилиш ва б.) ўтказдилар. Бу тадбирлар У. давлатининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий қудратини оширди. У. пойтахти

Дамашқда қолди (шунинг учун адабиётларда У. ҳукмронлиги даври Дамашқ халифалиги деб ҳам аталади). Сурия халифаликнинг марказий вилоятига айланди. У. даврида араблар шарқда Табаристон, Журжон, Мовароуннаҳр ва Синдни, Ғарбда Шим. Африка ва Испаниянинг қатта қисмини босиб олдилар. У.га қарши халқ кўп марта кўзғолон қилди. 747–750 й.ларда Абу Муслим раҳбарлигидаги кўзғолон натижасида ҳокимият аббосийлар қўлига ўтди. У. авлоди деярли кириб ташланди. Улардан бир киши – Абдурраҳмон тирик қолиб Испанияга қочди ва у ерда У. давлатининг янги сулоласига асос солди. У. халифалари аббосийлар анъанасида асосан зўравонлик б-н давлатни қўлига олган, исломнинг тўғри йўлини бузиб ҳукмронлик қилган шахслар сифатида баҳоланди. Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши ислом ҳокимиятининг қайта тикланиши деб таърифланди.

УМАР ибн Хаттоб (ра) (тахм. 585–644) – дастлабки тўрт халифадан иккинчиси (634–644). Исломни тахм. 616-й. қабул қилган. Муҳаммад (сав)нинг яқин сафдошларидан бири, у зот олиб борган барча жангларда қатнашган. Абу Бакрнинг халифа бўлиб сайланишининг ташаббускори, унинг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Абу Бакр (ра) ўлимидан аввал У. (ра)ни ўз ўрнига тавсия этган ва жамоат У. (ра)га қасамёд қилган. У. (ра)нинг ўн йиллик халифалик даврида ислом Ироқ, Сурия, Миср, Ливия, Эроннинг ғарбига тарқалди. Араб-муслмон салтанати таркиб топа бошлади. Унинг даврида барча асосий маъмурий-ҳуқуқий муассасалар, аввало, солиқ-ўлпон тизими тузилди. Булардан энг муҳими фатҳ этилган ерларни бўлиб олинишини ман этилиши ва бунинг ўрнига девон рўйхатида киритилган барча саҳобалар ва жангчиларга маош (ато) ва озик-овқат улуши (ризқ) тўлашни жорий этиш бўлган. Муслмонлар жамоаси тез орада руҳонийлар идора этадиган давлатга айланди. Бу ҳол У. (ра) халифа унвонига биринчи бўлиб қўшимча амир ал-мўминин (мўминлар ҳукмдори) унвонини қабул қилишида ҳам ифодаланди. У янги муслмон йил ҳисоби – ҳижрий йил тақвимини жорий этди (раби ул аввал ойининг 16 куни – мил. 637 й. апр.). Ҳар йили ҳаж амали борасидаги диний-ҳуқуқий фармойиш ҳам У. (ра)га нисбат берилди. Суннийлар тарихий анъанасида У.

(ра)ни рисоладагидек ҳукмдор, яъни такводор, камсукум, мусулмонларга нисбатан адолатли, душманларга бешафқат инсон, “Умари одил”, ҳукмронлик даврини эса, исломнинг “олтин асри” деб тавсифлашган. Мил. 644 й. Басра волийси Муғйра ибн Шуъбанинг қули насроний Абу Луълуа У. (ра)га ханжар санчиб яралаган ва шу куни кечқурун У. (ра) 63 ёшда вафот этган. Ўлими олдидан ўз ўрнига янги халифа сайлаш учун Муҳаммад (сав)нинг олти нафар энг кекса сафдошларидан иборат шўро тузган ва шу кенгашлардан бирида Усмон (ра) халифа этиб сайланган. Васиятига кўра, Оиша онамизнинг хужраларига, Расули Акрам ва Абу Бакр Сиддиқ ёнларига дафн этилган.

УМАР ибн АБДУЛАЗИЗ, (Умар II), (681–720) – умавийлар халифаси (717–720), Умар I нинг эвараси (она томондан); мусулмон муаллифлари уни яқдиллик б-н Умавийлар орасида ягона такводор халифа деб ҳисоблашган. Унинг шахси ва давлат тадбирлари ҳақидаги маълумотлар жуда чалкаш, чунки 9-а. 1-ярмидаёқ мусулмон тарихшунослигида ҳақиқий аҳвол бузиб талқин қилинган У. и. А.нинг турмушдаги образи шаклланган. У. и. А. Мисрда (ёки Мадинада) туғилган. У ерда Миср ноиби бўлган отаси вафот этгунча (704 ёки 705 й.) яшаган; Дамашққа кўчиб ўтгач, амакиси халифа Абдулмаликнинг қизига уйланган. 706–712 (713 й.) й.ларда Мадина ноиби бўлган, Абдулмалик буйруғи б-н Муҳаммад (сав)нинг оддийгина масжидларини қайта қурган, уни анча катталаштирган ва ҳашаматли қилган, қурилишга византиялик усталар жалб қилинган. У серҳашам кийими ва хушбўй атирларга катта пул сарфлаши б-н шуҳрат қозонган, шоирларга ҳомийлик қилган, ўз доирасидаги кишилардан ҳеч бир ажралиб турмаган.

Халифа бўлгач, у ривоятларга кўра, нафақат ўзига тегишли халифалик меросидан воз кечган, балки барча мол-мулкни ва барча қулларини сотиб, тушган пулларни хайрия мақсадларига сарф қилган ва кунига егулик учун икки дирхам б-н қаноатланган, сувни ўзи ташиган, хотини нон ёпиб, унинг ягона либосини ювган. Ишончли манбаларнинг биронтаси буларни тасдиқламайди, аксинча, маълумки унинг бир неча хотини, чўрилари ва ўн бешга яқин фарзанди, кўплаб хизматкорлари бўлган. Фақат У. и. А. тахтга чиққач, илгарига қараганда камтарона турмуш

тарзи кечири бошлаган дейиш мумкин, холос. У. и. А. халифаликни емириб ташлаётган ижтимоий ва этник зиддиятларни юмшатишга уринган, шу мақсадда ҳаётга шариат нормаларини, авваламбор солиқ солиш соҳасидаги ўзгаришларни бирин-кетин жорий эта бошлаган. У. и. А. мусулмончилиқни қабул қилганларни жизя тўлашдан озод этган, жангчи-маволиларга маош белгилаган, бўйсундирилган халқлар б-н тузилган битимларга риоя этишни талаб қилган (шунга биноан, Қутайба томонидан Самарқанддан қувғин қилинган суғдийларга ҳакамлар судига шикоят б-н мурожаат қилишларига имкон берган), руҳонийлар ва роҳиблардан солиқ олишни бекор қилган.

Унинг даврида мусулмон арабларнинг маошлари ошган, шунинг учун вилоятлардан марказий хазинага тушадиган маблағлар камайиб кетган. Натижада У. и. А. янги босқинчилик юришларидан воз кечишга мажбур бўлган, ҳатто нотинч Мовароуннаҳрдан арабларни олиб чиқиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.

У. и. А. хорижийлар, алавийлар ва аббосийлар б-н келишишга интилган. У. и. А. Хунасир (Шим. Сурия)да вафот этган ва яқин орадаги Симеон (Дайр Симъан) монастирига дафн қилинган, унинг қаерда жойлашгани 13-а.даёқ номаълум эди.

УММ ал-ВАЛАД (“гўдак онаси”) – умм ал-ибн (“ўғил онаси”) – эркин аёлдан фарқли равишда ўз хожасидан ўғил туккан чўри. Жоҳилиятда ва исломнинг дастлабки даврида У. ал-В.ни бошқа чўрилардан ҳеч қандай фарқи бўлмаган: уларни сотиш, алмаштириш, инъом этиш ва б. мумкин бўлган. Улар мақомининг ўзгариши халифа Умар (ра) ибн ал-Хаттоб (634–644) б-н боғлиқ, у уларни сотиш ва бошқаларга беришни тақиқлаган. Агарда чўрининг хожаси туғилган гўдакни ўғлим деб эътироф этса, чўри У. ал-В.га айланган. Акс ҳолда эса, чўри ва фарзанди оддий қул бўлиб қолишган. Хожаси ҳаётлик чоғида У. ал-В. фақат унга нисбатангина чўри бўлган, унинг вафотидан кейин тўлиқ озодликка чиққан. Хизмат муносабатларида У. ал-В. шартли озод қилинган қулларга (мукотаб, мудаббар) тенглаштирилган, яъни ишга қисман лаёқатли деб топилган. У. ал-В.ни гўдак вафот этган ҳоллардаги мақоми тўғрисида ягона фикр йўқ:

баъзи мазҳабларга кўра, у ўз мақомини сақлаб қолган, чунки озод қилиш ҳақида берилган ваъдани қайтариб бўлмайди, бошқа бир фикрга кўра, у яна оддий чўрига айланган, чунки, озод бўлишининг шартин бўлган гўдак вафот этди. Агар чўри ҳомиладорлик чоғида сотилган бўлса ва бу ҳолат маълум муддатдан сўнг ошқор бўлса (идда), у ўзининг илгариги хожасиникига унинг У. ал-В.ни сифатида қайтиб келган, олди-сотди эса, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган. Ҳоз. даврда У. ал-В.нинг мақоми б-н боғлиқ барча масалалар қулчилик сингари ўтмишда қолмоқда.

УММА (араб., ўзбек тилида унинг “уммат” шакли тарқалган – маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси) – Мадинада Муҳаммад (сав) изларидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси. Шундан Муҳаммад уммати дейилганда ана шу жамоа аъзолари тушунилади. Кейинчалик уммат умуман мусулмонлар мазмунида талқин этилган.

УМРА – ислом анъанасида кичик ҳаж. У. Қуръон ояти ва Пайғамбаримиз (ас) суннатлари ила собит бўлган амал. У.ни йил – ўн икки ой бажариш мумкин. У.нинг иккита фарзи бор. 1. Эҳром; 2. Каъбани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор ўзига, отасига, онасига, яқинларига У. қилиши мумкин. Фақат ҳар бир У. учун Маккадаги ҳазрати Оиша масжидларига бориб, ювиниб, эҳромни кимга У. қилаётган бўлса, ўша кишига ният қилиб кияди.

УРС (синоними валима) – тўй тантанаси. Никоҳ тўйининг босқичи бўлиб, унда никоҳ шартномаси (сига) эълон қилинади ва маҳр ёки унинг бир қисми (садақ) тўланади. У. расмий никоҳни билдиради. Бироқ, У.дан амалий жиҳатдан турмуш қурилгунча (никоҳ) анча вақт ўтиши мумкин. Чунки, турмуш қураётганлар балоғат ёшига етмаган бўлсалар, тўй илгарироқ ўтказилиши мумкин.

УСМОН ибн Аффон (ра) (тахм. 575– 656) – дастлабки тўрт халифадан учинчиси. Умавийлар қабиласига мансуб. Маккалик бой савдогар. Муҳаммад (сав)нинг энг дастлабки издошларидан бири. Мусулмонлар гуруҳи б-н Ҳабашистонга кўчган, 623 й.да Мадинага келган. У. (ра) дастлаб Пайғамбар (ас)нинг қизлари Руқайяга уйланган (тахм. 610), у вафот этгач, Расулulloҳ иккинчи қизлари Умму Қулсумни ҳам У. (ра)га никоҳлаб берганлар

(623), шунинг учун “Зун-Нурайн” – икки нурли, деган ном олган. *Умар* (ра)нинг ўлим олдидаги васиятига кўра, У. (ра) янги халифани сайлаши лозим бўлган шўро таркибига кирган ва улар томонидан халифа қилиб сайланган. У. (ра) ҳукмронлиги даврида Сосонийлар давлатини фатҳ этиш тугалланди, мусулмонларнинг Тунис ва Кавказорти ўлкаларидаги мавқеи мустаҳкамланди. У. (ра)нинг буйруғи б-н Қуръони карим матни тўйиланиб, бир бутун (мусҳаф) китоб шаклига келтирилди ва бу 7 мусҳаф турли ўлкаларга тарқатилди, Масжиди Набавий кенгайтирилиб, қайта таъмирланди, Румо ариғи қазилди. Умрининг охириги йилларида биринчи бор халифага муҳолифат юзага келди. қўшин ва вилоятлардаги зодагонлар ўртасида У. (ра) сиёсатига қарши норозилик кучайиб, У. (ра) Мадинада, Қуръон ўқиб турган чоғида душманлари томонидан ўлдирилган. Унинг қони Қуръон саҳифаларига сачраган. Ушбу Қуръон муқаддас ёдгорлик сифатида Ўзбекистон мусулмонлар идорасида сақланади (яна қ. *Мусҳаф*).

УСУЛ ад-ДИН (араб. дин асослари, ислом асослари) – ислом шарияти ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни баҳс қилувчи илм. Бу илм асл бўлиб, бошқа диний илмлар унга эргашади. Бу ном Аллоҳ таолонинг “Унинг асли собитдир, фаръи-шоҳи эса, осмондадир” (Иброҳим сураси, 24) оятидан олиб шаръий ҳукмларни аслларга ва фаръларга тақсим қилингандан кейин (8-а.) келиб чиқиб, уни биринчи бўлиб Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий ишлатган. У киши ўз китобини “ал-Ибона ан усул ад-диёна” деб номлаган. Кейин эса, Абдул Қоҳир ал-Бағдодий ал-Ашъарий (1037 й. в. э.) “Усул ад-дин” китобини ёзган. Ундан олдин эса, ал-Лолқоий “Усул ус-сунна” китобини ёзган (1026 й. в. э.). Шундан кейин бу исм машҳур бўлиб кетган. Ақоид масалалари диннинг асли бўлгани учун бу илмнинг фақат номига эмас, ўзига ҳам қатъи эътибор берилган. Мусулмонлар ўртасида У. ад- д.ни ўрганиш қатъи аҳамиятга эга бўлган. У. ад-д.ни билмаган одамнинг ибодати ҳам дуруст бўлмаслиги ҳаммага уқтирилган. У. ад-д. б-н шуғулланувчи олимлар қатъи обрўга эга бўлганлар. Ҳозирги иайтда мусулмонлар оммаси ичида У. ад-д. истилоҳи кенг тарзда ишлатилмайди. Унинг ўрнига ақоид сўзи ишлатилади. Аммо, исломий ўқув юр்தларидаги ақоид масалаларини

ўргатувчи куллиялар “У. ал-д. куллияси” деб номланади.

УСУЛ ал-ФИҚҲ (арабча – фикҳ “илдизлари”, асослари) — мусулмон ҳуқуқи асослари (фикҳ-ҳуқуқ), ҳуқуқ услубияти (фикҳ-ҳуқуқшунослик): 1) Куръон; 2) сунна; 3) ижмоъ; 4) қиёс. Ана шу тўрт “илдиз” аста-секин барча ислом мактаблари томонидан эътироф қилинди, аммо, сўнгги икки “илдиз”нинг аҳамияти ва имкониятини турли мазҳаб намояндалари ҳар хил талқин қиладилар. 8–9-а.ларда фикҳ ривожланиши ва асосий диний ҳуқуқ мактаблари расмийлашуви б-н бирга У. ал-ф.нинг классик концепцияси таркиб топди. Бу эса, ҳуқуқнинг аста-секин диний-эстетик қадриятларга ва олий мақсадларга бўйсунуши, унинг мусулмонлар зиммасига юкланган мажбуриятлар мажмуасига кўшилиши натижаси бўлди. Айни вақтда айрим мусулмон фақиҳлар ҳуқуқий масалаларни оқилона бир тизимга солиш ва шахсий фикр (рай) асосида ҳал этишга интилса, бошқалари барча фикҳ меъёрларини пировард натижада худонинг ваҳийси деб ҳисобладилар. У. ал-ф. концепциясининг ривожланиши аввало, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (820 й. в.э.) номи б-н боғлиқ. У “Китобил-умм” тўпламига кирган “ар-Рисола” асарида фикҳшунослик асосларини баён этди ҳамда биринчи бўлиб фикҳни аниқ-тиниқ таърифлаб, унинг манбалари тизимини ишлаб чиқди (қ. *Шофиъийлик*). У. ал-ф.нинг классик назарияси шунга асосланадики, Куръон ва сунна (пайгамбарнинг ҳадислари) фикҳнинг асосий манбаларидир. чунки, улар аниқ-равшан феъл-атвор қоидаларини бевосита ўз ичига олади ёки уларни илоҳий ваҳийлардан англаб олишнинг оқилона усулларини кўзда тутди. Ижмоъ учинчи манба ҳисобланади, бу ибора бора-бора Куръон ва суннада тўғридан-тўғри ҳал этиб берилмаган масалалар юзасидан энг эътиборли ҳуқуқшунос –*мухтаҳид*ларнинг яқдил фикри деб тушуниладиган бўлди. Куръон ва суннада аниқ жавоб берилмаган саволларни ўхшашлигига қараб ҳал этиш усули – *қиёс* фикҳнинг тўртинчи манбаи деб эътироф қилинади. Бундан ташқари У. ал-ф.нинг классик концепцияси ҳуқуқий ечимларни излашнинг бошқа оқилона усулларидан кўшимча фикҳ манбалари сифатида фойдаланишга йўл қўяди. Қиёс каби улар ҳам

аввал бошданок кўзда тутилган асосий манбалари деб ва ижтиҳодга киритилган аниқлик деб ҳисобланади. У. ал-ф. назарияси мусулмон ҳуқуқи тафаккурининг турли йўналишлари (оқимлари) томонидан ҳар хил талқин этилади. Мазҳабларга хос бўлган қарашлардаги тафовутлар уларнинг фикҳ манбалари, шу жумладан асосий манбалар ҳақидаги тушунчаларга ҳам тааллуқлидир. Чунончи, моликийлар ижмоъни барча мухтаҳидларнинг эмас, балки Мадинада яшовчи саводли кишиларнинг муштарак фикри деб ҳисоблайдилар. Зоҳирийлар ва айрим ханбалийлар пайгамбар саҳобалари (чорёрлар)нинг яқдил фикринигина эътиборга оладилар. Жаъфарийларнинг У. ал-ф. ҳақидаги тасаввурлари ўзига хослиги улар қабул қилган имомат концепцияси б-н изоҳланади. Шу сабабли улар суннадан ташқари энг мўътабар ўн икки имомнинг фикрига ҳам мурожаат қиладилар. Ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда турли ақлий усулларни қўллаш соҳасида мазҳаблар ўртасидаги тафовут жуда яққол кўринади. Мас., ханафийлар истиҳсондан, моликийлар эса, истислоҳдан кенг фойдаланадилар. Айни вақтда кўпгина жаъфарийлар қиёсга шубҳа б-н қарайдилар, баъзилари ҳатто унинг фикҳ манбаи эканини мутлақо инкор этадилар. Бундай тафовутлар ҳуқуқ соҳасидаги амалиётнинг хилма-хиллигини акс эттирган, мазҳаблар ўзларининг фикҳ манбалари ҳақидаги тасаввурларини ана шу амалиёт асосида ривожлантирганлар. Умуман олганда, У. ал-ф.нинг классик концепцияси аксар ҳолларда фикҳнинг қарор топиши ва ривожланишидаги ҳақиқий жараёнларни ўрганишга, унинг асл манбаларини умумлаштиришни эмас, балки ҳатто ақлий йўл б-н, аслида илоҳий ваҳий ёрдамида улуғланган манбалар воситасида таърифланган меъёрларни расмий асослашни назарда тутди. Шу йўл б-н фикҳнинг барқарорлиги таъминланади, унинг ҳар қандай тарихий ва ижтимоий шароитларга мувофиқлиги мафкуравий жиҳатдан асосланади. У. ал-ф.нинг ўрта асрлар ҳуқуқшунослари ишлаб чиққан классик концепцияси замонавий мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан унчалик ўзгаришларсиз қабул қилинган ва фикҳнинг назарий асоси деб ҳисобланади. Шу сабабли


ҳоз. замон ҳуқуқшуносларининг умумназарий тадқиқотлари, умуман, мазкур концепцияга асосланган бўлиб, кўп жиҳатдан ўтмишга қаратилганлиги ва ҳоз. воқеликни эътиборга олмаслиги бежиз эмас.

УСУЛИЙ – *имомийлар* диний-ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. Унда шариат масалаларида *қийёс* ва *ижмоъ* асосида обрўли илоҳиётчиларнинг берган фикрларига асосланиш кенгрок ўрин олган. Шунинг учун У. имомийлар орасида *ахборийлардан* кўра кенгрок тарқалган.

УШР (араб. – ўндан бир) – мусулмон мамлакатларида натура шаклида (баъзан пул б-н) давлат фойдасига, баъзан камбағал, етим-есирлар ҳисобига ундирилган солиқ. Хар йили дехқончилик маҳсулотларидан олинган. У. олинган ер-сув “мулки ушрия” деб аталган. Турли даврларда У. шакли маҳаллий шарт-шароитга кўра ўзгарган. Мас., Усмонли турк империясида – ўнга, ўнталик, саларийъа; Эрон, Бухоро амирлиги ва б. жойларда – даҳяк деб юритилган. Кейинчалик янгича даромад солинги жорий этила бошлагач, У. баъзи жойда (1918 й. Жазоирда, 1925 й. Туркияда, 1935 й. Тунисда) бекор қилинди. Аммо айрим мусулмон давлатларида ҳозир ҳам мавжуд. Ўрта Осиёда 20-а. бошигача У. сақланган.

УХУД ЖАНГИ (Уҳуд – Мадина ш. яқинидаги тепалик номи) – 625 й. 23 мартда Уҳуд тепалигида мусулмонларнинг маккаликлар б-

н бўлган жанги. *Бадр жанги*да маккалик мушриклар мағлубиятга учрагач, мусулмонлардан ўч олмоқчи бўлишган. Маккаликлар 3000 га яқин жангчидан иборат бўлиб, жумладан 200 та отлик аскар, 800 та совут кийган жангчи, Муҳаммад (сав)нинг эса, 700 та пиёда аскарлари бўлиб, шулардан 100 тасида совут бўлган. Маккаликлар жанг майдонида яхши мавқени эгаллаган эди. Муҳаммад (сав) ҳам аскарларини керакли жойга жойлаштириб тепалик томонини кўриклаш учун 50 та камончини қўйиб, уларга бу ердан ҳеч ерга силжimasликни тайинлаганлар. Жанг дастлабки пайтда мусулмонлар фойдасига ҳал бўла бошладди. Улар айни душманин таъқиб этадиган пайтда ғанимат (ўлжа) тўнлашга тушдилар. Камончилар ҳам ўлжасиз қолиб кетмаслик ниятида ўз турган жойларини ташлаб кетди. Бундан фойдаланган маккаликларнинг Холид ибн Валид бошчилигидаги отлик қўшини мусулмонлар қўшини орқа томонига ўтиб ҳужум қилди. Бу жангда мусулмонлар кўп талафот кўрди: Муҳаммад (сав) қуршовда қолиб, яраланганлар, 70 дан ортик киши ҳалок бўлган. Маккаликлар эса, 19 кишини боӣ берди. Мусулмонлар бу жангда рақиб устидан енгилгина ғалаба қозонамиз деб ўйлашган эди. Мусулмонлар муваффақиятсизликка учраганлигининг сабаби Қуръон оятларида баён этилган (3:145/152 – 169/175).



ФАДАК – Шим. Ҳижоздаги деҳқончилик воҳаси; Мадинадан 2–3 кунлик йўлда, Хайбар яқинида жойлашган. Ҳозирда мавжуд эмас. **Ф.** аҳолисини яҳудийлар ташкил этиб, улар галла ва хурмо етиштириш б-н шуғулланганлар. Ислоннинг илк даврида воҳа таслим бўлиш ҳақида мусулмонлар б-н тузилган битимга кўра шуҳрат қозонган. Битимда Муҳаммад (сав) **Ф.** ерларидан олинadиган даромад ҳақидаги масалани ечиб берганлар.

627 й. Муҳаммад (сав) **Ф.** аҳолиси Хайбарга ҳарбий ёрдам беришини таклиф этганидан хабар топиб, у ерга Али (қв) бошчилигида кичик қўшин юборганлар. Бу юриш оддий чопқун тусида бўлган. Келаси йили, мусулмонлар Хайбарни эгаллагач, **Ф.** яҳудийлари Муҳаммад (сав) элчилари Муҳаййиша ибн Масъуд ал-Ансорий б-н музокара олиб боришган, бутун мол-мулклари эвазига воҳани ташлаб кетишга рухсат сўрашган. Лекин Муҳаммад (сав) б-н тузилган сулҳ битимига кўра, улар **Ф.** да қолишган, воҳадаги ерларининг ярми уларнинг хусусий мулки эканлиги эътироф этилган, қолган ярмидан келадиган даромад Муҳаммад (сав) ва у зотнинг хонадонига топшириладиган бўлган. Расулulloҳ (сав) бу даромадларни жамоат эҳтиёжлари учун (етим-есирлар, сайёҳлар, камбағаллар, жумладан ҳошимийлар уруғининг энг камбағал қатламини таъминлашга)

сарфлашга буйруқ бердилар, шу б-н бирга зарурият туғилса уларни ўзларига, оилаларига ва қариндош-уруғларига сарфляжакларини билдирдилар.

Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг қизлари **Фотима Ф.**дан (шу б-н бирга Хайбар воҳасидан) олинadиган даромадга эга меросхўр сифатида чиққан. Халифа Абу Бакр (ра) унга Расулulloҳ (сав)нинг “Менинг меросхўрларим йўқ ва мендан кейин қоладиган барча нарсалар закот каби хайрли мақсадларга мўлжалланган жамоа мулки (садақа) бўлиб қолади” деган ҳадисларини айтиб эътироз билдирган.

Гарчи **Фотима** даъвоси рад этилган бўлса-да, **Ф.** мақоми ҳақидаги жанжал икки юз йилдан ошиқ давом этган. Шиалар фикрича, **Ф.** ерлари Расулulloҳ (сав) хонадонининг меросий хусусий мулкидир. Сиёсий вазиятдан келиб чиқиб Алавийларнинг даъвоси гоҳ эътироф қилинган, гоҳ олий ҳокимият томонидан рад этилган.

Ф. учун узоқ давом этган кураш шундан далолат берадики, илк ислом даврида мулкнинг икки хил шакли – хусусий ва жамоа мулклари ўртасида аниқ фарқ бўлган, мулкдорлар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эдилар. **ФАЙ** (“қайтариш”) – мусулмонлар ғайридинлардан тинч йўл б-н оладиган барча нарсалар: солиқларнинг барча тури ва

байтулмол. Куръонда айтилишича, “ма афаъа Аллоху ала расулихи минхум” (Аллох улардан Ўзининг расулига қайтарган нарса”, 59:6), яъни, жангсиз кўлга туширилган ўлжа (“унинг учун жангга на отларни, на туяларни солганлар”) Мухаммад (сав)га инъом этилади (номуносиб эгаларидан қайтарилган) ва у зот ундан ўз хохишларича эгалик қилишлари мумкин.

ФАЙЗ – отилиб чиқиш, нур чиқариш. Мусулмон илоҳиёти ва фалсафий адабиётда илохий манбадан (қ. *Судур*) оламни яралиш жараёнини (одатда уч босқичда) англатиш учун қабул қилинган истилоҳ.

*Ихвон ас-сафо*га кўра, Аллох оламни уч босқичли эманация (нур чиқариш): Аввалги ақл (ал-ақл ал-аввал) – Умумий рух (ан-нафс ал-куллийа) – Материя (ал-хайула) воситасида яратган.

ФАЛСАФА – юнонча “севаман” маъносида келувчи “фило” б-н “ҳикмат” маъносидаги “софия” сўзларидан пайдо бўлган ва “ҳикматни севаман” маъносини ифодаловчи “философия” сўзи арабчага “фалсафа” шаклида кўчган. Мил. ав. 7-а.га қадар борлиқнинг бошланғич унсурлари устида бош қотирган ва борлик ҳақида умумий бир назарияни ўртага ташлаганлар “ҳаким” маъносидаги “софос” ифодаси ила аталишган. Аммо илк дафъа Пифагор, инсонни софос деб бўлмайдди, чунки аслида софос Аллохдир, деган ғояни илгари сурган, бинобарин, инсон фақат “философос” бўла олиши мумкинлигини айтган. Ўша даврдан кейин борликни янада теран англаб, уйгун бир шаклда тушунтириб берганлар “фило-софос” (ҳикматни севувчи) номини олишган ва бу калима арабчага “файласуф” (кўплиги “фалосифа”) тарзида ўтгандир. Тарихда бу унвон ила аталган илк мутафаккир Фалес (Thales) бўлгани маълум.

8-адан эътиборан Ислом олами юнонча ва сурёнийчадан қилинган таржималар орқали Фалсафа б-н танишди ва илк ислом файласуфи бўлган ал-Киндий (252/866 й. в.э.) “фалсафа” атамасига олти хил бошқа-бошқа таъриф берган: 1) ҳикматни севиш; 2) инсоннинг кучи етганича буюк Аллохнинг феълларига ўхшаши; 3) ўлимни исташ; 4) ҳунарларнинг ҳунари ва ҳикматларнинг ҳикмати; 5) инсон ўзини билиши; 6) инсоннинг қурбн етганча абдий ва куллий бўлган борлиқларнинг ҳақиқатини, моҳияти ва сабабларини билиши...

ФАНО – қ. *Бақо ва фано*.

ФАРЗ (араб. – қатъият, мажбурият) – шариятда ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий буюрилган амаллар. **Ф.** икки тур – “фарзи айн” ва “фарзи кифоя”га бўлинади. Биринчи тури барча мусулмонларга баб-баробар буюрилган бўлиб, уларнинг адади 40 атрофида, мас., намозда 12 та, шундан олтитаси намоздан ташқарида, олтитаси намознинг ичида, таҳоратда 4, таяммумда 4, гулда 3, рўзада 3, таом ейишда 4 “фарзи айн” бор (1) Ҳалол бўлиш; 2) Зарурий микдорда ейиш; 3) Таом қувватини яхши ишларга сарфлаш; 4) Таом берувчига (Аллохга) шукр айтиш). Амри маъруф, нахий мункар, илм олиш ҳам “фарзи айн”га қиради. “Фарзи кифоя” эса, бир қисм мусулмонлар бажарса қолганлар зиммасидан соқит бўладиган ишлар. Мас., жаноза намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш қабилар. **Ф.**нинг бу турига кирувчи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўладилар.

ФАРИШТА (форсча, араб. малак – малоиқа) – ислом эътиқодига кўра, худонинг амрини бажарувчи мавжудотлар. **Ф.**лар сон-саноксиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради. Мас., исломда ҳар бир одамнинг савоб ва гуноҳ ишларини ҳисобга олиб юрувчи **Ф.**лар, жаннат ва дўзахда дарвозабонлик қилувчи, одамларни қабрда сўроқ қилувчи (Мункар ва Накир), Аллох тахтини осмонда кўтариб турувчи ва б. хизматларни бажарувчи **Ф.**лар мавжуд деб қаралади. Бу **Ф.**лардан 4 таси: Азроил, Жаброил, Микоил, Исрофил бош **Ф.** ҳисобланади. **Ф.**ларга эътиқод қилиш суннийлик ақидаларидан биридир.

ФАТВО (араб. – тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор) – исломда муфти ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Исломининг дастлабки даврида Мухаммад (сав) сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (чорёрлар)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек, уларнинг фикҳга доир чиқарган қарорлари **Ф.** деб айтилган. **Ф.** барча диний-ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикҳга оид кўшимча манба сифатида қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган **Ф.** диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий

хисобланади. **Ф.** Куръон, ҳадислар ва шариятга ёки илгари берилган **Ф.**ларга асосланиб чиқарилади.

ФАҚИР – камбағал, моддий ёки маънавий жиҳатдан муҳтож одам. Камбағал (фуқаро)га, яъни ижтимоий жиҳатдан ночор одамларга ғамхўрлик қилиш зарурлиги Куръони каримда, сунна ва панднома асарларида алоҳида таъкидланади. Зоҳидлик ва суфийлик “камбағаллик” (“фақр”, “фуқр”)ни кенг тарғиб қилган. “**Ф.**” дейилганда “дарвиш” ва “суфий”лар тушунилган. Шоирлар, муаллифлар, хаттотлар ҳам ўзларини камтарлик б-н **Ф.** деб аташган.

ФАҚИХ (араб. – тушунувчи, англовчи, идрок қилувчи) – шарият ҳукмларини мукамал билган, фикҳ фани б-н шуғулланувчи одам. **Ф.**нинг бир неча даражалари бўлган. Энг олий даражадаги **Ф.**лар – *муҷтаҳид*лар фикҳ бўйича шу қадар чуқур билимга эга бўлишганки, манбаларни шарҳлаш йўли б-н мустақил ҳолда одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиққанлар (к. *Усул ал-фиқҳ*). Маълум бир мазҳаб асосида фикҳнинг маълум бир масаласи юзасидан ўз фикрини билдирувчи *муфтини* ҳам **Ф.** деб аташган. Шунинг учун “**Ф.**”, “муҷтаҳид” ва “муфти” кўпинча синоним сўз сифатида келтирилади. Баъзи ҳолларда давлат, ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалаларини ҳал этишда **Ф.**га муҳим ўрн ажратилади (мас., Эрон Ислоҳ Республикасида).

ФАҒНАВИЙ – к. *Анжирфағнавий*.

ФИДОЙИЛАР (араб. – бирон мақсад йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр шахслар) – ўрта асрларда Эрон, Сурия, Ливандаги яширин ҳашшошийлар ташкилотининг аъзолари. Кейинги даврларда мусулмон мамлакатларидаги қуролланган озодлик кураши қатнашчиларига нисбатан ҳам кўпинча **Ф.** атамаси ишлатила бошланди. Мас., Эронда 70-й.лар бошидан фаоллашган ёш зиёлилар ва талабаларни бирлаштирган “Фидоийи халқ” (“Халқ фидоийлари”) ташкилоти инқилоб даврида кучайди, лекин инқилоб ғалабасидан сўнг у таъкиб остига олинди.

ФИРЪАВН – Қадимги Миср иодшоларининг номи. **Ф.**ларнинг 31 сулоласи маълум. Охирги **Ф.** македониялик Искандар (мил. ав. 356–323) Мисрни босиб олган пайтда ҳукм сурган. Куръонда тилга олинган **Ф.** ўзини худо деб эълон қилган золим подшоҳни ифодаловчи

умумлашма ном. Аллоҳ унинг ҳузурига Мусо (ас)ни юборади. Аммо **Ф.** унга имон келтирмайди; аксинча, ўз қудратини намойиш қилиш учун амалдори Хомонга “осмонўпар” минора қуришни буюради. Диндорларни, айниқса, яҳудийларни таъкиб қилади. Мусо (ас) ўз қавми б-н Мисрдан чиқиб кетишга аҳд қилганда, аскарни б-н унинг кетидан қувади, лекин денгиз сувлари уни ўз домига тортади. Охирги паллада тавба қилгач, Аллоҳ иродаси б-н тўлқинлар **Ф.**ни қирғоққа олиб чиқади. Мусулмон диний ва бадий адабиётида **Ф.** энг қабих имонсизлик (ўзини худо деб эълон қилиши) ва золимлик тимсоли сифатида гавдаланади.

ФИРҚА (кўплиги фирок; синонимлари милла, тоифа, синф) – ақоидга доир бир ёки бир неча масала юзасидан махсус фикрга эга бўлган кишиларнинг ташкилий гуруҳи; мактаб, жамоа. Муҳаммад (сав) мусулмонлар жамоаси 73 жамоа (фирқа)га бўлиниб кетади деб башорат қилганлар. Фақиҳлар диний-сиёсий гуруҳлар, илоҳиёт мактаблари, жамоа ва б. ўртасида қатъий чегара қўймай, **Ф.**ни мусулмонлар жамоаси бўлинадиган бирликлардан бирини англаувчи истилоҳ маъносида қўллаганлар.

ФИТР. **ф и т р с а д а қ а** (араб. – рўза якуни садақаси) – исломда рамазон ойи тугаши муносабати б-н бериладиган садақа. Ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун икки ярим килограмм хурмо, арпа, ун ёки гуруч, ёки уларнинг қиймати миқдоридан пул эҳсон қилиши вожибдир. Муҳтожликда яшовчи оила аъзолари ҳам ҳайит куни тўқ яшасин деган ниятда **Ф.** жорий этилган ва у вожиб амаллар сафидан жой олган. **Ф.** садақасини ўз вақтида адо этилишига тарғиб қилинган ҳадиси шарифларда бирида то **Ф.**ни ўз эгасига топширмагунга қадар туган рўзаси осмонда муаллақ (осилиб) туради, адо этиши б-н қабул бўлиб осмонга чиқиб кетади, дейилган. **Ф.** садақасини катта-ю кичик, эр-хотин, оила бошлиғи ўз қарамоғидаги ҳар бир жон ҳисобидан беради. **Ф.**ни ҳайит намози ўқилмасдан эгаларига топшириш лозим.

Ф. садақаси ўзига тўқ мусулмонларнинг муҳтож ва хожатмандлар учун рамазон ойида берадиган хайр-эҳсонларидир. Унинг ҳикматларидан бири фуқаролар, мискинлар, бева-бечоралар ва хожатмандларни улуг айём – ҳайит олдидан қалбларига бир оз бўлса-да, шодлик ва

хуррамлик бахш этиш, уларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва оқибат натижада, одамлар орасида меҳр-шафқат туйгуларини уйғотиш бўлса, иккинчидан, рўзадорнинг рамазон ойида билиб-билмасдан қилган гуноҳларига каффорат ҳамдир.

ФИТРАТ. Абдурауф Абдурахим ўғли (1886–1938.4.10) – маърифатпарвар, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоянчаси. Дастлаб Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Маккага бориб, Хаж амалини бажарган. Истанбулда дорифунун ва мадрасада ўқиган (1909–13). Бухорога қайтгач, жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган.

Ф. “Мунозара” (“Хиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадида мактаблари хусусинда қилгон мунозараси”; Истанбул, 1909), “Баёноти сайёҳи хиндий” (“Хинд сайёҳи баёноти”; Истанбул, 1912) асарларида ислом динининг софлиги учун курашган ҳамда хурофот ва бидъатни қоралаган. “Раҳбари нажот” (“Нажот йўли”; Петроград, 1915) асарида миллат тараққиётининг нажот йўли (дастури) сифатида Куръонни қаримни кўрсатган. “Мухтасар ислом тарихи” (1915) рисоласида ислом динининг тарихи ҳолислик б-н ёритилган. У “Шарқ сиёсати” (Тошкент, 1919) ва “Йиғла, ислом” каби публицистик асарларида Шарқ ва ислом дини устидан Фарб ва христианликнинг зўравонлик қилишини тасвирлаган ва ўқувчининг Шарқни озод қилишга чақирган. Ф. совет режими томонидан 1937 й. 24 апрелда қамоққа олинган. Унга “пантуркизм ва панисломизм”нинг бош мафкурачиси деб сиёсий айблар қўйилган ва кейинчалик отиб ташланган.

ФИҚҲ (“чуқур тушуниш, билиш”) – мусулмонларнинг ҳулқ-атвор қондалари тўғрисидаги ислом доктринаси (ҳуқуқшунослик), ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси (кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи). Иккала маънодаги Ф. ислом дини вужудга келиб, мусулмон давлати – Халифалик қарор топиши билан дарҳол таркиб топган эмас. 8-а.нинг 1-ярмигача умуман халифаликнинг ижтимоий (жумладан юридик меъёрлари тизими ислом қондалари б-н белгиланмас, балки асосан исломдан аввал мавжуд бўлган ва янги тарихий шароитда амал қилиб турган нормалардан иборат эди. Араблар босиб олган ҳудудларда аввалги юридик норма ва урф-

одатлар янги дин ақидаларига зид бўлмаса, улар ҳам жиддий ўзгаришларсиз сақланиб қолаверган, чунки, аввал бошда ислом ўзининг ҳуқуқий масалаларига унчалик эътибор б-н қарамаган. Бу пайтда халифаликнинг ҳуқуқий тизими Рум (Византия), сосонийлар, талмудчилар ва шарқий христианлар ҳуқуқининг айрим унсурларини ҳамда кўпгина маҳаллий урф-одатларни қабул этди, уларнинг кўплари кейинчалик исломники қилиб олинди ва Ф.га киритилди.

Ф.ни шакллантиришни, бир томондан, амал қилиб турган ҳуқуқ ва б. ижтимоий меъёрларни диний ақидаларга мослаштириш зарурлиги ва иккинчи томондан, илк мулкдорлар жамиятининг эндигина вужудга келган муносабатларини моҳият эътибори б-н исломнинг диний-ахлоқий таълимотига асосланган қондалар негизида тартибга солиш эҳтиёжлари тақозо қилар эди.

Ф.нинг қарор топиши Муҳаммад (сав) ҳадислари ва чорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш б-н бирга давом этди. Шу сабабли Ф.га оид дастлабки асарлар (мас., Заъид ибн ал-Хасаннинг “Мажмуа”, Молик ибн Анаснинг “ал-Муватто”, Аҳмад ибн Ханбалнинг “ал-Муснад” асарлари), аслида, ҳуқуқий мавзудаги тадқиқотлар эмас, балки муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат. Ҳадисларнинг бир тизимга солиниши Куръон ва суннани оқилона талқин этиш орқали ҳал қилинадиган масалаларни белгилаб олиш ва шу тариқа Ф.ни мустақил фан сифатида шакллантириш имконини берди.

8-а. ва 9-а.нинг 1-ярмида Ф. – ҳуқуқшуносликда ўз тушунчалари вужудга келди, ўзинга ҳос тил ва услуб шаклланди. Унда Муҳаммад (сав)нинг вафотларидан сўнг асл маънода қонунлар яратиш фаоллияти тўхтади, деган фикрга келинди. Куръон ва сунна ҳуқуқий ечимларнинг асосий манбалари бўлиб қолди. Фақиҳлар мусулмон жамоасининг яқдил фикри (ал-ижмоъ)ни чорёрларнинг ягона фикри деб ҳисоблаб, уларни ҳам мустақил манба сифатида тан олар эдилар. Куръон ва сунна фақиҳларни қизиқтирган ҳар қандай саволга жавобларни ўз ичига олади, деган ҳулосага келинди. Шу сабабли уларда мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган аниқ феъл-атвор қондалари хусусида бир хил ечим, кўрсатма бўлмаган тақдирда фақиҳлар мазкур манбаларни ҳуқуқий

нуктаи назардан талқин этишга, улардаги умумий йўл-йўриқларни амалий меъёрлар ва ҳуқуқий ҳолатлар шароитига таржима қилиш (татбиқ этиш)га алоҳида эътибор бердилар. Аста-секин асосий манбаларда бевосита кўзда тутилган ҳолатлар бўйича улардан ҳуқуқий хулосалар “чиқариб олиш” (ал-истинбот) усуллари қарор топди. Мазкур усуллар, шунингдек асосий манбаларда умумий мажозий шаклда баён этилган йўл-йўриқлардан олинган хулосалар (заннийат ад-далола) ижтиҳодга асос қилиб олинди. Фақиҳлар бунини Қуръон ва суннада бевосита шаклда тилга олинмаган (қатъийат ад-далола) ёки чорёрларнинг яқдил фикрида акс этмаган масалалар юзасидан ечимлар топишнинг оқилона йўли деб тушуна бошладилар. Жумладан, шу дамгача маълум бўлган ечимлардан хулоса чиқариш йўли б-н ўхшашлик асосида янги меъёрларни шакллантиришнинг қатъий шартлари белгиланди. Қиёс тушунчаси пайдо бўлди. Қуръон, сунна, ижмоъ б-н бир қаторда қиёсни ижтиҳоднинг асосий шакли ва Ф.нинг манбаи деб тан олиниси б-н Ф.да алоҳида йўналиш – фикр усулига асос солинди. Бу усул Ф. манбалари, уларни талқин қилишдаги ҳамда аниқ ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун уларни татбиқ қилишдаги услублари б-н шугулланади. Ф. – ҳуқуқшуносликни ривожлантиришда аш-Шофиъий (820 й. в.э.)нинг хизмати катта. У ўзининг “Рисола”сида Ф.нинг асосий тоифаларини биринчи марта аниқ таърифлаб берди. Тахм. 10-а.да Ф. – ҳуқуқшунослик диний илмлар сирасига кирувчи мустақил фан тариқасида узил-кесил таркиб топди. Бирок, у назарий илоҳиёт (калом илми)дан расман ажралиб чиққан бўлишига ва анъанавий фақиҳлар мутакаллимларга душманлик муносабатида эканига қарамай, Ф. – ҳуқуқшунослик б-н калом илми ўртасида узвий боғлиқлик бор эди. Илми каломнинг кўпгина қоидалари Ф. – ҳуқуқшунослик доирасида ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун гоъвий асос бўлиб хизмат қилар эди. Улар кўп жихатдан бир-бирини тўлдириб, диний ҳақиқат ва турмуш тарзи (шариат) тўғрисидаги ягона ислом таълимотининг турли соҳаларини ишлаб чиқар эди. Ф. – ҳуқуқшуносликнинг ўзига хослиги шундан иборат эдики, у ақл етмайдиган (“ўтказилган), “узатилган” ҳақиқатни хусусий

ҳолатларга оқилона “татбиқ қилиш” ёрдамида амалий масалаларни ҳал этиш б-н шугулланади. Бора-бора Ф. – ҳуқуқшуносликни илм ал-фуруъ деб тушуниш ҳаммага маъқул бўла бошлади. Илм ал-фуруъ – шариатнинг аниқ манбалар асосида таърифланган (яъни Қуръон ёки суннанинг айрим қоидаларига асосланган ва ижмоъда тасдиқланган ёхуд ижтиҳод ёрдамида баён этилган) “амалий” (одамлар хулқ-атворини тартибга соладиган) меъёрлари тўғрисидаги фандир. Ф. – ҳуқуқшунослик фани меъёрларнинг икки тоифасини: 1) мусулмонларнинг Аллоҳ б-н муносабати (ибодот); 2) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, мусулмон ҳокимияти (давлати)нинг ўз фуқаролари, бошқа динлар ва давлатлар б-н муносабати (муомалот)ни белгиловчи, тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига олади. Фақиҳларнинг асосий куч-ғайратлари меъёрларнинг иккинчи тоифасини ишлаб чиқишга қаратилди, уларнинг аксарияти ижтиҳод асосида жорий этилди.

Ф. – ҳуқуқшунослик шаклланишининг илк босқичидаёқ икки мактаб юзага келган эди: улардан бири – Ироқ мактаби “мустақил фикрлаш тарафдорлари” (асҳоб ар-раъй) мактаби деб, иккинчиси – Мадина мактабини “нақл тарафдорлари” (асҳоб ал-ҳадис) мактаби деб аталган. Улар ўртасидаги тафовут мактаблар ўз таълимотларини ривожлантирган моддий ва маданий шароит хусусиятлари ҳамда улар мерос қилиб олган ҳуқуқий анъаналар б-н изоҳланади. Ироқлик ҳуқуқшунослар ижтиҳодни қиёсдангина иборат деб билмасдан, ундан кенгрок фойдаландилар, Мадина мактаби эса, асосий эътиборни Қуръон ва суннага қаратди. Аввалига бу мактабларнинг таълимоти муайян ном б-н аталмади, бироқ кейинчалик уларнинг ҳар бири ўз таълимотини ўз асосчиси номи б-н атай бошлади. Чунончи, Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (767 й. в.э.) Ироқ мактабининг асосчиси бўлган. 9–10-а.ларда Ф. – ҳуқуқшуносликнинг бошқа сунний тариқат (мазҳаб)лари ҳам юзага келди. Мас., Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (820 й. в.э.) номи б-н аталган шофиъийлик тариқати ижтиҳодни қиёс б-н айнан бир нарса деб ҳисоблаб, уни қатъийат б-н татбиқ этди. Кейинрок Аҳмад ибн Ҳанбал (855 й. в.э.) асос солган ҳанбалийлик мазҳаби ҳам тан олинди. Бу тариқат Қуръон ва ҳадислардан имкони

борича кенг фойдаланганлиги ва ижтиҳодга ишончсизлик б-н қараганлиги маълум. **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг бошқа мактаблари ҳам бор эди, аммо, 14-а.га келиб, мазкур тўрт сунний мазҳаб ҳамда бир неча шиалик тариқатларигина сақланиб қолди.

Ф. мазҳабларидан ҳар бирининг таълимоти унинг тарафдорлари эътироф қилган асарларда баён этилган. Бу асарларнинг кўпчилиги ўрта асрларда мазҳаб асосчилари, уларнинг яқин шогирдлари ва издошлари, атоқли ҳуқуқшунослар томонидан ёзилган. Мас., ханафийлик мазҳаби бўйича Абу Ханифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Шайбоний (805 й. в.э.)нинг олти китоби энг мўътабар (Кутуб зоҳират ар-ривойа) ҳисобланади. Мазкур асарларнинг энг муҳим қондаларини кейинчалик Абул Фазл ал-Марвазий ўзининг “ал-Кофи” китобида умумлаштирди, Шамсиддин ас-Сарахсий (1090 й. в.э.) бу китобни батафсил шарҳловчи “ал-Мабсут” асарини яратди. “Ал-Мабсут” ханафийлик мазҳабига оид энг обрўли асарлардан бири деб тан олинади. Молик ибн Анаснинг “ал-Муваддо” китоби моликийлар фикҳи бўйича етакчи манбалигича қолмоқда. Бундан ташқари моликийлик фақиҳларининг бир неча авлоди, аввало, Абдусалом Сахун (854 й. в.э.) томонидан яратилган “ал-Мудаваана ал-қубро” асари жуда машҳур. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “ал-Муснад” асари ханбалийлар учун шундай аҳамиятга эга. Аш-Шофиъийнинг “ал-Умм” асари шофиъийлик **Ф.** – ҳуқуқшунослиги бўйича биринчи манбадир. Шиалар **Ф.**га доир анчагина китоблар ҳам маълум. Умуман, **Ф.**га оид асарлар орасида турли мазҳабларнинг ҳулосаларини таққослашга бағишланган асарлар (илм ал-хилоф) сезиларли ўрин олади. Бир мазҳаб тарафдорлари ўртасида ҳам ихтилофлар борлиги **Ф.** – ҳуқуқшунослигига хос хусусиятдир.

9-а. ўрталаридан эътиборан сунний **Ф.** – ҳуқуқшунослигида фақат ўтмишдаги йирик ҳуқуқшунослар ижтиҳод ҳуқуқига эга, деган ғоя қарор топа бошлаган эди, 10-а. ўрталарига келганда эса, ўзининг ҳуқуққа оид қарорларини таърифлаб бериш усуллари тизимига эга бўлган янги мазҳаблар юзага келиши мумкин эмас, деган эътирозсиз яқдил бир фикрга келинди. Бинобарин, энди ҳар бир фақиҳ муайян мазҳаб

таълимотига эргашмоғи даркор бўлиб қолди, буни тақлид деб юритадиган бўлдилар. Шу вақтдан бошлаб **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг ривожига эътироф қилинган мазҳаблар доирасида давом этди. Бунда ўтмишдаги йирик мужтаҳидларнинг ҳулосаларини мунтазам ҳолатга келтиришга, уларнинг асарларини шарҳлашга, уларни қайта ишлаб, қисқа ва содда тўпламлар тайёрлашга асосий эътибор берилди. Ўрта асрларда ва янги даврда **Ф.** – ҳуқуқшуносликка оид асарлар орасида фатво тўпламлари кўпайди. Фатво тўпламлари тартибга солинадиган мавзулар бўйича гуруҳланган ва ҳар бирининг манбаи кўрсатилган фавқуллода меъёрлар мажмуасидир. Ал-Қудурийнинг (1037 й. в.э.) “Муҳтасар”, Қозихоннинг (1196 й. в.э.) “Фатово”, Бурҳониддин Али Марғинонийнинг (1197 й. в.э.) “Ҳидоя”, Ибн Баззознинг (1414 й. в.э.) “Фатово” асарлари бунга мисол бўлади. Сунний фақиҳлар фатволарининг аксарият тўпламлари кенг мазмунли бўлиб, таҳорат, намоз, дафн, закот, рўза, ҳаж, турли савдосотик битишувлари ва мажбуриятларини, мулкни тасарруф этиш тартиботини, вақф, мерос, никоҳ-оила муносабатлари ҳар хил ҳуқуқбузарликлар, мусулмон ҳокимиятини номусулмон ва б. давлатлар б-н муносабатлари, қозилик, кийиниш, овқатланиш қондалари ва шу каби асосий бўлимларни ўз ичига олади. Бир-бири б-н боғлиқ бўлган айрим масалаларга тааллуқли ишлар ҳам борлиги маълум. Мас., ал-Мавардийнинг (1058 й. в.э.) “ал-Аҳком ас-султонийа” рисоласи асосан халифаликни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда шу муносабат б-н молия, ер, жиноят ва қозилик ҳуқуқига бағишланган. Шиа ҳуқуқшунослари одатда бошқача таснифлаш йўлидан бориб, **Ф.**нинг барча меъёрларини тўрт гуруҳга бўладилар. Мазкур гуруҳлар ибодат тартибини, икки томонлама шартнома (уқуд), шу жумладан никоҳ, муайян шаклдаги бир томонлама битим (икоъат), жиноят учун жавобгарлик ва етказилган зарардан келиб чиқадиган мажбурият ёки ихтиёрий шаклдаги битишув ёхуд ҳаракатларни тартибга солиди. **Ф.**, бир томондан, ақлий таълимот бўлса, иккинчи томондан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тажрибасига қаратилган. **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг кўпгина ҳулосалари амалда татбиқ этилиб, ислом ижтимоий

меъёрлари мажмуасини ташкил этганлиги боис улар ҳам **Ф.** ибораси б-н атала бошлади. **Ф.** мусулмонлар орасида амал қилган феъл-атвор қоидалари маъносида ижтимоий меъёрларнинг ҳар хил диний, ҳуқуқий, ахлоқий турларини, шунингдек, урф-одатларни, оддий хушмуомалалик ва ахлоқ-одоб қоидаларини ўз ичига олган, яъни кенг, умумий ижтимоий тушунчадаги мусулмон ҳуқуқи бўлган.

Шу мажмуага кирувчи меъёрларнинг турли тоифаларини ижтимоий муносабатларда ва шахсий феъл-атворда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Чунки, мусулмонлар диний аҳқомларни имон-этиқод б-н адо этар ва шу сабабли улар жуда мукамал бўлар эди. **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг кўпгина қоидалари мусулмонлар орасида расм бўлган ва бу қоидаларга риоя этилишни кафолатлайдиган урф-одатларни акс эттирар эди. Аммо, фақиҳлар ишлаб чиққан меъёрларнинг бир қисми аксар ҳолларда давлат иштирокида амалга оширилар, давлатнинг мажбурлаши имкониятига таянар эди. Шу сабабли, исломда ягона ижтимоий-меъерий тартибга солиш мажмуаси таркибида феъл-атворнинг ҳуқуқий қоидалари (юримдик маънодаги мусулмон ҳуқуқи) алоҳида ўрин олди. **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг ҳулосалари давлат томонидан буюриш расмий қўллаб қувватлаш нағижасида қисман амалдаги ҳуқуққа айланар, мас., тайинлаб қўйилган қозилар муайян мазҳаб ҳулосаларини жорий қилар эди. Жумладан, аббосийлар ҳокимиятни қўлга олгач, фақиҳларни қози лавозимига кўтариш йўли б-н шундай ҳулосаларни қозилик тажрибасига татбиқ эта бошладилар. Юримдик маънодаги **Ф.** – ҳуқуқ шу асосда таркиб топди, **Ф.** – ҳуқуқшунослик унинг манбаи бўлди. Мусулмон фақиҳларининг кўп асарлари қози ва муфтилар учун амалий қўлланма (дастуруламал) бўлди, кўпинча маъмурларнинг буюртмаси б-н давлат маҳкамалари учун махсус китоблар ёзиб берилди. Абу Юсуфнинг (798 й. в.э.) “Китоб ал-хараж”и ёки Бобурийлар салтанатининг ҳукмдори Аврангзеб (1658–1707) амри б-н 1669 й.да бир гуруҳ ханафий ҳуқуқшунослар тузган “ал-Фатово ал-хиндийа” асари бунга мисолдир.

Чигаллик **Ф.** меъёрларининг кўпчилигига хос хусусиятдир. Зеро, айна бир хил масалаларни ҳал этишда турли мазҳабларнинг бир-бирига

тўғри келмайдиган ҳулосалари татбиқ этилиши мумкин эди. Ҳатто бир мазҳаб ичида ҳам зиддиятли қоидалар амал қилаверар, чунки **Ф.** – ҳуқуқ кўп жиҳатдан йирик ҳуқуқшуносларнинг аниқ масалаларга оид қарорлари йиғиндисидан иборат бўлиб, улар айна бир масала юзасидан кўпинча турли ҳулосаларга келар эдилар. Шу сабабли ҳатто давлат **Ф.** – ҳуқуқдаги муайян тариқатни қўллаб қувватлаши ҳам бир хил меъёрлар тизими белгилаб қўйилганини билдирмас эди. Бинобарин, **Ф.** – ҳуқуқнинг бир-бирига мос келмайдиган кўпдан-кўп қоидалари орасидан қози қайси бирини танлаб олишини олдиндан билиб бўлмас эди. Шу сабабли **Ф.**нинг умумназарий асоси аста-секин биринчи ўринга чиқа бошлагани бежиз эмас. Ўрта асрларда мусулмон фақиҳлари қозиларнинг **Ф.** – ҳуқуққа оид яқка-яқка кўрсатмалари асосида унинг умумий қоидалари (ал-Кавоъид ал-Куллийа)ни шакллантириб беришга муваффақ бўлдилар. Шу соҳадаги ишлар орасида Ибн Нужайманнинг (1562 й. в.э.) “ал-Ашбоҳ ва-н-назоъир” асари яхши маълум. 16–17-алларда чигал фатволар б-н бир қаторда меъерий қоидалар узил-кесил шакллантириб берилганлиги иккала маънодаги **Ф.** – ҳуқуқни ривожлантиришда энг юқори нукта бўлди.

Ислом мамлакатлари ҳуқуқ тизимида **Ф.** – ҳуқуқнинг роли доимо бир хил бўлган эмас. Жумладан, 16-а.да Усмонли турк салтанатида ва 17-а. 2-ярмида Бобурийлар давлатидаги ҳуқуқий амалиётда унинг қоидалари жуда кенг ва изчил қўлланилди. Бирок, умуман **Ф.** – ҳуқуқ ҳеч қачон **Ф.** – ҳуқуқшунослик б-н тўла-тўқис мос келган эмас. **Ф.** – ҳуқуқшуносликнинг ҳақиқатда амалга оширилган, ҳокимият тепасидаги қучларнинг манфаатларини ифодалаган ва давлат томонидан бирон-бир тарзда қўллаб-қувватланган қоидаларигина амалдаги ҳуқуққа айланган, фақиҳларнинг бошқа ҳулосалари эса ҳуқуқий назария доирасидан ташқари чиқмаган. Айна вақтда **Ф.** – ҳуқуқ меъёрларининг турли мажмуалари шу жиҳатдан ўз хусусиятига эга бўлган.

Шахсий ҳолат ҳуқуқи (ал-аҳвол аш-шахсийа) **Ф.** – ҳуқуқнинг энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. У оила-никоҳ, мерос муносабатларини ва уларга яқин бўлган бошқа баъзи муносабат (ҳуқуқ қобилияти, вақф тартиби ва х.к.)ларни тартибга солувчи меъерий

ийиндисидан иборат. Жамиятнинг иктисодий негизидан нисбатан хийла олис бўлган, икки томондан, диний ақидалар б-н жуда қатъий белгилаб қўйилган ушбу муносабатларни тартибга солишда Ф. – ҳуқуқ меъёрлари, одатда, бошқа тармоқларга нисбатан жуда кенг қўлланилиб келди. Аммо, ҳатто оила-никоҳ соҳасида ҳам маҳаллий урф-одатлар Ф. – ҳуқуқ б-н рақобат қилар ва амалда унинг айрим қондаларини йўққа чиқариб юборар эди. Ф. – ҳуқуқнинг жиноят (ғайриқонуний ҳаракат) тармоғи (ал-укубот), сажияси (характери)дан қатъи назар, барча ҳуқуқбузарликлар учун жазо чорасини ўз ичига олади. Фақат 10 та энг хатарли жиноят учун қатъий белгиланган жазо чораси кўзда тутилган. Мазкур тармоқ, шунингдек, Ф. – ҳуқуқнинг қозилар суди (ал-муҳокамат) ташкилоти ва унинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрлари амал қилиш соҳаси давлат ўтказётган сиёсатга бевосита боғлиқ эди, бу сиёсат эса, унинг дунёвий ва диний вазифалари нисбатига қараб белгиланар эди. Фақиҳлар ишлаб чиққан давлат ҳуқуқи, маъмурий ва молжавий ҳуқуқ меъёрлари (ал-аҳком ас-султонийа) Ф. – ҳуқуқнинг нисбатан иккинчи даражали унсур бўлиб, кўн жихатдан мавҳум назария эди, у солиқ соҳасидагина бирмунча изчил амалга оширилди. Мусулмон маъмурларнинг бошқа давлатлар б-н муносабатларини, уруш олиб бориш ва ҳарбий ўлжани тақсимлаш тартибини, мусулмон ҳукмдорнинг бош дин вакилларига нисбатан ўтказадиган сиёсатини тартибга солиш учун фақиҳлар белгилаб берган ас-сийар меъёрлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Шу меъёрларнинг айримларигина (жумладан, номусулмонларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи меъёрлар) ҳуқуқий тус олар ва юридик (ҳуқуқий) маънодаги Ф. – ҳуқуққа айланарди.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ўрта асрларда ислом мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларида Ф. – ҳуқуқ марказий ўрин олган бўлса ҳам, аммо барча ҳуқуқий меъёрларни камраб олмас эди. Бу ерда Ф. – ҳуқуқ б-н бир қаторда давлатнинг фақиҳлар ҳулосаларидан баъзан фарқ қиладиган ва ҳатто уларга зид бўлган қонун ҳужжатлари (“ҳуқуқий сиёсат” – ас-сийоса аш-шаръийа) амал қилар эди.

19-а.нинг 2-ярмида Ф. – ҳуқуқ низомида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг энг

муҳим сабаби шундан иборат бўлдики, энг ривожланган ислом мамлакатларида (хусусан, Усмонли турк салтанати таркибидаги эл-юртларнинг кўпчилигида) Ф. – ҳуқуқ асослари ҳолларда Фарбий Европадан олинган қонунларга етакчи ўринни бериб қўйди. Натижда Ф. – ҳуқуқ асосан шахсий ҳолат муносабатларини тартибга солиш соҳасида ўз мавқени сақлаб қолди ва мазкур мамлакатларнинг давлат, маъмурият, жиноят, савдо-сотик ҳуқуқида, кўн жихатдан фуқаролик ҳуқуқида ҳам қўлланилмай қўйди. Шу б-н бирга бу даврда 1869–1877 й.ларда “Мажаллат ал-аҳком ал-’адлийа” деган ҳужжатни қабул қилиш йўли б-н унинг меъёрлари биринчи марта расмий равишда шароитга мослаштириб олинди, бу иш Усмонли турк салтанатининг фуқаро кодексига муҳим роль ўйнади (ҳозирги пайтгача ҳам шу ҳужжат Кувайтда қисман қўлланиб келинмоқда). Дикқатга сазовор томони шуки, мазкур қонун Ф. – ҳуқуқшуносликнинг ханафийлик мазҳаби ҳулосалари асосига қурилган бўлиб, жумладан, Ибн Нуҷайманинг рисоласидан олинган аниқ меъёрларни ҳам, умумий қондаларни ҳам ўз ичига олган эди. 19-а. 2-ярми ва 20-а.нинг бошларида ҳукумат маъмурларининг топшириғига биноан тайёрланган қонун лойиҳалари тарзидаги асарлар (мас., Қадри Пошо, Д.Сантиллана ва М.Мораннинг шахсий ҳолатга оид ишлари) найдо бўлганлиги дикқатга сазовордир, аммо, улар давлат томонидан эътироф қилинмади.

Гарчи 19-а.нинг 2-ярмидан Ф. – ҳуқуқнинг аҳамияти тобора пасайиб борган бўлса ҳам, ҳоз. вақтда унинг айрим тармоқлари, тартиб-қондалари ва меъёрлари кўнчилик аҳолиси мусулмон бўлган Шарқ мамлакатларида бирон-бир тарзда қўлланилмоқда (фақат Туркия бундан истиснодир, бу мамлакат 20-й.лардан эътиборан ундан бутунлай воз кечди). Шахсий ҳолат тармоғи изчил, кенг ва деярли бекаму кўст амал қилаётир, айрим ҳолларда (мас., Тунис ва Яманда) Ф. – ҳуқуқнинг оила-никоҳ масалаларига оид қондаларни бирмунча ўзгартрилди. Ф. – ҳуқуқнинг тартиботи жиноят ҳуқуқида (мас., Саудия Арабистони, Яман, Форс кўрфазн мамлакатларида) ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, аммо бир қанча мамлакатлар (Ливия, Эрон, Покстон, Мавритания ва б.)да ҳуқуқнинг мазкур

тармоғига унинг таъсири 70-й.лардан бошлаб хатто кучайиб кетди. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. **Ф.** – ҳуқуқнинг бу соҳадаги меъёрлари вақфларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиб келмокда (вақфлар тугатилган Жазоир, Тунис, Яман бундан мустасно). Бу меъёрлар фуқаролик кодексига айрим моддалари (мас., ҳуқуқни суистеъмол қилиш, қарзни ўтказиш, ерни ижарага олишга оид моддалар) тарзида киритилган. Кейинги 10–15 й.да бир қанча мамлакатлар (Ливия, Покистон ва б.) фуқаролик ва тижорат ҳуқуқида **Ф.** – ҳуқуқ меъёрларини қўллаш миқёси кенгайди. **Ф.** – ҳуқуққа асосланган солиқ ва молия қонунлари (жумладан, фойда – рибо олишни тақиқлайдиган ва шу асосда ислом банклари фаолиятини тартибга соладиган қонунлар) қабул қилингани бунга сабаб бўлди. Кўпчилик ислом мамлакатларида мусулмон (шариат) судлари сақланиб қолаётир (араб мамлакатларидан фақат Тунис, Жазоир, МАР, Яманда бундай судлар тугатилган). Уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти кўп жиҳатдан **Ф.** – ҳуқуқ меъёрлари б-н тартибга солинади. **Ф.** – ҳуқуқ қоидалари ва меъёрлари айрим мамлакатлар (аввало Саудия Арабистони) давлат ҳуқуқида акс этган ва ҳоз. вақтда 1979 й. конституциясида ислом республикаси деб эълон қилинган Эрондаги давлат шаклида жуда яққол кўриниб турибди. Шуни ҳам айтиш керакки, барча ислом мамлакатларида ёхуд бошқа мамлакатлар аҳолисининг озчилигини ташкил этувчи мусулмон жамоаларида диний қоидалар ва намоз тартибини белгиловчи **Ф.** – ҳуқуқ меъёрлари ҳали ҳам қўлланилаяпти. Ҳоз. шароитда **Ф.** расмий ҳуқуқ манбаи сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолган. Бир қанча мамлакатларнинг шахсий ҳолат ва жиноят ҳуқуқига оид қонунларида кўзда тутилишича, агар қонунда тегишли меъёрлар бўлмаса, **Ф.** – ҳуқуқшунослик ҳулосалари қўлланилиши лозим. Баъзи мамлакатлар (Миср, Сурия, Ливия, Ирок, Жазоир, Кувайт)нинг фуқаролик кодексларида ҳам шундай қоида белгиланган. Ҳоз. вақтда кўпгина ислом давлатларининг конституциялари фикҳнинг асосий ва ўзгармас меъёрларини қонунчиликнинг асосий манбаи деб тан олади. Давлатнинг **Ф.** – ҳуқуққа нисбатан бундай сиёсати **Ф.** –

ҳуқуқшуносликка оид илмий ишларни рағбатлантиради. Бу ишлар икки асосий йўналишда олиб борилади. Назарий илоҳиёт б-н чамбарчас боғлиқ бўлган биринчи йўналиш анъанавий фатво жанридан иборат (Мисрнинг собиқ муфтиси Хасанайн Муҳаммад Махлуфнинг икки жилдли фатволар тўплами бунга мисол). Иккинчиси – **Ф.** назарияси ва тарихига оид асарлардир.

ФОЛ (форс. – олдиндан айтиш, топиш, араб. – келажакнинг яхшилик белгиси), р о м – кишилар тақдирини, келажакни ёки номаълум воқеа ва ҳодисаларни “айтиб бериш”нинг сохта ҳар хил усуллари.

Ф. дастлаб ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган. Овчилик, сўнгра чоравачиликнинг вужудга келиши б-н қушларнинг сайраши, учиши, ҳаракатларига қараб **Ф.** кўриш расм бўла бошлади. Ибтидоий деҳқончилик пайдо бўлган даврда юлдузларга қараб **Ф.** кўриш тарқалди; кейинчалик бундай **Ф.** кўриш негизда сохта фан – астрология юзага келди. **Ф.** бобилликлар, этрусқлар, юнонлар ва б. қад. халқларда кенг тарқалган эди.

Ф. кўриш б-н махсус кишилар – фолбинлар шугулланганлар. Кўпгина халқларда фолбинлар суяклар, дон-дуккакли ўсимликларнинг мевалари, ёнғок, қўй қумалоғи ва ш.к. ёрдамида **Ф.** очганлар. Ўрта Осиё халқларида **Ф.** очишда **Ф.** очтирувчининг томирини ушлаб, номини такрорлаш ёки бошқа сўзлар айтиш, майда тошлардан фойдаланиш ёхуд пиёладаги сувга пахта ташлаш каби усуллар қўлланилган. Кейинги даврларда картага ва қўл кафтининг чизикларига қараб **Ф.** очиш кенг тарқалди. **Ф.**нинг ҳоз. кунга қадар сақланиб қолган энг қад. кўриниши тушга қараб **Ф.** очишдир. **Ф.** очиш негизда табиат ва одамларни бошқарувчи ғайритабиий кучлар б-н алоқа боғлаб, номаълум воқеа ва ҳодисани англаш мумкин, деган диний тасаввурлар ётади.

ФОРОБИЙ Абу Наср (873–950) – ўрта осийлик комусий олим, файласуф. Сирдарё қирғоғидаги Фороб ш.да туғилган. Бухоро ва Самарқандда ўқиди. Эрон шаҳарларида бўлди. Ўрта аср фани ҳамда тилларни ўрганди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортиқ тилни билган. Аристотель ва Платон асарларини шарҳлаб берган. Шарқ мамлакатларида улуғланиб “Иккинчи муаллим”, Шарқ Аристотели деб ном олган. У тиббиёт,

математика, филология, мусикашунослик, мантик, ахлоқшунослик, давлатшунослик, фалсафа ва б. соҳалар бўйича 160 дан ортик асар ёзиб қолдирган. **Ф.** фикрича, олам – ягона мавжудот. Аллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар унинг эманацияси (нурланиши) асосида келиб чиқади. “Фозил шаҳар аҳолиси” асарида қайд этишича, фақат худо ўз зотиға кўра тафаккур қилади ва танҳо Угина энг яхши илмларни билади. Назарий ҳикмат худо зотини билиш илми бўлмай, балки У яратган нарсалар ҳақидаги илмдир ва шу яратилган нарсаларға қараб Унинг жамолини, қудратини, ҳикмат ва адолатини билиш мумкин. **Ф.** фикрича, ақл шариятнинг таянчи ва мадақкори бўлиб, моҳиятан у б-н бирдир. Шариятни тушуниш учун ақл ишлатиш зарур. Инсон тасаввурий қувват орқали эришиши мумкин бўлган “энг мукаммал босқич” пайғамбарлик бўлиб, пайғамбарликнинг “энг мукаммал босқичи” тасаввурий қувват воситасида ҳосил қилинадиган ваҳийдир. “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари”, “Бахт-саодатға эришув ҳақида” ва шу каби асарларида барча аҳолини бахт-саодатға, илм-маърифатға олиб борувчи, уларни комил инсон қилиб тарбияловчи идеал жамоа ҳақидаги фикрни олға сурди. **Ф.**нинг диний, фалсафий қарашлари кейинги давр олимларига муҳим таъсир кўрсатди.

ФОСИҚ (араб. – йўлдан адашган, ахлоқсиз) – 1) ислом анъанасида диний мажбуриятларни адо этмаган гуноҳкор; 2) ахлоқий маънода – фахш, бузук одам.

“Фосиқ” калимаси жоҳилият даврида қўлланилмаган. Қуръони каримда ўзак ҳолида етти, тусланган феъл сифатида ўн ва “фосиқ” шаклида эса (иккитаси бирликда, бошқалари кўпликда) ўттиз етти жойда келади. Баъзи оятларда яҳудийлар, христианлар, мушриклар ва мунофиқлар ҳақида сўз бораркан, кўпларининг **Ф.** эканлари билдирилади (мас., Бақара, 99; Оли Имрон, 110; Моида, 47, 59; Тавба, 67); бошқа айрим оятларда эса, фикс ва фусук мўминларға нисбатан ҳам ишлатилади (Бақара, 197, 282; Нур, 4). Оятларда маълум қилишиға кўра, Аллоҳ **Ф.**лардан рози бўлмайди, молий эҳсонларини қабул этмайди ва ўзларини ҳидоятға эриштирмайди. Уларни дунёда жазолагани каби, охиратда ҳам жаҳаннамға ташлайди.

ФОТИМА (тахм. 605/606—632/633) – *Муҳаммад* (сав)нинг кенжа қизлари. **Ф.**ға эътиқод қилиш шиалар ўртасида кенг тарқалган. Шиа имомлари ва мусулмон мамлакатларидаги кўпчилик сулолалар (Идрисийлар, Фотимийлар, Саъдийлар ва б.) шунингдек, барча *сайид*лар **Ф.** ва унинг эри *Али* ибн Абу Толиб авлодлари деб ҳисобланади. **Ф.** гўзал бўлгани учун Заҳро (Гулдек) деб лақабланади. **Ф.**ни Алидан 5 фарзанди (уч ўғил (биттаси ёшлигида вафот этган) 2 қиз) бўлган. Ҳасан, Ҳусайн, Умму Кулсум ва Зайнаб. Муҳаммад (сав) вафотларидан олти ойдан сўнг оламдан ўтган **Ф.** Мадинада дафн этилган. Макка ва Мадинаға борган шиа аёллари **Ф.** қабрини зиёрат қилади.

ФОТИМИЙЛАР (909 – 1171) – исмоилий халифалар сулоласи; ўзларини Жаъфар ас-Содик (765 й.в.э.) ўғли Исмоил орқали Али ва Фотима авлоди деб ҳисоблаганлар (қ. *Жаъфарийлик*). Сунний муаррихлар **Ф.**нинг Али авлоди эканликларини рад этиб, уларни убайдийлар яъни исмоилийлар имоми Убайдуллоҳ ал-Маҳдий (**Ф.** сулоласи асосчиси) авлодлари деб ҳисоблайдилар. **Ф.** Сицилия, Марокаш, Миср, Фаластин ва Суриянинг бир қисмини эгаллашға муваффақ бўлишган. 971 й. улар Мисрнинг янги пойтахти – Қоҳираға асос солганлар. Макка ва Мадинани ўзларига тобе этган **Ф.** Бағдодни босиб олиб, аббосийларни тахтдан ағдариш ва ўзлари ҳукмронлигидаги янги халифалик барпо этишни режалаштирганлар. Қоҳирада улар марказ ташкил этиб, у орқали **Ф.** ўзларининг ташвиқот ишларини олиб борганлар. 11-а. ўрталарида Яманда исмоилийларнинг Сулайхийлар сулоласи қарор топган. **Ф.**нинг таъсири аста-секин сусая бошлаган, бу фақат салжуқийларнинг кучайиши б-н боғлиқ бўлибгина қолмай, исмоилийлар мафкурасининг таназзулга учраши б-н боғлиқ эди. Византия, айниқса, салбчилар б-н бўлган урушларда толиққан **Ф.** давлатида ёлланма гвардия (мамлуклар) таъсири кучайган. Курд амири Салоҳиддин ҳокимият тепасига келгач, аббосий халифалар ҳукмронлигини тан олган ва исмоилийлар давлати аста-секин суннийлар давлатига айланган.

ФОТИҲА (араб. – очмоқ, бошламоқ) – 1) *Қуръон*нинг биринчи (бошланғич) сураси номи. **Ф.** 7 оятдан иборат бўлиб, унда Аллоҳ таолоға

хамд, унинг сифатлари, қиёмат кунн эгаси эканлиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлиши зикр қилинган. 2) Бирон воқеа муносабати б-н ўқиладиган дуо, Куръоннинг айрим қисқа сурачаридан бирини тиловат қилиш. Ислоом анъанасида Ф. марҳумнинг вафоти муносабати б-н оила аъзоларига билдирилган таъзиянинг диний шакли ҳисобланади.

ФУРУЪ ал-ФИҚҲ – фикҳнинг “тармоқлари”, ислом позитив ҳуқуқини ташкил қилувчи фикҳнинг бир қисми. Дастлаб “фуруъ” истилоҳи Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “Китоб ал-асл фи-л-фуруъ” (ал-Мабсут номи б-н кўпроқ машҳур) асарида қайд этилган. Муҳаммад аш-Шофийий аниқ таърифлаган фикҳнинг асос – “илдизлари” (усул ал-фикҳ)дан фарқли ўлароқ позитив ҳуқуқ қисмлари ўзаро чегараланмаган ва айни бир масаланинг ўзи турли бўлимларга мансуб деб қаралиши мумкин бўлган.



Х

ХАБАР (кўнлиги ахбор; “дарак”, “янгилик”, “хикоя”) – Муҳаммад (сав)нинг сўзлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақида ривоят (бу маънода синонимни ҳадис, асар) – Қуръон ва ҳадисларда бу сўз ўзининг одатдаги – “дарак”, “билдириш” маъносида қўлланилган; ал-Бухорий давридаёқ (9-а.) айрим ҳадислар ахбор деб кўрсатилган. Шналикдаги ҳадислар тўпламлари ҳам Ахбор деб аталади.

Х. истилоҳи, шунингдек, айрим тарихий воқеа ёки факт. таржиман ҳолга доир маълумот, одоб-ахлоқ ёки дунёвий характердаги кўнгли очди ҳикоялар маъносида ҳам ишлатилади.

ХАДИЧА бинт Хувайлид (тахм. 555/556–620/621) – *Муҳаммад* (сав)нинг биринчи хотинлари. Х. бева қолган бой хотин бўлган. Муҳаммад (сав) аввал Х.нинг савдо ишларини бошқарганлар, кейинчалик унга уйланиб, унинг маблағлари б-н савдогарлик қилганлар. Х. Муҳаммад (сав)га кўп ғамхўрлик ва меҳрибонликлар кўрсатган, у зотга ваҳий кела бошлаганда пайғамбарликларига дарҳол ишонган, биринчилардан бўлиб исломни қабул қилган. У Муҳаммад (сав)дан 4 қиз ва уч ўғил кўрган, фақат кенжа қизи *Фотима*дан авлод қолган.

ХАЙР – яхшилик, эзгулик; мусулмон диний, илоҳиёт ва фалсафий тафаккурида ахлоқий ва метафизик категория, ёвузлик – шаррнинг

зидди. Ахлоқий жиҳатдан уларнинг синонимни сифатида жамил ёки ҳасан (гўзал) ва қабих (хунук). Фикҳда яхшилик – шарнатга кўра, киши интилиши керак бўлган нарса, ёвузлик эса – ундан қочиш лозим бўлган ҳолатдир. Фалсафий ва илоҳиёт тафаккурида дунёда ёвузликдан кўра яхшилик кўпчилигини ташкил қиладиган ва Аллоҳ фақат яхшиликнинг сабабчиси, деган қараш устундир.

ХАЛВАТИЙА – суфийлик тариқати; 14-а. охирида Шим.-Ғарбий Эронда шаклланган. Тариқат дастлаб туркий аҳоли ўртасида вужудга келиб, Ўрта Осиё тасаввуф мактаби (Аҳмад Яссавий)нинг айрим гоёлари ва маломатия ва қаландариянинг кучли таъсири остида фаолият олиб борган. Х. 50 дан зиёд мустақил сулук ва тариқатларни бошлаб берган. Х.нинг асосчиси ғилоблик Зоҳириддин Умар ал-Халватий (1397 й. в.э.) бўлган. У ўз издошлари учун қоидалар ишлаб чиққан, унга кўра, қатъий равишда зоҳидликка амал қилиш (зуҳд) ва мутлақо рўза туттиш (имомлар сонига қараб) асослаб берилган. Сиёсий сабабларга кўра, (Х. тармоқларига Усманийлар раҳнамолик қила бошлагач) Х. таълимоти вақт ўтиши б-н ўзгаришларга учраб суннийлик тариқатига айланган. Х. таълимоти асосини қуйидагилар ташкил қиладиган: жуъ (ихтиёрий очлик), самт (сукут сақлаш), саҳар (бедор бўлмоқ), нътизол

(ёлғизлик), зикр, фикр (медитация), рабт (мурид қалби б-н шайх қалби ўртасидаги алоқа) ва ибодатда доимий покизалик. Х. тариқати яшил ёки қора рангдаги тўртбурчакли қалпок кийиши б-н ажралиб турган.

ХАЛИФА (араб. – ўринбосар, ноиб) – илк исломда жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва Аллоҳ таоло кўрсатмаларига мусулмонлар томонидан амал этилишини назорат қилиш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари. Х. баъзи вазифаларда вафот этган Муҳаммад (сав)нинг ўринларини босади, деб ҳисобланган, кейинги ҳар бир Х. эса, шу вазифада ўзидан олдингисининг ўрнини босиши керак бўлган. Муҳаммад (сав)нинг энг яқин сафдошлари *Абу Бакр Сиддиқ* биринчи Х., кейингилари *Умар*, *Усмон*, *Али* бўлишган. Уларни хулафои рошидин, яъни тўғри йўлдан борувчи Х.лар деб аташган. Али ва *Муовия* ўртасидаги кураш даврида мусулмон жамоасининг бўлиниши содир бўлган, Али тарафдорлари *шиаликка* асос солишган. Улар мусулмон жамоасида ҳокимият фақат имом ҳисобланган Али ва унинг авлодларига тегишли бўлиши лозим деб ҳисоблаганлар. Х. унвонини шиалар тан олмайдилар. Алини дастлаб қўллаб-қувватлаганлар ичидан *хорижийлар* ажраб чиққан, улар Х.ни сайлаш тамойилини қатъий ҳимоя қилишган. Суннийликни ташкил этган мусулмонлар жамоасининг аксарият қисми умавийлар сулоласидан бўлган Х.ларни ёқлаб чиқди; бу сулола ўрнига 8-а. ўртасида аббосийлар сулоласи келган. Аббосийлар аста-секин реал ҳокимиятни қўлдан бой бера бошлаганлар, 13-ада эса. Бағдод мўғуллар томонидан босиб олинган ва Х.ни Қоҳирага қочиб кетганидан сўнг (у ерда 10-11-ада *фотимийлар* ҳукмрон эди), амалда ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмай қолишган. 16-ада турк султонлари ўзларини Х. деб атай бошлаганлар, бу ҳолат 1924 й.гача, яъни Усмонийлар салтанати тугагунча давом этган.

ХАЛИФАЛИК – Пайғамбар (сав)дан ноиб бўлиб, дин ишларини, диний илмларни тарқатиш, Ислом арконларини қоим қилиш, жиҳод олиб бориш, унга тегишли: лашкар тայёрлаш, жангчиларга маош бериш, тушган ўлжани бўлиб бериш каби ишларни, ҳозирлик ишларини, ҳадд-шаръий жазоларни қоим қилиш, зулмларни кўтариш, амри маъруф, нахий

мункарни йўлга қўйиш каби давлат ишларидаги раҳбарлик (“Изолатул Хафо” 1-2).

Х. тўрт йўл б-н собит бўлади:

1-Мусулмонларга фикри ва насиҳати ўтадиган, аҳли ҳилл ва ақд (ҳалол ва иш-сўзи бир) бўлган уламолар, бошлиқлар ва аскарбошиларнинг байъати б-н собит бўлади. Абу Бакр (ра)нинг Х.лари шу йўл б-н собит бўлган.

2-Халифа одамларга васият қилиб ўз ўрнига бўладиган одамни тавсия қилиши. Ҳазрати Умар (ра)нинг Х.лари шу йўл б-н собит бўлган.

3-Халифа сайлаш учун Шўро мажлиси тузиш. Ҳазрати Усмон (ра) ва Ҳазрати Али (ра)нинг Х.лари шу йўл б-н собит бўлган.

4-Х. шартларига эга одамнинг одамларга бошлиқ бўлиб олиши б-н. Пайғамбар (сав) халифаларидан кейинги халифалар шу йўл б-н бўлган. (“Хужжатуллоҳи Болиға” 2-738).

Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (ра)лар рошид халифалар ва ҳидоятли имомлар бўлиб, Расулulloҳ (сав) уларга ишорат қилганлар ва одамларни уларга итоат қилишга ва суннатларини тутишга амр қилганлар.

*Ҳасан*нинг Х. муддатлари олти ой.

Улардан сўнг мусулмон подшоҳларнинг биринчиси *Муовия*.

Ҳасан унга Х.ни топширгандан сўнггина ҳақиқий халифа бўлган. Ҳасанга отасининг ўлиmidан кейин Ироқ аҳли байъат қилган эди. Сўнгра олти ойдан кейин у киши ишни Муовияга топширдилар. Шу б-н Пайғамбар (сав)нинг Ҳасан ҳақларида:

“Албатта, менинг бу фарзандим саййиддир. Аллоҳ унинг сабабидан мусулмонларнинг икки катта гуруҳи орасини ислоҳ қилади”, деган гаплари ростлиги зоҳир бўлди (Бухорий ва Муслим ривоят қилганлар).

Кейин Х. Муовия ибн Абу Суфёнга ва ундан умавийлар сулоласига ўтди. Сўнг аббосийлар ва улардан кейин усмонийлар халифалиги бўлди. Х. Мустафо Камол Отатурк томонидан тугатилиди.

ХАНДАҚ ЖАНГИ (араб. – чуқур) – Муҳаммад (сав) раҳбарликларидаги мусулмонлар б-н маккалик мушриклар ўртасидаги жанг. 627 й.да маккаликлар раҳбари *Абу Суфён* 10 мингга яқин аскар б-н келиб Мадинани қамал қилади. Муҳаммад (сав) тарафдорлари Мадина атрофида *Салмон ал-Форисий* тавсияси б-н хандақ қазиб, шаҳарни ҳимоя этади. 3 ҳафталик қамалдан кейин Абу

Суфён қўшинлари Мадинани ололмаи орқага қайтади, мусулмонлар ғолиб чиқади. Бу ислом тарихида Х.ж. деб ном олади.

ХАТИБ (араб. – тарғиботчи, нотик) – масжида жума ва хайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган руҳоний. Ислом муассасаларида кўпинча Х. масжид имоми вазифасини ҳам бажаради (имом-хатиб деб аталиши шундан). **ХАТИБ БАҒДОДИЙ**, тўлиқ исми Абу Бакр Аҳмад ибн Алий ибн Собит (1001–1071) – машхур муҳаддис ва тарихчилардан бири. Ёкут Ҳамавий “Муъжам ул-булдон”да унинг эллик олти таълифидан баҳс этади. Китобларининг кўпчилиги ҳадис илмига оиддир. 20 жилдли “Бағдод тарихи”дан ташқари “ал-Жомеъ ли-одобир-ровий вас-сомиъ”, “ал-Кифоя фи-маърифати усулир-ривоя”, “Шарҳ дивон Аби Таммом” каби асарлари машхурдир. Хусусан, 20 жилдли “Бағдод тарихи”ни алоҳида қайд этиш лозим. Шарқшунос Сальмон Парижда бу тарих ҳақида 300 саҳифадан иборат бир бағишлов нашр этган. Кўпгина шарҳлар ҳам битилган.

Вафотидан аввал барча китобларини вақф этган, бойлигини хайр йўлида илм ва ҳадис б-н машғул бўлганларга бўлиб берган.

ХАТМИ-ҚУРЪОН – Қуръонни батамом ўқиш ва шу муносабат б-н ўтказиладиган диний маросим. Рамазон ойида, тарових намозида Қуръони каримни аввалидан охиригача тиловат қилиб чиқилиши ҳам Х.-К. дир.

ХАТТОБИЙЛАР, ал-Хаттобийя – “ўта” шиаликдаги гуруҳ; Абу-л-Хаттоб Муҳаммад ибн Али Зайнаб ал-Асадий издошлари. Х.нинг асосчиси ва ғоявий раҳнамосининг даъватига кўра, илоҳий руҳ то Жаъфар ас-Содиққача бўлган Али хонадонига мансуб имомларга бирин-кетин жо бўлган. Куфа яқинига чодир ўрнатиб Абу-л-Хаттоб ўз тарафдорларини худо имом сиймосида намоён бўлди деб Жаъфар ас-Содиққа ибодат қилишга чақирган. Бундан хабар топган Жаъфар ас-Содиқ Абу-л-Хаттобдан юз ўғирган ва уни дуоибад қилган. Шунда Абу-л-Хаттоб илоҳий нур Алийлардан ўзига ўтганлигини даъво қила бошлаган. Имомийлик меросий эканлигини рад этиб, имомлик – соф ғоявий фазилат, пайғамбарлар ва имомлар илоҳий мужассамликнинг кўринишидир, илоҳийлик – бу пайғамбарликдаги нур, пайғамбарлик – имомликдаги нур, дунё илоҳий нурдан маҳрум

бўлиши мумкин эмас ва бу нур (имомлик) унга, еттинчи имомга ўтганлигини даъво қилган. 760 й. Х.нинг бир қисми Муҳаммад ибн Исмоил тарафдорлари б-н бирга Куфада аббосийларга қарши кўзғолон кўтаришган. Кўзғолон бостирилиб, Абу-л-Хаттоб қўлга олингач, бир гуруҳ тарафдорлари б-н бирга хочга тортилган. Уларнинг жасаглари ёндирилиб, каллалари халифа ал-Мансурга жўнатилган, халифа уларни уч кун Бағдод дарвозаларига осиб қўйишни, сўнгра ёқиб юборишни буюрган. Қолган Х. бешта гуруҳга ажраб кетишган, улардан бири Абу-л-Хаттобнинг ўлганлигини инкор этиб, уни илоҳийлаштиришни давом эттирган, бошқалари эса, янги сайланган имомларни илоҳийлаштирганлар. Х. учун умумий хусусият имомларни илоҳийлаштириш, уларнинг ғайритабиий билимларига ишониш бўлган. Х. жаннат ва дўзахни мажозий талқин қилганлар, ўликларни қайта тирилишини инкор этишган, руҳларнинг кўчишини тан олганлар. Барча Х. дастлабки уч хулафои рошидин ва саҳобаларни, Алини ўз вақтида имомликдан четлатганлари учун динсизликда айблашган.

Х.нинг ғоявий издошлари исмоилийлар – “еттичилар” бўлиб, уларнинг диний-сиёсий қарашлари, ўз навбатида қарматлар ҳаракати мафкурасининг муҳим қисмини ташкил этган. **ХИЗР** (ас) (Хизир, Ҳазрати Хизр, Хизр бува, Хизр-Илёс) – Қуръонда “Аллоҳнинг қули” номи б-н тилга олинган тақводор зот. Х. (ас) одамларда Аллоҳга бўлган эътиқодни мустаҳкамлаш учун *Исо*, *Илёс* ва *Идрис* сингари абадий ҳаёт ато этилган пайғамбарлардан ҳисобланади. Ривоятларга кўра, Х. (ас) оролларда яшайди, осмонда учайди, ҳамиша дунё бўйлаб кезиб юради, ҳар йили ҳаж қилади, жума кунлари Макка, Мадина ва Қуддус ш.ларидаги масжидларда намоз ўқийди. Денгизда сузувчиларга ҳомийлик қилади, махсус дуолар б-н чақирилса, ёрдамга келади: сувга чўкаётганларни қутқаради, ёнгинни ўчиради, ўғрилар хуружидан, жинларнинг ҳийлаларидан, илон чақишидан халос этади ва ҳ.к. Суфийлар Х. (ас)ни авлиёлар пири сифатида эъзозлайди. Ҳазрати Х. (ас) қадимдан халқлар тасавурида одамлар мушкулини осон қилувчи, у б-н учрашган кишиларга бахт ато этувчи художўй қариядир. Худо ёрлақанган одамларгина Х. (ас)га йўлиқиши мумкин.

Мусулмон шарки мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиёда Х. (ас) номи б-н боғлиқ кўплаб кадамжолар (мас., Хазрати Хизр масжиди ва б.) мавжуд.

ХИРОЖ, х а р о ж (араб. – солиқ) – 1) ўрта аср мусулмон давлатларида ер солиғи. Дастлаб Х.ни Араб халифалигида фақат ғайридинлар тўлашган. Мусулмонлар *ушр* солиғи тўлаганлар. Кейинчалик ер эгалари, асосан, мусулмонлар бўлгач, Х. умумий ер солиғига айланган. Х. алоҳида шахсдан ёки жамоадан (бутун қишлоқ аҳлидан) олиниши мумкин бўлган. Сўнги ўрта асрларда у турли номларда аталган. Усмонли турк империясида Х. деб мусулмон бўлмаганлардан олинадиган жон ва ер солиқлари айтилган (яна қ. *Жизя*); 2) Ўрта Осиёда ўрта асрларда давлат ерларидан тўпланган солиқ. Ўрта Осиёда 8-ада ислом динининг тарқалиши жараёнида жорий этилган, шариатда қонунлаштирилган эди. Замонавий солиқ тизимининг амалга киритилиши б-н Х. йиғиш йўқолиб кетди.

ХИРҚА (араб. – ямок, қуроқ) – жунли матодан тикилган устки кийим. Асосан, суфийлар кийган. Х. одатда суфийликда пирдан шогирдга ўтган, узок вақт кийилгани сабабли у кўпинча эскирган, қуроқ ва ямок бўлган. Х. ўзбеклар орасида жанда деб аталган.

ХОЖА АХРОР (тахаллуси: асл исми Убайдуллоҳ; 1404–1490) – ўрта осийлик шайх, муршид, нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан. Хоз. Тошкент вилояти Боғистон қишлоғида туғилган. Унинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. Шажараси она тарафидан машҳур Шайх Хованд Тахурга бориб тақалади. Тошкент, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Х.А. кўпроқ тасаввуф илмига қизиқади ва шу мақсадда Хиротга келиб Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий каби таниқли мутасаввифлар суҳбатида бўлди. Сўнг Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди шайх Ёқуб Чархий (1447 й.в.э.)дан нақшбандийлик тариқати асосларини ўрганди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг давомчиси сифатида руҳонийлар ўртасида катта обрўга эга бўлди ва “валий” (авлиё) деб танилди. Айни вақтда деҳқончилик ва тижорат ишлари б-н шуғулланди. Х.А. жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин эгаллади. Х.А.

қаламига мансуб 3 рисола – “Фақарот ул-орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”), “Волидия”, “Хавроийя” бизгача етиб келган. Биринчи рисоласида ўзининг ва баъзи тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрлари, иккинчи рисоласида тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано тушунчалари баён этилган. Инсон зоҳири ва ботинини покиза қилиш мавзуи ҳам асардан жой олган. Учинчи рисоласи мутасаввиф шоир Абу Саъид Абулхайр (11-а.) рубойиси шарҳига бағишланган. Х.А. нақшбандийликнинг муршиди сифатида шуҳрат қозониб, ўз даврининг ижтимоий, фалсафий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жомий, Навоий, Бобур Х.А.ни ўзларига маънавий пир – устоз деб билганлар, унга бағишлаб дostonлар битишган, асарларини ўзбек тилига ўгиришган. Х.А. Самарқандда вафот этган.

ХОЖА АХРОР МАЖМУАСИ – Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани Улуғбек қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (15–20-а.). Хожа Ахрор қабри яқинида турли даврларда бунёд этилган Нодир Девонбеги мадрасаси, икки айвон, намозгоҳ масжид, минора ҳамда ховуздан иборат.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Махмуд ал-Хофиз ал-Бухорий (1345–1419) – Ўрта Осиёда нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили, Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси (ўринбосари). Бухоро мадрасаларида Куръон, ҳадис, калом илмларини пухта ўрганган. Темурийлардан Хуросон ҳукмдори Шоҳрух у б-н турли диний масалалар бўйича ёзишиб турган. Мирзо Улуғбек Х.М.П.нинг қомусий билимдонлигига тан берган. Х.М.П.га Нақшбанднинг ўзи таълим ва тарбия берган ва ўлими олдида уни ўз ўрнига тайин қилган. Х.М.П. “Рисолаи қудсия” китобида пиридан эшитган ва ўзи жамлаб юрган ибратли калималаридан намуналар келтириб, уларни бирма-бир шарҳлайди, пирининг ҳаёти ва маънавий дунёси, нақшбандийлик тариқатининг асослари ҳақида маълумотлар беради.

Х.М.П. шариат ва тариқатга оид ўнлаб асарлар яратган. Жумладан, “Куръон тафсири”, “Тариқат машойихларининг қудсий калималаридан”, “Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола”, “Мурид одоблари ҳақида рисола”, “Кароматлар ҳақида рисола”, “Макка

шахрининг қисқача тарихи”, “Етмиш икки фирқа”, “Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” асарларида ислом дини ва тасаввуфга онд фикрларини баён этади, энг машхур суфийларнинг фаолияти ҳақида уларнинг ўз асарлари ва мулоҳазалари асосида ҳикоя қилади. Яна бир машхур асари – “Фасл ул-хитоб би васлил-аҳбоб” (“Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб”) эса, бир неча бор чоп қилиниб, ислом уламолари томонидан энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланилган, шариат, тариқат, диний фирқалар тўғрисида бирон-бир мунозара чиққудек бўлса, шу асарда келтирилган фикрлар ишончли далил – ҳужжат деб қабул қилинган. Асарда исломда баҳсли ҳисобланган 500 га яқин масала батафсил ёритилиб, тавсифлаб берилган.

Х.М.П. иккинчи марта ҳаж зиёратидан сўнг касалликка чалиниб вафот этади. Қабри Мадинадаги “Жаннатул-бақъ” қабристонидан. **ХОЖА МУҲАММАД ИСЛОМ** (1493–1563) – *Жўйбор хожаларидан*. Бухоро хони Абдуллахон II нинг пири. Муслмон Шарқда катта нуфузга эга бўлган. Хиндистон, Эрон, Кошғар, Бадахшон ҳокимлари у б-н хат ёзишиб турганлар. Шайбонийлар давлатидаги кўпгина қурилиш ишлари (масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммомлар, расталар, устахоналар, сардобалар, каналлар ва б.) унинг ва ўғли хожа Саъднинг (1531–89) номи б-н боғлиқ. Х.М.И.нинг Бухоро, Миёнкол, Самарқанд, Балх, Бадахшон, Хирот, Марв, Мурғоб, Мехна, Машҳад, Чоржўй ва Андхудда катта ер мулклари бўлган. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир ул-аҳбоб” асари унга бағишланган.

ХОКСОР – суфийлик тариқати; 18-а. охирида жалолия-сухравардия тариқати (Шим. Хиндистонда Саййид Жалолиддин Ҳусайний томонидан 14-а. ўртасида асос солингандан мустақил бўлиб ажраб чиққан; ўзига ҳайдария (Мир Ҳайдария) ва қаландариянинг бир қанча гуруҳ ва жамоаларини, шунингдек, неъматуллоҳийларнинг турли тармоқларини бирлаштирган.

Х. илк тарихи мавҳум, чунки тариқатнинг адабний анъанаси йўқ бўлган. Бизгача етиб келган турли қўлёзма қўлланма ва кўрсатмалар бир тўпламга келтирилиб “Рисолаи тариқа-йи фақр-и хоксор” деб аталган.

Х. мустақил назарий қоида ишлаб чиқмаган. Ўздан аввалги тариқатларнинг қоришмасидан иборат.

“Йўл” тўрт босқичдан иборат, унда 20 ёки 44 манзил (мақом) бор, одатда шулардан атиги 14 таси, шунингдек, толиб-дарвиш синаши лозим бўлган 12 сархушлик ҳолати (пийала) айтилади. Х. дарвиши тариқат йўлидан юриши лозим, яъни озига қаноат қилмоғи, барча бойлигини бошқалар б-н баҳам кўрмоғи, устозини доимо ёдда тутиши, уни қундалиқ ибодатда эслаши (қ. *Чийтия*), сочи, мўйлаби, қоши ва соқолини олиб юриши (ҳамма ҳам рияя этмаган) лозим бўлган. Ҳаёти давомида Х. дарвиши тўртта сафарни амалга оширишга интилиш лозим: а) одамлардан худога; б) худодан одамларга, сўнгра худога, кейин худодан худога; в) худо б-н худога; г) худо б-н одамлар орасида. Тариқат аъзолари ўзларини – тариқа-йи алавийа-йи хоксор-и ҳусайни-йи жалолий – деб аташади.

ХОЛИД ИБН ВАЛИД (? – 642) – илк ислом давридаги араб саркардаси. Дастлаб муслмонларга қарши курашган. Уҳуд жангидан сўнг исломни қабул қилган (629). Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг Арабистон я.о.даги араб қабилаларининг исёнларини бостирган. Хиротни эгаллаган муслмонлар кўшинига кўмондонлик қилган, Месопотамияда лаҳмийларни тор-мор келтирган. Саркарда Амр ибн ал-Ос б-н бирга Сурия фатҳида қатнашган, кейинчалик бу ерда волий бўлган. Муслмонлар жамоаси олдидаги буюк хизматлари учун “Сайфуллох” – “Аллоҳнинг шамшири” фахрий унвонни олган.

ХОЛИДОБОЗИЙ, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Холидобоziй ал-Марвазий (? – 951/952) – шофиъийликдаги йирик имом, муҳаддис, факих. Марв вилоятидаги Холидобоzi кишлоғида тугилган. Бағдоддаги ал-Мансур масжидида фикҳдан таълим берган. Самъонийнинг ёзишча, турли мамлакатлардан толиби илмлар унинг ҳузурига келиб таълим олишган, 70 дан зиёд шогирди бўлган. Кейинчалик у Мисрга кўчиб ўтиб, у ердаги шофиъийларнинг пешволаридан бирига айланган. Фикҳга доир 5 асар ёзган. Мисрда вафот этган.

ХОНАҚОҲ – дарвишлар, қаландарлар, шунингдек, гариб ва мискинлар тўхтайдиган, истикомат қиладиган уй – қаландархона,

дарвишхона. Мусулмон мамлакатларида *зовия*, такъя, *работ* номлари б-н ҳам юритилади.

ХОРИЖИЙЛАР (араб. – ажралиб чиққан, исёнчи) – *ислом*даги илк оким тарафдорлари. Халифа *Али* б-н *Умавий*лар ўртасидаги кураш давомида 7-а.нинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда *Али*(кв) *Муовия* тарафдорлари (*Умавий*лар) б-н музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол *Али*(кв) ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Кўшиннинг бир қисми (12 минг киши) *Али*(кв)ни келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик *Али*(кв)га ҳам, *Умавий*ларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари *Х.* деб ном олган. *Х.* ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган *Ироқ* ва *Эрон* аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар манфаатини ифодалаган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаган. *Х.* “диндан қайтган”, деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлган. *Х.* таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсундирилади; ҳар қандай тақводор мусулмон (хатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва хатто қатл этилади. *Х.* фикрича, эътиқод амалий фаолият б-н мустаҳкамланиши лозим. Эътиқод, гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида *Х.* муржибийларга қарама-қарши турган. Кейинчалик *Х.* бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган. *Умавий* ва *Аббосий* халифалар 7–9-а.ларда *Х.*га қарши кескин кураш олиб борди. Бунинг натижасида *Х.* қириб ташланди, уларнинг қолганлари *Шимолий Африка*да ўз давлатини вужудга келтирди. *Х.* халифаликдаги кўпгина кўзғолонлар (*Зинжий*лар кўзғолони, *Абу Муслим* кўзғолони ва б.)да қатнашган. Ҳозирги даврда *Х.*нинг ибодийлар фирқаси мағриб мамлакатларида (*Жазоир*, *Тунис* ва б.да), *Уммон*, *Танзания*да учрайди.

ал-ХОССА (кўплиги ал-хавосс) – диний-ижтимоий термин, кенг маънода “мумтоз шахслар”, оқсуякларни билдириб, ал-омма (кўплиги ал-авомм) – омма, “оломон”га қарши қўйилган. Ал-*Х.* ва ал-*А.*ни ўзаро қарама-қарши қўйилиши мусулмон жамиятининг диний ва ижтимоий бўлинмасини турли

босқичларида амалга оширилган. Ал-*Х.* сифатида мужтаҳидлар оддий мусулмонларга, суфийликдаги авлиёлар бошқа мусулмонларга қарама-қарши қўйилган.

ХРИСТИАНЛИК – жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча минтақаларида кенг ёйилган. *Х.* черкови маълумотларига кўра, жаҳонда бу динга 1 млрддан ортиқ киши эътиқод қилади. *Х.*нинг асосий ғояси худо-одам – *Иисус Христос* (*Исо* масих; к. *Исо*) ҳақидаги афсоналар б-н боғлиқ. Унинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари Библия ва б. муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. *Х.* 1-а.нинг 2-ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган. Илк *Х.* қуллар ва эзилган омманинг мавжуд тартиб ва қулдорлик тузумига қарши норозилигини ифодалаган. Илк *Х.* дастлаб иудаизмдан ажралиб чиққан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар ҳам унда ўз ифодасини топган. Рим империясининг ижтимоий-иқтисодий таназзули чуқурлаша борган сари, *Х.*даги исёнкорлик, демократик тамойиллар йўқолиб, сабр-чидамли бўлиш, тақдирга тан бериш ғоялари биринчи ўринга қўйила бошлаган. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгарган: рухонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинган. Айрим-айрим жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши епископ бошлиқ черковнинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик *Х.* тарафдорлари бўлдилар. 4-а.да *Х.* Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт *Х.* черковини иккига: католицизм (империянинг ғарбий қисми) ва православиега (шарқий қисми) бўлинишига олиб келди. *Х.*нинг бу бўлиниши 1054 й.да расман эътироф этилган бўлса-да, бироқ бу жараён 13-а.нинг бошларида тугалланган. Россияда *Х.* 10-а.нинг охирида Византиянинг таъсирида тарқалган. Ўрта асрда

феодал тузумга қарши қаратилган ҳаракат айна вақтда христиан черковига ҳам қарши йўналтирилган эди. Реформация даври католик черковига қарши кураш шаклидаги антифеодал ҳаракатининг энг чўққиси бўлди. 16-а.да Реформация натижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, Х.нинг учинчи асосий оқими – протестантизм юзага келди.

ХУВАҲАРЗОДА (лақаби; асл исми Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Қудайдий ал-Бухорий) (? – 1090) – бухоролик таникли муҳаддис, муфассир ва фақиҳ. Самъонийнинг ёзишича, кози ва имом Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг жияни бўлгани учун Х. деб лақаб берилган. Унинг 5 устози ва 3 шогирди борлиги манбада қайд этиб ўтилган. Х. фикҳ ва ҳадисга доир 6 асар ёзган.

ХУМС (араб. – бешдан бир) – ислом анъанасида мусулмон қўшинлари қўлга туширган ўлжаларнинг (қ. *Фанимат*) бешдан бир қисми. Уни аввал Муҳаммад (сав) ихтиёрига, кейинчалик халифалар хазинасига (қ. *Байт ул-мол*) ажратилган, қолган қисмини ҳарбий бошлиқлар ўзлари ва лашкарларга тақсимлаганлар. Бу қоида илк ислом давридаёқ Куръон оятларида (8: 42) баён этилган ва шу асосида амалга киритилган, у ўрта асрларда барча мусулмон мамлакатларида қўлланилган. Х. сифатида тўпланган маблағларнинг бешдан бир қисми аввал Муҳаммад (сав) ва унинг авлодларини таъминлашга, шунингдек, қўшинлар харажатларига сарфланган. Халифалар ва кейинги ҳукмронлар даврида Х. хазинага тушган.

ХУРРАМИЙЛАР, хуррамия (форс. хуррамдин – “хуш, хуррам эътиқодга эга”) – суннийликка қарши бўлган монийлик-маздакийликка хос оқимларнинг умумлашма номи. 8–10-а.ларда Эронда Х. шиори остида галаёнлар бўлган. Зардуштийлик муҳитида – бидъатчи секта бўлиб, номи зардуштийларнинг ўзларини аташлари – беҳдин – “яхши эътиқод эгаси”га айнан мос келади.

Низомулмулкнинг таърифига кўра, Х. ислом душмани, улар нафақат шариатни, балки умуминсоний ахлокий нормаларни ҳам инкор этганлар, улар барча ман этилган нарсалар жоиз деб, жумладан, бошқаларнинг мол-мулки ва ҳатто аёлларига эғалик қилишни ҳам жоиз деб ҳисоблашган. Улар Абу Муслим, Маҳдий, Абу

Муслимнинг қизи Фотиманинг ўғли Ферузга ибодат қилиб, бутун фаолиятларини исломни бузишга қаратганлар. Улар зардуштийларнинг ғоявий меросхўри бўлганлар. Х. мафқурасининг асосини дуализм – ёруғлик б-н зулмат ўртасидаги кураш ташкил қилган. Улар кишиларнинг умумий тенглиги, солиқ ва мажбуриятларни бекор қилиш, моддий бойликларни тенг тақсимлашни ёқлаб чиқишган. Назарий жиҳатдан Х. ёвузликка қарши қуролли курашни инкор этадилар, амалда эса, 8–10-а.да халифаликдаги барча қуролли халқ ҳаракатларини қўллаб-қувватлашган. 10-а.да халифа қўшинлари Х. қалъаларини тор-мор келтиргач, Х.нинг аксарияти шиаликка ўтган. 15-адан кейин Х. атамаси манбаларда учрамайди.

ХУТБА (араб. – тарғибот, нутқ) – жума намози олдидан ва ҳайит намозидан кейин хатиб (масжид имоми)нинг ваъзхонлиги. диний панд-насихат. Ўрта асрларда Х.нинг муҳим сиёсий аҳамияти бўлган. Намозхонлар мамлакат ҳукмдори исмини айтиб, унинг ҳаққига дуо қилишлари лозим эди. 9-а. 2-ярмидан айрим ҳукмдорлар Х.да ўз исмларини халифа исмидан кейин қўшиб айтилиши учун ҳаракат қилишган. Х.да ҳукмдор исмининг ёдга олиниши ҳукмдорнинг мустақил эканлигининг асосий ташқи белгиларидан бири ҳисобланган. Ҳозир мусулмон мамлакатларининг кўпиди Х.нинг мазмунида дунёвий ҳокимият ва сиёсат масалаларини муҳокама қилиш ўрин олмакда.

ХУФТОН (форсча – ухлаш) – 5 вақт ўқиладиган намознинг бири. Унинг вақти шом намози вақтининг тугаши б-н киради. Яъни, тақрибан кун ботгандан бир ярим соат кейин кириб, бомдод вақтигача давом этади. Х. намози учун энг баракотли, қулай вақт туннинг учдан биринчи қисми ҳисобланади. Х. намози 4 ракаат фарз, 2 ракаат суннат, 3 ракаатли витр, вожиб намозларидан иборат.

ХҲЖА (форс. хожа – хўжайин, жаноб) – турли ислом мамлакатларида турли даврларда турлича маъноларда ишлатилиб келинган фахрий унвон ва мурожаат шакли.

1. Мисрда ўрта асрларда Х.лар – бадавлат форс ва б. келгинди савдогарлар. Сомонийлар (9–10-а.) ва Ҳазнавийлар (10–12-а.) давлатларида улуг (бузург) Х. – вазир унвони. Усмонийлар салтанатида Х. – уламони англатган. Султон мураббийси, сарой китобдори ва ҳарам оғалари

хам шундай аталган. Х. и жаҳон – Ҳиндистон султонликларида (14–15-а.) юқори мансабдор шахслар унвони. Кўплиги хожагон – Усмонийлар салтанатида (16–20-а.) амалдорлар синфи номи. Х. боши – вилоятларда солиқ хизмати бошлиғи. Ҳоз. Туркияда Х. – дин б-н шуғулланувчи шахслар ва ўқитувчига нисбатан мурожаат шакли. Бир қатор ҳоз. араб мамлакатларида хавожа (хуважа) – савдогарлар, биринчи навбатда номусулмон савдогарларни англатади ҳамда номусулмонларга нисбатан муомаланинг юмшоқ шакли.

2. Ўрта Осиёда 20-а. бошига қадар Х. – хулафои рошидин (Абу Бакр, Умар (асосан), Усмон ва Али (уни Муҳаммад (сав) қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари; к. *Шариф*) дан тарқалган эканликларини даъво этувчи шахсларнинг фахрий унвони. Бошқа манбаларда Х.лар арабларнинг фатҳий юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг авлодлари деб ҳисобланади. Х.лар исломда оқсуяқлар табақаси сифатида *сайид*лардан кейин туриб, имтиёзларга эга бўлганлар, баъзи мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам уларнинг имтиёзлари сақланиб келинмоқда. Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида Х.лар катта нуфузга эга бўлганлар, жуда катта ер ва мулкка эгалик қилганлар.

3. Абдулхолик Фиждувоний асос солган Хожагон суфийлик тариқати аъзосини англатувчи истилоҳ, кейинчалик (19-а.) келиб чиқиши мана шу тариқат б-н боғлиқ бўлган бир неча ҳукмдорлар сулоласи.

4. Ҳиндистондаги исмоилийлар–низорийлар жамоасини англатувчи истилоҳ. Улар шунингдек, Занжибар, Африканинг шарқий қисми, Ҳиндикуш (у ерда маволис деб ҳам

аталганлар), Ўрта Осиёнинг бир қанча вилоятлари, Шарқий Эрон ва Форс кўрфази минтақасида яшайдилар.

5. Ҳиндистонда, асосан, исмоилий–низорийлар, суннийлар, шиа–имомийлардан таркиб топган аҳоли гуруҳига нисбатан ишлатиладиган истилоҳ.

ХҲЖА АЛАМБАРДОР – Мовароуннаҳрда ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилган зотлардан бири. Имом Абу Бакр Муҳаммад Қафқол Шоший (903–976)нинг сафдоши, аламбардор (байроқдор, динни байроқ қилиб кўтариб, ташвиқ этувчи) номи б-н танилган. Х.А.нинг тахмин қилинган қабри Тошкентнинг Камолон дарвозаси ортида бўлган. Тарихда аламбардорлар кўп ўтган, улар халқнинг юксак эътиборида бўлганлар.

ХҲЖА АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ – Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (19-а.). Мақбара ислом дини арбобларидан Хўжа Абдул Азиз Аламбардор номи б-н боғлиқдир. Исломи фотиҳлари Чоч (Шош, ҳоз. Тошкент)га келганида лашкарнинг байроқ кўтарувчиси – аламбардори Абдул Азиз Самарқанд дарвоза ташқарисига ислом туғини қадаган. Ўша жой ҳоз. Хўжа Аламбардор қабристонининг ўртаси бўлиб, кейинроқ бу ерда бир сағана қурилган. Хўжа Аламбардор умрининг охириги йилларини Исфижоб (Сайрам)да ўтказди ва ўша ерда вафот этади. Кейинроқ унинг қабри ён атрофига Аҳмад Яссавийнинг ота-оналари ҳам қўйилган. Демак мазкур мақбарада Хўжа Аламбардорнинг ўзи йўқ. Аммо ичида катта-кичик бешта қабр мавжуд. Мақбара бир неча марта қайта тикланган. Ичида ўша вақтда қўйилган ислом байроғи туғи ҳамон сақланади. Туғда “Аллоҳ” ва “Муҳаммад” сўзлари ёзилган.

Ч

ЧИЛЁСИН (чихил ёсин; форсча қирқ ёсин) – Қуръоннинг Ёсин сурасини ўқиш б-н боғлиқ бўлган диний одат. Унда оғир дарддан халос этиш ёки енгиллатиш мақсадида бемор тепасида Ёсин сураси 40 марта ўқилади.

ЧИЛЛА ЎТИРИШ – суфийларга ва муридларга хос одат. Суфийлик тариқатларида мурид 40 кун давомида уйдан чиқмасдан тоат-ибодат қилиши “чилла ўтириш” деб аталган. Йирик суфий намояндаларининг қароргоҳларида (мас., Туркистон ш.даги Аҳмад Яссавий, Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳларида) чилла ўтириш учун алоҳида хужралар бўлган. Ч.ў. вақти диндор томонидан олдиндан ният қилинган бўлади. Бу эътикоф деб ҳам аталади.

ЧИЛТОН – диний тасаввурларга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган афсонавий 40 рух. Ривоятларда Ч.лар одамлар кўзига кўринмайди, баъзан улар орасида одам киёфасида яшайди деб талқин этилади. Улар, одатда, мазор ва шу каби одамлар бўлмайдиган жойларда учрайди, деб тасаввур қилинади. Турли офатлардан сақланиш, касалдан қутулиш мақсадида Ч.ларга атаб пиликдан ясалган 40 чирок ёқиш, уларга бағишлаб турли таомлар пишириш одати бўлган. Таомлар Ч. оши деб аталган ва улар шу маросим муносабати б-н тўпланган хотин-қизларга тарқатилган. Хоз.

вақтда Ч.лар ва улар б-н боғлиқ бўлган урф-одатлар деярли йўқолиб кетган.

ЧИШТИЯ – суфийлик тариқатларидан бири. 12-а.да Шарқий Хуросонда шаклланиб, 12–13-а.да Ҳиндистонда узил-кесил расмий тус олган. Ўрта асрда Ч. суҳравардийлик б-н бирга Ҳиндистонда энг оммавий ва кенг тарқалган тариқатлардан ҳисобланган. Ч. асосчиси Хўжа Абу Исҳоқ аш-Шомий (1097 й.в.э.) бўлиб, Ироқдан Чишт қишлоғига (Хирот яқинида) кўчиб келган (тариқатнинг номи шундан) ва у ерда хонакоҳ қурган. Унинг 9-(ёки 8-) вориси шайх Муъиниддин Ҳасан Сижзи Чиштий (1142–1236) Ч.ни Ҳиндистонга тарқатди. Ч. шайхлари ўз силсилаларини Иброҳим Адҳам ва Ҳасан ал-Басрий орқали Али ибн Абу Толибга боғлайди. Ч. тариқати Низомиддин Авлиё (1325 й. Дехлида в.э.) даврида ўзининг юксак чўққисига етиб, суфийлик Шим. Ҳиндистонда оммавий тус олган ҳамда жануб ва шарқ томон кенг ёйилган. У Ч. тармоғи – Низомияга асос солган. Ч. таълимотининг асосини *ваҳдати вуҷуд* гоёси ташкил этган. Ч. вакиллари ҳоким-амалдорлар б-н ҳар қандай алоқа боғлашни инкор қилган. Аллоҳга таваккул қилиб, ўз меҳнати б-н тирикчилик ўтказишни тарғиб этган. Суфий оч кишининг қорнини тўйгазиш, мазлумлар илтимосини албатта бажариш, камбағал-қашшоқларга

баҳоли қудрат кўмак бериш йўли б-н Аллоҳ марҳаматиға сазовор бўлишға интилиши шарт, деб ҳисобланган. Шунингдек, муридларға пулга муккасидан кетиш, гадоичилик б-н шуғулланиш, арақ ичиш, гиёҳвандлик қилиш, тамаки чекиш тақиқланган. Ч. йўли шариат, тариқат, ҳақиқат каби 3 босқичдан иборат бўлиб, муридлик даври 1000 кун давом этган. Зикр б-н бирга 40 кун рўза тутиш расм бўлган. Ч. тариқати аъзоси кигиздан қилинган чўкки кулоҳ кийиши б-н бошқалардан ажралиб турган.

ЧОР КИТОБ – исломға оид панд-насиҳатлар китоби. Шарафиддин Санойи ал-Бухорий қаламиға мансуб. 2 шеърий ва 2 насрий мажмуадан иборат. “Чаҳор китоб” (“Тўрт китоб”) деб ҳам аталади. Қўлма-қўл бўлиб, ҳоз. давргача етиб келган. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қонун-қоидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, унда қизиқарли воқеа ва ҳикоятлар, шарқона донолик намуналари баён этилган. Китоб форс тилида ёзилган бўлиб,

туркий-ўзбек тилидаги таржималари ҳам мавжуд.

ЧОРЁРЛАР (форс. – тўрт дўст) – Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки 4 халифа (*Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон, Али*). Бу халифаларни Ч. деб аташ Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги оддий диндорлар орасида расм бўлган. Ч. араб тилидаги диний манбаларда “хулафо ар-рошидин” (“тўғри йўлдан борган халифалар”) номи б-н тилга олинади. Ч. халифаликни бошқариш ва кенгайтириш, қўшни ерларни фатҳ этиб ислом байроғи остида бирлаштиришға раҳнамолик қилган ҳукмдорлардир. Мусулмонлар Ч.ни “пайғамбар ноиблари” ҳисоблайдилар. Ислом анъанасида Ч. ҳукмронлик даври исломнинг олтин асри деб юритилади. Бу давр 30 йил бўлган.

Ч. замонида Пайғамбар (сав) бошлаб берган футухотлар охириға етказилган, давлат қурилиши мукамал бўлган, ислом етиб борган ўлкаларда барқарорлик ўрнатилган.

Ш

ШАЙОТИН (шайтоннинг кўпликдаги шакли), шайтонлар – Аллоҳ ва инсонларга душман бўлган, ўзларининг эгалари – Иблис аш-Шайтон б-н бирга Қиёмат кунидан сўнг жаҳаннам азобларига дучор этиладиган ёвуз рухлар. Ш. – инсонларни йўлдан уришда Иблиснинг асосий қуроли, улар инсонларни солих амаллар қилишдан чалғитишади ва гуноҳ ишларга бошлайдилар. Оловдан яратилган бўлиб, Иблис томонидан кўпайиб туришлари мумкин. Исmlарга эга бўлиб турли шаклларга кира оладилар. Тўп-тўп ҳолда турли мамлакатларда яшашади, айниқса, Ҳиндистон ва Суриядаги Ш. ўзларининг қудратли эканликлари б-н машҳур. Ш.га худди аш-Шайтон каби ражим сифати кўшиб ишлатилади (қ. Қуръон, 15:17). Ривоятларга кўра, Ш. тарихда ўтган кўп муқаддас шахслар (мас., Юсуф (ас))ни гуноҳ ишларга ва хато қилишга ундаган, Ш.нинг бир қисми Сулаймон (ас)га бўйсунган, лекин кейинчалик диёнатсиз ишларига қайтганлар. Ш. инсонларнинг ибодат қилишларига ҳалақит беришади, худони ёддан чиқаришга мажбур этишади, уларни сеҳргарлик ва афсунгарликка ўргатишади, кўпинча уларни юзаки томондан яхши бўлиб туюлган гуноҳкорона интилиш ва ишларга ундайди. Ҳар бир инсоннинг ўз фариштаси бор бўлгани каби, ўз Шайтони ҳам бор деб ҳисобланади.

Уларнинг ҳар иккиси инсон қалбини эгаллаш учун кураш олиб боради. Ш. унинг шахвоний интилишлари, лаззатни исташи, қаҳр-ғазаби, ҳасади ва б.дан фойдаланиб уни Аллоҳнинг йўлидан чалғитишга интилади, баъзан инсон буни сезмайди ҳам. Ш. васвасасига учганлар охир оқибат дўзахга тушадилар, чунки, Ш. Аллоҳ олдида ожиздирлар. Ш.ни ҳайдаш учун “Аъзу би-л-лаҳи мин аш-шайтон ар-ражим” ёки Қуръон оятларини (мас., 113, 114) ўқиб, Аллоҳни ёрдамга чақириш кифоя. Ислом динидан аввал ҳам, ўрта асрларда ҳам Ш. шоирларга илҳом бериб келади деб ҳисобланган.

Мусулмон илоҳиётчилари Ш.ни жинлар б-н алоқаси масаласини муҳокама этишган. Энг кўп тарқалган нуқтаи назарга кўра, Ш. – жинларнинг энг қайсар ва динсиз қисми. Бошқа бир фикрга кўра – азалдан динсизликка ва дўзахга маҳкум этилган маҳлукларнинг бир тоифасидир. Жинларнинг бир қисми Аллоҳга ишониб, шу б-н халос бўлиши мумкин. Қуръон ва илоҳиётга доир асарларда аш-Шайтон (Иблис) ва Ш. кўпинча ўрни алмашиб келишади, чунки, Ш. Иблис иродаси ва фармонларининг ижрочисидурлар.

ШАЙТОН (араб.) – олий даргоҳдан ҳайдалган фариштанинг номи. Араб тилида шайтон сўзи жин, инс, ҳайвон ва б. маҳлукларнинг

бўйсунмас, саркашларига нисбатан ишлатилади. Қуръонда талқин қилинишича, Ш.ни Аллоҳ оловдан яратган, кейинчалик амрига итоат қилмагани учун олий даргоҳдан қувилган, (ражим) деб лаънатлаган. Лекин Аллоҳ бандаларини синаб кўриш учун Ш.га муҳлат берган. Шунинг учун у барчани йўлдан оздиришга ҳаракат қилади. Қуръонда Ш. сўзининг синоними сифатида Иблис ибораси ҳам ишлатилган.

ШАЙХ (араб. – кекса, оқсоқол; қабила, уруг, оила оқсоқоли) – ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра рухонийлар, уламолар, фақиҳлар. Кейинчалик суфийлик тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам Ш. деб юритилган. Арабларда исломдан илгари уруг, қабила бошлиқлари. катта патриархал оила оқсоқоллари Ш. деб аталган. Мусулмон мамлакатларида ҳозир Ш. олий диний мактабларнинг мударрислари ва йирик уламоларнинг унвони сифатида ҳам қўлланилади. Ўрта Осиёда Ш. кўпинча муқаддас мазорлар ва қадамжоларда садақа ва назр-ниёз олиб турадиган рухонийлар табақасига нисбатан ишлатилган.

ШАЙХ ХОВАНДИ ТАХУР, Ш а й х о н т о х у р (1359 й.в.э.) – шайх. Хоз. Бўстонлик тумани Боғистон қишлоғида туғилган. Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли. Умар Боғистоний бефарзанд бўлиб, кунларнинг бирида ўз завжаи мухтарамалари б-н Шайх Зайниддин макбарасига келиб Аллоҳдан фарзанд ато этишни илтижо қилишади. Кўп ўтмай фарзанд кўришади. Унга Хованд Тахур (пок шайх) деб ном қўйишади. Ш.Х.Т. илоҳиётга ва тариқатга доир илк сабоқни отасидан олган. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар”) номли асарда ёзилишича, Ш.Х.Т. илоҳиёт ва тасаввуф илмининг йирик намояндаларидан бири, етук мутасаввифлардан бўлган.

У *яссавийлик* тариқати йўлидан бориб, шу тариқат намояндаларидан ўрганади ҳамда илми зоҳирий ва илми ботиний сир-асрорларидан воқиф бўлиб, соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришади. Якка худолик ҳақидаги таълимотни, тасаввуфга оид ибораларни шарҳлаб берган, шунингдек, шеърят б-н шуғулланган. Ш.Х.Т.нинг Довуд

исми ўгли бўлиб, у ҳам шайх сифатида машҳур эди.

Ш.Х.Т. дафн этилган жой зиёратгоҳга айланади. Унинг мазори атрофида бошқа сағана ва қабрлар пайдо бўлиб, Тошкентнинг катта ва муқаддас қабристонига айланган. 15-а.нинг 2-ярмида Хожа Аҳрор қабр устига макбара қурдиради. Зотан унинг волидаи мухтарамаси шайх Довуднинг кизи бўлган. Хожа Аҳрор қурдирган иншоот замонлар ўтиши б-н нураб, бизгача етиб келмаган. Хоз. макбара эса, аввалгисининг лойиҳаси ва кўринишини сақлаган ҳолда 19-а.да қайта тикланган.

ШАЙХ ХОВАНДИ ТАХУР МАҚБАРАСИ – меъморий ёдгорлик. Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли – *Шайх Хованди Тахур*га атаб солинган. Ёдгорлик 15-а.га оид кўхна макбара пойдевори устига 18–19-а.ларда қурилган. Хоналар гумбазлар б-н ёпилган, гўрхона гумбази қўшқават бўлиб, 12 киррали асосга ўрнатилган; зиёратхона архитектураси ўзига хос хонақоҳ бўлиб, саккиз равокдан иборат. Дарчалардаги кошинкори панжаралар сақланиб қолган. Ўтмишда зиёратгоҳ бўлган.

ШАЙХИЙЛАР, аш-Шайхия (ёки ал-ҳасанийя) – 1. Фарбий Хуросон (Эронда 14-а.нинг 30–80-й.ларида мавжуд бўлган шиаликдаги суфийлик тариқати. Унинг асосчиси. мазандаронлик дарвиш Шайх Халифа шайх Балуйи Амолийнинг муриди бўлиб, лекин устози қарашларида “нуқсон” борлигини билгач, уни тарк этиб бир мунча вақт шайх Алоуддавла Симноний хонақосидан кўним топган. Сўнгра Сабзавор жоме масжидида яшаб, “исёнкорлик руҳи”даги ваъзлар б-н чиқа бошлаган, унинг издошлари кўпайиб борган. Сунний фақиҳлар фатво тузиб, унда Ш. раҳбарини масжидда дунёвий нутқлар сўзлаганликда, илоҳиётчиларнинг тақиқларини бузганликда ва яширин фаолият юргизганликда қоралашган. 1335 й. Шайх Халифа яширин суратда ўлдирилган ва 1342 й.гача Ш. тариқатига шайхнинг муриди, Хуросон шаҳарлари аҳолисини Ш.га даъват қилган Ҳасан Журий бош бўлган. У муридларни яширин иш кўришга, қуролли чиқишга тайёргарлик кўришга чақирган.

Унинг муридлари орасидан кейинчалик мўғуллар зулмига қарши кўтарилган ҳаракат аъзолари – сарбадорлар ҳам етишиб чиққан. Тарихчи Хондамирнинг фикрига кўра, шайх

Хасан Журий сарбадорлар амири Масъуд буйруғига кўра қатл этилган (1342), унинг вориси Дарвиш Азиз ҳам 30 йилдан сўнг ўлдирилган. Ш. тариқати 14-а. 80-й.ларигача мавжуд бўлиб, сўнги сарбадорлар амири Ш.ни тақиклаб қўйган.

2. Эронда 19-а.да тарқалган шиаликдаги илоҳиёт мактаби. Асосчиси – шайх Аҳмад ибн Зайниддин ал-Аҳсоий (1753–1826).

Ш. мафқураси шиаликдаги ахборийлардан фарқ қилган: Ш. ривоятлар сонининг кўпайиб кетганлиги ва улар танқид қилинмаслигига қарши чиққанлар. Ш.га кўра, 12 имом илоҳий ироданинг намоеън бўлиши, Аллоҳнинг хоҳишларини шарҳловчилардир ва шу жиҳатдан улар – яралишнинг охириги сабабидирлар. Улар Аллоҳ яратган барча нарсаларни акс эттирадилар, лекин ўзлари қувватга эга эмас. Ш. таълимоти Эрондаги бобийлар ҳаракатига ғоявий асос яратиб берган, бироқ, Ш.нинг унда иштирок этганлари номаълум. Лекин 19-а. ўртасида бобийларга нисбатан қилинган қатағонлик, қувғин Ш.га ҳам тааллуқли бўлган, уларни таъкиб этиш кейинчалик ҳам давом этган.

ШАЙХУЛИСЛОМ – муайян мамлакатда ислом ташкилотлари бошлиғи – олий диний унвон. Фахрий унвон сифатида 10-адан у ёки бу фақиҳ ёхуд суфийга нисбатан ишлатилган. 13-адан кейин мунтазам суратда қўлланилган. Бухоро хонлиги, Туркия (16-адан 1924 й.гача) ва б. давлатларда Ш. – энг олий диний лавозим. Бундай лавозим ва унвон мусулмон мамлакатларининг баъзиларида учрайди. Шиаликка мансуб диний бошқарма раҳбари ҳам Ш. унвони б-н юритилади. Суннийликка мансуб бошқармаларнинг раҳбарлари *муфтий* унвонига эга.

ШАМСИДДИН КУЛОЛ МАҚБАРАСИ – Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (14–15-а.лар). Амир Темурнинг нири шайх Шамсиддин Кулол дафн этилган (1370). Мақбара тўғри тўртбурчак тарҳда (12,1×10,6 м) қурилган бўлиб, гумбази сақланмаган, кейинчалик ясси том б-н ёпилган. Бино пишиқ гиштдан қурилган, деворлари бир неча марта сувалиб, дастлабки безакларини ҳам, кийёфасини ҳам қисман йўқотган.

ШАРИАТ (араб. – остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмончиликда Ш. қонунчилик маъносида ишлатилади) – Аллоҳ жорий қилган

амалий ҳукмлар мажмуаси, шу маънода Ш. фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидаги амалий қисм Ш. деб аталади. Ислом Ш.и ҳукмлари *Қуръон, суннат, ижмоъ* ва *қийёсдан* олинади.

Ш.нинг мақсадлари учга; зарурий, ҳожатлик ва яхшилаш қисмларига бўлинади. Дин ва дунё учун зарур бўлган мақсадлар зарурий мақсадлар, дейилади. Улар йўқ бўлса, дунёнинг ишлари бузилади ва охиратда азобга қолинади. Ислом Ш.ининг мақсадлари динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асрашдан иборат. Ш.да ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар кўрилади.

Ш.нинг ҳожатлик мақсадлари эса, кишиларга осонлик туғдириш ва улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Бунга мусофир ва бемор кишиларга намозни қаср қилиб ўқиш ва рўзани очиб юборишга берилган руҳсатлар ва шунга ўхшаш кўплаб шаръий ҳукмлар қиради.

Ш.нинг яхшилаш мақсади жамиятда бир бирига мурувват кўрсатишни таъминлайди. Агар у нарсалар йўқ бўлса, ҳаёт низоми бузилиб кетмайди. Шунингдек, одамларга машаққат ҳам туғилмайди. Аммо, инсонийлик мурувватига путур етади. Бу мақсадда, асосан, яхши одатлар ва ҳусни хулқ кўзда тутилади. Покизаликка бошловчи, кийим бош, турар жой, жисм ва б.ни пок тутиш ҳақидаги шаръий кўрсатмалар, еб ичиш одоблари, оилавий алоқаларни яхшилаш каби кўплаб ишлар ҳақидаги шаръий ҳукмлар шу жумлага қиради. Пайғамбар Муҳаммад (сав) раҳбарлигида биринчи Ислом давлати ташкил топганда Ш. нормалари ўша давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Кейинчалик 4 рошид халифа, умавийлар, аббосийлар ва усмонийлар давлатлари вақтида ҳам Ш. давлатнинг қонуни бўлиб келган. Аммо, вақт ўтиши б-н турли омилларга кўра, мусулмонлар Ш. ҳукмларидан узоқлашиб борганлар. Аста секин Ш. ҳукмларига амал қилиш ҳам сусайиб ва баъзида нотўғри йўлларга кириб борган. 20-а.нинг бошига келиб, Ш.га амал қилиш баъзи давлатларда расман бекор қилинган. Ўзи шундоқ ҳам сустлашиб қолган Ш.га амал қилиш иши пароканда бўлган. Мусулмонлар яшайдиган давлатлар ғарб давлатлари қонунларидан кўчирма олишга ўтдилар.

Ҳозирга келиб фақатгина Саудия Арабистони давлати ўзининг Ш.га амал қилаётганини айтади. Бошқа ислом давлатларида фақат оилавий – никоҳ, талок, нафақа каби масалаларда ва меросда Ш.га тўлиқ ёки қисман амал қилинади. Бошқа қонунлар ғарб давлатлари қонунларидан ўзгартишлар б-н олинган кўчирмадан иборат. 20-а.нинг ўрталаридан турли шахс ва жамоалар томонидан Ш.га амал қилишни қайта тиклаш чақириқлари олиб борилмоқда. Бунга қисман амал қилган ерлар ҳам бор. Аммо, кўпчилик давлатларда бу чақириқлар гап бўйича қолиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида қадимда барча мусулмон ўлкалари б-н бир қаторда Ш. татбиқ қилинган. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар чуқур билимлари, машҳур асарлари б-н Ш.нинг ривожига муайян ҳисса қўшган. Мовароуннаҳр ханафийлик мазҳабининг марказларидан бўлиб, шу ерлик халқларнинг ҳуқуқий тизими Ш. тамойиллари ва қоидалари асосида яратилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, фарғоналик Фахриддин Ҳасаннинг “Фатово”, бухоролик Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасар” сингари китоблари мусулмон давлатларида машҳур бўлган. Улар ўз асарларида айрим ҳуқуқий меъёрларни маҳаллий шароитга мослаштиришга интиланганлар. Ислом мамлакатларида ҳоз. кунда Ш. жамиятнинг ижтимоий-руҳий ҳаётини қамраб олувчи тартиб-қоида сифатида муайян мавқега эга. Бошқа Ислом юртлири қатори бу ҳудудда ҳам аста-секин Ш. қонунлари ўрни сусайиб борган. Большевикларнинг октябр тўнтаришидан сўнг Ш. умуман ман қилинган. 2-жаҳон уруши даврида Ш.нинг баъзи шахсий ибодатга оид таълимотларига амал қилишга чегараланган шахсларга руҳсат берилган. Мустақиллик даврида намоз, рўза, ҳаж каби шаръий амалларни фуқаролар бемалол қилиш имконига эга бўлдилар.

ШАРИФ (араб. – “олижаноб”, “аслзода”) – Муҳаммад (сав) авлодларининг номига қўшиладиган ҳурмат сўзи. Ш. яна бир неча мўътабар атамаларга сифат тарзида қўшилади. Мас., ҳадиси Ш., Бухоройи Ш., Каломи Ш., Қуддуси Ш., Мусҳафи Ш. ва ш.к.

ШАТҲ (кўплиги шатаҳот ёки шатҳиёт; шатаҳа феълидан – “ҳаракатда бўлмоқ”, “қирғоқлар томонидан қисиб қўйилиши натижасида жўш

урмоқ” – дарёдаги сув ҳақида) – суфийнинг экстаз ҳолатида (важд) ўзини назорат қила олмай қолган суфий айтадиган ибора. Ш. истилоҳи экстаз ҳолатининг ўзини ҳам англатади. Феълнинг маъносидан келиб чиқиб, тасаввуф назариётчилари Ш.га суфийни зикр пайтида Аллоҳни мушоҳада қилиши (мушоҳадат ал-ҳаққ), ундаги “мен”ни “йўқ бўлиши” (фано ан нафсиҳи), У б-н ўзининг бирлигини ҳис этиши (иттиҳод) натижасида уни чулғаб олган ҳиссиётларининг “отилиб чиқиши” деб таъриф берганлар.

Бу ҳолатдаги суфийлар оғзидан чиққан энг машҳур иборалардан Мансур ал-Ҳалложнинг “Мен-Худо!” (ана-л-Ҳаққ), Бистомийнинг “Мен шарафлиман! О мен қанчалар буюкман!” (субҳани, субҳани ма аъзама шаъни), аш-Шиблийнинг “Сизнинг даврингиз тугаяпти, фақат менинг вақтимнинг на охири на боши бор!”, Ибн Сабъиннинг “Худодан ўзга ҳеч нарса йўқ” ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда Ш.ни суфийда содир бўладиган шахсий ички кечинмалар, уни сўз б-н таърифлаш мушкул бўлган ҳиссиётларини изҳор этишга бўлган интилиши деб изоҳлаш мумкин.

ШАФОАТ (араб.) – бошқа бировга қўшилиб, унга ёрдам бериш ва ёнини олиб, бирор нарсани унинг учун сўраш. Кўпинча. Ш. мартабаси ва ҳурмати юқори шахснинг ўзидан паст одамнинг тарафини олиши тушунилади. Қиёматдаги Ш. ҳам шундандир (“ал-Муфрадот фи Ғарийбил Қуръон” 263 с.)

Ш.чи ўзини, Ш. қилинадиган шахсга унга ёрдам бериш ва унинг учун бир нарсани тилаш учун, қўшади. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳузуринда Ш. берувчилар ҳам, гуноҳкорларга кўмак берадилар.

Ш. бир неча турларга бўлинади.

1-улуғ Ш. бўлиб, барча пайғамбар (ас)лар ичидан Пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг ўзларига хос қилингандир. Бунинг далили, Бухорий, Муслим ва б. ривоят қилган “улкан шафоат” ҳадисидир.

2-Пайғамбар (сав)нинг, яхшиликлари ва ёмонликлари баробар бўлиб қолган одамлар жаннатга киришлари учун Ш. қилишлари.

3-Пайғамбар (сав)нинг, бошқа бир, дўзахга амр қилинган одамларни унга кирмасликлари учун Ш. қилишлари.

4-Пайғамбар (сав)нинг жаннатга кирган

одамларнинг амаллари савоби тақозо қилган даражадан юқори даражага кўтариш учун Ш. қилишлари.

5-Баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз киришлари ҳақидаги Ш.

Бу қисмга далил Укоша ибн Мусонинг ҳадисидир.

Расулulloҳ (сав) унга дуо қилиб, Аллоҳ уни жаннатга ҳисобсиз кирадиган етмиш минг кишилардан қилишини сўраганлар (Бухорий, Муслим).

6-Азобга сазовор одамлардан азобни енгиллатиш учун Ш. Пайғамбар (сав) амакилари Абу Толибнинг азобини енгиллатиш ҳақидаги Ш.ларига ўхшаш (Муслим, Абу Саъид ал-Худрий ривоят қилган).

7-Пайғамбар (сав)нинг барча мўминларга жаннатга кириш изни берилишини сўраб қиладиган Ш.лари.

8-Пайғамбар (сав)нинг ўз умматларидан гуноҳи кабира қилганларига Ш. қилишлари.

Ушбу 8 тур Пайғамбар (сав)га ва Ш. қилинувчига нисбатандир.

Ш. шафоатчига қараб ҳам 8 турли бўлади:

1-Анбиё (ас)ларнинг умматларига Ш.и.

2-Фаришталарнинг гуноҳкорларга Ш.и.

3-Кичик болаларнинг ота-онасига Ш.и.

4-Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганнинг ўз аҳлидан 70 кишига Ш.и.

5-Қуръонни ёд олган кишининг аҳли байтига Ш.и.

6-Мўминларнинг бир-бирларига Ш.и.

7-Қуръони каримнинг ўз қорисига Ш.и.

8-Рўзанинг рўзадорга Ш.и.

Қуръони каримнинг 2-сура, 255-оятда Ш. тўғрисида жумладан шундай дейилган: “Унинг ҳузурда ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас”.

ШАХСЕЙ-ВАХСЕЙ – шиаликдаги мотам маросими. Муҳаммад (сав) набиралари (Алининг ўғли) имом Хусайннинг ҳалок бўлгани муносабати б-н ҳар йили муҳаррам ойининг бошида ўтказилади. Ш.-в. шиаларнинг мотам юришлари вақтида одат бўлган “Шоҳ Хусайн, воҳ Хусайн” деган кичқирикларининг қисқарган шакли (яна қ. *Ашуро*).

ШАЪБОН (Ҳиндистон ва Покистонда – шаб-и барот) – мусулмон қамарий тақвимидаги 8-ой. Исломга қадар Ш. – 4 муқаддас ойдан бири (қ. Қуръон, 9:36), чунки қад. араб тақвимида кўра, ёзги тенгкунлик Ш.га тўғри

келган. Ш.да кўшимча рўза тутиш (ва б. солиҳ аъмоллар қилиш) кенг тарқалган, Ш.нинг 15-куни эса (у жоҳилият даврида ҳам эъзозланган), исломда энг оммавий халқ байрами – лайлат ал-бароъа (“яратиш кечаси”, одатда “халос бўлиш кечаси” деб тушунтирадilar, яъни гуноҳларни кечириш) худди лайлат ал-қадр каби қад. янги йил байрами белгиларини сақлаб қолган. Шу кечада Аллоҳ “энг пастки осмон”га тушиб, гуноҳларини афв этишни сўраганларнинг илтижосини ижобатга олар экан. Лайлат ал-бароъада Ёсин сураси ўқилади, ўлганлар ёдга олинди, улар руҳига дуолар қилинади. Ҳиндистон ва Покистонда қашшоқларга таом тарқатилади, ширинликлар тановул қилинади, байрам чароғбонлиги ўтказилади.

Ш.нинг 13–15-кунлари “Оқ тунлар” (кунлар) деб аталиб, бир қатор мамлакатларда бу кунларда рўза тutilади. Ш. ойининг 3-кунида Расулulloҳ (сав)нинг набиралари Хусайн туғилган, 5-куни – бошқа набиралари Ҳасан туғилган бўлиши мумкин деб ҳисобланган саналардан бири деб айtilади. Ш.нинг 15-куни – кибла Қуддусдан Маккага ўзгартирилган кун деб ҳисобланади. Ой номига ал-муъаззам – “иззатли” сифатини кўшиш б-н исломда Ш.нинг аҳамияти уқтириб кўрсатилади.

ШАЪРОНИЙ (ёки аш-Шаъровий), Абдулвахҳоб ибн Аҳмад (1493–1565) – мисрлик машҳур суфий ва илоҳиётчи. Сақийат – Абу Шаъра қишлоғида туғилган, ўз шажарасини (асоссиз равишда) Зиёнийлар сулоласидан чиққан Тлемсен ҳукмдорларига, улар орқали алавий Муҳаммад ибн ал-Ханафияга боғлаган. Қоҳирада яшаб, ижод этган. Шофиъийлик фикҳини у Мисрнинг атоқли фақиҳи Закариё ал-Ансорийдан ўрганган. Ибн Арабий қарашлари унга катта таъсир кўрсатган. Қоҳирада Ш. суфий ваъзхон сифатида тезда шуҳрат қозонган, тарафдорлари кўпайган. Бадавлат қози Абдулқодир ал-Мағозиллий унга атаб мадраса курдирган ва вақф сифатида бир қанча ер мулклари ажратиб берган. Ш. ва унинг авлодлари ундан меросий фойдаланиш ҳуқуқини олганлар. Шу тўғрисида Ш. кўп хайр-садақалар қилган, камбағаллар, майиб-мажруҳлар, шунингдек, кўп сонли муридларини боққан, булар унинг шуҳрати янада ортишига сабаб бўлган. 1774 й. унинг сағанаси устига унинг номи б-н аталадиган масжид бунёд

этилган, у ҳозир ҳам сақланган. Масжид жойлашган кўча ва яқин атрофдаги мавзе ҳам унинг номи б-н аталади. Ш. ҳадис, фикҳ, суфийлик ва б.га оид 60 дан зиёд асар ёзган. Ибн Арабийнинг кучли таъсирига қарамай, Ш. унинг ваҳдат ал-вужуд таълимотини қабул қилмаган. У “маърифатли” суфийлик тарафдори бўлиб, фикҳ ва ислом ақидаларини чуқур билиш ҳар бир суфий учун шарт деб ҳисоблаган. У таваккулни бир тарафлама – ҳар бир ишни Аллоҳнинг иродасига ташлаб қўйишни, бу б-н “қашшокликда кун кечирувчи бекорчилар ва текинхўрларни” суфийликда ортиб боришига қарши чиққан. Фикҳ соҳасида Ш. мезон назариясини ишлаб чиққан, унга кўра, исломдаги 4 асосий мазҳаб ўртасидаги ихтилофлар асосан шариат қоидаларига амал қилишга оид. Ш.га кўра, барча мазҳаб асосчилари ҳақ бўлиб, диний қонун негизида собитқадам бўлганлар. Улар ўртасидаги фарқ фақатгина шариатнинг у ёки бу қоидасини “мураккаблаштириш” (ташдид) ёки “енгилаштириш” (тахфиф)дан иборат бўлган.

ШАҲИД (араб. гувоҳ) – исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс. Ҳадисларга кўра, Ш. ўз имонини кофирларга қарши урушда ҳалок бўлиши б-н тасдиқлайди. Унга қабр азобидан холи бўлиб жаннатга тушиш қафолатланган, шунинг учун у дафн этилишидан олдин ювилмайди. Ш.нинг ҳаётидаги қилган барча гуноҳлари кечиради, жаннатда у Аллоҳ ҳузурини баланд мартабага эришади. Вақт ўтиши б-н ғайритабиий ўлим топган (инсон, ҳайвон томонидан ўлдирилган, табиий офат, оғир юқумли касалликлар, заҳарланишдан ўлганлар, ҳаж пайтида вафот этганлар ва б.) барча кишилар Ш.лар деб ҳисобланган. Ҳадисларда айтилишича, ўз обрўси ё мол-мулки ёки жони ёхуд дини, шунингдек, аҳлу оиласининг ҳимояси йўлида қурбон бўлганлар ҳам Ш.дир. Вабодан ўлган, ички хасталик ила ўлган, ғарқ бўлиб ўлган, том босиб ўлганларни Ш. ҳукмида ўлганлар дейилади. Бошқа бандалардан фарқли ўлароқ шаҳидлар учун хос қилинган ҳислатлар ҳам бор экан. 6 ҳислат Аллоҳ таолонинг йўлида жиҳод қилиб шаҳид бўлганларгагина насиб бўлар экан.


1-Ш. 1-дафъада мағфират қилинади; 2-Ш. ўзининг жаннатдаги ўрнини кўради; 3-Ш. қабр азобидан сақланади; 4-Ш. катта кўрқинчдан омонда бўлади; 5-Ш.нинг бошига

битта ёқути дунё ва ундаги нарсалардан яхши бўлган виқор тожи қўйилади; 6-Ш.ни хурлардан 72 жуфти ҳалолга уйлантирилади; 7- Ш.ни яқинларидан 70 тасига шафоат қилдирилади.

ШАҲОДАТ (“гувоҳлик”) – 1) *Калимаи шаҳодат*. 2) У ёки бу факт юзасидан бериладиган гувоҳлик кўрсатмаси. Ш. ҳақиқий бўлиши учун у тўғридан тўғри, яъни бошқаларнинг сўзига асосланмасдан (агарда у топшириқ ва васият бўлмаса) ва 2 эркак ёки 4 аёл томонидан берилмоғи лозим. Қулнинг Ш.и аёлнинг Ш.ига тенглаштирилган. Ғайридинларнинг Ш.и баъзи мазҳабларга кўра, динга тааллуқли бўлмаган масалага оид бўлса, мусулмонлар Ш.ига тенг деб ҳисобланган, лекин улар ўз динлари номидан қасам ичишлари керак бўлади, бошқа бир мазҳабга кўра – умуман инобатга олинмайди. Агарда келишув асосида сохта Ш. берилган бўлса, баъзи мазҳабларга кўра, у қасамхўр сифатида жазоланади, бошқасига кўра эса – сохта гувоҳ сифатида жазога тортилади. Ш. тартиби Абу Юсуф (8-а.) томонидан батафсил баён қилинган. Ш. ҳақиқатни аниқлашда энг муҳим усуллардан бири сифатида шариат судига риоя қилинадиган барча мамлакатларда сақланиб қолган.

ШАҲРИСТОНИЙ, Мухаммад ибн Абд ал-Карим аш-Шаҳристоний (1075 –1153) – *шофийийлик* мазҳаби фақиҳи, *ашъарийлар* оқимига мансуб илоҳиётчи, дин ва диний-фалсафий таълимотлар тарихчиси, файласуф. У Эроннинг Хуросон вилоятидаги Шаҳристон ш.да туғилган. Ш. 10 дан ортиқ асар ёзган, улардан ашъарийлар илоҳиёт тизимининг баёни, Куръонга шарҳлар (исмоилийлар руҳидаги шарҳлар)дан парчалар сақланиб қолган. Унинг Ибн Сино б-н баҳс, шунингдек, “Динлар ва мазҳаблар ҳақида китоб” (“Китоб ал-милал ва-н-ниҳал”) асари (1127) дин тарихига оид энг машҳур ва эътиборли китоблардан биридир. Муаллиф ўз асарининг 1-қисмида ислом тарихини, 2-қисмида эса, Ўрта ер денгизи атрофи ва Шарқ халқлари эътиқодлари ва диний-фалсафий таълимотларини баён этган.

ШИАЛИК (араб. – гуруҳ, тарафдорлар) – исломдаги асосий йўналишлардан бири. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин 2-



ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8%и Ш.ка мансуб ҳисобланади. Ш. 7-а. ўрталарида халифа Али(қв) ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. 7-а. охирига келиб, Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Ш. бошда ҳар қандай ихтилоф ва ақидавий фарқлардан холи ҳолда, фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган. Ш. диний-ақидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. Диний-сиёсий ҳаракат сифатида халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган заминдор гуруҳларнинг, ҳатто халқ кўзғолонларининг мафқураси сифатида ҳам майдонга чиққан. Ш. аслида заминдор гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар кўпинча диний таълимотдаги тафовут шаклида намоён бўлган. Ш. тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни илоҳий деб эътироф этади, лекин айрим ўта реакцион руҳдаги оқимлари халифалар даврида унинг айрим

қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди. Ш. илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли б-н ўз таълимотларини асослайди. Суннада ҳадислар масаласида эса, улар фақат Али(қв) ва унинг тарафдорлари номи б-н боғлиқ бўлган ҳадисларни тан олган ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўйламлар тузган. Бу тўйламлар *Ахбор* деб аталган. Суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, Ш.да тавҳид, аҳл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага эътиқод қилинади. Булардан 4 ақида – тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), аҳл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши), асосан, суннийлик таълимоти б-н мос тушади. 5-ақида *имомат* (имомлар ҳокимиятини эътироф этиш) эса, суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлиги б-н фарқ қилади. Ш. Али(қв) ва унинг авлодларидан иборат *ўн икки имом* ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат б-н барча халифаларни, хусусан дастлабки халифалардан *Абу Бакр*, *Умар* ва *Усмонни*

хокимиятни зўравонлик б-н эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874–878 йлар орасида 7–9 ёшида бедарак йўқолган 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни улар “яширинган” ҳисоблайди, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутади (имомни Маҳдий, имомни охир замон). Бу тасаввур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат нормаларида ҳам Ш. б-н суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани муқаддас ҳисоблаш б-н бирга, Карбало, Нажаф ш.ларида жойлашган Ш. имомлари қабрларини ҳам зиёрат қилади. Ш. шариатида *жаъфарийлик* мазҳаби ҳукмрон бўлиб, шиалар имом Хусайнга мотам тутади, *шахсей-вахсей* деб ном олган мотам юришлари ўтказиши ва х.к. Ўрта асрларда Ш. ичида ихтилофлар юз берган, натижада кўп фирқалар вужудга келган. Булардан *зайдийлар*, *исмоилийлар*, *ибодийлар* ва б. ҳозир ҳам мавжуд. Ш. ҳоз. вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ирок, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиалар бор. Озарбайжон ва Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) аҳолининг муайян қисми Ш.ка эътиқод қилади. **ШИБЛИЙ**, Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар (ибн Жаъфар) (861–946) – бағдодлик суфий. ал-Жунайд ва ал-Ҳалложнинг энг яқин шогирди ва сафдоши. Самаррада туғилган, отаси халифанинг бош ҳожиби, амакиси – Искандарияда амир ул-умаро бўлган. Ш.нинг ўзи халифа ал-Муваффақнинг ҳожиби вазифасида ишлаган. 40 ёшида Шим. Эрондаги Дамованд вилояти волийси этиб тайинланган. бироқ тўсатдан бундан воз кечиб, Бағдоднинг машҳур суфийларидан Хайр ан-Нассоҷ ҳузурда (мажлис) “тавба” қилиб суфийликни ихтиёр этган. Дастлабига ҳиссиётга ўта берилувчан характерли Ш. ал-Ҳаллож тарғиб этган “ўта” суфийликка мойиллик билдирган. Бироқ, таъқиб этишлар, сўнгра ал-Ҳалложнинг қатл этилиши уни ўз қарашларини ўзгартиришга мажбур этиб, ал-Жунайд ва тарафдорлари каби эҳтиёткорона мавқени тутишига сабабчи бўлган бўлса керак. Ш. ал-Ҳаллождан юз ўгириб, уни мумтоз шахслар мулки бўлган “сирлар”ни очганликда қоралаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ал-Ҳаллож қатлидан сўнг Ш.нинг ҳулқи жуда ғалати бўлиб қолган. Унинг ғалати қилиқлари

(қимматбаҳо кийимлари ва мушк анбарларини ёқиб юбориши, ўзини ўзи қийноққа солиши ва б.) ҳиссиётга ўта берилувчанлиги уни телба деб ҳисоблашларига олиб келди, шунинг учун бу даврда ғайрификрловчилар ва бидъатга қарши кураш олиб бораётган Бағдод ҳукмрон доиралари унга эътибор бермаганлар. Ш.ни шунингдек, бадавлат хонадонда туғилганлиги ва ўша пайтда шу кураш ташаббускорларидан бўлган моликийлар мазҳабига мансублиги ҳам қутқариб қолган бўлса керак.

Ҳуқуқий ва Қуръон илмларида Ш., олимларнинг фикрича, бу соҳадаги энг кучли алломалардан қолишмаган ва ҳатто улардан устун турган. Ш.га нисбат бериладиган суфиёна шеърлар бадий қимматга эга. Унинг таржимаи ҳолига оид парчалар, айтган сўзлари ва шеърларини барча мўтабар суфийлик рисолаларидан топиш мумкин. Унинг Бағдоддаги қабри сақланган ва бугунги кунда ҳам зиёратгоҳ саналади.

ШИРК – шерик келтириш. Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш. Ш. – Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларни Ундан ўзгага собит қилишдир.

Ш.нинг шаръий тушунчаси – Махлукни Роббил оламинга 5 ишдан бирида тенглаштиришдир. Яъни. Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор, деб эътиқод қилишдир.

Ш.нинг турлари:

1) ибодатда Ш. келтириш. 2) дуода Ш. келтириш. Бандаларнинг тоқатидан ташқари нарсаларда, оддий сабаблардан устун нарсаларда Аллоҳдан бошқадан нусрат ва ёрдам сўраб дуо қилиши – Ш. бўлиб, бу иш инсонни тавҳид соҳасидан чиқариб, куфр доирасига киритади. 3) роббилиқда Ш. келтириш. 4) ҳукмда Ш. келтириш. 5) мулк ва султондаги Ш. келтириш. 6) халқ-яратишдаги Ш. келтириш. 7) итоатда Ш. келтириш. 8) ташриғдаги Ш. келтириш.

Бундан ташқари, имом Дехлавий фикрича, Ш.нинг қуйидагича 8 хил тури мавжуд:

1-Саждада Ш. келтириш.

Ислондан аввал санамларга ва юлдузларга сажда қилар эдилар. Аллоҳдан ўзгага сажда қилиш ман қилинди. Аллоҳ таоло: “Қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, уларни яратган Аллоҳга сажда қилинглар” (Фуссилат сураси, 37), деди. 2-Ёрдам сўрашдаги Ш. келтириш.

Исломдан авваллари беморга шифо бериш, камбағалга бойлик каби ҳожат талаб ишларда Аллоҳдан ўзгадан ёрдам сўрар эдилар. Назр қилишдаги Ш. келтириш ҳам шу жумлага кирди. Чунки, Аллоҳдан ўзгага назр қилувчи, ўзига келган ёрдамга шукр қилиш мақсадида ёки бўлажак ёрдамдан умид қилиб назр атайди. Мушриклар санамларига назр атар ва ўша назр туфайли улардан мақсадларига эриштиришларини кутар эдилар. Баракот умидида уларнинг исмларини тиловат қилар эдилар. Аллоҳ таоло уларга намозда, “Ийяка наъбуду ва ийяка настайин” (Фотиҳа сураси, 4), деб айтишни вожиб қилди. Бу сажда ва ибодатда Ш. келтиришдан, шунингдек, ёрдам сўрашда Ш. келтиришдан қайтариш эди.

Аллоҳ таоло: “Аллоҳ б-н бирга бировга дуо қилманг!” (Жин сураси, 18), деган. Чунки, дуо ёрдам сўраш учун бўлади. Шунинг учун ҳам, ҳожатларда, мусибат ва аламларда Аллоҳдан бошқага дуо қилиш ман қилинган.

3-Улуҳият (ибодатга сазовор)ликдаги Ш. келтириш.

Улар ўзларининг баъзи шерик худоларини Аллоҳнинг қизлари, ўғиллари, деб аташар ва буни уларнинг илоҳнинг жуъзи бўлганлари учун улуҳият ҳаққини бериш учун қилар эдилар. Батаҳқик бу ишдан жуда ҳам қатъий равишда қайтарилдилар.

4-Ташриғдаги Ш. келтириш.

Яхудийлар ўз ахбор (диний олим)лари ва роҳибларини Аллоҳдан ўзга Роббилар қилиб олар эдилар. Ўшалар ҳалол деган нарсани, қилса бўлаверадиган ҳалол нарса, улар ҳаром қилган нарсани эса, гуноҳ бўладиган ҳаром нарса, деб эътиқод қилар эдилар.

Ҳаром қилишнинг маъноси фалон нарса учун жазо чораси кўрилади, дейишдир. Ҳалол қилиши эса, фалон нарса учун жазо чораси кўрилмайди, дейишдир. Бас, жазо чорасини кўриш ва кўрмаслик Аллоҳнинг сифатларидандир.

5-Аллоҳдан ўзгага атаб сўйишлик ила Ш. келтириш.

Мушриклар санамларга ва юлдузларга қурбат ҳосил қилиш мақсадида уларга атаб жонлик сўяр эдилар. Бунда улар ёки ўша нарсаларнинг номини айтиб сўйишар, ёки махсус бутларига олиб бориб сўяр эдилар. Бас, бундан Аллоҳнинг қуйидаги сўзлари ила қайтарилдилар: “Аллоҳдан бошқанинг номи айтиб сўйилган

нарса” (Моида сураси, 173) ва “Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсадан еманглар” (Анъом сураси, 119).

6-Аллоҳдан ўзганинг номи ила қасам ичиш билан Ш. келтириш.

Улар баъзи кишиларнинг исмларини муборак, улуг, деб эътиқод қилишар, уларнинг исми б-н ёлгондан қасам ичганинг молу дунёга ва ахлига нуқсон етади, деб ўйлар эдилар. Шунинг учун, бу ишни қилишмас ва талашиб қолган одамлардан ўшаларнинг исмлари ила қасам ичишни талаб қилар эдилар. Бас, бу ишдан ман қилиндилар.

7-Аллоҳдан ўзгага ҳаж ёки зиёрат қилиш ила Ш. келтириш.

Яъни, ўша Аллоҳга Ш., деб эътиқод қилинаётганларга хос табаррук жойларга бориб, уларга қурбат ҳосил қилишга уриниш. Шариатда бу ишдан ҳам ман қилинган. Пайғамбар (ас): “Фақат учта масжидгагина кўч боғлаб (зиёратга) борилади”, дедилар.

8-Ном қўйишдаги Ш. келтириш.

Мушриклар ўз болаларига Абдул Уззо, Абдуш Шамс каби номларни қўяр эдилар. Пайғамбар (ас) Ш.ка ишора қилувчи кўплаб исмларни ўзгартирдилар. “Исмларнинг энг афзали Абдуллоҳ ва Абдурахмон”, дедилар. Исломда Ш. ҳеч кимдан кечирилмас гуноҳ ҳисобланади. **ШИРКАТ**, ш и р к а (“шериклик”, “кооперация”) – битим (ақд)нинг махсус тури. Унга кўра, икки ва ундан ортик киши умумий иш олиб бориш учун (савдо, хунармандчилик ёки бошқа соҳада) бирлашадилар. Бунинг учун улар ўз маблағларини ўртага қўйиб, биргаликда ҳаракат қилишади. Бунда ҳар бир шерик умумий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва умумий ишда қатнашишга мажбурдир. Даромад ва зарар ҳар бир Ш. қатнашчисининг кўшган улушига қараб, ёки келишувга асосан тақсимланади.

Ш.нинг 4 тури бор: 1) Тўлиқ Ш., унда қатнашчилар тенг улуш кўшиб ўз имкониятларига кўра тенг бўладилар, яъни улар бир касб-хунар б-н шуғулланидилар ёки бир савдода машғул бўлиб эркин мусулмон ҳисобланидилар; 2) Тўлиқ бўлмаган Ш., унда фақат ўзаро битим талаб этилиб, улушларнинг тенглиги талаб этилмаган; 3) Мақсадли Ш., унга кўра, умумий маблағ бўлмаслиги мумкин, лекин кредитга қилиш мумкин бўлган умумий иш бор; 4) Ш. – кооперация, унда турли касб-

хунар кишилари умумий иш юритиш учун бирлашадилар (кўнчилар, эгарчилар, этикдўзлар, қуювчилар, темирчилар ва б.). Айрим мазҳабларга кўра, Ш.нинг сўнгги 2 турини уларда умумий маблаг бўлмагани тўғрисида эътироф этиш мумкин эмас.

Ш. тартиби ҳозирда ислом мамлакатлари иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида тўлиқ сақланиб қолган бўлиб, янги шароитларга мослашиб бормоқда.

ШИС (ас) – пайғамбар. Одам (ас)нинг Ҳобил ўлдирилганидан кейин туғилган 3-ўғли. Инжилда Сиф деб аталган. Художўй киши бўлган, Аллоҳдан унга ваҳий келиб турган. Ваҳий 50 саҳифани ташкил этган, деб ҳисобланади. Маккада яшаган, ҳаж маросимини мунтазам равишда адо этган. Лой ва тошдан Каъба биносини қурган. Одамато ва Момоҳаво б-н бирга Макка яқинидаги Абу Кубайс тоғининг ғорида дафн этилган.

ШОЗИЛИЙЛАР, аш-Шозилийа – Шим. Африкадаги энг йирик суфийлик тариқати. Асосчиси – Абу-л-Ҳасан аш-Шозилий (1196/97–1258) мағриблик бўлиб, шажарасини шайх Ибн Хоразм (1236 й. в.э.) орқали машҳур Абу Мадёнга боғлаган. Ш.га ғоявий асос бўлган Шозилий таълимоти ўзининг асосий қоидаларида мўътадил суфийлик ғояларига асосланган. Улар ўз даврида ал-Жунайд ва б. “мўътадил” суфийлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Абу Мадён томонидан Шим. Африка шароитига мослаштирилган. Шозилий Тунисдаги ўз тарафдорларига йўллаган мактубида ва оғзаки ваъзларида итоатда бўлишга, Аллоҳдан кўрқишга, ҳукумат б-н ҳамкорлик қилмасликка, шариат кўрсатмаларига қатъий риоя этишга, Расулulloх (сав) суннатларига эргашишга, дунё лаззатларидан юз ўгиришга даъват этган.

Ш. бир неча аср мобайнида Африканинг Судандан то Малигача бўлган ички вилоятларида муваффақият б-н исломни тарқатган. Ш. ва унинг тармоқлари Марокаш, Тунис, Жазоир, Судан ва б. Африка мамлакатларида бугунги кунда ҳам мавжуд.

ШОМ – 5 вақт ўқиладиган намознинг бири. Ш. намозининг ўқилиш вақти Қуёш ботгандан бошлаб, мағриб уфқидаги қизил шафақнинг кўринмай кетадиган вақтигача деб белгиланган. Бу тақрибан 60 дақиқага тенг. Ш. намози 3 ракаат фарз, 2 ракаат суннат ўқишдан иборат.

Ш., хуфтон ва бомдод намозларининг фарзи жамоат б-н ўқилганда имом қироатни жаҳрий (овоз чиқариб) ўқиши вожиб амаллардан ҳисобланади. Якка ўқиган одам учун бу ихтиёрийдир. 2) Қуёш ботган пайт ҳам Ш. деб аталади.

ШОФИЪИЙ, тўлиқ исми Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофиъий (767–820) – имом, *шофиъийлик* мазҳабининг асосчиси, *саййид*лардан. 2 ёшида онаси Маккаи Мукаррамага олиб келган ва шу ерда Қуръони каримни ёд олган. 10 йил араб оламида ширин тили ва фасоҳати б-н машҳур бўлган Ҳузайл қабиласида яшаган, натижада йирик араб тилшуноси, шеърят билимдони бўлиб етишган. Кўп ерларга сафар қилган. Макка муфтиси Муслим Холид аз-Занжий ва Мадинаи мунавварада Имом Молик хузурларида таълим олган. Имоми Аъзамнинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан б-н Бағдодда яқин мулоқотда бўлиб, унга шогирд тушган ва шу ерда ўз мазҳабини тузган. Имом Ш. мазҳаби, асосан, Мисрда, Ҳинд океани давлатларида, айрим оролларда тарқалган.

Ш. бир қанча муддат гоҳ Ироқда, гоҳ Хижозда истиқомат қилган. 815 й. Қоҳирада муқим туриб қолиб, шу ердаги “Амр ибн Ос” жомеъ масжидида фикҳдан дарс берган. Ш.нинг “ар-Рисола”, “ал-Умм” асарлари ислом оламида машҳурдир ва шофиъий уламолар учун энг зарур манба бўлиб хизмат қилади.

Ш. “Усул ал-фикҳ” илмига асос солган. Бошқа фақиҳлар ўзларига манба деб ҳисоблаган “Истиҳсон”ни қабул қилмаган, уни хато деб тушунган.

Бу зот ҳақида Имом Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: “Сиеҳдон кўтарган ҳар бир кишининг зиммасида Шофиъийнинг ҳаққи бор”. Бошқа олимлар эса: “Муҳаддислар ғафлат уйқусида эдилар, Имом Шофиъий уларни уйғотдилар”, дейишган.

ШОФИЪИЙЛИК – суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Имом *Шофиъий* асос солган. Ш. ҳуқуқ тизими ханафийлар ва моликийларнинг диний-ҳуқуқий таълимотини ўзига сингдирган бўлса-да, кўпроқ моликийларга яқин туради. Ш. киёсни ва раъйни чеклаб қўллайди. Ш. Қуръон ва суннага ягона манба сифатида қарайди. Ш.га кўра, сунна Қуръонни тўлдирди, холос, суннанинг ўзи киёслаб ўртача ҳукм чиқариш учун асос

бўлолмайди. Ш. тарафдорлари мадиналик ривоятчиларнинг ҳадисларини устувор ҳисоблаб, улар айтган ҳадис ёки *ижмоъ*га таяниб иш кўриш мумкин, деб билади. Ш. Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳоз. вақтда Миср, Индонезия, Шимолий Кавказ муслмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва жан. араб султонликларида Ш. мазҳаби диний-ҳуқуқ тизимига амал қилувчилар бор.

ШОҲ ВАЛИУЛЛОҲ Аҳмад Абдураҳим (1703–62) – ислом мафкурасининг йирик намоёндаси, 18-а.да Ҳиндистон муслмонлари ўртасида бошланган диний ислохотчилик ҳаракатининг асосчиси. Йирик руҳонийнинг ўғли. Диний мактабни тамомлаб, отаси асос солган “Мадрасаи Раҳимия”да фалсафа, илоҳиёт ва мантиқдан дарс берган. Ҳиндистонда бобурийлар салтанати инкирозга учраган даврда унинг таълимоти салтанат шухратини тиклашга қаратилди. Ш.В. зодагонлар ва уламолар доирасидан ташқари, кенг муслмонлар ўртасида ҳам илм ва маърифатни, ахлоқий тарбияни кучайтириш, илмсизлик ва жаҳолатга қарши кураш тарафдори бўлиб майдонга чиққан. Ш.В.нинг фалсафа ва илоҳиётга доир 50 дан ортик асари бор.

ШОҲИ ЗИНДА АНСАМБЛИ – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (11-12-а.) Афросиёб тепалиги жанубидаги макбаралардан иборат ансамбль. Уларнинг энг қадимийси *Қусам ибн Аббос мақбараси* бўлиб, халқ орасида Шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) деган афсона бор. Ш.з.а. бир-бири б-н йўлак орқали боғланган уч гуруҳ бинолар (14-а. ўрталари ва охирилари ҳамда 15-асрда қурилган)дан иборат.

ШОҲИД – гувоҳ. Ш.нинг суд жараёнида иштирок этиши анъанавий суд юритишнинг муҳим қисмидир. Ш. ҳар 2 тарафнинг бири томонидан судга таклиф этилиши ва б. бир тараф томонидан изоҳсиз рад этилмаслиги лозим. Ш.дан зўрлаб кўрсатма олиш мумкин эмас, лекин сабабсиз кўрсатма беришдан бош тортиш диний мажбурият(фарз)ни жиддий бузиш деб баҳоланади. Ҳар қандай ҳуқуқий лаёқатли киши, унинг ижтимоий мавқеи ва динидан қатъи назар Ш. сифатида таклиф қилиши мумкин. Бироқ гайридин фақат динга

алоқадор бўлмаган масалалар юзасидан гувоҳлик бериши мумкин, қарам киши эса, ўз хожаси, хомийси ёки қариндоши иши юзасидан гувоҳлик бера олмайди. Ҳақиқатни аниқлаш учун 2 озод кишининг Ш.лиги кифоя. Битта эркакнинг гувоҳлиги 2 аёл ёки 2 чўрининг гувоҳлигига тенглаштирилади. Фақат гўдак туғилишини тасдиқлаш чоғида бир чўрининг гувоҳлиги етарли ҳисобланади. Сохта гувоҳлик берган Ш. жинойи жавобгарликка тортилиб, унинг кейинги гувоҳликлари қабул қилинмайди.

Ижтимоий ҳаётда Ш. – ижтимоий ва хизмат юзасидан туғиладиган турли ҳолатларни ўз сўзи б-н тасдиқлаш мажбуриятини олган шахс. Ҳоз. пайтда нотариал идоралар ва ўзаро қафолатларнинг турли шакллари тараккий этиши б-н Ш. ўз аҳамиятини йўқотиб бормокда.

ШОҲИМАРДОН (форс. “эрлар шоҳи”, “мардлар шоҳи”) – чорёрларнинг тўртинчиси *Алига* берилган номлардан бири. Ҳазрат Али жангларида жасурлик, мардлик кўрсатиб шу номга сазовор бўлган. Фарғона вилояти Ҳамзабод кишлоғининг собиқ номи Ш. эди.

Маълумки, *хорижийлардан* бўлган Ибн Мулжам Алининг бошига қилич уриб, оғир ярадор қилган ва 2 кундан сўнг Али вафот этган. Нақл қилнишича, ўлими олдидан ўғиллари имом Ҳасан ва имом Ҳусайнни чақириб: “жигарбандларим, бугун сизлар б-н абадий видолашсам керак. Эртага эрталаб ок туя минган бир бадавий (араб) келиб, сизлардан менинг жасадимни сўрайди. Сизлар дарҳол жасадимни унга топширинглари! Аммо, зинҳор унинг орқасидан эргашманглари”, деб васият қилади. Ўғиллари йиғлашиб, “Унинг орқадан бормасак, қабрингизни қаердан излаб тонамиз” деб сўрайди. Али, қаерда 3 томони тоғ б-н ўралган текислик бўлса, ўша ер менинг қабрим бўлади, деб дунёдан кўз юмади. Дунё бўйича ана шундай маскандан бугунги кунда еттитаси мавжуд. Фарғонадаги Ш. номли қишлоқ ҳам ана шулардан биттасидир.


ШУАЙБ (ас) – Қуръонда тилга олинган найғамбарлардан бири. Араб миллатига мансуб бўлган 4 пайғамбардан (Худ (ас), Солиҳ (ас), Муҳаммад (сав) б-н бирга) бири. Ш. (ас) ўз қавмини фасоҳатли усуллар б-н имонга даъват этганлигидан “пайғамбарлар хатиби” деб ном олган. Ш. ва унинг қавми Арабистон я.о.нинг


Кизил денгиз қирғоғидаги Мадён деган жойда яшаб ўтган. Бу қавм, асосан, савдо-сотик б-н шуғулланган. Улар Аллоҳга ибодат қилиш ўрнига турли илоҳларга сиғинадиган, моддий бойлик орттиришга ҳирс кўйган, бу йўлда ҳар қандай разолат, ноҳақликлардан қайтмайдиган кишилар эди. Савдо қилганларида тош-тарозидан уриб қолишга одатланишганди. Ш. (ас) ўз қавмини савдода ҳалолликка, кишилар ҳаққига хиёнат қилмасликка даъват эта бошлади. Ш. (ас)нинг насиҳатларига кўнмаган қавмнинг барчаси зилзила юз бериши натижасида ҳалокатга учради. Қуръонда пайғамбарларга бўйсунмаган қавмларни Аллоҳ қаттиқ азобга дучор қилиши эслатилади. Ш. (ас) ва унинг ўз қавмини даъват қилгани ва гумроҳ қавмнинг бошига тушган азоб-уқубатлар ҳақида Қуръонда Аъроф сураси, 85–87-оятлар, Худ сураси, 87–90-оятларда баён қилинган.

“ШЎРОИ ИСЛОМИЯ” – Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти. 1917 й. 14 мартда Тошкентда тузилди. Унинг ташкил топишида *Мунавварқори* Абдурашидхонов катта хизмат қилди. Ташкилот фаолиятида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўқай ўғли (1890–1941), Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890–1970) каби маърифатпарварлар муҳим роль ўйнади. Ташкилот ташаббуси б-н Бутун Туркистон мусулмонларининг 1-қурултойи ўтказилди (1917 й. апр.). Қурултойда қабул қилинган ташкилот дастурида ўлка мусулмонлари орасида ислохотлар ўтказиш ғояларини тарқатиш, минтақадаги барча мусулмонларни ягона фикр ва маслак асосида бирлаштириб Туркистонга мухторият мақомини бериш учун кураш вазифаси кўйилган. “Ш.и.” бутун

ўлкадаги мусулмонлар манфаати учун курашганлиги туфайли унга турли халқлар ва табақалар вакиллари кирган эди. Ташкилот “Шўрои ислом” номли жариди ҳам чиқарди (1917 й. апр.-июнь). Бироқ тараққийпарвар зиёлилар (жадидлар) б-н эскилик тарафдорлари бўлган айрим уламолар (қадимчилар) ўртасидаги келишмовчиликлар “Ш.и.” ташкилоти сафида тарафкашлик юз беришига олиб келди. Ундан ажралиб чиққан бир гуруҳ уламолар “*Шўрои уламо*” жамиятига асос солди (1917 й. июнь). Туркистондаги совет режими эса, 1918 й. бошида “Ш.и.” ташкилоти фаолиятини умуман тақиқлади.

“ШЎРОИ УЛАМО” – Туркистон уламолари жамияти. 1917 й. июнда “*Шўрои исломия*”дан ажралиб чиққан. Жамиятнинг Тошкент, Қўқон, Самарқанд ш.ларидаги шўъбаси фаол иш олиб борди. Жамият дастури ва низомига кўра, ички сиёсий тузилмада шарият қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий-диний кадриятларни юксалтиришга даъват этилган. “Ш.у.” “ал-Изоҳ” (1917 й. июнь – 1918 й. май), “ал-Ислоҳ” (1917–18) жур.ларини нашр этди. Уларда даврнинг долзарб муаммолари: диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ёритиб борилди. “Ш.у.” ташаббуси б-н Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди (1917 й., сентябрь). Унда уламочилар ва Шўрон исломчилар ўзаро бирлашиб, “Иттифоқи муслимин” деган сиёсий партия тузилди. “Ш.у.” жамияти соф мусулмон мухторияти ғояларини илгари сурди, шўролар режимига қарши фаол курашди. Большевиклар 1918 й. бошларида жамият фаолиятини тақиқлади.





ЭШОН (форсча: улар) – суфийлик оқимларида диний раҳнамолар унвони. Одатда, Элар дарвишлик, суфийлик оқимларининг бирига мансуб бўлган. Исмоилийлар фирқаси диндорлар жамоасининг раҳбари ҳам Э. деб аталган. Ўрта асрларда суфий раҳнамоларига мурожаат қилишда уларнинг исмлари ўрнида Э., баъзан “пир” сўзлари қўшиб ишлатилган. Эларга муридларни суфийлик йўлига ўргатувчи (муршид), беморлар дардига шифо берувчи, келажакни олдиндан айтувчи сифатида қараб келинган.

ЭШОН БОБОХОН ибн Абдулмажидхон (1860–1957) – муфти, шайх. *Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон*нинг отаси. Тошкентда руҳоний оиласида туғилган. Дастлабки илмни бобоси шайх ул-ислом Аюбхон иби Юнусхондан, унинг отаси Абдулла ибн Бурхон Эшондан олган. Кейин Бухорода Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган. Ақоид, фикҳ, тафсир ва ҳадис билимларини чуқур эгаллаган ва нақшбандийлик тариқатининг намояндаси сифатида танилган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний бошқармаси ташкилотчиларидан бири ва унинг биринчи раиси, муфтий (1943–57).

Диний бошқарманинг ташкил этилиши минтақадаги майда ва тарқоқ муслмон жамоаларини ягона диний марказга

бирлашишига имкон берди. Э.Б. бошқарма раҳбари сифатида диндорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш б-н бирга бошқарма фаолиятини фашизмни тор-мор этиш учун фронтга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, халқаро тинчликни ҳимоя қилиш ишларига йўналтирди. Э.Б. Тошкентдаги Қафқол Шоший мақбараси ҳовлисига дафн қилинган.

ЭЪТИКОФ – Қуръон ва суннат ила собит бўлган шаръий амал. Зухрийнинг хабар беришича, Расулulloҳ (сав) то вафот этгунларича Э.ни тарк этмаганлар. Имом Абу Ханифа, Эларнинг энг ози бир кун деса, имом Абу Юсуф, унинг энг кўпи бир кун деган. Имом Муҳаммад фикрига кўра эса, бир соат ўтирилса ҳам, Э. ҳосил бўлади.

Э. масжидда қилинади. Фақат табиий ҳожатларини қондириш – таҳорат, ғусл учун ёки жума намозига бориш учунгина масжид тарк этилади. Ҳожатдан ортиқча бир соат ушланиб қолса, Э. бузилади. Муътакиф масжидда ухлайди, овқатланади, эҳтиёжига зарур нарсаларнигина савдо қилади. Э. пайти фақат ухровий (охиратга оид), хайрли сўзларни гапиради. Кўп кунлик Э.да кечалари ҳам масжидда қолади. Бир кунлик ният қилинса, тонг отмасдан кириб, кун боғач чиқади. 2 ёки ундан ортиқ кунлик Э. учун киши масжидга

куёш ботишидан олдин кириши ва ниятдаги муддат тугагач, куёш ботганидан сўнг масжиддан чиқиши керак.

ЭЪТИҚОД – Аллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишониш, имоннинг 3 унсурларидан бири. Э.нинг синоними сифатида турли ақидавий мактаблар тасдиқ, ақида, ақд терминларини ишлатганлар. Мазмуни жиҳатдан Э.га энг яқин турадигани тасдиқ (би-л-қалб) бўлиб, Аллоҳ ва Унинг Куръон орқали етказган сўзлари ҳақиқий эканини чин қалбдан эътироф этишдир. Улар ўртасидаги фарқ атиги шундаки, тасдиқ Аллоҳнинг сўзлари ҳақиқий ва ишончли эканлигини ички мулоҳаза б-н англаш, Э. бўлса мана шунга қўшилиш, унга қалбдан имон келтиришдир.

ЭХРОМ (араб. – чегараланиш, ибодат ҳолатига ўтиш) – 1) мусулмонларнинг катта ва кичик ҳаж қилиш (ҳаж ва умра) вақтидаги алоҳида кийими. Э. – ҳажни дили б-н ният қилиш, ҳаромдан муҳофазаланиш дегани, эҳромдаги киши “муҳрим” деб аталади. Муҳрим одобдан ташқари сўз сўзлаш, хотини б-н яқинлик қилиш, гуноҳ ишларга қўл уриш, бир-бири б-н қичқиришиб ғижиллашишдан сақланиши лозим. Муҳрим киши қуруқ ерлардаги ҳайвонни ўлдирмайди, тикилган либос киймайди, оёғига маҳси. этик. пайпоқ киймайди, юзини, бошини бирор нарса билан тўсмайди, хушбўй нарса суртмайди, тирноқ, соч, мўйларини олмайди. Агар бу қоидалардан бирортасини бузса, ҳайвон сўйиб ёки садақа қилиб каффорат тўлайди. 2) Э. ҳолатига кирганлар танага ўрайдиган мато. Э. 2 бўлак (изор ва ридо) бўлиб, бири б-н чап елкани, 2-

си б-н белдан пастини ўралади. Хожилар ҳаж кунларида муқаддас жой (Маккадаги Каъба)га кириш учун Э.га ўралади. Э. ҳаж ибодатини кўрсатилган тартибда мукаммал бажаргандан сўнг ечилади.

ЭҲСОН (“астойдиллик”, “виждонлилик”, “самимийлик”) – Куръонда диний мажбуриятларни ўташдаги самимийлик, риёкорликнинг зидди. Умар ибн Хаттоб (ра)дан келтирилган ҳадислардан бирида айтилишича: “Эҳсон – раббинга худди Уни кўриб тургандек, ибодат қилишингдир. Агар сен Уни кўрмаган тақдирингда ҳам, У сени кўриб туради”. Ал-Ғазолий Э. терминини “адл – адолат” сўзи б-н бирга қўллаганки, булар биргаликда “адолат ва виждон” мазмунини касб этган. Э.ақидавий тушунча сифатида ислом ва имон тушунчалари б-н бир қаторда умумий “дин” тушунчасини ташкил қилади, бунда Э. деганда барча диний ақидаларни тўлиқ, шак-шубҳасиз ва қайта талқинсиз қабул қилишни билдиради, яъни унинг барча кўрсатмаларига чуқур садоқатни англатади. Э. тушунчасидан диндорнинг номларидан бири – муҳсин келиб чиққан. Кундалик истилоҳда Э. термини ихлос – қалби тозалик, фикр ва хатти-ҳаракатларида самимийликнинг синонимидир. Шогирднинг устозига бўлган иззат-икром ва устознинг барча ўғитларига сўзсиз амал қилиши ҳам Э. деб аталади.

Тасаввуфда Э. – эътиқоднинг олий босқичи бўлиб, ундан кейин имон, сўнг ислом туради, бу шариат – тариқат – ҳақиқат тушунчаларига мос келади. Э. одатда тасаввуф б-н айнан ҳисобланган.



Ю

ЮГНАКИЙ, Аҳмад ибн Маҳмуд (тахм. 12-а.охири – 13-а. бошлари) – шоир, олим. Аҳмаднинг бобоси Мовароуннаҳрда ислом динини илк қабул қилган туркий қавмлардан бўлган. Алишер Навоий ўз асарларида Ю.ни Ўрта Осиёнинг машҳур шайхлари қаторига қўйиб, унинг туғма кўрлиги ҳақида ёзади. Ю.нинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) асари сақланиб қолган. У илк ислом даврининг туркий тилдаги маданият обидасидир. Бу асар туркий элатларга исломий одоб қоидаларидан таълим беришга мўлжалланган. Асар бошдан оёқ тавҳид эътиқодига таянади, муаллиф фикрлари Қуръон оятлари, Пайғамбар ҳадислари б-и далилланади. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” Ўзбекистонда кеиғ ўрганилиб, ўзбек адабиёти тарихи дарсликларига киритилган.

ЮНУС (ас) – Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Зу-н-нун, яъни катта балиқ (кит) нинг ҳамроҳи деган ном ҳам олган. Қуръоннинг 10-сураси унинг исми б-н аталади. У Аллоҳнинг ягоналигини тан олмаган ўз қавмидан ғазабланиб, Парвардигорининг изнисиз шаҳридан чиқиб кетади ва денгиз қирғоғига келади ва у ерда кетишга ҳозирланиб турган кема эгаларидан ўзини ҳам бирга олиб кетишларини илтимос қилади. Кема соҳиблари рози бўлиб йўлга чиқишгач, кўп ўтмай

Аллоҳнинг амри б-н каттиқ шамол туриб, кучли тўлқин бошланади ва кеманинг чўкиши аниқ бўлиб қолади. Шунда кемадагилар: “Бизнинг орамизда кимдир гуноҳкорга ўхшайди”, дейишди ва ўзаро маслаҳат қилишиб, қуръа ташлашга, кимгаки қуръа тушса, ўша одам гуноҳкорлиги аниқ бўлиши ва уни сувга ташлаб ўзларини сақлаб қолишларига келишиб олишди. Қуръа бир неча бор ташланса ҳам Ю.(ас)га тушаверди. Шундан сўнг Ю(ас) денгизга ташланди. Аллоҳ катта бир китга Ю.(ас)ни ютишни ва унга бирон азият етказмасликни амр этди. Ўз хатосини тушунган Ю.(ас) Аллоҳга тавба-тазарру қилди. Аллоҳ Ю.(ас) нинг дуоларини қабул этиб китга амр қилди ва кит уни денгиз соҳилига чиқариб ташлади. Шундан сўнг у яна ўз қавмини даъват қилади ва халқ Ю.(ас)га имон келтириб бу дунё жазоларидан қутулади. Бу ҳақда Соффот сураси 139–148-оятларда ва Анбиё сураси 87–88-оятларда баён қилинган. Ю.(ас) қиссасида қавмни ҳидоятга бошлашда сабр-тоқатли, бардошли бўлишга даъват бор.


Ҳоз. вақтда Ироқда Ю.(ас) пайғамбарнинг Мосул ш. яқинидаги қабри қадамжолардан ҳисобланади.


ЮСУФ (ас) – Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Яъқуб (ас) нинг ўғли. Қуръоннинг 12-сураси Ю.(ас)нинг номи б-н

аталади ва ундаги ҳикоя “энг гўзал қисса“ деб номланади. Аллоҳ Ю.(ас)га тушлар таъбирини аниқ айта олиш қобилиятини ато этди. Нақл қилишларича, Яъқуб (ас) ўз фарзандлари орасида Ю.(ас)ни кўпроқ яхши кўрар эди. Акалари унга ҳасад қилиб қудуққа ташлаб юборадилар ва Ю.(ас)нинг ўлими ҳақида отасига ёлғон гапирадилар ва Ю.(ас)ни даштда бўри еб кетди деб алдайдилар. Карвончилар Ю.(ас)ни қудуқдан чиқариб мисрлик бадавлат одамга сотади. Унинг хотини Зулайҳо Ю.(ас)ни севиб қолиб йўлдан урмоқчи бўлади. Ю.(ас) Аллоҳдан қўрқиб, кўнмайди ва Зулайҳо иғвоси туфайли гуноҳсиз зиндонга ташланади,

зиндондагиларнинг ва Миср ҳокимининг туши таъбирини тўғри айтиб, у ердан қутулади. Давлат хазинасини сақловчи лавозимида тайинланади. Ю.(ас)нинг юрти Фаластинда очарчилик бошланиб, акалари унинг олдига келади. Ю.(ас)нинг ҳаёт экани хурсандчилик хабарини эшитган отаси Яъқуб(ас)нинг кўзи гузалиб кўрадиган бўлади. Ислом анъанасида Ю.(ас) чиройли йигит сифатида тасвирланади. Қуръонда Аллоҳ барча умматлар бошларига тушган бало-қазоларга сабр-қаноат қилса, уларни кулфатлардан халос этиб саодатли кунларга етказажаги уқтирилади.

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ – к. *Ҳамадоний*.





ЯЛАНГОЧ ОТА – туркий халқларда қадимда шамол ҳомийси. 20-а. бошида этнограф А.Диваев келтирган маълумотларга кўра, қозокларда шамол чақириш маросимида ижро этиладиган кўшиқ намунасида шамол ҳомийси сифатида Я.о.га мурожаат этилган. Я.о. номи Тошкент атрофлари ҳамда Жан. Қозоғистонда яшовчи ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган. Унинг шахсияти б-н боғлиқ микротопонимлар ҳам мавжуд. Мас., ҳоз. Тошкент ш. 2-Шим.-Шарқ массиви илгари Ялангоч ота деб юритилган.

ЯССАВИЙ Аҳмад (тахаллуслари: Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Қул Хожа Аҳмад, Қул Аҳмад ва б.) (1105–1166/67) – донишманд, шоир, *яссавийлик* тариқатининг асосчиси. Сайрамда туғилган. Отаси Шайх Иброҳим узок йиллар Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Я. нири Арслонбоб маслаҳати б-н Бухорога бориб, Юсуф *Ҳамадоний*дан тасаввуф бўйича мукамал маълумот олган. Сўнгра, Туркистонга қайтиб суфийликни тарғиб этган. Эл орасида катта обрў орттириб, авлиё деб улуғланган. “Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда – Аҳмад” деган овозалар тарқалган. Муридлари кўпайиб, яссавийлик тариқати таркиб топган. Ясида қазо қилган. Мозори муқаддас қадамжога айланган. 1395–97 й.ларда Амир Темур Я.нинг қабри узра маҳобатли макбара қурдирган.

Я. тузган тариқатнинг барча ақидалари “Девони хикмат” шеърӣ асарида баён этилган. Унда поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар макталган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда Я. ҳаёти, фаолияти ва ижоди кенг ўрганилиб, и.т.лар яратилди. “Девони хикмат” 2 марта (Тошкент, 1991, 1992) кўп нусхада чоп этилди.

ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ – Туркистон (Қозоғистон)даги меъморий ёдгорлик (1389–95). Дастлаб Аҳмад Яссавий қабри устида кичик макбара қурилган (12-а.). Макбарани зиёрат қилган Амир Темур уни қайта қуришга фармойиш берган. Ёзма манбаларга кўра бино лойиҳасини ишлаб чиқишда шахсан ўзи қатнашган. Қурилишни Мавлоно Убайдулла Садр бошқарган.

ЯССАВИЙЛИК (жаҳрийлик) – тасаввуф тариқатларидан бири. Марказий Осиёда вужудга келган. Асосчиси *Яссавий* Аҳмад. Я. Юсуф *Ҳамадоний* ва Абдулҳолиқ *Ғиждувоний* таълимотлари негизида шакллланган. Я.да ислом қонун-қоидалари (шариат), тасаввуф маслағи (тариқат), ишқи илоҳий (маърифат), Аллоҳ

висолига эришиш (ҳақиқат) кенг тарғиб этилган. Унга кўра, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат йўқ. Буларнинг ҳар бири алоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва такомиллаштиради. Мурид ўз пири раҳнамолигида мазкур босқичлардан ўтиб, илоҳий ишқ сари интилиши, камолотга эришиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Я. да мурид риоя этиши шарт ҳисобланган одоб қоидалари бўлган. Уларга биноан, мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унинг ҳамма топшириқларини сидқидилдан, бекаму кўст адо этиши, панд-насиҳатларига сўзсиз амал қилиши зарур. Я.да зикру самоъга ҳам катта эътибор берилган, жаҳрия (лисония) усули қўлланилган. Пир ва муридлар кундалик ўқиб юрадиган махсус калима ва дуоларни баланд овоз чиқариб айтишган. Шу боис Я. жаҳрийлик деб ҳам аталади.

“ЯШИРИНГАН ИМОМ” – шиалик таълимотида замон охир бўлганда ерга қайтиб келиб адолат ўрнатади, деб талқин қилинадиган имом (имоми *Маҳдий*, имоми охир замон). Шиалик тарқалган мамлакатларда “Я. и.” ҳақидаги тасаввур ҳозир ҳам сақланиб қолган. **ЯЪЖУЖ ВА МАЪЖУЖ** – Куръонда зикр этилган бузғунчи қавмнинг номи. Я. ва М. ҳақида Каҳф сурасида қуйидагилар айтилади: “Улар: “Эй Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Биз сенга хароҷ берсак, биз б-н уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?” дедилар. 2 тоғ орасидаги бирон гапни англамайдиган қавм Зулқарнайнга Я. ва М.дан шикоят этдилар. Уларнинг ер юзасидаги бузғунчиликларидан арз қилдилар.

Мазкур қавм Зулқарнайндан, агар хароҷ тўплаб берсак, ўша Я. ва М.лар б-н бизнинг орамизга тўсиқ қуриб берасанми, деб сўрадилар. Шу б-н уларнинг ҳужумларидан, бузғунчиликлардан қутулмоқчи бўлдилар. Зулқарнайн уларнинг бу саволига одоб билан жавоб берди:

“У: “Роббим менга берган имконият яхшидир. Бас, сиз менга куч ила ёрдам беринг. Сиз б-н уларнинг орасида бир девор қилажакман. Менга темир парчаларини келтиринг”, деди. Ниҳоят, 2 тоғ томонлари ила баробарлашганда: “Дам уринглар”, деди. Ниҳоят, у (тўп темир)ни ўтга айлантиргач: “Олиб келинглар, устидан мис қуяман”, деди.

Зулқарнайн мазкур қавм б-н Я. ва М. орасида улкан ва мустаҳкам тўсиқ – радм қура бошлади. У одамларни темир топиб келишга буюрди. Улар олиб келган темир парчаларини ўша 2 тоғ орасига тўплата бошлади. Ниҳоят, темир парчаларини тўплаб-тўплаб, 2 тоғ орасини тўлдирдилар. Ундан кейин Зулқарнайн босқонлар б-н дам уриб, темирларни қизитиб, эритишга киришди. У 2 тоғ орасига тўпланган темирни босқонлар б-н дам уриб алангалатиб, эритиб олов ҳолига келтирдилар. Ана шунда Зулқарнайн одамларига, энди эритилган мис олиб келинглар, олов бўлиб турган темир устидан қуяман, деди.

Я. ва М.лар Зулқарнайн қурган радм-девор тўсиқ устига чиқа олмадилар ва улар уни тешиб ҳам ўта олмадилар. Зулқарнайнга Я.ва М.дан шикоят қилиб ёрдам сўраган қавмлар омонликка эришдилар.

Я. ва М. ҳақида Анбиё сурасида қуйидагилар айтилади:

“Ниҳоят, Яъжуж ва Маъжуж очилиб, улар ҳар бир тепаликлардан оқиб келганларида. Ва ҳақ ваъда яқинлашгандаги ҳолни кўрсанг, куфр келтирганларнинг кўзлари чақчайиб: “Ҳолимизга вой! Бизлар бундан ғафлатда эдик. Йўқ!Бизлар зулм қилувчилар эдик”, дерлар”. Каҳф сурасида айтиб ўтилганидек, қиёматнинг аломатларидан бири – Зулқарнайн қурган садд-тўғон очилиб, Я. ва М.лар чиқиб кетишидир. Демак, улар жуда кўп бўлиб, кўпликларидан юрганларида худди сел окқандек оқиб келар эканлар.

Садди Зулқарнайн б-н йўли тўсилган Я. ва М.лар ҳақида турли гаплар жуда ҳам кўп. Баъзилар улар мўғул-татарлар, деганлар. Шунингдек, Я. ва М. ҳақида бир қанча ҳадислар ҳам келган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Суфёни Саврийдан қилган ривоятда Пайғамбар (сав)нинг завжаи мутаҳхаралари уммул мўминин Зайнаб бинт Жаҳш онамиз қуйидагиларни айтадилар: “Расулulloҳ (сав) уйқуларидан юзлари қизарган ҳолларида: “Арабларнинг ҳолига яқинлашган ёмонликдан вой бўлсин, бугун Яъжуж ва Маъжуж радми-саддидан мана шунча очилди”, деб турдилар, бош ва кўрсаткич бармоқларини халқа қилиб кўрсатдилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, ичимизда аҳли солихлар бўла туриб ҳалок бўламизми? Дедим. У киши “Ҳа, агар ёмонлик кўпайса”, дедилар”.

Шунингдек, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Ибн Можа, Имом Аҳмад, Имом Абу Довудларнинг ривоятларида ҳам Я. ва М. ҳақида хабарлар келган.

Ақоид илми уламолари Я. ва М. ҳақидаги ояти карима ва ҳадиси шарифларни мукаммал ўрганиб, қуйидаги хулосани айтадилар:

“Я. ва М. жуда ҳам кўп сонли бир қавм бўлиб, уларнинг чиқишлари қиёматнинг аломатларидан бир аломатдир. Улар ер юзини фасодга ва харобага тўлғазиладилар. Уларнинг қачон чиқишини эса, Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди”.

ЯЪҚУБ (ас) – Қуръонда тилга олинган пайгамбарлардан бири. Исҳоқ (ас)нинг ўғли, Юсуф (ас)нинг отаси Я. (ас) Аллоҳнинг бирлигига, ибодатига даъват этувчи пайгамбарлардан бўлган. Қуръонда унинг тақводорлиги ва пайгамбарлиги Аллоҳнинг Иброҳим(ас) авлодларига кўрсатган марҳамати сифатида ифодаланган (2:136/130, 140/134; 6:84). Я. (ас) ўғиллари орасида Юсуф (ас)га ниҳоятда меҳр кўйган эди. Бундан ранжиган бошқа ўғиллар Юсуф (ас)дан қутулиш йўлини излайдилар. Унинг жонига жабр қилиб, қудуққа ташлайдилар. Я. (ас) сеvimли фарзанди дардида йиглайвериb кўзи кўр бўлиб қолади. Қуръонда айтилишича, Юсуф (ас)нинг кўйлаги Я. (ас)нинг юзига теккач, унинг кўзлари очилади. Ривоятларга кўра, ер юзидаги барча яҳудийлар Я. (ас)нинг ўн икки фарзандларидан тарқалган.

ЯЪҚУБ ЧАРХИЙ Усмон бин Муҳаммад (тахм. 1363, Ғазна, Афғонистон – 1447, Чағониён ҳоз. Денов) – олим ва тасаввуф муршиди. Ғазна ш.га тобе бўлган Чарх қишлоғида таваллуд топган. Ч. бошлангич таълимни аввал Чархда, сўнг Ғазнада олгандан кейин 1380 й. Ҳиротдан Бухорога келади. Бухорода у Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) б-н учрашади. У Ч.ни муридликка қабул қилиб, зикр айтиш қондасидан таълим беради. Ч. Нақшбанд вафотидан сўнг Бадахшонда, сўнг Алоуддин Аттор (ваф. 1400 й.) таклифи б-н Чағониёнда яшади. Аттор вафотидан сўнг то умрининг охиригача Ҳалғату (Душанбе яқинида) қишлоғида яшаб, ўз асарлари ва фаолияти б-н нақшбандия тариқати ривожига улкан ҳисса қўшди. Ч. Хожа Аҳрор (ваф. 1490 й.)нинг муршидидир.

Ч. нафақат тариқат муршиди, балки етук олим ҳам бўлиб, ундан бизга тасаввуф, фикҳ, тафси

ва давлатчиликка оид асарлар мерос бўлиб қолган. У ўз ҳаёти давомида 10 га яқин рисола ёзгани маълум, лекин бизгача 7 та асари етиб келган. Шулардан 4 таси тасаввуфга, 1 таси фикҳга, 1 таси тафсирига, 1 таси давлатчиликка оиддир. Улар қуйидагилардан иборат: “Рисолаи қудсия” (“Қудсий калималар ҳақида рисола”), “Рисолаи абдолия” (“Абдоллар ҳақида рисола”), “Шарҳи асмоуллоҳ” (“Аллоҳ исмларининг шарҳи”), “Рисолаи унсия” (“Дўстлик ҳақида рисола”), “Тафсири Чархий” (“Чархий тафсири”), “Китоб ул-фароиз” (“Мерос тақсими ҳақида китоб”), “Рисола дарманокӣб ва ақойид” (“Манокӣб ва ақойид ҳақида китоб”).

Ч. ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида М. Раззоқова 2001 й.да “Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг нақшбандия тариқати ривожидан тутган ўрни (XIV–XV)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ч.нинг қабри обод зиёратгоҳдир.

ЯХЁ (ас) – Қуръонда зикри келган пайгамбарлардан бири. Закариё (ас)нинг ўғли. Я. (ас) ёшлиқдан ибодатга берилган, Тавротдаги ҳукмларга астойдил амал қиладиган, ниҳоятда ҳалим ва камтар бўлган. Исо (ас) худонинг элчиси эканлигини биринчи бўлиб олдиндан айтган, унга ишонган ва ёрдам берган. Вояга етгач, Шомга бориб у ердагиларни Аллоҳнинг бирлигига ишонишга, ёлғиз Унгагина ибодат қилишга даъват этган.


Я. (ас)нинг шаҳид бўлиши ҳақида бир қанча ривоятлар бор. Шулардан бирида айтилишича, у ниҳоятда келишган, чиройли бўлган. Подшоҳнинг хотинларидан бири уни яхши кўриб қолиб, ўз муҳаббатини изҳор этади. Лекин Я. (ас) аёлларга шахвоний муносабатда бўлмаслигини айтиб, маликага ҳеч қачон эрига хиёнат этмасликни насиҳат қилади. Я. (ас)нинг бу ҳаракатидан жаҳли чиққан аёл ўзининг сирини ошкор бўлиб қолишидан кўркиб, подшоҳдан уни ўлдиришни талаб этади. Я. (ас) меҳробда ибодат қилиб турганида ўлдирилади. У шаҳид бўлгач, бу ишга Парвардигорнинг қаҳри келиб, подшоҳнинг бутун хонадони б-н ер ютгани ривоят қилинади. Дамашқдаги умавийлар масжидида жойлашган Я. (ас) сағанаси мусулмонлар зиёратгоҳи саналади.

ЯХУД – яҳудийлар. Я. истилоҳи Қуръонда Макка даврида пайдо бўлган, Муҳаммад (сав) замондошлари бўлган яҳудийларни ёки умуман

яҳудийларни англаган ва одатда насоролар (христианлар) б-н ёнма-ён учрайди (3:67/60; 5:18/21, 82/85; 9:30 ва б.). Мадинагача яҳудийларнинг муқаддас тарихига қилинган кўплаб иқтибосларда, асосан, Бану Исроил – “Исроил фарзандлари” ибораси ишлатилган. Қуръонда яҳудийларга нисбатан 2 хил ёндашув акс этган. Бир томондан улар мусулмонлар каби якка худолик тамойилларига амал қилишган, шунингдек, Иброҳим (Авраам) элчилиги б-н боғлиқдирлар, ислом иудаизм (яҳудийлик) томонидан йўқотилган изчил яккахудоликни тозалагандек ва тиклагандек эди, яҳудийлар аҳли китобга мансуб эдилар. Муҳаммад (сав) Маккада ва Мадинада бўлганларининг дастлабки пайтларида Ясриб (Мадина) ва Шим. Арабистондаги кўплаб воҳалар аҳолисининг анчагина қисмини ташкил қилган яҳудийлар

орасидан ўзларига сафдош ва издошлар топиш умидида эдилар. Бирок, Ясриб яҳудийлари Муҳаммад (сав)нинг пайгамбар эканликларини тан олмадилар ва у зотни ишончсиз ва масхаралаб кутиб олдилар, сўнгра курайшийлар б-н иттифок тузиб, Расулulloҳнинг очикдан-очик душманига айландилар. Натижада, хижратнинг дастлабки йилларида мусулмонлар б-н яҳудийликка эътиқод қилган ясрибликлар ўртасида бир нечта тўқнашувлар содир бўлиб, оқибатда Бану Қайнуқо, Бану Қурайза ва Бану Надир қабилалари аъзолари Мадинадан қувғин қилинганлар, сўнгра яҳудийларнинг марказлари – Хайбар, Фадак ва б.га ҳарбий юришлар қилинган. Арабистондаги яҳудий жамоалари б-н рақобат Қуръонда ҳам акс этган. Узайр (Ездра)ни илоҳийлаштирганлари учун яҳудийлар қораланган (9:30).





ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ

ИДОРАСИ – Ўзбекистон мусулмонларига раҳбарлик қилувчи диний ташкилот. 1943 й. 20 окт.да Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари курултойида таъсис этилган. Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида жойлашган. Бу ташкилот 1992 й.дан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси, 1996 й.дан Ў.м.и. деб аталади. У давлатдан ажралган мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади. Идора ўз ҳудудидаги мусулмонлар ўртасида диний ишларни бошқариб туради, фатволар беради, масжидларга имом-хатиблар тайинлайди, диний ходимлар тайёрлайди. Ў.м.и. моддий жихатдан мусулмонлардан масжидларга тушадиган хайр-эхсонлар, ёрдамчи хўжаликлар ва б. ҳисобига таъминланади. Идора раҳбар органи – Олий Хайъат. Унинг раиси муфтий ҳисобланади. Муфтий ўринбосар (ноиб)лари бор. Ў.м.и.да Масжидлар, Халқаро алоқалар, Хайрия, Фатво, Таълим ва Мухтасиблик бўлимлари бор. Бухородаги Мир Араб мадрасасида (1945) ва Тошкентдаги Бухорий номидаги Ислом ин-тида (1971) ва бир неча диний билим юртларида кадрлар етиштирилади. Идора тасарруфидаги “Мовароуннаҳр” нашриётида “Ислом нури” газетаси, “Хидоят” жур., диний адабиётлар, диний тақвим ва б. нашр этилади. Ў.м.и.


хорижий мамлакатлардаги кўпгина диний ташкилотлар б-н алоқа қилади. Идора ҳар йили 3,5–4 минг кишининг хаж сафарини уюштиришда фаол иштирок этади. Ў.м.и. ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга риоя қилади.

Ў.м.и.га турли йилларда Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли (1943–1957), Зиёвуддинхон Бобохонов (1957–1982), Шамсуддинхон Бобохонов (1982–1989), Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф (1989–1993), Мухторжон Абдуллаев (1993–1997), Абдурашид қори Баҳромов (1997 й.дан) муфтийлик қилган.

ЎН ИККИ ИМОМ – *шайхлик*даги асосий оқим – имомийлар (баъзан “ўн иккичилар” – “исноашария” деб аталади) ўртасида эътиқод қилинадиган имомлар сулоласи. Халифа Али б-н Фотима (Муҳаммад (сав) кизи)дан тарқалган авлодлардан иборат. Улар пайғамбар авлоди деб танилади. Имомийлар уларни исломнинг қонуний раҳнамолари деб таниб, халифалар ҳокимиятини ғайриқонуний деб ҳисоблайди. Булар – Али ибн Абу Толиб, Ҳасан, Ҳусайн, Зайн ал-Обидин Али (вафоти 713 йил), Муҳаммад ал-Боқир (732 й.в.э.), Жаъфар ас-Содиқ (700–765), Мусо ал-Қозим (799 й.в.э.), Али ар-Ризо (818 й.в.э.), Муҳаммад

ат-Тақий (835 й.в.э.), Али ан-Нақий (868 й.в.э.), Хасан ал-Аскарый (846–873), Муҳаммад ал-Маҳдий (ривоятларга кўра, 874–878 й.лар орасида йўқолган). Имомларнинг баъзиларигина ўлдирилган ёки заҳарланган, лекин шунга қарамай, имомийлар уларнинг барчасини халифалар томонидан ўлдирилган деб ҳисоблайди, уларни жабрдийда ва дин йўлида шаҳид бўлганлар деб мотам тутади. 12-имом – Муҳаммад ал-Маҳдийни яширинган деб ҳисоблаб, унинг қайтиб келишини кутиш

асрлар давомида шиалар орасида анъана сифатида сақланган. Суннийлар орасида ҳам “имом Маҳдий”нинг келишига ишониш маълум ўрин эгаллаб, у замона охир бўлганда келади, деб тасаввур қилинган (қ. *Маҳдийлик*). Имомлар ва имомзодалар дафн этилган мақбаралар ҳозир ҳам шиалар учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади, ҳатто улар учун ҳаж ўрнини босади. Бундай “муқаддас жойлар” Нажаф, *Карбало*, Козимайн (Ироқ), Мадина (Саудия, Арабистони), *Машҳад*, *Кум*, Шох Абдул Азим (Эрон) ш.ларида жойлашган.



К

ҚАБАЛА (қўплиги қабалот) – одатда, давлатга нисбатан молиявий мажбурият. 8-а.да Мисрда – айрим шахс томонидан бутун жамоа учун олдиндан давлатга солиқ тўлаб қўйиш мажбурияти (маъзун), шунингдек, бадавийларга белгиланган маълум ерлардан тирикчилик қилиш. Сўнги ўрта асрларда К. – солиқлар тўплаш (одатда шаҳар, савдо) ҳуқуқини давлатдан ижарага олиш. К. сўзи мусулмон халқлари тилига “қарз мажбурияти” маъносида кирган, русча “кабала” сўзи шундан.

ҚАББОНИЙ Муҳаммад Хишом (1945, Ливан) – ислом назариётчиси, нақшбандийлик намояндаларидан бири, шайх. Тиббиёт ва ислом ҳуқуқи фанлари доктори. Қ. Америкадаги “Мусулмонлар ҳамкорлиги” ҳаракати раҳбари, “ас-Сунна” жамғармаси ҳамда “Камилат” номли мусулмон аёллари ташкилотининг раиси, Америка инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг, шунингдек, АҚШ Давлат департаментининг диний эркинлик масалалари бўйича маслаҳатчиси. Қ. “Ислом арконлари ва имон” қомуси, “Нақшбанднинг суфийлик тариқати” каби асарларида ислом динининг бугунги кундаги долзарб масалаларини таҳлил қилади. У ўз асарлари ва чиқишларида диний ниқобдаги террорчилик ва турли бузғунчилик хатти-ҳаракатларини қоралайди. Қ. 2000 й. 15–18

сент.да Тошкентда ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтган “Жаҳон динлари – тинчлик маданияти йўлида” мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этди. Қ. халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, мўътадил, замон талабларига жавоб берадиган исломни тарғиб этиш тарафдори.

ҚАДАРИЙЛАР (араб. – тақдир) – исломдаги илк илоҳиёт оқимларидан бири (қадария) тарафдорлари. Ислом илоҳиётининг шаклланиш даврида бир қанча ақидавий масалалар қатори тақдир ва ирода эркинлиги масаласи ҳам жиддий тортишувларга сабаб бўлган. Дастлабки даврларда исломда тақдирнинг олдиндан илоҳий белгиланганлиги тўғрисидаги тасаввур асосий ўрин эгаллаган эди, чунки, тақдирга ишониш ўша даврдаги жиҳод урушлари учун қўл келар, шунингдек, Муҳаммад (сав)нинг Аллоҳнинг элчиси (расули) эканликларини тан олиш орқали халифалар ҳокимиятининг қонунийлигини асослаш учун хизмат қилар эди. Кейинчалик (7-а. охирида) тақдирга ишонувчилар орасида ички зиддият сезила бошлагач, Қ. пайдо бўлди (улардан фақат Маъбад ва Ато ибн Жассор номларигина маълум). Қ. инсон ирода эркинлигини ёқлаб чикди, тақдири азал тарафдори бўлган *жабарийларга* қарши кураш олиб борди. Улар одиллик худонинг асосий

сифатларидан бири деган фикр асосида гуноҳни худо олдиндан белгилаган бўлиши мумкин эмас, худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти б-н боғлиқ, демак, инсон ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун у гуноҳ қилади, деган хулосага келди. Уларнинг таълимотини 8-а. охирларидан *муътазиллийлар* давом эттирди.

ҚАЗО ВА ҚАДАР – исломда мўмин-мусулмонлар эътиқод қилиши лозим бўлган масалалардан бири. Уламолар “қазо” ва “қадар”ни қуйидагича таърифлайдилар: “Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билишидур”. “Қадар – ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир”. Аҳли сунна вал жамоа мазҳабиغا биноан балоғатга етган мусулмонга Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамма ишини, махлуқотларга боғлиқ нарсаларни аввалдан билишига имон келтириши вожиб бўлади. Қ. ва Қ. Аллоҳга имон келтириш асосидаги ислом ақидаларидан бири ҳисобланади. Ана ўша сифатларнинг бири – Аллоҳ илми, у илмнинг чегарасизлиги, Аллоҳ иродасининг шомиллиги ва қудратининг комиллигидир.

Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билади. Уяси ичида гимирлаётган чумолининг ҳаракатини-ю, ўз фалакида ҳаракат қилаётган сайёраларни ҳам билади. У зотнинг илмидан ҳеч нарса ғойиб бўлмайди. Дунёдаги ҳар бир заррани ҳам ва унинг ҳаракатини ҳам билиб туради. Шунингдек, Аллоҳ таоло қиёматга нима бўлишини билади. Агар уларни билмаса, У зотнинг сифати камолиясига нуқсон етган бўлади. Ана ўша илоҳий илм, “қазо-қадар” деб аталади. Бунда жоҳил кишилар ўйлаганидек, Аллоҳ томонидан бандани мажбур қилиш йўқ, балки, Аллоҳ таоло томонидан банд нима қилишини олдиндан билиш бор. Чунки, Аллоҳнинг илми чегара билмасдир.

Ўтган уламолардан ал-Хаттобий қуйидагиларни айтади: “Қўпчилик одамлар Қ. ва Қ.ни Аллоҳ таоло томонидан Ўзи тақдир қилиб қўйган ишларга бандани қаҳр ила мажбур қилиш, деб ҳисоблайдилар. Қ. ва Қ.нинг маъноси, бандаларнинг келажакда бўладиган ишларини Аллоҳ томонидан муқаддам билиб турилишидир”. Шу ерда “Илмга боғлиқ бўлса – тушунарли, аммо ҳамма нарса Аллоҳнинг иродаси б-н,

Унинг хал қилиши б-н бўлади-ку? У ҳолда бандага нима қолади? – деган савол пайдо бўлади. Бу саволнинг жавоби 2 қисмга бўлинади:

1-қисм – дунёдаги инсоннинг дахли йўқ нарсалар. Дунёда бир хил ишлар борки, улар фақат Аллоҳ таолонинг иродаси ва қудрати б-н бўлади. Бу ишларга инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ. Мисол учун, инсон ақлининг ўткир ёки ўтмас, гавдасининг турлича, мижозининг ҳар хил бўлиши, чиройли ёки хунуқлиги, туғилиш вақти ва жойи, ота-онанинг ким бўлиши, ўзининг эркак ёки аёллиги, наслдан-насла ўтадиган баъзи сифатлари ҳамда шунга ўхшаш бир қанча ишлари борки, уларга инсоннинг ҳеч қандай дахли йўқ.

Инсон бу нарсалардан масъул ҳам эмас. Мисол учун, уни ҳеч ким, нима учун қоматинг узун ёки қисқа бўлиб қолган, деб сўроқ-савол қилмайди. Шунингдек, нима учун фалон куни туғилдинг, фалон куни ўлдинг, ҳам демайди. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳдан. Бу турдаги қадарга имон келтириш ҳар бир мусулмонга вожиб.

2-қисм – инсон томонидан содир этилган иш ва амалларга боғлиқдир. Буларда инсоннинг дахли бор, у бу ишларда ўз майли, ақли, хоҳиши, ихтиёри ва ҳаракати б-н иштирок этади. Масаланинг нозик жойи шу ерда. Худди шу турдаги ишларни қандоқ баҳолаш керак? Қадимдан бу саволга турли жавоблар берилган. Юнон файласуфлари орасида ҳам бу ҳақда кўп ихтилофлар бўлган.

Кейинчалик мусулмонлар ичида ҳам бу ҳақда турли фикрларни айтганлар бўлган. *Муътазиллийлар*, “инсон ўз амалини ўзи хал қилади, бунга Аллоҳ аралашмайди”, деганлар. Бу эса, Аллоҳнинг баркамоллик сифатларига нуқсон бўлиб тушади. Агар муътазиллийлар айтган гап тўғри дейилса, дунёда Аллоҳнинг иродасидан, қудратидан, Унинг холиқлигидан ташқари нарсалар ҳам бор бўлиб қолади. У ҳолда Аллоҳ таолонинг иродаси шомил, қудрати чексиз, холиқлиги ягона бўлмайди. *Жабарийлар* эса аксинча, инсон бу дунёда денгизга ташланган чўпдек гап, дейдилар. Уларнинг фикрича, инсон ҳеч бир нарсани ўз ихтиёри б-н қилмайди, балки, ҳамма нарсани Аллоҳнинг мажбурлаши ила амалга оширади. Агар жабарийлар гаплари тўғри, дейилса, Аллоҳ таолонинг адолат сифатига путур етади.

У зот таоло одил эмас, жабр қилувчи бўлиб қолади. Чунки, бандани Аллоҳнинг Ўзи ҳар нарсага мажбур қилиб, кейин сўроқ-савол қилиб, “нима учун бу ишни қилдинг”, дея жазолаши жабрдир.

Ушбу 2 мазҳаб ҳам бир ёқламаликка ўта берилган, кейин ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Муслмончиликнинг соф ақидаси эса, Аҳли сунна вал жамоа мазҳабида ўз аксини топган. Бу ақидага биноан, инсоннинг ихтиёрий амаллари, Аллоҳ халқ қилган нарсалар жумласидандир. Чунки, дунёда Аллоҳ халқ қилган – яратган нарсадан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Лекин бу инсон ўз ишини мажбур бўлиб қилади дегани эмас. Чунки, инсон бир ишни амалга оширадиган бўлса, ўша иш 2 нарсага боглик бўлади: 1) уни амалга ошириш учун зарур бўлган омиллар; 2) инсоннинг ўша ишни амалга ошириш учун йўналиши. Инсон айни ушбу иккинчи нарса, яъни ишни амалга ошириш учун йўналиши туфайли ирода ва ихтиёр эгаси ҳисобланади ва ана шу иродаси, ихтиёри учунгина жавобгар бўлади. Ташқи омилларни яратиш ва вужудга келтиришда унинг дахли йўқ.

“Қадар” сўзи ўлчов маъносини англатади. Исломи ақидасида эса, Аллоҳ таоло азалда ўз илми ва иродаси ила ҳар бир нарсани ўлчовли қилиб қўйганига эътиқод қилишни билдиради. Аммо, ушбу оддий тушунчанинг бузиб кўрсатилиши оқибатида, Қ. ва Қ. ақидасига турли нотўғри тушунчалар аралашиб кетган. Замон ўтиши б-н, турли омиллар сабабли исломий тушунчаларга ҳар хил бузук фикрлар, бидъат-хурофотлар аралашиб кетган.

Ўша исломий тушунчалар ичида энг кўп бузилгани, ҳатто тесқари маънога айланиб кетай дегани, Қ. ва Қ. тушунчасидир. Аслида эса, бу ақида жуда соф ва осон тушунилади. Ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, илми, қазои қадари ила жорий бўлади. Аллоҳнинг хоҳиши ҳамма хоҳишлардан голиб. Аллоҳнинг иродаси ҳамма иродаларда акс этгандир. Аллоҳнинг қазоси ҳамма ҳийлалардан голиб келгандир. У зот хоҳлаган нарсасини қилади. У зот зинҳор золим эмасдир. Ҳар бир ёмонлик ва зулмдан муқаддасдир. У зот қилган ишидан сўралмас, улар сўралурлар. У зот ҳар бир айбу нуқсондан покдир.

Қазодан мурод шаръий қазоси эмас, борлик қазосидир. Қазо, ирода, амр, изн, китоб, ҳукм,

ҳаром қилиш ва калимотларнинг ҳар бири 2 қисмдан иборатдир:

1) Кавний; 2) Шаръий. Бу 2 қисм ҳам Қуръони қаримда зикр этилгандир.

Аллоҳнинг қазосини ҳеч бир зот рад қила олмас. Аллоҳнинг ҳукмини ҳеч ким ортга сура олмас. Аллоҳнинг амрига ҳеч ким голиб кела олмас. Балки, У зотнинг Ўзи голибдир. У зот якка-ю ягонадир, қаҳҳордир. Хоҳлаганича ҳукм қилади. Ҳамма ўзи халқ қилинган нарсага муяссардир. Амаллар – ниҳоясига қараб эътиборлидир. Бахтиёр – Аллоҳнинг қазоси ила бахтли бўлгандир. Бахтсиз – Аллоҳнинг қазоси ила бахтсиз бўлгандир.

Аллоҳ ҳар бир одамга Ўзи азалдан ўша одам яратилганидан кейин қилишини билган иш ва амалларни осон қилиб қўяди. Амалларнинг эътибори охирига қараб бўлади. Яъни, ҳаётининг охирида аҳли жаннатларнинг амалини қилган бўлса, аҳли жаннатлардан бўлади. Агар аҳли дўзахнинг амалини қилган бўлса, аҳли дўзахдан бўлади. Некбахтлик ҳам, бадбахтлик ҳам Аллоҳнинг инсон бу дунёга келганидан сўнг қиладиган амалларини билиши асосида, “Аллоҳнинг қазоси” б-н бўлади.

Қадар – яхшилик ва ёмонликни, мусибат ва раҳматни, хурсандчилик ва хафаликни, ўлим ва ҳаётни, куфр ва имонни, бойлик ва камбағалликни, ҳидоят ва залолатни ҳамда бошқа ҳамма нарсаларни Аллоҳ томонидан тайин қилишдир. Бу тақдирнинг ҳикматини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Қадарга имон келтириш – инсонга келадиган борликдаги мавжуд ёки охиратда бўладиган ҳар бир нарса Аллоҳнинг тақдири, илми, иродаси ва белгилаши б-н бўлишига имон келтиришдан иборатдир. Аҳли сунна вал жамоанинг ақидаси, ҳар бир нарса Аллоҳнинг Қ. ва Қ.и б-н бўлишидир. Аллоҳ бандалар амалларини халқ қилишидир.

ҚАЗО НАМОЗИ – ўз вақтида ўқий олмай, кейин ўқилган намоз. Қ. н.ни ўқийдиган кимса азон айтмайди, аммо такбир – икомат айтади. Лекин, қазо намозларида фақат фарз ўқилади. Хуфтон намозидаги витр намози ҳам қазо сифатида ўқилади.

1 куннинг 5 вақт намози қазо бўлган бўлса, уларни бомдод намозидан бошлаб хуфтон намозигача ўз тартиби б-н қазоси ўқилади.

ҚАЛАНДАР – тасаввуф йўлига кириб, дарбадарлик ва хайр-эҳсон б-н кун кечирувчи

киши. Қ. истилоҳи суфийларнинг асарларида зикру самоъ орқали Аллоҳга руҳан яқинлашиб, фақру фанога ва ҳақиқатга эришиш мақсадида ўз жисмини ва қалбини поклашга интилган дарвишларга нисбатан қўлланилган. Қ. муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пири)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт ҳисобланган. Ўрта Осиёда Қ.ларнинг фаолияти б-н боғлиқ қалшдархона ва хонақоҳлар мавжуд бўлган.

ҚАЛАНДАРЛИК – суфийлик-зоҳидлик ҳаракати. *Маломатийлар* зоҳидлик мактабининг ғоялари таъсирида юзага келган. Кейинчалик дарбадар-гадо дарвишлар биродарлиги (тариқати) ҳам Қ. деб аталган. Қ. Хуросонда ва Ўрта Осиёда 11-а. бошларида юзага келиб, дастлаб аниқ ташкилий тузилмага эга бўлмай, тарафдорлари кам эди. Кейинчалик оммалашиб, шарқда Фарғонадан тортиб, ғарбда Ироқ ва Шом (Сурия)га қадар кенг тарқалган. *Нақибандийлик, яссавийлик, кубровийлик* Қ.нинг машҳур сулуклари ҳисобланган. Қ. сулукларининг таъсири Покистон, Хиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам сезилади.

ҚАЛБ. ю р а қ. д и л – илоҳиёт ва тасаввуф тушунчаси. Қуръони каримда “Қ.” сўзи 133 марта учрайди. Қ. инсоннинг диний ҳақиқатларни англаб оладиган, имон ва тақводорлик хислатлари жо бўлган аъзоси сифатида тавсифланади. Қуръонга кўра, Аллоҳ гуноҳкор, имонсиз, зolim кимсаларнинг Қ.ини муҳрлаб қўяди (10:74/75; 7:101/, уларни ўз марҳаматидан, ҳақиқатни билишдан маҳрум этиб, дўзах азобига маҳкум қилади. Тустарий. Балхий, Нурий, *Термизий, Ҳазолий* каби ағломалар фикрича, Қ. инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради; Қ. Аллоҳ б-н инсон муомала қилиб турадиган жойдир; Қ. нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади; художўйлар Қ.и биллур сингари тиник, гуноҳкорлар Қ.и эса, аксинча, занг босган (83:14) ва у ҳақиқатдан йирокдир. Қ. инсон хатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амаллар уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради. Суфий ўз Қ.ини “юмшатиб”, илоҳий билимларни ўзлаштириш учун ўзини тайёрлаб бориши, дунёвий истаклардан воз кечиши зарур.

Қ. тушунчаси *зикр* б-н чамбарчас боғлиқдир. Зикрда тил б-н бирга инсоннинг барча аъзолари қатнашади. Қ. эса, улар ичида энг муҳими саналади. Зикр туфайли Аллоҳ суфийнинг Қ.идан жой олиб, бажарадиган барча амалларининг бирдан-бир сабаби ва ҳаракатлантирувчи кучига айлана боради.

ҚАРМАТЛАР – *исмоилийлар*нинг асосий шоҳобчаларидан бири тарафдорлари. Қ. ҳаракати 9-а. охирида Жан. Ироқда вужудга келган, Сурия ва Яманга тарқалган, деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва ҳунармандлардан ташкил топган. Ҳаракат ўз номини унинг раҳбари ва ташкилотчиси Ҳамдон ибн ал-Ашъаснинг лақаби Қармат (ёхуд Қарматуйа, Қирмит)дан олган. Унинг маъноси манбаларда турлича (“қалта оёқ”, “қизил кўз” ва б.) изоҳланган. Бирок, Ҳамдонгача ҳам Қарматийа номи бор эди, бу эса, Ҳамдон ўз лақабини ўша даврда мавжуд бўлган шиаликнинг бирон-бир ташкилоти номидан олган деб ҳисоблашга асос бўлади. Улар аббосийлар халифалигига қарши кўзғолонларга бошчилик қилган. Қ. ерга жамоа эғалигини, умумий (қуллардан ташқари) тенглик ғояларини тарғиб этишган. Улар ислом маросимларини бажармаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжидлар бўлмаган. Қ. мусулмонларнинг зиёратгоҳлари (мас., Каъба ва у ердаги “қора тош” – ҳажар ал-асвад)ни бидъат деб ҳисоблаган. 899 й. Қ. Баҳрайни босиб олиб, ал-Ақсода (Шарқий Арабистон) ўз давлатини тузган, бу давлат 11-а. охиригача мавжуд бўлган. 930 й. ҳаж вақтида Қ. Маккага ҳужум қилиб, уни талон-торож этишган, ҳажга борганларни ўлдиришган, бир қисмини қул қилишган, у ердаги “Қора тош”ни парчалаб, ўлжа қилиб олиб кетишган (20 йилдан сўнг қайтарилган). Бу ҳол кенг халқ оммасини Қ.дан четлаштирган. 11-а. охири – 12-а. бошларида Ироқ ва Эронда уларга қарши шиддатли кураш бошланган ва Қ. ҳаракати бостирилган. Кейинчалик Қ. исмоилийларнинг бошқа оқимларига қўшилиб, йўқолиб кетган. **ҚАСОС** (араб. бировнинг қилган ишига ўхшаш иш қилиш. Биров юриб ўтган йўлдан изма-из юриш) – қасддан одам ўлдирганни ҳам, ўзи қандай қилиб ўлдирган бўлса, шундай қилиб ўлдириш.

Қ. олиш исломдан олдинги жоҳилият даврида ҳам бўлган, аммо, уларда адолатсиз равишда, тарафкашлик руҳида бўлган. Мисол учун,

“Улар биздан 1 кишини ўлдирса, биз улардан 10 тасини ўлдириб К. оламиз, улар бизнинг қулимизни ўлдирибди, биз улардан хур кишини ўлдириб К. оламиз, улар биздан аёл кишини ўлдирибди, биз улардан эркак кишини ўлдириб ўч оламиз”, қабилида эди. Қуръонда Аллоҳ таоло К. олишда адолат бўлишини, ҳаддан ошмасликни уқтириб:

“Эй имон келтирганлар! Сизга ўлдирилганлар учун К. фарз қилинди: хурга-хур, қулга-қул, аёлга-аёл. Кимга ўз биродаридан бир нарса афв қилинса, бас, яхшилик ила сўралсин ва адо этиш ҳам яхшиликча бўлсин. Бу Роббингиздан енгиллик ва раҳматдир. Ундан кейин ким душманлик қилса, унга аламли азоб бор”, деган (2:178).

Яъни, қасддан одам ўлдирганлардан К. олиш фарз қилинди.

Лекин ояти каримага биноан, одам ўлдирган шахсни қасос учун, албатта, ўлдириш шарт эмас, балки ўликнинг эгалари кечиб юборса, ўлдирмай кўйиб юборса, ўрнига хун пули олса ҳам бўлади. Бунда ўлик эгаси ҳаққини яхшилик б-н сўраши лозим, айбдор тараф ҳам уларнинг ҳаққини яхшилик б-н адо этиши зарур.

К. ўрнига хун пули олишни жорий қилиш ҳам Парвардигори Олам томонидан берилган енгиллик ва раҳмлиликдир.

К. олишда кишилар учун ҳаёт бор экан. К. қалбдаги нафратни қондириш эмас, балки олий мақсад – ҳаёт давомийлиги учун. К. олиш йўлга кўйилса, инсон ҳаётини сақлаб қолишда катта иш қилинган бўлади. Чунки, ҳар бир одам бошқа бировни ўлдирса, К.га ўзининг ҳам ўлдирилишини биледи ва ҳеч қачон одам ўлдиришга қўл урмайди. Бир кишининг ҳаётига қасд қилиш, умуман, ҳаётга қасд қилиш б-н баробардир. Жиноятчи бир кишининг ҳаётини қасд қилса, умуман, ҳаётга қасд қилган бўлади. Шунинг учун бунинг жинояти кучли бўлиб, К. олинади. К. олиш ҳақидаги ҳукмининг ўзи жиноятчини ҳушига келтириб қўяди. Оз сонли котиллардан К. олиш, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолади.

ҚАФФОЛ ШОШИЙ (тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафқол аш-Шоший ал-Кабир; 904–976) – шофиъийлик мазҳабининг етакчи олимларидан бири, муҳаддис, фақиҳ, адиб, шоир. Ҳазрати Имом (қисқача – Ҳасгимом) номин б-н машҳур. Манбаларга кўра, у оғирлиги 0,5 г келадиган

ажойиб қулф-қалит ясагани учун “Қафқол” (“Қулфчи”) лақаби берилган. Чуқур билими, улкан ишлари эвазига Имом ал-Кабир (улуг имом) деб таърифланган. Шош (Тошкент)да хунарманд оилада туғилди, болалик ва ёшлик йиллари шу ерда ўтди. Таниқли муҳаддис ва илоҳиётчи Ҳайсам ибн Қулайб қўлида таълим олди. Араб Шарқи мамлакатлари бўйлаб узок сафарда бўлди, анча вақт Бағдодда яшади. Машҳур имом Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн ас-Сурайжий (850–918)нинг шогирди бўлган. Халифаликда турли лавозим, вазифаларни адо этган. К.Ш. Мовароуннаҳрда, хусусан, Шошда шофиъийлик мазҳабини тарғиб этиб, диний билимларнинг тарқалишига, шариат асослари қарор топишига ҳисса қўшди. Унинг қонуншунослик, мантик каби соҳаларга оид “Одоб ал-Баҳс” (“Баҳс одоби”), “Хусни жадаат” (“Диалектика гўзаллиги”) каби асарлари ислом оламида маълум ва машҳур бўлган. К.Ш. шеърлар ҳам ёзган. Улардан айрим иарчалар олим ас-Субкийнинг “Табакот аш-Шофиъия” (“Шофиъийлик мазҳаби даражалари”) китоби орқали сақланиб қолган.

К.Ш. Тошкентда вафот этган. Унинг қабри устига Темурийлар авлодидан Фулом Хусайн макбара қурган (1541–42). Бу макбара ўтган асрда таъмирланди. К.Ш. меъморий ёдгорлиги табаррук қадамжо ҳисобланади.

КАЪДА (араб. – ўтириш) – 1) намознинг бир қисми, ўтирган ҳолда ибодат қилиш ҳолати; 2) ўзбекларда вафот этган яқин кишисини хотирлаш муносабати б-н аёллар томонидан ўтказиладиган одат.

КИБЛА (араб. “қарши томонда турган нарса”) – мусулмонлар намоз вақтида қараб турадиган томон. Дастлаб Муҳаммад(сав) ва унинг тарафдорлари Қуддус (Иерусалим) томонга қараб намоз ўқишган. Хижрий 2-йилли (624) Маккадаги Каъба (Байтуллоҳ) Қуръон ояти ила (2; 144) барча мусулмонлар учун К. қилиб белгиланган. Ислолда К. муқаддас ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон қаерда бўлмасин, албатта, К. томонга қараб намоз ўқийди. Масжидларда меҳроб К. томонга қаратиб ўрнатилади. Ислолдаги кўп маросимлар ҳам, одатда, К.га қараб бажарилади. Марҳум кўмилганда ҳам юзи К.га қаратиб қўйилади. Ислол шариати К. томонни улуғлайди, К. томонга оёқларни узатиб ўтириш ва ётиш одобсизлик ҳисобланади. Бизнинг

Ўзбекистонга нисбатан Қ. жан.-ғарб томонда бўлиб, компас мили Ғарб нуқтасидан 14 градус чап томонга қайтиши керак. Қ. қайси томондалигини билолмаган ва сўрашга одам топа олмаган киши таҳаррий қилади, яъни дили тортган томонни ҳеч иккиланмай Қ. деб жазм қилиб ўқий беради, кейин Қ. аниқланса ҳам қайта ўқимайди.

ҚИЁМАТ (араб. – ўликларнинг тирилиши, тик туриш, ўриндан туриш) – дунёнинг тугаши ҳақидаги диний таълимот. Исломда охират ақидасини ташкил этади. Бу таълимот Қуръон сураларида охират кунининг бошланиши б-н боғлиқ даҳшатли ҳодисалар, барчанинг ҳалок бўлиши, кейин одамларнинг тирилиши, ўриндан туриши, бирма-бир сўроқ қилиниб, савоб ва гуноҳлар ўлчаниши, шунга қараб одамларни жаннатга ёки дўзахга киритилиши, дўзах азоблари ва жаннат роҳатлари ва ш.к.да батафсил баён этилган (яна қ. *Охират*).

ҚИЕС (араб. – таққослаш) – *шариат* манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмоъдан сўнг 4-си). Қ.да дастлабки 2 манба – Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли б-н шарҳ этилган. Мас., арақнинг шайтон иши эканлиги, уруш-жанжал, адоват чиқариши сабабидан, у Қуръони каримда ман этилган. Арақдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор нарса айтилмаган. Лекин мужтаҳид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам арақ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга Қ. қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Қ. фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Шу б-н бирга Қ. ислом динини замон ва тараққиёт ила ёнма-ён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қ.нинг манба сифатида киритилиши шариатнинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва руҳонийлар, фақиҳлар мавжуд муносабатларни ҳимоя қилишдаги мавқеининг ошишидан далолат берар эди. Ислом ҳуқуқшунослигида ҳозирда ҳам Қ.га амал қилинади.

ҚИРОАТ (араб. – ўқиш) – ислом анъанасида Қуръон оятларини тажвид қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос оҳангда ўқиш. Қ.лар ичида ислом оламида энг кўп тарқалиб, сингиб кетгани – Имом Ҳафс (805 й. в.э.) ривояти б-

н нақл қилинган Имом Осим (744 й. в.э.) Қ.идир. Қуръони каримнинг барча мамлакатларда қайта-қайта нашр этилаётган Миср нашри (1919, 1923, 1928) айнан мана шу Қ.га асосланган. Бизнинг диёримиз мусулмонлари ўртасида ҳам қадимдан шу Қ. таълим бериб келинади. Қуръонни тажвид қоидаларига мос ҳолда энг ёқимли оҳангда Қ. қилиш бўйича Миср қорилари дунёда биринчи ўринда. Қ. б-н тиловат ўртасидаги фарқ шуки. Қ. илоҳий оятлар, ваҳийни ўқишга ҳам, инсон томонидан битилган ёзув ва шеърларни ўқишга ҳам қўлланаверади. Тиловат эса, асосан ваҳий этилган оятларни ўқишга ишлатилади.

ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ – Одам (ас)нинг фарзандлари; уларнинг қиссасида кўпгина ибрат ва ҳикматлар бўлганидан, Қуръони каримда зикр қилинган. Қобил қалби хаста, ёмонликка мойил, тамаъ ва гуноҳга интилувчи, ҳақ ҳукмига унамай саркашлик қиладиган инсон эди. Унинг укаси Ҳобил эса, ҳаққа бўйсунувчи, солих, тақволи эди. Қ. ва Ҳ. ўртасида пайдо бўлган ихтилоф яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги кураш бўлиб, Қобил ўз укаси Ҳобилни қатл қилиши б-н тугайди. Улар орасида ихтилоф пайдо бўлишининг сабаби ҳақида 2 хил ривоят келтирилган. 1-ривоятда айтилишича, “Ҳобил кўйчилик б-н Қобил эса, деҳқончилик б-н машғул эди. Улардан ҳар бири ўзидаги бор нарсани Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишга жазм этади. Ҳобил кўйларининг ичидан энг яхшисини қурбонликка таълади. Қобил эса, қурбонлик учун сифати энг паст бўлган буғдойдан ажратади. Иккаласи ҳам Аллоҳ учун атаган қурбонлигини бир жойга кўйдилар. Шунда осмондан ўт тушиб Ҳобилнинг атаган қурбонлигини еди-ю, Қобилнинг қурбонлиги қолди. Қобил укаси Ҳобилнинг қурбонлигини Аллоҳ қабул этиб, ўзининг қурбонлигини қабул этмагани учун унга нисбатан ҳасад қилиб, ўз укасини ўлдиради”.

2-ривоят эса қуйидагича: “Одам (ас) ҳар фарзанд кўрганида 1 ўғил ва 1 қиз туғилар эди. Илгари туғилган ўғил фарзандига 2-вақтда туғилган қизни олиб берар ва шу тарзда инсонлар кўпаяр эди. Худди шундай Қ. ва Ҳ. ҳам 1 қиз б-н эгиз туғилдилар. Қобил б-н туғилган қиз ниҳоятда чиройли эди. Одам (ас) қоидага кўра, бу қизни Ҳобилга бермоқчи бўлди. Лекин Қобил бунга кўнмай: “Бу менинг

синглим, ўзим оламан, Ҳобил ҳам ўз синглисини олсин. Бу ишни сиз ўз фикрингиз б-н қияпсиз, Аллоҳ сизни бунга буюргани йўқ”, деб эътироз билдирди. Шунда Одам (ас) у икковига қарата: “Сиз икковингиз ҳам Аллоҳ йўлида қурбонлик қилинглар, қайси бирингизни қурбонлигингиз қабул бўлса, бу кизни ўшанга берурман”, деди. Аллоҳ осмондан олов туширди. Бу олов Ҳобилнинг қурбонлигини ютгач, акаси Қобил уни ҳасад қилиб ўлдирди”. Бу ҳақда Моида сураси 27–31 оятида баён қилинган.

ҚОДЁНИЙЛИК – қ. *Аҳмадия*.

ҚОДИРИЙЛАР, қ о д и р и я – суфийлик тариқати. 12-ада Ироқда Абдулқодир Гилоний (1077–1166) асос солган. Қ.нинг марказий қароргоҳи Бағдодда. Бу масканга Абдулқодир қабри устига қурилган мадраса, работ ва масжид кириб, Бағдоднинг асосий қадамжоларидан бири ҳисобланади. Қ. қарашлари жиҳатдан суннийлик оқимиға мансуб, улар алоҳида гуруҳлардан ташкил топган. Қ. тасаввурига кўра, тариқат асосчисининг тариқатга аъзолиги давом этаверади, у тариқат тарафдорларини воситачи орқали бошқаради. Қ.нинг бир гуруҳи Абдулқодир Гилонийни илоҳийлаштирган. Қ.да ҳамма аъзолар учун мажбурий бўлган алоҳида тасаввуф йўли йўқ. Ҳоз. вақтда Шарқий ва Шим. Африкада, Судан, Ироқ ва Покистонда Қ.нинг мавқеи кучли (Ироқ ва Покистондаги Қ. гуруҳи Бағдоддаги масканни тариқатнинг маркази деб эътироф этади). Қ.нинг ташкилий асоси мустақил мазгил (хонақоҳ, работ, зовия) ҳисобланади, уни бошқариш анъана бўйича наслдан наслга ўтади. Қ.нинг ижтимоий таркиби ҳар хил бўлган. Улар жамоа бўлиб (само, хадра, лайлиё), овоз чиқармасдан алоҳида (зикри хафий) ҳолда ҳамда баланд овозда (зикри жали) умумий зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошларига кигиз телиакча кийиб юрган. Телпакчада Қ.нинг тимсоли – уч қатор гулбаргли яшил гул бор. Абдулқодир Гилоний шарафига ҳар йили бўладиган тантаналар уларнинг асосий байрамидир.

ҚОДИСИЯ ЖАНГИ – Саъд ибн Абу Ваққос кўмондонлиги остидаги ислом кўшини б-н Хуросон ҳокими Рустам ибн Фаррухзод кўмондонлигидаги сосонийлар кўшини ўртасида Хира яқинидаги Қодисия қишлоғи яқинида содир бўлган жанг (636 й. сентябрь;

бошқа маълумотларга кўра, декабрь ойи ёки май ойининг охири, июннинг боши). Қ.ж. уч кеча кундуз давом этган ва ислом лашқарининг ғалабаси б-н тугаган. Мусулмонлар кўлига Эроннинг давлат байроғи тушган. Бу байроқ қимматбаҳо тошлар б-н безатилган бўлиб, уни 1 млн. олтин дирҳамга баҳолашган. Қ.ж.да 6 минг араб жангчиси ва 10 минг форс аскарлари ҳалок бўлган. Саъд ибн Абу Ваққос жангдан сўнг 2 ой давомида Қодисияда қолиб, *Умар* (ра)дан кейинги ҳаракат режалари ҳақида тегишли фармон кутган.

ҚОЗИ (араб. – тайин қилувчи, ҳукм чиқарувчи) – мусулмонлар амалдор-ҳакамининг умумий қабул қилинган номи, ҳукмдор томонидан тайинлаб, шариат асосида судловни бажаради. Дастлабки Қ.ларни халифа *Умар* ибн Хаттоб Мадина, Басра, Куфада тайинлаган. Шундан сўнг Қ.лар йирик шаҳарлар ва вилоятларда, ҳарбий юришлар вақтида эса, кўшинларда ҳам тайинлана бошлаган. Қ.ни фақат халифа тайинлаши мумкин эди, у олий ҳуқуқий нуфузли одам ҳисобланади. Қ.нинг ҳукми устидан халифага шикоят қилиш мумкин бўлган, бундай шикоят натижасида Қ. ишдан бўшатилиши мумкин эди. 8-а.нинг 2-ярмида олий Қ. – қози ул-қузот лавозими жорий қилинди, унга халифа номидан халифаликдаги барча Қ.ларни тайинлаш ва уларнинг ҳукми юзасидан даъволарни қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Халифаликдан мустақил мусулмон давлатлари пайдо бўлиши б-н бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўзлари Қ. ва қози ул-қузотларни тайинлай бошладилар. Бирок, халқ ва кўп фақиҳлар кўз ўнгида халифанинг тасдиқлашисиз уларнинг тайинланиши ҳақиқий ҳисобланмаган ва бу хилдаги тасдиқлашни талаб этиш тартиби, ҳамма жойда бўлмаса ҳам, 12-а.гача сақланиб қолган. Амалда Қ. лавозимини ўз обрўсига доғ туширмаган, идрокли ва шариатни етарлича биладиган, яққол кўриниб турган жисмоний нуқсонли бўлмаган соғлом ҳар бир мусулмон эгаллаши мумкин бўлган. Қ. давлат ғазнасидан таъминлаб турилган. Ўз шаҳри ёки вилоятидаги барча фуқаролик ва жинсий ишларни олиб бориш, жамоатчилик ахлоқи сақланишини назорат қилиш, зарур бўлган тақдирда одамлар ва мулкка васийликни тайинлаш, вақф мулкларини назорат қилиш, жамоат бинолари

ва иншоотлар, йўллар, кўчалар ва майдонларнинг ҳолатини кузатиб туриш, мерос бўлинишини ва васиятга риоя қилинишини, Қ. ҳукмлари тўғри бажарилиши ва тўғри жазо белгиланишини кузатиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва турма нозирларини назорат қилиш, закот, садақа ва б. жамоат маблағлари тўғри йиғилиши ҳамда тақсимланишини кузатиб бориш каби кўп ишлар Қ.нинг вазифасига киради. Қўшинлар Қ.си булардан ташқари ҳукмдор номидан муқаддас уруш (жиход) эълон қилиши, қўлга киритилган ҳарбий ўлжани баҳолаши ва унинг тўғри тақсимланишини кузатиши керак. Қўшинлар Қ.си ҳарбий ҳуқуқни яхши билиши лозим.

Айрим ҳолларни ҳисобга олмаганда, Қ.лар фақиҳлар орасидан чиққан. Гарчи, Қ.лик наслдан наслга ўтиши мумкин бўлмаса-да, кўпинча бундай лавозимга кўп йиллар давомида бир оила вакиллари тайинланиб келган. 8-адан бошлаб Қ. фақиҳлар ва муфтиларга ўхшаб алоҳида кийим кийган, бу тартиб кўп мамлакатларда ҳозиргача сақланиб келади. Ҳоз. вақтда Қ. шариат судларига раҳбарлик қилади, бу судлар урф-одат, оила, хусусий ва қисман жиноят ҳуқуқига тааллуқли ишларни кўради.

ҚОРА ТОШ (араб. ал-Ҳажар ал-асвад) – мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Қумуш чамбар б-н бирлаштирилган бир неча бўлакдан иборат. У Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Маккага ҳажга борган мусулмонлар Қ.т.ни ўпиб ёки қўл теккизиб зиёрат қилади. Қ.т. исломда мўътабар ҳисобланган нарсалардан бири. Шариатга кўра, умра ёки ҳаж зиёратига борган одам Қ.т.ни ўпиши ёки қўлининг ички тарафи б-н унга ишорат қилиб, сўнг қўлини ўпиши (истилом) суннат амаллардан ҳисобланади.

ҚОРИ (араб. – ўқувчи) – Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат б-н ўқийдиган киши. Қ.ларни тайёрлайдиган мактаблар (қорихоналар) мусулмон мамлакатларда кенг тарқалган.

ҚОРИХОНА – қорилар тайёрланадиган диний ўқув юрти. Дастлаб араб мамлакатларида, кейинчалик Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Қ.лар одатда эски мактаблар қошида ва катта мазорлар ёнида очилган. Қ.га эски мактабни тугатган 10 ёшдан катта ўғил болалар қабул қилинган. Қ.лар хусусий бўлиб, домлалар

даромади болалар ҳисобига бўлган. Қ.да болалар 3–4 йил ўқитилган. Ўқиш жумадан ташқари ҳар куни эрталабдан кечгача давом этган. Диний байрам кунлари машғулотлар тўхтатилган. Қ.да, асосан, Қуръони карим суралари ёдлатилган. Қуръонни ёд олган бола Қ.ни тугатган ҳисобланган. Ўрта Осиёда, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқонда Қ.лар кўп бўлган.

ҚОШОНИЙ (ёки ал-Қоший), Камолиддин Абдураззоқ ибн Аҳмад (? – 1329) – йирик мутасаввиф ва шарҳловчи. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар оз. Қошонда туғилиб ўсган. Нуриддин Абдусамъднинг шогирди, Ибн Арабий ва унинг *вахдати вуҷуд* таълимотининг ашаддий мухлиси бўлган. Мана шу асосда у ваҳдат аш-шуҳуд таълимоти асосчиси ва Ибн Арабийнинг танқидчиси Ало уд-давла Симноний (1336 й. в.э.) б-н ёзма мунозарага киришган ва унда. Жомийнинг сўзларига қараганда, ғолиб чиққан. Ибн Арабий, Ансорий, Ибн ал-Фариднинг тасаввуфга оид асарларига шарҳ ёзган. Қ.нинг мустақил асарлари жумласига Қуръонга ёзилган камида 2 шарҳ, “Латоиф ал аълом”, “Рисола фи-л-қада ва л-қадар”, суфийликка доир терминларнинг машҳур луғати “Истилохот ас-суфийа” ва б.ни киритиш мумкин. Ибн Арабийнинг кўплаб ғоялари Қ.нинг моҳирона шарҳлари туфайли кейинги авлод суфийларига етиб келиб, кенг тарқалган.

ҚОЪИМ – шиалик ақидасига кўра, ғайриқонуний ҳокимиятга қарши кўтарилиб (қоъим) ер юзида адолат ўрнатиш учун келиши кутилаётган “Пайғамбар оиласи” аъзоси (Оли Муҳаммад)ни англаувчи агама. Маҳдийлик ғоялари шиалик муҳитида исломнинг бутун тарихи мобайнида ривожланиб ва сингдириб келинди. Қ. ҳақидаги тасаввур 8-а. бошида Муҳаммад ибн ал-Ҳанафия (тахм. 700 й. в.э.)нинг “қайтишини” кутган қайсонийлар муҳитида пайдо бўлган. 8-а.нинг тахм. 70-й.ларидан Али(қв) хонадонидан бўлган Қ.нинг қайтиши ғоясини илк исмоилийлар, хусусан, муборакийлар – Муҳаммад ибн Исмоил ибн Жаъфар имомлиги тарафдорлари тарғиб қила бошладилар. Қарматлар уларнинг ғоявий издошлари эди.

Имомийлар ва исмоилийлар муҳитида Қ. кўпинча маҳдий (“тўғри йўлдан бошловчи”) б-н айнан бир деб ҳисобланади. Бу – Али

хонадонига мансуб “яширин” имом Қиёматга яқин пайдо бўлиши лозим. Келиши кутилаётган Маҳдийга ишониш шиаликдаги асосий ақидалардан бири. Агарда суннийлар учун кутилаётган Маҳдий – “Пайғамбар (ас)нинг сўнгги ўринбосари (халифаси) бўлса, шиалар учун К. Маҳдий – “илохий кўрсатма”га кўра, тўла ҳокимиятга эга бўлган ва мутлақ бегуноҳ ҳукмдор. Бу – “мавжудлик қутби” (қутб ал-вужуд), у туфайли ерда ҳаёт мавжуд.

ҚУББАТ ас-САХРА (“Қоя гумбази”) – Қуддусдаги ал-Ҳаром аш-Шариф марказидаги, қадимдан эъзоланиб келинган қоя устидаги гумбазли масжид, Иброҳим (ас) Исмоил (ас)ни шу қоя устида қурбонликка келтиришга жазм этган. Мусулмон анъанаси уни *исроъ ва меърож* воқеаси б-н боғлайди. К. ас-С. исломнинг энг муқаддас зиёратгоҳларидан, ўрта асрларда муқаддаслиги бўйича 3- (Макка ва Мадинадаги масжидлардан кейин) бўлган. Абдулмалик даврида қурилган (686–691). Мусулмон диний меъморлигининг энг ноёб ёдгорликларидан бири. Қоя узра диаметри 20,5 м ва бал. 30 м бўлган гумбаз қад кўтарган. Бу ерда Муҳаммад (сав)нинг мўйи мубораклари сақланади.

Салиб юришлари даврида К. ас-С. черковга айлантирилган, бу даврдан хотира сифатида ёғоч айвон (минбар) сақланиб қолган бўлиб, у Қуръон кўйиладиган тагликка айлантирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, К. ас-С. ўзининг улуғворлиги б-н Қуддусдаги христиан черковларини ўз соясида қолдириб кетиш мақсадида қурилган.

ҚУДДУС, Байт ул-Муқаддас, Байт ул-Макдис, *И е р у с а л и м* (араб. – ал-Қудс) – христианлар, яҳудийлар ва мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. Қ.да араб маданиятига оид ёдгорликлар: Қуббат ас-Сахра (7-а.), ал-Ақсо масжиди (8-а.) ва б. бор.

ҚУРАЙШ – Маккада яшаган араб қабиласи. Шу қабиланинг хошимийлар хонадонига *Муҳаммад*(сав) туғилганлар. Қ.диний ёзувлар, дунёвий адабиётлар ва оғзаки ривоятларда кўпроқ тилга олинади. Қуръоннинг 106-сураси К. номи б-н аталади. Исломнинг пайдо бўлиши арафасида К. зодагонлари савдо-сотик туфайли анча бойиган, Маккада пул муомаласи, судхўрлик, қул савдоси кучайган. Ислом пайдо бўлиб, марказлашган давлат вужудга келиши б-н Қ.лар қатта сиёсий мавқега эга бўлган.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ – қ. *Ҳайит*

ҚУРБОНЛИК (араб. маносик – яқинлик, худога яқинлашув) – худога яқинлашиш ва унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлик сўйиш. Дастлабки даврларда кўп халқларда, жумладан, исломдан илгариги арабларда қулларни, ўз фарзандларини қурбон қилиш одати бўлган. Қуръоннинг 108-Кавсар сурасида худо жаннатдаги кавсар ховузини ато этгани учун жонлик сўйиб К. қилиш ҳақида сўз боради. Муҳаммад (сав)нинг таржимаи ҳоллари ҳисобланган Сийрада Замзам булоғи суви камайиб турганда Муҳаммад (сав)нинг боболари Абдулмутталиб сувни кўпайтиришни худодан талаб ўз ўғилларидан бирини К.ка атагани ҳақида ривоят сақланиб қолган. Даврлар ўтиши б-н инсонни қурбон қилиш одатини ҳайвонни қурбон қилиш одати эгаллаган. Қуръон бўйича Иброҳим (ас) Аллоҳнинг буйруғига кўра, ўз ўғли Исмоил (ас)ни қурбон қилишга қарор қилганда, Аллоҳ уни тўхтатиб, боланинг ўрнига кўчқор сўйишни буюрган (37:99–107). Исломда К. ҳаж маросимининг қатъий ва мажбурий қисмларидан бирига айланган: ҳажда иштирок этганларнинг ҳар бири биттадан жонликни К. қилиши шарт. Бу талаб исломда фарз деб белгиланган. Ҳажда иштирок этмаган мусулмонлар эса, ҳаж кунлари қурбон ҳайитини байрам қилади. Ўша кун ҳар бир ўзига тўққани мусулмон К. қилиши лозим ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, К. қилиши вожиб бўлган мусулмон нисобга (закот беришга) қодир бўлиши лозим. Аммо, нисобга эга бўлмаган киши К. қилса савоб олиб, қилмаса гуноҳкор бўлмайди.

К. учун сўйиладиган ҳайвон – қўй, мол, туя. Бир қўйни бир киши К. қилиши мумкин. Мол, туяни эса, бир кишидан то етти кишигача бир бўлиб К. қилишлари мумкин.

ҚУРЪОН (араб. – ўқимок, кироат қилмоқ; жамлаш) – мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. К. ўздан олдин нозил бўлган барча илохий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир. “Улумул Қуръон” илми уламолари К.ни куйидагича таърифлайдилар:

“К. – Аллоҳ таолонинг Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи қаломидир”.

Тавотур ила накл қилинган, дегани эса, каломни ёлгонга чиқариб бўлмайдиган даражада кўп сондаги кишилар томонидан накл қилинишига айтилади. Уларнинг ҳаммалари ишончли одамлар бўлиб, бирор оғиз ёлгонга яқинлашмаган, кўпликлари жиҳатидан ёлгонга келишиб олиш имконлари ҳам йўқ бўлади.

Қ.нинг биринчи калимасидан охириги калимасигача, айнан худди шу тариқада накл қилинган.

Қ.ни Аллоҳдан ваҳийнинг амийни – ишончли сохиби бўлмиш, Жаброил (ас) Муҳаммад (сав)га накл қилган. Муҳаммад (сав)га Қ. оятлари Жаброил (ас) томонидан қандок етказилишини кўпчилик саҳобалар ўз кўзлари ила кўриб, қулоқлари ила эшитиб турганлар. Бунинг устига ҳар сафар ваҳий нозил бўлгандан сўнг, Муҳаммад (сав), менга мирзаларни чақиринглар, деганлар ва ваҳийни ёзувчи саҳобалар келганларидан сўнг, Жаброил (ас)дан ояти карималарни қандок қабул қилиб олган бўлсалар, шундок қилиб ўқиб берганлар. Мирзалик қилувчи саҳобалар оятларнинг ҳар бир ҳарфини улкан эҳтимом ила ёзганлар, бошқа саҳобалар эса, ана шундок эҳтимом ила ёд олганлар.

Муҳаммад (сав) 40 ёшга етганларида Макка атрофидаги тоғлардан биридаги Хиро номли горда Қ.нинг биринчи оятлари нозил бўла бошлаган. Бу жараён Маккада ўн уч йил, Мадинада ўн йил, ҳаммаси бўлиб йигирма уч йил давом этган.

Қ. суралардан иборат. сура Қ.нинг бир бўлаги бўлиб, уч ёки ундан кўп оятни ўз ичига олади. Қ.да 114 та сура бўлиб, ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг исми суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган.

“Сура” сўзи луғатда, кўрғон, манзил ва шараф маъноларини англатади. Уламолар истилоҳида эса, сура – Куръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтганда, Қ. оятларининг кўрғон ила ўралгандек, бир тоифасига сура, дейилади. Қ. каримдаги энг қисқа сура Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир. Қ. суралари икки қисмга бўлинади: 1. Хижратдан аввал тушган суралар – “Макка суралари” (Маккада тушган) дейилади. 2. Хижратдан

кейин тушган суралар – “Мадина суралари” (Мадинада тушган) дейилади.

Муҳаммад (сав) Қ. оятларини фариштадан эшитиб, ёдлаб олар эдилар. Кейин бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олишарди. Шу б-н бирга, ёзишни биладиган одамлар, шу жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб каби кишилар ўзларига муяссар бўлган хурмонинг пўстлоғига, япалоқ тошларга, катта суякларга, терига, қоғозга ва шунга ўхшаш нарсаларга Қ.ни ёзиб борганлар.

Пайғамбар (сав) уларга янги тушган оят қайси сурадан эканини ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар. Шундай қилиб, йигирма уч йил давомида Қ. фаришта орқали тушиб ҳам бўлган. Пайғамбар (ас) ва саҳобалар ёдлаб ҳам бўлишган ҳамда ёзишни биладиганлар ёзиб ҳам бўлишган.

Муҳаммад (сав) ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қ. жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. У кишининг вафотларидан кейин Қ. кишиларнинг қалбида ва ёзган нарсаларида қолди. Муҳаммад (сав)дан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (ра) бошлик этиб сайланди. Унинг даврида диндан қайтганлар б-н мусулмонлар орасида қаттиқ жанглар бўлди. Ўша жангларда Қ.ни тўлик ёд олган кўплаб қорилар шахид бўлдилар.

Шунда Умар Абу Бакрга, қорилар ўлиб кетаверса, Қ.га зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак, деган маслаҳатни берди.

Абу Бакр Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб, бу ишни амалга оширишни унга топширди. Чунки, Зайд ибн Собит Пайғамбар (сав) б-н жуда кўп бирга бўлган, Қ.ни энг яхши ёд олган ва уни пайғамбар ҳузуринда ёзган, Пайғамбар вафот этадиган йиллари Жаброил фариштага Қ.ни аввалидан охиригача ўқиб ўтказганида бирга бўлган эди.

Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб (ра) ва б. Қ. каримни пухта ёд билишларига қарамай, бу ишнинг мустаҳкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда:

“Кимнинг кўлида ёзилган Қ. бўлса ва уни Пайғамбар ҳузурларида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қ.ни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди”, деб эълон қилдилар.

Улар масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб,

ниҳоятда аниқлик б-н бир йилдан ортиқ вақтда Қ.ни жамладилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қ.ни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб бўлдилар ва уни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. У киши оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умарнинг уйларида, у кишидан сўнг эса, қизлари ва пайғамбарнинг хотинлари Ҳафса бинти Умар хузурда қолди.

Вақт ўтиши б-н Ислом давлатининг чегараси кенгайиб, қўшлаб халқлар ҳам мусулмонликни қабул қилиб, мусулмонларнинг сони кўпайгандан сўнг Қ.ни ўқишда турлича келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтдаги халифа Усмон ибн Аффон Ҳафсадан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан олти нусха кўчиришга буйруқ берди.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага биттадан қори кўшиб жўнатди ва ҳаммага фақат шу нусхадан Қ.ни кўчириш ва шу қоридан кироат ўрганишга буйруқ берди.

Усмон (ра) Маккага бир дона мусхаф б-н бирга Абдуллоҳ ибн Соибни юборди.

Шомга бир дона мусхаф б-н бирга Муғйра ибн Шихобни юборди.

Куфага бир дона мусхаф б-н бирга Абу Абдурраҳмон Силмийни юборди.

Басрага бир дона мусхаф б-н бирга Омир ибн Абдул Қайсни юборди.

Мадинада қолган мусхафдан одамларга кироат таълими беришни Зайд ибн Собитга топширди.

Усмон (ра) ўзларига бир дона мусхаф олдилар. Бу мусхаф Имом мусхаф деб номланган.

Кейинчалик, нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Охири келиб, ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бу нусха Мусхафи Усмонга мувофикдир, деб ёзиб қўйиладиган бўлди.

Шундоқ қилиб, Қ.нинг ҳарфларини ёзиб услуби бир хиллиги ҳам сақлаб қолинди. Бу маънодаги эҳтиёткорлик шу даражага етдики, Қ.нинг ҳарфларига бирор нуктачалик ҳам ўзгариш кирмасин, деган қасд ила уламолар, мусхаф ичига гул, дарахт барги ва шунга ўхшаш

бошқа нарсаларни мутлақо қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, ўша нарсалар саҳифага ёпишиб қолса, шубҳа пайдо бўлиши мумкин, деб фатво чиқардилар.

Замон ўтиши б-н олиб борилган маслаҳатлардан сўнг, кишилар Қ.ни хато ўқимасликлари ва Қ. кироати ҳақида турли ихтилофларга тушмасликлари учун, мусхафларга фатҳа, касра, замма аломатлари қўйиш керак, деган фикрга тўхтади.

Бунда ҳам асл ҳарфларга зарра ўзгариш аломати кирмаслик шартлари ишлаб чиқилди. Тарихда бу иш Қ.ни нуқталаш, номи ила собит бўлди. Чунки, мазкур ўта аҳамиятли ишни ҳазрати Алининг амрларига биноан амалга оширган олим Абул-Асвад ад-Дуалий юқорида зикр қилинган аломатларни ҳарфларнинг усти, ости ва ўртасига қўйилган нуқталар ила ифодалаган эди.

Кейинчалик, замон ўтиши б-н, вазият тақозо қилганда, бошқа аломатлар ҳам худди шундай эҳтиётлик ва аниқлик б-н қўйиб чиқилди. Замон ўзгариб, техник тараққиёт даври келганда, Қ.ни техник жиҳозлар воситасида чоп этиш масаласи кўндаланг бўлди.

Уламолар дастлаб, бу ишга рухсат бермадилар. Улар мазкур услуб ила чоп этиш Қ.нинг обрўсига тўғри келмайди, деган тушунчага борган эдилар. Вақт ўтиши б-н мусулмонлар ҳам чопхона ишларини ўзлаштирдилар, Қ. каримни кўйлаб чоп этишга эҳтиёж ортиб борди ва уламолар керакли шартларни қўйиб, Қ.ни чоп этишга изн бердилар.

Қ. ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва 1-манбаидир. Мусулмон фақиҳлар бирор нарсанинг шариатдаги ҳукмини билмоқчи бўлсалар, албатта, олдин Қ.га мурожаат қиладилар. Ўша ўзлари излаётган ҳукм ҳақида Қ.да бирор ҳукм бўлса, уни дарҳол қабул қиладилар. Ўша нарса Қ.да бўлмаган тақдирдагина суннат, ижмоъ, киёсга мурожаат қилишга ўтадилар. Бошқа соҳаларда ҳам худди шундоқ. Ҳатто араб тили қоидалари ҳам Қ.даги сўзлар ва оятлардан олингандир.

Қ. ўзига эътиқод қилувчи халқлар ҳаётида ва тарихида асосий ўрин тутган китобдир. Бу китоб мазкур халқларнинг илм-маърифат, адабиёт, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатлари ва дунёқарашлари ва б. нарсаларда ўзининг салмоқли изини қолдирган.

Ҳозиргача Қ. сон-саноксиз одамлар томонидан

ишончли тарикада накл қилиниб келинмоқда. Бу наклда асосий эътимок ёд олишгадир. Хар бир кори ўз шогирдига хар бир харф, хар бир калима, хар бир оят ва хар бир сурани ўз устозидан қандоқ қабул қилиб олган бўлса, худди ана шундай қилиб етказиши шарт. Шунинг учун ҳам хар бир К. ўқувчи мусулмоннинг қироат бўйича силсиласи Пайғамбар (сав) етиб боради. Ана шу силсилага суянилмаса, яъни авлоддан авлодга ўтиб келган расмий қироат изни бўлмаса, К. ўқувчи кори ҳисобланмайди. К. қироати тўғри бўлиши учун устоздан тажвид илмини ўрганиш керак. Шогирд ўз устозидан хар бир сўз талаффузини ва б. керакли нарсаларни эшитати ва ўзи тайёрланиб қайта ўқиб беради. Устози оят ёки сурани тўғри қироат қилинганига рози бўлганидан кейингина бошқа оят ва сураларни ўрганишга ўтилади.

Хар бир мусулмон учун ўзига керакли микдорда Қ.дан ёд олиш фарз аиндир. Хар бир мусулмон жамиятда ўзларига керакли микдорда Қ.ни тўлиқ ёд олган корилар бўлиши фарзи кифоядир.

ҚУСАМ ибн АББОС. ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ал-Курайший (тахм. 624–677) – саҳобалардан. Муҳаммад (сав)нинг амакиваччалари. Отаси – Аббос ибн Абдулмутталиб – Расулulloҳ (ас)нинг амакилари. Онаси – Расулulloҳ (ас)нинг завжаларидан бўлган Маймунанинг синглизидир. Фиёсиддин Жавҳарийнинг ёзишича, ҳазрат Қусам пайғамбар (ас) вафот этганларидан сўнг ул зотни ювганлардан биридир. Ривоятга кўра, К. ибн А. бу пайтда 8 ёшда бўлган, унинг афту башараси ва қилнқлари буткул пайғамбар (ас)га ўхшаш эди. Халифа Али ибн Абутолиб (қв) даври (655–661)да Макка волийси бўлган. *Муовия* даври (661–680)да Хуросон волийси Саид ибн Усмон б-н бирга Ўрта Осиёни фатҳ этишда қатнашган. “Самария”да ёзилишича, Саид динни кучайтирмоқ ва шарият ҳукмларини юргизмоқ тилагида К. ибн А.ни бир неча ислом кўшини б-н бирга Самарқандда қолдирган. 677 й. суғдийлар шаҳарга ҳужум қилган. Самарқанд ш.нинг Намозгоҳида Қусам шаҳид бўлган. Уни Бану ножия қабристонига ғор ёнида (бошқа манбаларда – Ғозийлар ёнида) дафн этганлар. Султон Санжар Мозий замонасида (1118 – 1157) ўша қабристонда “Қусамия” мадрасаси

солинган. У Оби машҳад ариғи яқинида бўлган. Амир Темур даврида ушбу мазор иморат қилиниб, турли безаклар б-н безатилган. Халқ орасида Шоҳи Зинда (“Тирик шоҳ”) номи б-н машҳур бўлган бу ёдгорлик ўрта аср меъморчилигининг энг ноёб обидаларидан саналади.

ҚУТАЙБА ибн МУСЛИМ, ал-Боҳилий, Абу Хафс (тахм. 660 – 715) – *умавийлар*нинг Хуросон ва Сейистондаги ноиби (705–715), саркарда. У 705–715 й.лар орасида Мовароуннаҳрнинг катта қисмини (Ромитон, 707; Варахша, Пойкенд ва Бухорони, 709; Шуман, Кеш ва Насаф, 710; Кошғар, 713–715) Араб халифалигига тобе эттирган. 715 й. Қиличмозор деган жойда (ҳоз. Андижон вилояти, Жалолқудук туманида, Андижондан 20–22 км шарқи-жан. тарафда) исён кўтарган араб аскарлари томонидан ўлдирилган. Наршахийнинг ёзишича. “Қутайбани қабри Фарғонада машҳур бўлиб у “Работи Сарханг” деган жойда, “Қоҳ” деб аталадиган бир кишлюкда жойлашган.


ҚУТБ – тасаввуфдаги энг юқори даража. Тасаввуф фалсафасига биноан, К. комил инсон, Аллохнинг ер юзидаги “халифаси”, унинг инсоният б-н алоқасида воситачи. Суфийликда К. ва б. юқори мартабаларга эришган шу каби зотлар ҳақидаги қайдлар Тустарий ва Ҳаким Термизий (9-а.) асарларида учрайди. 10–11-а.ларга келиб, барча суфийлар К.ни тан олишган, дейиш мумкин. Улар дунёда бир вақтнинг ўзида фақат бир К. яшаши мумкин, деб ҳисоблашган. Шу боис К.ни “замон қутби”, “замон соҳиби” ва “замон марди” деб тавсифлашган. Суфийлар фикрича, К. дунёда Аллохга маъқул келадиган тартиботни сақлаб туришга даъват этилган. К. оддий инсонлар каби оила қуради, молу дунё тўплайди, пайғамбарларнинг халифалари сифатида халқни тўғри йўлга йўллаб туради. Лекин одамлар уларнинг К. эканлигини сезмайди. К. ҳақидаги таълимот Ибн Арабий ва унинг издошлари томонидан баён қилинган.

ҚУШАЙРИЙ, Абулқосим Абдулкарим ибн Ҳавозин (986–1072) – хуросонлик илоҳиётчи ва суфий, тасаввуфдаги мумтоз рисола “ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф” (“Тасаввуф илми ҳақида рисола”) муаллифи. Нишопур атрофидаги Устуво мавзесида дехқон-араб оиласида тугилган. Болалиқдан харбий

санъатдан (фурусийа, истиъмол ас-силох), араб тили, адабдан таълим олган. Ўсмирлик чоғида Нишопурга бориб машхур суфий-ашъарий Абу Али ад-Даққок б-н учрашган ва тез орада унинг сеvimли шогирдига, сўнгра эса, куёвига айланган. Устозининг маслаҳатига кўра, К. Абу Бакр ат-Тусийдан шофиъия фикҳини, сўнгра ашъария каломини ўша даврнинг йирик алломалари Ибн Фуруқа ва Абу Исҳоқ ал-Исфароинийлардан ўрганган. Ад-Даққок вафотидан сўнг К. унинг мадрасасида суфийлар мажлисига (мажлис ат-тазкир) раҳбарлик қилган. 1046 й. хаждан қайтгач, К. мадрасада ҳадисдан сабоқ бера бошлаган (мажлис ал-имло) ва тез орада Нишопурнинг энг кўзга кўринган диний арбобига айланган. Тахм. 1048

й.дан эътиборан раҳбарларидан бири К. бўлган ашъарий-шофиъий гуруҳи нишониурлик ханафийлар томонидан қаттиқ қувғин остига олинган. Ханафийларни салжукийлар вазири ал-Қундурий қўллаб-қувватлаган. К. қамокқа олинган, сўнгра тарафдорлари томонидан озод қилиниб, Бағдодга кетган, у ерда халифа ал-Қоим саройида ҳадис илмидан дарс берган. 1063 й. вазир халифа ғзабига учраб, сўнгра қатл этилган (1064). К. Нишопурга қайтган. К. исломий илмга доир 20 дан 30 тагача, жумладан 2 та тафсир, ҳадислар, суфийлик назарияси ва амалиётига доир асарлар ёзган. Унинг “ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф” асари суфийлар учун қўлланма бўлган ва шундай бўлиб келмокда.





ҒАЗАВОТ – к. *Жиход*.

ҒАЗОЛИЙ, Абу Хомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғазолий (1058–1111) – йирик илоҳиётчи олим, файласуф. Тус ш. (Хуросон)да туғилган. Нишопур ш.да ашъарий уламо Жувайний қўлида таҳеил кўрди. Салжукийлар вазири Низомулмулк хузурида Бағдодда хизмат қилди. Низомия мадрасасида фақиҳ-мударрис сифатида фаолият кўрсатди. *Исмоилийлар* Низомулмулкни ўлдирганидан сўнг Ғ. ҳаж баҳонасида Бағдодни тарк этиб, Дамашқда 11 йил яшади. Кейинчалик Низомулмулк ўғли Фахрулмулк таклифи б-н яна Низомия мадрасасида мударрислик қилди.

Асосий асарлари “Таҳофут ул-фалосифа” (“Файласуфларни рад этиш”), “Кимёи саодат” (“Саодат кимёси”), “Ихйо улум ад-дин” (“Диний илмларни тирилтириш”) ва б.да Ғ. ислом илоҳиёти тизимини ишлаб чиққан, уни фалсафий жиҳатдан асослашга уринган. Анъанавий суннийлик ақидаларини суфийлик идеаллари б-н бирга қўшиб талқин этган. Инсон ирода эркинлиги ва илоҳий тақдир масалаларини кўриб чиқиб, “касб” (“ўзлаштириш”) ғоясини олдинга сурган. Ғ.га кўра, инсон Аллоҳ буюрган яхши ёки ёмон амаллар орасидан ўзига мақбулини танлаб олишда ихтиёрийдир ва шу боис, мазкур хатти-харакатлари олдиндан белгилаб қўйилиши

(тақдир)га қарамай, улар учун айнан инсоннинг ўзи масъулдир. Бир неча асарларида Ғ. мусулмон файласуфлари, Аристотелнинг Шарқдаги издошлари (Форобий, Ибн Сино ва б.) б-н оламнинг яратилганлиги, Коинот абадийлиги, руҳнинг ўлмаслиги муаммолари, сабабият назарияси ва ҳ.к. бўйича баҳс юритган. Ислом тафаккури ва ўрта аср Европа фалсафасига баракали таъсир кўрсатган. Замондошлари томонидан “Хужжат ул-ислом” (“Ислом далили”) деб улуғланган.

ҒАЙБ (араб. – инсондан ғойиб ҳодисалар) – инсон сезги аъзолари б-н ҳис эта олмайдиган, билиш имконлари б-н идрок эта олмайдиган ҳодисалар. Инсон ўзининг нечоғли билимдонлиги б-н ғурурланмасин, унинг билганидан билмагани кўп бўлиб қолаверади. Ўша Ғ. нарсаларни билишда инсоннинг бирдан-бир воситаси бор, у ҳам бўлса, илоҳий ваҳийдир. Қолган барчаси тахмин ва гумонлардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Мўмин-мусулмонлар Ғ.га иймон келтириш б-н бошқалардан ажралиб турадилар. Чунки, ақида боби, асосан, Ғ.га, яъни, кўзи б-н кўриб, қўли б-н ушламаган нарсаларга ишонишдан иборатдир. Аллоҳга имон келтириш ҳам Ғ.га имондир. Шунингдек, фаришталарга, илоҳий китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат кунига, жаннатга, дўзахга, яхши-ю ёмон қадарнинг

Аллоҳдан бўлишига имон келтириш ҳам Ғ.га ишонишдир.

Ушбулар ва бундан ташқари инсонни ҳар тарафдан ўраб турган, ўтмишни, ҳозирни ва келажакни илоҳий парда ортида тутиб турган сон-саноксиз нарсалар ғайбиётдир.

Инсон Ғ.ни билиш борасида ғоят ожиздир. У биринчи инсон – Одаматонинг қаерда ва қачон пайдо бўлганини билмайди. Билиши мумкин бўлган нарса – Қуръони каримдаги маълумотлар. Бошқа ҳаммаси тахмин, гумон, фараз ва ҳ.к. Инсон ҳатто ўз бошига келажакда қандай ҳодисалар келишини билмайди. Ўзига тегишли нарсаларни билмаганидан кейин, оламдаги бошқаларга алоқадор нарсаларни умуман билмайди. Аллоҳ таоло эса, уларнинг ҳаммасини билгувчидир. Ғ.нинг калитлари Аллоҳ таолонинг Ўзидалиги шундадир. Бу калитни ҳатто Пайғамбарлар ҳам билмайдилар. Кимки, Ғ. илмини даъво қилса, кофирлардан бўлади.

Ақоид илмида “ғайбиёт” деб номланган, имон келтириш лозим бўлган нарсалардан, Аршни, Китобни ва б.ни айтиш мумкин.

ҒАНИМАТ (араб. ғанима – ўлжа) – ҳарбий ўлжа; ислом анъанасида мусулмон кўшинлари ёв б-н жанг қилганда қўлга киритилган барча бойликлар ва асирлар. Ғазавот ва жиҳод урушларда Ғ. олиш шариатда қонуний деб белгиланган, Ғ.нинг бешдан бир қисми давлат хазинасига (қ. *Хумс*) топширилган, қолгани лашкарбошилар ва лашкарлар орасида тақсимланган.

ҒИЖДУВОНИЙ Абдулҳолиқ, Ҳожа Абдулҳолиқ ибн Абдулжамил Ғиждувоний (1103 – 1179) – хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси; бухоролик 7 пирнинг биринчиси. Ҳожаи Жаҳон номи б-н ҳам машҳур. Ғиждувон (Бухоро яқини)да имом оиласида туғилиб, исломий тасаввур ва урф-одатлар муҳитида тарбия топди. 22 ёшида Бухорога келди ва Юсуф Ҳамадонийнинг муриди бўлди. Ғ. дунёқарашининг шаклланишида *маломатийлар* таълимоти ва *қаландарлик* ҳаракати таъсир кўрсатди. У зоҳидликда яшашни, шариат кўрсатмалари, Пайғамбар суннатларига қатъий амал қилишни тарғиб этди.


У бутун ҳаётини Аллоҳ йўлига бағишлаб, фарз ва суннат амалларини бажариб, ибодату риёзат б-н машғул бўлди. Юсуф Ҳамадонийнинг

суфийлик таълимотини зикри хуфия (сўзсиз, фикрий зикр тушиш) б-н бойитди ҳамда хожагонлик тариқатининг 8 та рашҳа (қонун-қоида)сини шакллантириб берди. Бу рашҳалар ҳар нафасни зое кетказмаслик, ҳар қадамни тўғри босиш, азизларнинг хизматида бўлиш, ҳар бир ишда Ҳақ таолони ёддан чиқармаслик, тилдан қўймаслик, ниятда мустаҳкам бўлиш кабилардир. Ғ. таълимоти *нақшбандийлик* тариқатига асос бўлган. *Баҳоуддин Нақшбанд* Ғ.нинг ахлоқий талабларига яна 3 талаб қўшган. Ғ.нинг “Васиятнома” рисоласи Тошкентда 1993 й. чоп этилди. Унинг Ғиждувон ш.даги қабри табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Бизгача “Рисолайи одоби тариқат”, “Рисолайи соҳибия”, “Васиятнома” ва б. асарлари етиб келган. 2003 й.да Ғ.нинг 900 йиллик юбилеи нишонланди. Ғ. ёдгорлик мажмуи қайта таъмирланди.

ҒОЗИЙ (араб. – жангчи, ҳарбий юриш иштирокчиси) – ислом дини учун “мукаддас уруш” (ғазавот) иштирокчиси. Ислом анъанасида Ғ. Аллоҳ йўлида жанг қилувчи, бундай жангда ўлган шаҳид, ўлдирган Ғ., яъни бегуноҳ, ғолиб деб таърифланган.

ҒУЛОТ (араб. ғолий – чегарадан чиққан) – ислом дини таълимотида жуда чуқур кетган фирқаларнинг умумий номи. Айрим ислом илоҳиётчилари шиаликдан ажралиб чиққан, лекин ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдиган фирқаларнинг кўплари (исмоилийлар, нусайрийлар ва б.)ни ҳам Ғ. фирқалар деб таърифлайди ва уларни мусулмон ҳисобламайди. Ҳозирда экстремистик ҳаракатдаги тоифа оқимлар ҳам Ғ. ҳисобланади.

ҒУСЛ (араб. – чўмилиш) – пок бўлиш учун махсус тартибда обдон ювиниш. Ғ. жимо (жинсий алоқа), бирор сабаб б-н маний (шаҳват)нинг чиқиши, эҳтилом (уйқуда манийнинг чиқиши) кабилар натижасида фарз бўлади. Ҳанафийлик мазҳабида Ғ.нинг фарзлари учта – оғизни гарғара қилиб чайиш, бурунни тубига етказиб чайиш ва тамоми баданга сув етказиш. Битта тукнинг ўрнича жойга сув тегмай қолса ҳам Ғ. мукамал ҳисобланмайди. Бошқа мазҳабларда оғиз-бурун чайқаш фарз эмас. Исломда лоақал бир ҳафтада бир маҳал (жума куни), икки ҳайит ва арафа кунлари Ғ. қилиш суннат саналади. Ғ. “катта таҳорат” деб ҳам аталади.



ҲАДД (“тўхтатиш”, “чора кўриш”) – Қуръон ва суннага кўра, одоб-ахлоқ ва жамоат тартибига доир жиноятлари учун бериладиган жазолар: куфр, бузуқлик, сохта гувоҳлик, тўхмат қилиш, ичкиликбозлик, ичириб маст қилдириш, қиморбозлик, савдо қоидаларини бузиш, қаллоблик ва б. Ҳ. айрим шахсга нисбатан эмас, балки қонунга қарши содир этилган жиноятга нисбатан қўлланилгани учун томонларнинг келишуви ва авф этиш мумкин эмас ва албатта Ҳ. ижро этилимоғи шарт. Ҳ. фақат суднинг ҳукми б-н берилади ва 40 дан 100 тагача қамчи ёки қалтаклаш б-н амалга оширилади, ундан ташқари ибратли жазо тури (таъзир) ҳам қўлланилиши мумкин. Жазо ўтаб бўлингач, албатта тавба ва каффорат тўланади. Қадимда Усманийлар давридаги Туркияда Ҳ. йирик пул жаримаси тўлаш б-н алмаштирилиши мумкин бўлган. Мана шу тартиб кўпгина ислом давлатлари қонунчилиги томонидан қабул қилинган.

ҲАДИС (араб. – “хабар”, “янгилик”), ҳ а д и с л а р – Муҳаммад (сав)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Икки қисмдан иборат бўлади: матн ва *иснод*. Ҳ. икки турга бўлинади: 1. *Ҳадиси қудсий*; 2. *Ҳадиси Набавий*. Ҳ.лар эътиборга олиниши жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1. Саҳиҳ. 2. Ҳасан. 3. Заиф.

Қуръони каримда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изоҳлаб уқтириш учун Муҳаммад (сав) ўз Ҳ.ларини айтарди. Бу Ҳ.ларни пайғамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Расулulloҳ (сав) ҳаётлик чоғларида саҳобаларнинг Қуръони каримга Ҳ.ларни аралаштириб юборишларидан кўрқиб, Ҳ.ларни ёзишдан қайтарар эдилар. Расулulloҳ (сав) вафотларидан сўнг Ҳ.ларни нақл қилиш одат тусига кирди. Шу муносабат б-н бир гуруҳ мусулмонлар Пайғамбаримиз (сав) Ҳ.ларига бегона сўз аралашиб қолишидан ва Ҳ. нақл қилувчи саҳобалар вафот этишлари б-н Ҳ. зое бўлишидан кўрқиб, уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Бу одамлар турли юртларга тарқалиб кетганлар. 7-а. ўрталаридан бошлаб уларни топиб, Ҳ. ларни оғизларидан ёзиб олишга ҳаракат қилинган. Бунда туркистонлик муҳаддислар катта хизмат қилишган. Исломида энг обрўли ҳисобланган Ҳ. тўпламлари қуйидагилар ҳисобланади: 1) “ал-Жомий ас-саҳиҳ” ёки қисқача. “Саҳиҳи Бухорий”; 2) “Саҳиҳи Муслим”, 3) “Сунани Термизий”; 4) “Сунани Абу Довуд”; 5) “Сунани Насоий”; 6) “Сунани Ибн Можа”. Шунингдек, Ибн Ҳанбал муснади ҳам катта шуҳрат қозонган (яна қ. *Ҳадис тўпламлари*).

ХАДИС ТЎШЛАМЛАРИ – ҳадисга доир китоб турлари. Аҳли ҳадис истилоҳига кўра, ақонда тааллуқли бўлган ҳадислар “Илми тавҳид ва сифат”; ҳукмга далолат қилувчи ҳадислар “Сунан”; илми сулук ва зуҳдга оидлари “Рикок”; ейиш, ичиш ва кийиниш, ўтириш, туриш ва сафар... одобларига тааллуқли бўлган ҳадислар “Илмул адаб”; тафсир ҳадислари “Тафсир”; тарих ва шеър ҳадислари гоҳ “Илму Ваъдил-халқ”, гоҳ “Сийрат”; асри Жалили набавийдан сўнгра вужудга келган ва келажак фитналарга доир бўлганлари “Илмул-фитан”; манокӣб ва мусолаба, яъни шахслар, қабилалар, шаҳарлар ва б. шу қабиларнинг мақтови ёки айбловига доир хабарлар “Илмул-манокӣб” деб аталадилар. Бу бобларнинг саккизаловини ҳам жамлаган “Саҳихи Бухорий” каби китобларга “Жомӣъ” номи берилган. Имоми Термизийнинг китоблари эса, ҳам “Жомӣъ”, ҳам “Сунан” дейилгандир.

Саҳоба исмлари маҳсус тартибга солиниб, ҳар биридан ривоят қилинган ҳадислар жамланган бўлса, ундай китоб “Муснад”; муаллифнинг кексалари хуруфи ҳижо (алифбо) тартибига қўйилиб, ҳар бирининг йўли б-н муаллифга етиб келган ривоятларни тўплаган китоб “Муъжам” дейилади.

Ҳадис китобларининг яна кўп хиллари бўлса ҳам, энг муҳим турлари шулардир.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ – маъноси Аллоҳ таолоники бўлиб, айтилиши Расулulloҳ (сав)дан бўлган ҳадислар. Шунингдек, “Ҳадиси Раббоний”, “Ҳадиси илоҳий” деб ҳам айтилади. Уни Аллоҳ таоло ўз набийсига илҳом бериш, тушида кўрсатиб билдириш орқали хабар беради, Пайғамбар (ас) эса, бунинг маъноси Аллоҳ номидан, Аллоҳ таоло айтди, деб саҳобаларига етказганлар.

Ҳ.к.нинг мартабаси Куръони карим б-н ҳадиси Набавий ўртасида. Ҳ.к. талаффузи б-н ибодат қилинмайди, намозда қироат этилмайди, у б-н баҳсга чорланмайди. У Куръоннинг нақлига ўхшаб мутавотир ҳолда нақл қилинмаган. Балки, унинг саҳих, заиф ва мавзуй-ёлғонлари мавжуддир.

ҲАЖ – Маккани зиёрат қилиш, исломнинг беш асосий руқнларидан бири. Ҳ. амали уни адо этишга қурби етган барча мусулмонлар учун (жуда бўлмаганда умрида бир марта) фарздир; унга қурби етмаганлар ўзларининг ўринларига “ўринбосар” (вакил ал-Ҳ.)

юборишлари мумкин. Ҳ. зулҳижжа ойида амалга оширилади ва турли маросимларни (маносик ал-Ҳ.) ўз ичига олади. Зиёратчилар қарвони Маккага 7-зулҳижжада етиб келадилар. Улар маҳсус жой – мийқотда иноклиниб эҳромга кирадилар, “кичик Ҳ.” маросимини ўтайдилар (қ. *Умра, тавоф*). Сўнгра умра ва Ҳ.ни алоҳида ўташга қарор қилганлар сочларини олдириб эҳромдан чиқадилар. Улар бевосита Ҳ. олдидан яна қайта эҳромга кирадилар. Умра ва Ҳ.ни бирга ўтамоқчи бўлганлар (қирон) Ҳ. охиригача эҳромда қоладилар. Зулҳижжа ойининг 7-куни зиёратчилар Каъбада хутба эшитадилар ва намоз ўқийдилар. Эртаси куни (йаум ат-тарвийа) Мино водийсига борадилар. Зиёратчилар зулҳижжа ойининг 8-санасидан 9-санасига ўтар кечани Мино водийсида ўтказди, Зулҳижжаниннг 9-куни эрталабдан Ҳ.нинг асосий маросими – Арофат тоғи олдидан туриш (вуқуф) бошланади. Зиёратчилар хутба эшитадилар, намоз ўқийдилар. Бу туриш кун ботгунча давом этади. Сўнгра зиёратчилар Муздалифа водийси томон юрадилар (ифада). Шу ерда шом ва хуфтон намозлари ўқилади ва туналади. Зулҳижжаниннг 10-куни (йаум ан-наҳр) бомдод намозидан кейин зиёратчилар Мино водийсига йўл оладилар, бу ерда улар Муздалифадан олган 49 та кичик тошнинг 7 тасини биринчи куни энг кичик шайтон рамзига улоқтирадилар (қ. *Шайтон*). Бу маросимдан сўнг, шу ернинг ўзида савдогарлар ва бадавийлардан сотиб олинган жонлик қурбонлик қилинади. Зулҳижжаниннг 10-куни мусулмонларнинг энг муҳим байрами ҳисобланиб, бутун ислом оламида кенг нишонланади (қ. *Ҳайит, қурбонлик*). Сочларини олдириб ёхуд кестириб зиёратчилар сўнгги тавофни бажо келтириш учун Маккага йўл оладилар. Кимда ким дастлабки маросим умра қилмай Ҳ. қилган бўлса (Ҳ. ифрод), тавофдан кейин *саъйи*ни адо этишади. Зулҳижжаниннг 11-кунидан 13-кунигача (айём ат-ташрик) зиёратчилар қурбонлик қилишда давом этадилар, Мино водийсига борадилар, у ерда энди ҳамма устунларга қараб 2 кун 7 тадан тошча отадилар (жамрат ал-ула, жамрат ал-вуста, жамрат ал-акаба), ўз ишлари б-н банд бўладилар.

Ҳ.нинг асосий маросимлари ақидага кўра, Муҳаммад (сав) томонидан 632 й. “видолашув Ҳ.”ида (Ҳ. ал-вадоъ”) белгилаб берилган.

Кейинчалик асосий ҳуқуқий мазҳаб намоёндалари зиёрат маросим-удумларини бажаришни батафсил ишлаб чиққанлар. Ҳ.нинг ғоявий ва сиёсий аҳамияти бугунги кунда ҳам улкан.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиз муслмонларига Ҳ. амалини адо этиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

ал-ҲАЖАР ал-АСВАД – қ. *Қора тош*.

ҲАЗРАТ ХИЗР МАСЖИДИ – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Шаҳарнинг энг қад. масжиди шу ерда қурилган. Хизр (ас) номидан олинган. Масжиднинг ҳоз. биноси 19-а. ўрталарида қад. бино пойдевори устида бунёд қилинган. Тик зинапоядан дарвозахонага чиқиб, чап томондаги равокдан пешайвонга ўтилади. Бинонинг шим.-ғарбий қисми катта гумбазли хонақоҳ. У 1854 й. таъмир этилган. пешайвон 1899 й., дарвозахона 1919 й. қурилган. Ҳ.Х.м. ҳозир таъмирланган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳ а с т и м о м – Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Мажмуа қурилишига имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафғол аш-Шоший (904–976)нинг қабри асос бўлган (қ. *Қафғол Шоший*). Қабр ва унинг атрофида вужудга келган қабристон ҳамда меъморий ёдгорликлар мажмуаси (Кайковус боғи б-н бирга) Ҳазрати имом номи б-н аталади. Сақланиб қолган биноларнинг энг қад.си 16-а.га оид. Дастлаб, 16-а.нинг 30-й.ларида 2 та макбара қурилган; каттаси Тошкентнинг шайбонийлар сулоласидан бўлган хони Суюнчхўжахон макбараси деб тахмин этилади. 16-а.нинг 50-й.ларида бу бинолар Бароқхон мадрасаси меъморий ёдгорлиги таркибига қўшилган. Ўша даврда Ҳазрати имом қабри устида Қафғол Шоший макбараси бунёд этилган. 16-а. охириларида унинг қаршисида “қуш” услубида Қафғол Шошийнинг авлоди. Бобохожи макбараси қурилган (бу бино 1939 й. бузиб ташланган). 16-а.да Ҳ.и.м.да сайроғоҳ боғ бўлган (асрий чинорлар, қайрағоҳ ва б. дарахтлар, ҳовуз ва айвонлар мавжуд эди), халқ сайиллари ўтказилган. 19-а. ўрталарида Бароқхон мадрасаси рўпарасида Намозгоҳ (Тиллашайх), Мўйи Муборак мадрасаси, Жоме масжид (сақланмаган) қурилган. 20-а. бошида олти устунли, ўн икки гумбазли Тиллашайх масжиди қайта қурилган. Ҳ.и.м.да Ўзбекистон муслмонлари идораси жойлашган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАҚБАРАСИ – Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (14-а.). 1384 й. Амир Темур авлиё Муҳаммад Шайбонийнинг хокини келтириб Дор ус-саодатга, ўгли Жаҳонгир қабри олдида дафн эттирган, хоразмлик усталар баланд бино барпо этганлар. Муҳаммад Шайбоний ислом оламида “Ҳазрати имоми Бағдодий” номи б-н машҳур бўлган. Мажмуага Амир Темур ўзи учун катта хилхона қурдирган. Мажмуанинг улкан арк ва деворлари, ўн олти қиррали асосга қурилган гумбазлари қимматбаҳо тош ва шишалардан ишланган нақшинкор безаклар б-н безатилган. **ҲАЙБАР** – Мадинадан шим.да жойлашган воҳа; мил. ав. 6-а.даёқ мавжуд бўлган. Мил. 7-а.да Ҳ. ҳосилдор, серсув, хурмозор ва далалари бўлган бир неча водийларда жойлашган. Аҳолиси яҳудий дехқонлар ва яҳудийликни қабул қилган араблардан ташкил топган эди. Муҳаммад (сав) тахм. 1,5 минг кишилик қўшин б-н ўзларига душман бўлган Ҳ. аҳолиси устига юрганлар. Бир ярим ойлик қамал ва Ҳ.нинг ғатафон қабиласидан бўлган иттифокчилари кетиши б-н воҳа забт этилган. Таслим бўлиш ҳақида Ҳ. аҳолиси б-н тузилган битимда Ҳ. ҳарбий ўлжа (ғанима) деб қаралган, чунки у куч б-н эгалланган эди (анватан). Воҳанинг 1/5 қисм ери Муҳаммад (сав) фойдаларига (ҳарбий юриш раҳбари сифатида) ва у зотнинг оилалари фойдасига ўтган. Ернинг қолган қисми жангчилар ўртасида тақсимланган; маҳаллий аҳоли дехқончилик қилиб, олинган ҳосилнинг ярмини муслмонларга бериши лозим бўлган.

Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг қизлари Фотима Ҳ.дан олинган ҳосилнинг Расулulloҳ (сав)га тегишли улушига меросхўр сифатида даъвогарлик қилган. Халифа Абу Бакр (ра) бу талабни рад этган, бунга сабаб қилиб Муҳаммад (сав)нинг “Менинг меросхўрларим йўқ ва мендан кейин қолган барча нарсалар закот каби хайрли мақсадларга мўлжалланган жамоанинг мулкидир (садақа)” деган ҳадисларини келтирган.

Умар (ра) воҳа ерларини қайта тақсим этиб, Ҳ.ни эгаллаган жангчилар ва уларнинг меросхўрларига хусусий мулк қилиб берган.

ҲАЙДАРИЙА (хайдарий) – ўрта асрларда ва янги даврда Эрон ва унга қўшни мамлакатларда мавжуд бўлган суфийлик ва шиаликка мансуб уч гуруҳнинг умумий номи.

1. 12-а.нинг охирида Хуросонда пайдо бўлган ва асосчиси – шайх Қутбиддин Хайдар Завоъий (1221 й. в.э., Завода дафн этилган, у Турбати Хайдарий деб аталади) номини қабул қилган анча нуфузли суфийлик гуруҳи (тоифа, гуруҳ, жамоа). Анъанага кўра, у ўрта осийлик туркий қавмлардан чиққан ва Аҳмад Яссавийнинг издоши бўлган. У ўз тарафдорларидан риёзат чекиб, узок вақт узлатда бўлишни талаб қилган; айнан у амалиётга қўл ва оёқларга темир билагузук, бўйинга маржон шода, кулоқлар ва қўл бармоқларига жорий этган. Дастлабига Х. Сурия, Кичик Осиё ва Хиндистонда тез тарқалган, лекин кундалик турмушдаги кўрсатмалар огирлик қилгани боис, унинг оммавийлиги сусайган, аъзоларининг сони кескин қисқарган, жамоалар ёки тарқаб кетган ёхуд шу вилоятларда фаолият юргизган қаландарияга қўшилиб кетган.

2. Бошқа бир номи – мирҳайдарий. Шиалик (имомийлик)даги тариқат. 14-а. охири – 15-а. бошида Эронда вужудга келган ва бутун мамлакатга кенг тарқалган. Асосчиси – Султон Мир Хайдар Туний (1427 й. Табризда в.э.). У ўз шажарасини имом Мусо ал-Козимга боғлаган. Х.лар байрам кунлари махсус кийим кийганлар: беш қават қилиб ўралган салла, елкаларида кўйининг хом териси; ўнг қўлда – ҳасса-таёк, чап қўлда – чўпон бурғуси. Улар дастлабки уч халифа ва пайғамбар (ас)нинг саҳобаларини очик равишда ҳақорат қилганлар. Уларга қарши суннийларнинг неъматуллоҳийлар тариқати аъзолари курашганлар, айниқса, шиа байрамлари вақтида қаттиқ тўқнашувлар содир бўлган. Фақат 20-а. 20–30-й.ларидагина Эронда бунга чек қўйилган.

3. “Ўта” шиалар жамоаси (ғулот); 15-а.нинг 60-й.ларида Анадолу, Сурия ва Озарбайжонда кўчманчилик қилган туркман қабилалари орасида пайдо бўлган. Улар ўзларини Хайдар ибн Жунайд – сафавийликдаги бешинчи пири муршиднинг издошлари деб ҳисоблашган. Хайдар ибн Жунайд тариқатга 1464–1488 й.ларда бошчилик қилган ва ўз тарафдорлари орасида махсус бош кийими (тож) кийишни жорий қилган. У қизил рангли кигиздан қилинган узун кулоқчин бўлиб, атрофига салла, 12 қават қилиб ўралган ёки шу рангда тикилган 12 огдан мато боғланган. Шундан унинг тарафдорларининг номи – кизилбошлар олинган.

Х. Алини илоҳ ёки илоҳий ҳақиқат (ҳаққ) деб, шайх Хайдар (кейинчалик унинг ўгли Исмоил I) – Алининг мужассамоти деб ҳисоблайдилар. Улар руҳларнинг кўчишига (таносух) қаттиқ ишониб, уларнинг муршиди гуноҳларни кечириш қудратига эга, Қуръон яратилган ва Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин у умавийлар даврида бутунлай сохталаштирилган, шунинг учун илоҳий ваҳийлар Қуръонда эмас, балки Исмоил I нинг “Девони Хитойи” (“Шеърлар тўплами”)да намоён этилган, деб ҳисоблайдилар. Исмоил I даврида (1502–1524) Х. тарафдорлари қисман қирғин қилинган, бир қисми Кичик Осиёга кетиб, *бектошӣлар* тариқати таълимотига таъсир кўрсатган.

ҲАЙИТ (араб. ийд – байрам) – мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита Х. расман диний байрам сифатида нишонланади: қатта Х. ёки қурбон Х.и (арабча ийд ал-қабир, ийд ал-адҳо) ва кичик Х. ёки рўза Х.и (арабча ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон Х.и ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш б-н, рўза Х.и эса, рамазон ойи ниҳоясида оғиз очиш б-н боғлиқ. Қурбон Х.и ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10-қунида, рўза Х.и эса, шаввол ойининг 1-қунида байрам қилинади. Х.да масжидда эрталаб Х. намози ўқиш, рўза Х.ида фитр-садақа бериш (Х. намозидан олдин), қурбон Х.ида эса, қурбонлик қилиш ва ш.к. ислом б-н боғлиқ маросимлар юзага келган. Х.даги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари: арафа қуни ош улашиш, янги кийим кийиш, “ҳайитлик” бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ш.к. ҳам қўшилиб кетган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қурбон Х.и ҳам, рўза Х.и ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

ҲАКАМ (“донишманд”) – одатий ҳуқуқ билимдони. Унга худди судьядек турли ҳуқуқий масалаларни ечиш учун мурожаат қилишган. Жоҳилият даврида Арабистонда Х. қабила бошлиғи (шайх) лашкарбоши (қоид) ва башоратчи (қохин) қаторида қабила раҳбариятига кирган. Исломнинг дастлабки ўн йилликларида унинг ўрнига халифа томонидан тайинланган диний судья – қози келмагунча Х. ўз мавқеини сақлаб қолган.

Вақт ўтиши б-н ўзининг расмий мақомини йўқотган Х. яна анча вақтгача қабиладошлари

ва кўшинлари учун ҳуқуқ соҳасидаги билимдонлигича қолган, унга холис судья (ҳоким) сифатида мурожаат қилишган.

ҲАЛЛОЖ Ҳусайн ибн Мансур (858–922) – *тасаввуф*даги ўта сўл оқимнинг йирик вакили. Ғоявий жиҳатдан қарматларга яқин бўлган. Тур, Байда, Басра, Бағдод шаҳарларида билим олган. Мусулмонларнинг айрим одатларига ва шариатнинг баъзи қоидаларига зид фикрлар айтган. Ислоннинг Аллоҳ тўғрисидаги яккахудолик ақидасига зид равишда худо инсонда намоеън бўлади, инсон ва умуман моддий олам Худонинг жилоланиши, “Мен ҳақ (худо) ман”, (“Ана-л-ҳаққ”), менинг ўзлигим – Худонинг ўзлигидир, деган фикрни илгари сурган ва бу фикр б-н ваҳдати-вужуд таълимотига йўл очган. Ҳ. ўз ғояларини Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ироқ ва б. мамлакатларда тарғиб қилган ва мухлислар орттирган. Мусулмон олимлари Ҳ.ни бидъатчиликда ва шаккокликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарганлар.

ҲАЛОЛ (“эркин”, “боғланмаган”, “тугунни ечиш”) – 1) Рухсат бериш; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи рухсат этилган хатти-ҳаракатлар: ман этилган хатти-ҳаракатлар (*ҳаром*)нинг зидди. Ҳ. ҳақидаги масалаларни фикхнинг аҳком бўлими ўрганadi. Шариатда эса, ҳаромлик тугуни ечилган, яъни ҳаромлик сифати йўқ нарсaga, Ҳ. деб айтилади. Чунки, ҳаром нарсанинг ман қилиш тугуни бўлади. Ҳ. нарсада ана ўша тугун бўлмайди, бўш бўлади. Ҳадиси шарифда, Ҳ. очик-ойдиндир, дейилган. Аввало, нима нарсалар Ҳ. экани очик-ойдиндир; сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, поллиз экинлари. Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган Ҳ. хайвонлар гўштлари каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар кабилар Ҳ.дир.

Қолаверса, ушбу нарсаларга эга бўлиш ишончли, шариатда рухсат берилган йўл б-н бўлиши керак. Ҳ. касб деганда, айнан шу маънода гап кетади. Яъни, Ҳ. нарсaga Ҳ. йўл б-н эга бўлиш лозим. Ҳ. меҳнат, мерос, ҳадя, икки тараф розилиги б-н бўлган тижорат туфайли қўлга кирган мулк Ҳ. бўлади. Мусулмон одам учун Ҳ. нарсани талаб қилиш, Ҳ.дан молу мулк топиш фарздир. Мусулмон инсон ўзи Ҳ. бўлган нарсани, шариатда Ҳ. қилинган йўл б-н топиб фойдаланиши керак.

Шариатда Ҳ. ҳисобланган нарсани ҳаром деб эътикод қилган одам кофир бўлади. 2) Шаръий никоҳдан ўтишлари мумкин бўлган аёл ёки эркак. 3) Ҳаж зиёратидан қайтиб келиб, сочларини олдирган ва кундалик кийим-бошини кийиб, рухсат этилган барча одатдаги ишлар ва касб-хунар б-н машғул бўлган киши ҳолати.

ҲАМАДОНИЙ Юсуф (1048, Ҳамадоннинг Бузанжирд қишлоғи – 1141, Афғонистоннинг Бомиеън ш.) – *тасаввуф*нинг йирик намояндаси, машҳур олим. Бағдодда Абу Исҳок Шерозийдан таҳсил олган. Исфаҳон, Самарқанд, Бухорода ўз билимини оширган. Тасаввуфни Абу Али Фарюмодий, Абдуллоҳ Жувайний ва Ҳасан Симнонийдан ўрганган. Замонасининг етук алломалари Абдулқодир Гилоний (Ғавсул-аъзам), Имом Ғаззолий, шайх Ҳамидулдин Мултоний б-н мулоқотда бўлган. 30 марта ҳаж зиёратига борган.

Ҳ. Бухорода узоқ муддат яшаб, Аҳмад *Яссавий* ва Абдулҳолик *Ғиждувоний*ни тарбиялаб, вояга етказган. У кейинчалик хожагон-нақшбандия тариқатининг бош шиорларига айланган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” қоидаларини ишлаб чиққан. Халифаларидан 4 нафари: Хожа Абдуллоҳ Барқий (Баррақий) Хоразмий, Хожа Ҳасан Андоқий Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний устозидан сўнг муридларнинг тарбияси б-н шуғулланганлар. Ҳ. “Рутбат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт мезони”), “Кашф”, “Рисола дар одоби тариқат”, “Рисола фи аннал-қавна мусаххарун лил/инсон”, “Рисола дар ахлоқ ва муножот” каби асарларни ёзган. “Ҳаёт мезони” рисоласи ўзбек тилида ҳам нашр қилинган (Т., 2003).

Хиротдан Марвга қайтаётганда Бомиеън ш.да вафот этган. Кейинчалик хоки муридлари томонидан Марв ш.га кўчирилиб, қайта дафн этилган. Ҳ. ҳақида Абдулҳолик Ғиждувоний, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон *Жомий*, Алишер *Навоий* ўз асарларида муҳим маълумотлар келтиришган.

ҲАМОЪИЛ – туморлар, мунчоқлар. Синонимлари хурз (кўплиги ахроз), ҳамайя, ҳафиз, уза, маъза, нусха, тилсам ёхуд тиласм (юнончадан) ва б. Илоҳиётчилар доим Ҳ.дан фойдаланишни қоралаганлар, лекин халқ орасида у кенг тарқалган; Ҳ.ни одатда дарвиш ва дуохонлар тайёрлашган. Ҳ. варақача ёки

ёзуви, белгилари ва суратлари бор бир неча варақдан иборат бўлган; Ҳ. сифатида тасодифан топиб олинган (чиғаноқлар, тошлар, суяклар) ёки махсус ясалган, баъзан қимматбаҳо кичик нарсалардан ҳам фойдаланганлар; предметларнинг кўпинча ёзувлари ва тасвирлари бўлган. Ҳ.ни медальон, қутича, ҳамёнчага солиб олишган ёхуд тери, мато ва б.дан тикилган халтачага тикиб олишган ва б.; уларнинг ҳажми ва шакли турлича бўлган. Тумор ва мунчокларга Аллоҳнинг исмлари (99 та гўзал исм), фаришталарнинг исмлари (Микоил, Жаброил, Азроил, Исрофил; жуфт ва гаройиб эшитиладиган: Қайтар-Майтар, Толих-Илих, Кинтош-Яқинтош, Хорут-Морут), “етти ухловчи” ва Қуръондан оятлар (айниқса 1 сура: 2:255/256; 9:129/130; 113 сура: 36-сурадан парчалар), астрологик рамзлар (зодиак белгилари), сирли ёзувлар (халқачалар, гажаклар, нақшлар, кичик “ой” ва “тож” тасвири б-н биргаликдаги яхудий ва б. алифбонинг бузилган ҳарфлари)ни ёзишган. Ўрта асрларда араб тилида туморлар ва мунчокларнинг сеҳрли хусусияти, уларни ёмон кўздан асраши, илон, чаён чақишидан, табиий офатдан асраши ва б. ҳақида кўп асарлар ёзилган. Тумор ва мунчокларнинг кашф этилиши ва тайёрлаш усулини Одамато, Сулаймон подшоҳ, Балинас ал-Ҳаким, Жирмис ал-Мусаллис номлари б-н боғлайдилар (яна қ. *Сеҳр*).

ҲАНАФИЙЛИК – суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. *Абу Ҳанифа* асос солган. Ундан кейин Ҳ. мазҳаби қоидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 й. в.э.), Муҳаммад аш-Шайбон (804 й. в.э.), Қудурий (1036 й. в.э.) ва б. асарларида ишлаб чиқилган. Бу мазҳаб тарафдорлари фикҳнинг тўрт асосий манбаини эътироф этиш (қ. *Усул ал-фиқҳ*) б-н бирга бошқа оқимлар вакилларига нисбатан фикҳ талабларига риоя этишнинг оқилона усулларидан кенгроқ фойдаланади. Бу мазҳабнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Қуръон ҳуқуқ манбаи сифатида ҳеч сўзсиз, тўлалигича қабул қилинади; сунна мустақил манба сифатида қаралади, бироқ ҳадислар жиддий танловдан ўтган бўлиши лозим; аввал ўтган уламолардан мерос бўлиб қолган келишилган фикр (ижмо) фақат саҳиҳ ҳадис ривоятчиларидан чиққан тақдирдагина

ҳисобга олинади. Лекин, янги масалалар тадқиқ қилинаётган вақтда бошқа ҳар қандай обрўли уламоларнинг гуруҳининг ижмоси қабул қилинади ва шу тариқа диний ижмолар вужудга келиши имкони яратилади. Қиёс бўйича ҳукм ҳар қандай саҳиҳ манба асосида ҳам бўлиши мумкин. Агар қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, *истиҳсон* бўйича қарор қабул қилинади.

Ҳ. мазҳаби оддий ҳуқуқ (урф)дан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланишга имкон беради, бу ҳол ҳаётий эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўътадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли 11-адан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шим. Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйлари, Ўрта Осиё. Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис кенгликларигача бўлган ҳудудларга тарқалган. Ҳоз. даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми Ҳ. мазҳабида. **ҲАНБАЛИЙЛИК** – суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. *Аҳмад ибн Ҳанбал* асос солган. Ҳ. ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги “янгилик”ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда қатъий туришлиги б-н ажралиб туради. Ҳ. тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат 9-а.нинг 2-ярмида араб халифалигида *мўътазиллийлар*нинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлиликнинг таъкиб остига олиниши туфайли Ҳ. таъсири бирмунча кенгайган ва 12-ада мустақил мазҳабга айланган. 10-ада Эронда, 11-адан 15-а.гача Сурия ва Фаластинда Ҳ. издошлари кўн бўлган. Ундан кейинги асрларда Ҳ. тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда Ҳ. Саудия Арабистонида расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ҲАНИФ (араб. – чинакам эътиқод қилувчи, такводор) – ҳаққа мойил яккахудоликка эътиқод қилувчи такводор одам. Мусулмонлар ривоятига кўра, исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этган. зоҳид,

яккахудога астойдил ишонган, лекин христианликка ҳам, яхудийликка ҳам қўшилмаган ва Иброҳим (ас) динларида бўлган одамларни *Х.* деб аташарди. Қуръонда Иброҳим (ас) ҳам *Х.* деб номланган, унинг чинакам яккахудоликка асосланган динини Муҳаммад (сав) тиклаган, деб ҳисобланади.

8–9-а.лардан бошлаб *Х.* кўпинча “муслмон”, ислом эса, ҳанифлик дини маъносида ишлатилган. Суфийлар ҳам ўзларини *Х.* деб аташарди.

ҲАРАМ (араб. – сахн, чегара) – 1) муслмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланадиган жой. ҳудуд. Маккаи мукаррама ш. атрофида белгиланган махсус чегара ила ўралган, шаҳар ва унинг атрофидаги маълум жойларни ўз ичига олган минтақа. Бу ҳудуд Пайғамбар (сав)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган кунда ҳаром қилинган. У Аллоҳнинг ҳурмати ила қиёмат кунигача ҳаромдир; дарахти кесилмайди, ўсимлиги юлинмайди, ҳайвонлари овланмайди ва уруш қилиб бўлмайди.

Бу ҳукм жоҳилият вақтида ҳам жорий қилинар эди. Бир-бирлари доимо уруш қилиб юрадиган араб қабилалари ҳам *Х.* ҳудудида ўз душманларини кўриб қолса, унга тегмасди. *Х.*да нафақат одамга, балки ҳайвонот ва набобот оламига, ҳеч бир нарсага озор берилмайди.

Олимлар, жиноят қилган одам қочиб *Х.*га кириб олса, унга озор берилмайди, аммо унга жой, таом берилмасдан, муомала қилинмасдан, *Х.*дан қайтиб чиқишга мажбур этилади ва чиққандан сўнг ушлаб жазоси берилади, дейишган.

Х. чегарасида ов қилишга қатъий ҳеч кимга изн йўқ. Аллоҳ таоло Ўзининг муқаддас шаҳри Маккаи мукаррама атрофидаги маълум ҳудудни одамлар, ҳайвонлар, ўсимликларга ҳеч озор етказилмайдиган минтақага айлантирган. Ҳоз. кунда *Х.* чегарасидан муслмон бўлмаганлар кирмаслиги ёзиб қўйилган ва тафтиш ҳам бор. Макка ва Мадинадаги муқаддас жойлар (қ. *Ҳаром масжиди*), Қуддус зиёратгоҳи (қ. *Ақсо масжиди*) ва б. ўз *Х.*ига эга. 2) Бой муслмон хонадонининг аёллар яшайдиган ички қисми. 3) Туркия, Эрон, Афғонистон, Араб мамлакатлари ҳамда Ўрта Осиёда ҳукмдорлар саройларида хотин ва канизақлар яшайдиган қисми. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб

муслмон мамлакатларининг аксариятида кўп хотинлиликнинг ман этилиши, иқтисодиёт ва маданият таракқиёти, демократик ҳаракатлар, хотин-қизлар ҳаракатининг ўсиши натижасида *Х.*лар деярли барҳам топган.

ҲАРОМ (араб. – ман қилинган, тақиқланган) – шариятда ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса. Арак, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳида бўлмаган шахс ила жинсий алоқада бўлиш қабилар *Х.*дир.

Шу б-н бирга ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариятда ман қилинган *Х.* йўл б-н эга бўлса, улар ҳам *Х.*га айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилиқ, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли б-н топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига *Х.*дир.

Шунинг учун ҳам уламолар мутлақ *Х.*ни – ўзида *Х.*лик сифати бор ёки ман қилинган йўл б-н топилган нарсадир деб таъриф қиладилар. Муслмон инсон учун *Х.*дан ҳазар қилиш фарздир.

Аллоҳ таоло мўмин-муслмонларни *Х.* – ботил йўл б-н бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган.

Бир лутма *Х.* таом еган одамнинг неча кунлаб дуоси қабул бўлмаслиги таъкидланган. Муслмон инсон *Х.* йўл б-н молу дунё касб қилишдан, худди чўчқанинг гўштини ейишдан ҳазар қилгандек, ҳазар қилиш керак. *Х.* йўл б-н молу дунё топган одам икки дунёда шарманда бўлади. Бу дунёда азоб-уқубат, турли бало-офатларга йўлиқиб, у дунёда жаҳаннам ичида туриб, қорнига оловни таом ўрнига ейти. Шариятда *Х.* ҳисобланган нарсани ҳалол деб эътиқод қилган одам кофир бўлади. *Х.*га ота-онага оқ бўлиш, зинокорлик, рибо (судхўрлик), сеҳргар ва фолбинларга ишониш, ўғрилиқ, қароқчилик, порахўрлик, жосуслик, қақимчилик, ёлғончилик, қотиллик, ноҳақ қон тўкиш, хиёнаткорлик, ўликка дод-вой солиб йиглаш, савдо-сотикда фирромлик, гийбат, тухмат қабилар *Х.* амаллардир.

Ейиладиган нарсалардан тўнгиз, ваҳший ҳайвонлар, ўзича ўлган ҳалол ҳайвонлар, сўйилганда оққан қон, “бисмиллоҳ” айтмай сўйилган ҳалол ҳайвон гўштлири, динсиз (мажусий)лар сўйган ҳайвон гўштлири, маст қилувчи ичимлик ва гиёҳларнинг ҳаммаси ислом

шариатида Х. қилинган. Булардан ташқари эркакларга тилла нарса тақиш, ипак кийим кийиш, аёлларга эркакча кийиниш, тилла-кумуш идишда овқатланиш, аврат жойларини очиб юриш кабилар ҳам Х. амаллардан саналади. Фойдаланиши Х. этилган ва истифода қилган кишига фақат зарар берадиган ўсимликларни экиш ҳам, парвариш қилиш ҳам исломда Х. ҳисобланган. Мас., наша, қорадори, афюн сингарилар. Тамаки ҳам шулар тоифасига киради. Бир нарсанинг Х. экани шубҳасиз, очик далиллар б-н маълум бўлса, уни экиш ва етиштириш ҳам Х.дир. Агарда у нарса макруҳ бўлса, уни экиш ва етиштириш ҳам макруҳ саналади.

Мусулмон киши ғайримусулмонга сотиш ниятида Х. нарсани экиши (у нарсадан ўзи фойдаланмаса ҳам) ҳалол бўлмайди. Чунки, мусулмон ҳеч қачон Х.га қўл урмаслиги, Х.дан истифода этмаслиги, ундан узоқ туриши керак. Шунга кўра, мас., насронийларга сотиш учун чўчка боқиш ҳам мусулмонга жоиз эмас. Бу хусусда исломнинг ҳатто арақ тайёрланиши аниқ маълум бўлган жойга унинг хомашёсини (узум ё буғдойни) сотишни ҳам Х. қилганини эътиборга олсак, масала янада ойдинлашади.

ҲАРОМ МАСЖИДИ (араб. – муқаддас масжид) – Маккадаги Каъба ибодатхонаси ва у б-н боғлиқ бўлган мажмуа. Қуръонда шу ном б-н тилга олинган. Бу мажмуа қадимдан мавжуд бўлган, арабларда исломгача ҳам сиғиниладиган муқаддас жойлардан бири ҳисобланган. Юнон тарихчиси Птолемей асарларида 2-ада Макка ва ундаги ибодатхонанинг мавжудлиги қайд қилинган. 630 й. мусулмонлар Маккани фатҳ қилишгач, Х.м. ислом динининг маркази, энг муқаддас ибодатхона деб танилган. Х.м. мажмуасининг марказида Каъба ва ҳовлисида Замзам булоғи, икки тепалик (Сафо ва Марва) бор. Тепаликлар тим б-н туташтирилган. Масжид 1570 й.да мажмуа бўлиб шаклланган. Х.м. мусулмонлар ҳаж қиладиган муқаддас жой ҳисобланади. У ғайримусулмлар учун ёпиқдир. Охирги таъмирлаш ишларидан сўнг Х.м. майдони кенгайиб, 328 минг кв.м.ни ташкил этади. Бу эса, бир вақтнинг ўзида 730 минг, ҳаж ва умра пайтларида эса, 1 млн. намозхонни ўз бағрига сиғдира олади. Ҳаж маросимининг бошланиши ва тугалланишида албатта Х.м.га келиб, Каъба тавоф қилинади.

ҲАСАН ибн Али (625–669) – Али ибн Абу Толиб(қв)нинг (*Фотимадан* туғилган) ўгли,

Мухаммад(сав)нинг набираси, иккинчи шна имоми. 661 й.да Али ўлдирилгандан кейин унинг тарафдорлари Х.ни Ироқда халифа деб эълон қилган ва *Муовия* ҳокимиятига қарши курашни янгитдан бошлашга даъват этган. Лекин, Х. (ра) Муовия б-н музокаралар олиб бориб, у б-н келишган, ўзига инъом этилган катта маблағ ҳисобига ҳокимиятга даъво қилишдан воз кечиб, Мадинага кўчиб кетган ва у ерда вафот этган (шиалик ривоятлари бўйича заҳарлаб ўлдирилган).

ҲАСАН ал-БАННО (1906–1949) – имом, шайх. Аввал Рашод мадрасаси, Маҳмудиядаги (Қуйи Миср) Эъдодий мадрасада, сўнг Қохирадаги Дорул-улумда таълим олди. Ёшлигиданок “Адабий ахлоқ жамияти”, кейинроқ “Харомдан ман этиш жамияти” каби ташкилотлар тузиб ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этди. 1928 й.да бир нечта дўстлари б-н “Ихвон ул-муслимин”, яъни “Мусулмон биродарлар” жамиятини тузди. Ушбу жамоанинг мақсади жузъий ва мазҳабий ихтилофларни четлаб Қуръон ва суннага қайтиш бўлган. Х.Б. исломни дин ва давлат сифатида, шариатни эса, ҳаётнинг тарбиявий, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий жабҳаларида инсон тасарруфотларини тартибга солиб турувчи низом деб ҳисоблаган.

Х.Б. ҳафталик “ал-Ихвон ул-муслимин” ва кейинчалик “ан-Назир” журналларини нашр этган. Уни китоб таълиф этишга вақти бўлмаган. Кейинчалик турли рисола ва маърузалари тўпланиб “Мажмуат ур-расоил” китоби тайёрланган.

ҲАСАН БАСРИЙ, Абу Саид ибн Абил Ҳасан Йасор (642–728) – илк исломнинг йиринк илоҳиёт олими. Мадинада туғилган, 657 й.дан Басра ш.да яшаб, шу ерда вафот этган. 663–665 й.ларда ҳоз. Афғонистон ҳудудидаги харбий юришда қатнашган. Халифа Умар ибн Абдулазиз (681–720) даврида Басрада қозилик қилган. Х.Б. атрофида илоҳиёт олимлари тўпланиб, улар Умавийлар давлати маънавиятини белгилаган. Х.Б. обрўси шунчалик батанд бўлганки, уни ахли сунна намояндалари ҳам, *муътазиллийлар* ҳам, суфийлар ҳам ўз устози ҳисоблаган. Х.Б. қарашлари ҳақида маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Уларга кўра, Х.Б. ирода эркинлиги (ихтиёрийлик) масаласида *қадарийлар* нуқтаи назарида турган ва инсон

бу дунёдаги қилмишлари учун ўзи масъул эканлигини таъкидлаган. Айни вақтда *муржиийлар* таълимоти руҳида: “Жон таслим қилиш пайтида қалима келтирган мусулмон нажот топиб, жаннатга қиради”, деб айтган экан. Х.Б. мўътадил сиёсий қарашларга мос мавқеда турган: умма бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, мусулмонлар ўртасидаги ҳарбий можароларни қоралаган.

ҲАФТИЯК (форс. – еттидан бир) – Қуръони каримнинг еттидан бир қисми битилган китоб. Ёш қориларга қулай бўлсин учун Қуръон сураларидан бир нечтаси (13–14 та) танланиб, қироат китоби шаклига келтирилган, уни талабалар олдинги даврда бошланғич мактабларда дарслик сифатида ўқиган. Ўтмишда Туркистондаги мактабларда хрестоматия вазифасини ўтаган биринчи қўлланма. Болалар араб алифбосини ўзлаштирганларидан сўнг ўргатилган. Одатда Х. 1–2 й. ўқитилган. Хдан сўнг Қуръони каримни ўқишга ўтилган. Ёш талаба кичик суралардан маълум миқдорда ёд олгандан кейин Х.ни ўқишга киришиш маросимини ўтказиш одатга айланган. Кейинги пайтда Х. ўрнига бир йўла Қуръони каримнинг тўлиқ нусхасидан ўқиш ва ўқитиш расм бўлган.

ҲАШВИЙЛАР, ал-Ҳашавийа (ёки аҳл ал-ҳашв) – антропоморфик (худони инсон қиёфасида тасаввур этувчи) қарашларни тарғиб этган мусулмон анъаначилари (традиционалистлар)нинг лақаби. 8-а.да антропоморфик иборалар қўллаган, Қуръон ва илоҳий тақдири азални абадий эканлигини эътироф этган “ҳадис тарафдорлари” (асҳоб ал-ҳадис)га нисбатан аҳл ал-ҳашв номи ишлатилган. Улар қаторига Каҳмас ибн ал-Ҳасан ал-Басрий (766 й. Басрада в.э.), Аҳмад ал-Ҳужаймий, Мудар ибн Холид ал-Куфий ва б.ни қўшиш мумкин.

Мунозара адабиётида аҳл ал-ҳашв кўпинча ўйламасдан сўзлайдиган кишилар, пайгамбаримиз Муҳаммад (сав)нинг сўзлари ва ишлари ҳақида ўз билганича сафсата тўқийдиганларга нисбатан ҳақоратомуз лақаб сифатида қўлланилган.

ҲАШШОШИЙЛАР (араб. – хашиш чекувчилар, гиёҳвандлар) – *исмоилийлар* ичидаги яширин террорчилик б-н шуғулланган фирқа тарафдорлари. 11-а. охирида Эронда исмоилийлар ҳаракатининг бўлиниб кетиши

натijasида пайдо бўлган. Асосчиси – Ҳасан ибн Саббоҳ (1124 й. в. э.). Эроннинг шим.-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси Х. жамоасининг маркази бўлган. Х. ҳаракати Сурия ва Ливанда, кейинчалик Ҳиндистонда ҳам тарқалган. У Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қарматлар ҳаракати б-н узвий боғлиқ. Х. халифалик ва салжуқийларга қарши курашган. Х.нинг раҳбарлари ўз душманларини ўлдиришни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб билган. Х. гоят яширин ҳолда иш кўрадиган ва тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирган. Ўз мақсадларини амалга ошириш (ҳукмдорлар, подшолар, қироллар ва йирик намояндаларни ўлдириш)да фидойилар(қашшоқ деҳқон ва шаҳарлик ёшлар)дан фойдаланган. Террорчи (фидойи)ларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган. Бирмунча давр Х. кўп ҳукмронларга даҳшат солиб турган, улардан кўплари (жумладан айрим Европа мамлакатлари императорлари ва қироллари ҳам) ўз жонини сақлаш учун Х.га тўлов тўлаб турган. 1256 й. мўғул истилочилари Аламутни босиб олиб, Эронда Х. жамоасига барҳам берган. 1273 й.да мамлуклар қўшини Сурия ва Ливандаги Х.нинг охириги ташкилотларини тугатган.

ҲАҚҚ (“асл”, “ҳақиқий”, “ҳақиқат”) – воқелик ҳақида билдирилган фикр воқеликка тўғри келишини англатувчи термин; фикр мулоҳазаларнинг воқеликка мос келиши сидк термини б-н ифодаланган. Бу икки термин кўпинча синоним сифатида ишлатилган, бироқ қўлланиладиган жойига қараб уларни фарқлашган: Х. термини дин ёки мазҳабга ишонтириш (ақида) учун ишлатилади. Бунда унинг зидди – ботил истилоҳидир. Сидк термини фикр (ҳукм), мулоҳаза (қавл)ни таърифлашда қўлланилиб, унинг зидди – кизб.

ҲИДОЯ (араб. – қўлланма; тўла номи “ал-Ҳидоя фи шарҳ ал-Бидоя” – “Бидоя (китоби)нинг шарҳи бўйича қўлланма”) – *суннийлик*нинг ҳанафийлик мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси (кодекси). Қўлланмани Бурҳониддин Марғиноний 13 йил давомида ёзган. Уни яратишда Бурҳониддин Марғиноний Қуръони карим оятлари, дастлабки 4 халифа, саҳобалар ва

тобеинларнинг ривоятлари, хадислар, суннийлик оқимидаги 4 мазҳаб асосчиларининг асарларига таянган. Х. 4 жилддан иборат, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган. Х.нинг 1-жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишланган. 2-жилдга никоҳ, эмизиш, талоқ, қул озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф ҳукуки каби масалалар киритилган. 3-жилдда олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, қозиларнинг вазибалари, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, қарз бериш, совға, ижара, волийлик (патронат), ҳомийлик каби масалалар ўрин олган. 4-жилдда шафоат, меросни тақсимлаш, васият, деҳқончилик ва боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонлик қилиш, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш каби масалалар ёритилган. Китоб яратилган даврдан бошлаб фақиҳлар, тарихчилар, шоҳу ҳокимлар диққатини тортди келади. Х. бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатлари, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланган. Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларигача – шарият қозилари бекор қилиниб, шўролар суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. У мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган. Китоб жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган. Х.ни ўзбек тилида мукамал таржима этишга киритилган (китобнинг 1-жилди 2000 й. босмадан чиқди).

ҲИДОЯТ (араб. – тўғри йўл) – ҳақиқий эътиқод йўлидан юриш. *Залот*нинг қарама-қаршиси. Х. Аллоҳ ўз бандалари учун кўрсатган энг тўғри йўл ҳисобланади. Қуръони каримнинг юзлаб оятларида Х. тўғрисида маълумотлар бор. Уларда таъкидланишича, аллоҳ таоло Х. йўлига ҳаммани ҳам бошламайди, балки ўзи хоҳлаган, танлаган кишиларнигина бу неъматга мушарраф этади. Ҳатто Пайгамбаримизга хитоб қилиб: “Сен хоҳлаган кишингни Х.га эриштира олмайсан, лекин Аллоҳ ўзи хоҳлаганига Х. ато қилур” – деган мазмунда оят нозил қилган. Демак, Х. сари даъват қилиш яхши, лекин унга эришиш Аллоҳнинг изни б-н амалга ошар экан.

ҲИЖОБ (араб. – парда, ёпинғич) – мусулмон аёлларнинг кўчага чиққанда танасининг аврат

қисмини беркитиб турадиган ёпинғичи. Х.ни дастлаб Муҳаммад (сав)нинг хотинлари, кейинчалик барча озод мусулмон аёллар ёпиниши ҳақида Қуръон ояти (33, 54) ила кўрсатма берилган. Х.нинг бир неча турлари бор. Ўзбек аёлларининг миллий кийими шаклан Х. кийими б-н уйғунлашиб кетган. Х.ни муслима аёллар, ўзларига маҳрам бўлмаган, яъни, ораларида никоҳ қилиниши мумкин бўлган эр кишилар олдида кийган ҳолда бўлишлари лозим бўлади. Х.ни оддий бир хил рангдаги, ажнабий кишиларнинг назарларини жалб қилмайдиган матодан бўлиши матлубдир.

ҲИЖРА, х и ж р а т (араб. – кўчиб ўтиш) – *Муҳаммад* (сав) ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний тарғиботларини Маккада бошлаган Муҳаммад (сав) Қурайш мушрикларининг унга нисбатан душманлиги кучайиши, вазиятнинг оғирлашиши натижасида 622 й. сафдошлари б-н Мадинага кўчганлар. Кўчиш бир неча ой давом этган, 638 й.да халифа *Умар* буйруғи б-н мусулмонлар ўртасида Х. тақвими амалга киритилган, яъни 622 йил мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган (қ. *Ҳижрий йил ҳисоби*).

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ – халифа Умар ибн Хаттоб томонидан жорий қилинган мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад (сав) ва сафдошларининг Маккадан Мадинага кўчиши (қ. *Ҳижра*) б-н боғлиқ. Қамарий (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсий (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича Х. й. х. 622 й.нинг 16 июлидан бошланиб, синодик ой (29, 530588 кун)га асосланган. 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,3671 кундан иборат. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11-ойлар 30 кундан, қолганлари 29 кундан бугун қилиб олинган. Ойлар тартиби б-н муҳаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, жумодил аввал, жумодил охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол, зулқаъда, зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан (ҳоз. григорий тақвимида) 10–12 кун қисқа. Агар григорий тақвимида оддий йил, қамарий тақвимда эса, кабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 10 кун, иккала тақвимда оддий ёки кабиса йиллари бўлса, фарқи 11 кун, қамарий тақвимда оддий ва григорий тақвимида кабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 12 кун бўлиб, ойлар, фасллар бўйлаб қишдан кузга,

куздан ёзга ва ҳ.к. сурилиб боради. Камарий йилнинг баъзилари кабиса бўлишига сабаб йилнинг каср қисми (0,3671 кун) ҳар 30 йилда 11,013 кунни ташкил этишидир. Унинг 19 йили оддий (354 кунлик), 11 йили кабиса (355 кунлик), 30 йиллик арабча циклнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29-йиллари кабиса деб қабул қилинган. Камарий ҳисоби Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп мамлакатлари ва б. баъзи мамлакатларда қўлланилади.

Хижрий-шамсий йил ҳисоби 622 й.нинг баҳорги тенгкунлик куни – 21 мартдан бошлаб ҳисобланади; кейинги йил бошлари эса, 20, 21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги григорий таквимидаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсий бўйича ойларнинг номлари ҳут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, акраб, қавс, жадй ва далъ бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтларида келади. Шамсий ҳисобдан Афғонистон, Эрон, Туркия ва б. мамлакатларда фойдаланилади. Ислом диний анъанаси қамария Х.й.х.га асосланган, барча диний урф-одат ва байрамлар ана шу тақвим асосида ўтказилади. Ўрта Осиёда янгича йил ҳисоби кенг оммавийлашганига қадар қамария ҳисоби ҳам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган. Ҳоз. вақтда Ўзбекистонда Х.й.х.дан диний муассасалар ва руҳонийлар фойдаланади.

ҲИЗБУЛЛОҲ (араб. – Аллоҳ партияси) – исломдаги фундаменталистик фирқа. 80-й.ларнинг ўрталарида ташкил топган. Бир неча мусулмон мамлакатларда, асосан, Эрон ва Ливанда фаолият юритади. Ҳ.нинг асосий шиори – “Ислом республикаси”ни тузиш учун ислом инқилобини амалга ошириш. Ироқда, Исроил босиб олган Ғазо секторида, Ливанда ҳам Ҳ. гуруҳлари бор. Ҳозирда Ҳ. Фаластин – Исроил муносабатлари кескинлашган шароитда ўта жангари фаолияти б-н ажралиб турмоқда. **“ҲИЗБУТ-ТАҲРИР”** (тўла номи “Ҳизбут таҳрир ал-исломий” – “Ислом озодлик партияси”) — норасмий сиёсийлашган диний тузилма (оқим). 1953 й.да Исроилда пайдо бўлди. Асосчиси – шайх Такийуддин Набахоний (1909–1979). У Мисрдаги “ал-Азҳар” университетини тамомлаган, Қуддус ш.да шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган. Иорданиядаги “Мусулмон биродарлар” диний экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири бўлган. “Х.т.” тузилма

жиҳатдан пирамида кўринишида ташкил топган. “Дорис”лардан таркиб топган “ҳалқа”даги 4–5 киши гуруҳ раҳбари – “мушриф”дан сабоқ олади. Бундай кичик “ҳалқа”ларга бўлиниш, ташкилот асосчиларининг фикрича, фoш бўлиш имкониятини мумкин қадар камайтиради. Машғулот ҳафтада камида 1 марта ўтказилиши шарт. Бундай “дарс”ларда номигагина диний таълим берилиб, асосий эътибор ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгига ғаразли сиёсий фикрларни жойлашга қаратилади. Ҳалқа аъзолари бир-бирларини фақат исми ёки таҳаллуси орқали билади. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам хизб фаолияти ҳақидаги маълумотни сир сақлаш ҳақида қасам ичади. Минтақавий раҳбар – “муътамад”, бутун дунё бўйича “Х.т.” ҳаракати раҳбари, яъни “амир” томонидан белгиланади ва вилоят даражасида ишлайдиган “масъул” ҳамда туман миқёсида фаолият кўрсатувчи “мусоид”га раҳбарлик қилади. Туманлар ҳам алоҳида ҳудудларга бўлинади ва 4 мушрифдан иборат “накиб” раҳбарлик қилувчи “маҳаллий жиҳоз”ни ташкил этади. “Х. т.” кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан Миср, Иордания, Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва б. давлатларда ўз фаолиятини яширин олиб бормоқда. Бугунги кунда бу тузилмага фаластинлик Абулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот 1992 й.дан Ўзбекистонда махфий фаолият юрита бошлади. Ҳизбчиларнинг мақсади: тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш, мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш, миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш, мамлакатга қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш, мустақил давлатни қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш. Бу диний ташкилотнинг 3 қураш босқичи бор. Булар 1) таскиф – тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузогига илтириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш; 2) тафоул – биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий қураш орқали “умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги” йўлида фикрий инқилобга

етишиш; 3) инқилоб – тўнтариш, ҳукуматни уммат орқали қўлга киритиш.

“Х.т.”нинг ғояси ислом таълимотидан узоқ, демократик-ҳуқуқий давлат конституциясига зиддир. У виждон эркинлигини суистеъмол этиб, сиёсий ҳокимиятга интилиш йўлини тутган.

“Х.т.” 1989 й.дан турли тилларда “ал-Ваъй” (Онг) номли ойлик журнал чиқариб, махфий равишда тарқатиб келади. “Х.т.”нинг расмий фаолияти араб давлатларида тақиқланган. Ушбу ташкилотнинг Иорданиядаги масъули шайх Аҳмад ад-Даур 1969 й. ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган, 32 аъзоси Мисрда судланган.

ҲИСБА – виждон амри ёки хизмат юзасидан шариат нормаларига амал этилишини назорат қилиш; уни амалга оширувчи шахс *муҳтасиб* деб аталади. Дастлаб халифа Али (қв) даврида қайд этилган, лекин Х. истилоҳи ўрнига дастлаб амр би-л-маъруф ва наҳй анил-мункар (“яхшиликка буюриш ва ёмонликни ман этиш”) ибораси қўлланилган, у кейинчалик Х. истилоҳини изоҳлаш учун ишлатилган.

ҲИШОМ ибн ал-ҲАКАМ, Абу Муҳаммад ал-Куфий (? – 814) – кинда қабиласи мавлоси – машҳур илоҳиётчи-мунозарачи, шиалик ақидаси асосчиларидан бири, шиалар тарихчиси ва назариётчиси; унинг издошлари ўзларини ал-хишомийа деб аташган. Восит ш.да тугилиб ўсган, Куфада яшаган. Имом Мусо ал-Козимдан 50 минг дирҳам олиб савдогарчилик б-н шуғулланган ва Бағдодга кўчиб бориб савдо уйини бошқарган. Бағдодда вафот этган. Жаъфар ас-Содикнинг шоғирди бўлган Х.и. ал-Х. ёшлиқдан фалсафа ва илоҳиёт муаммоларига қизиққан. Илмнинг етук намоёндалари б-н мулоқотда бўлиши натижасида у имомийлик ҳақидаги таълимотнинг энг зўр билимдони ва назариётчиси бўлиб етишган. Мусо ал-Козим ўз тарафдорларини қувгин қилинишдан сақлаш мақсадида уни илоҳиёт б-н шуғулланишини ва мунозаралар қилишини тақиқлаган.

Ўрта аср мусулмон олимлари Х. и. ал-Х.ни антропоморфизм (Аллоҳни инсон қиёфасида тасаввур этиш) ҳақидаги таълимот асосчиси деб ҳисоблашган. Дастлаб у Аллоҳни ёрқин, кўзни қамаштирувчи нурга, шаклсиз ёмбига, кристалга қиёслаган. Сўнгра, у бундан қайтиб,

худо – бу жисм, у ҳеч қандай жисмга ўхшамайди, у ўз ҳолича мавжуд. Унинг интиҳоси ва ўзаро тенг уч ўлчамда чекланган, ранг, ҳид, ҳаракат қилиш, ором олиш ва б.га эга, бироқ бу сифатларнинг барчаси бир-бирига ўхшашдир (унинг ранги унинг хидидир, унинг хиди унинг ҳаракатидир ва б.). Унинг турар жойи – тахт, лекин бу жой худонинг ҳаракати натижасида пайдо бўлган.

Х. и. ал-Х. 26 та асар ёзган, жумладан “Ихтилоф ан-нос фи-л-имомо” рисоласи шиаликдаги илоҳиётга доир илк асарлардан саналади.

ҲОЖИ – ҳаж маросимларини тўла-тўқис бажарган шахс. Одатда бундай кишиларга Х. сўзини қўшиб мурожаат қиладилар (мас. Аҳмад хожи, хожи бува, хожи ота, хожи она ва ҳ.к.). Қурбон ҳайити кунларидан бошқа вақтларда Макка ва Мадинани зиёрат қилганлар умрачи ёки арабча “муътамир” деб аталади. Қуйидаги шартларга жавоб берган кишилар Х. бўла олади; 1) ислом динида бўлиш; 2) балоғатга етмок; 3) эсли-хушли бўлмок; 4) кодир бўлмок, яъни: а) жисмонан соғломлик, б) ҳаж сафари учун ҳамда Ватанда қолаётган оила аъзоларининг харажати учун кифоя қиладиган маблағга эга бўлмок, в) аёл киши учун маҳрам (унга уйланиши мумкин бўлмаган эр қариндош) б-н бориши. Ўзи бормасдан бировга ҳақ тўлаб, сиртдан ҳаж (ҳажжи бадал) қилган одам ҳам Х. ҳисобланади. Х.лик – бирор имтиёз берадиган мансаб ёки лавозим эмас. Аксинча, у кишига жамоада камтарин, такводор, хусни хулқли бўлиб юриш масъулиятини юклайди. Ногирон кишилар ҳаж қилмоқчи бўлсалар, уларга доим қараб турадиган ёрдамчи лозим.

ҲОКИМ (“ҳал қилувчи”) – судланувчи тарафлар ўзаро келишувга биноан ишни ҳал этиш учун мурожаат қилишадиган холис судья (ҳакам). Х.га қози ҳузурида иш қўзгалгунча мурожаат қилиш тавсия қилинган. Х. ҳеч қандай ижроия ҳокимиятига эга бўлмаган, унинг мақоми белгиланмаган, у ҳеч ким томонидан тайинланмайди, балки ҳаётий тажрибаси ва обрў-эътиборига кўра, атрофдагилар томонидан қўйилган. Шунинг учун бир қабила ёки қишлоқда бир пайтнинг ўзида бир неча Х. бўлиб, бошқасида эса, умуман бўлмаслиги мумкин. Х. шахсига нисбатан қандайдир махсус талаблар қўйилмаган: ҳар қандай киши, гарчи унинг

хеч қандай маълумоти бўлмаса-да ва бирон-бир жисмоний нуқсонни бўлса-да Х. бўлиши мумкин. Х.нинг асосий мақсади томонларни келиштириш бўлиб, у ўз қарорларида бирон-бир ҳуқуқий манбаларга суяниши шарт бўлмаган, шу б-н бирга у ислом ҳуқуқи нормалари (фикҳ), одатий ҳуқуқ (одат) ёхуд ўзининг ҳаётий тажрибасига бирдай суяниши мумкин эди.

Ўрта аср давлат-маъмурий амалиётида Х. деб баъзан кичик шаҳар ёки қишлоқнинг сайлаб қўйиладиган раҳбарига, шунингдек, бирон-бир вилоятни бошқариш учун тайинланадиган ҳукумат амалдорларига айтилган.

ҲОЛ (кўплиги аҳвол; ёхуд ҳола, кўплиги ҳолат) – буюм, инсон, худо ва б. ҳолати. Қуръонда ушбу маънода қўлланилмаган.

Суфийлик “психология”сида Х. – Аллоҳга интилиш “йўлида” суфий, унинг иродасидан ташқари ва мукамалликка эришганлик даражасидан қатъи назар тушадиган ҳолати.

ҲОРУН (ас) – Қуръонда зикри келган пайгамбарлардан бири, Мусо(ас)нинг акаси. Аллоҳ таоло Мусо (ас)ни пайгамбар этиб, унга Фиръавнни даъват қилиш масъулиятини юклайди. Фиръавндек золим подшога рўбарў бўлиб уни имонга, ҳидоятга даъват этиш кишидан шижоат ва кучли ирода талаб қилар эди. Мусо (ас) бироз тезроқ ва дудукланиброк гапирар эдилар. Шу боис, Мусо (ас) Парвардигорга тазарру ила дуо қилиб, бу масъулиятли ва оғир вазифани адо этишда ўзига акаси Х.ни ёрдамчи қилиб беришни сўрайди. Қуръонда ёзилишича, ниҳоятда фасоҳатли ва таъсири сўзлаш қобилиятига эга бўлган Х. масъулиятли ва оғир вазифани адо этишда Мусо (ас)га ёрдамчи қилиб берилади (Тоҳо сураси 25–36-оятлар). Ака-ука Фиръавнни ҳидоят йўлига даъват этадилар. Аммо Фиръавн Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини эътироф қилмай, залолатдан қайтмайди. Ўзини худо деб билган Фиръавнни Аллоҳ ғарқ этиб ҳалок қилади.

ҲОРУТ ва МОРУТ – қилган гуноҳлари учун Бобилдаги зиндонга ташланган икки фаришта исми. Улар Қуръонда сеҳр билимдонлари ва уни одамларга ўргатувчилар, лекин уни қўллаш оқибатларидан уларни огоҳ этувчилар сифатида қайд этилган (Қуръон, 2:102/96).

Ақидага кўра, Аллоҳ инсонларни гуноҳкор эканлигини қоралаётган фаришталарни таъна

қилиб, улар ҳам ердаги йўлдан оздирувчи нарсалардан ўзларини имонда тиёлмай, покликни сақлаб қола олмасликларини айтган. Учта фаришта ўзларининг барқарор эканликларини исботлаш мақсадида ерга равона бўлишган. Уларнинг бири ердаги эҳтирослар ўзидан ғолиб келаётганини дарҳол сезган ва осмонга қайтган. Қолган иккитаси – Х. ва М. – ерда қолиб, гўзал аёлга илакишиб, унинг таъсирида кўп бемаъни ишлар қилишган – бутларга сифинишдан тортиб қотилликкача боришган. Уларга келажакдаги ҳаётда ёки ҳоз. ҳаётда жазоланишлари муддатини танлаш тақлиф қилинган. Улар ҳоз. ҳаётда жазоланишни танлашган ва шундан бери Бобилдаги зиндонга ташланганлар, у ерда занжирбанд ҳолда, ташналик азобида қиёматдан кейин озод бўлишларини кутиб ётишмоқда. Кимки сеҳргарликни ўрганмоқчи бўлса, уларнинг ёнига келади.

ҲОШИМИЙЛАР, бану хошим – 1) Муҳаммад (сав) бобо калонлари Хошим ибн Абдуманноф авлодлари: Расулulloҳ (сав) мансуб бўлган уруғ-хонадон. Х. Муҳаммад (сав) ҳаётларида, ул зот вафотидан сўнг эса араб-муслмон тарихида муҳим роль ўйнаган (қ. *Аҳли байт, шариф, саййид, ал-Алавийа, хўжа*).

2) Х. бир қанча муслмон ҳукмдорлари сулоласини шакллантирганлар. Чунончи, 10-адан 1924 й.гача Макка шарифлари, унинг ҳокимлари. Бу сулола вакиллари (ал-Ҳавошим-Ҳошимийлар) 20-а. бошида Ҳижозда (1908–1925) ва Ироқда (1921–1958) давлатни идора этишган, 1921 й.дан Иордания Ҳошимийлар қироллигида, Х.нинг бошқа бир тармоғи эса Марокаш Қироллигида (10-адан) ҳокимиятни бошқариб келмоқда.

ҲУБАЛ – қад. араб маъбуди, кинона қабилалар уюшмаси ва уларнинг ўтроқ тармоғи – Қурайшийлар ва Макка ш. ҳомийси. Ривоятларга кўра Х. кинонийларга Шим. Арабистон (Набатей)дан ўтган. Маккада унинг санамлари бешакл тош ҳамда сердолик хайкалча кўринишида мавжуд бўлиб, синдирилган ўнг кўли олтин қўл б-н алмаштирилган. Бу санам Каъбани ичида жойлашиб, унинг бош маъбуди бўлган.

Х. учта маъбуда – ал-Лот, ал-Узза ва Манатнинг эри, момоқалдиروق ва ёмғир ҳукмдори ҳисобланган. Унинг ҳайкали ёнида камон ўқлари ёрдамида фол очишган. Маккалик

мушрикларнинг мусулмонлар жамоаси б-н кураши даврида Х. Аллоҳга қарши қўйилган, бироқ бу ҳақда Қуръонда зикр этилмаган. Макка фатҳидан сўнг Х. санами Каъбадан чиқарилиб, парчалаб ташланган.

ХУД (ас) – Қуръонда зикр қилинган пайгамбарлардан бири. Қуръонга кўра, у Од қавмига пайгамбар қилиб юборилган. Бу қавм гавдали, жисмонан бақувват кишилардан иборат бўлиб, Яман ва Уммон ўртасидаги Аҳқоф деган жойда яшаган, бутларга сиғинган, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват этган Х.ни таҳқирлаб, ёлгончи ва ақли заиф деб атаган. Х. (ас) ўз қавмини агарда ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмасалар аввалда ўтган саркаш қавмларга бўлгани каби, буларга ҳам Аллоҳнинг азоби нозил бўлишидан огоҳлантиради. Аммо Од қавми бари бир ўз залолатида давом этавердилар ва Х. (ас)га итоат этмадилар. Шу кундан сўнг Аллоҳ 3 йил ёмғир ёдирмай, қурғоқчиликка гирифтормас этса ҳам, бу қавм тавба-тазарру қилмаган. Ўз қавмининг имон келтиришидан умидини узган Х. (ас) ўзига имон келтирган мўминлар б-н Маккага кетиб ўша ерда вафот этган. Ҳидоятга юрмаган қавм устига эса Аллоҳ қучли бўрон юбориб, ҳаммаларини ҳалок қилди (“Ал-ҳаакқа” сураси 6–7-оятлар).

ХУЖВИРИЙ, Абу-л-Ҳасан Али ибн Усмон ал-Ғазнавий ал-Жуллабий (? – 1072–1076/77 й.лар оралиги) – форс тилида суфийликка доир биринчи асар муаллифи. Унда суфийлик тарихи ва моҳияти, суфийлар дунёқараши ва амалиёти систематик тарзда баён этилган. Хужвир (Ғазнадаги маҳалла)да тақводор оилада туғилган. Ҳанафий мазҳабига эътиқод қилувчи сунний Х., ал-Жунайд (910 й. в.э.) суфийлик мактабининг изчил тарафдори бўлган. Ҳаётининг кўп қисмини сафарда ўтказиб, Фарғонадан Ҳузистонгача, Ҳиндистондан Суриягача бўлган мамлакатларни кезган. Ҳаётининг сўнгги давлари Лоҳурда кечган, бу ерда у бизгача етиб келган ягона (10 тадан) асари – “Кашф ал-махжуб ли-аброр ал-қулуб”ни ёзган. Асар 2 қисмдан иборат. Биринчи – кириш қисми 14 бобдан ташкил топиб, унда суфийликдаги ихтиёрий кашшоқлик ва руҳий поклик масалалари таҳлил этилган, 74 суфий-шайхлар таржимаи ҳоли келтирилган, 2 асосий оқим (гарбий ва шарқий) борлиги қайд этилган, шунингдек,

суфийликдаги 12 “мактаб” ёки мазҳаб таълимотлари таҳлил қилиниб, шундан “10 таси маъқул топилиб, 2 таси эса, рад этилган”. Иккинчи қисм, асосан, жавоблардан иборат бўлиб, “Кашф ал-ҳижоб” деб номланган 11 қисмдан иборат. Унда фалсафий қоидалар, суфийликдаги таълимотлар ва амалиёт, уларни шариат нормаларига мос келиши, суфийлар орасида қабул қилинган техник терминлар ва б. кўрилган. Асар кейинги даврда суфийликка доир форс тилида ёзилган адабиётларга улкан таъсир кўрсатган.

ХУЖЖА (кўплиги хужаж, “далил”, “исбот”, “далил келтириш”) – калом, фалсафа, лочика (синонимлари далил, бурҳон) ва фикҳда (синонимлари баййина, шаҳода, иқрор) кенг ишлатиладиган истилоҳ. Қуръонда бир неча бор фақат Аллоҳгина ишончли далилларга эга эканлиги уқтирилган (6:83, 149/150), инсонларни Аллоҳга қарши вазлари Унинг нигоҳлари олдида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас (42:15/14; 45:25/24).

Хужжат ал-ислом (“Исломнинг исботи”) ибораси юқори мартабали илоҳиётчиларнинг фахрий унвонига айланган. Бу унвонга дастлаб ал-Ғазолий (1111 й. в.э.) сазовор бўлган. Ҳоз. шиалик оламида (авваламбор Эрон, Ироқда) Х. ал-и. унвони оят Аллоҳ ал-узмо (“Аллоҳнинг энг буюк ишораси”) ва маржаъ ат-тақлид (“Тақлид қилиш манбаси”) унвонлари қаторида энг баланд мартабали мужтаҳид – оятуллоҳларга берилади (яна қ. *Хужжат ал-ислом*).

ХУЖЖАТ ал-ИСЛОМ (араб. – ислом хужжати, исломнинг исботи мазмунида) – ўрта асрларда баъзи йирик илоҳиётчиларга берилган диний унвон. Суннийларда кейинчалик қўлланилмай кетган, лекин шиалик уламолари ўртасида расмий унвон сифатида баъзи мамлакатларда (Эрон, Ироқ) сақланиб келмокда. Х. ал-и. унвони Оятуллоҳ унвонидан қуйи мавқеда туради. Бу унвонга илк бор имом Ғазолий (1111 й. в.э.) сазовор бўлган. Сафавийлар даврида Эронда Х. ал-и. унвонини энг машҳур мужтаҳидлар олган. Х. ал-и. соҳиблари одатда шиаларнинг муқаддас шаҳарлари (Карбало, Нажаф ва б.)да яшаган. **ХУЛМОНИЙЛАР**, ал-Хулмонийа – Абу Хулмон ал-Форисий ал-Халабий (тахм. 950 й. Дамашқда в.э.) тарафдорлари. Дастлаб Дамашқда пайдо бўлган. Х.ни суфийлар

каторига кўшишган, улар пантеизмнинг ёрқин акс этган эстетик шаклини тарғиб этганлар. Улар бу дунёда гўзалликнинг ҳар қандай кўриниши илоҳий мужассамотдир деб ҳисоблашган. Ҳар қандай гўзал деб топилган нарсага улар сажда қилишган. Ақоид олимлари уларни Аллоҳни муайян нарсалар ва шахслар б-н ўхшатишда (хулул), шариат кўрсатмаларига нисбатан беписанд муносабатда бўлишда (ибоҳийа), руҳларни кўчиб юришини эътироф этишда айблаганлар.

ХУЛУЛ (ҳалла феълидан – “кўчмоқ”, “жойлашмоқ”) – бир буюмнинг бошқасида бўлиши, жойлашиши, намоён этиши. Бу маънода Х. истилоҳи Қуръонда қўлланилмаган. Ўрта аср мусулмон таълимотларида Х. деганда қуйидагилар тушунилган: 4) жисмлар ва мавҳумотларда тасодифий ҳолатнинг бўлиши (хулул ал-аърод фи-л-ажсом ва-л-мужаррадот); б) яхлитда қисми; в) буюмда белгини (хулул ан-ноъит би-л-манъут); г) руҳнинг танада бўлиши (хулул ар-руҳ фи-л-бадан). Хақиқий Х. деб бирининг мавжудлиги иккинчисининг мавжудлигига айланган икки буюмни уйғун бўлишига айтилган.

Ислонда Х. тарафдорлари “ўта” шиалар ҳисобланиб, улар Али ва айрим суфийларни илоҳийлаштирганлар.

ХУМАЙНИЙ Рухулло Мусовий (1900–1989) – дин ва давлат арбоби. Эроннинг Ароқ ш. яқинидаги Хумайн кишлоғида руҳоний оилада туғилган. Аввал Ароқда, кейин Қумда ўқиган. ўша ерда мадрасада дарс берган. 50-й.лар охирида Оятуллоҳ унвони б-н атала бошлаган. Эронда шоҳ ҳокимиятига қарши кураш олиб боргани учун шоҳ жандармерияси томонидан 1963 й.да қамалган, 1964 й.да Туркияга бадарға қилинган. 1965 й.да Ироққа бориб, шиаликнинг муқаддас маркази ҳисобланган Нажафда мадрасада дарс берган. Шоҳ ҳукуматининг талаби б-н 1978 й.да Х. Ироқдан ҳам бадарға қилинган. Кувайт ҳукумати унга мамлакатга келишга ижозат бермагандан кейин, Парижда жойлашган. У ердан туриб, шоҳ ҳокимиятига қарши курашни ва Эронда бошланган инқилобий ҳаракатга йўлланма беришни давом эттирган. Шоҳ ҳокимияти ағдарилгандан сўнг 1979 й. февр.да Эронга қайтиб келган. Эрон Ислон республикаси ташкил этилгандан кейин Х. расман давлатнинг диний раҳбари (вилояти фақих) деб конституцияда эътироф этилган.

Диний раҳнамо сифатида у “маржаи тақлид” ҳисобланиб, *имом* деб юритилган.

ХУРЛАР (араб. хур ал-айн–шахло кўз) – ислон анъанаси ва Қуръонга кўра, такводорлар б-н биргаликда жаннатда яшайдиган қизлар. Қуръон (2: 23; 3:13; 4:60)да улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан холи бўлган, одам ҳам, жин ҳам тегмаган (55:56, 74), бир-бирига тенг, бокира, гўзал қизлар деб тасвирланади. Қуръон шарҳловчиларининг фикрича, Х. жаннатга тушган такводорларга уларнинг қилган савоб ишлари эвазига хотин қилиб берилади.

ХУРУФИЙЛАР – 14–15-а.ларда Эронда вужудга келган гулот шиа фиркаларидан бирининг тарафдорлари. Фиркага Фазлуллоҳ Астрободий (тахм. 1340 й.да туғилган) асос солган. 1386–87 й.ларда у ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотни илгари сургани учун ал-Хуруфий (луғавий маъноси “харфчи”) тахаллусини олган, фирканинг номи шундан келиб чиққан. Тарихий маълумотлар бўйича, уни Амир Темур Ширвонга бадарға қилган, шу сабабли Х. Темур ва унинг хонадонидан бўлган ҳукмронларга нафрат б-н қараган. Темурнинг Эрон ва Озарбайжон ерларида ҳукмрон бўлган ўғли Мироншоҳни улар дажжол деб таърифлаган. Х. тез вақт ичида Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Сурияда тарқалган. Х. олам абадий, инсонда худонинг қиёфаси акс этган, олам тараққиётининг ҳар бири босқичида худо қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади, ана шунда инсоннинг ўзи Худо бўлади, охирги пайғамбар – Муҳаммад, авлиёларнинг биринчиси Али, ўн биринчи имом Ҳасан ал-Аскарӣ эса, имомларнинг охиргиси, Фазлуллоҳ Астрободий – худо мужассамлашган биринчи инсон, деган таълимотни илгари суради. Тез орада ерга Маҳдий келиб, илоҳий адолат ўрнатади, барчани тенг қилади, инсоннинг инсонга зулм қилиши тугайди, деб кутади. Улар мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли кураш тарафдори бўлган, 1426–27 й.ларда Ҳиротда темурийлардан бўлган ҳукмдор Шохруҳга қарши суикасд уюштириб, уни ярадор қилди, лекин у тирик қолди. Кўлга олинган Х. махфий ташкилотининг аъзолари беаёв жазоланди ва жасадлари оловда ёндирилди. Х. қаттиқ таъқиб остига олинди ва кейинчалик Эронда тугаб кетди.

ҲУСАЙН ибн Али (626–680) – Али ибн Абу Толиб(қв)нинг (Фотимадан туғилган) кичик ўғли, Муҳаммад (сав)нинг набиралари, учинчи шиа имоми. 669 й.да Ҳасан вафот этгандан кейин Али(қв) тарафдорлари уни ўз раҳбари деб эълон қилган. 680 й. халифа Муовия ўлгандан кейин Ироқда умавийларга қарши ҳаракат фаоллашган. Ҳ. Язидга байъат қилишдан бош тортган. Куфа шиалари Ҳ.ни ўзларининг имоми деб тан олиб, Куфага таклиф этган ва халифа Язидга қарши кўзғолонга бош бўлишни сўраган. Ҳ. Маккадан Куфага жўнайди. 70 жангчиси б-н Куфага яқин Карбало даштига етиб келганида халифа Язиднинг 4 минг кишилик кўшини унга қарши чиққан. 680 й. 10 окт. куни Ҳ. жангда шаҳид бўлган, жасади ўша ерга дафн этилган. Шу муносабат б-н Карбало шиаларнинг асосий муқаддас зиёратгоҳига айланган. Ҳ. ҳалок бўлган сана шиаларда мотам куни сифатида нишонланади (қ. *Ашуро*).

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ (1440–1505) – илоҳиётчи, шоир ва адиб. Хуросон вилояти Сабзор ш. Байҳақ кентда таваллуд топган. Асосан, Ҳиротда яшаб, узоқ йиллар бу ердаги мадрасаларда дарс берган. Қуръонга тўрт жилдли шарҳ битган. Шунингдек, дин тарихи, риёзиёт, фалакиёт, кимё, фикх, адабиёт ва санъат соҳаларини тўлиқ ўзлаштирган ва бу фанларга оид 200 дан зиёд асар ёзган. Ҳ.В.К.

воиз, нотик сифатида ҳам донг таратган. “Ахлоқи Муҳсиний”, “Жавоҳирнома”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Ахлоқи Карим”, “Тафсири Хусайний”, “Футувватномаи Султоний”, “Анвори Сухайлий”, “Оинаи Искандарий” каби китобларида дин-диёнат, маънавият, давлатни бошқариш, комил инсонни тарбиялаш масалалари, гуноҳ ва савоб, виждон, бурч сингари тушунчалар ёритилган. Унинг фикрича, Аллоҳ яратган инсон зоти дунёдаги энг юксак, олижаноб мавжудотдир, бинобарин унда саховат, шижоат, сабр-тоқат, ростгўйлик ва камтарлик каби фазилатлар мужассам бўлиши шарт. Кишилар бирлашиб, жамиятни ҳосил қилади. Жамият, давлат эса, адолатли бошқарилса, шариатга, диёнатга риоя қилинса, одил сиёсат юритилса жамият, мамлакат ривожланади, халқ яхши яшайди. “Рашаҳот айни-л-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан томчилар”) асарида нақшбандийлик тариқати машойихлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳ.В.К. яратган асарлар ўнлаб йиллар давомида Хуросон мадрасаларида дарслик сифатида мутолаа қилинган, Ўрта Осиё ва Эрон тарихи ҳамда маданиятини ўрганишда муҳим манба саналиб, араб, эски ўзбек, татар, инглиз, француз ва б. тилларга таржима этилган, Шарку Фарб мамлакатларидаги кутубхоналардан ўрин олган. Ҳ.В.К.нинг “Футувватномаи Султоний” асари нашр этилган (Тошкент, 1993).

Асосий муаллифлар рўйхати

Абдулхай Абдуллаев
Абдулхай Абдурахмонов
Абдуқаюм Азимов
Марфуа Алавия
Махфуза Алимова
Мансурали Араббоев
Муҳаммад Аҳмад
Сирожиддин Аҳмедов
Шамсуддинхон Бобохонов
Абдулҳаким Жузжоний
Зоҳиджон Исломов
Ҳамидулла Кароматов
Абдулазиз Мансуров
Маҳкам Маҳмудов
Аҳмад Мубашшир
Зоҳидилло Мунавваров
Соат Мусаев
Исмоил Муҳаммад Юсуф
Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф
Салоҳиддин Муҳитдинов

Аширбек Мўминов
Баходир Нурмуҳаммад
Султонмурод Олимов
Қаҳрамон Ражабов
Нодир Рамазонов
Илҳом Султонов
Абдулҳамид Турсунов
Алишер Турсунов
Аҳмад Турсунов
Убайдулла Уватов
Даврон Шораҳмедов
Абдурахмон Ғофуров
Аъзам Камбаров
Зоҳидхон Қодиров
Муҳаммаджон Қодиров
Суюн Қораев
Муҳаммад Аюб Ҳамидов
Аҳаджон Ҳасанов
Фаҳриддин Ҳасанов
Зухриддин Хусниддинов

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти**

Директор: *Нурислол Тўхлиев.*
Директор ўринбосарлари: *Даврон Шорахмедов,*
Муроджон Аминов.
Масъул котиб: *Фахриддин Хасанов.*

Нашрни тайёрлашда иштирок этганлар:

Соат Мусаев (Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти мудир),
Носир Муталов (етакчи илмий муҳаррир), *Илмия Мелиқулова*
(I-тоифа илмий муҳаррир), *Зулфия Фуломова* (II-тоифа илмий
муҳаррир), *Искандар Ходиев* (Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи),
Асқар Ёқубжонов (бадний муҳаррир), *Сергей Соин* (рассом),
Мухтабар Абдуллаева, Доно Хасанова, Саида Исломова
(операторлар).

Ислом

Энциклопедия

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
Тошкент - 2004

(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

И 80 Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ /З.Хусниддинов
тахрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий
энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
2003. - 313 б.
ББК 86.38я2

2003.15.02 да теришга берилди. 2004.15.01 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{16}$.
Офсет қоғозда босилди. 30,33 нашриёт-ҳисоб табағи. 36,12 шартли босма табок.
Адади 5 000 нусха. Баҳоси шартнома асосида. А–5301 буюртма.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси.30-уй.